

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Фан ва
технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат

ва жамият қурилиши академияси

Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти

ФОЯЛАР ФАЛСАФАСИ тажрибавий қўлланма



"Акайепиуа"
Тошкент —2011

УДК:1 БВК

87.22 Н18

Назаров, Қиёмиддин.

Фоялар фалсафаси/Назаров К ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жа-мият курилиши академияси. ЎзР Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Фан ва техно-логияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси. -Т.: Акайегшуа, 2011.

КВИ 978-9943-300-89-7

УДК 1

ББК 87.22

Илмий мухаррир: фалсафа фанлари доктори, профессор Х. О. Шайхова
Такризчилар: педагогика фанлари доктори, профессор М. Қуронов социология
фанлари доктори, профессор А. Холбеков

Мустакил ривожланиш йўлидан бораётган халқимиз тараққиётининг гоявий тамо-йилларини, Юрт тинчлиги, Ватан равнаки, Xalq farovonligi гояларига садоқат туйгуларини шакллантиришга ёрдам берадиган мавзуларни ўрганиш "Фоялар фалсафаси" фанининг мазмун-моҳиятини белгилайди.

Мазкур фан доирасида "гоя" ва "мағкура" тушунчалари, уларнинг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш хусусиятлари, халқлар ва давлатлар тақдирига тъсири, ҳозирги замондаги мағкуравий жараёнлар, аҳоли, айниқса, ёшлар қалби ва онгиди бузгунчи ҳамда вайронкор ғояларга нисбатан огоҳлик ва хушёрлик хусусиятлари шаклланиши билан боғлиқ масалалар ўрганилади.

Кўлланма Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимидағи 5141500 - "Мил-лий ғоя, маънавият асослари ва ҳукуқ таълими" бўйича магистратура ва бакалав-рият босқичи талабалари учун тайёрланган.

Ушбу китоб мазкур фан ҳақидаги дастлабки кўлланма, шу соҳадаги илк тажрибалардан бири. Уни келажакда тўлдирилган ва янада бойитилган ҳолда чоп этиш заруратини ҳисобга олиб, фикр-мулоҳазаларингизни куйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси - 45, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси. Телефон: 239-89-00; Тошкент шаҳри, "Ёшлар шахарчаси", ЎзМУ Фалсафа фа-культети. Телефон: 246-67-72.

18BM 978-9943-300-89-7

© Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият курилиши академияси, 2011.

Кириш

"Фоялар фалсафаси" мустақиллик йилларида ўрганиш имкони очилган фанлардан биридир. Мазкур фаннинг мақсади эзгу foялар ва соғлом мафкурадан маҳрум бирон-бир жамиятнинг узокқа бора олмаслигини, ҳар қандай миллат ва жамият ўз тараққиётининг foявий-мафкуравий тамойилларини белгилаб олиши зарурлиги ижтимоий жараёнларнинг муқаррар қонунияти эканлигини ёшлар-нинг қалби ва онгига сингдиришдан иборат.

Бугунги кунда ўз олдига янги ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш каби эзгу мақсадларни қўйган халқимиз тараққиётнинг бошқа соҳалари каби foявий тамойилларини ҳам аниқ белгилаб олди. Бу эса, ўз навбатида, Президент Ислом Каримовнинг "Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар", деган фикрининг ҳаққонийлигини исботлайди. Биз ушбу ҳаёт ҳақиқатини аҳоли, ай-ниқса, ёшлар қалби ва онгига сингдиришимиз лозим. Бу борада "Мил-лий foя, маънавият ва ҳуқук асослари" мутахассислиги, у билан боғлиқ илм соҳалари қатори "Фоялар фалсафаси" ўқув фанининг таълим тизимиға жорий этилиши мухим воеа бўлди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги замон илм-фанида "Фоялар фалсафаси"ни фан сифатида тавсифлаш, унга хос конун ва категориялар, тушунча ва тамойилларни умумий тизимга кел-тириш билан боғлиқ назария ҳамда амалиёт масалалари Прези-дент Ислом Каримовнинг асарлари, айниқса, «Юксак маънавият, ~ енгилмас куч» китоби чоп этилиши натижасида ҳал қилинди¹. Ушбу асарлар туфайли foялар фалсафасининг конунлари, катего-рия ва тушунчаларининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шаклла-ри ва ўзига хос хусусиятларини муайян фанга хос умумий тизим сифатида тавсифлаш учун назарий-методологик мезонлар яратил-ди. Кейинги йилларда Президентимиз асарлари асосида "Маънави-

Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. -Т.: «Маънавият», 2008. -176 б.

ят асослари", "Миллий истиқлол ғояси" йўналишларида кўплаб китоб ва рисолалар. дарслик ва қўлланмалар чоп этилди.

Юртбошимиз томонидан асослаб берилган мазкур йўналишда-ги фанлар қатори "Фоялар фалсафаси" ўкув курсини ўрганиш ва ўргатишда қуйидагилар муҳим аҳамият касб этади:

- мустақиллик биз учун энг олий қадрият, уни асраб-авай-лаш ҳар биримизнинг мукаддас бурчимиз эканини ёшларнинг қалби ва онгига сингдириш;

- ёшларда ғоялар ўз маъно-моҳиятига кўра бунёдкор ёки вай-ронкор бўлиши, уларнинг халқлар ва давлатлар тараққиётига таъ-сири. хозирги замоннинг мағкуравий манзараси, бузғунчи ғоялар-нинг таъсиридан ҳушёр ва огоҳ бўлиш шартлари ҳамда мезонлари ҳақидаги хаётий ва ҳаққоний тасаввурларни шакллантириш;

- ўкув машғулотларини олиб бориша ўқувчи ва талабалар-нинг ёши, тафаккури, дунёқарashi ва қизиқишиларини ҳисобга олиш, таълим-тарбиянинг илғор, таъсирchan воситаларидан, замонавий ўқитиш технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш;

- айрим тушунчаларни ҳаддан зиёд соддалаштириш, таълим-нинг эскича услугуб ва тамойилларини қўллаш натижасида фан-нинг қадрсизланишига йўл қўймаслик;

- таълим жараёнида тазиик ўтказмасдан маърифий асосда иш тутиш, ёшларнинг мустақил ва эркин фикрлаш, баҳс-муно-зара юритиш кўникмаларини ошириш.

Булардан ташқари, ғоялар фалсафасининг мазмун-моҳияти-ни тушунтиришда ўқитувчи ва тингловчилар орасида ўзаро ҳам-фикрлик ҳамда ҳамкорлик мухитини шакллантириш, мавзулар-нинг тушунча ва тамойилларини шарҳлашда ҳаётий мисоллар, бугунги дунёда рўй бертаётган воқеалар таҳлилидан, матбуот ма-териалларидан кенг фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай китоб, дарслик ва қўлланма бирон-бир соҳада тўпланган тажриба ҳамда билимлар йифиндиси, уларнинг муайян маънодаги инъикосидир. Юртимизда мустақил-лик йилларида бошқа соҳалар каби, ғоя ва мағкура йўналишида-ги билимлар ривожи масалаларига алоҳида эътибор қаратилди, кўплаб китоб ва рисолалар, ўкув адабиётлари яратилди. Гарчанд "Фоялар фалсафаси" мавзууда қўлланма ва дарслик бўйича ҳали-гача тайёр андоза бўлмаса-да, шу йўналишда тўпланган назарий манбалар ва амалий тажрибанинг муҳим аҳамиятга эгалига шуб-ҳасиз. Бу борада қатор мутахассис ва тадқиқотчиларларнинг асар-лари ҳамда изланишларини алоҳида қайд этиш лозим.

Шу маънода, ушбу китобни тайёрлашда "Маънавият асосла-ри" ва "Миллий истиқдол гояси" йўналишидаги илмий манбалар-нинг муайян мавзуларга мос жойларидан фойдаланилганини эъти-роф этиш ва уларнинг муаллифларига миннатдорчилик билдириш жоиз, деб ҳисоблаймиз. Ўз навбатида, мазкур қўлланма "Гоялар фалсафаси" мавзуидаги илк тажрибалардан бири эканлиги, унда баъзи маромига етмаган ва баҳсталаб жойлари бўлиши мумкинли-ги, китобни қайта ишлаш ва янада такомиллаштириш имкони бор-лигини ҳисобга олган ҳолда, у ҳакдаги фикр-мулоҳазаларни наш-риёт ёки муаллифга юборишингизни сўраймиз.

1-боб. Фоялар фалсафаси фанининг мазмун-моҳияти, шаклланиши ва такомил босқичлари

1-мавзу. Фоялар фалсафаси фанининг мавзулари, мақсади ва вазифалари

Хар қандай фаннинг муайян билимлар тизими сифатидаги ўзига хос мавзулари, тушунчалари, қонун ва категориялари бўлади. Уларнинг барчаси мазкур фан ўрганадиган соҳанинг ўзига хос ху-сусиятлари билан чамбарчас боғлиқ. Биз ўрганишга киришаётган "Фоялар фалсафаси" фани ҳам бундан мустасно эмас, яъни унинг ўз предмети, қонун ва категориялари, мақсад ва вазифалари бор.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, собиқ иттифоқ даврида foялар дунёси, унинг ўзига хос қонуниятлари, уларнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ўрганувчи алоҳида фан йўқ эди. Ҳатто, шу соҳа мутахассисларини, яъни фалсафа бўйича кадрлар тайёрлайдиган университетларда ҳам бу борадаги мавзулар муайян фаннинг асосини ташкил этадиган илмий тизим сифатида ўқитилмас эди. Бунинг асосий сабаблари-ни қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, ўша давр мафкураси тараққиётнинг асосий қонуниятларини тўғри тушунтириб берадиган яккаю ягона таълимот, деган соҳта ақида мутлақ ҳақиқат сифатида эътироф этилар эди. Оқибатда бу соҳадаги мутахассисларда мазкур мафкуранинг асос-ларини атрофлича ва чуқур ўрганса бас, деган қараш хукмрон - бўлиб қолган эди. Айнан ана шундай қараш умуминсоний аҳами-ятга молик бўлган foя ва мафкуралар тўғрисидаги фан — "Идео-логия"нинг ўрганилмаслигига олиб келди. Умуман, собиқ иттифоқ даврида социология, культурология, политология каби фанлар ҳам умуминсоний тамойиллар асосида ўқитилмас, аксиология, конфликтология, акмеология, геополитика тўғрисида етарли маълумотлар берилмас эди.

Иккинчидан, foялар ва мафкуралар тўғрисидаги билимларни эгаллаш ушбу соҳанинг ўз қонуниятлари ҳамда амал қилиш тамойиллари борлигини яққол кўрсатиб қўйган бўлур эди. Бу эса,

табиий равища, мазкур йўналишда пайдо бўлган назария ва таълимотларнинг мазмун-моҳияти, қандай мақсадларга қдратил-гани, кимларга хизмат қилиши тўғрисидаги аниқ тасаввур ва ту-шунчаларни шакллантирар эди. Бинобарин, бу — жамият тарак-қиётида антогонистик зиддиятларни мутлақлаштириш, инсони-ятнинг бир қисмини синфлар тарзида йўқ қилиб юбориш, қолган қисмининг устидан эса диктатура ўрнатиш орқали дунёning хаё-лий жаннати — коммунизм қуришни тарғиб қиласиган сохта таълимотнинг асл қиёфасини ошкор қилиб қўяр эди.

Учинчидан, собиқ шўро даврида бу соҳадаги мутахассислар-нинг онги ва дунёқарашини умуминсоний тамойиллар, қонун-қоидалар билан эмас, балки тоталитар мафкура ва мустабид ту-зумнинг мақсадлари йўлида шакллантиришга хизмат киласиган баъзи "фан"лар ўйлаб топилди ва таълим тизимида киритилди. Масалан, олий ўкув юртларининг файласуф, социолог каби му-такхассисларни тайёрлайдиган бўлимларида "Буржуа фалсафа-сини танқид", "Хозирги замон Ғарб социологиясини танқид" каби ўкув курслари ўқитилар эди. "Илмий коммунизм", "Илмий ате-изм" бўйича дарс олиб бориш барча олий ўкув муассасаларида таълим тизимининг таркибий қисми эди. Мустақилликка эришга-нимиздан кейин ахвол тубдан ўзгарди, ижтимоий фанларнинг за-монга мос янги тизими шаклланди.

Биз ўрганишга киришаётган "Гоялар фалсафаси" ўкув фани ўзининг категориялари, тушунча ва қонуниятлари, мақсад ва ва-зифаларига эга. "Фоя" ва "мафкура" тушунчалари, уларнинг халқ-лар ва давлатлар тақдирига таъсири, хозирги замондаги мафку-равий жараёнлар, миллий истиқлол ғоясининг шаклланиш қону-ниятлари, намоён бўлиш хусусиятлари, уни халқимиз қалби ва онгига сингдириш йўллари ва усуллари **ушбу фаннинг асосий мав-зуларини** белгилайди.

"Гоялар фалсафаси"нинг тушунчалари, категориялари ва тамо-йиллари бир бутун, яхлит тизим шаклида намоён бўлади. Уларни фуқароларимиз қалби ва онгига сингдириш усуллари, омиллари ва воситалари ҳам ана шу тизимнинг таркибий қисми бўлиб, фаннинг асосий тушунча ва категориялари қаторида ўрганилади. "Фоя", "бунёдкор гоялар", "вайронкор гоялар", "гоявийлик", "ғоясизлик", "гоявий тамойиллар", "ғоялар тизими", "гоявий тарбия", "мафку-ра", "мафкуравий тизим", "мафкуравий жараёнлар", "мафкуравий фаолият", "мафкуравий полигон", "мафкуравий иммунитет", "маф-куравий профилактика" ва бошқалар ана шу фан ўрганадиган ту-

шунча ҳамда категориялар сирасига киради. Шу билан биргә, бу фанни ўрганиш жараёнида ғоялар тизимининг ижтимоий тараққи-ётга боғлиқлик қонуни, ҳар қандай жамиятнинг ўзига хос ғоявий тизими ва тамойиллари бўлиши шартлиги, унинг ижтимоий тузи-лишига мос келадиган мафкуравий ҳимоя тизимини яратиши за-рурлиги тўғрисидаги қонун-қоидаларнинг мазмун-моҳияти ва на-моён бўлиш хусусиятларини билиб олиш мумкин.

• "**Фоялар фалсафаси**" фани, аввало, ғоя ва мафкураларнинг тарихи ҳамда фалсафий илдизлари ҳакида чукур билим беришга қаратилган. Бу, ўз навбатида, ушбу тушунчаларнинг мазмунини, уларнинг бунёдкорлик ва вайронкорлик хусусиятлари, инсоният тараққиёти учун ижобий ёки салбий аҳамият касб этиши, мил-лий истиқлол ғоясининг бунёдкорлик моҳияти, мустақилликни энг муқаддас қадрият сифатида асраб-авайлаш ҳар биримизнинг оли-жаноб бурчимиз эканини англашга ёрдам беради.

Ушбу фан "ғоя", "мафкура" тушунчаларини қай тарзда ва қан-дай йўналишда ўрганади? Маълумки, одамзод яратган маънавий бойликлар орасида ғоялар соҳасида тўплланган билимлар муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Дунёнинг буюк донишманлари, юксак тафаккур соҳиблари юрти ҳамда халқининг орзу ва мақ-садларини ўз ғоялари, назария ва таълимотлари мисолида ифода этганлар. Улар жамият фаровонлиги ва миллат равнақи учун хизмат қиласиган юксак ғояларни яратганлар. Бу ғояларнинг халқни улуғ мақсадларга етакловчи байроқ сифатида намоён бўлиши ва муайян давр мафкураси учун асосга айланиши инсоният тараққиётида катта аҳамият касб этган.

Фоялар тўғрисидаги билимларга инсоният тарихининг энг қади-мий даврларидан бошлаб катта эътибор берилган. Бу атаманинг мазмун-моҳияти Фарб мамлакатларида "идея" тушунчаси орқали ифодаланади. "Идея" грек тилидаги "Ic1ea" сўзидан олинган бўлиб, қадимда у "образ", "ташқи кўриниш" деган маъноларни англатган. "Фоялар фалсафаси" ва тарихида ғоя ҳамда мафкураларнинг инсон, жамият, давлатлар тақдирига таъсири масалалари ҳам ўрганилади. Кўпгина мутахассисларнинг фикрича, қадимги дунё-да "ғоя" ва "мафкура" тушунчалари қарийб бир хил маънода иш-латилган. Бунда асосан ушбу тушунчаларнинг инсон дунёқара-ши ва эътиқодини шакллантиришдаги ўрни ҳамда аҳамиятига кўпроқ эътибор берилган. Масалан, ҳозирги диншуносликда дин-нинг илк шакллари деб талқин қилинадиган "анемизм", "тоте-мизм", "фетишизм" каби оқимлар талқини мисолида бу ҳол яққол

кўзга ташланиб туради. Уларнинг ҳар бири муайян ғояга ишонч ва эътиқод ҳамда уларни бир қадар мутлақлаштириш натижаси-да дунёга келган. Улар ўз даврида уруғ ёки қабилани, эл ёки элатни бирлаштириш, уларнинг дунёқарашини маънавий тартибга со-лиш ва мувофиқлаштириш учун мезон бўлиб хизмат қилган. Ай-нан ана шу маънодагина уларни мафкура вазифасини бажарган диний эътиқод шакллари дейиш мумкин.

Кейинчалик "ғоя", "мафкура" тушунчаларининг мазмуни ва кўлами кенгайиб борган. Катта-катта ҳудудларда яшайдиган ҳалқ-ларни бирлаштирган ғоя ва мафкуралар пайдо бўлган. Улар бу ҳудудларда яшаётган кишилар ҳаётида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган. Аждодларимизнинг бундан қарийб уч минг йил илгари-ги қарашлари, ғоялари ва эътиқодини акс эттирувчи манба — "Авесто" китоби мисолида буни яққол кўриш мумкин.

"Фоялар фалсафаси" фани фақат ғоя ва мафкуралар тарихи билан кифояланмайди. Бугунги дунёning мафкуравий манзараси, муайян ғоя ва мафкураларнинг ундаги ўрни, аҳамияти каби ма-салалар ҳам ушбу фаннинг асосий мавзулари қаторига киради. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг қуидаги фикрлари I муҳим аҳамиятга эга: "Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлиги, анъана ва урф-одатларига таҳ-дид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмрон-лик килиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдала-нишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар".

Мазкур дастурий хулоса "Фоялар фалсафаси" ўқув фанининг асо-сий мавзуларини белгилайди, бу борада қатор масалаларга эътибор қаратиши лозимлигини кўрсатади. Аввало, "Ҳозирги даврнинг ғоявий манзараси қандай?", "Бугунги дунёда қайси мафкуралар устувор бўлмоқца?" деган масалаларнинг моҳиятини тушуниш ниҳоятда муҳим. Президентимиз қайта-қайта уқтиргани каби, XX аср — дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигон-лари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ бўлиб бораётган аср эди. XXI асрнинг бошлари ҳам бундан мустасно эмас.

"Фоялар фалсафаси" фани мавзулари қаторида ҳозирги кунда жаҳон тарақкиётининг муҳим хусусиятларидан бирига айланадиган кенг миқёсли интеграция ва глобаллашув жараёнларини ҳам ҳар томонлама ўрганиш зарур. Бу жараёнлар ва фан-техника

Каримов И.А. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласидаги сўз боши. -Т.: "Ўзбекистон", 2000. 3-бет.

хамда ахборот технологиясининг бекиёс ривожланиши ғоявий-мафкуравий соҳага жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бугунги дунёда-ги турли давлатларнинг бир-бири билан узвий боғлик бўлган гео-стратегик мақсадлари ва сиёсатини ўрганиш ҳам инсон камолоти учун муҳим масалага айланиб бормоқда.

Геостратегик манфаатларни ифода этишнинг усул ва восита-лари кўп. Булар орасида инсон онги ва қалби учун кураш етакчи омилга айланиб бормоқда. Жаҳон ҳамжамияти халқаро муносабатлар соҳасида демократия, ўзаро хурмат ва ҳамкорлик тамо-йилларини қарор топтиришга харакат қилмоқда. Бундай шароит-да зўравонлик қилиш, ҳарбий куч ишлатиш ва ҳатто иқтисодий исканжага олиш қатъий қораланиши аниқ. Ўз ғаразли мақсадла-рига етишиш қасдида юрган кучлар бу ҳолатда, асосан, мафку-равий қуролдан фойдаланмоқда. Шу маънода, "Гоялар фалсафа-си"нинг асосий тушунча ва тамойилларини ўрганиш жаҳон май-донларини мафкуравий жихатдан бўлиб олишга уринишлар кес-кин тус олаётганини, бу борадаги мақсад-муддаоларни аниқроқ англаб олиш имконини беради. Бундай уринишлар, аввало, ҳар бир мустақил жамиятнинг ўз миллий ғоя ва мафкураси бўлиши-ни тақозо этмоқда. Зеро, хозирги пайтда кимнинг ғояси кучли, мафкураси ҳаётий бўлса — ўша галаба қозонади. Бу — инсоният-нинг XX аср тарихидан келиб чикадиган муҳим холосалардан бири.

Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар ҳам "Гоялар фалсафаси"нинг мавзулари орасида бу масалага алоҳида эътибор бериш лозимлигини кўрсатиб турибди. Минтақамиз ўзи-нинг иқтисодий салоҳияти, қулай геостратегик аҳамияти билан жаҳондаги кўпгина кучларнинг дикқатини тортмоқда. Ўз таъси-рини ўтказишига уринаётган кучлар бу минтақада тарихан шакл-ланган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни из-дан чиқариш, давлатлараро ҳамдўстлик ва миллатлараро тотув-ликни заифлаштириш, турли кескинлик нукталарини юзага кел-тириш учун мафкуравий хуружлар ўюштироқда.

Маълумки, жамиятда ҳеч бир ҳодиса инсон аралашмагунча амалга ошмайди. Ижтимоий тафakkur ва онг ҳам ўз ҳолиҷа ўзга-риб, осонлик билан шаклланиб қолмайди. Ушбу масалаларнинг биз ўрганишига киришаётган фан доирасидаги таҳлили Узбекис-тоннинг мустақил ривожланиши, мамлакатимизда барпо этила-ётган жамият ва тараққиётнинг ўзбек моделини амалга ошириш жараёнида пайдо бўлаётган ғоявий-мафкуравий соҳадаги вази-фалар билан узвий боғлик.

"Гоялар фалсафаси" доирасида қамраб олинадиган мавзуларни ўрганишнинг ахоли, айниқса, ёш авлод учун мустакиллик йил-ларидағи ички ва ташқи сиёсат, ижтимоий-иктисодий ислоҳот-лар, халқаро алоқалар қандай бўлганини билиш билан боғлиқ дол-зарб жиҳати ҳам бор. Халқнинг руҳияти ва тафаккурини, масла-ги ва мақсадини, эътиқоди ва фалсафасини ўзгартириш учун бу жараёнларни чукур ҳамда атрофлича таҳлил қилиш зарур.

ТТТу маънода, миллий истиқлол гоясини фуқаролар қалби ва онгига муттасил сингдириб бориш доимий зарурат бўлиб, "Гоялар фалсафаси" доирасида бу таълимотнинг моҳияти ва мазмуни, асо-сий тушунчалари ва тамойилларини ўрганиш ниҳоятда муҳим. Президентимизнинг асарларида миллий истиқлол мағкурасининг гоялари, устувор тамойиллари, қонуният ва ўзига хос хусуси-я tlari ҳар томонлама асослаб берилган. Ушбу масалага бағиш-ланган мавзуларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент Ислом Каримов асарлари, буюк аждодларимиз маънавий мероси, халқимизнинг анъана ва қадриятлари, замонавий илм-фан ютуқлари ва илмий усууллар, хусусан, тизимли, киёсий, тарихий, социологик услубларга асосланиш, ҳаётый мисолларга таяниш ниҳоятда муҳим.

Ушбу фан доирасида мағкуранинг миллий ва умуминсоний тамойилларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор берилади. Бу таъмойилларнинг асосий қисмини инсонпарварлик, Ватанини севиш, халқпарварлик, озодлик туйғуси, онани ардоклаш ва отага эҳти-ром, оиланинг муқаддаслиги ва аёлнинг қадри, каттага хурмат ва кичикка иззат, яхши қўшничилик ва маҳалладаги тотувлик каби қадриятлар ташкил этади. Ушбу хусусиятларни ривожлантириш ва тарғиб қилиш, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтариш маънавий соҳадаги вазифалар орасида муҳим ўрин тутади.

Бу фаннинг мавзуларини ўрганиш жараённида бунёдкор гоялар тизимини шакллантириш ва уни жорий этиш жараёни билан боғ-лиқ масалаларни ҳам чукур билиб олишга ҳаракат қилинади. Ҳаёт талаблари бу соҳада ҳам таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини муттасил олиб боришини тақозо этмоқда. Маълумки, ўзбек халқи учун фарзанд тарбияси азалдан ота-оналарнинг энг муҳим вазифаси бўлиб келган. Шу сабабли бунёдкор гояларнинг тарғиботи ва ташвиқоти уларни ахоли, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш самарали асосда ташкил этилган таълим-тарбия жараёнига таянади.

Узлуксиз таълимнинг мазмуни ва ўқувчи ёшларда, талаба-ларда тарбия тизими орқали Ватанга содиқлик, меҳр-муҳаббат,

миллий ғуур, миллатлараро мулокот маданияти, инсонпарвар-лик, мустакил дунёқарааш, эркин фикрлаш, тафаккур, ташаб-бускорлик, фидойлик, юксак масъулиятлилик, маънавий поклик каби инсон учун зарур бўлган хусусиятлар илмий асосда шакл-лантирила борилади. Бу эса ёшлар дунёқарашида миллий гоя ва мафкура ҳақидаги тасаввурларнинг аниқ, тўлақонли ҳамда мус-таҳкам бўлишини таъминлашга ёрдам беради.

"Гоялар фалсафаси" ўкув фанининг **ўзига хос вазифалари** (функциялари) ҳамбор. Улар, аввало, Президентимизнинг "Мил-лий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласига ёзган сўз бошисида белгилаб берилган қуйидаги асосий мақсад билан узвий боғлиқ: "Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан баҳт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аждодла-римиз бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муно-сиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тар-биялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват килиш, шу му-қаддас замин учун фидойликни ҳаёт мезонига айлантириш — миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир".

Ана шу бош мақсад бу ҳақдаги ўкув фанининг ҳам асосий вазифаларини белгилайди. Мазкур фанинг янги дунёқараашни шакллантириш функцияси фалсафий билимларни чукур ўзлаш-тиришни, барча ижтимоий фанлар билан узвий алокада бўлишни талаб қиласди. Бу борада мазкур фанинг фалсафий билимлар ти-зимига киришини назарда тутиш лозим.

Гоявий дунёқараашнинг тушунча ва тамойиллари унинг функцияларини белгилаб беради. Улар жамиятнинг умумий мақсад ва манфаатларидан келиб чиқади ҳамда одамларнинг ҳаёти ва фаоли-яти учун умумметодологик аҳамият касб этади. Гоявий дунёқарааш функциялари ҳақида гапиргандা, унинг - обьекти, предмети сифа-тида, аввало, конкрет инсон ва жамият назарда тутилади. Чунки дунёқарааш жамиятдаги маънавий ҳолат ва инсоний муносабатларнинг ондаги ифодасидир. Шу. нуқтаи назардан, бундай дунёқарааш инсоннинг бошқаларга, жамиятга, ҳаётга муносабатида ҳам намо-ён бўлади. Бу — гоявий дунёқараашнинг баҳолаш функциясини анг-латади. Яъни, инсон ўз гоялари ва манфаатларидан келиб чиқиб, нарса-ходисаларни яхши-ёмон, фойдали-заарарли, савоб-гуноҳ, уят-андиша каби категорияларга ажратади, уларни баҳолайди.

Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. -Т.: «Ўзбекистон», 2001. 222-бет.

Гоявий дунёқарааш инсон фаолиятини қатор усул-воситалар ор-қали бошқариш функциясини бажаради. Унинг инсон фаолиятини **назорат қилиш функцияси** ҳам бор. Бунда гоявий дунёқарааш жамо-атчилик фикри тарзида намоён бўлиши ҳам мумкин. Кўп ҳолларда назорат қилиш функцияси муайян фаолият учун бирор гоянинг маъ-навий мезон вазифасини бажаришини ҳам назарда тутади. Гоявий дунёқараашнинг **бирлаштириш (коммуникатив) функцияси** ҳам бор. Масалан, жамиятдаги турли қатлам ва партиялар манфаатлари нук-таи назаридан муайян фарқлар бўлиши табиий. Бундай шароитда гоявий дунёқарааш уларни доимий муросага келтиришга хизмат қилади ва умумий мақсадлар йўлида бирлаштиради.

Ҳар қандай манфаат шакллари ва даражалари муайян ғоялар-да, назарияларда ўз ифодасини топади. Шу нуқтаи назардан, гоялар, назариялар ўртасида кураш бўлиши табиий. Президентимиз таъби-ри билан айтганда: "Хаётнинг ўзи турли-туман ғоялар курашидан, баҳсу мунозаралардан иборат. Таракқиётнинг маъно-мазмуни, ке-рак бўлса, фалсафаси ҳам шунда... Ўз мустакил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қараш-ларга, ҳаёт ҳақиқатига суюнган ҳолда ҳар қандай ғаразли ният, тах-дид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади".

"Гоялар фалсафаси" бошқа ижтимоий фанлар каби жамияти-мизда тарихий хотирани шакллантиришга ҳам ёрдам беради. Маз-кур масалада ғоялар фалсафасини ўрганиш тарих фанининг асос-ларини билиб олиш билан узвий боғлиқликда амалга ошади. Бун-да ғоялар ва мафкуралар тўғрисидаги билимларни тўплашга шун-чаки интилиш эмас, балки гоявий-мафкуравий жараёнларни ин-соният тарихининг узлуксиз таркибий қисми тарзида, яхлит ва бутун ҳолича тушуниш, рўй берадиган воқеалар моҳиятини чу-кур билиш асосий мақсадга айланади. Ана шундай интилиш, ўз навбатида, бугунги дунёning мафкуравий манзараси, унда қандай мафкуравий полигонлар фаолият юритаётгани, уларнинг мақсад-муддаолари, бегона ва ёт ғояларнинг жамиятимизга таъсири тўғрисида холисона мулоҳаза юритиш имконини беради.

"Гоялар фалсафаси" фанининг мафкуравий **иммунитетни шакллантириш функцияси** ҳам бор. Бу борада ҳозирги замоннинг маф-

Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. //
"ҒШОКОК", 2000 йил 8 июнь.

куравий манзараси, гоя ва мафкуралар соҳасидаги воқеа ҳамда ҳодисалар билан танишириш, ҳалқимизнинг ўз олдига қўйган пи-ровард мақсадига етиши учун халақит бериши мумкин бўлган мафку-равий марказлар, полигонлар, ёт ва бегона гояларнинг зарарли таъсиридан огоҳ қилиш ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Ушбу масалаларнинг мазмун-моҳиятини билиб олишда "Сиёсатшунослик" ("Политология"), "Социология" каби фанлар орқали бериладиган билимлар кўл келади. Бунда, айниқса, Президент Ислом Каримов-нинг "Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, бар-қарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарини чукур ўрга-нишнинг аҳамият катта. Бу асарда Юртбошимиз хозирги даврда минтақамиз ва мамлакатимизда хавфсизликни сақлаш, барқарор-ликни мустаҳкамлаш ҳамда тараққиётга эришиш учун зарур бўлган кафолатлар нималардан иборатлиги, ҳар бир миллат, давлат ва шахснинг бу борадаги масъулияти, вазифалари қандай экани тўғри-сидаги илмий-назарий жиҳатдан асосланган мулоҳаза ва хуласа-ларни баён қилган. Улар асосида, бугунги социология ва сиёсатшу-носликнинг далилларига таянган ҳолда, юқорида тилга олинган мав-зуларни янада чуқурроқ ўрганиш мумкин.

"Гоялар фалсафаси" фалсафий билимлар тизимиға мансуб бўлганидан, ўзига хос методологик вазифани ҳам бажаради. Яъни у бошқа хусусий ўқув фанлари, масалан, "Тарих", "Адабиётшу-нослик", "Маданиятшунослик", "Сиёсатшунослик" ("Политология"), "Социология" ва бошқалар шуғулланадиган масалаларни ҳал қилиш учун тайёр андозаларни бермайди. Балки шу соҳалар билан шуғулланувчиларни гоявий дунёқараш, умуммафкуравий тамойиллар билан қуроллантиради. Бу борада "Гоялар фалсафаси" бошқа соҳа вакиллари учун ҳозирги дунёнинг мафкуравий манзараси, инсон онги ва қалби учун кураш, мустақилликни мустаҳкамлашнинг маф-куравий тамойиллари каби қатор масалаларнинг мазмун-моҳияти-ни билиб олишда методологик асос вазифасини ўтайди.

Комил инсонни тарбиялашда «Гоялар фалсафаси» фани олий таълим муассасаларида ўқитиладиган "Фалсафа", "Маънавият асос-лари", "Маданиятшунослик", "Этика", "Эстетика", "Ўзбекистон-да демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" каби фан-лар билан ҳам узвий алокада иш олиб боради. Бу алоқа қуидагича намоён бўлади, яъни, "Маънавият асослари" фани ёшларда оли-жаноб фазилатлар, соф туйгу ва тушунчаларни шакллантиради, уларда Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги каби эзгу гояларга садоқат ҳиссини камол топтиришга хизмат қиласди.

"Маданиятшунослик", "Этика", "Эстетика" каби фанларнинг асосларини ўрганган ёшлар инсон ва жамият ҳаётида маданият, санъ-ат, адабиёт, ахлоқ ва нафосат қандай ўрин тутгани, уларнинг бу-гунги кундаги аҳамияти ҳдқидаги билимларни эгаллайди, маданий бойликлар, ахлоқий мезон, нафосат билан боғлиқ қадрияларнинг мазмун-моҳиятини билиб олади. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, ислоҳотлар, тараққиётнинг ўзбек модели ва юртимизда барпо этилаётган жамиятнинг асосий тамо-йиллари нималардан иборат эканини билиб олишга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, янги жамият қуриш жараённада гоявий-маф-куравий соҳадаги долзарб вазифалар, уларни амалга ошириш им-кониятлари ва ушбу жараёндаги ҳар бир ёшнинг масъулиятини англашга ёрдам беради.

Диншунунослик мавзуларини чуқур ўрганиш ҳам «Гоялар фалсафаси» ўқув фанининг вазифаларини бажаришга ёрдам беради. Диннинг моҳияти, унинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги ўрни ва аҳамияти, жаҳоннинг диний манзараси қандай экани, унда муайян дин ёки конфессиянинг тутадиган ўрни каби масалаларни ўрганиш ниҳоятда муҳим. Бу, ўз навбатида, диний ақидапарастлик, ислом халифалигини тиклаш, дин никоби остидаги заарли ва бузгунчи гояларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, уларга қарши фаол ва огоҳ бўлиш туйғусини шакллантиришга ёрдам беради-

"Гоялар фалсафаси"нинг хукуқий, **конституциявий асосларини ўрганишда** "Хукуқшунослик" фанининг аҳамияти катта. Мамлакатимизда инсон хукуқлари ва эркинликлари, ҳокимиятнинг конституциявий асосда бўлиниш тамоили, сиёсий плюрализм ва жа-мият ҳаётини эркинлаштириш, кучли давлатдан кучли жамият сари бориш, бу борадаги амалга оширилаётган ишларнинг моҳияти каби масалалар миллий истиқлол ғоясини халқимиз, аввало, ёшларимиз қалби ва онгига сингдириш билан узвий боғлиқ, Бу борада Ўзбекистон Конституциясида плюрализм, фикр ва қарашлар эркинлиги, сиёсий институтлар ва мафкуралар амал қилишининг қонуний асослари белгилаб қўйилгани, уларнинг умуминсоний қадриялар ва халқаро талабларга мослигини билиб олиш ниҳоятда муҳим.

Миллий истиқлол ғояси юртимизда яшайдиган ҳар бир мил-лат, ижтимоий гурух, дин, партия ёки қатлам вакили учун уму-мий мезондир. Шу маънода, у 130 дан зиёд миллат вакилларидан ташкил топган Ўзбекистон халқининг, мустақилликни мустаҳкам-лаш йўлидан бораётган жамиятимизнинг умумий ғоясидир. Жа-

хон ҳамжамиятининг мустакил аъзоси ва таркибий қисми бўлган Узбекистонни, миллий давлатчилик анъаналаримизни асраб-авай-лаш, мамлакатимиз сарҳадлари яхлитлиги ва хавфсизлигини таъ-минлаш ҳамда фукароларимизда ёт ва бегона гояларга қарши маф-куравий иммунитетни шакллантириш, уларни эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида бирлаштириш, Ватан равнақи, Юрт тинчлиги ва Халқ фаровонлиги ишига сафарбар этиш бу гоянинг асосий мақсад ва вазифасидир.

Хуллас, "Гоялар фалсафаси", унинг асосий тушунча ва та-мойилларини ёшларимиз қалби ва онгига сингдириш сермашақ-қат, серқирра ва долзарб вазифадир. Мазкур ўқув фанининг аҳами-яти, ижтимоий фанлар орасидаги ўрни, улар билан алоқаси, тар-биявий функциялари ана шу вазифани самарали амалга ошириш билан белгиланади. Бу эса шу соҳада меҳнат қилаётган ҳар бир мутахассис ва ўқитувчидан юксак масъулият, фаол ва омилкор бўлишни талаб қиласди.

2-мавзу. Гоялар фалсафасининг тарихий илдизлари, маънавий ва фалсафий асослари

Ижтимоий фикр тараққиётида тарихий онг ва гоянинг тарби-явий аҳамияти юксак қадрлаб келинган. Чунки унда авлодларнинг маънавий қиёфаси, тадрижийлик, ворисийликни таъминлаши ўз ифодасини топган. Жамият ва маънавиятнинг шаклланишида, ин-соний фазилат ҳамда сифатларнинг такомиллашувида турли гояларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс экани тарихдан маълум. Шу маънода, "Гоялар фалсафаси"нинг тарихий илдизлари ва фалса-фий асосларини билиш ҳар бир инсон, айниқса, ёшларнинг маъ-навий камолоти учун муҳим аҳамият касб этади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, биз турли замонларда содир бўлган воқеа ва ҳодисаларни қандай гояларнинг туғилишига са-баб бўлгани, қайси таълимотлар инсоният тараққиётига қандай таъсир кўрсатгани, қайси мафкура одамзодни қўпроқ ривожла-ниш ёки таназзул томон етаклагани каби ҳақиқатларни билиб олиш учун гоялар тарихи ва фалсафасини ўрганамиз. Шу маънода, гоялар тарихи ва фалсафаси мутахассис учун ҳам, уни ўрганаёт-ган ҳар бир инсон учун ҳам бирдек муҳим аҳамиятга эга.

Гояларнинг ижтимоий-тарихий тараққиётда тутган ўрнини би-лиш, нафақат муайян давр нуқтаи назаридан, қолаверса, инсони-ят тамаддунида ўз фикри, ўлмас гояларга эга бўлган буюк аллома-лар меросини бугунги кунда ўрганиш маъносида ҳам ўз аҳамияти-

ни йўқотмаган. И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Мафкура — жами-ятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилиш-ларини ўзида мужассамлаштиради. Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфкларини ўзининг миллий гояси, миллий мафкураси оркдли белгилаб олишга интилади".

Гоялар тарихи ва назарияси билан боғлиқ қарашлар таҳлили бу соҳада "гоялар фалсафаси", "идеология", "мафкура назария-си", "гояшунослик" каби қатор тушунчалар мавжудлигидан да-лолат беради. Дастребаки атама турли ғоя ва мафкураларнинг фал-сафий мазмун-моҳияти, уларга хос бўлган дунёқарашлик хусу-сиятларини ифодалаш учун қўлланилади. Иккинчи атама ғоя ва мафкуралар ҳақидаги фан, унинг баҳс мавзулари, конун ва кате-гориялари тизими тўғрисидаги билимлар мажмуидир. "Мафкура назарияси" асосан собиқ иттифоқда қўлланилган, бу соҳани нис-батан тор тушунишга таянадиган атама ҳисобланади. "Гояшунос-лик" эса мустақилликдан сўнг ўзбек тилида гоялар ва мафкура-лар ҳақидаги тушунча ҳамда тасаввурларни ифодалайдиган фан соҳасини англатувчи атамалардан бири сифатида қўлланилмоқда. Мазкур тушунча ва атамалар шу соҳанинг турли жиҳатлари, хусусиятларини муайян тарзда ифодалайди ҳамда ғоя ва мафку-ра тўғрисида тасаввурларга асосланади.

Ёш авлодни турли ёт гоялар хуружидан, хилма-хил мафку-равий таъсирилардан ҳимоя қилиш, юксак маънавий қиёфага эга кишиларни тарбиялашга кўмаклашиш мазкур йўналишдаги асо-сий вазифалар қаторига киради. Зоро, бу борада ҳам ўтмиши билмасдан туриб, келажакни тўғри тасаввур этиш мумкин эмас.

Гоялар тарихининг ilk босқичлари сифатида Шарқ ва Ғарб цивилизациясининг ilk даврлари, Миср, Бобил, Хитой, Ҳиндис-тон, Юнонистон ва Рим қаторида Ватанимиз ўтмиши ҳам тилга олинади. Бу давр ҳалқларга хос ilk гоялар табиат, жамият ва инсонга нисбатан эҳтиёткор муносабатда бўлиш, она замин ва Ва-танни асрраб-авайлаш, одамлар ўртасидаги муносабатларда ях-шилик томонида туришини ифодалар эди. Қадимги дунё гояларини чуқур ўрганган киши ўша давр мутафаккирлари ҳозирги замон цивилизацияси қаршисида турган кўплаб умумбашарий муаммо-лардан одамларни огоҳлантирганининг гувоҳи бўлиши мумкин. Бу

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-жилд. —Т.: "Ўзбекистон", 2000. 490-бет.

ғоялар инсониятнинг "ўтда ёнмас ва сувда чўкмас" умуминсоний қадриятлари тўғрисидадир.

Миллатимизга хос илк ғоялар зардўштийлик тарзидаги ди-ний-сралсафий таълимот сифатида шаклланган. Унинг ғоялари билан боғлиқ қадриятлар бугунги кунгача яшаб келмоқда ва хал-қимиз турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятларини белгилашда нафақат улкан маънавий-маърифий мерос, шу билан бирга, хал-қимизнинг маънавий-рухий тикланиши ва қадриятларимизни ас-раб-авайлашнинг негизи ҳамдир. Зардўштийликнинг асоси бўлган "Авесто" китобида қадимги халқларнинг дунё тўғрисидаги тасав-вурлари, ўзига хос ижтимоий, сиёсий, маънавий ғоялар акс эт-ган. Уларнинг асосини оламнинг азалий қарама-қарши кучлари — яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат орасидаги зиддиятга асос-ланган ғоялар ташкил қилиб, эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал кабилар бу диннинг устувор тушунчаларидир. Ушбу ғояларда ерли халқларни бирлашишга даъват этувчи юксак ватанпарварликни тарбиялайдиган фикрлар мужассам бўлиб, улар шу замин фар-зандлари учун ғуур, ўзликни англаш ва куч-кудрат тимсолидир.

"Авесто" нафақат Зардўшт таълимоти, балки унда ўша даврнинг энг асосий ғоялари ҳамда бу ғояларга таяниб ёзилган қўшиклар, ҳикоят ва ривоятлар жамланган. Бир неча китобдан иборат бўлган "Авесто" жамият ва инсон ҳаётининг барча соҳаларидағи ғояларни умумлаштирган, монтакамиз халқларининг улар асосида шаклланган яшаш ва хаёт кечириш қонун-қоидаларини ўзида ифодалаган.

Юртимизни милоддан олдинги IV асрда забт этган македония-лик Александр "Авесто"нинг биргина нусхасини қисман сақлаб қолиб, уни ўрганиш учун устози Аристотелга юборган, колган нусхаларини эса йўқотишни буюрган. Баъзилар Александр "Авес-то" тилини билмагани, унинг моҳиятини тушунмагани учун ки-тобнинг қадрига етмаган ва йўқ қилишни буюрган, деган ҳақиқат-дан йироқ фикрни баён қиласди. Ҳалигача теран фикрлари билан жаҳон аҳлини лол қолдириб келаётган машҳур файласуф Арис-тотелдек буюк тафаккур соҳибидан таълимтарбия олган Алек-сандр китобнинг қадрини тушунмаганига ишониб бўладими? У шунчалик саводсиз киши бўлганми? Йўқ, албатта. Александр ки-тоб нима эканини, унда акс этган ғоялар одамларга кандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини яхши билган. Шу билан бирга, у ўз қўшинига қаттиқ қаршилик кўрсатган юртимиз халқларининг ғоялари "Авесто"да ўз ифодасини топганини, ўша даврдаги ав-лод-аждодларимизнинг истибододга бош эгмасдан, китобдаги ушбу

ғояларга таянган ҳолда, тез орада яна истиқлол учун курашга чиқишини ниҳоятда яхши тушунган.

Хуллас, Туранзамин халқларини ўз аждодлари қолдирган эзгу ғоялардан бебаҳра қилиш, тафаккурини қарамлика сақлашнинг энг яхши ва мақбул йўли — уни ўзлигидан жудо этиш, ғафлатда сақлаш, тарихини унтишга махкум қилиш орқали амалга ошири-лишини яхши билган жаҳонгир Александр "Авесто"ни йўқ қилиш-га уриниши табиий эди. Кейинчалик бошқа жаҳон фотихлари ҳам ана шунга ўхшаш йўллардан боргани бу фикрни исботлади.

Марказий Осиёдаги фалсафий ғояларни монийлик ва маздакий-лик таълимотида ҳам кўрамиз, улар жамиятда адолат, эркинлик, тенг ҳуқуқлилик тамойилларини қарор топтиришга даъват этган. Бу ғоялар Ватан озодлиги учун курашган Муқанна бошчилигидаги харакатнинг маънавий манбаларидан бири бўлиб хизмат қилган.

Мамлакатимиз тарихи ислом дини юртимизга кириб келгунига қадар ҳам минг йиллар мобайнида амал қилиб келган турли ғоялар тизимиға эга бўлганидан далолат беради. Араблар юртимиз худу-дини босиб олганларидан сўнг ўзларининг ғояларига мос келмай-диган жуда кўп маънавий бойликларни аёвсиз йўқ қилишган. Бу ҳақда Абу Райхон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгор-ликлар" асарида ёзганидек, "Қутайба Хоразм хатини яхши била-диган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб ва буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди". Истиқлол туфайли аждодларимиз яратган бой ва ўлмас маданий меросни ўрганиш, тарихий хотирани тиклаш, халқимиз қалбида ҳақиқий ватанпарварлик, миллий қадриятларга содиқ-лик туйғуларини шакллантириш имкони туғилди.

Минтақамизда илк ўрта асрларда вужудга келган ғоялар ўша давр маданиятининг бир қисми бўлиб, у улуғ бобокалонларимиз-нинг ислом динига, Шарқ фалсафаси ва жаҳон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган таълимотларида ифодаланган. Маълумки, исломий ғоялар Куръони Карим ва ҳадислардаги таълимотнинг асоси сифатида шаклланиб, улар ислом қонун-қоидалари, иймон-эъти-қод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларда ўз ифодасини топ-ган. Бундай ғояларни англашда Имом Бухорийнинг Куръони ка-римдан кейинги асосий китоблардан бири сифатида тан олинадиган "Саҳиҳи Бухорий" асари катта аҳамият касб этади. Унда ислом таълимотининг асосий ғоялари шарҳи ўз ифодасини топган.

Ушбу таълимотни ўрганиш ва унинг турлича талқин қилини-ши кўплаб мазҳабларни вужудга келтириди. Ислом фалсафасида машшоийунлар ва таббиийунларнинг (Арасту фалсафаси ва та-биатни ўрганишга ахд қилганларнинг) фалсафий ғоялари ўша давр маънавиятининг дунёвий ҳамда диний масалаларда, жаҳон фалсафий тафаккурида рўй берадиган жараёнларга нисбатан ташаб-бускор куч эканини кўрсатиб турибди.

Бу соҳадаги асосий ғояларга кўра, инсоният истиқболи комил инсонни шакллантириш орқали юзага келади, иймон-эътиқод, ахлоқ-одоб эса инсон тафаккурининг ажралмас таркибий қисми-дир. Мазкур йўналишдаги ғоялар талқинида ўз ўрнига эга бўлган Хожа Аҳмад Яссавий таълимотида инсоннинг ўз гуноҳларини, жум-ладан, шахсиятпастлик, таъмагирлик, борига қаноат қилмас-лик каби иллатлари аёвсиз очиб ташланиб, улардан узоқлашишга даъват қилинади. Ватанпарварлик жасоратини ибрат тариқасида кўрсатган Нажмиддин Кубро ўз тариқатининг моҳиятини ўнта усул-да мужассамлаган. Булар — Тангрига ўз хоҳиши билан юзлашиш, зухд фи дунё — ҳар қандай лаззатдан ўзини тийиш, таваккул — Аллоҳга эътиқоди поклиги учун барча нарсалардан воз кечиш, қано-ат, узлат — хилватни ихтиёр қилиш, мулоzамат аз-зикр — уз-луксиз зикр, таважжух — Ҳакқа муҳаббат қўйиш, сабр — нафс балосидан озод бўлиш, муроқаба — тафаккурга ғарқ бўлиш, ризо — Тангри хушнудлигини қозонишдан иборат.

Тасаввуф таълимотига кўра, эзгу ғояларни инсонлар қалбida шакллантириш билан бирга, фаровон ҳаёт кечиришнинг асосий манбаи меҳнат орқали кун кечириш эканини тарғиб этишdir. Ба-ҳоуддин Накшбанд таълимотининг моҳияти "Дил ба ёру даст ба кор" ғоясида яккол ифодасини топган. Инсон Аллоҳ инояти натижаси бўлиб, бу дунёни унутиб қўймаслиги лозим, унинг қалби доимо Аллоҳда, қўли эса меҳнатда бўлмоги керак. Унинг таъкид-лашича, қонун вужуд ва қалбни тарбиялайди, бу эса кўнгилни поклаб, рухни илоҳий кувватдан баҳраманд қиласи.

Абу Наср Форобий инсон ақл воситасида илм-фанни яратади, дейди. Фан туфайли ҳодисалар моҳияти очиб берилади, ҳар бир фан инсоннинг муайян эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласи. Мутафаккир ўз асарларида комил инсон, фозил фуқаро, одил ҳукмдор, баҳт-саодат, унга эришиш йўллари, давлатнинг хусу-сиятлари, ахлоқий ва ақлий тарбия, ижтимоий истиқбол тўғри-сидаги илғор ғояларни илгари сурган.

Буюк қомусий аллома Абу Райхон Берунийнинг фалсафий қарашлари табиий-илмий ғоялари асосида шаклланди. Беруний "Оддий жавҳарлар пайдо бўлиш ва йўқ бўлишни билмайди", де-ган ғояни илгари сурган. Бунда абадийлик биринчи сабаб билан боғлиқ, чунки у яратувчи умрини англатади.

Яна бир аллома Абу Али ибн Сино ўз асарларида илм ва ахлок-одоб уйғунлиги, инсон камолоти, баҳт-саодат, ижтимоий адолат, кишиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, хукмдорнинг бурчи тўғрисида қизиқарли ғояларни илгари сурган. Унингча, барчани бир хил ижтимоий мавқега эриштириб бўлмайди. Аслида улар учун муайян шароит яратиб бермоқ лозим.

Инсоният тарихида шундай ғоялар борки, улар буюк ишларга тайёр миллатларни ўзининг йўлбошчилари етакчилигига, тарих-нинг муайян қисқа босқичларида минг йилларда қўлга киритиш мумкин бўлган натижаларга эришишга ундейди. Айнан бундай ғояларнинг амалий ифодаси инсоният тарихига шу миллатга мансуб буюк ки-шиларнинг ўчмас номини битади, жаҳон маданиятини бойитади, умумбашарий тараққиётга улкан хисса бўлиб қўшилади.

Амир Темур ва темурийлар давридаги ана шундай юксак ғоялар халқимизнинг миллий даҳосини энг юксак чўққига қўтарди. Амир Темурнинг "Куч — адолатда" ғояси мамлакатдага салбий иллат-ларни йўқотишда, турли жанжал ва низоларни бартараф қилиш-да, ҳақиқат ва адолат ўрнатишда, инсонпарварлик ғояларини тар-катишда асосий ўрин эгаллади.

Шу даврнинг меваси — Алишер Навоий ижодий меросида инсонпарварлик ва комил инсон ғоялари муҳим ўрин эгаллайди. Шоир ўз асарлари орқали ушбу ғояларни ёйди, турли миллат ва элат-лар ўртасидаги дўстликни улуғлади. Халқни фаровонликка, баҳт-саодатга элтувчи, ҳамма тенг, зулм-истибоддан холи бўлган давлат тузумини орзу қилди. Навоийнинг яхшилик, эзгулик, муҳаб-бат, дўстлик, адолат, тинчлик, осойишталик ва бошқа гўзал фа-зилатлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар тўғрисидаги қимматли фикрлари республикамиз истиқлолга эришганидан сўнг ҳам бар-камол инсонни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз ўтмишида темурийлардан кейинги ижтимоий-фалсафий ғоялар ривожи алоҳида ўринга эга. Маълумки, тему-рийлар давлати аста-секин инқирозга юз тутиб, майда давлат-ларга бўлиниб кетди, маҳаллий низолар кучайишига олиб келди. Бу иктисад, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат равнакига ўз таъсирини кўрсатди. Айниқса, табиий-илмий фанлар ривожи заифлашди, дунёвий билимда таназзул рўй берди.

Шунга қарамасдан, давр мохиятини акс эттирадиган теран фикр ва гоялар вужудга келди. Масалан, Бобораҳим Машраб инсоф, адолат, диёнат, саховат, ақл-заковат, руҳий комиллик, ҳалол-лик, меҳр-оқибат, камтарлик каби маънавий-ахлоқий фазилат-ларни таҳлил қилиб, салбий иллатларни қоралади. Унингча, ин-сон ўз миллати бойлиги билан эмас, балки одамийлиги, инсон-парварлиги. вижданни билан бошқалардан афзал бўла олади. Шоир ўз ижодида Аллоҳга муҳаббат гоясини тасвирлайди. У тасаввуф-нинг қаландарлик тарикатини танлайди, ҳалқни эзгуликка, ин-соф ва диёнатга, тўғриликка чакиради. Инсон ҳирсу очкўзлик, ҳайвоний сифатлар, манманлик, худбинлик каби хислатлардан покланиш учун ўз асли — илоҳий ишқка юз тутиши лозим. Акс ҳолда, у инсонийлигини йўқотиб, тубанлашиб кетиши муқаррар.

Оғаҳий ўз ижтимоий қараашларида инсонпарварлик гояларини илгари сурди, одамларни яхшилик ва эзгуликка, хайрли ишлар-га ва маърифатпарварликка даяват этди.

Аҳмад Доңиш эса ўз асарларида мамлакатни одилона бошқа-риш учун ислоҳот зарурлигини уқтириди. Унингча, ҳукмдор би-лимдон, ақли бўлиб, ҳалқнинг манфаатини ҳимоя қилиши, ўз атрофидагилар билан кенгашиб, давлатни идора қилиши лозим. А.Доңишнинг гоялари ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган.

XX аср бошида вужудга келган жадидчилик ҳаракатининг тараккийпарвар намоёндалари — Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Му-наввар кори, Абдулла Авлонийлар ижоди ва фаолиятида маъри-фатпарварлик гоялари янада кучайди. Улар янги мактаблар қуриш, ёш авлодни илмли килишга, маърифат ва тараққиёт учун қу-рашга катта ҳисса қўшган мутафаккирлардир. Уларнинг асарла-рида миллат ва Ватан тақдири, ахлоқ ва таълим-тарбия каби масалалар, ҳалқларни бирлаштириш, бутун ўлканинг маърифий тараққиёти учун кураш гоялари илгари сурилган.

Шунингдек, ҳалқни асрий қолоқликдан қутқариш йўллари, иқти-сад, тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатни хом ашё қарам-лигидан халос этиш, маърифат ва маънавиятни юксалтириш масала-лари ёритилиб, жаҳон фани ҳамда техникаси ютуқдарини ўрганиш каби гоялар ҳам жадидлар фаолиятининг асосий мезонларидан бири эди. Уларнинг миллатпарварлик ва ватанпарварлик руҳи билан суғо-рилган гоялари ҳозир ҳам маънавият ҳамда маърифатни равнақ топ-тиришда, ҳалқнинг ўзлигини англашида муҳим аҳамиятга эга.

Гоялар фалсафасининг тарихий ва маънавий асосларини ўрга-нишда бутун жаҳон, хусусан, Ғарб мамлакатлари ҳамда ҳалқла-ри меросининг ҳам ўрни бор. Унинг илк тараққий даврлари Қадимги

Юнонистон ва Рим даврига бориб тақалади. Юнонистонда даст-лабки илмий-фалсафий ғоялар эрамиздан аввалги У11-У1 асрларда Милет мактаби вакиллари таълимотида ўз ифодасини топди. Ушбу мактабнинг илк намоёндаларидан Гераклитнинг ғоялари стихияли диалектикага асосланган ва у олов — оламнинг асоси, деб билган. Унинг фикрича, оламда ҳамма нарса ҳаракатда. Ку-раш — ҳамма нарсанинг отаси, ҳамма нарсанинг подшоси, деган эди у. Суқротнинг фикрича, фалсафанинг марказида ахлок маса-лалари турмоғи лозим. Жамиятнинг равнақи, тинчлик ва осойиш-талиги, фаровон ҳаёти ахлоқ-одобнинг ахволига боғлиқ. Бу маса-лалар Шарқ фалсафасида ҳам катта ўрин тутганлиги боис ҳалқи-миз Суқротни ҳурмат билан тилга олиб, унинг ахлоқ-одоб ҳақидаги фикрларига амал қилиб келган.

Афлотун "Ғоялар дунёси ва соялар дунёси" таълимотининг асосчисидир. Унингча, ғоя ҳақиқий борлиқ, биз биладиган ва яшайди-ган дунё эса унинг соясидир. Ҳдқиқий ўзгариш ва тараққиёт ғоялар дунёсига хос, соялар дунёсидаги ҳаракат эса унинг аксидир. Ғоялар дунёсининг қонуниятларини ҳамма ҳам билолмайди. Уларни биладиганлар ниҳоятда кам учрайди, улар улкан ақл эгаси бўлади. Ак-сарият кишилар эса соялар дунёси билан кифояланади.

Арасту асослаган ғояларга кўра, оламдаги нарса ва ҳодисалар тўртта сабабга эга. Булар моддий сабаб, яъни модда (материя); шак-лий сабаб ёки шакл; яратувчи сабаб; пировард сабаб ёки мақсад сабаблардир. Яратувчи сабаб ҳаракат манбаидир. Масалан, ота ва она боланинг улгайиши сабабчисидир. Унингча, давлат бошқаруви жамиятнинг эркин ва фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши лозим.

Тарих шундан далолат берадики, марказлашган йирик давлат ва империяларнинг пайдо бўлиш жараёнида ғоя ҳамда мафкура-ларнинг аҳамияти янада ортади. Милоддан олдинги 1У-1 аср ва милоднинг бошларидаги Рим тарихи бунга яққол мисол бўлади. Ушбу шаҳар давлатда унинг фуқаролари худолар томонидан олий мақомга эга кишилар сифатида тан олингани тўғрисидаги ғоя ус-тубор эди. Бу, ўз навбатида, барча римликларнинг ўзаро тенглиги ғояси кенг шаклланишига ва шу асосдаги мафкурунинг мустах-камланишига сабаб бўлган. Ана шу мафкурага кўра, Рим аҳолиси роҳат-фароғатда яшши, асосан мавжуд ижтимоий-сиёсий ту-зумни сақлаб туриши, кўп минг сонли қуллар эса меҳнат қилиши лозим бўлиб, ушбу ҳол барча қонунларда белгилаб қўйилган эди.

Тарихдан маълум ва машҳур бўлган Спартак бошчилигидаги қуллар қўзғолони ана шу тартибга қарши кўтарилган ҳаракат эка-

нини яхши биламиз. Кўзғолончилар сони 100 мингга етишига қарамасдан, бу ҳаракатнинг ғалаба қозона олмаслиги муқаррар бўлган. Чунки ўша пайтда римликлар ўзлари учун қонунга ва яшаш мезо-нига айланган фоя асосида шаклланган тартибни бузишга йўл қўймас эди. Бу фоя римликларнинг ҳаёт-мамоти учун жанг бораётган бир шароитда уларнинг орасидаги Спартак ва унинг тарафдорларига қарши бир неча юз минг аскарни саралаб олиш имконини берган.

Умуман олганда, қадимги Римдаги ўзига хос маъно-мазмунга эга бўлган (яъни, "қуллар меҳнати — фуқароларнинг роҳат-фа-рогати" тамойили асосидаги) тенглик гояси аста-секин халқни оло-монга, империя учун зарур бўлган аскарларга, юқоридаги тамо-йилни сўзсиз ҳимоя қилишга шай турган армияга айлантирган. Империяни яратадиган дунёкараш ҳамда мафкура шу тариқа шаклланган. Бу эса, ўз навбатида, ана шу армиянинг бошликлари — Рим империясининг жаҳонгир лашкарбошилари Юлий Цезар, Октавиан Август ва бошқаларни тарих саҳнасига олиб чиқкан.

Ўша даврда Римнинг ёнгинасида Афина давлати ҳам гуллаб-яшнаган, унинг асосий ҳаёт тамойили эркинлик гоясига таянган эди. Рим армияси маданий тараққиёт жиҳатидан устун бўлган Афинани тез орада забт этди. Аммо ўз худудида Афинадагидек эркинлик гояси-ни устувор тамойилга айлантира олмади. Чунки эркинлик гояси то-талитаризм учун энг асосий маънавий хавф бўлиб ҳисобланади. Хаёти эркинликка асосланган Афина инсоният маданиятининг тамал тош-ларидан бири, юксак маънавий қадриятлар устувор бўлган цивили-зацияни дунёга келтирган эди. Бу даврдаги фан ва маданият тарақ-қиёти инсониятни ҳозиргача ҳам ўзига мафтун этиб келмоқца.

Рим эса фан ва маданият бобида Афинага тенглаша олмади, бу соҳада ундан устунроқ бўлган бирор кашфиёт ёки янгилик яратади. У бор-йўғи дунёга даҳшат солган тажовузкор ва муста-бид империяни, урушқоқ ва зўровон армияни яратади, холос. Римликлар ўша даврда Афинани маҳв этган ва унинг устидан ҳукм-ронлик ўрнатган бўлса-да, аммо афиналиклардан ўрганишдан ор-номус қилмаган. Ҳатто, энг атоқли Рим зодагонлари ҳам ўз фар-зандлари учун устоз-ўқитувчиларни афиналиклар орасидан тан-лаган ва бундан фаҳрланиб юрганлар. Машҳур француз файласу-фи Ж.Ж. Руссо бу тўғрида шундай деб ёзган: "Сиёсий жиҳатдан тобе бўлган Афина гоявий ва маънавий жиҳатдан Римни беихти-ёр тиз чўкишга мажбур килган эди. Римликлар бу борада ҳеч қачон афиналикларнинг қаршисида ўзларини голиб деб ҳисоблай олмаганлар". Француз адаби Андре Моруа бу жараённи таҳлил қилиб, куйидаги фикрни билдирган: "Европа бу фоя ва йўллар

нинг қайси бири тўғри эканлигини тўла-тўқис ажратиб, ўз йўли-ни уларнинг бири асосида танлаб ололмади. Салиб юришлари до-мига тортилган ва ўрта асрлар сўнгида империяларни яратган Европа қадимги Рим йўлидан, Римнинг ҳалокатидан кейин муста-қиллик ва миллий давлатчиликни ихтиёр этган Европа эса қадим--ги Афина йўлидан борди. XX асрда фашизмни дунёга келтирган Европа биринчи йўлдан, шу юз йилликнинг охирига келиб эркин тараққиёт сари юз тутган Европа эса иккинчи йўлдан бормоқда. Бир асрда, нисбатан қисқа давр орасида бундай ҳолнинг яққол намоён бўлиши, европаликларнинг қонида бу йўлларнинг икка-ласи учун ҳам умумий генлар сақланиб қолганидан далолат бера-ди". Ушбу мисоллар "Ғоялар фалсафаси" фанида ўрганиладиган ғоя ва мағкураларнинг инсоният тарихидаги ўрни, давлат ва жа-мият тақдирига таъсирি қандай бўлганини яққол кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, ғоялар тарихини ўрганишда ўрта асрлар ва янги давр Европасида вужудга келган тоялар ҳам эътиборга лойиқ Зеро, Уйгониш даври ғоялари ҳаётнинг ҳамма тармоғида илфор, му-хим ва инқилобий ўзгаришларга сабаб бўлди. Маънавий уйгонаётган миллат ва худудда ҳеч қачон ақидапарастлик ўз таъсирини тўла-тўқис саклаб қола олмайди. Европада ҳам худди шундай бўлди. Илм-фан соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй бериб, янги ғоялар илгари су-рила бошланди. Уйгониш даври Европа фани ва фалсафаси ҳам ин-соният тарихида энг буюк кўтарилиш даврларидан бири бўлиб қолди.

Бу даврда яшаган Николай Коперник фанда туб ўзгариш яса-ган гелиоцентризм ғоялари билан машхур. У бизнинг планетамиз маркази Ер эмас, қуёшлигини исботлади. Унинг бу қашфиёти дунёга теологик қарашга зарба бериб, табиатшунослиқда тўнтариш яса-ди. Унинг ғоялари Жордано Бруно томонидан ривожлантирилди. У ҳақиқий ғоя илмий тажрибага суюниши керак, схоластикани ту-гатиши керак, дея таъкидлаган эди. Унингча, коинот ягона, мод-дий, чексиз ва абадий, жуда кўп планеталар куёш системасидан ташқарида ҳам мавжуд.

Франсис Бэкон фикрича, табиатни билишда бир неча «идоллар» инсонга ҳалақит беради. Улар асосан тўртта. Биринчиси — уруғ идоллари, булар инсон зотига, бутун одамларга хос. Иккинчиси — фор идоллари. Бу ҳар бир одамнинг ўзига хос хусусиятлари натижасида янглишиши. Учинчиси — майдон идоллари бўлиб, у маълум бўлган тасавурларга — таяниш одати, нотўғри ёки ноаниқ терминология-ларга танқидий ёндашмаслик оқибатида вужудга келади. Тўртинчи-си — театр идоллари: улар авторитетлар фикрига кўр-кўронга эрга-шиб, қадимгиларнинг ғояларини давом эттираверади.

РДекарт ижодида дуализм ғоялари асосий ўрин тутади. Унинг "Мен фикр қиласпман, демак, мен мавжудман", деган гояси машхур. Файласуф Жон Локк РДекартнинг "туғма ғоялар" тұғрисидаги қарашларига карши чиқади. Унинг фикрича, билиш табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлардан иборат бўлиб, ҳақиқатлар эса кишиларнинг бу жараёнда ҳосил қилган тушунчалари, ғоялари оламга мөс келишидан иборат. Ламетри ва Гельвеций, Дидро ва Гольбахлар ижодида мил-лий давлатчилик, инсон әркинлиги ва ҳақ-хуқуқларига оид ғоялар алоҳида ўрин тутади. Улар томонидан яратилган 35 жилдлик "Энциклопедия" асари ўша замоннинг маънавий муаммоларини маърифатли йўл билан ҳал қилишнинг усул ва имкониятларини кўрсатиб, "Евро-па қомуси" даражасига кўтарилган эди.

Немис мумтоз фалсафасининг асосчиси Иммануил Кантнинг табиий-илмий ғоялари табиат ҳодисаларини метафизик руҳда тушунтирувчи таълимотларга зарба берди. И.Кантнинг инсон ирқ-ларининг табиий келиб чиқиши ҳақидаги назарияси ҳам мухим аҳамиятга эга. У томонидан фанга киритилган "Нарса ўзида" ғоясига кўра, сезги аъзоларимизга таъсир натижасида сезгилар хаоси вужудга келади. Бу хаос бизнинг ақлимиз қуввати билан тартибга солинади ва бир бутунга айлантирилади. Биз табиат қонунлари деб билган нарсалар аслида ақл томонидан ҳодисалар дунёсига киритилган алоқадир. И.Кант таълимоти бўйича, макон ва замон ғоялари инсонга унинг тасаввурларидан олдин маълум. Макон ва замон реал эмас, балки факат тушунчада, ғояларда.

Немис файласуфи Гегель ўз ғояларида И.Кантнинг "нарса ўзида" ҳақидаги таълимотига қарши чиқади. Борлиқнинг асосида "дунёвий ақл", "мутлақ ғоя" ёки "дунё руҳи" ётади. Гегелнинг фалсафий ғоялар тизими камчилик ва ички қарама-қаршиликлардан ҳоли бўлмай, у билимнинг объектив асоси мутлақ руҳdir, максади эса шу мутлақ руҳнинг ўз-ўзини англашидир. Гегелнинг фалсафий ғоялари мана шу масалани амалга оширишга қаратилган эди. Ғарб мамлакатларида Гегель ўртага ташлаган фалсафий ғоялардан таъ-сирланган турли фалсафий мактаблар ва оқимлар вужудга келди.

Мустабид тузум даврида ижтимоий-фалсафий ғоялар тарихига синфиийлик нүктai назардан ёндагпилди, факат коммунистик мафку-рага мөс, тұғри келадиган ғояларгина тан олинди, холос. Халқимиз-нинг ўтмиш маънавияти, фалсафий ғояларига эътибор берилмади. Кенг халқ оммаси орасида марксча-ленинча фалсафа, илмий атеизм ва илмий коммунизм ғоялари кенг тарғиб қилинди. Уларга номувофик таълимотлар қаттиқ танқид остига олинди. Ўз миллий маданияти, урфодати ва анъаналарига содик бўлган, уларни сақлаб қолишга

интилган зиёлилар, олимлар, шоир ва ёзувчилар қатагон килинди.

Эндиғи вазифа — собиқ мафкуранинг асоратларини бартараф килиб, миллий мафкурамизга таяниб, бой маънавий ва маданий қадриятларни, ижтимоий-фалсафий ғоялар тарихини чуқур, ҳар томонлама ўрганиш ҳамда уларга амал қилиб, порлок истиқбол-ни яратишдан иборат. Бу борада Ўзбекистонда Президентимиз асослаб берган жамият ва одамларни, турли гуруҳ ва катламлар-ни тараққиёт сари етакловчи. ҳалқни эзгу мақсад йўлида бирга-ликда ҳаракат қилишга ундовчи бунёдкор ғоялар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай ғоялар таъсирида инсон эзгуликка етишиш, миллатлар ва давлатлар эса озодлик ва мустақилликка эришиш учун интилади, адолат ва ҳақиқат тантанаси йўлида курашади, буюк тарихий ғалабаларни қўлга киритади.

Тараққиётнинг ўзбек модели ана шундай талабларга жавоб берадиган, Ўзбекистон ҳалқи иродаси билан танлаб олинган, бозор муносабатларига ўтища, ижтимоий ларзаларсиз, инқилобий сакрашларсиз, ўзимизга хос, ўзимизга мос тадрижий йўлдан бориш-ни тақозо этадиган ғояларга асосланган моделдир. Бу моделнинг асосий маъно-мазмунини жамиятни ислоҳ этишнинг машҳур беш тамойили белгилайди. Булар: иқтисодиётнинг сиёsat ва мафкура-дан холилиги; давлат — бош ислоҳотчи; қонун устуворлиги; кучли ижтимоий сиёsat юритиш; бозор муносабатларига босқичма-бос-қич ўтиш. Ўзбекистон бутун ана шу тамойиллар асосида бутун иш-лаб чиқариш, тақсимот ва ижтимоий тизимини кайта курмоқда.

Мустақилликнинг ўтган қисқа даври далолат берадики, жамият тараққиётининг туб бурилиш даврларида, ўзгариш ва исло-хотларни амалга ошириш жараёнида бунёдкор ғояларнинг яра-тувчанлик, ҳалқни бирлаштириш ва эзгу мақсадлар томон са-фарбар этиш хусусиятларидан ижобий фойдаланиш масалалари бениҳоя катта аҳамият касб этади. Ватанни севиш, юрт тинчли-гини асрар, ҳалқ фаровонлиги йўлида курашиш — бунёдкор ғояларнинг маъно-мазмунини белгилайди.

Тарих ҳам, бугунги ҳаётимиз ҳам ўз ғаразли мақсадларига эри-шиш учун юксак ғояларнинг жозиба кучидан фойдаланишга уринув-чи ёвуз кучлар мавжудлигини кўрсатади. Кабиҳ ниятли кучларнинг асл ниятларини фош этишда бунёдкор ғоялар асосидаги эътиқод ва дунёқарашининг аҳамияти бекиёс. Ўзбекистон ҳалқининг бунёдкорликни ифодалайдиган тушунчалар тизимидан иборат миллий истиқ-лол ғояси соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, жамиятда ғоявий бўшлиққа йўл кўймаслик, янгича эътиқод ва дунёқарааш эга-ларини тарбиялашдаги муҳим аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

2-боб. «Фоялар фалсафаси» фанининг тушунчалари, категориялари ва қонунлар тизими

Хар бир фаннинг ўзига хос тушунча ва категориялар тизими, қонун ва қоидалари бўлиши лозимлиги илмий билишнинг зарурый шартларидан биридир. Бундай тизимсиз бирор-бир фанни аниқ тасаввур қилиш, у тўғрисида яхлит билимга эга бўлишнинг имкони йўқ

Фоялар фалсафаси ҳам бундам мустасно эмас, унинг ҳам ўз категориялари, тушунчалари ва қонунлар тизими мавжудлиги шубҳасиз. Бу тизимнинг мазмун-моҳияти қандай? Унинг тарки-бий қисмлари нималардан иборат? Айнан шу масалаларни ой-динлаштирмасдан туриб, "Фоялар фалсафаси" фанининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини билиб олиш қийин.

3-мавзу. Фоялар фалсафасининг тушувчалари, категориялари ва қонунлари

Аввало, таъкидлаш лозимки, тушунчалар, категориялар ва қонунларнинг мазмун-моҳиятини тўгри тушуниш ва уларни тас-нифлаш, ҳар бир фан, қолаверса, инсоният ҳаёти ҳамда ижти-моий тафаккур ривожи учун муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, категорияларни тарихда биринчи бўлиб Аристотель таърифлаб берган ва бу ижтимоий фикр тараққиётида муҳим роль ўйнаган. Ўша даврдан бошлаб фалсафа ўз қонунлари, тамойиллари, кате-гория ва тушунчаларига эга бўлган фанга айланган. Бу масалага кўплаб мутафаккирлар ва атоқли файласуфлар ҳам катта аҳамият берганлар. Масалан, Абдулла Авлоний "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" китобида инсонга хос ахлоқий хусусиятларни "Яхши хулқ-лар" ва "Ёмон хулқлар"га ажратган, уларни миллий педагогика нуқтаи назаридан тавсифлаган.

Президент Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгил-мас куч" китоби бу борада ниҳоятда муҳим манбадир. Мазкур ки-тобдаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб айтганда, фоялар фалсафасига доир категорияларнинг ҳар бири узоқ тарихий жа-раёнлар натижасида шаклланган ва инсоният ҳаёти ҳамда жами-

ят тараққиёти учун мухим аҳамият касб этган кенг маъноли тушунчалардир.

Гоялар фалсафасининг категориялари инсон ҳаёти, унинг камолоти ва жамият тараққиётининг асосини ташкил этадиган гоявий мезонлар ва мафкуравий тамойилларни, шу соҳага хос ҳодиса-лар, воқеа ва жараёнларга муносабатни, мақсад ва муддаоларни акс эттирадиган энг мухим ҳамда умумий тушунчалар тизимидан иборат. Улар мазкур фаннинг мазмун-моҳиятини, унинг бошқа соҳалардан фарқини, ўзига хос хусусиятлари, мақсад ва вазифа-ларини яққол ифодалайди.

"Фоя", "мафкура", "бунёдкор ғоялар", "вайронкор ғоялар", "ғоялар тизими", "мафкуравий тизим" кабилар бу соҳадаги асо-сий категориялар мажмууни ташкил қиласди. Ушбу категориялар шу соҳадаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим, алоҳида жиҳатлари-ни эмас, балки инсоннинг маънавий ва руҳий оламига, ғоя ва маф-кураларга хос умумий белгилар, алоқалар ҳамда муносабатлар-ни ҳам акс эттиради. "Гоявийлик", "ғоясизлик", "ғоявий бўшлиқ", "ғоявий тамойиллар", "мафкуравий жараёнлар", "мафкуравий фаолият", "мафкуравий таҳдид", "мафкуравий полигон", "маф-куравий иммунитет", "мафкуравий профилактика", "ғоявий тар-бия" ва бошқалар биз ўрганаётган "**Гоялар фалсафаси**" фани-нинг тушунчалари сирасига киради.

Бу фаннинг категориялари ушбу соҳани чукур ва мукаммал ифодалаши, унинг барча жабҳаларида амал қилиши билан оддий тушунчалардан фарқ қиласди. Шу туфайли унга алоқадор ҳар бир тушунчанинг аниқ хусусиятлари ва мухим белгиларини англашда маз-кур категорияларга асос ҳамда мезон сифатида мурожаат этилади.

Гоялар фалсафасининг тушунчалари ва категориялари, бир томондан, инсон тафаккури мухсули, иккинчи томондан, воқеа ва ҳодисаларнинг одам миясида акс этиш натижаси, учинчидан эса, киши онгини воқеликка яқинлашиши ва дунёни билиш воситаси-дир. Ушбу категориялар, бошқа ижтимоий фанларнинг асосий тушунчалари каби маънавий ҳаёт, мафкуравий жараёнлар ва ғоялар-нинг амалиёти билан боғлиқ ҳодисаларни англашда назарий ҳамда методологик аҳамият касб этади. Бу борада улар, биринчидан, ин-соннинг жамиятдаги ҳодисалар моҳияти ва мазмунини, уларга хос қонуниятларни англаш жараёнида эришган билимларининг нати-жаси, иккинчидан, ҳаётни яна ҳам чуқурроқ билиш ва унинг сир-лари ҳамда қонуниятларини очишида қўлланиладиган мухим илмий воситалар ҳисобланади. Уларни бир-биридан ажратиб ёки мутлақ-

лаштириб юбориш нотўғри. Чунки, ҳаётнинг ўзи бир бутун, яхлит ва кўп қиррали ижтимоий ҳодиса бўлганидек, ғоя ҳамда мафкура-лар ҳам ўзаро алоқадорликда намоён бўлади.

Илм-фаннинг вазифаси уларни бир-биридан фарқлай олиш ҳамда умумий алоқадорлик ва бир бутунликда тадқиқ этиб, та-раққиётнинг умуммафкуравий тамойилларининг хусусиятлари ва белгиларини очиш, амалиётда унинг имкониятларидан ижодий фойдаланишга кўмаклашишдан иборат., Илмий-назарий ва мето-дологик нуқтаи назардан олганда, ғоялар фалсафасининг катего-риялари объектив мазмунга эга бўлиб, шу йўналишдаги ҳодиса-лар ва жараёнлар туфайли рўёбга чиқади, намоён бўлади, ҳаёт-нинг ўзига хос хусусиятлари, томонлари, белгиларини ифода-ловчи воқелик сифатида инсон тафаккурида акс этади. Уларнинг ҳар бири мазкур йўналишдаги ўқув фанлари учун илмий-мето-дологик аҳамиятга эга бўлган умумий категориялар ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, ғоялар фалсафасининг категори-ялари моддий оламдан, унинг тушунчаларидан тубдан фарқ қиласди. Кўп ҳолларда уларнинг баҳоси ва қадрини, оқибати ва натижалари-ни аниқ рақамларда ифодалаш қийин, уларга хос хусусият ва қадр-ли жиҳатларни муайян фоизлар ҳамда кўрсаткичлар билан ўлчаб бўлмайди. Бу борада ушбу категория ва тушунчаларнинг инсон ва жамиятга, миллатлар ва давлатлар тақдирига таъсири, тарихий ривожланиш ва ижтимоий тараққиётдаги ўрни ҳамда роли муҳим аҳамият касб этади. Аслини олганда, уларнинг аниқ формуласи, кон-крет тимсолини топиш қийин, яъни ҳар қандай ғоя ёки мафкурунинг мазмун-моҳияти, қадри ва аҳамияти, оқибати ва натижаларини кўпроқ қиёслаш ва таққослаш орқали билиб олиш мумкин.

Ушбу тушунча ва категориялар инсоният тарихи, жамият та-раққиёти жараёнида бирданига ва бир йўла шаклланиб қолмаган. Шубҳасиз, инсоният узоқ давом этган тарихий жараёnda ғоявий-мафкуравий ҳодисаларга хос хусусиятлар ва белгиларни чукур-роқ англаб, улардаги жузъий ва умумий томонларини муттасил ўрганиб борган. Ана шу асосда кўплаб тушунчалар ва категория-лар шаклланган. Улар инсон камолоти, жамиятнинг маънавий ҳаёти, халқлар ва давлатлар тарихи ҳамда тақдирида муҳим аҳамият касб этиб бораверган. П1у маънода, мазкур категория-лар инсоннинг ҳаёт ҳодисалари ва улар билан боғлиқ воқеликнинг моҳиятини, умрнинг мазмуни ва маъносини, ўзининг жамиятдаги ўрни ва қадр-қимматини муттасил англаб бориши натижасида шаклланган тушунчалар ҳамдир.

Тарихий ривожланиш жараёнида (объектив тарзда), жамият ва кишиларнинг талаб-эҳтиёжлари натижасида (субъектив тарз-да) улардан гоҳ бири, гоҳ бошқаси умумий тизимнинг марказига, ҳаётнинг олдинги поғонасига чиқади: юртда душманлар хукмон-лик қилганида — озодлик, мустақиллик, диктатура даврида — эркинлик, Ватан мустақилигига хавф туғилганида — ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш ва уйғониш даврида — тарихий ва маданий меросни ўрганишга интилиш, уруш шароитида — тинч-лик ва барқарорлик билан боғлиқ ғояларга эҳтиёж кучайиб бора-ди. Шу тариқа ижтимоий жараёnlар ривожида улардан бири ёки бир нечтасининг долзарблиги ортиб боради.

Бунёдкорлик ва эзгуликка хизмат қиласиган ғояларнинг энг олий шакллари идеал категориялар сифатида қаралади. Жамият тарихининг ҳамма даврларида одамлар эзгу идеалларга интилиб, уларга эришишни орзу қилиб яшайди. Кундалик ҳаёт ва илмий адабиётларда энг олий идеал категорияларга нисбатан қатор ибо-ра ва тушунчалар кенг кўлланади: маънавий ва ахлоқий поклик-нинг умумий белгиси — яхшилик; нафосат белгиси — гўзаллик; билим ва фан ютуқларининг амалиётга мослиги — ҳақиқат; инсон ҳукуқлари олий ифодаси — эркинлик ва тенглик; сиёсатнинг тўғрилиги — адолат; инсонлараро ижобий муносабатлар — дўстлик; энг ҳокисор ва беғараз туйғулар асосида қалбларнинг боғлангани — муҳаббат; орзу-умидларга эришганлик — баҳт-са-одат, ўз юртини севмоқ ва ардоқлаш — ватанпарварлик ва х.к. Ушбу идеал категориялар ва уларга нисбатан тескари маънени англатадиган вайронкорлик, бузгунчилик, жаҳолат, эрксизлик, тенгсизлик, адолатсизлик ва бошқалар ҳаётда муайян тарзда на-моён бўлиб туради. Бундай ҳолларнинг содир бўлиши инсоният ҳаёти ва ижтимоий тараққиётнинг ниҳоятда мураккаблиги, воқеа ва ҳодисаларга ёндашувларнинг хилма-хиллиги, мақсад ва муд-даоларнинг турли-туманлиги билан изоҳланади.

Ғоялар фалсафасига хос тушунча ва категорияларнинг шакллари орасида ижобий аҳамиятини доимий тарзда намоён қиласи-ганлари ҳам бор. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровон-лиги, ҳар бир инсоннинг тириклиги, сиҳат-саломатлиги, соғлом насл қолдириши ва авлодлар ворислиги, орзу-умидлари, маъна-вий камолоти, баҳт-саодати, ҳақ-ҳукуқлари ва эркинлиги билан боғлиқ ғоялар шулар жумласидан. Комил инсон, ижтимоий ҳам-корлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ғоялари ҳам мазкур тизимга киради ва бу соҳадаги асосий тушунчалар сифа-

тида қаралади. Улар инсон ва жамият бор экан, ўз ижтимоий аҳамияти ва қадрини сақлаб қолаверади.

Афсуски, бу ғояларнинт қарама-қаршиси бўлган нотинчлик ва бекарорлик, маъносиз ҳаёт кечириш, маърифатсизлик, маънавий таназзул, жаҳолат ва бошқалар ҳам тарихий жараёнларда учраб туради. Тараққиётга интилиш бор экан — таназзул, тинчлик ва бар-қарорликни мустаҳкамлаш зарурият бўлган ҷоғларда нотинчлик ва бекарорлик, фаровонлик максад бўлган ҳаракатлар учун камбагал-лик ва нотавонлик, Ватан равнакита ҳалақит берадиган ғоявий таҳ-дид ва мафкуравий хуружлар, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлара-ро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглика нисбатан миллатчилик, буюк давлатчилик, космополитизм, ўзгача қараш ҳамда эътиқод-ларга бетоқатлик каби иллатлар инсониятни таъқиб қилишдан тўхта-ётгани йўқ, Юқоридаги ижобий тушунчаларнинг аҳамияти ва қадри уларга тескари бўлган бузгунчи ғоя ҳамда вайронкор мафкураларга нисбатан солиштириб аниқланиши ҳам мумкин.

Умуман олганда, ғоялар фалсафасининг категориялари:

- а) шу соҳадаги муносабат, боғланишларни ифодаловчи умумий мазмун ва хусусиятга эга бўлган тушунчалар;
- б) бу соҳани кенг ва атрофлича тавсифлагани ҳолда, бир-бирини тақозо этади, бир бутунликда, ўзаро алоқадорликда на-моён бўлади;
- в) объектив мазмунга эга, уларнинг ҳар бири ижтимоий воқе-ликда рўёбга чиқади, намоён бўлади, ушбу воқеликнинг ўзига хос хусусиятлари, томонлари, белгиларини ифодаловчи тушунчалар сифатида инсон тафаккурида акс этади;
- г) умумий тушунчалар сифатида инсоннинг шу соҳадаги ходи-салар моҳиятини билишга қаратилган билиш жараённининг нати-жалари ва ижтимоий жараёнларни янада чукуррок' ўрганишнинг илмий воситасидир;
- д) нафақат назария ва илмий билиш жараёнидагина эмас, балки амалиётда ҳам ўзига хос роль ўйнайди ва аҳамиятини сақлаб қолади.

Хуллас, бу борадаги диалектика шундаки, ғоя ва мафкура категориялари ҳар қандай шароитда ҳам бири иккинчисини тако-зо қиласди, уйғунликда ва ички алоқадорликдагина мавжуд бўла-ди. Демак, улар мантиқан ўзаро узвий боғлиқ, мазмунан бир-би-рини тўлдиради.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, бу соҳанинг умумий қонунлари-ни англамай туриб, мазкур категорияларнинг моҳият-мазмунини тушуниш мумкин эмас. Улар ғоя ва мафкурага хос умумий хусуси-

ятлар, алоқадорлик, ўзаро муносабатларни ифодалаши билан бир-га, ушбу категорияларнинг амал қилиши ва ўзгаришлар диалек-тикасини ҳамда бу соҳани илмий билишда зарур бўлган назарий ва методологик масалаларни ечиш йўлларини ҳам белгилаб беради.

Фоя ва мафкура соҳаси билан боғлиқ қонунлар шу йўналиш-даги жараёнлар билан узвий боғлиқ тарзда намоён бўладиган, мазкур соҳага хос воқеа - ҳОдисалар ўртасидаги доимий ва так-рорланиб турувчи узвий алоқадорликни белгилаб беради. Мазкур қонунлар хилма-хил тарзда, турли шаклларда намоён бўлса-да, ҳар қандай жамиятдаги ғоялар ва мафкура тизими, уларни амал-га ошириш йўллари ва усулларининг мезони сифатидаги аҳамия-тини сақлаб қолаверади. Бу борада ғоя ва мафкуранинг бир-бирини тақозо этиши, уларнинг инсон ва жамият билан узвий алоқадорлиги, ғоялар ва мафкуралар тизимининг ижтимоий та-раққиётга боғлиқлиги қонуниятлари муҳим аҳамиятга эга.

Фоя ва мафкуранинг бир-бирини тақозо этиши қонунигининг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятлари бу икки тушунча-нинг гносеологик жиҳатдан узвий боғлиқлиги тамойилига асосла-нади. Ушбу қонунга кўра, ҳар қандай мафкура бирон-бир ғояга ёки ғоялар тизимига таянгани, уни амалга оширишга хизмат килгани каби, муайян ғоя ва ғоялар мажмуи ҳам ўзига хос мафкура ва мафкуравий тизимсиз тўла-тўқис намоён бўла олмайди. Гояни маф-курадан, мафкурани эса ғоядан ажратиш, уларнинг иккисини ай-рича тасаввур қилиш назарий ва амалий жиҳатдан ниҳоятда катта хато ва салбий оқибатларга олиб келади. Бундай ўзаро алоқадор-ликни бамисоли, бир дараҳт илдизи ва танасининг уйғулигига қиёслаш мумкин. Шу маънода, илдизиз ва танасиз ўсиб турган дараҳтни тасаввур этиш қийин бўлгани каби, ғоясиз мафкурани, мафкурасиз ғоянинг амалга ошишини ҳам тасаввур этиб бўлмайди.

Маълумки, ғоя ва мафкуранинг бир-бирига нисбатан қандай ўрин тутиши, уларнинг қайси бири асосий мезон, қайсиси эса ускуртмалиги тўғрисида хилма-хил қарашлар ва ёндашувлар мавжуд. Ҳозиргача баъзилар ғояни бирламчи деб билсалар, бош-қалар эса мафкурани асосий ўринга қўядилар. Муайян ғоя пайдо бўлмаса, унга мос мафкура ҳам бўлмас эди, дея ҳисоблайдиган-лар ҳам, гоҳида эса ғоя ва мафкурани айнийлаштирадиганлар ёки уларни бир-бирига зид категориялар сифатида талқин қила-диганлар ҳам бор. Биринчи фикрга қўшилган ҳолда таъкидлаш лозимки, аслида ғояни мафкурага қарама-карши қўйиш, улар-нинг бирини устун деб билиш, бошқасини эътиборга олмаслик

масалага бир ёқлама қарашнинг яққол ифодасидир. Бундай ёнда-шув хаёт талабига ҳам, илм-фан қонунларига ҳам жавоб бер-майди. **Фоя ва мафкуранинг бир-бирини тақозо этиш қонуни эса бундан фарқ қиласди**, у биз ўрганаётган соҳани яхлит воқелик, ходисаларнинг умумий мажмуи сифатида тушуниш имконини яра-тади. Айнан ана шу қонунга кўра, **Фоя ва мафкурадан бирини мутлақлаштириш, бошқасининг аҳамиятини инкор қилиш** хаётда катта йўқотишларга, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Мазкур қонуннинг бузилиши, унга хос тамойиллар ва обьек-тив талабларга эътиборсизлик баъзи давлатлар ва жамиятлар-нинг таназзулга юз тутиши сабабларидан бири бўлганига доир мисоллар тарихда учраб туради. Собиқ иттифоқнинг сохта гоялар ва бузгунчи мафкура асосида ташкил топиши, ўша давр мафку-расининг яккаҳокимлиги ва ундаги эзгу гояларнинг қуруқ шиор-ларга айлантирилиши ана шундай мисоллардан бири. Аксарият ҳолларда, вақт ўтиши жараёнида бундай давлатлар вужудга ке-лишида муҳим восита бўлган мафкуравий тизимнинг аста-секин ўзини шакллантирган ва ўзи озиқланадиган гоялардан ажралиш жараёни рўй беради. Муайян давлат ёки жамиятни вужудга кел-тириш учун идеал мақсад сифатида қаралган, жараённинг бош-ланишида одамларни ана шу йўлда курашга отлантирган гоялар ўрнига, бошқа гоялар ва тартибларни устувор этишга ҳаракат қилина бошлайди. Баъзида уларни амалга ошириш тўғрисидаги ваъдалар бир четда қолиб кетади ёки бу борадаги ҳаракатларнинг ибтиносида амалга оширилиши эълон қилинган эзгу гоялар соҳ-талаштирилади. Натижада **гояларнинг қадрсизланиши** рўй бе-ради, уларнинг давлат фуқаролари ва жамият аъзоларини бирлаштирадиган, муайян мақсадлар томон сафарбар қиласиган мать-навий мезон сифатидаги қадри ва аҳамияти йўқолиб боради. Маф-куравий тизим эса сохта гояларга асосланган ана шу ҳолатни аба-дийлаштириш ёки сақлаб қолишга хизмат қила бошлайди. Энди у дастлаб ўзи асосланган эзгу гояларнинг мазмун-моҳиятига зид, умуминсонийлик талаблари ва тамойилларига қарама-қарши бўлиб қолади. **Фоя ва мафкура ўртасидаги** бундай **номутаносиблиқ** жа-мият ва ижтимоий тизимнинг мустаҳкамланишига эмас, балки унинг инқирози ва таназзулига олиб келадиган сабаблардан бири-га айланади. Ўтган асрнинг биринчи ярмида шаклланган фашистик давлатлар ва собиқ иттифоқ измида бўлган баъзи мамлакат-лар тарихи бунга яққол мисол бўлиши мумкин.

Гоялар ва мафкураларнинг инсон ва жамият билан узвий ало-қадорлиги қонуни муайян миллат, жамият ҳамда давлат ҳар бир тараккиёт босқичида шу даврга хос иқтисодий, ижтимоий, сиёсий мезонларга эга бўлгани сингари, ўзига мос келадиган гоявий ту-шунча ва тамойиллар тизимида эга бўлишининг тарихий зарурат эканини ифодалайди. Хдқиқатан ҳам, инсон ва жамият ҳаётини ғоя ва мафкурасиз тасаввур этиб бўлмагани каби, ғоя ва мафкуралар-ни ҳам инсон ва жамиятдан ажратиб бўлмайди. Жамиятдаги ўзга-ришлар муқаррар равишда мафкура тизимида, гоялар соҳасидаги ўзгаришлар эса жамиятга ўз таъсирини ўтказиши шубҳасиз.

Инсоният тарихи ва тараққиётiga мазкур қонун нуктаи назари-дан караш ҳар бир даврнинг тузилишига муайян гоялар ва мафку-ра тизими мос келишини, бу тизим ижтимоий воқеа-ходисалар билан боғлик тарзда намоён бўлишини кўрсатади. Ушбу соҳага ало-қадор тушунча ва тамойиллар ҳам мазкур тизимда ўзига хос ўринни эгалладайди, улар орасидаги фарқ, тафовут ва муносабатлар эса тузумдаги умумий ўзгаришларга боғлиқ бўлади. Масалан, юрти-миз тарихида ўчмас из қолдирган Амир Темур ва темурийлар дав-ри ёки Европа халқлари тараққиётiga ниҳоятда катта туртки бер-ган Ўрта асрлардаги уйғониш даври бутун инсоният ҳаётида улкан ўзгаришлар ва маънавий юксалишларга сабаб бўладиган бунёдкор ғояларнинг жамиятга таъсирини якқол кўрсатади.

Бундай даврларда устувор бўлган бунёдкор ғоялар буюк иш-ларга тайёр миллатларни, тарихнинг муайян қисқа босқичларида минг йилларда қўлга киритиш мумкин бўлган натижаларга эри-шишга ундейди. Айнан шундай гояларнинг амалий ифодаси инсо-ният тарихига шу миллатга мансуб буюк кишиларнинг номини би-тади, жаҳон маданиятини бойитади, умумбашарий тараққиётга улкан хисса бўлиб кўшилади. Амир Темур ва темурийлар даври-даги юксак гоялар халқимизнинг миллий дахосини энг юксак чўққига кўтарди. Бу даврда эзгулика хизмат қиласидаган гояларни амалга ошириш борасидаги фаолият нафақат Соҳибқироннинг ўзини, бал-ки Улугбек, Али Қушчи, Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб атоқли кишилар ҳамда мутафаккирларнинг номларини Ватанимиз тари-хига абадий муҳрлади, халқимиз ўтмишида ўчмас из қолдирди.

Ғоя ва мафкуранинг ижтимоий тараққиётга боғлиқлиги қонуни ушбу соҳанинг ўтмишдан келажакка томон ривожланиш жараёнидаги тарихийлик ва замонавийлик, инкор, ворислик ва янгйлаишнинг узлуксизлиги ва давомийлиги билан боғлиқ тамойиллар-

нинг мазмун-мохиятини ифодалайди. Мазкур қонуниятга кўра, тараққиёт жараёнида бир ривожланиш босқичидан бошқасига ўтил-ганида иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ўзгариш бўлгани сингари, фоя ва мафкуралар соҳасида ҳам янгиланиш рўй беради. Бунда барча ғоялар ва мафкура тамойиллари бутунлай йўқолиб кетмайди, балки ўзгарган даврнинг ижтимоий тузилишига ва за-мон талабларига мос келадиган, эскисидан фарқ қиласиган янги ғоялар тизими шаклланиши заруратга айланади. Бундай ҳолат-ларнинг узлуксиз тақоррланиши эса ғоялар ва мафкураларнинг ижтимоий воқелик ҳамда тараққиёт билан боғлиқлигини ифода-лайдиган қуйидаги муҳим хуносага келиш имконини беради: муайян ижтимоий воқеликка (яъни, инсоният тараққиётининг бирон-бир даврига, жамиятнинг ривожланиш босқичи ёки давлат шакли-га) муайян ғоявий-мафкуравий тушунча ва тамойиллар тизими мос келганидек, ўзгарган ижтимоий воқеликка ҳам ўзгача ғоялар тизими мос келади. Шу маънода, ҳар қандай миллат ва жамият ўзига хос ва мос ғоялар тизимини яратиши, уни такомиллаштириб бориши, турли хуружлар ва таҳдидлардан муттасил ҳимоя қили-ши лозимлиги инсоният хаётининг абадий қонунидир. Ижтимоий воқелик ёки мафкуравий соҳадаги ўзгаришлар бир-биридан қис-ман илгарилаб кетиши ёки орқада қолиши ҳам мумкин, аммо бу мазкур қоиданинг бутунлай бузилиши, дегани эмас. Ана шу қоида ғоялар ва мафкураларнинг ижтимоий тараққиёт билан боғлиқлик қонунининг асосий мазмун-мохиятини ифодалайди.

Мазкур қонунни ҳозирги замондаги ўзгаришлар билан боғлаб ўрганиш нафакат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу, айниқса, ҳозирги даврда жаҳонда ва Узбе-қистонда рўй бергаётган ўзгаришларнинг мафкура соҳасидаги ху-сусијатларини билиб олиш, кўлга киритилган илмий далилларни тажрибада кўллаш, мазкур йўналишдаги вазифаларни аниқлаш, зарур чора-тадбирларни белгилаш имконини беради.

Ғоялар фалсафасининг қонунлари инсонни табиат, жамият ходисалари мохияти ва қонуниятини билиш жараёнидаги эриш-ган билимларининг таркибий қисми ҳисобланади, иккинчидан, улар мафкуравий соҳани яна ҳам чукурроқ билиш ва унинг сирлари ҳамда тамойилларининг имкониятларини очишда қўлланилади-ган муҳим илмий воситалар ҳисобланади. Уларни бир-биридан ажратиб ёки мутлақлаштириб юбориш нотўғри. Зеро, жамият ва унинг хаёти яхлит ва бир бутун, кўп қиррали муносабатларда мавжуд бўлганидек, фоя ва мафкура соҳасидаги қонунлар ҳам ўзаро алоқадорликда мавжуд.

Юқорида қайд этилган қонунлар объектив тарзда, инсон ҳаёти ва жамият ҳодисалари ўртасидаги алоқадорликнинг муайян шак-ли тарзида ҳам намоён бўлади. Улар бирор-бир ғоя ёки мафкура-нинг зарурий равишда пайдо бўлишини ва амал қилиш тамойил-ларини ифодаловчи, инсоннинг жамиятдаги хатти-ҳаракатлари-ни белгилаб берувчи йўл-йўрик ва қоидалар йифиндиси, фаолият мезони сифатида ўз мазмун-моҳиятини кўрсатиши мумкин.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, баъзида амали-ётда гоя ва мафкурага оид қонунларга эътибор нисбатан кам бўлга-ни холда, аниқ чора-тадбирлар, долзарб вазифаларни бажариш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилишга кўпроқ диққат қаратилади. Мазкур қонунларга нисбатан эътиборсизлик ёки уларга атайлаб амал қиласлик кейинчалик салбий оқибатларга сабаб бўладиган бир лаҳзалик ютукларга, баъзи холларда эса аянчли натижалар-га олиб келиши мумкин.

Бундан фаркли тарзда, ғоялар соҳасидаги назарий билимлар тизимида бу борадаги қонунлар масаласи асосий ўринни эгаллайди. Агар ўз давридаги илғор илмий ғоялар асосида шаклланган ва Бе-руний, Улугбек, Галилей, Ньютон томонидан асослаб берилган қонунлар классик механика ва астрономиянинг негизини яратган бўлса, Ибн Синонинг тиб қонунлари тиббиёт илмининг асосини ташкил этади. Максвелл қонунлари классик электродинамика, Мен-дель қонунлари генетика, Авагадро ва Менделеев қонунлари хи-мия, Эйнштейн, Бор ва Резерфорд қонунлари замонавий физика соҳасида илмий ғояларнинг амалга ошиши учун ана шундай муҳим аҳамият касб этган. Шу маънода, Максвеллнинг "Кашфиётлар, аввало, бирор-бир ғояда акс этади, сўнгра эса муайян қонун кашф этилиши тарзида намоён бўлади", деган фикри бежиз айтилмаган.

Ғоя ва мафкура соҳаси қонунлари, аввало, шу йўналишдаги ижтимоий муносабатларни ифодалайди. Гегель айтганидек, барча мавжуд нарсалар ўзаро муносабатда бўлади, мана шу ўзаро муно-сабат ҳар қандай мавжудликнинг асосидир. Одамларнинг бир-бирла-ри билан муносабати, жамиятдаги ўзаро алоқалар, ижтимоий ўзга-риш ва ислоҳотлар бу соҳадаги қонунларга муттасил таъсир кўрса-тuvчи омиллард^р Бу қонунлар жамият ҳаётининг фақат ғоя ва мафкура билан боғлиқ соҳаси доирасида амал қилгани учун улар хусусий характерга эга. Яъни уларни бошқа соҳалардаги жараёнлар ва ўзгаришлар учун кўллашдан кўра, шу жабҳадаги воқеа ва ҳоди-салар ўртасидаги, нисбатан тор доирадаги алоқаларни функционал тарзда ифодалайди, деб қараш кўпроқ натижа беради.

Жамиятдаги ижтимоий жараёнларнинг инъикоси сифатида гоя ва мафкура соҳаси қонунлари икки узвий боғлиқ функцияни, яъни **тушунтириш ва башорат қилиш вазифасини** ҳам бажаради. Би-ринчи функцияга мувофиқ, мазкур қонунлар асосида бирор-бир воқеа, ҳодиса ва жараённинг шунчаки мавжудлиги, рўй бериши эътироф этилмасдан, балки уларнинг моҳияти очиб берилади, қан-дай мавжуд бўлиши ва амалга оширилиши тушунтирилади. Бу бо-рада тушунтириш ва унинг асосий кўринишлари сабабий, функцио-нал, структуравий асосларга таянган ҳолда амалга оширилади. Ба-шорат қилиш функцияси муайян жараённи олдиндан англаш, шу йўналишда зарур фаолиятни амалга ошириш тарзида намоён бўлади. Масалан, бирон-бир ,гоявий тажовуз ёки хуруж рўй бериши ба-шорат қилинса, унга карши аввалдан мафкуравий ҳимоя ва шу соҳадаги профилактика ишларини амалга ошириш мумкин.

Муайян даврда рўй берәётган ижтимоий жараёнлар натижаси-да туб ўзгаришлар амалга ошаётган ёки бирон-бир янги жамиятни қуриш нуқтаи назаридан ҳам бу соҳадаги қонунларни билиш, уларга хос функциялардан ўз вақтида ва унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шу мъянода, собиқ иттифоқнинг парчаланиши ва мустақил давлатимизнинг пайдо бўлиши тасодифий ҳодиса эмас, балки тоталитар тузумга хос кўплаб ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий зиддиятлар натижасида, унга хос гоялар тизимининг қадр-сизланиши оқибатида содир бўлган зарурий ҳодиса.

Ана шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда мустақилликка эришилган дастлабки йилларданоқ илгари орзу бўлган миллий давлатчилик-ни тиклаш, янги жамият барпо этиш жараёнида бунёдкор ғояларни амалга оширишнинг умумий ва хусусий қонунларига катта эъти-бор берилгани бежиз эмас. Мустақилликнинг илк кунларидан бош-лаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тизимидан воз кечилиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқти-садиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фу-қаролик жамиятини шакллантиришда амалда ўзини тўла оқлаган ислоҳотларнинг машҳур беш тамойили ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Мазкур тамойиллар, аввалимбор, собиқ коммунистик маф-кура ва унинг ғояларидан бутунлай воз кечилганининг яққол ифо-даси бўлиб, улар XX асрнинг 90-йиллари бошидаги реал ҳаётни ўзида ёрқин акс эттирган, мамлакатимизни ислоҳ этиш бўйича аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш имконини яратган эди. Айнан ана шу тамойиллар асосида пайдо бўлган "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг", "Ислоҳотлар — ислоҳот учун

эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун" деган шиор-лар бугун кўпчиликка ёд бўлиб кетди.

Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган туб ўзгаришларни амалга оширишда миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига хурмат билан муносабатда бўлишга кат-та эътибор қаратилди. Шу билан бирга, ушбу жараёнда замонавий демократик давлат қуришнинг ўзини оқлаган жаҳон тажрибасини чукур ўрганиш ва қабул қилиш ҳам давлатимизда бунёдкор ғоялар-нинг ижобий таъсири ҳамда кучидан самарали фойдаланиш бора-сидаги фаолиятнинг устувор йўналишларидан бири бўлди.

Хуллас, "Ғоялар фалсафаси"нинг тушунчалари, категория-лар ва қонунлар тизимининг моҳияти ва аҳамиятини ҳар бир замондошимиз, айниқса, ушбу фанни ўрганаётган ёшларнинг қалби ва онгига сингдириш шу соҳадаги маънавий-маърифий иш-ларимизнинг асосий йўналишига айланди. Бу эса аҳолининг тур-ли қатламлари, айниқса, ёш авлод тафаккурида юқорида тав-сифланган тушунча ва категорияларнинг мазмунини ифодалайди-ган тасаввур ҳамда хulosаларни шакллантириш борасидаги фао-лиятда барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди.

4- мавзу. "Ғоя" Категорияси, унинг намоён бўлиш шакллари ва хусусиятлари

Инсоният кўп минг йиллик тараққиёт жараёнда ўзини ўраб турган оламни, одамлар ва жамиятни, турли воқеа-ҳодисалар, реал ҳаётий жараёнларни кузатиб, уларнинг вужудга келиш са-బблари ва ривожланиш қонуниятлари тўгрисида мушоҳада қили-ши натижасида турфа тасаввур ва тушунчалар, ғоя ва қараш-ларга эга бўлган. Ҳар бир инсоннинг ғоялар дунёси, бир томон-дан, унинг маънавияти, маърифати ва маданиятлилик даражаси билан боғлиқ тарзда шаклланган, иккинчидан, унга шу инсонни ўраб турган ижтимоий муҳит, жамият, у билан ёнма-ён яшай-диган одамлар ва ҳаёт ҳодисалари ўз таъсирини ўтказган.

Шу маънода, "ғоя" ва "мафкура" тушунчалари инсон тафак-кури ва фаолиятининг маҳсулидир. Бу эса, ўз навбатида, ушбу тушунчаларнинг мазмуни ва ўзига хос жиҳатларини билиб олиш, аввало, инсонни англаш, унинг моҳиятини билиш жараёни билан узвий боғлиқ эканидан далолат беради.

Инсон ва ғоя. Гояни инсондан айри тасаввур килиш қийин, у инсон онги ва тафаккурининг натижаси. Оламдаги бошқа мавжу-

дотлардан ажралып турадиган инсон энг мухим хусусиятларга, яъни ақл, маънавият, маданият, ахлоқ, тафаккур, тил ва бошқа жи-ҳатларга эга бўлган ижтиомий вужуддир. Президент Ислом Ка-римов "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида унга қўйида-гича таъриф беради: "Инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маъна-вий хусусият ва алломатларни мужассам этган ноёб хилқат, Ярат-ғаннинг буюк ва сирли мўъжизасидир. Шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва хислатларни охиригача анг-лаш, тушунишнинг ўзи ўта мураккаб бир масала. Мана шундай қараш ва фикрларни умумлаштириб, инсонга хос орзу-интилиш-ларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий олами бамисоли парвоз қилаётган күш-нинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади. Қачон-ки ана шу икки мухим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади".

Алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ғоянинг вужудга келиши ва амалга ошишида шахсларнинг ўрни, аҳамияти катта. Эзгулик ва бунёдкорликка йўналтирилган энг жозибали ва кучли ижтиомий таъсирга эга бўлган ғояларнинг яратилиши ҳамда амалга оширилиши уларнинг соҳибларини тарихий шахсларга, атоқли кишиларга, аллома ва мутафаккирларга айлантиради. Бундай ғоялар кўплаб одамларнинг тақдирини белгилайди, муайян ҳолларда бирон-бир давлат тузумини, жамият ҳаётини ўзгартиради, ҳалқларни идеал мақсадлар томон бошлайди, миллатларнинг музaffer байроғига айланади. Бу жараёнга минглаб, гоҳида миллионлаб кишиларнинг сафарбар этилишига, уларнинг бир мақсад йўлида уюшиб, ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб, ҳаракат қилишига сабаб бўлади.

Дастлаб бирон-бир киши онгида пайдо бўлган ғоя ўз таъсир кучи, жозибаси билан, аввало, шу одамнинг ўзини ром қиласи, унинг қалбига ўрнашиб, муайян мақсадга ундиади. Инсоният тари-хида бир умр ўзи кашф қилган ғоялар таъсирида яшаган, бутун ҳаётини ушбу ғояни амалга оширишга сарфлаган кишилар ниҳо-ятда кўп. Атоқли давлат арбобларидан машхур сайёхларгача, ди-ний илоҳиётчилардан илм-фан алломаларигача бўлганлар орасида бунга мисол келтириш мумкин. Ғояларнинг яралиши, амалга ошиши, уларнинг соҳибларини умри, ҳаёт йўли тўғрисида асар ёзилса, у дунёдаги энг катта, энг қизиқ ва энг таъсирчан китоб бўлар

Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. —Т.: "Маънавият", 2008, 67-бет.

эди, деган фикр бежиз айтилмаган. Бу фикрда муайян асос бор. Ҳакикатан ҳам ғояларнинг ниҳоятда кўплиш, уларнинг одамлар, халқ ва давлатлар тақдирига таъсири, ғояларни амалга ошириш, уларни химоя қилиш йўлидаги курашлар ва хатти-ҳаракатлар та-рихи ниҳоятда қизик, воқеаларга бой. Муайян ғояга ўз ҳаётини тиккан одамлар тақдир, уларнинг умр йўли ундан ҳам қизиқроқ. Ҳар бир киши бу борадаги тарихдан ўrnak ва сабоқ олиши мумкин.

Одамзод наслига хос хислатлар катори ғоя ва мафкуралар ҳам аждодлардан авлодларга узатилади. Бошқа тирик мавжудотлар-дан инсоннинг бу борадаги туб фаркини кўрсатадиган хусусият-лардан яна бири унинг ўз ғояларини амалга ошира олиши, бу борадаги усул ва воситаларни яратиб, улардан фойдаланишидир.

Инсон тасаввур ва тафаккурга эга бўлган, фикрлайдиган, воқеа-ҳодисалар асосида хulosалар чиқарадиган онгли мавжудот. У акли билан олам сирларини кашф қиласи, қалби воситасида унинг гўзаллигини хис этади, воқеликдан ҳайратланиб, ҳаёт қонунла-рига мослашиб яшашга интилади. Дунё сезгилар орқали инсоннинг қалби ва онгида ўзига хос тимсол ҳамда тасаввурлар уйғота-ди, ғоя ва қарашларни шакллантиради, унда орзу-интилиш, мақ-сад-муддаоларни вужудга келтиради. Ана шу интилиш ва мақ-садлар инсоннинг фаолияти орқали амалга ошади, яъни ҳаётга, воқеликка қайтади, унга таъсир қиласи ва уни ўзгартиради.

Инсоннинг ташки қўринишини қадди-қомати, гавдаси, хатти-ҳаракати ва кийиниши ташкил этса, унинг ички дунёси фикр юри-тиши, тафаккури, дунёқараши, ғоялар олами, орзу-истаклари, интилишлари, ҳис-туйғулари, эътиқоди, дунёқараши ва мақсад-муддаоларидан иборат. Улар орасида "ғоя" ва "мафкура" тушун-чалари алоҳида ўрин эгаллайди.

"**Ғоя**" тушунчаси инсоннинг борликка, ижтимоий жараёнлар-га, жамият ҳодисаларига бўлган муносабати, ўз олдига қўйган муддаолари асосида вужудга келадиган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, одамларни ҳаракатга чорлайдиган, уларни муайян мақ-сад сари етаклайдиган ва бирон-бир тарзда намоён бўладиган фикр ёки фикрлар мажмуини ифодалайди. У биз ўрганаётган ғоялар фалсафасининг энг асосий, кенг маъноли ва серқирра тушунчаси, шу билан бирга, мазкур фаннинг бошқа тушунчалари таянадиган умумий категорияси ҳамdir.

Мазкур тушунчани тўла **тавсифлаш** учун унинг моҳиятини на-моён этадиган асосий хусусиятларни санаб ўтиш лозим. Инсон он-гининг маҳсули сифатида ғоялар тушунча ва фикрлар ёрдамида

ифода этилади. Аммо ҳар қандай фикр ва қараш ҳам ғоя бўла ол-майди. Фояларнинг оддий фикрлардан фарқи шундаки, улар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон (ва жамият) руҳиятига, ҳатто туб қатламларига ҳам сингиб боради. У одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга айланади. Фоянинг энг муҳим хусусияти, авва-ло, у муайян мақсадни ифодалайди, унга етишишга чорлайди. Шу билан бирга, ҳар қандай гоя одамларни ўз атрофида бирлаштира-ди, инсон ва жамиятни мақсад сари етаклайди, уларни ҳаракатга келтиради, сафарбар этадиган маънавий омилга айланади.

Фоянинг объекти ва субъекти нима? Бунда, аввало, шуни таъ-кидлаш керакки, ғояни шакллантирадиган, унинг вужудга кели-шига туртки берадиган объектив реаллик — ташқи олам, дунё ва унинг ҳодисалари, инсоният, жамият ҳаётига тегишши воқеалар мавжуд. Сўнгра эса ана шу ҳодиса, воқеа ва жараёнларни англаб оладиган, ўз ҳаётини уларнинг қонуний оқимиға мослайдиган ва ўзи ҳам уларга акс таъсир кўрсатадиган одамзод ҳам мавжуд. Фоя ана шу икки томон, яъни ташқи реаллик ва одамзод орасидаги муносабат (таъсир ва акс таъсир) натижасида шаклланадиган субъ-ектив ҳодиса, объектив реалликнинг субъектив натижаси, инсон онгига ташқи олам, дунё ва ҳаёт ҳодисаларининг акс этиш шакл-ларидан бири. Фоя гносеология нуқтаи назаридан шу тарзда ту-шунилар экан, қуидаги маъноларни англатади:

- инсон онгининг таркибий қисми;
- ташқи оламнинг образли, инъикоси ва акси;
- инсон ва ҳодисаларни англаш шакли;
- инсон онгининг ташқи олам ва ҳаёт ҳодисаларига нисбатан акс таъсирининг намоён бўлиш шаклларидан бири.

Фояни фалсафа нуқтаи назаридан тушуниш, яъни уни гносеология ва онтология асосида талқин қилиш, бу масалага полито-логия (сиёsatшунослик), конфликтология (зиддиятшунослик) ёки аксиология (қадриятшунослик) нуқтаи назаридан ёндашувдан фарқ қиласи. Бу фанларнинг ҳар бирида муайян ғоялар у ёки бу таъ-лимот, қараш ёки назариянинг асоси сифатида ўрганилади. Биз ўрганишга киришаётган мазкур фанда эса масаланинг барча жи-ҳатлари қамраб олинади ва уларнинг нафақат назарий, балки ама-лий томонларига ҳам эътибор қаратилади.

Фояни гносеология (лот. "гнозис" — билиш) **нуқтаи назардан тушуниш** ниҳоятда муҳим. Бунда ушбу тушунчани дунёни билиш-нинг муайян босқичи, нарса ва ҳодисалар моҳиятини англатадиган

фалсафий категория экани эътироф этилади. Бу, ўз навбатида, уни илмий тушунча сифатида талқин қилиш имконини беради ва гояни сийқалаштириш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатади.

Гояни онтология нуқтаи назаридан тушуниш эса унинг объектив реаллик билан узвий алоқада эканлигини исботлаш учун асос бўлади. Бундай ёндашув ҳдқиқий юя нафакат субъектив ҳодиса, яъни бирон-бир киши томонидан хаёлан ўйлаб топилмайдиган, балки ташки олам ва хаёт ҳодисалари асосида шаклланадиган, ўз обьекти ва субъекти-га эга бўлган тушунча эканини исботлаш имконини беради.

Илмий адабиётларда "ғоя", "мағкура", "идея" ва "идеология" тушунчалари ишлатилмоқда. Идея ва идеология кўпроқ ғарб давлатларида хамда рус тилидаги манбаларда учрайди. "Идея" ибораси юонон тилидаги "йеа" сўзидан олинган, у идеология сўзининг ўзаги ҳисобланади ва тушунча ёхуд фикр маъносини англатади. Идеология (Idea — гоя, тушунча, Iosoz — таълимот) атамаси эса гоялар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатилади:

- гояларнинг моҳият-мазмуни, шаклланиши, аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соҳа ҳисобланади;
- муайян гояни амалга ошириш, мақсадга етишиш усууллари, воситалари, омиллари тизимини англатади.

Гоянинг ижтимоий характери шунда намоён бўладики, муайян ғоя, одатда, алоҳида шахс онгига шаклланади, кейинчалик эса жамиятнинг турли қатламларига тарқалади, турли элат ва миллатлар орасига ёйилади. Бу жараёнда ҳар бир инсон ўз маъ-навиятини, ғоялар дунёсини ўзини шахс сифатида англаганидан бошлаб, ҳаётининг охиригача шакллантириб, ривожлантириб боради. Мустақил ҳаётга қадам қўйётган янги авлод _жамиятдаги мавжуд ғоялар таъсирида тарбияланади, муайян қарашлар ва ғояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида, янги ғояларни яратади ва тарғиб этади.

Инсон муайян ғоялар дунёсининг таъсирида шаклланиб, тарбияланиб, камолга етиб боргани сингари, баъзида ўз маслагига ёт, бузғунчи ғоялар ва мағкуралар таъсирига тушиб қолиши, мақсадларини ўзгартириши, ўзга йўлларга кириб кетиши ҳам мумкин. Бу эса инсоннинг маслагини ўзгартиради, унинг ғоялар дунёсини ўзга асосга кўчиради, илгаридан шаклланган гоявий та-мойилларининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Турли диний ақидалар, фалсафий таълимотлар, илмий қараш-лар, бадиий асарларнинг негизида муайян ғоялар ётади. Ижтимо-ий-сиёсий ҳаракатларнинг мақсадлари ҳам ғояларда акс этади.

Фоя комил инсонларнинг иймон-эътиқоди, дунёқараши ўзагини, хаёт мазмунини ташкил этади. Улар эзгу ғоя деб яшайди, бу йўлда ҳатто жон фидо қиласидилар. Тарихда ўз жасорати, мардлиги ва қаҳрамонлиги билан из қолдирган буюк инсонлар, албатта, юксак ғоя соҳиблари бўлган.

Ҳар бир ходиса ва жараённинг ўз ибтидоси ҳамда интиҳоси, яъни бошланиши ва охири бўлиши лозимлиги тарих қонуниятидир. Худ-ди шунингдек, ғоялар ҳам ўз "умри"га, хусусан, жуда қадимий та-рихга эга. Улар маълум бир макон ва замонда пайдо бўлади, жамият ривожига муайян ҳисса кўшади, кишиларнинг онги ва қалбидан жой олади. Баъзилари инсоният тарихида абадий сақланиб қолади, бош-калари эса ўз умрини яшаб, жозиба, кучи ва қувватини йўқотгач, тарихий хотирага айланади. Фақат шу маънодагина инсоният тариҳини ғоялар тарихи сифатида талқин қилиш мумкин.

Ғояларнинг турлари кўп. Инсонга нисбатан ташқи таъсирлар-нинг натижаси ва тафаккурнинг маҳсули сифатида ғоя теварак олам-ни ўрганиш, билиш жараёнида вужудга келади. Маълум маънода айтиш мумкинки, ҳар бир жамият ҳаёти ва ижтимоий онг соҳала-рининг ҳам ўз ғоялари мавжуд бўлади. Ҳар қандай миллат ва ҳалқ, ҳар қандай ижтимоий тузум ва давлат муайян тамойиллар ва қад-рияслар асосида ҳаёт кечиради ҳамда ўз манфаатлари, мақсад-муддаолари, орзу-интилишларини кўзлаб ҳаракат қиласиди. Бино-барин, улар ҳаётдаги маълум ғоялар тизими ва мафкурага таяна-ди ёки ўзига хос муайян мафкура ва ғоялар тизимини шаклланти-ради. Ижтимоий онгнинг барча шакллари — илм-фан, дин, фалса-фа, санъат ва бадиий адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва ҳукук ҳам муайян ғояларни яратади, уларга таянади ва ривожланади.

Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин:

- бунёдкор;
- вайронкор;
- илмий;
- фалсафий;
- дунёвий;
- диний;
- бадиий;
- ижтимоий-сиёсий;
- миллий;
- маърифий;
- маънавий;
- ахлокий;

- тарбиявий;
- умуминсоний ғоялар ва ҳоказо.

Шу билан бирга, жамиятнинг ижтимоий тузилиши билан боғ-лиқ партиявий, синерий, этник ғоялар ҳамда кўламига кўра фарқ-ланадиган умумбашарий, минтакавий ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ғоя шакллари ҳам бор. Улар орасида бунёдкор ва вайрон-кор ғоялар алоҳида ўрин тутади.

"**Бунёдкор ғоялар**" тушунчаси жамият ва одамларни, турли гурӯҳ ва қатламлар, миллат ва давлатларни тараққиёт сари етак-ловчи, халқни эзгу мақсад йулида биргалиқда ҳаракат қилишга ундовчи ғоялар мажмуини ифодалайди.

"**Вайронкор ғоялар**" тушунчаси бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиласиган ғоялар мажмуини ифодалайдиган тушунча, инсон ва жамиятни тубанликка бошлайди-ган, одамларни ғаразли ният ва қабих мақсадларга ундейдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялар мажмуини ифодалайди.

"**Дунёвий ғоялар**" диний ғоялардан фарқ қиласиган, инсон хукуқи ва эркинликларини, демократик қадриятларнинг устувор-лигини таъминлашга қаратилган ғоялар мажмуини ифодалайди. У демократик тараққиёт, ҳаётни эркинлаштириш, виждон эр-кинлиги, инсон манфаатларини таъминлаш, фикрлар ранг-ба-ранглиги, мулкий плюрализм, ижтимоий ҳамкорлик ва бағрикенг-лик тамойилларига таянади.

"**Диний ғоялар**" деб, ҳар бир диний таълимот ва оқимнинг асосини, диний иймон-эътиқоднинг негизини ташкил этувчи ғояларга айтилади. Ибтидоий динлар ҳар бир нарсанинг жонли экани, жон-нинг абадийлиги, бут ва санамларнинг, табиий жисм ва ҳодисалар-нинг илохий қувватга эгалиги тўғрисидаги қарашларга асосланган эди. Масалан, ҳиндларнинг диний тасавурларига кўра, жон кўчиб юради, бу ҳаётда у инсонда бўлса, кейинги ҳаётда бошқа жонзотга ўтиши мумкин. Илоҳларнинг кўплиги ҳақидаги фикрга таянадиган политеизм динлари вақти келиб монотеистик — яккахудолик ғояси асосидаги динларга ўз ўрнини бўшатиб берган. Яккахудолик ғояси миллий динларда (масалан, иудаизмда), айниқса, жаҳон динлари

христианлик ва исломда ўз ифодасини яққол топган. Хусусан, ислом динида Аллоҳнинг ягоналиги ғояси асосида унинг барча ақида-лари, руқнлари, талаб ва мажбуриятлари шаклланган.

"**Илмий ғоялар**" — фан тараққиётининг самараси, илмий қашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан со-

ҳаларининг асосии тамойиллари (принциплари), устувор қоида-ларини (постулатларини) ташкил қиласидиган илмий фикрлар.

Ғояларнинг "ҳаёти", уларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, •бошқа ғоялар билан ўзаро муносабати, кураши, ниҳоят, эскир-ган ғояларнинг янгилари билан алмашиниши, айниқса, илмий ғоялар мисолида яккол намоён бўлади. Қадимги юонон файласуф-лари табиий жисмларнинг энг кичик, бўлинмайдиган зарраси си-фатида "атом" тушунчасини киритган эди. Птолемей-Аристотел-дан тортиб, ўрта асрдаги Улугбек астрономиясигача дунёнинг мар-казини Ер деб ҳисоблаб келганлар; Евклид геометрияси, Ньютон механикаси, Дарвин таълимоти ҳам ўз даврининг энг илгор ил-мий ғояларига асосланган эди. Илм-фан тараққиёти атомнинг бўли-нишини, коинот маркази Ер эмаслигини ҳам ишончли далиллар билан исботлади; квант механикаси, ирсият назарияси ва бошқа кўплаб қашфиётлар қилинди. Дунёга А. Эйнштейн, Н. Бор, Ф. -Резерфорд, М. Кюри ва бошқаларнинг номларини машхур қил-ган ядро физикаси соҳасидаги қашфиётлар ҳам илмий ғоялар асосига қурилган. XX асрда инсоният ниҳоятда кўп илмий ғояларни амалиётга айлантирди. Телевидение, космик ракета, компьютер, уяли телефон ва бошқа соҳалардаги ютуқлар бунга ёрқин мисол бўлади. Фан тараққиёти узлуксиз ва чексиз. Бу жараёнда амали-ётда тасдиқланмаган, эскирган қарашлар янги илмий ғоялар би-лан ўрин алмашаверади.

"Фалсафий ғоялар" шу соҳадаги ҳар бир таълимотнинг асо-сини ташкил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий ту-шунча ва қарашлардан ташкил топган. Улар бизни ўраб турган дунёни билиш жараёнида, кишилик жамиятининг тараққиёти мобайнида тўпланган фалсафий билимларни умумлаштириш, ин-сон ҳаётининг маъномазмунни, унинг баҳт-саодати каби масала-лар устида мулоҳаза юритиш асосида шаклланади.

Инсоният тарихида турли ҳалқларнинг ақл-заковат соҳиблари, доно файласуф ва алломалари турфа хил ғоялар яратган. Улар билан фалсафа тарихини ўрганиш жараёнида батафсил танишип¹ мумкин. Аммо, фалсафий ғоялар ҳақида гап кетганда, жаҳон фал-сафий тафаккури ривожига бекиёс ҳисса қўшган ўзбек мутафак-кирлари яратган меросни ёдга олмаслик мумкин эмас. Форобийнинг фозил шаҳар тўғрисидаги, тасаввуф даҳоларининг комил инсон ҳақидаги, Ибн Синонинг тана ва рух муносабатига оид, Алишер Навоийнинг адолат ва инсонийлик борасидаги теран фикрлари фал-сафий ғояларнинг ёрқин намунаси. Тараққиёт жараёнида фалса-

фий ғоялар ҳам муайян тизим шаклини олган. Масалан, оламнинг вужудга келиши, мавжудлик қонуниятлари, унинг асосини нима ташкил этиши каби масалаларни қадимги одамлар хилма-хил ҳал қилганлар. Уларни фалсафий талқин этиш натижасида монизм ва дуализм, идеализм ва материализм сингари оқимлар вужудга кел-ган. Уларнинг ҳар бири ўз маъно-мазмунига эга эканлиги билан ажралиб туради. Хусусан, монизм — оламнинг асосини битта мо-ҳият ташкил этади деб таълим берувчи йўналиш бўлса, дуализм — оламнинг ибтидоси ҳам руҳий-илоҳий, ҳам моддий асосга эга эканини эътироф этувчи оқим. Олам ва одамнинг яралиши, бор-лиқнинг яшши ва ривожланиш қонуниятлари, борлиқ ҳамда йўқлик масалаларида руҳий ва илоҳийлик тамойилларини усту-вор деб билиш, мутлақлаштириш идеализм ғоясининг асосини таш-киль қиласди. Ундан фарқ қиласдиган материализм айнан ана шу ма-салаларда модда (материя) ва унинг хоссаларини устувор деб би-лиш, мутлақлаштириш асосида шакланган.

"**Бадиий ғоялар**" — адабиёт ва санъат асарининг асосий маъно-мазмунини ташкил этадиган, ундан кўзланган мақсадга хизмат қиласдиган етакчи фикрлар. Улар ҳаётдан олинади, бадиий тал-қинлар асосида баён этилади, ўкувчидаги муайян таассурот уйго-тади. Адабий қаҳрамонларни севиш, уларга эргашиб ҳоллари ҳам ана шу асосда рўй беради. Бадиий таъсир воситалари жуда катта кучга эга. Инсон ва жамият онгини ўзгартиришда, шахс руҳияти-га таъсир ўтказишида, одамларни ҳаракатга келтиришда бадиий адабиёт ва санъатнинг аҳамияти бекиёс. Миллий истиқлол ғояси-ни тарғиб этиш, халқнинг онги ва қалбига сингдиришда ҳам ада-биёт ва санъат муҳим восита бўлиб хизмат қиласди.

Таъкидлаш жоизки, башариятнинг зиддиятли тарихи мобай-нида ҳаётбахш ғоялар билан бир қаторда, сохта ва тубан ният-лар, тажовузкор ва ғаразли фикрлар ҳам кўп бўлган. Бинобарин, халқпар ва давлатлар тақдирига таъсири, ўзининг сифатларига кўра ғоялар юксак ё тубан, бунёдкор ёки вайронкор, эзгу ёхуд бузгунчи, ҳаётбахш ёхуд тажовузкор бўлиши ҳам мумкин. Пре-зидент Ислом Каримов таъкидлаганидек, миллат тараққиётига, унинг юксалишига хизмат қиласдиган, халқларни жипслаштириб, олий мақсадларга сафарбар этадиган ғоялар юксак ғоялардир . Одамлар орасига нифоқ, халқлар ўртасига низо соладиган, киши-

Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. 7-жилд. -Т.: "Ўзбекистон", 1999. 308-бет.

ларни турли тарафларга ажратиб, адоват қўзғайдиган тубан фикр-лар бузгунчи ғояларга мисол бўлади. Аслида бундай қабих ният ва сохта шиорларни ғоя деб аташ ҳам шартли. Қайси ижтимоий бирлик ёки қатлам орасида тарқалгани, қандай аҳоли гурухлари ёки элат-миллатларни ҳаракатга келтираётганига қараб ҳам ғояларни турларга ажратиш мумкин.

Соҳиблари, яъни ғояни моддийлаштирувчи, амалиётга айлантирувчи куч ким эканига қараб, синфий ғоя, миллий ғоя, умум-халқ ғояси, умуминсоний ғоялар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Албатта, муайян бир халқ оммасини маълум тарихий шароитда ҳаракатга ундаётган ғоя мазмунан умуминсоний бўлиши ҳам ёки тор манфаатларни кўзлайдиган синфий ғоя жамият ва инсон ман-фаатларига зид бўлиши ҳам мумкин.

Миллий ғоя халқнинг ҳаёти ва келажагини белгилайдиган, унинг туб манфаатларини ифода этадиган, уни ўз олдига қўйган мақ-садлари сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган ғоядир. Ўз тарихи ва тараққиётининг туб бурилиш даврларида ҳар қандай миллат ва халқ келажагини белгилайди, унга етишишнинг ўзига мос йўлларини танлайди. Ана шу жараёнга хос ижтимоий, иқти-содий, сиёсий йўналишлар билан барча ғоявий тамойилларни ҳам белгилаб олади. Бунда бутун миллат учун умумий бўлган ғоялар ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон Президенти Ис-лом Каримов томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган Ва-тан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги, Комил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро ҳамжиҳатлик, Диний баг-рикенглик каби ғоялар ана шундай умуммиллий ғоялар қаторига киради. Бу ғоялар устувор бўлган миллий истиқлол ғояси бутун жамиятимиз ва халқимиз учун умумий тушунча ва тамойиллар-ни, мақсад ва вазифаларни, уларни амалга ошириш йўллари ва воситаларини ўзида акс эттирган.

Халқимиз бугун она-Ватан туйғуси, миллий ғурур ва ўзликни англаш ҳисси, мустақилликка садоқат ва келажакка ишонч билан яшамоқда, меҳнат қилмоқда. Аммо айримлар борки, уларда ҳали ҳам бокимандалик, лоқайдлик асоратлари мавжуд. Аниқ ғояси йўқ, эътиқоди бўш одам эса ёт ва зарапли мафкуралар таъсирига тушиб қолиши осон. Бегона мафкураларнинг Ўзбекистонга таъсири-ни ўрганиш жараёни ғоявий тарғибот, мафкуравий тарбия бора-сида ҳали кўпгина вазифалар борлигидан далолат беради.

Зеро, кишилий жамиятида ҳеч қачон ғоявий бўшлиқ бўлма-ган. Агар ғоявий бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини турли

хил мафкуравий тазиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтка-зишга ҳаракат қилиши муқаррар. Нафақат ғоявий бўшлиқ, ҳатто ғоявий қатъиятсизлик бор жойда ҳам мафкуравий таҳдид куча-йиб бориши тарихда ўз исботини топган ва аянчли асоратларга олиб келадиган ҳақиқатдир.

Бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларнинг мафку-раси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асос-ланади, дея зълон қилинган. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳак-хукуqlари ва эркинлиги, миллӣй ва диний тотувлик ғоялари устувор. Шу билан бирга, бугунги дунёда соxта ғоялар ва бузғун-чи мафкуралар воситасида ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиласидиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшамоқда. Бир ҳудуд ё мамлакатда пайдо бўлаёт-ган ғоя ва оқимлар қисқа муддатда жаҳонга ёйилмоқда. Интернет тизими орқали ахборот алмашув, бинобарин, ғоявий таъсир ўтка-зиш имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда. Тажовузкор миллат-чилик ва шовинизм, неофашизм ва неокоммунизм, ирқчилик ва диний экстремизм мафкуралари дунёдаги тинчлик ва барқарор-ликка раҳна солишга ҳаракат қилмоқца.

Ана шундай шароитда мустакиллик ғоясининг ўзаги бўлган — танлаган тараққиёт йўлимизнинг тўғри, адолатли ва ҳаққоний эканлигига, у мана шу заминда истиқомат қиласидиган ҳар бир инсон-нинг ҳаётий манфаатларига мос тушишига кенг оммани ишонти-риш, кишиларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш истиқ-лол мафкурасининг асосий мақсадларидан бири.

Зеро, мустакил юртимизда ҳар бир инсонни, айниқса, ёшларни эзгуликка хизмат қиласидиган, бунёдкор ғояларга садоқат руҳида тарбиялаш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Истиқлол боис ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва ди-ний мероси тикланиб, улардан миллӣй истиқлол ғоясини жамия-тимиз аъзоларининг қалби ва онгага сингдириш йўлида фойдала-нилмоқда. Бу жараённи янада самарали бўлишини таъминлаш, жамият аъзолари орасида бунёдкор ғояларга хос тамойилларни тарғиб қилиш мақсадида Республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши, "Миллӣй ғоя ва мафкура" маркази ташкил этилиб, таъ-лим тизимида "Маънавият асослари", "Миллӣй истиқлол ғояси", "Фоялар фалсафаси" фанлари ўкув дастурига киритилди.

Бугунги кунда одамларга мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни ҳәёттүй мисоллар орқали содда ва лўнда қилиб тушун-тириш, истибдод асоратларини тарихий далиллар асосида фош этиш миллий истиқбол ғоясини кишилар онгига сингдиришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ғоянинг асосий тушунча ва тамо-йилларини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш зиёлилар, ўқитувчи ва мураббийлар, оммавий ахборот восита-лари ходимларининг, хуллас, барчамизнинг муҳим вазифамиз, фуқаролик бурчимиздир.

5-мавзу. "Мафкура" категорияси, унинг намоён бўлиш шакллари ва тамойиллари

Маълумки, гоя ва мафкуралар тўғрисидаги илмий билимлар инсон дунёқарашини шакллантиришга хизмат қиласиган фалса-фий тафаккурнинг муҳим қисмидир. Улар кишиларнинг оламни билиш, ўзлаштириш, фаровон ҳаёт кечириш ва ўз инсоний мо-ҳиятларини намоён этиш эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ. Ғоявий дунёқараш мураккаб тузилишга эга. У бир қанча **таркибий қисм-ларни** — мафкура соҳасидаги муайян билимлар, гоя ва мақсад-лар, табиий ва ижтимоий фанларнинг ютуқлари, тасавурлар, қадриятлар, ишонч, эътиқод, фикр, хиссият ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Ғоявий дунёқараш таркибида эътиқод муҳим аҳамиятга эга. У инсоннинг ўз қарашлари ва ғоялари тўғрилиги, орзу-умидларнинг асосли экани, фаолият ва хатти-харакатининг уму-мий мақсад ва талабларга мослигига бўлган чуқур ишончидан пайдо бўлади, кишининг хиссиятлари, иродаси ва фаолият йўналиш-ларини белгилайди, уларни бошқаради, шахсни омилкор амалий фаолиятга ундейди. Бирор партия ёки гурӯҳ ўз мақсадларига етишиши учун жамиятдаги мавжуд маънавий ҳаётда салмоқлироқ жой эгаллашга ёки уни ўз манфаатлари йўлида ўзгартиришга харакат қиласи. Умуман, ҳаётда ўз мақсадига эришишнинг энг осон ва кам ҳаракат талаб қиласиган йўли ўзгаларнинг дунёқара-шига кириш, уни ўз мақсадлари томон ўзгартиришdir. Чунки азал-азалдан ҳар қандай мафкура муайян кишиларнинг ғоявий дунёқа-рашига таъсир кўрсатишга оид саволларга жавоб тариқасида дунёга келган.

Хўш, мафкура нима? Унинг қандай шакллари бор? Уларнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти қандай? Ана шу масалалар "мафкура" тушунчасининг мазмун-моҳиятини, намоён бўлиш шакллари ва амал қилиш тамойилларини ўрганишни заруриятга айлантиради.

"Мафкура" тушунчаси муайян ижтимоий гурух ё катламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишлари-ни ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар-ни амалга ошириш усул ҳамда воситалари тизимини ифодалайди. Хўш, мафкура нима, у қандай ғоялар асосида шаклланади ва кай тарзда жамиятни ҳаракатга келтиради? Нега айрим мафкуралар бაъзи миллатларнинг юксалишига сабаб бўлса, айримлари халқ-ларни таназзулга дучор этади?

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай назария ёки таълимот бир тизимга солинган ғоялар мажмуидан иборат. Дунёқараш негизи-ни, муайян ишонч-эътиқод асосини ҳам ғоя ташкил этади. Одам-лар, ижтимоий синф ва қатламларнинг, миллат ва давлатлар-нинг манфаат ҳамда мақсадлари ҳам ғояларда ифода этилади. Ўз олдига қўйган мақсади, қандай жамият қурмоқчи экани, бунга қандай йўл ва воситалар билан эришмоқчи бўлаётгани ҳақидаги ғоялар тизими ҳар бир миллат, халқ ва жамият миллий мафку-расининг асосини ташкил этади.

Турли ижтимоий тузумлар, жамиятдаги ҳар хил табақа ва қатламларнинг мафкураси турлича бўлиши табиий. Бунинг асо-сида манфаатларнинг турличалиги, уларни кондириш имконият-лари ва услубларининг ҳар хиллиги ётади. Синфий қутблашув кучайган, синфий кураш авж олган (ёки сунъий равишда кескин-лаштирилган) тузумларда мафкура ўта сиёсийлашади, аҳолини ўзаро қарама-қарши қилиб қўяди.

Ижтимоий ҳамкорликка асосланган, эркин демократик жамият барпо этишни қўзлаган давлатларда миллий мафкура аҳоли-нинг барча қатламларини жипслаштиришга, умумманфаат ва ягона мақсад йўлида бирлашишга чорлайди. Бундай мафкураларда зидди-ятли жиҳатлар эмас, умуминсоний тамойиллар кучайиб боради. Худди шунингдек, Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол мафкураси жамиятни жипслаштиришга, буюк келажак йўлида ҳам-жиҳатлик билан ҳаракат қилишга, барпо этилаётган эркин фуқа-ролик жамиятида ҳар бир юртдошимизнинг ўзига хос ўрни бўлишига сафарбар этади.

Президент Ислом Каримов мафкурага шундай таъриф берган: Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқарashi ва менталитетига асосланган, айни вактда шу халқ, шу миллатнинг келажагини қўзлаган ва унинг дунёдаги ўринини аник-равshan бел-гилаб беришга хизмат қиласиган, кечаги ва эртанги куни ўртаси-Да ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси

деб биламан". Бинобарин, миллий мафкура ҳар қандай халқни — халқ, миллатни — миллат қиласиган, унинг йўли ва мақсадла-рини аниқравшан чароғон этадиган маёқдир.

Инсоният тарихи мобайнида турли шаклдаги жуда қўплаб мафкуралар яратилган, беҳисоб ижтимоий-сиёсий кучлар ўз ғоя ва таълимотлари билан майдонга чиққан, мақсад ва ниятларига етиш-моқ учун ҳаракат қиласиган. Биз ҳар қандай мафкуруни тизим сифа-тида талқин қилас, эканмиз, шуни унутмаслик керакки, бирор-бир мафкуранинг моҳиятини англаб етиш учун фақат унинг тар-кибидаги ғояларни таҳлил қилишнинг ўзи етарли эмас. Ўтмишда турли кучлар ва гурухлар ўз ғаразли ниятларига эришиш, асл мақсадларини яшириш учун юксак ва жозибали ғоялардан фой-даланган. Энг ёвуз босқинчи ва энг разил гурухлар ҳам ўз кирди-корларини эзгу ғоялар билан никоблашга уринган.

Демак, **мафкуранинг моҳияти** фақат унинг асосий ғоялари воситасида эмас, балки шу ғояларга эришиш усул-воситалари, умумэъ-тироф этилган тамойиллари, уларнинг аксарият омма манфаатла-рига мослиги орқали ҳам намоён бўлади. Ўзининг мудхиш талаб-эҳтиёжлари ва ёвуз ниятларини бошқа халқлар ҳисобига қонди-ришни кўзлаб ҳаракат этувчи мафкуралар ҳалокатга маҳқумдир.

Мафкуралар, маъно-моҳиятига кўра, фалсафий, дунёвий, диний ва бошқа турли таълимотлар асосида яратилади. Хилма-хил ижтимоий-сиёсий кучлар ўз мафкураларини яратишда сиёсий ғоялар билан бирга, диний оқимлар ва илм-фан ютуқларига таянади, улардан назарий асос сифатида фойдаланади.

Мафкуранинг фалсафий илдизлари хақида фикр юританди, унинг фалсафа илми хулюсаларига асосланиши назарда тутилади. Бунга Уйгониш даврини ҳамда ўрта асрларда ўз миллий давлатчи-лигини тиклай бошлаган Европа халқларининг ҳар бири ўзига хос мафкурасини яратганини мисол келтириш мумкин. Мазкур мафку-ралар Рим империяси парчаланганидан кейин ўз давлатчилигига эга бўлган халқларнинг ўзига хос қадриятлари ва менталитети за-минида вужудга келган миллий фалсафалари асосида шаклланди. Шу боис ўша даврдаги итальян, инглиз, француз фалсафаси ўзи мансуб бўлган жамиятни бирлаштиришга хизмат қиласиган. Шу билан бирга, бу миллий мактаблар заминида вужудга келган фалсафий таълимотлар, маърифий қарашлар инсоният маданияти хазина-

Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. 7-жилд. -Т.: "Ўзбекистон", 1999. 89-бет.

сига салмоқли хисса бўлиб қўшилди. Кант, Гегель, Фейербах каби мутафаккирлар номи билан шуҳрат топган немис фалсафаси хусу-сида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Жумладан, хақиқий мил-лий хусусиятларга эга бўлган Гегель фалсафаси Австрия-Венгрия империясидан ажралиб, мустақиллик йўлини тутган Прусс монархиясининг давлат мафкураси даражасига қўтирилган эди.

Мафкуранинг дунёвий илдизлари маърифий дунёга хос сиёсий, иктисадий, ижтимоий, маданий муносабатлар мажмуидан иборат. Инсоният асрлар мобайнида босқичма-босқич дунёвийлик сари интилиб келди. Умумэтироф этилган тамойиллар ва қонун устувор-лиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағ-рикенглик каби хусусиятлар дунёвий жамиятнинг асосини ташкил этади. Бундай жамиятда инсоннинг ҳак-хуқуқлари ва эркинликлари, жумладан, виждан эркинлиги ҳам қонун йўли билан кафолатла-нади. Ана шундай жамият мафкураси "Дунёвийлик — даҳрийлик эмас" деган тамойил асосида ривожланади, яъни диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини асло инкор этмайди.

Мафкуранинг диний илдизлари деганда, у инсон онги ва руҳия-ти билан узвий bogлиқ экани, шу боис унинг ғоявий илдизлари ди-ний таълимотларга бориб тақалиши тушунилади. Яъни, кўпгина мафкураларда Авесто, Веда ва Упанишадлар, Забур, Таврот, Инжил ва Куръони Карим каби илоҳий китобларда эзгу ғоялар муайян да-ражада ўз ифодасини топганини кўрамиз. Хитой халқининг тараққи-ёт йўлини асослаб берган Конфуций ва Лао-цзининг таълимотлари ҳам диний қарашларга асосланган эди. Бу таълимотлар асрлар мобайнида Хитой халқининг миллий мафкураси бўлиб келган.

Дунёвий ва диний ғоялар бир-бирини бойитиб борган шароит-да тараққиёт юксак босқичга қўтирилади. Бунга башарият тари-хида ўчмас из колдирган Имом Бухорий ва Мусо Хоразмий, Имом Мотуридий ва Абу Райхон Беруний, Имом Фаззолий ва Абу Наср Форобий сингари буюк заковат соҳиблари ёнма-ён яшаб, фаоли-ят кўрсатган давр ёрқин мисол бўла олади. Бундай жараён бугун-ги дунёда амалиёт фалсафаси деб тан олинган прагматизм, ҳаёт фалсафаси бўлган экзистенциализм каби дунёвий ва диний ғоялар-дан озиқланган таълимотлар мисолида ҳам кўзга ташланмоқда.

Илмий кашфиётлар ҳам мафкура ривожига катта таъсир ўтка-зади. Замонавий фан ютуқлари, жумладан, космонавтика, кибер-негика соҳасидаги оламшумул янгиликлар, клонлаштириш, ин-соннинг ген-насл харитасини аниқлаш каби буюк кашфиётлар одамлар тасаввурини кескин ўзгартиromoқда. Айни вақтда юксак

илмий-техникавий тараққиёт, глобаллашув жараёнлари, бир то-мондан, инсон акл-идрокининг имкониятларига, келажакка ишон-чни орттираётган бўлса, иккинчи томондан, Хиросима, Нагаса-ки, Чернобиль фожиалари, оммавий қирғин қуроллари, экологик ҳалокатлар, маънавий таназзул каби умумбашарий муаммолар-ни ҳам келтириб чиқармоқда. Шундай экан, илм-фан ва маданият борасидаги ютуқлардан оқилона фойдаланиш учун ҳам жамиятга соғлом гоя, соглом мафкура керак.

Мафкураларнинг шакллари. Инсоният тарихи турли ғоялар-нинг эзгулик ва ёвузлик, озодлик ва истибодод, маърифат ва жа-холатга хизмат қилган мафкуралар шаклида намоён бўлганидан далолат беради. Ғоя мафкурага асос бўлади, мафкура эса муайян ғояни амалга оширишга хизмат қиласди.

Қадимги цивилизациялар тарихидан маълумки, ўша даврларда одамларнинг дунёқараси, қабила ва элатларнинг мафкураси аф-сона ва ривоятлар воситасида ифода этилган мифологик қараш-лар сифатида мавжуд бўлган. Жумладан, тотемизм, анимизм, фетишизм каби ибтидоий динлар жоннинг абадийлиги, табиатда-ги нарса ва ҳодисаларнинг илоҳий кувватга эга экани тўғрисидаги хилма-хил гоя ва қарашларга асосланган. Бу тўғрида "Диншунос-лик" фанида кенгрок маълумотлар берилган.

Тараққиётнинг кейинги босқичларида миллий асосдаги ҳинду-ийлик, яхудийлик, конфуцийлик сингари диний мафкуралар шаклланган. Японлар эса ўзларининг миллий дини — синтоизмни яратган. Уларда диний тамойиллар билан бирга, муайян миллат-нинг ўзига хослиги, қадриятлари, менталитети ўз аксини топган-лиги яққол кўзга ташланади. Бу динлар миллат тарихининг муайян даврида давлат дини ва мафкураси даражасига кўтарилиган. Масалан, конфуцийлик бир неча юз йиллар давомида Хитойда ана шундай мавқега эга бўлган.

Муайян тарихий даврларда баъзи мафкуралар давлат идео-логияси даражасига кўтарилиган. Замонлар ўтиши билан уларнинг айримлари ўз мавқеини йўқотган ёки миллат маънавиятининг тар-кибий қисми ва тарихий хотира сифатида сақланиб қолган. Ҳалқ улардан кувват олган, маънавий озиқланган, улар орқали ўз қадриятларини сақлаган.

Шу билан бирга, бир-биридан фарқ қиласидиган мафкуралар ҳамда уларни муросага келтиришга хизмат қиласидиган ғоялар мавжудли-ги ҳам қадим замонлардан бўён давом этиб келмоқда. Ҳудди шун-дай, бир-биридан фарқ қиласидиган, яъни Худо ва илоҳий қадрият-

ларни тамомила рад этувчи атеизм ва айнан шу ҳақиқдтларни мутлақлаштирувчи теизм ўртасидаги баҳс-мунонзара ҳам узок тарихга эга. Бу баҳс-мунонзара хозир ҳам давом этмоқда. ХХ асрнинг 30-йилларида Францияда император Наполеон шахсига сифиниш ва фарангларни улуғлаш билан боғлиқ шовинизм ғоялари кенг ёйилди. Кейинчалик у бир ҳукмрон миллатни бошқа ҳалқлардан устун қўядиган ёки бошқд бирор ижтимоий субъектни мутлақлаштира-диган мафкуравий ақидага айланиб кетди. Бугунги кунда "буюк мил-латчилик шовинизми", "буюк давлатчилик шовинизми", "ирқий шовинизм" каби иборалар учраб туради. Буларнинг барчаси "мус-табидчилик мафкураси" тушунчаси орқали ифодаланади.

Инсоният тарихида ўз талаб-эҳтиёжларини бошқа ҳалқлар хисобига қондириш истаги талончилик ва босқинчилик, буюк давлатчилик ва тажовузкор миллатчилик, фашизм ва экстремизм ғояларини юзага келтирган. Бундай ғоялар ҳалқлар бошига кўп кулфат ва мусибатлар солган. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, баъзан бузгунчи мафкура ўзининг сохта жозибаси, ал-дов макри билан омма онгини заҳарлаб, жамиятда ҳукмрон мав-қени эгаллаб олиши мумкин. Масалан, XX асрнинг 30-йилларида Италия ва Германияда фашизмнинг ғалаба қозониши нафақат италь-ян ва немис ҳалқининг, балки дунёдаги миллионлаб инсонларнинг бошига чексиз кулфат солгани тарихнинг аччиқ сабоқларидан би-ридир. Ҳолбуки, бу ғоялар мазкур давлатларда аср бошиданоқ намоён бўла бошлаган эди. Масалан, Италияда 1910 йилдан "Мил-лий ғоя" номли журнал чиқа бошлаган, унда қўпроқ агрессив мил-латчилик тарғиб қилинган. Афсуски, ўз даврида бунга бепарво қаралди ва у охир-оқибат ҳукмрон ғояга (фашизмга) айланди. Ана шу сабабдан ҳам бугунги кунда бутун дунёдаги тараққийпарвар гуманистик кучлар бундай фожиали ва нохуш ҳолатлар тақорр-ланмаслиги учун ҳамжиҳатлик билан кураш олиб бориши ижти-моий зарурат бўлиб қолди. Фашизм мисолидаги аччиқ тажриба ғоя ва мафкура инсонпарварлик ва тараққиёт тамойилларини, ҳалқ тақдиридаги юксалиш заруратини, умуминсоний қадрият-ларни ўзида акс эттирмаса, аксинча, бу интилишларни рад этса, моҳиятига кўра, уларга зид бўлса, у жамият таназзулига сабаб бўлишини яққол кўрсатади.

Ана шундай мафкуралардан бири — синфий антогонизм ғояла-рини мутлақлаштирган ва ҳокимиятни курол кучи билан эгаллаб олган собиқ иттифоқ мафкураси эди. Синфий кураш ғояси асосига курилган ва миллионлаб кишилар тақдирида машъум из қолдир-

ган бу мафкура жамиятни бир-бирига қарама-қарши тарафларга ажратиб юборди. Синфий кураш чизиги нафакдт ижтимоий гурух ва қатламлар орқали, ҳатто оилалар ва инсонлар рухияти орқа-ли ҳам ўтди. Оқибатда фуқаролик урушига назарий пойдевор кўйилди. Инсон табиатига, унинг моҳияти ва рухиятига зид бўлган биродаркүшлик ҳолати вужудга келди. Ўғил отага, ука акага, дўст ўз биродарига қўл кўтариши ёқлаб чиқилди, рағбатланти-рилди. Булар мардлик ва синфий онглилик намунаси деб талқин этилди. Оқибатда миллий қадриятлар топталди, миллионлаб кишилар ҳалок бўлди, бутун-бутун ҳалқлар ўз ватанидан бадарға қилинди. Зўрлик асосига қурилган ва зиддиятли тизимга асос бўлган бу мафкура дунёning олтидан бир қисмини эгаллаб, улкан салтанат ва социалистик лагерь ҳудудида етмиш йил ҳукм сурди. Охир-оқибат ўзининг ғайриинсоний ва ғайримиллий моҳияти, мустабид табиати туфайли таназзулга юз тутди. Ўзи таянган дав-латни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди.

Бундай ғоялар муайян даврларда Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам хукмронлик қилган, одамларга қўпдан-қўп кулфатлар келтирган. Аф-суски, бу ижтимоий иллат инсоният XXI асрга қадам қўйган ҳозирги даврда ҳам дунёдаги тинчлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда, му-айян ҳудудларни эгаллаб олмоқча. Афсуски, бу ғоялар ортидан эргашадиганлар ҳозир ҳам бор. Улар бундай ғояларга асосланиб, тинч аҳолига қарши террорчилик, зўравонлик каби жиноятларни амалга оширади, ўз ниятларини қабих ҳаракатлар орқали намоён қиласи. Кейинги 20 йилда ақидапарастлар террори натижасида 170 минг киши ҳалок бўлган Жазоир ёки 30 йилдан ортиқроқ уруш бораётган Афғонистон бунга яққол мисол бўла олади.

Ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари, мазмун-моҳияти-ни азал-азалдан эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкор-лик ўртасидаги кураш диалектикаси белгилаб келади. Яъни бос-қинчлиқ, бошқалар хисобидан бойиш, тажовузкорлик, ақида-парастлик мафкураларига қарама-қарши ўлароқ, озодлик, мус-тақиллик ва адолат ғоялари узлуксиз майдонга чиқиб, ҳалқлар-нинг музaffer байроғига айланган.

Ғоя ва мафкуранинг инсон ҳамда жамият ҳаётидаги аҳамияти жуда муҳим фалсафий масала. Негаки, ғоя ва мафкурани одам-зоддан ажратиб бўлмайди, чунки уларнинг яратувчиси ҳам амалга оширувчиси ҳам инсон. Унинг ўзи ғояларни яратади, улардан куч-қувват олади. Ўзи яратган ғоялар инсоннинг онги ва шуурини,

тафаккури ва эътиқодини эгаллаб, фаолиятига таъсир кўрсата-

Бу жараён муайян мафкурани шакллантиради, уни гоя ёки ғоялар тизимини амалга ошириш, саклаб туриш, мустахкамлаш воситасига айлантиради. Бир-бiri билан боғлиқ ушбу жараён, ана шундай таъсир ва акс таъсир бўлмаса, ғоянинг намоён бўли-ши ва мафкуранинг амал қилишини тасаввур қилиб бўлмайди.

Гоя ҳам, мафкура ҳам, аввало, жамиятда мавжуд бўлган кўп қиррали муносабатлар, ижтимоий-иктисодий, сиёсий шарт-ша-роитлар асосида, турли институтлар таъсирида шаклланади. Улар жамият аъзоларининг ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳаётий таж-рибалари давомида сайдилланиб борадиган тушунчалар сифатида кундалик ҳаётда муҳим ўрин тутади. Юксак ғоялар одамларни оли-жаноб мақсадлар сари етаклайди. Ғояси етук, эътиқоди бутун, қад-рияrtlари юксак инсонгина мардлик намуналарини кўрсата олади.

Инсоннинг эзгу ғояларга интилиши, уларга садоқат туйғуси қанчалик мукаммаллашиб борса, у шунча баркамол бўлиб, жа-мият равнақига кўпроқ ҳисса қўшади. Бундай инсон нима мақсад-да яшаётганини аниқ тасаввур этиб, умрини мазмунли ўтказиш йўлини ахтаради, жамият аъзолари билан муомала қилиш мада-ниятини эгаллаб боради. У ҳар бир масала ва муаммога ақл-ид-рок, инсоф ва адолат нуқтаи назаридан ёндашади, виждон, ин-соф, имон, ор-номус, тўғрилик ва ёлғон каби тушунчалар моҳи-ятини тушунишга интилади. Шу тариқа у бунёдкор ғояларнинг амалга оширувчисига айланади, яхшиликка бошловчи амаллар-ни бажариб, ёмон хатти-ҳаракатлардан ўзини тияди.

Она-Ватани, миллати ва халқини севиш, демакки, ватанпарвар-лик, миллатпарварлик ва халқпарварлик хислатлари инсоннинг асо-сий ижтимоий хислатлариidir. Шундай фазилатли инсонлар кўпай-ган жамиятда ақл, соғлом фикр, яхши хулқ, инсоф ва адолат тантана қилиб, турли салбий иллатлар барҳам топади. Натижада жамият аъзоларининг келажакка ишончи ортиб, Юрт тинчлиги, Ватан обо-длиги ва Халқ равнақи йўлида сафарбарлиги кучаяди.

Ҳар бир халқнинг тарихи шу халқдан етишиб чиқкан буюк сиймолар, мард қаҳрамонлар ва фидойи инсонлар ҳаёти ҳамда фаолияти асосида битилади. Халқимизнинг Широқ ва Тўмарис, Спетамен, Темур Малиқ, Жалолиддин Мангуберди, Амир Те-мур, Улуғбек, Навоий ва Бобур Мирзо каби атоқли фарзандлари бунёдкор ғоялар соҳиблариidir.

Минг йиллар ўтса ҳам улуғ аждодларимизнинг матонати ва қаҳрамонлиги халқнинг хотирасидан ўчмайди. Чунки улар юксак

ғоялар — Ватан озодлиги, эл-юрт баҳт-саодати, илму урфон ри-вожи йўлида жон фидо қилганлар. Аҳмад Яссавий бутун умрини Хдқ йўлида ўтказганида ҳам, Нажмиддин Кубро мӯғул босқинчи-ларига қарши жанг қилингандা ҳам улуғвор ғоялар уларга сабр-бардош ва матонат ато этган. Насимиини товонидан сўйсалар ҳам, Машрабни дорга оссалар ҳам ишқи илоҳий деб жон берган. Жа-хон тарихи, жумладан, халқимиз ўтмишидан ҳам, қайси соҳада бўлмасин, мардлик ва жасорат кўрсатиш учун инсонга албатта улуғвор ғоя керак, деган фикрға кўплаб мисоллар топилади.

Муайян ғоя дастлаб бирон-бир шахснинг онгига пайдо бўлади. Айни пайтда у юксак ижтимоий мазмунга эга бўлгани, жамиятнинг тараққиёт йўлидаги эзгу интилишларини акс эттиргани боис умум-инсоний ҳакиқатга айланади. Жаҳон тажрибасига назар ташласак, бутун дунё тараққиётига улкан таъсир кўрсатган назарий таъли-мот ва мафкураларни яратиш учун инсоният тарихининг турли даврларида улкан ақл-заковат, истеъдод ва теран тафаккур со-ҳиблари мислсиз заҳмат чекканини кўрамиз. Суқрот ва Платон, Конфуций ва Зардушт, Алишер Навоий ва Махатма Ганди каби буюк мутафаккирлар фаолияти бунинг яққол тасдиғидир. Улар-нинг ҳар бири ўз даврида ўзи мансуб халқни бирлаштирадиган ул-кан аҳамиятга молик ғояларни яратган. Бу ғояларга таяниб, бунёд-корлик йўлида эзгу мақсадларга эришиш учун ҳормай-толмай меҳ-нат қилганлар. Бу борада инсониятга «Ўзини англамоқ буюк саодат» эканини англатган Суқрот ҳам, «Халқни якқалам қилдим», дея қони-қиши ҳиссини туйган Навоий ҳам, Ҳиндистон ва Покистон озодлиги йўлига умрини баҳшида айлаган Махатма Ганди ҳам бугунги ав-лодлар учун ибрат намунаси бўлган улуғ инсонлардир.

Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, дунёда икки куч — бунёдкорлик ва бузгунчилик ғоялари ҳамиша ўзаро курашади. Бунёдкор ғоя инсонни улуғлайди, унинг рухига қанот бағишлий-ди. Сохибқирон Амир Темурнинг пароканда юртни бирлаштириш, марказлашган давлат барпо этиш, мамлакатни обод қилиш бора-сидаги ибратли фаолиятига ана шундай эзгу ғоялар асос бўлган. Бузгунчи ғоя ва мафкуралар эса халқлар бошига сўнгсиз кулфат-лар келтиради. Бунга олис ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Урта асрлардаги салиб юришлари, диний фа-натизм ва атеизм, фашизм ва большевизмга асос бўлган ғайриин-соний ғоялар шулар жумласидан.

Токи дунёда тараққиётга интилиш, бунёдкорлик ҳисси бор экан, жамиятда илғор ғоялар туғилаверади. Бузгунчи ғояларнинг вужудга

келишига эса вайронкор интилишлар сабаб бўлади. Шундай экан, уларга қарши курашга тайёр туриш, яъни доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшамоқ ҳаётнинг асосий зарурати бўлиб қолаверади. Миллий ғоя ва мафкура ўзида гуманизм талабларини, халқнинг ирода ва интилишларини акс эттирган тақдирда жамиятни бирлаштириб, унинг салоҳият ва имкониятларини тўла юзага чиқаришда бекиёс омил бўлади. Масалан, XX асрда дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган японча тараққиёт моделини олайлик. Япон миллий мафку-раси "миллий давлатчилик тизими" (кокутай), "фуқаролик бурчи", "япон руҳи", "тадбиркорлик", "умуммиллийлик", "фидойилик", "ва-танпарварлик", "патернализм", "жамоага садоқат", "модернизация" каби гоя ва тушунчалар ушбу мамлакатнинг бугунги кунда эришган юксак натижаларига пойдевор бўлди. Ғоявий заифлик ва мафкура-вий бекарорлик эса миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказади, унинг тараққиётини орқага суриб юборади. Маса-лан, Чингизхон босқини, чор истилоси даврларида айrim ҳукмдор-ларнинг халқни бирлаштириб курашга сафарбар этмагани ўлкамиз-нинг қарамлик чангалига тушиб қолишига сабаб бўлган.

Хуллас, инсоният тарихи хилма-хил ғоя ва мафкураларнинг ву-жудга келиши, амалиёти, бир-бйри билан муносабатидан иборат узлуксиз жараён. Бу жараёнда турли ғоялар у ёки бу кучларга хиз-мат қилиши, уларга ишонган кишиларни қандай мақсадлар томон етаклашига қараб, бир-биридан фарқланади. Эзгу мақсадларга хиз-мат қиласиган мафкураларга бунёдкор ғоялар асос бўлса, вайрон-кор ғояларга таянган мафкуралар халқлар ва давлатларни таназ-зулга етаклайди, одамлар учун сон-саноқсиз кулфатлар келтиради, аянчли оқибатларга сабаб бўлди. Бу эса, ўз навбатида, ғоявий жа-раёнлар тарихини ўрганиш, мафкуравий тизимлар моҳиятини чу-қур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, улар замиридаги маъно ва мазмунни билиб олишни заруратга айлантиради.

6-мавзу. Ғоя ва мафкуранинг функциялари, мақсад ва вазифалари

Ҳар қандай ғоянинг муайян мақсадга қаратилгани, мафкура-нинг эса шу йўналишдаги муддаоларга хизмат қилиши табиий ҳол. Уларга хос функция ва вазифалар ҳам бу борадаги фаолиятда му-ҳим аҳамият касб этади. Тарихдан маълумки, ҳар қандай мафкура олдига муайян мақсад-муддаолар қўйилади. Айнан ана шу мақсад-муддаолар бу борадаги пировард натижаларга эришишнинг асосий тамойиллари ва устувор вазифаларини белгилайди.

Мафкуранинг функциялари, ғоявий соҳадаги мақсад ва вазифалари кўйидагиларда намоён бўлади:

- одамларни муайян ғояга ишонтириш;
- ғоя асосида одамларни уюштириш;
- уларни ғояни амалга ошириш учун сафарбар этиш;
- кишиларни маънавий-рухий қўллаб-қувватлаш;
- ғоявий тарбиялаш;
- ғоявий иммунитетни шакллантириш;
- ҳаракат дастури эканлиги.

Кўйида ғоя ва мафкурага хос ана шу функциялар, улар билан алоқадор мақсад ва вазифаларнинг моҳияти ҳамда мазмуни билан қисқача танишамиз.

1. Одамларни муайян ғояга ишонтириш. Ҳар қандай мафкура муайян ғоя ёки ғоялар тизимини амалга ошириш воситаси сифа-тида, бирон-бир ғояни тарғиб этиш, кишиларни шу ғоянинг тўғри ва ҳаётий эканлигига ишонтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу билан бирга, ҳар қандай жамиятда ҳам кишиларнинг ўз ҳаётий манфаатлари, мақсад ва интилишларини акс эттирадиган ғоя ва ғоялар тизимини танлаш, ҳимоя қилиш ва ривожлантиришга им-коният қидириши маълум. Бу жараённи таҳлил қилиш бирон-бир ғоянинг тўғри, илмий ва ҳаётийлигига ишонч ҳосил қилиш жара-ёни ўз-ўзидан, автоматик тарзда рўй бермаслигини кўрсатади. Мафкуранинг одамларда ишонч уйготиш, уларни шу мафкурада акс этган ғоялар таъсири орқали муайян мақсад сари сафарбар этиш функцияси кишиларнинг хатти-ҳаракати ва фаолияти ор-қали рўёбга чиқади. Чунки, ишонтиromoқ — кишиларнинг руҳи, қайфияти, ҳиссий кечинмалари, қалби ва шуурига таъсир қилмоқ. Бу вазифани амалга оширувчи кишилардан бирон-бир ғояни одам-ларга сингдириш, уни ҳимоя қилиш ва бу йўлда кўпчиликни са-фарбар қилишга эришиш учун фидойилик, билим, малака, нутқ маҳорати ва бошқалар талаб этилади.

Кенг ҳалқ оммасини бирон-бир ғоянинг илғор ва инсонпарвар эканига ишонтиromoқ учун, аввало, мазкур ғоя ҳалқ ҳаётига яқин, бевосита дахлдор бўлиши, иккинчидан, уни одамлар оншга етка-зишнинг энг қулай восита ва усуулларини аниқлаб олиш керак бўла-ди. Бунда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, мақсад ва вазифаларини мафкуравий жиҳатдан асослаш мухим.

Замон руҳи, ҳалқ психологияси, эҳтиёж ва талаблари маф-курада ҳар томонлама акс этиши, ҳаётнинг энг долзарб муаммо-лари, унинг стратегик мақсадлари билан узвий боғланиши зарур.

Ана шундагина келажакка интилиш ва қатый ишонч муқаррар равища катта ижтимоий юксалишга турткы беради. Фан ва тех-ника тараққиёти борасида эришилган ютуклар билан бирга маф-куранинг жонли, эҳтиросли ва жозибадор гояси инсонлар қалби-ни ларзага келтиради, уларни фаол ҳаракатга ундейди, яхши ва саодатли кунларга ишонч хиссини уйғотади.

Инсоният тарихида чуқур из қолдирған буюк давлат арбобла-ри, ҳарбий саркардалар кенг оммани ишонтириш, юксак марра-лар сари рағбатлантириш қобилиятига эга моҳир нотиқ бўлган-лар. Улар гоянинг ишончли ва ҳаётий бўлиши учун у, аввало, илмий-назарий асосга эга бўлиши, ҳаётий далилларга таяниши лозим эканлигини яхши билганлар. **Мафкуравий кураш** — жами-ятнинг онгли ва фаол қатламининг бирон-бир гояни ҳимоя қилиш, карор топтириш йўлидаги кураши эканини англаб етганлар. Ана шундай кишилар етакчилик қиладиган инсонпарвар ва демокра-тик жамият гояга қарши гоя билан, жаҳолатга қарши маърифат билан курашади. Бу кураш охир-оқибатда эзгуликнинг разолат устидан, яхшиликнинг ёмонлик устидан қозонажак ғалабаси билан интиҳо топади.

Мустақиллик гоясининг ўзаги бўлган — танлаган тараққиёт йўлимизнинг тўғри,adolatli ва ҳаққоний эканига, у мана шу заминда истиқомат қиладиган ҳар бир инсоннинг ҳаётий манфаат-ларига мос тушишига кенг оммани ишонтириш, кишиларни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги бунёд-корлик ишларига сафарбар этиш истиқлол мафкурасининг асо-сий максадларидан бири. Одамларга мустақиллик йилларида эри-шилган ютукларни ҳаётий далиллар орқали содда ва лўнда қилиб тушунтириш, истибодод асоратларини тарихий далиллар асосида фош этиш миллий истиқлол гоясини кишилар онгига сингдириш-да муҳим аҳамият касб этади.

Мафкуравий фаолиятнинг муваффақиятини белгилайдиган шундай ҳаётий конуният бор: бошқаларни бир гояга ишонтирмоқ учун, аввало, унга ўзинг юракдан ишонишинг, бошқаларни са-фарбар этмоқ учун ўзинг фаол бўлишинг шарт! Гоянинг халқпар-вар, тараққийпарвар эканига бўлган ишонч кундалик ҳаёт синов-ларидан ўтсагина, сўз ва иш бирлигига эришилсагина мустаҳкам эътиқодга айланади. Бундай эътиқод устувор ерда чинакам инсо-ний ҳаёт қуриш мумкин бўлади, эзгуликка хизмат. қиладиган гоя тантанаси учун кураш жараёнда инсон шахси шаклланади, у бунёдкор кучга айланади.

2. Ғоя асосида одамларни уюштириш мафкуранинг энг асосий функцияларидан биридир. Бусиз бирон-бир мафкура ўз вазифасини тўлақонли бажара олмайди. Аслида, жамият фақат ўз шахсий манбаатини кўзлайдиган одамлар йиғиндисидангина иборат эмас. Умумий манбаатларни теран англаш кишиларнинг жамият бўлиб уюшишларига, ижтимоий талаб ва меъёрларни эътироф этиб, уларга амал қилишларига сабаб бўлган. Бу, айниқса, ҳозирги ўтиш даврида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу сабабдан ҳам жамият аъзоларини умумий мақсад ва манбаатлар йўлида бирлаштириш мафкуранинг, жумладан, миллий истиқлол гоясининг ҳам асосий вазифаларидан бири.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, инсонда Ватан деб аталмиш улуғ бир оиласа мансублигини ҳис этиш туйғуси ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки муттасил ва изчил ғоявий тарбия самараси ўлароқ, юзага келади. Оиладаги тотувлик, ахиллик, меҳр-шаф-қат хислатлари узлуксиз равишда турли шаклларда олиб бори-ладиган ахлоқий тарбиянинг маҳсули бўлгани каби жамиятнинг ғоят хилма-хил қатламларини умумий манбаатлар атрофида жисплаштириш, одамлар ўртасида ҳамжиҳатлик, тотувлик, ўзаро ёрдам хислатларини шакллантириш ҳам изчил мафкура-вий фаолият воситасида амалга оширилади. Шу маънода айтиш мумкинки, муайян ғоя кишилар онгига мустаҳкам сингиши билан улар умумий мақсад сари интилевчи маслакдошларга айланади. Одамларни маслакдошга айлантириш ҳар қандай ғоя ва мафкура-га хос энг асосий вазифалардан бири. Қизиги шундаки, бунда ки-шиларнинг жинси, ирқи ва бошқа ижтимоий сифат ҳамда хусу-сиятлари муҳим аҳамият касб этмайди. Асосийси, муайян ғояга ишонч ва эътиқод, уларга таянадиган умумий маслак, муштарак мақсад ва муддаолар унинг асосини ташкил этади. Маслакдош ки-шилар турли лавозимларда ишлашлари, хилма-хил ижтимоий мавқега эга бўлишлари мумкин. Аммо уларни ягона мезон, уму-мий маслак, уни вужудга келтирадиган муштарак ғоя ва тамой-иллар бирлаштиради. Муайян идеалларга эришиш ёки уларни баркарор қилиш йўлидаги фаолиятига туртки беради.

3. Ғояни амалга ошириш учун сафарбар этиш. Хар қандай мафкуранинг муҳим функцияларидан бири унинг ўзи таянадиган ғоя ва тоялар тизимини амалга ошириш учун кишиларни сафарбар этишидир. Кўп ҳолларда мафкурада ифода этилган ғоя ва мақсадлар жамиятдаги партиялар, ижтимоий харакат ва ташкилотларнинг фаолият дастурига асос бўлади, ижтимоий ривожланишга кучли туртки

беради. У жамиятда рўй берадиган туб ўзгаришларга замин ярата-ди, унга кенг халқ оммасини маънавий-рухий жиҳатдан тайёрлай-> ди, сўнгра шу соҳадаги ишларга сафарбар этади.

Жаҳон тарихида бунга мисоллар жуда кўп. Эзгу гоялар ва бунёд-кор мафкуранинг сафарбар этувчи роли туб ижтимоий-иктисодий юксалишларда, жамият хаётидаги маънавий ўзгаришларда яққол кўзга ташланади. Буни халқларнинг чет эл босқинчиларига қарши курашида, турли бунёдкорлик ишларида, чунончи ҳашар йўли билан сув иншоотлари, кўприклар, йўллар, шаҳар ва қишлоқлар қуришдаги умумий сафарбарлик ишларида яққол кўриш мумкин. Афсуски, вайронкор гояларга асосланган бузгунчи мафкуралар ҳам сафарбар этиш функциясидан фойдаланади. Турли жозибадор шиорлар, макр ва хийла билан одамларни салбий оқибатларга олиб келадиган ишларга сафарбар қиласиди. Бундай сафарбарлик алал-оқибат шу мафкуранинг қадрсизланишига, аста-секин ўз аҳамия-тини йўқотиб, обрўсизланишига олиб келади.

Ҳар қандай ҳолда ҳам мафкура ижтимоий онгнинг таркибий қисми сифатида ижтимоий ўзгаришларга фаол муносабатда бўла-ди, уларни маъкуллаб, қўллаб-қувватлайди ёки инкор этади. Би-нобарин, мафкура, ўз моҳиятига кўра, ижтимоий ўзгаришларга бефарқ бўла олмайди. Жамиятдаги турли социал гуруҳлар, синф-лар, қатламлар гоя ва мафкура асосида сиёсий-ижтимоий жара-ёнларга ўз муносабатини белгилайди. Бироқ, гоя ва мафкуранинг сафарбар этувчилик хусусияти социал ўзгаришлар жараёнида доимо ҳам кўзга аниқ ташланавермайди, балки, туб ижтимоий ўзгаришлар даврида яққолроқ намоён бўлади. Масалан, мамлакат мустақиллиги ва яхлитлигига таҳдид соладиган мафкуравий хавф-хатарлар кучайган пайтда кишиларни Ватан истиқтоли ҳамда равнақи йўлида жипслаштириш, сафарбар этишда миллий гоя ва мафкура муҳим роль ўйнайди.

Сиёсий курашлар даврида аҳолининг жуда оз қисмини ва тор доирадаги манфаатларни кўзловчи, бузгунчиликни мақсад қилиб олган мафкуралар ҳам дунёга келиши мумкин. Бундай мафкурага эга бўлган гуруҳлар билан аҳолининг асосий қисмини ташкил этув-чи гуруҳ ва синфлар ўртасида мафкуравий масалаларда турли ихтилофлар келиб чиқади. Зоро, Президентимиз таъкидлагани каби: «Халқ — ўзининг минг йиллик анъана ва тажрибалари, сўнмас хотираси ва буюк туйғулари билан яшаб келаётган куд-ратли куч. Ёлғонга, алдовга дуч келган пайтда унинг асрий қадри-

ятлари, доимо уйғоқ виждони тилга киради, ноҳақликка, қабих-ликка қарши курашга даъват этади».

Гоянинг сафарбар этувчилик функцияси, айниқса, мафкуравий курашлар жараёнида тўла намоён бўлади. Зеро, мафкуравий зид-диятлар кескинлашган даврда мақсадга эришишнинг қўпол восита-лари, хусусан, босқинчилик, террор, қўпорувчилик, инқилобий усууллар ҳам ишга солиниши мумкин. Бу — мафкуравий курашнинг ўта қўпол ва гайриинсоний усули бўлиб, уларга қарши туришда событқадамлик, бардош, сабот ва фаоллик талаб қилинади.

Бу жараёнда бунёдкорлик ғоялари билан қуролланган кенг ҳалқ оммасининг идеаллари, манфаатларини ўзида мужассамлашти-рувчи мафкурагина инсонпарварлик, тараққийпарварлик тамо-йиллари асосида мамлакат, ҳалқ тйқдирида ижобий аҳамиятга эга бўлади, кишиларни эзгу ишларга даъват этади.

4. Кишиларни маънавий-рухий қўллаб-куватлаш. Мафкура миллий тараққиётнинг энг оғир, мураккаб даврларида, айниқса, бир ижтимоий-сиёсий тузумдан янгисига ўтиш жараёнида кенг ҳалқ оммасини маънавий-рухий жиҳатдан қўллаб-куватлайди, улар-да келажакка ишонч туйғусини уйғотишга хизмат қиласи. Тарих-нинг бундай "бурилиш" даврида илгари асосий маънавий мезон бўлган қўплаб гоя ва қадриятлар қадрсизланади, ўз аҳамиятини йўқотиб қўяди. Бу борада чукур билим ва аниқ мақсадларга эга бўлмаган кишилар ҳаётий позицияларини, воқеалар ривожига қан-дай ёндашиш зарурлигини тўғри тасаввур қила олмай қолиши ҳам мумкин. Мазкур ҳолат гоҳ ғоявий бўшлиқ ёки маънавий таназзул, гоҳида эса ғоявий парокандалик ва бузгунчи ғоялар таъсирининг кучайиши тарзида рўй беради. Бундай шароитда муайян миллат ва жамият, ҳалқ ва давлатнинг умуммиллий манфаатларига мос ғоялар тизими ҳамда унга асосланадиган бунёдкор мафкура шаклланти-рилмаса, ижтимоий жараёнлар бутунлай издан чиқиб кетиши мум-кин. Бу эса ушбу жамият, миллат ва давлат ҳаёти, уларнинг кела-жаги учун аянчли оқибатларга олиб келиши шубҳасиз. Бунга йўл қўймаслик учун тезкор мафкуравий профилактика, кенг қўламли ғоявий таълим-тарбия ишлари, таъсирчан мафкуравий тарғибот ва ташвиқот олиб бориш зарур. Собиқ иттифоқнинг таназзули, унга хос гоя ва мафкуранинг аҳамияти йўқолгани, ўша даврда рўй бер-ган ғоявий парокандалик ва мафкуравий бекарорлик ҳолатлари бунга яққол мисол бўлади.

Каримов И. А. Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. // «F1с1оког», 2000 йил 8 июнь.

Маълумки, ана шундай даврда Ўзбекистонда мустақилликка эришиш ва уни мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни тиклаш, ҳалқаро тамойилларга ва тарихий анъана ҳамда қадриятларга асос-ланган янги жамият барпо этиш йўли, "Тараққиётнинг ўзбек моде-ли" танлаб олинди. Уни босқичма-босқич, тадрижий тарзда амалга ошириш жараёнида эса янги ғоялар тизими, бунёдкор мафкура — миллий истиқлол ғояси яратилди. Юртбошимиз асослаб берган мил-лий истиқлол ғояси ўша йилларданоқ ўзининг жозибаси билан ки-шиларни ўз кучига ишонишга, истиқболга умид билан қарашга дাъ-ват этди. Бунда ҳалқимизнинг идеаллари, мақсад-муддаолари ва орзу-умидларининг қай даражада акс этиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки, тўқ, фаровон ва бахтли ҳаёт қуриш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, миллатлараро тотувлик, тинчлик, дўстлик Ер юзидағи барча ҳокисор кишилар каби ҳалқимизнинг ҳам азалий орзуси эди. Миллий истиқлол ғоясининг ҳаётйилиги, руҳий-маънавий таъсирчанлиги, ҳалқ орзу-умидларини тўла ва ёрқин акс эттириши, уларни рӯёбга чиқаришнинг йўл ва воситала-рини тўғри белгилаш ана шу жараёнда ёрқин намоён бўлди.

Хуллас, жамият аъзолари муайян мафкурада ўз ҳаётий манфатлари, орзу-умидлари ифодасини кўрсагина, у одамларни руҳан бардам, маънавий уйғоқ ва фаол қила оладиган омилга айланади.

5. Ғоявий тарбиялаш. Жамиятдаги мавжуд ғояларга фаол муносабат, фаол ҳаётий позицияни тарбиялаш мафкуранинг яна бир муҳим мақсадидир. Бу борадаги тарбия ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошка тарбия шакллари билан узвий боғлиқ. Аслида, ҳар қан-дай тарбия муайян ғояни аҳоли қалби ва онгига сингдириш, уни ҳимоя қилиш, тарғиб этиш ва ривожлантиришга қаратилган бўла-ди. Хусусан, ёвузлик, беҳаёлик, шафқатсизликни тарғиб этиш орқали ёшларни ахлоқий жиҳатдан бузишга қаратилган бадиий фильмларда жамият барқарорлигига раҳна солишдан иборат маф-куравий мақсад яширган. «Онги шаклланиб улгурмаган аксари-ят ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турили ёвуз-лик, йиртқичлик, шафқатсизликларни ўрганади, холос. Натижка-да уларнинг дийдаси қотади, қалбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳатто шундай томоша ва фильмларнинг қаҳрамонларига кўр-кўро-на тақлид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади. Чун-ки улар бундай уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган иши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайди» .

Каримов И.А. Донишманд ҳалқимизнинг мустаккам иродасига ишонаман.//
<F1c1оког>, 2000 йил, 8 июнь.

Бинобарин, ғоялар ошкора ёки яширин, бевосита ёки билво-сита, тұғридан-тұғри ёки рамзий шаклларда тарғиб этилиши мум-кин. Бу жараёнда мафкуравий фаолият аник бир ғоявий мақсадға йүналтирилған бўлиб, бу ният кўпинча кўзга ташланмайди. Ғоявий тарбиянинг асосий мақсади кишиларда хушёрлик, сезигрлик ҳиссини шакллантириш, ёт ва заарали ғояларга қаршилик кўрса-тиш қобилиятини шакллантиришдан иборат.

6. Гоявий иммунитетни шакллантириш. Инсоният тараққиёт-га интилар экан, унда бунёдкорлик ҳисси мавжуд экан, илғор ғоялар дунёга келаверади. Жаҳолат ва урушлар, босқинчилик ва талончилик интилишлари бузгунчилик ғоялари таъсирида юзага чиқади. Шу боисдан ҳам бундай заарали ғояларга қарши курашга доимо тайёр туриш, ёт ғоя ва мафкуралардан огоҳ бўлиш ҳаётй зарурат бўлиб қолмоқда.

Ғоя ва мафкурага хос вазифалар орасида кишиларда ёт ва заарали ғояларга қарши курашиш учун мафкуравий иммунитет-ни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу мураккаб ва серқирра фаолият, кўп ҳолларда узоқ давом этадиган жараён. Маълумки, «иммунитет» аслида тиббиётга оид тушунча бўлиб, инсон организмининг турли ташқи таъсиrlар ва касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини англатади. Жамият ва шахс ҳам худди жонли организм сингари муттасил равишда хилма-хил таъ-сирларни сезиб яшайди, уларнинг орасида ўзи учун хавфли ва заарали бўлганларига қаршилик кўрсатади. Ғоя ва мафкура эса одамларда ўзига хос манфаат ва мақсадлар учун ёт бўлган ғоя ва мафкураларга қаршилик кўрсатиш, уларга қарши курашиш қоби-лиятини, яъни мафкуравий иммунитетни шакллантиради. Ушбу жараён кишилар онгига бирон-бир ғояни зўр бериб тиқишириш эмас, балки одамларда бу соҳада ҳам оқ-корани ажратиш, заар-ли ғояларга қарши хушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарби-ялаш демакдир. Зоро, манфаатлар бор ерда муқаррар равишида ғаразли, нопок ғоявий ниятларни амалга ошириш учун интилиш-лар ҳам бўлади. Хар қандай давлат ва жамият ўз аҳолиси қалби ва онгиди, ўз худудида тинчлик ҳамда барқарорликни, муштарак ғояларни ҳимоялаши, ўзи учун зарур мафкура тизимининг сама-рали амал қилишини таъминлаши лозим. Бунинг энг асосий усули аҳолининг турли қатламларига мос, шу давлат ва жамият ҳаёти ҳамда тараққиёти учун зарур бўлган ғоя ва мафкура, унга хос тушунча ва тамойилларни аҳолига сингдириш, яъни мафкуравий иммунитет ҳосил килишдир.

Бу барча давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, шу соҳада фаолият юритадиган ходимларнинг умумий вазифаси ҳисобланади. Ҳар қандай давлат ва жамият учун умумий бўлган мазкур тамойил фуқароларнинг муштарак манфаатларига хизмат қилмоғи, маъна-вий-маърифий йўл билан амалга оширилмоғи лозим. Аҳоли, ай-ниқса, ёшларда мағкуравий иммунитетни тарбиялашда ижтимо-ий фанлар муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий фанлар бу жараёнда аҳолида жамиятнинг умумий манфаатларига мос дунёқарашни шакллантириш, устувор ғояларнинг мазмун-моҳиятини тушунти-риш, тарғиб ва ташвиқ килиш вазифасини бажаради. Улар ўзлари мавжуд бўлган жамиятнинг ижтимоий қиёфасига мос тизимда на-моён бўлади ва шу жамиятнинг имижи, обрў-эътибори, келажаги ва тараққиёт тамойилларига ишонч туйғусини шакллантиришга ёрдам беради. Бу эса ўз-ўзидан умумжамият микёсида мағкура-вий иммунитетни янада мустахкамлаш, олиб борилаётган сиёсат, амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик хиссини тарбия-лаш омилига айланади. Ғоявий иммунитетни шакллантириш ғоявий-тарбиявий иш самарадорлигининг муҳим мезони ҳисобланади.

7. Ҳаракат дастури эканлиги. Жамият микёсида умумижтимо-ий даражага кўтарила олган ҳар қандай мағкура шу жамият аъзо-ларига хос фаолият ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг ўзига хос дастуриламали бўлиб хизмат қиласди. Чунки мағкура жамият ҳаётида пайдо бўлган муаммоларни ҳал этиш учун одамларни жипслаштириш ва сафарбар этиш заруриятидан вужудга келса-да, айни вактда узоқ истиқболни ҳам кўзлайди. Давр ўзгариши билан мағкуруни янада такомиллаштириш, янги мазмун билан бойитиш ёки бу соҳада янги тизим ва тамойилларни ишлаб чи-қиши зарурияти вужудга келади.

Ҳар қандай жамият учун умумий бўлган миллый мағкура шу жамиятдаги барча социал қатламлар ва гурухларнинг умумий ҳаракат дастури, уларни фаолликка давлат этувчи восита ҳисобланади. Мағкуравий жиҳатдан мақсадга эришиш ғояни амалга оширишдан ҳосил бўладиган натижадир. Мақсадни аниқ-равшан идрок этиш эса инсон ва жамият фаолиятига изчиллик, событқа-дамлик, фаоллик бағишлайди.

Худди шунингдек, жамиятимизнинг миллый истиқбол мағкурасининг олий мақсади Ватанимиз равнаки, Юртимиз тинчлиги ва Халқ фаровонлиги ғояларига таянган ҳолда ҳалқимизни, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этишдир. Бу мағкура Ўзбекистон заминида истиқомат қилаётган барча ки-

шиларни миллати, дини, тили, касб-кори, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ягона мақсад йўлида бирлаштиришни, бутун халқ иродасини мураккаб ижтимоий муаммоларни оқилона ҳал этиш учун йўналтиришни, кишиларда ёрқин ва баҳтли келажакка ишонч руҳини тарбиялашни кўзда тутади. Шу маънода, у Ўзбекистон-нинг миллий истиқлол мафкураси деб аталиши бежиз эмас.

Шуни ҳам инобатга олиш зарурки, халқни Ватан мусхақиллиги ва худудий яхлитлигини хавф остида қолдирадиган турли кўри-нишлардаги мафкуравий тазиикларга қаршилик кўрсатиш зару-рияти ҳам жипслаштиради. Миллий истиқлол гояси ҳаракат дас-тури сифатида, бир томондан, Ўзбекистон заминида келажаги буюқ, эркин ва фаровон жамият барпо этиш учун халқимиз куч-куввати-ни жипслаштиришни, унинг иродасини бунёдкорлик ишларига са-фарбар этишни, иккинчи томондан эса, миллий мустақиллигимиз-га хавф солаётган мафкуравий таҳдидларга зарба бера оладиган мард, жасур, ватанпарвар авлодни тарбиялашни кўзда тутади.

Фоя ва мафкуранинг асосий вазифалари. Фоя ва мафкуранинг вазифалари унинг олдига кўйилган мақсадидан келиб чиқади, унга эришишнинг воситалари, усууллари ва йўлларида аниқ ифодаланади.

Шу маънода, одамларда ўзига хос дунёқарашиб тафаккурни шакллантириш — хар қандай мафкуранинг асосий вазифалари-дан бири. Масалан, Ўзбекистоннинг миллий истиқлол гояси янги жамият барпо этишга хизмат қиласди. Мустақиллик — буюк неъмат, яъни ўз тақцирини ўзи белгилаш, ўз юртига ўзи эгалик қилиш, аждодлар анъанасини давом эттириш, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаш учун ноёб имконият. Шу боис мустақил-ликнинг қадри ва аҳамиятини, уни мустаҳкамлаш зарурлигини, демократик хукукий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш талабларини яхши англайдиган, замонавий дунёқарашиб эга ав-лодни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Миллий истиқлол мафкураси ўзининг туб моҳиятига кўра, Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлашни, Ватан равнаки, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлигини таъминлашни кўзда тутади. Бундай улуғвор вазифани бажариш ҳар бир фуқародан эркин фикрлаш, Ватан тақдери, истиқболи учун масъулликни ҳис қилишни талаб этади. Эркинлик бўлмаган жойда масъулият-сизлик, лоқайдлик вужудга келади. Мустақиллик халқимизга ана шундай эркин фикрлаш имконини берди. Эркин тафаккурсиз янги жамият шаклланишини тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Замонавий дунёқарашиб эркин тафаккурга таянади, у демократик жамият

хаётининг муҳим қонунияти, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва таъминлашнинг зарур шарти. Эркин тафаккур шахс фаоллиги-ни оширади, уни бунёдкорлик ишларига илҳомлантиради. Эзгу ғоялар кишилар онгига сингдирилиши билан уларда Ватан тақди-ри, халқ келажаги учун масъуллик туйғуси шаклланади. Чунки шахсий ғоя ва манфаатлар шахс фаоллигини кучайтирувчи омил бўлса, миллий ғоя ўзида бутун бир халқнинг хаётий манфаат ва интилишларини акс эттиради. «Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табий равища туғилади. Яъни инсон ўзлигини англага-ни, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туй-гуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз канча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади».

Хар қандай мафкура жамиятда муайян ғоялар устуворлик қила-диган **ижтимоий муҳитни яратиш вазифасини** ҳам бажаради. Шу жамиятта хос кенг ривожланишга йўл очади. Маълумки, инсоният доимо рухан юксакликка, яна ҳам баҳтли ва фаровонроқ ҳаёт ке-чиришга интилади. Бундай ҳаётга эришишнинг хилма-хил восита ва йўллари мавжуд бўлиб, у турли ғояларда ўз ифодасини топади. Бундай ғоялар илмий-назарий, диний ва бошқа асосга эга бўлади. Муайян жамият эса ана шу пойdevor устида қад кўтаради, унинг асоси ҳисобланади. Ижтимоий ҳаёт тобора интеллектуаллашиб бо-раётган, илмий тафаккур инсоният маънавиятининг устувор йўна-лишига айланаётган ҳозирги шароитда кўпроқ илмий-назарий асосга эга бўлган илгор тоялар таъсири устунлик қилмоқца.

Зарур ижтимоий муҳитни яратмай туриб, муайян ғояларнинг устуворлигини таъминлаб бўлмайди. Масалан, демократик жа-миятда соғлом ижтимоий муҳит — унга хос принципларни хур-мат қилиш, конституция талабларига бўйсуниш, қонунлар ва ижтимоий тартибларга онгли равища итоат қилиш, адолатни қарор топтириш демак. Янгича фикрлайдиган, мутелик туйғуси-дан холи бўлган маънавий баркамол авлодни тарбиялаш бу бора-даги муҳим вазифадир. Ижтимоий ҳаёт ўртага қўяётган муаммо-лар ижодий фикрлайдиган, ташаббускор ва юксак маънавиятли инсон шахсини шакллантиришни талаб этмоқда. Бу борада мил-лий ғоя давр талаблари ва хусусиятларини яққол ифода этгани учун ҳам кишилар қалбига тез етиб бориб, ўзига хос ҳаёт дастури бўлиб хизмат қилмоқда.

Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. // "Ийоког", 2000 йил 8 июнь.

Миллий мафкура, биринчи навбатда, ҳаётга эндитана қадам кўяётган ёш авлоднинг ҳаётига янгича маъно ва мазмун баҳш этиш-га, унда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга қаратилади. Чунки ёшлар факат миллий фоя тимсолидагина Ватан тараққиёт-ти, Юрт тинчлиги ва Халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим воситасини кўради. Ёшлар табиатан турли фояларга қизиқув-чан ва уларга тез берилувчан бўлади. Миллий фоя ҳали турмуш-нинг аччиқ-чучугуни татиб кўрмаган, ҳаётий тажрибага эга бўлма-ган ана шу авлодни миллий манфаат ва тараққиётга ёт бўлган сохта ҳамда бузгунчи фоялар тажовузидан ҳимоя қиласди, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиради.

Фоя ва мафкуранинг **яна бир вазифаси** улар ўзи таянган иж-тимоий асос, қатлам, партия, миллат ва бошқаларнинг туб ман-фаатларини ифода этади. Президент Ислом Каримов бу муҳим хусусият тўғрисида таъкидлагани каби: «Хар қандай инсон, та-биийки, мурод-мақсадсиз яшамайди. Бинобарин, токи ҳаёт мав-жуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий гояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга инти-лади... Мафкуранинг ҳаётийлиги унинг халқ табиатига, турмуш ва тафаккур тарзига нечоғлик мос бўлиши, энг муҳими, жамият-нинг миллий манфаатларини, орзу-интилишларини қай даражка-да акс эттириши билан белгиланади». Шу маънода, Ўзбекистонга хос миллий мафкура халқимизнинг мақсад ва интилишларини ифода этади, унинг рухини кўтаради, уни эзгулик ва бунёдкор-лик ишларига даяват этади, жамият дуч келган муаммолар ечи-мини топишга ёрдам беради.

Фоя ва мафкура, айниқса, уларнинг миллий ва умуминсоний шакллари ўтмишни келажак билан **боғловчи** маънавий кўприк **вазифасини** ҳам ўтайди. Масалан, миллий фоялар бир неча авлодларнинг ақл-заковати билан яратилади, кейинги авлодлар томо-нидан янги мазмун билан бойитилиб борилади. Унда аждодлар би-лан авлодлар ўртасидаги ворислик ўз аксини топади, аждодлар-нинг асрий орзу-умидлари мужассам бўлади. Миллий мафкура ўзига хос эстафета сифатида бугунги авлодни аждодлар билан боғлайди, миллий қадрият сифатида эъзозланади. Унинг ҳаётий-лиги миллатнинг фаоллигидан далолат беради. Президентимиз сўзлари билан айтганда, миллий мафкура халқни халқ, миллат-

Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. // "FMоког", 2000 йил 8 июнь.

ни миллат бўлишида мухим восита бўлиб хизмат қилади. Шу маъ-нода, «жоҳон тажрибасига назар ташласак, миллатнинг мафку-раси бир эмас, балки бир неча авлоднинг умри давомида ишлаб чиқилиши ва такомилга эришувига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бу-тун ҳалқни бирлаштирадиган байроқ бўлмиш мафкурани шакл-лантириш учун инсоният тарихининг турли даврларида Худонинг ўзи ақл-заковат, истеъдод, куч-қувват ато этган, ёрқин тафак-курга эга бўлган буюк шахслар заҳмат чекканини кўрамиз».

Фоя ва мафкуранинг яна бир **мухим хусусияти** кишиларни би-рон-бир мақсад сари бирлаштирувчи ва сафарбар этувчи идеал-лар тизимини яратади, унга хизмат қилади. Тарихнинг муайян босқичларида Ватан мустақиллиги учун чет эл босқинчларига қарши кураш, эл-юртни ободонлаштириш, ҳалқни фаровонлаш-тириш каби идеаллар аждодларимизни эзгу мақсадлар атрофида бир тан-бир жон бўлиб бирлашишга даъват этган.

Фоя ва мафкура тизими одамлар хаёти фаолиятининг ўзига хос **мезони вазифасини** ҳам бажаради. Масалан, бугунги кунда ватандошларимизнинг интеллектуал — маънавий салоҳияти мил-лий истиқлол ғояларини қай даражада хаётга татбиқ эта олиши-да, аждодлар орзу-умидини қай даражада рӯёбга чиқара били-шида яққол намоён бўлади.

Фоя ва мафкуранинг мухим хусусиятларидан бири **ғоявий ҳимоя воситаси** эканлиги билан белгиланади. Маълумки, Ватан равнаки, Юрт тинчлиги ва Ҳалқ фаровонлиги учун фидойилик иймон-эътиқодли аждодларимиздан бизгача етиб келган маънавий мерос. Мус-табид тузум қатағонларининг қурбони бўлган Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир ва бошқаларнинг жасорати эл-юртимиз мустақиллиги, озодлиги йўлидаги фидойиликнинг ёрқин намунаси. Ҳалқимиз онига уларга хос мардлик, иймон-эътиқод, ҳалоллик, инсоф-диёнат, меҳнатсеварлик, сахийлик фазилатла-рини сингдириш миллий истиқлол мафкурасининг мухим вазифа-сидир. Бу эса охир-оқибатда ягона мақсадга — Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизда озод ва обод хаёт барпо этиш, фаровон жамият куриш учун хизмат қилади.

Хуллас, ғоя ва мафкура муайян даражада хаётнинг маъноси ва мазмунини белгилайди, ибратли умр учун яшаш ва курашиш-га чорлайди. Бундай фикрга эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон келажакка дадил интилиш билан яшайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчи-

Каримов И.А. Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. // "FMokog", 2000 йил 8 июнь.

майди, оалки ғоявий билим, тушунча ва тамойилларга суянган ҳолда ҳаёт кечиради, фаолият кўрсатади. Шу маънода, таъкид-лаш жоизки, миллий истиқлол ғояси ҳам ўзининг олий максади, вазифалари ва хусусиятларига эга. Унинг олий мақсади юртимиз-да озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, хуқуқий демокра-тик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ҳалқимиз-ни жиспештириш, кишилар онгига мустақил дунёқараш ва огоҳ-лик ҳиссини шакллантириш, комил инсонни вояга етказиш, фу-қароларимизда мафкуравий иммунитетни тарбиялаш билан уз-вий боғлиқ бўлиб қолаверади.

3-боб. Бунёдкор ва вайронкор ғоялар, уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари

Жаҳон тарихида инсон ҳаёти, халқлар ва давлатлар тақдири учун хилма-хил аҳамият касб этган турли-туман гоя ва мафкура-лар бўлган. Асрлар оша одамларни эзгу ва хайрли ишларга бошлаб келаётган, умуминсоний аҳамиятга молик бунёдкор ғоялар билан бирга, мазмун-моҳияти бузғунчилик ва ғайриинсонийликдан ибо-рат вайронкор мафкуралар ҳам ранг-баранг шаклларда намоён бўлиб туради. Тарих ва тараққиёт шу тариқа муайян ғоялар усту-вор бўлган неча-неча замонлар алмашинуви, турли мафкуралар курашидан иборат узлуксиз жараён сифатида давом этмоқда.

Бунёдкор ва вайронкор ғоялар кураши, эзгулик ва ёвузлик-нинг бир-бирига зиддиги, бузғунчилик тамойилларининг одамзод бошига не-не балоларни келтириши билан боғлиқ мавзунинг ўтми-ши узоқ. Шу маънода, инсоният тарихи нафакат мафкуралар та-риҳидан, балки уларнинг турли-туман тарзда намоён бўлиши, ғоялар ўртасидаги кураш тарихидан ҳам иборат.

Ҳозирги давр ҳам бундан мустасно эмас. Дунёning бугунги мафкуравий манзарасида ҳам турли-туман ғоялар ва мафкуралар хилма-хил ўринга эга бўлиб турибди. Уларнинг баъзилари инсо-ниятни эзгуликка, миллатлар ва давлатларни бунёдкорликка са-фарбар қилса, бошқалари одамларни бир-бирига қарши қўйиш, улар орасига нифок солиш, турли ижтимоий зиддиятлар, уруш-лар, қатағонлар ва бузғунчиликларга сабаб бўлмоқда.

Бу эса асл қиёфасини турли найранглар билан беркитишга харакат қилаётган вайронкор мафкураларнинг муттасил хуружи рўй бераётган бугунги мураккаб замонда уларга қарши тура ола-диган бунёдкор ғояларнинг мазмун-моҳиятини чукур англашни заруратга айлантиради. Шу билан бирга, эзгуликка хизмат қила-диган маънавий тамойиллар қадрини устувор билишга асосланган замонавий дунёқарашни шакллантириш мухим аҳамият касб эта-ётганини англатади.

7-мавзу. "Бунёдкор гоялар" тушунчаси, унинг амал қилиш хусусиятлари

Ўзидаги гуманизм талабларини акс эттирадиган, инсон камоло-тига, жамият ривожига, миллат тараққиётiga, халқнинг ирода ва интилишларига хизмат қиласидиган, уни жипслаштириб, олий мақсадларга сафарбар этадиган гоялар бунёдкор гоялардир. Улар инсоннинг эзгуликка ва бунёдкорликка интилиши, ички яратув-чанлик мөхияти, ижодкорлик табиатидан келиб чиқади, одам-ларни комиллик ва фозиллик сари ундаиди, иймон-эътиқодини мустаҳкамлади, хаётига ижобий мазмун бахш этади.

"**Бунёдкор ғоя**" тушунчаси Президент Ислом Каримов томони-дан назарий жиҳатдан асослаб берилган бўлиб, жамият ва одам-ларни, турли гурух ва қатламларни, барча фуқароларни тараққи-ёт сари етакловчи, халқни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи гоялар мажмуини ифодалайди. Бунёдкор юя таъ-сирида инсон эзгуликка этишиш, миллатлар ва давлатлар эса озод-лик ва мустақилликка эришиш учун интилади, адолат ва ҳақиқат тантанаси йулида курашади, буюк тарихий ғалабаларни қўлга ки-ритади. Ҳозирги даврда бунёдкор гоялар бутун дунёда демократик хукукий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқлар ва давлатлар ҳаётида гоявий бўшлиқка йўл қўймаслик, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, замонавий дунёқараш ва янгича эътиқод эгаларини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Бунёдкор гоялар ҳар бир халқ, умуман, башариятнинг орзуумидларини, мақсад-муддаоларини ифодалайди, эркин ҳаёт ва адолатли тузумни тараннум этади. Асрлар мобайнида бундай буюк, ўлмас гоялар халқларга куч-қувват ва илҳом бағишлиб, уларни ўз эрки учун курашга сафарбар этиб келган. Ҳар бир тарихий даврда унинг руҳини акс эттирадиган, халқнинг қадриятлари ҳамда орзу-истакларига мос қеладиган гоялар кишиларнинг онги ва қал-бидан жой олган. Уларни эзгулик ва бунёдкорлик ишларига бош-лаган, ҳар бир кишининг бу йўлдаги амалий фаолияти учун маънавий мезон вазифасини ўтагани, шубҳасиз.

Муайян киши учун бунёдкор гоялар халқ манфаатларини, уларни ўзида мужассам этадиган миллий гояни англаш билан боғ-лиқ холда намоён бўлади. Ватан манфаатлари ҳар бир фуқаро манфаатлари билан узвий боғланган. Зоро, Ватанинг ободлиги халқнинг фарованиелиги билан боғлиқ. Фуқаролари бадавлат мам-лакатгина моддий ва маънавий тўқис бўлади. Шундай экан, бунёд-кор гояларнинг муҳим тамойилларидан бири инсон қадр-қимма-

тини ҳар томонлама юксалтириш, ҳалқ фаровонлигини ошириш-дан иборат. Бунга эришиш учун бутун ҳалқ, мамлакат фуқарола-рининг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлигини янада мустаҳкамлаш та-лаб этилади. Бу вазифа бунёдкор ғояларнинг ижтимоий соҳадаги асосий моҳиятини — мағзини ташкил этади.

Шу маънода, "бунёдкор ғоялар" тушунчаси ҳар бир кишининг жамият ҳаётидаги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдида-ти бурч ҳамда масъулиятини қай даражада ҳис этётгани ва бажара-ётганини белгилайдиган маънавий мезон ҳамдир. Ватанни севиш, юрт тинчлигини асрар, ҳалқ фаровонлиги йўлида курашиш бунёдкор ғояларнинг маъно-мазмунини белгилайди. Тарих ҳам, бугунги ҳаёти-миз ҳам ўз ғаразли мақсадларига эришиш учун юксак ғояларнинг жо-зиба кучидан фойдаланишга уринувчи ёвуз кучлар ҳамма вақт, ҳамма замонларда бўлишини кўрсатади. Қабиҳ ниятли кучларнинг асл ниятларини фош этишда бунёдкор ғоялар асосидаги замонавий тафаккур ва илғор дунёқарашнинг аҳамияти бекиёс. Уларнинг мазмун-моҳия-тини билиш, аҳамиятини англаш, бу ғояларни қалбимиз ва онгимизга сингдириш ҳар биримизнинг маънавий бурчимиз.

Умуминсоний маънода бунёдкор ғоялар бутун дунёдаги инсон-лар, ҳалқлар ва давлатларнинг эзгулик йўлидаги мақсад-муддао-ларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда уларнинг руҳи-ни кўтариб, суюнч ва таянч бўлади, миллатлар ҳамда жамиятлар дуч келадиган ҳаётий ва маънавий муаммоларни ечишга ёрдам беради. Бундай ғоялар одам зотига факт моддий бойлик ва неъмат-лар учун эмас, аввало, юксак маънавият, илм-фан ютукларига эришиш, бу мураккаб ва таҳликали дунёда ақл-заковат, иймон-эътиқод билан эзгулик ва бунёдкорликка интилиб яшаш лозим-лигини англатадиган, инсониятнинг тараққиёт йўлини ёритадиган маёқdir, дейиш мумкин.

Миллий даражада бунёдкор ғоялар муайян миллатнинг ўтми-ши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, унинг муддаола-ри ва орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиласидиган, уни эзгу ишларга сафарбар этадиган маънавий омилдир. Бундай ғоялар-нинг мақсади Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Ҳалқ фаровонлиги-ни таъминлашга хизмат қилиш, ҳар бир инсон қалбida уларга муҳаббат ва садоқат руҳини шакллантиришдан иборат. Шу маънода, бунёдкор ғоялар мажмуи бўлган Миллий истиқлол ғояси ўз номи билан Ўзбекистон ҳалқи ва унинг мустақиллигининг ифода-си бўлиб, у дини, эътиқоди, жамиятдаги қайси табакага мансуб-лигидан қатъи назар, юртимизда яшаётган барча фуқароларнинг

умуммиллий мақсадини белгилаб беради, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади.

Хдр бир киши онги ҳамда қалбидаги эзгулик ва бунёдкорликка интилиш, инсониятга садоқат, келажак ва мустақиллик ҳақида қайғу-риш, ўзлигини, халқ, Ватан қадри-қийматини тўғри англаш ва уни ҳимоя қилиш бунёдкор гояларнинг шахсий даражада намоён бўлиши ва хусусиятларини кўп жихатдан белгилайди. Шу маънода, халки-миз асрлар мобайнида эзгу ният қилиб келган мустақилликни саклаш ва мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Бунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, муқаддас она-Ватаннинг ҳётый манфаатларини юракдан ҳис этган ҳолда, уларни рўёбга чиқариш учун фаол ҳаракат қилишимиз, курашишимиз зарур.

Илмий нуқтаи назардан қараганда, "бунёдкор гоялар" **гояшуносликтининг маҳсус категорияси** ҳисобланади. Бизда бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш эндиғина бошланмоқда. Шу маънода, у янада кенгроқ таҳлил ва тадқиқотларга муҳтож. Ҳолбу-ки, мазкур тушунчанинг тузилиши, уни ташкил этадиган элемент-лар, уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари алоҳида тадқиқ эти-лиши лозим. Шу билан бирга, жамият тараққиётининг туб бури-лиш даврларида, ўзгариш ва ислоҳотларни амалга ошириш жа-раёнида бунёдкор гояларнинг яратувчанлик, халқни бирлашти-риш ва эзгу мақсадлар томон сафарбар этиш хусусиятларидан ижобий фойдаланиш масаласи катта ахамият касб этади.

Бунёдкор гояларнинг асосий функцияси — одамларнинг онги ва қалбига бунёдкор гояларни сингдириш, уларга ўз атрофидаги дунё-ни, воқеа-ходисаларни тўғри идрок этиш, мақсад-муддаоларига етишнинг холисона ва беғараз йўлларини кўрсатиб бериш, одам-ларни бу фаолиятга жалб қилишдан иборат. Бу жараён, бир томон-дан, одамларнинг маънавий камолоти, тафаккури ва дунёқараши ўзгаришига, иккинчи томондан эса, жамият тараққиёти, тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар ҳамжиҳатлиги мустаҳкамланишига хиз-мат қилади. Амир Темур бобомиз ва унинг авлодлари давридаги маънавий юксалиш, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги бунёдкорлик соҳасида эришган ютуқлари бунга мисол бўлади.

Шу маънода, бунёдкор гоялар жамият аъзоларида воқеа ва ходисаларни мустақил ва холисона тушуниш қобилиятини шакллантириш, уларга ўз ҳаётидаги мақсад-муддаоларини бажариш-лари учун зарур имкониятни яратишга хизмат қилади. Бундай функциясиз одамлар оммасини бунёдкорликка сафарбар қилиш, уларни шу йўлда ўюштириш қийин кечади. Бунда одамлар онги

ва дунёқараши ҳаёт ҳақиқати, жамият ва инсон манфаатлари талаб этган даражада шаклланишига ҳаракат қилинади.

Бунёдкор ғояга асосланган фаолият натижасида жамиятда эз-гулиқка хизмат қиласидиган кўп сонли онгли кишилар пайдо бўла-ди. Бу кишилар ана шу асосда фикрлайди, ҳаёт ҳодисаларига тўғри ва оқилона баҳо беради ва муайян вазиятларда бунёдкор-лик йўлида курашадиган фуқароларга айланади. Улар жамият ва миллат менталитетида хайрли ва савоб амаллар, бунёдкорлик тамойиллари устувор бўлишига ҳаракат қиласиди.

Хдр қандай мафкура каби бунёдкор мафкура ҳам муайян қоида-ларга мувофиқ яратилади. Айни шу қоидалар жамулжам ҳолда шу ўйналишдаги мафкуравий фикрлаш услубини (мафкуравий онг аппаратини) ташкил этади. Бунёдкор ғоялар шу восита орқа-ли одамлар онгига сингдирилади. Мазкур услуг воситасида одам-лар бу ғояларнинг мазмун-моҳиятини англаб олади, ўзларининг ҳаёт ва фаолият тамойилларини белгилайди. Улар омма онги ва қалбига сингсагина моддий кучга айланади.

Бунда мазкур ғояларни яратувчи ва уларни одамлар онгига сингдирувчи механизм муҳим аҳамият касб этади. Бу механизм кўп ҳолларда маънавият ва маданият соҳасидаги турли ташки-лотлар, хилма-хил мутахассислар ҳамда илмий билиш ва ижод маълумотлари жамият аъзоларига китобларда, газеталарда, журнallарда, театр, кино, телевидениеда ва умуман одамлар кўрадиган, эшитадиган ва ўқийдиган барча жабҳаларда намоён бўлади. Улар шу восита орқали ўз онги учун зарур бўлган ғоявий тамойилларни ўрганади ва ўзлаштиради. Бунёдкор ғоялар омма дунёқарашининг таркибий қисмига айланганидагина одамларнинг қалби ва онгидан чуқур ҳамда мустаҳкам ўрин олади.

Бунёдкор ғоялар асосидаги мафкуравий фикрлаш услуги ил-мий фикрлаш услуги каби беғаразлик, холислик, объективлик, профессионаллик, мантикийлик каби белгилар билан тавсифла-нади. Бундай фикрлаш услуги шу нуқтаи назардан илмий фикр-лаш услугбининг таркибий қисми ҳисобланади.

Бунёдкор ғояларни сингдирувчи мутахассисларнинг вазифаси одамларга ўзини қуршаган дунёни ва ўз-ўзини амалда қандай бўлса, ўшандай, холисона тасаввур килиш ва тушунишни ўрга-тишдан иборат. Лўнда қилиб айтганда, уларнинг фаолияти одам-ларга борлиқни мустакил англаб етиш, жамиятнинг асл мақсад-муддаоларини қандай тасаввур қилиш, ўзи ҳаётда дуч келадиган нарса ва воқеалардан қайсиларини устувор билишни ўргатишга қаратилади. Бу борада у билишнинг муайян натижаларидан ке-

либ чикади ва улардан муттасил баҳра олади, унинг хилма-хил воситаларидан фойдаланади.

Бунёдкор мафкура асосидаги фикрлаш услубининг яна бир жиҳати унинг бегаразлигига. Бу соҳадаги вазифа жамиятдаги бар-қарорликни асрар учун замин яратиш, унинг ижтиомий тузилиши ва аҳолининг шаклланган турмуш тарзини янада такомил-лаштириш, уни турли мафкуравий хуруж ва таҳдидлардан химо-ялашдан иборат. Ўз-ўзидан равшанки, бундай мафкура мазмуни-га мавжуд ижтиомий ҳолатни эзгу ғоялар амалиётига хос тамо-йиллар билан бойитиш, бунёдкор ғояларни устувор қилиш имко-нини берадиган, шунингдек, кишилар ҳаётига ижобий мазмун бахш этишга ва уларнинг жамият аъзолари сифатидаги маънавиятига таъсир кўрсатишга қаратилган муайян қадриятлар тизимини шакл-лантириш каби фаолият йўналишлари кириши лозим. Бу эса, ўз навбатида, одамларнинг онгидан борлиқнинг барча ҳодисаларига доир муҳим андозалар билан бирга мазкур ҳодисаларга берилиган холисона баҳо ҳамда уларга муносабат шакллари ҳам мустаҳкам ўрин олиши учун замин яратади.

Бунга эришиш учун бунёдкор ғоялар ҳақидаги хулосалар од-дий одамнинг фикрлаш даражасига мувофиқ келиши ёки унинг фикрлаш услубини эзгулик томонига қаратиши лозим. Бундай асос-га эга бўлган мафкуравий тушунчаларнинг аниқлиги ва тушунар-лилиги ҳам, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам шу соҳадаги мента-литетнинг нисбатан юксак даражасида вужудга келади. Шунинг учун ҳам бунёдкор ғояга асосланган мафкурада ва унга таянади-ган фикрлаш тарзида, аниқлилик ва тушунарлилик иллюзияси пайдо бўлмайди, балки ҳаёт ҳодисалари аниқ, равshan акс этади, холисона ва беғараз ёндашув натижаси сифатида намоён бўлади.

Бунёдкор мафкуранинг қаққонийлиги шунда кўринадики, у вайронкор мафкурадан фарқли тарзда, уйдирмани ҳақиқат қилиб кўрсатишга хизмат қилмайди. Унда фақат ҳаққоний фикрлар мавжуд бўлиб, бундай мафкурада одамларни воқеликдан чалғитувчи, норе-ал, ҳаёлий дунё манзарасини яратувчи омиллар етакчилик қилмай-ди. Бу манзара ёлғон эмас, унда ҳақиқат устувор бўлиб, у вайронкор мафкура манзарасидан сифат жиҳатидан бутунлай ўзгача ҳодиса. Бу мафкура одамларга уларнинг кундалик ҳаёт фаолиятида хала-кит бермайди, балки одамларнинг ўзлари онгли равишда унга хос тамойил ва талабларни бажаради. Ушбу йўналишдаги тафаккур ҳар бир сўз ва ҳар бир жумлада ўзидан нишона беради. Аксарият ҳол-ларда одамлар бундай ҳолатдан баҳра олади, камолотга эришади-лар. Таъбир жоиз бўлса, улар эзгулик ва бунёдкорлик майдонида

яшайди ва одатдагидек ўз хаёт функцияларини бажаради. Айнан ана шундай мафкуравий майдон ўзини шундай намоён этиши мум-кинки, у ҳар бир киши, ҳар қандай жамият учун маънавий юкса-лиш, тинч ҳаёт кечириш, мазмунли яшаш омили сифатида муҳим аҳамиятини доимо саклаб колаверади.

Бунёдкор ғоялар асосида шаклланган тафаккур одамлар ўз ҳаёт функцияларини бажаришларига асло монелик қилмайди. Шу би-лан бирга, у одамларни тўғри мулоҳаза юритиш, холисона қарор-лар қабул қилишга ўргатади, уларнинг ҳаётини маълум даражада енгиллаштиради. Ҳар бир инсон учун ижобий омил ҳисобланадиган бундай тафаккурсиз одамлар ёмонроқ яшаган жамият узоқ мав-жуд бўла олмаган бўлар эди, дейиш мумкин. Бунёдкор ғоялар асо-сидаги мафкура борлиқ ҳақидаги эртак эмас, балки одамлар фао-лиятининг ўзига хос дастуриламали ҳамдир. Шу маънода, бунёд-кор мафкура ўз моҳиятига кўра реал вазиятдаги ўзгаришларни доимо ҳисобга олади, ўзгармас ва шакшубҳасиз бўлишга ҳаракат қилмайди. У муайян вазиятларда одамнинг яшаш коидаларини маз-кур вазиятлар ҳақидаги илмий тасаввурга асосланган холда талқ-ин қиласи. Айни шу сабабли бундай мафкура ўз шаънига баланд-парвоз сўзлар айтилишига муҳтоҷ эмас. У муайян ҳаёт тажрибаси негизида вужудга келганидан сўнг, вақтга бўйсунмайдиган, мутлақ ҳақиқат сифатида ва ўзгармас кўринишда бўлишини талаб қилмайди. Балки вақт ўтиши, замон ўзгаришлари ва давр талабларига кўра такомиллашиб боради, муттасил янгиланиш жараёнидан ўтади. Бугунги кунда мантиқий фикрлаш бунёдкор мафкура асосидаги фикрлашнинг асосий омилига айланмоқда. Бу эса дунёдаги ҳозирги вазиятни чукур ўрганиш, ғоя ва мафкура соҳасидаги жараёнлар-нинг мазмун-моҳиятини англашга ёрдам беради.

Бунёдкор ғояларнинг шакллари. Инсоният тарихининг энг қадимги даврларидан буён озодлик, мустақиллик,adolat, Юорт тинчлиги, Ватан равнақи, Xалқ фаровонлиги, Ижтимоий ҳамкорлик, Комил инсон, Миллатлараро ҳамжиҳатлик, Диний багрикенглик каби бунёд-кор ғоялар ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Озодлик ғояси — мазлумларни ўз эрки учун курашга чорлай-диган, уларни шу йўлда бирлаштирадиган ва сафарбар қиладиган, қуллик ва қарамликнинг ҳар қандай кўринишини инкор этадиган бунёдкор ғоя. Дарҳақиқат, инсон ҳамиша озодлик ва ҳурриятга интилиб яшайди. У доимо ўзини эркин ҳис қилишга, мустақил тур-муш кечиришга эҳтиёж сезади. Президент Ислом Каримов таъ-қидлагани каби, бу ғоя инсоният тарихининг азалий йўлдоши, ўтмишдан ҳозирга қадар ўз аҳамиятини сақлаб келаётган эзгу кадри-

ятни ифодалайди. Унинг мазмун-моҳиятини бир неча йўналишда талқин ва таҳлил қилиш мумкин. У ижтимоий маънода — жамият ҳаётининг қандайлиги ва қай тарзда ташкил этилганини, сиёсий маънода — мустақил ва эмин-эркин яшашни, иқтисодий маънода — мулк ва моддий бойликларга барчанинг teng эга бўлиш имкони-ятини, маънавий маънода — инсон ва жамиятнинг турли тазиик-лардан холислиги, фикр, эътиқод ва сўз эркинлигини англатади.

"Озодлик" тушунчаси инсониятнинг азалдан эркин, хур ва мустақил яшаш орзу-умидлари, армон ва изтиробларини ўзида му-жассам этади, у эркин дунёқарашиб, мустақил тафаккурга суюниб яшаш салоҳияти, ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилларига асос-ланади. Бу ғоя мустамлакачиликнинг ҳар қандай шаклини, у та-қозо этадиган тўсиқ ва зўравонликларни инкор этади. Инсоният тарихининг турли даврларида жаҳоннинг барча минтақаларида озодлик учун курашнинг шаклан турлича, моҳиятан ўхшаш бўлган хурриятга интилиш ҳодисалари мавжуд бўлгани бу фикрнинг ҳақиқатлигини исботлайди.

Мутелик бор жойда ҳукмронлик, ўзгаларга бош эгиб, қарам бўлиб яшаш каби иллатлар пайдо бўлади. Натижада биз сўнгти аср мобайнида бошимиздан ўтказган мустамлакачилик каби ҳолат-лар вужудга келади. XX аср интиҳосида тоталитар тузум, ком-мунистик мафкура таназзулга учради. Жаҳонга, Ер юзига ҳокими мутлақликни даъво этган собиқ иттифоқ жамият сифатида ҳам, давлат сифатида ҳам кулади. Унинг таркибиға кирган иттифоқ-дош республикалар озодлик макомига эришиди. Озодлик гоясининг кудрати шундаки, у одамларнинг ўзаро муносабатлари, мамла-катлар ва давлатлараро муносабатларни меъёр-мезонга солади, турли камситишлар ёки ортиқча таъзим-тавозега чек қўяди. Озодлик гояси инсоният тарихида ўчмас ном қолдирган кўпгина алло-малар, мутафаккирлар ҳаёти ва ижодининг мазмунини ташкил этади. Алишер Навоийнинг қўйидаги рубойиси бу гоянинг асл моҳиятини акс эттиради:

Ғурбатда ғарип шодумон бўлмас эмиш, Эл
анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш. Олтин
қафас ичра гар қизил гул битса, Булбулға
тикондек ошиён бўлмас эмиш.

Озодлик ғоясини умуминсоний, миллий ва шахсий нуқтаи назарлардан ҳам талқин қилиш мумкин. **Умуминсоний жиҳатдан**, бу ғоя бутун Ер юзида тараккиёт ва эркинлик учун курашаётган кишилар-

нинг музaffer байроғи, демократик жамият ва давлатлар ҳаёти-нинг устувор тамойилларидан бирини ифодалайди. **Миллий жиҳат-дан**, у ҳар бир миллат ва халқнинг ўз мустақил тараққиёт йўли, ўз тақдирини ўзи белгилай олиши, миллий давлатчилигига эга бўли-шини англатади. Шахсий даражада инсон ҳақ-хуқуқларининг рўёбга чиқиши, унинг ижтимоий-маънавий жиҳатдан эркинлигини билди-ради. Бу ғоя миллий истиқлол мафкурасининг асосий тушунчалари-дан бири — «Озод ва обод Ватан» иборасида ўз ифодасини топган.

Мустақиллик ғояси — энг улуғ ва эзгу ғоялардан бири бўлиб, ҳар бир халқнинг истиқлол туфайли ижтимоий тазииклардан ха-лос бўлиши, ўз салоҳиятини тўла-тўкис ишга солиши, ўзи иста-ган ва ўзи танлаган йўлдан бориш имкониятини қўлга киритиши-ни англатади. Президентимиз таъкидлаганидек, мустақиллик ғояси барча жабҳалардаги ҳар қандай камситиш, тобеликни инкор эта-ди, ўзаро ҳурмат, бир-бирини қадрлаш, миллий ва умумбаша-рий қадриятларга таяниб иш кўриш, кенг дунёқараш ва эркин тафаккур асосида яшаш, фикрлаш, ўз ҳаётини эмин-эркин ўзи ташкил этиш имконияти ва амалиётини билдиради. Ушбу ғоя асо-сида шаклланган "мустақиллик" (араб. — тобе эмаслик, ихтиёри ўзидалик, қарам эмаслик) тушунчаси инсоннинг эркин ва озод ра-вишда, ўз ихтиёри билан бошқаларга бўйсунмасдан иш юрита олиши, миллат, давлат ва жамият ҳаёти, уларнинг тараққиёти-ни, устувор мақсад ва вазифаларини мустақил тарзда амалга оши-ришилишини англатади. У ҳар бир халқнинг ўз салоҳияти ва им-кониятларини эркин тарзда намоён этиши учун зарур шарт-ша-роитларни яратишга йўл очади.

Маълумки, инсоният асрлар давомида бу ғояни устувор қилиш учун курашиб келади. Масалан, ХУШ-ХХ асрлар инсоният та-рихидаги мустамлакачилар асоратига тушиб қолган халқларнинг мустақил давлатлар тузиш учун курашлари даври бўлди. Шимо-лий Америка аҳолисининг мустақиллик учун кураши 1776 йил-нинг июлида "Мустақиллик декларацияси"ни қабул қилиш билан якунланди. XVIII асрнинг 90-йилларидан бошлаб XIX асрнинг биринчи чорагигача бўлган даврда Лотин Америкаси халқлари испан, португал, француз мустамлакачиларига қарши курашиб, бирин-кетин ўз мустақил давлатларини барпо этди. 1830 йилда Юнонистон усмонли турклар империясидан ажралиб, ўз мустақилликига эриши. ХУШ-ХIX асрларда дунёнинг қарийб ярмини ўз мустамлакаларига айлантирган Буюк Британия истибододига қарши олиб борилган курашлар натижасида 1876 йилда Канада,

1^01 йилда Австралия, 1910 йилда Жанубий Африка, 1921 йилда Ирландия, 1947 йилда Ҳиндистон ва Покистон халқлари ўз мустақиллигини қўлга киритди.

Мустақиллик — ҳар бир халқнинг азалий ва муқаддас орзуси. Шунинг учун ҳам бу кун барча мустақилликка эришган, тенглар ичидан тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз қонуний ўрнига эга бўлган халқлар томонидан энг улуг милий байрам сифатида нишонланади. Мамлакатимиз 1991 йил 31 августда ўз давлат мустақиллигини қўлга киритди. 1 сентябрь Мустақиллик куни, деб эълон қилинди. У Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июляда қабул қилинган "Байрам кунлари хақида"ги қонунига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида нишонланадиган байрамлар қаторидан ўрин олди. Мустақиллик ҳалқимизнинг иродаси, ҳақ-хуқуқи, унинг цивилизацияга қўшган ва қўшаётган бетакрор ҳиссасини жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши ҳамдир. У бизни жаҳоннинг эркин мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашга, бозор иқтисодиётига асосланган, хуқукий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишга, ҳалқимизнинг моддий, маданий ва маънавий салоҳиятини мустаҳкамлашга, юртимиз шон-шуҳратини дунёга ёйишга имконият яратувчи энг асосий омил бўлиб хизмат қиласди.

Инсоннинг табиати ва ижтимоий тузумнинг моҳиятини белгилайдиган, одиллик ва эзгуликнинг устуворлигига асосланган адo-лат гояси инсониятнинг азалий орзуси, эзгу идеали, маънавият, ахлоқ ва хуқуқнинг меъёрий категорияларидан биридир. **"Адо-лат"** тушунчаси араб тилидан олинган бўлиб, одиллик, тўғри-лик, ҳамма учун баробар бўлган ҳақиқатнинг талаб ва тамойил-ларига амал қилинишини англатади. У ҳамма замонларда ҳам жа-мият ҳаётидаги ходисалар, тартиб-қоидаларнинг асл инсоний иде-алларга, ҳақиқат мезонларига қанчалик мос эканини аниқлашда асосий маънавий мезон бўлиб хизмат қиласди. Жамиятнинг шахс-га, шахснинг жамиятга ва бир шахснинг иккинчи шахсга муноса-батида намоён бўладиган адолат тамойили ана шу муносабатлар-ни баҳолашнинг ўзгармас мезонидир.

Ҳозирги замон фалсафий адабиётларда адолат жамиятдаги барча ижтимоий муносабатларда одиллик ва ҳақиқат тамойил-ларини ифода этувчи категория сифатида таърифланмоқда. У жа-миятда қатор вазифаларни бажаради. Биринчидан, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни мақсадга мувофиқ ташкил этади. Ик-кинчидан, турли ижтимоий гурӯҳ ва синвлар манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди, улар орасидаги мувозанатни

сақлаб туради. Учинчидан, жамиятдаги мулкчилик муносабатла-рини, ишлаб чиқариш фаоллигини оширади. Тұртнчидан, фуқа-роларнинг ҳуқук ва эркинликларини ҳимояловчи восита сифати-да хизмат қилади. Бешинчидан, воқелиқда кенг илдиз отган, ле-кин ижтимоий тараққиётга түсік бўлаётган муносабатларни бар-тараф этишга даъват қилади. Олтинчидан, одамларда келажакка ишонч туйгусини уйғотади ва кучайтиради. У инсонлар ўртасида-ги ўзаро муносабатларнинг асосий мезони бўлгани учун доимо ижтимоий аҳамият касб этади.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг бир умр «Куч — адo-латда» деган ҳикматга амал қилиб яшагани ҳалқимизнинг бу бора-да етарли билим ва тажриба, анъана ҳамда қадриятларга эга экан-нини кўрсатади. Мустақил тараққиёт йўлидан қатъият билан бо-раётган жамиятимизда адолат барчанинг қонун олдида тенгли-ги ва қонуннинг барчага тенг тегишли эканини англатади. Яъни "Адолат — конун устуворлигига" деган тамойил асосида юрти-мизда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий негизда ривожланти-риш мамлакатимизда амалга оширилаётган, адолатли жамият барпо этишга қаратилган барча ўзгариш ва ислоҳотларнинг маъ-но-мазмунини ташкил этади.

Хар бир инсон учун юрт тинчлиги бебаҳо неъмат, улуғ саодат-дир. Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик-тотувлика интилиб келган. Юрт тинчлиги барқарор та-раққиёт гарови бўлгани учун уни сақлаш ва мустаҳкамлаш маса-ласи умумбашарий муаммодир. **"Юрт тинчлиги" ғояси** Прези-дент Ислом Каримов томонидан асослаб берилган бўлиб, у мил-лий истиқлол мафкурасининг таянч тушунчаларидан бири, мам-лакатимиздаги тинч-тотувлик ва жамиятимиз барқарор тараққи-ётининг муҳим шарти, фуқароларнинг эмин-эркин яшави ва камол топишининг энг зарур омили, ҳаётий эҳтиёжи каби тамо-йиллар мажмуини ифодалайди.

Инсоният тарихига назар ташласақ, бир-бирига қарама-қарши бўлган тинчлик ва уруш ғоялари ўзаро қурашиб келганини кўра-миз. Ер юзида яшовчи кишилардан «Сиз она-Ватанингизни хона-вайрон қиласидиган, авлодларингиз ҳаётига зомин бўладиган, чексиз ғам-андух келтирадиган урушни хоҳлайсизми?», деб сўралса, хар бир соғлом фикрли инсон, миллати, дини, ирки, иқтисодий аҳво-ли, сиёсий мавқеи, ёши, жинсидан қатъи назар, «Йўқ» деб жаврб бериши аниқ. Бироқ, инсоният тарихида кейинги беш минг йилда таҳминан 15 мингдан ортиқ катта-кичик урушлар бўлган. Уларга

сафланган маблағларни олтинга айлантириш ва ундан камар ясаш мүмкін бўлганида, эни 100 метр, қалинлиги 10 метр бўлган бундай камар Ер юзини икки марта айланиб чиқишга етиши мүмкін эди. Бу маблағлар инсоният соғлигини саклаш, унинг фаровонлигини таъминлаш, юрт тинчлигини мустаҳкамлашга сафланмагани аник

Бугунги мураккаб даврда турли молиявий ва мафкуравий манбалардан куч олиб турган, узоқ ва яқиндаги баъзи бекарор мамлакатларда ин қуриб олган халқаро террорчилик ва экстремизм, маънавий бузғунчилик марказлари миллионлаб тинч аҳолига та-жовуз килмоқда. Кейинги йилларда хавфсизлик ва барқарорлик-ка таҳдид солувчи ақидапарастлик, халқаро терроризм ҳамда нар-кобизнес каби глобал муаммолар бир ёки икки мамлакат доира-сида ҳал бўладиган масала эмаслигини кўпчилик англаб етмоқда. Ҳолбуки, башарият фақат тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган тақдирдагина ўз олий мақсадларига эришади, моддий ва маънавий юксакликка кўтарилади.

Шу сабабдан ҳам халқимиз тинчликни ўз мақсади ва орзу-интилишлари рўёбга чиқишининг энг олий шарти деб билади. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ юрт тинчлигини саклаш давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг усту-вор йўналишига айлангани бежиз эмас. Шунинг учун ҳам муста-қиллик ва тинчликни асрар, мамлакатимизни тажовузкор куч-лардан химоя қилишга доимо тайёр туришимиз лозим.

Бутун дунёда яшайтган барча кишиларнинг эл-юрт камоли би-лан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайдиган "**Ватан равнақи**" ғояси биз ўрганаётган фаннинг асосий категория-ларидан бири. Бу тушунча Президент Ислом Каримов томонидан асослаб берилган бўлиб, у барча фуқароларнинг эл-юрт камоли билан'боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайдиган, ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғун-лаштирадиган, уни халқ баҳт-саодати йўлида хизмат қилишга ун-дайдиган бунёдкор мақсад ва тамоиллар мажмуини англатади.

Ватанпарварлик тарихий тараққиёт жараёнида пайдо бўлиб, ташқи мухит ва даврлар таъсирида шаклланган, камолга етиб келган ижтимоий-руҳий туйғудир. У ҳар бир инсоннинг бутун умри давомида шаклланиб, кенгайиб ва такомиллашиб боради. Албат-та, инсон улғайиб, вояга етар экан, у бутун Ер юзи одам боласи учун умумий макон эканини англайди, Она замин қуёш система-сида инсон учун ягона Ватан эканини билиб олади. Шу заминни асрар-авайлаш лозимлигини тушунади. Бундай тасаввурга асос-ланган ватанпарварлик умумбашарий тушунчадир.

Ватан равнақи ҳақида қайғуриш миллатчилик эмас, балки умуминсоний туйгу. Француз адиби Вольтер таъкидлагани каби: «Ватанга бўлган муҳаббат мени ажнабийлар ютуғидан кўз юмиш-га мажбур қилмайди. Аксинча, Ватанга муҳаббатим қанчалик кучли бўлса, уни бошқа халқларнинг ютуқлари билан шунчалик кўп бойитгим келади». Аслида Ватан — инсоннинг киндиқ қони тўқил-ган муқаддас тупроқ, уни камолот сари етакловчи, ҳаётига маъ-но-мазмун бахш этувчи табаррук маскан. У аждодлардан авлод-ларга қоладиган энг буюк, бебаҳо мерос, энг азиз хотира, ота-боболаримизнинг хоки поклари жо бўлган, вақти-соати етиб ҳар биримиз бош қўядиган муқаддас замин. Шу маънода, халқимиз Ватан остонаядан бошланади, деб бежиз айтмаган. Киши улғайган сари унинг Ватан ҳақидаги тушунчаси ҳам кенгая боради ва бу тушунча остона, уй, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, туман, вилоят ва ниҳоят, мамлакат даражасига кўтарилади. Ер сайёраси бутун аҳли жаҳон учун Ватан ҳисобланса, ҳар бир халқ учун тақдиран ва тарихан ато этилган ҳудуд она-Ватандир.

Инсониятнинг кўп минг йиллик ўтмиши ва бугунги кун воқе-лиги шундан далолат бермоқдаки, миллий ғоя ҳеч қачон Ватан-дан ташқарида илдиз отмайди. У Ватан равнақини белгилаб бера-диган тамойилларни ўзида акс эттирасигина куч-кудрат манбаига айланади. Шу маънода, жаҳон тарихида шундай даврлар борки, унда буюк ишларга тайёр халқлар ўз йўлбошчилари етакчилиги-да, тарихнинг муайян қисқа босқичида минг йилларда кўлга ки-ритиш мумкин бўлган натижаларга эришган. Айнан ана шундай даврлар инсоният тарихига шу халққа мансуб буюк кишиларнинг ўчмас номини битади, жаҳон маданиятини бойитади, умумбаша-рий тараққиётга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Бугунги мустақиллик даври ҳудди ана шундай, миллий давлатчиликни тиклаш ва барқарор қилиш, мустақил яшаш бораси-даги орзуларимиз ушалган, Узбекистон жаҳон ҳамжамиятининг teng ҳуқуқли аъзосига айланган, мамлакатимизни энг илгор давлатлар қаторига олиб чиқиши учун кенг имкониятлар очилган давр-дир. Бу давр истиқлолга эришган халқимизнинг миллий салоҳия-тини энг юксак чўққиларга кўтариш, жамиятнинг барча соҳала-рида туб ислоҳотлар ва улкан бунёдкорлик ишларини амалга оши-риш, мамлакатимизда қонун устувор бўлган демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш давридир. Уни тарихий аҳамияти жихатидан юртимизнинг Соҳибқирон Амир Темур бош-чилигига озодликка эришган ва мустақилликни сақлаш ҳамда мус-

таҳкамлаш учун буюк ишларни амалга оширган даври билангина киёслаш мумкин.

Бугунги кунда "Ватан равнақи" ғоясининг мазмун-моҳияти ҳар бир юртдошимизнинг тақдирида ўз ифодасини топмокда. Бу ғоя ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни хис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу ҳалқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Зоро, ҳар биримизнинг баҳтимиз, келажагимиз Ватан равнақи билан чамбарчас боғлиқ экан, Ватан равнақи учун бор билим, куч, са-лоҳиятимизни сарфлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз.

Халқ фаровонлиги миллий истиқлол мағкурасининг асосий ғояларидан биридир. Президент Ислом Каримов томонидан асослаб бе-рилган "Халқ фаровонлиги" тушунчаси ҳар бир инсон ва оила фа-ровонлиги билан боғлиқ бўлган, шахсий манфаатларнинг жамият манфаатлари билан уйғунлигини англатадиган, фуқароларнинг фа-ровонлиги бутун жамият фаровонлигидир, деган тамойил асосида шаклланадиган бунёдкор ғоянинг мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида одамлар онгига барча фалокатларнинг сабаби хусусий мулкда, деган ғоя сингдирилиб, сохта тенгликни қарор топтиришга харакат килинди. Оқибатда ишла-маган одам ишлаган одамдан яхширок яшай бошлаган эди. Хатто ўша давр кишисининг ўзи ҳам давлат машинасининг мурватига айлантирилган эди. Мехнатга ҳақ тўлашдаги адолатсизлик боки-мандалик кайфиятини, ишлаб чиқаришдаги исрофгарчиликни, ташмачиликни кучайтирди.

Ўзбекистон истиқлолга еришган дастлабки кунларданоқ бозор иқтисодиётiga асосланган хукукий демократик давлат ва фуқаро-лик жамияти барпо этилмоқда. Бу борадаги ислоҳотлар жараёни ҳаёт қонунларини ҳисобга олган ҳолда, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ушбу жараён, ўз навбатида, ислоҳотларнинг хукукий асослари ва кафолатларини вужудга келтириш, аҳоли-ни ижтимоий ҳимоялаш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва хукукий тафаккури шаклланиши билан бирга олиб борилмоқца.

Бугунги кунда ҳар бир инсон ва оила бадавлат бўлса, жамият ва давлат ҳам кучли ҳамда қудратли бўлади, деган ҳақиқатга асос-ланган иқтисодий ислоҳотлар ўз мевасини бермоқда. Ташаббускор-лик ва тадбиркорликни рағбатлантириш одамларда мулкка эгалик ҳиссини тарбиялаш, кичик ва ўрта корхоналарни изчил ривож-лантириш, аҳоли фаровонлиги ва даромадларининг ортишида, ишсизлик муаммолини ечишда муҳим аҳамият касб этмокда.

Шу маънода, 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбир-корлик йили" деб эълон қилиниши мамлакатимизда ўрта синфи шакллантириш, эркин рақобат, тадбиркорлик, ташаббускорлик мухитини янада кенгайтириш ва пировард натижада, ҳалқ фаронлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг интеллектуал салоҳи-яти, келажакка бўлган умид-ишончи, жамиятимиздаги тинч-то-тувлик ва сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Инсоният тарихи ҳар қандай жамият тараққиётининг энг асо-сий кўрсаткичи унда яшайдиган инсонларнинг эзгуликка, бунёд-корлик ғояларига муносабатида ҳамда уларга асосланган амалий фаолиятида намоён бўлишини доимо исботлаб келган. Яъни, ўтмишдан ҳозирги кунимизга қадар жамиятнинг умумий ривожи ва инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатувчи комил-лик мезони — ҳар бир шахсни баркамол қилиш орқали жамиятни баҳтли, саодатли қилишдан иборат бўлган. Шу маънода, **"Комил инсон" тушунчаси** миллий ва умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзодга хос энг юксак маънавий ва жисмоний мукаммалликни ўзида мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижа-ноб ғоянинг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Бу ғоя нафақат ало-ҳида шахсларни, балки бутун-бутун ҳалқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида тенгсиз ютукларга илхомлантирган.

Келажак авлод ҳақида қайгуриш, соглом, баркамол наслни тарбиялаб вояга етиширишга интилиш ўзбек ҳалқининг миллий хусусиятидир. Мустақиллик баркамол инсонларни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди. Ўз Ватанининг тақдири, унинг бугуни ва келажаги учун масъулиятни чукур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрларга эҳтиёжни қондириш вазифаси мамлакатимиз мустақилликка эришган биринчи кун-ларданоқ ўта муҳим ва ҳал қилувчи масалага айланган эди. Шу-нинг учун ҳам баркамол инсонни тарбиялаш учун ижтимоий, сиё-сий, маънавий-ташкилий вазифалар давлатимиз сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши этиб белгиланди.

Маълумки, мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар умумий аҳолининг таҳминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фои-зини ташкил этади. Бугунги кунда республикамизда 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд бўлиб, юртимиздаги жами оиласларнинг 16 фоизини ташкил қиласди. Энг замонавий билимлар билан қурол-ланган, билим ва тафаккур дунёси кенг ёшларни вояга етказмас-дан туриб, Ўзбекистоннинг келажагини, жаҳон ҳамжамиятидаги

мустаҳкам ўрнини тасаввур этиб бўлмайди. Ана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, 1997 йилда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. 2009 йилги маълумотларга кўра, миллий дастурни ҳаётга тадбиқ этиш бош-лангандан буён 1 минг 140 тага яқин академик лицей ва касб-хунар коллежи, 4 минг 680 тадан зиёд умумтаълим мактаби ян-гидан курилди ва капитал таъмирланди, замонавий мебель, ўкув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, уларда компьютер синфлари ва лингофон хоналари ташкил этилди. Олий таълим соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди, бакалавр ва ма-гистрлар тайёрлаш тизимиға ўтилди. Мамлакатимизнинг 65 та олий ўқув юртида 850 та йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингга яқин талаба билим олмоқда,. Ҳозирги кунда юртимизда таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми. мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида 12 фоиздан ортади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди. Фарзанд-ларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади. Асосий диққат-эътибор жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни тар-биялаш, улар учун шарт-шароит яратишга қаратилди ҳамда уму-мий ўрта таълим тизимини такомиллаштиришнинг муҳим вази-фаси ва 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ажralmas қисми деб белгилаб қўйилди. 2008 йилга «Ёшлилар йили», 2010 йилга эса «Баркамол авлод йили» деб ном берилиши шу мақсадларни амалга ошириш учун муҳим қадам бўлди.

Тарих далолат берадики, турли ғояларни байроқ қилиб олган кучларни бир мақсад йўлида бирлаштириш ғоят мушкул иш. Ле-кин Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Xalq фаровонлигини таъмин-лаш эҳтиёжи ва зарурати ана шундай ҳамкорликка эришишни тақозо этади. **«Ижтимоий ҳамкорлик»** миллий истиқбол мафку-расининг шу мақсадга қаратилган асосий ғояларидан биридир. Бу тизимда ижтимоий ҳамкорлик ғоясининг мустаҳкам ўрин эгалла-ши бутун дунё ва мамлакатимизда хилма-хил ташкилот ҳамда ижтимоий қатламлар, турли институтлар ўртасида ўзаро ҳам-корлик алоқаларини таъминлаш зарурати билан изоҳланади.

Бугунги кунда Ер юзида 6 миллиарддан зиёд киши яшайди. Ўзбекистон ҳудудида ҳам кўплаб миллат ва элат вакиллари ис-

тикомат қилмоқда. Давлатлар бу борада кўп миллатли (полиэт-ник) ва бир миллатли (моноэтник) таркибга эга бўлиб, ҳар бири ўзига хослиги билан бир-биридан фарқ қиласди. Ҳар бир мамла-катда турли миллат вакилларининг мавжудлиги азал-азалдан унга ўзига хос табиий ранг-баранглик бахш этиб келган.

Ижтимоий ҳамкорлик — муроса фалсафаси ва ўзаро кели-шув асосидаги амалий фаолият бўлиб, хилма-хил фикр ва қараш-ларга эга бўлган кишиларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлайди. На-тижада жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, барқарор тараққи-ётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади. Кўплаб мутахассис-лар эътироф этаётгани каби, "Ижтимоий ҳамкорлик" тушунчаси хилма-хил фикр ва қарашларга, мақсад ва муддаолари ҳар хил бўлган, аммо манфаат ва мақсадларга эга бўлган шахслар, турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ҳамда гурухларнинг уму-мий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини, ўзаро ҳамкорлик ва ке-лишув асосидаги амалий фаолиятини таъминлашга хизмат қила-диган ғояни ифодалайди. У мақсад ва муддаолари ҳар хил, аммо Ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлигини таъминлаш йўлида умумий ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиши лозим бўлган ки-шиларнинг фаолият мезонларини белгилайди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, жамиятни сунъий равишда бўлиб, турли қарама-қаршиликларни мутлақлаштирадиган таъ-лимотлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий ҳамкорлик ғояси турли партия, дин, қатламга мансуб хилма-хил жамият аъзолари қараш-ларидаги табиий ранг-барангликни уйгуналаштиради ва умумий тараққиёт манфаатларига бўйсундиришга хизмат қиласди. Бунда, биринчидан, жамиятнинг энг устувор мақсад ва манфаатларини ўзида мужассам этадиган илғор ғоялар миллий тараққиётни ҳара-катга келтирувчи кучга айланади. Иккинчидан, жамиятдаги ҳар бир ижтимоий тоифа ёки гуруҳ ўзининг дастурий мақсадлари ва амалий фаолиятини ана шу устувор миллий ғоялар билан уйғун-лаштиришини англаб олади. Учинчидан, ҳар бир шахс, ижтимо-ий мавқеи, дунёқарashi ва эътиқодидан қатъи назар, жамиятнинг устувор мақсад ва манфаатларини акс эттирадиган миллий ғоялар-нинг амалга ошиши учун ўзини масъул деб билиши бу жараённинг асосий тамойили ҳисобланади. Тўртингчидан, турли ижтимо-ий гуруҳлар манфаатини ҳимоя қилишга бел боғлаган, ўз дасту-рини эълон қилган партия ва жамоат ташкилотлари ўз фаолият доирасидагина аъзолари манфаатини ҳимоя қилиши мумкин, хо-лос. Бироқ умумий манфаат — ҳалқ, жамият, Ватан манфаати

сингари энг олии қадриятлар борки, барча сиёсий партиялар, ғоялар ва мафкуралар ана шу умумий асосларда бирлашади.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида бу соҳада ҳам туб ўзга-ришлар рўй берди. Масалан, бугунги кунда мамлакатимиз сиёсий ҳаётида кўп partiyavillik ва демократик сайловлар тизими, икки палатали парламент, Олий Мажлиснинг юқори палатаси — Сенат ва куйи — Қонунчилик палатаси шаклланди. "Адолат", "Мил-лий тикланиш", Халқ демократик ва Ўзбекистон либерал-демократик партиялари, парламентнинг қуи палатасида эса мазкур партияларнинг фракциялари фаолият кўрсатмоқда. "Маҳалла", "Камолот", "Нуроний", Ўзбекистон экологик ҳаракати каби жа-моат ташкилотлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари шаклланди. 2009 йилги сайловлар натижасига кўра, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан 53, Халқ демократик партияси — 32, "Мил-лий тикланиш" — 31, "Адолат" — 19, Ўзбекистон экологик ҳара-катидан 15 депутат сайданди.

Албатта, ҳар бир партия ёки қатламнинг ўз дастури ва ундан келиб чиқадиган мақсад-вазифалари бор. Чunksi, бугун мустақил Ўзбекистон ижтимоий плюрализм, ҳаётни эркинлаштириш, мул-книнг турли шакллари тенг хукуқлилигани қонуний кафолатлаш йўлидан бормоқда. Бундай жамиятда эса турли ижтимоий гурухлар, табақалар, синфлар бўлиши муқаррар. Уларнинг ўз иқтисо-дий ва сиёсий манфаатлари бир-биридан муайян даражада фарқ қилиши ҳам табиий. Лекин бу ҳолат жамият ҳаётини, ундаги тинч-тотувлик ва ижтимоий ҳамкорлик муҳитини издан чиқармаслиги лозим. Бу масалага жамият манфаатларининг умумийлиги мезо-нидан келиб чиқиб ёндашиш ижтимоий ҳамкорлик ғояси нуқтаи назаридан миллий манфаатлар ва Ўзбекистон тараққиётининг умумий тамойиллари уларнинг барчаси учун муштарак омиллар эканидан далолат беради.

Шу маънода, ижтимоий ҳамкорлик жамиятдаги барча кишилар, партиялар, тоифалар бир хил фикр юритсин, дегани эмас. Аслида ҳар бир ижтимоий кучнинг дунёкараши, манфаатлари тур-лича бўлади ва бинобарин, улар бир-биридан фарқ қиласи. Лекин булар учун умумий йўналиш ягона мақсад — Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги бўлиб қолаверишига эришиш ниҳо-ятда муҳим. Чunksi, пировард натижада ҳаёт кимнинг қандай йўна-лишга мансуб бўлганига қараб эмас, Ватан ва халқ манфаатлари учун қилаётган амалий ишларига қараб баҳо беради.

"Миллатлараро тотувлик" гояси инсоният тараққиётининг муҳим шарти, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш омили, му-айян ҳудуд ёки давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжихат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодалайди. Умумба-шарий қадриятлардан бири бўлган бу гоя турли халқлар биргалик-да истиқомат қиласиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиёти-ни белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қиласиди. Каердаки ушбу гоянинг аҳамияти англаб етил-маса, жамият хаётида турли зиддиятлар, муаммолар вужудга ке-лади ва улар тинчлик ҳамда барқарорликка хавф солади. Зоро, бу-тун Ер юзидағи 2000 га яқин халқ ва миллатдан, бор-йўғи 200 га яқини ўз давлатчилигига эга, холос. Бундай шароитда бутун дунёда миллатлараро тотувликни таъминлаш учун уларнинг манфаатлари, руҳияти, интилишларини мунтазам ўрганиб бориш, сиёсий-ижти-моий ҳаётда буни доимо эътиборга олиш зарур.

Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти ва дунёдаги обрў-эъти-бори, аввало, шу эл-юртда қарор топган тинч-осойишталикка, шу ерда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тотувлигига боғ-лик, Шунинг учун ҳам республикамизда мустақилликнинг бирин-чи кунлариданоқ миллатлараро муносабатларга алоҳида эътибор берилди. Бу борадаги сиёсатнинг асоси ва устувор йўналишлари мамлакатимиз Конституциясида, давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисидаги Декларацияда, республикамиз қонунларида ўз ифодасини топган. Мамлакатимиз Конституциясида, «Ўзбекис-ton халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси-нинг фуқаролари ташкил этади», деб таъкидланиши, «Фуқаро-лар сайлов ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда эса, барча фуқароларга ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мул-кий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, teng сайлов ҳукуқининг берилиши белгилаб кўйил-ганлиги ана шу бағрикенгликнинг замонавий сиёсий-ҳукукий ифодасидир. Энг муҳими, бирон-бир киши — миллати, ирқи, дини ва эътиқодидан қатъи назар, жамият ҳаёти, тараққиёти, ислоҳот-лар жараёнидан четда қолмаслиги, аксинча, бу жараённинг фаол иштирокчисига айланишига эришиш ушбу соҳадаги устувор йўналишлардан биридир.

Мамлакатимизда ушбу ғояни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон — кўп миллатли мамлакат. Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда республикамизда 136 миллат ва

элат вакиллари яшаб, меҳнат қилмоқца. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу миллат вакилларига кўп-камлигидан қатъи назар, бир хил муносабат билдирилмоқда. Бунга бир мисол. Асосий Қонуни-мизда Ўзбекистон Республикасида давлат тили бўлган ўзбек тили билан биргаликда юртимиз худудида истиқомат қиласиган барча миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва анъаналари хурмат қилиниши ҳамда уларнинг ривожланиши учун шароит яратилиши кафолатланган. Албатта, бу борада 1992 йилда ташкил этилган Рес-публика байналмилал маданият маркази мамлакатимиз раҳбария-тининг миллатлараро муносабатларга бўлган эътибори ва ғамхўр-лигининг ёрқин ифодаси бўлди. Ҳозирги пайтда бу марказ Ўзбекис-тон худудида фаолият олиб бораётган 140 дан ортиқ миллий мада-ний марказлар фаолиятини мувофиқлаштирилмоқда, уларга ташки-лий ва методик ёрдам кўрсатмоқца. Бу ерда мунтазам равишда турли ҳалқларнинг байрамлари, фестиваллар, учрашувлар, таниқли маданият арбобларининг чиқишлиари, семинарлар, конференция-лар ўтказиб турилади. «Ўзбекистон — умумий уйимиз» деган даъ-ват мамлакатимизда бир мақсад йўлида яшаб, меҳнат қилиб кела-ётган барча миллат ва элат вакилларининг умумий шиоригина эмас, асосий мақсад-муддаосини ҳам ифодалайди.

Бир макон ва бир замонда хилма-хил миллатларга мансуб ҳамда турли динга эътиқод қилювчи фуқароларнинг бир бутун ҳалқ си-фатида тинч-осойишта ҳаёт кечириши жамият ривожи учун му-хим аҳамиятга эга. Айни ана шу тинчлик ва осойишталиктининг му-хим омилларидан бири миллатлараро тотувлик бўлса, иккинчиси динлараро бағрикенгликдир.

Диний бағрикенглик ғояси хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Бугунги дунёда дин барча ҳалқдар ва миллатлар орасига ёйилиб кетганидан бу гоя умуминсоний аҳами-ят касб этмоқда. Кўп ҳолларда "бағрикенглик" атамаси ҳалқаро муносабатларда "толерантлик" тушунчasi орқали ҳам ифодалан-моқда. Ҳозирда бу тушунча эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ҳамкорлигини назарда тутади.

Маълумки, қадимдан диёримида буддавийлик, зардўштийлик, насронийлик, яхудийлик, ислом динлари ёнма-ён яшаб келган, шаҳарларимизда масжид, черков, синагогалар фаолият кўрсатган. Уларда турли миллат, элат ва динга мансуб ҳалклар, қавмлар ўз диний амалларини эмин-эркин адо этган. Ватанимиз тарихининг энг мураккаб, зиддиятли, оғир даврларида ҳам юртимиздаги мавжуд

дин вакиллари орасида диний асосда мажаролар бўлган эмас. Бу — юртимиз халқларининг диний бағрикенглик борасида катта тажри-бага эга бўлганидан далолат беради.

Ҳозирги кунда Ватанимизда турли динлар ва дин вакиллари ўртасида умумбашарий қадриятлар асосида биродарликни мустаҳкамлашга муҳим эътибор берилмоқда, мамлакатимизда ўндан зиёд конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсат-моқда. Уларнинг ўз фаолиятини амалга ошириши ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароитлар яра-тилган. Бу борадаги ҳукукий асослар Узбекистон Конституцияси-да, «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун-да ўз ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан қараганда, демокра-тик жамият қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистондек кўп кон-фессияли мамлакатда турли динларга мансуб кишиларнинг ман-фаатларини уйғуллаштириш, улар орасида тотувликни таъмин-лаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан биридир.

Мамлакатимизда давлат қонуний асосда барча динларга, бар-ча эътиқод эгаларига тенг имкониятлар яратиб берган. Диний ташкилотлар билан муносабатларнинг улар ҳақ-ҳукукларини хур-мат ва химоя қилиш асосида олиб борилаётгани эътиқод эркин-лигини амалда таъминламоқда. Айни вақтда диний ташкилотлар-дан ҳам қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажариш та-лаб қилинади. Бу халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олин-ган виждан эркинлиги йўлидир.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, юртимизнинг энг муҳим ютуқдаридан бири турли миллат ва дин вакиллари ўртасида бирлик ва ҳамжиҳатлик муҳитининг яратилгани бўлди. Давлатимиз раҳба-ри Ислом Каримов бу ҳақиқатни таъкидлаб, шундай деган эди: «Биз учун энг катта бойлик бўлмиш юртимиздаги тинчлик ва осойишта-лик, барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқаролараро тотувлик, тур-ли миллатлар ва диний конференциялар ўртасида ҳамжиҳатликни янада кучайтириш — қундалик ҳаётизниң қоидасига айланиши лозим». Ана шу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш ва бу борада амалга оширилиши зарур бўлган барча вазифаларни сидқидилдан адо этиш шу Ватанда яшаб, шу заминдан баҳраманд бўлаётган ҳар бир фуқа-ронинг, демакки, барчамизнинг асосий вазифамиз.

Бунёдкор гоялар тўғрисида қайд этилган юқоридаги фикр-мулоҳазалардан баъзи хulosаларга келиш мумкин.

Каримов И.АгМамлакатни модернизация қилиш ва иктисадиётимизни бирқарор ривожлантириш йўлида. —Т.: "Ўзбекистон", 2008. 103-бет.

Ижтимоий маънода, бунёдкор ғоялар, аввало, одамларнинг эзгуликка интилиши ва ички бунёдкорлик моҳиятидан келиб чиқа-ди, инсонни комиллик ва фозиллик сари ундаиди, унинг ҳаётига ижобий мазмун бахш этади. Иккинчидан, ўзида гуманизм талаб-ларини акс эттиради, инсон камолотига, жамият ривожига, халқ-нинг эзгу интилишларига хизмат қиласи, уни олий мақсадларга сафарбар этади. Учинчидан, бу ғоялар таъсирида инсон эзгуликка етишиш, миллатлар ва давлатлар эса, озодлик ва мустақилликка эришиш учун интилади, адолат ва ҳақиқат тантанаси йўлида ку-рашади, ижобий натижаларга эришади.

Фалсафий маънода, "бунёдкор ғоялар" шу соҳадаги фанлар-нинг асосий тушунчаларидан бири, ғояшуносликнинг маҳсус категориясидир. Мазкур тушунчанинг мазмун-моҳияти, тузилиши, намоён бўлиш шакллари, амалий хусусиятларини алоҳида ва яна-да кенгроқ тадқик этиш лозим. Бу борада бунёдкор ғояларнинг инсонлар, халклар ва давлатларнинг эзгулик йўлидаги мақсад-муддаоларига етишиши, тарих синовларидан ўтиши, улар дуч келадиган ҳаётий ва маънавий муаммоларни ечишга ёрдам бери-ши билан боғлиқ масалалар таҳлили муҳим ўрин тутади. Шу маънода, бунёдкор ғояларни халқимизнинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, барчамизни демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш билан боғлиқ эзгу ишларга сафарбар этадиган маънавий омил сифатидаги аҳамиятини ўрганиш ҳам алоҳида эътиборга молик.

Бугунги кунда **бунёдкор ғоялар амалиёти** миллий истиклол мағкурасининг тушунча ва тамойилларини халқимиз ҳаётининг асосий мезонига айлантириш жараёни билан боғлиқ ҳолда намоён бўлмок-да. Турли бузғунчи мағкуралар таҳдидининг олдини олиш, камолга етиб келаётган ёш авлодни эзгу мақсад ва идеалларга садоқат руҳи-да тарбиялаш, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни асраш ҳамда мустаҳкамлаш учун бунёдкор ғояларнинг мазмун-моҳиятини билиш, уларнинг аҳамиятини англаш, бу ғояларни қалбимиз ва он-гимизга сингдириш ҳар биримизнинг маънавий бурчимиз.

8-мавзу. Миллий ғоя ва глобаллашув муаммолари

Ғоя ва мағкуралар тарихида миллий ғоялар муҳим аҳамият касб этади. Улар ғоянинг намоён бўлиш шакллари орасида ҳам алоҳида ўрин тутади. Халқни бирлаштириш, уни муайян мақсад-муддаолар томон сафарбар қилишда миллий ғоянинг ўрни бекиёс. Мазмун-моҳияти, идеаллари ва амал қилиш йўллари ҳамда усул-

ларидан қатыи назар, ҳар қандай миллий ғоянинг умумий хусу-сиятлари ва ўзига хос тамойиллари ҳам бор.

Халқнинг тарихи ва келажаги билан боғлиқлик, унга хос аж-додлар ва авлодлар ўртасидаги ворисийликни таъминлаш, эски-ликнинг инкори ва янгиликнинг жорий этилиши, одамларни уюш-тириш, сафарбар қилиш, улар ҳаёти ва фаолиятининг маънавий мезонига айланиш каби тамойиллар шулар жумласидан.

"**Миллий ғоя**" тушунчаси муайян миллатнинг табиий, тари-хий ва ижтимоий фаолияти жараёнида шаклланадиган, у яшаёт-ган ҳудуд, маданий-маънавий мерос, миллий маданият, тил, мил-лий онг, миллат рухи, тарихи, яшаш тарзи ва унинг тартиб-коидаларида намоён бўладиган, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий та-раққиёт тамойиллари билан боғлиқ орзу-умидлар, идеаллар, таъ-лимот ва назариялар, бу борадаги дунёкаруш ва тафаккур услу-би мажмуини ифодалайди. Миллий, ғоя ҳар бир миллатга мансуб кишилар учун умумий фаолият мезони, уларни бирлаштирувчи ва муайян мақсадга сафарбар қилувчи омил ҳисобланади. У муайян миллатнинг табиий-тарихий ривожланиши жараёнида, мод-дий ва маънавий ҳаёт шароитлари таъсири натижасида, миллий рух ва яшаш тарзи, сиёсий тузум ва ижтимоий тизим билан боғлиқ мақсад ва идеаллар ҳамда умумий қадриятлар тизими билан тавсифланадиган ва миллий маконда ўзига хос тарзда намоён бўла-диган ғоялардан биридир.

Бу ғоянинг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятларини англашда миллатнинг тарихий тақдири, унинг шаклланиш ва та-раққиёт босқичлари, келажаги ва идеал мақсадлари, у яшаёт-ган ҳудуд билан боғлиқ туйғулар, миллат томонидан яратилган маданий бойликлар ва маънавий мерос, уларни асраб-авайлаш билан боғлиқ жиҳатлар муҳим аҳамият касб этади.

Миллат бўлмаса, миллий ғоя ҳам бўлмайди. Дунёдаги халқ-лар орасида айнан шу миллатнинг борлиги, мавжудлиги, бетак-рорлиги, «кўхна тарих шодасида битта маржон» сифатидаги зо-ҳирлиги миллий ғоянинг асосий таянчидир. **Миллат** — ҳар қандай миллий ғоянинг эгаси, обьекти, уни шакллантирувчи энг асосий омил. У, бир томондан, ўз ғояларини вужудга келтиради, ўтмиш-дан келажакка томон борадиган жараёнда уларни такомиллашти-риб, янги-янги жиҳатларини муттасил шакллантириб туради, иккинчи томондан эса, унинг ўзи ҳам миллий ғоя таъсирида ўзга-риб ва ривожланиб боради, мақсад-муддаоларига етади. Шу маънода, миллат миллий ғоянинг соҳиби, макон ва замондаги ўзга-

ришлар жараёнида, уни ўтмишдан келажакка томон етказиб бе-рувчи асосий ҳаракатлантирувчи куч.

Миллатнинг таназзули миллий ғоянинг таназзулидир. Бу пи-ровард натижада ушбу ғоянинг эгасиз қолиш хавфини, буткул йўқолиш эҳтимолини туғдиради. Инсоният тарихида муайян эт-носларнинг вужудга келиши, таракқиёти ва таназзули, улар ўрнига бошқалари шакланиши билан боғлиқ ғоявий-мафкуравий жараёнлар рўй берганлигига кўплаб мисоллар бор. Бу эса, ўз навбати-да, шу соҳадаги ғоят муҳим ва долзарб масалага, яъни ҳар қан-дай миллат ўз ғояларининг эгаси ва обьекти сифатида, ўз-ўзини саклаб турмоғи, ҳимоя қилмоғи ва замонлар силсиласидан эсон-омон ўтмоғи лозим, деган хуносага олиб келади.

Инсоният тарихида ўз миллий ғояси асосида Бобил, Визан-тия, Майя империяларини вужудга келтирган буюк этнослар бўлгани маълум. Буюк цивилизацияларни яратган бу этнослар кейинчалик турли халқ, миллат, элатларга бўлиниб кетган, ўзла-рининг умумий тарихий бирлигини бой берган ёки таназзул жа-раёнлари, уруш ва қирғинлар оқибатида йўқолиб кетган. Амазон-ка дарёси бўйларида ва Мексика ўрмонларида ўз даврининг вай-роналарини қолдирган майя халқи тўғрисида шундай фикрни ай-тиш мумкин. Қадимги замоннинг энг буюк маданиятларидан бири-ни яратган бу халқ таназзулга учраган, ёзуви унутилган, ундан ЮОга яқин шаҳарларнинг вайроналари қолган ва шу тариқа буюк маданият бешикларидан бирининг чироги сўнган.

Миллатни миллий ғоянинг обьекти ва субъекти сифатида ту-шуниш, у билан боғлиқ ғоялар тизимини илмий таҳлил қилиш, унинг намоён бўлиши, тарихий ривожланиши ва ўтмишдан кела-жакка томон такомили, яъни ижтимоий ҳаракатини аниқ тасав-вур қилишга имкон яратади. Шу маънода, миллий ғоя:

а) муайян миллатга мансуб кишиларнинг табиий, тарихий ва ижтимоий бирлигини, таъминлайдиган этник маконда шаклланади, ранг-баранг тарзда намоён бўлади, одамларнинг онги, дунёқарashi ва ҳаёт тарзига ўзига хос реаллик сифатида таъсир қиласиди;

б) миллатни ташкил этадиган турли ижтимоий субъектлар (қатламлар, синфлар, ташкилотлар ва бошқалар) ўзаро муносабатлари ва фаолиятида кўзга ташланиб туради, бу жараёндаги умумий мақсад, эҳтиёж ва интилишлар учун ғоявий асос бўлади;

в) моддий, маънавий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда муайян мақсад ва идеал сифатида юзага келади, миллатдошлар учун ушбу мақсад ва идеалларга етишиш йўлидаги ҳаракат дас-

тури, ижтимоий жараёнлар учун тарихий зарурият сифатида ўзига хос аҳамият касб этади;

г) ижтимоий ривожланиш жараёнида ўзгариб, такомиллашиб, ранг-баранг жиҳатлар кашф этиб боради, доимий янгиланиб ту-ради, шу билан бирга, ворислик оркдли авлоддан-авлодга ўтади, мерос қолади.

Миллий ғоя ва ғоялар тизими миллатнинг ўзи билан бирга тарих силсилали, замона зайллари, турли ижтимоий, сиёсий жараёнлар орасидан ўтмишдан келажакка томон ўтиб туради. Бу жараён кўп холларда миллатнинг этник хусусиятлари ва у яша-ётган макон билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Халқлар-нинг ижтимоий тараққиёти эса миллий-этник ғояларнинг равнақи билан узвий алоқадорликда давом этади, ҳар бир халқ ёки мил-лат ўзига хос, ранг-баранг ғоялар тизимини яратиб, такомил-лаштириб, уни ривожлантириб боради.

Миллий ғоя ўз табиатига кўра тор доирада сақланиб қолмай-ди, балки равнақ топиб, турмуш жараёнида муттасил такомил-лашиб, бошқа халқлар ютуқлари ва тажрибалари билан бойиб боради. Ҳар бир эл, элат, уруғ ёки халқнинг мақсад ва идеалла-рида, уларга етишиш борасидаги фаолиятида ўзига хослик бўла-ди. Агар ана шу ўзига хосликни ўша аҳоли қадрласа, бундай ўзига хослик билан боғлиқ ғоявий тамойилларни бошқа жойда, бошқа-ча тарзда яшаётган кишилар тарозуси билан ўлчаш ёки бу маса-лада бошқалар ҳакам бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. **Ғоялар ама-лиётининг умуминсонийлик тамоили** факат ўз халқини ардок-лаш, кўз-кўз қилиш ва унинг ғояларини бошқалар орасига ёйиш учун интилишга асосланмайди, балки ҳар бир халқ, элат, мил-латни қандай ҳолатда бўлса шундайлигича қабул қилиб, уни хур-мат қилиш лозимлигини англатади.

Ҳар бир миллатнинг ўз ғоялар тизими, маънавий ҳаёт норма-лари бор. Соn жиҳатидан кўп ёки камроқ халқ бўлиши мумкин, аммо ғоялар соҳасида бир-биридан кам ёки ортиқ миллат йўқ. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос ўтмиши, бой мероси, миллий қаҳра-монлари, бошқа миллат томонидан таҳқирланишига йўл қўйиб бўлмайдиган эзгу интилишлари, ғоялари, турмуш тарзи ва қон-кардошлиқ белгилари мавжуд. Ҳеч қайси миллатнинг ўзга миллат ғоялари ва фаолиятини баҳоловчи ҳакам бўлишга ҳаққи йўқ. Би-рор бир ғоя, мафкура, таълимот, давлат шакли ёки сиёсий яшаш усулини қабул қила олмагани учун ҳеч қачон у ёки бу миллат айбдор эмас. Шу маънода, умуминсонийлик бир миллат ғоя ва

мафкурасини бутун оламга ёйиш йўли билан эмас, балки ҳамма миллат ва элатларга хос жиҳатларни асраб-авайлаш, тарих сақ-лаб қоладиган хусусиятларини хурмат қилиш ва Ер юзидаги мил-лий ранг-барангликни табиий ранг-баранглик билан узвий алоқа-да эканлигини англаш йўли билан бойиб боради.

Миллий гоя хилма-хил шаклларда, бу шаклларнинг бир-бири билан узвий алоқаси тарзида намоён бўлади, ўзига хос тизимни ташкил қиласди. Бу тизимда табиий-тарихий бирликни таъминлов-чи қонкардошлиқ, маданий-маънавий яқинлик, ўтмиш ва маъна-вий мерос, она-юрт туйғуси ва бошқалар билан боғлиқ гоялар нисбатан баркарор ҳисобланади. Улар миллий гоя тизимида тарихий жараёнлар давомида тез ўзгариб турадиган баъзи кундалик ёки амалий аҳамиятга молик тушунчаларга нисбатан ўз ўрни ва аҳами-ятини узоқроқ сақлаб қолиши билан ажралиб туради. Миллатнинг тарихий-этник хусусиятлари ва белгиларининг ижтимоий аҳами-яти ҳамда шу миллат кишиси учун зарурлиги билан боғлиқ гояларни сақлаб қолиш лозимлиги табиий ҳолат ҳисобланади.

Миллий гоя нисбатан баркарор ҳолатда миллатнинг қуидаги белгилари билан боғлиқ намоён бўлади:

1. Миллатнинг мавжудлигини таъминлаш эҳтиёжи, унинг та-биий бетакрорлиги, ўзига хослиги, тарихий ўзгарувчанлиги ва ижтимоий ранг-баранглиги (генофонди).
2. Миллатнинг тарихи, бугуни, келажаги, моддий ва маъна-вий мероси.
3. Миллий ҳудуд ва яшаш шароитлари, иқтисодий асос, иж-тимоий-сиёсий тузум ва улар билан боғлиқ миллий туйғулар, мақсадлар, идеаллар.
4. Урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, турмуш тарзи ва бошқалардаги миллийлик билан боғлиқ хусусиятлар.
5. Миллий тил, миллий маданият ва маънавият, миллий онг, миллий рух ва бошқалар.

"Миллий гоя" тушунчасининг таҳлилида, аввало, муайян мил-лат вужудга келиши, ўтмиши, бугуни ва келажаги билан боғлиқ табиий тарихий жиҳатларга эътибор бериш лозим. Ҳар бир мил-лат — ўзини ташкил қилган кишилар учун, аввало, табиий-та-рихий бирлик сифатида аҳамиятли. У оламдаги бошқа турли-ту-ман ҳалқ, элат ва миллатларга ўхшамайдиган ўзига хос, бетак-рор хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Бундан ташкари, ҳар кан-дай миллат тарихий тараққиёт ва ривожланиш жараёнида янги-ланиб, ўзгариб борадиган ранг-баранг қатламлар, синфлар ва бош-

қаларнинг узвий уйғунылигини ифодалайдиган ижтимоий бирлик ҳамдир. Миллий ғояда ана шуларга хос барча жиҳатлар, тушун-ча ва тамойиллар ифодаланиши шубҳасиз.

Миллатнинг ўзига хослиги, бетакрорлиги, ранг-баранглиги ва ижтимоий жараёнда ўзгариб бориши билан боғлиқ ғояларнинг энг асосий таянчи унинг генофондидир. Генофонд фақат ирсият орқали ўтадиган табиий ўзига хослик эмас, балки тарихий белгилар, иж-тимоий хусусиятлар, миллий ранг-баранглик ва ўзгарувчанликни ҳам ўзида ифодалайди. Айнан бирор ҳалқ, миллат, элатни йўқо-тиш учун қилинган тажовуз «геноцид» деб аталиши бежиз эмас. Миллат тарихий ва ижтимоий ўзгаришлар, уруш ва қирғинлар натижасида аста-секин ўзгариши, камайиб кетиши мумкин. Аммо унинг генофонди ўзгариши миллатни ниҳоятда тез ўзгаришига, авлодларидан мерос қолган табиий-тарихий хислатлари, моддий бойликлари, маънавияти, жумладан, гоялари ҳам тез йўқолиб ке-тишига олиб келади. Собиқ иттилоғдаги 70 йиллик эксперимент-лар жараёнида одамлар бошига тушган турли қатағонлар, уруш-лар, миллатлар генофондига салбий таъсир қилмай қолмади. Бу-гунги кунга келиб ўша даврда рўй берган кўплаб ҳодисалар одам-ларга, каттаю-кичик миллатларга нисбатан ниҳояси йўқ уруш, ўзига хос геноцид (юонон. —уруг, қабила, ўлдираман.) бўлғанлигини кўпчиллик яхши англайди. Шу сабабдан ҳам истиклол даврида мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор берилаётгани, соғлом авлодни тарбиялаш, ҳалқни соғломлаштириш умумдавлат миқё-сидаги вазифага айлангани бежиз эмас.

Миллий ғоялар кишиларнинг яшаш жойи, турмуш шароити билан боғлиқликда ҳам шаклланади. Ана шундай ғояларнинг энг асосийларидан бири одамларнинг туғилган она-юртуни севиш туй-гуси сифатида намоён бўладиган ватанпарварликдир. У ҳар бир инсон туғилиб, вояга етган, жой. миллат ўтмиши ва ҳаёти билан боғланган ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳудудга нисбатан му-ҳаббатни ифодалайди. Бутун инсониятга хос бўлган ватанпар-варлик ҳамма миллат вакиллари учун бир хил ижобий маънога эга, уни бирор ҳалқда кўпроқ, бошқасида камроқ шаклланган де-йиш учун асос йўқ. Шу маънода, "ватанпарварлик" муайян миллат ва жамиятни вужудга келтирган ва сақлаб турадиган жойга нисба-тан дунёга келган табиий-ижтимоий тушунчадир. Бу тушунча ҳар қандай миллатга мансуб кишини табиат билан чамбарчас боғланга-ни ва башарият фарзанди эканини исботлайди. Унда кишиларнинг ўзи мансуб бўлган миллат шаклланишига таъсир кўрсатган ҳудуд-

га нисбатан маънавий қарздорлик, бурч ва масъулияти билан боғ-лик туйгулари намоён бўлади. Ватан ана шундай туйгуларни уйго-та олгани учун ҳам миллий ғоялар маконидир.

Миллий ғоянинг муҳим жихатларидан бири миллат учун уму-мий муомала воситаси бўлган миллий тил билан боғликлигидир. Чунки ҳар бир миллат ўз она тилини асраб-авайлаш, келажакда омон сақлашни ўз миллий ғоясига сингдиради. Мутахассислар оламда 5000 га яқин тил борлигини қайд қиласи, уларни 15 та катта оила-га бўлиб ўрганади, тиллар такомиллашуви билан бирга, улар эгал-лаган ҳудуд майдони ҳам ўзгариб боришини таъкидлайди. Маса-лан, VII асртагача Арабистон ярим оролининг бир қисмида тарқалган араб тили, ундан кейинги бир неча аср орасида Африка ва Осиё-нинг бошқа қисмларига ҳам тарқалди. Ҳудди шундай ҳалқимиз сўзлайдиган тил ҳам Кичик Осиёдан Шимолий Шарқий Сибиргача бўлган кенг ҳудудда тарқалган. Шу билан бирга, қадимда Осиёда кенг тарқалган массагетлар, хетлар ва хунлар тили бутунлай йўқо-либ кетган... Маълумки, собиқ иттифоқ даврида республикамида ўзбек тилининг мавқеи пасайиб. ишлатилиш доираси камайиб кет-ган эди. Асосий ҳалқи ўзбеклардан иборат бўлган жойда содир бўлган бу аҳвол тўғридан-тўғри миллийлик ва умуминсонийлик талабла-рининг бузилишини англатар эди. Ҳозирги мустақиллик даврида Ўзбекистонда «Давлат тили тўғрисидаги қонун» қабул килиниши /1989 йил/, ўзбек тилининг давлат тили деб эътироф этилиши ва бошқа миллий тиллар ривожи учун имконият яратилиши бу соҳадаги мақсадларнинг рӯёбга чиқишидир.

Миллий ғоялар тизими миллатнинг маънавий мероси, анъана-лари, урф-одатлари, миллий адабиёти, санъати ва бошқа соҳа-ларда ҳам намоён бўлади. Улар асосида ҳар бир миллат тарихий ривожланиш жараёнида авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган хусусиятларини ўзига хос тарзда ифодалайди. Мафкуравий нук-таи назардан ҳар қандай миллат фақат муайян ҳудудда яшайди-ган ва бир хил тилда сўзлашадиган кишилардангина иборат эмас, балки умумий ғоялар, маданий-маънавий тамоиллар асосида мавжуд бўлиб турадиган тарихий-ижтимоий бирлик ҳамдир.

Миллий ғоя тарихий ривожланиш, ижтимоий тараққиёт да-вомида такомиллашиб ва сайкалланиб боради. Ҳдмма даврларда бўлгани каби, ғоялар билан боғлиқ жараёнларда ҳам, эскилиқ ўрнига якгилик вужудга келиши, узлуксиз янгиланиш билан бирга, муқаррар ва зарурӣ ворислик намоён бўлади. Бунда инновация (лот. — янгиланиш) ва анъана (лот. — ўтиш, узатиш) алоҳида

ўрин тутади. Анъаналар миллий ғояда ўзига хос шаклда ифода-ланади, авлодлардан авлодларга ўтиш оркали сақланади. Миллий ғояда мазкур тарихий бирликнинг ички муносабатларини тартиб-га солувчи, бу муносабатларнинг бирор фаолият ёки хатти-ҳара-катда ифодаланишини намоён қиласидиган талаблар ва қонун-қоида-лар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бу соҳадаги **ғоялар амалиёти** тўғрисида сўз юритилганда, ал-батта, муайян миллат томонидан тарихий ривожланиш жараё-нида жаҳон халқлари маданиятига қўшилган ҳисса ҳам назарда тутилади. Маданият инсоният тарихи илк даврларидан бери унинг ажралмас ҳамрохи, инсоннинг ўзи каби қадимийдир. Оламда ма-даниятсиз эл, миллат ва халқ йўқ Ҳар қандай халқ ёки миллат тарихий тараққиёт даражасига мос келадиган ўзига хос маданиятга, бу борада ҳам умуминсоний ривожланишда ўз хусусиятла-рига эга. Мисрликлар фиръавнлар замонидан қолган пирамидала-ри, хитойликлар Буюк Хитой девори, европаликлар Эллада ва Рим тарихи билан боғлиқ ёдгорликлари, бизнинг халқимиз алло-ма боболаримизнинг илмий кашфиётлари билан умуминсоний ци-вилизацияга катта ҳисса қўшганлари каби, бошқа халқларнинг ҳам бунда ўз ўрни ва ҳиссаси бор. Бу борада муайян халқнинг ўзига хослиги, унинг ҳозирги даврдаги ривожланишини илгариги ижтимоий ҳолати билан солиштирилиши масаласида, ниҳоятда, эҳтиёткорлик билан фикр юритиш зарур, аммо бу масалага бош-қа миллат манфаати нуктаи назаридан ёндашиш илмийлик ва холислик тамоилига мос келмайди.

Бугунги кунда миллий ғоянинг амал қилишида, асосан, учта жиҳатни алохida ажратиб кўрсатиш мумкин: а) муайян миллатга оид кишиларнинг ижтимоий онги билан боғлиқпик; б) уни шу мил-латга хос ўзаро муносабат ва фаолият орқали амалга ошириш; в) иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, моддий ва маънавий соҳадаги би-рор мақсад ёки идеал тарзида намоён бўлиш. Бу жиҳатлар ҳақида фикр юритганда, аввало, миллий гояларнинг миллатга мансуб ки-шилар онгида акс этиши, уларда хилма-хил туйғулар, эҳтиёж ва мақсадларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлишини алохida таъкид-лаш лозим. Бундан ташкари, миллий ғоя ижтимоий онгда бирор билим ёки ҳақиқат сифатида сақланади, авлоддан авлодга узати-лади, мерос сифатида қолдирилади. Муайян миллатга мансуб ки-шилар табиатга, ижтимоий муҳитга, иқтисодий, сиёсий ўзгариш-лар ва бошқаларга, ҳатто ўзларига нисбатан муносабатда ҳам миллий ғоя талабларига эътибор беради. Бир томондан, у билан боғлиқ

воқелик қонунларига, талаб ва қоидалариға амал қылсалар, ик-кинчи томондан эса, ўз фаолият ва хатти-харакатларида бу бора-даги одат ва анъаналарни бажаришга ҳаракат қиладилар. Ворис-лик тарзида мерос колдирилган миллий ғоя ва унинг тамойиллари шу маънода кишиларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти ва хатти-харакати орқали намоён бўлади ҳамда вокеликка айланади.

Шу билан бирга, миллий ғояга хос хусусиятлар, кўп ҳолларда у ёки бу миллат кишилари ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам намоён бўлади. Озодлик ва эркинлик, эзгулик ва бунёдкорликка интилиш, моддий ва маънавий бойликлар яратиш дунёдаги мил-латларга хос умуминсоний ғояларга асосланган. Ҳар бир миллат бу жараёнда умумий мақсадлар йўлида ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиш билан бирга, ўзи учун устувор идеалларга садоқат руҳини тарбиялаш, амалий фаолиятда бу тамойилга амал қилиши лозим.

Бундан ташқари, миллий ғоя миллат учун бирор бир идеал ёки мақсад тарзида намоён бўлиши мумкин. Халқ дахоси, маъна-вий-ақлий етуклиги, билимлари, илм-фандаги эришган ютуқла-ри ана шу идеал-мақсадларга етишиш борасидаги фаолиятда на-моён бўлади. Биз эслатган антик даврдаги Миср ва Хитой, Қадим-ги Рим ва Афинага хос маданий юксалиш, темурийлар давридаги тараққиёт, жаҳон ҳалқлари аллома ва мутафаккирларининг каш-фиётлари, мамлакатимиздаги бугунги улкан бунёдкорлик ишла-ри ана шундай идеал-мақсадларга интилиш йўлида эришилган натижаларга мисол бўлади.

Юкоридаги фикрлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: а) ҳар қандай миллат ижтимоий-тарихий бирлик сифатида ўзига хос, бетакрор жиҳатларга эга. Уз миллий ғоясининг обьекти ва субъекти сифатида ҳар бир миллат уни ривожлантириб, тако-миллаштириб боради. Шу билан бирга, ўзи ҳам ижтимоий тарақ-қиёт жараёнида ўзгариб, янгиланиб, ранг-баранг жиҳатлар кашф этиб боради, бу иккала хусусият ҳам миллий ғояда акс этади; б) миллий ғоя миллий маконда шаклланади, ранг-баранг тарзда на-моён бўлади, кишилар онгига таъсир қиласи, улар учун маъна-вий мезон ролини ўйнайди, ижтимоий ривожланиш жараёнида доимо янгиланиб, авлоддан авлодга ўтиб боради; в) миллий ғоя кишиларнинг ўзаро муносабатлари, ижтимоий фаолияти, хатти-харакатлари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган эҳтиёж, кизи-қиш ва интилишлар учун асос бўлади, мақсад ва идеаллар си-фатида одамларни улкан ишларга сафарбар қиласи.

Жаҳон халқларининг миллий давлатчилик анъаналари билан боғлиқ ғоялари ҳам бор. Айнан шундай ғоялар миллатларни ўз давлатчилигини тиклаш, уни мустаҳкамлаш, унга таяниб жами-ятда турли ислоҳотларни амалга ошириш учун асос бўлади. Ус-тувор тамойиллари аниқ белгилаб олинмаган миллий ғояси ва ўзига хос тараққиёт моделига эга бўлмаган миллатнинг пировард мақ-садларга етишиши кийин. Шу маънода, миллий ғоя муайян мил-лат ва жамият учун ҳамма замонларда тарихий эҳтиёж ва ижти-моий зарурат сифатида намоён бўлади.

Глобаллашув ва миллий тараққиёт муаммолари. Инсоният тараққиёти ва жамият ҳаётининг жаҳон миқёсида интеграцияла-шиши, ғоялар амалиётининг умуминсоний хусусият касб этиши натижасида содир бўлаётган жараёнларнинг оламшумул аҳамия-ти «глобаллашув» тушунчасида ўз ифодасини топмокда. Дунёга янгича оламшумул нуқтаи назарнинг вужудга келиши, коммуни-кация воситаларидағи туб ўзгаришлар, инвестициялар оқими би-лан боғлиқ янги жараёнлар, универсал технологияларнинг тар-қалиши глобаллашувнинг асосий омилларидир. Унинг такомилла-шиб бориши, биринчи навбатда, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва миллий-этник жараёнларни тезлаштириди. Айниқса,, ахборот ва иқтисод, молия ва ишлаб чиқаришнинг глобаллашуви халқлар ва давлатлар, корпорация ва шахслараро алоқаларни кучайтириди, натижада халқаро хукук тамойилларига асосланган умумбаша-рий тамойилларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Илмий билиш-нинг «Глобалистика» ва «Антиглобалистика» соҳалари, глобалист-лар ва антиглобалистлар ҳаракатлари пайдо бўлди. Шу билан бирга, бугунги кунда глобаллашув, ахборот ва Интернет техно-логиялари соҳасидаги ўзгаришлар уларни фалсафий тушунти-ришдан анча илгарилаб кетди. Замонавий фалсафа асосан бу ўзга-ришларни нари боргандада қайд қилиш билан шуғулланмоқда, хо-лос. Глобализм туфайли келиб чиқадиган муаммолар нафақат фал-сафа нуқтаи назаридан, балки миллий давлатчилик, халқларнинг мустақил тараққиёти, ўзлигини сақлаш зарурати сифатида пай-до бўлаётган масалалар доирасида ҳам ўрганилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, глобализация жараёнларини ғоялар фал-сафаси нуқтаи назаридан ҳам чукур ўрганишни талаб қилмоқда. Айниқса, кейинги даврда «Ушбу жараён миллий чегаралар ва мил-лий манфаатларга хавф солмайдими?», «У халқларнинг минг йил-дан буён сақланиб келаётган миллий ва мінтақавий анъана ҳамда урф-одатлари тизимини йўқ қилиб юбормайдими?» деган хавотир-

лар кўзгусида бу масаланинг фалсафий талқини ва ташбехи, ниҳо-ятда, мухим аҳамият касб этмоқда. Айрим Фарб олимлари томони-дан илгари сурилган концепцияларнинг мазмун-моҳиятига назар соладиган бўлсак, бу хавотирлар бежиз пайдо бўлмаётганига ишонч ҳосил киламиз. Масалан, Карл Поппернинг "очик жамият" концеп-циясида ҳар қандай жамоавий мазмун, умумий ўтмиш, яхлит уй-ғунлаштирувчи қарашлар тизимиға эга бўлмаган, диний, этник, синфий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий негизларга таянмаган жа-миятни барпо этиш ғояси илгари сурилади.

Илмий адабиётларда ҳозиргача глобаллашувнинг иқтисодий омилларига кўпроқ эътибор қаратилар эди. Ҳдқиқатда, иқтисодий омил катта аҳамиятга эга, аммо бу ягона омил эмас. Чунки глобаллашув жараёнлари ҳаётнинг барча жабҳалари — сиёсий, иқтисодий, иж-тимоий ва маънавий соҳаларини қамраб олади. Шу маънода, гло-баллашув инсоният ҳаётининг барча соҳаларига таъсир қилиб, мам-лакатларни жаҳон ҳамжамиятига, алоҳида кишиларни эса бутун дунё универсал технологиялари ва ахборот тизимларига боғлади. Натижада, илм-фан ва инсон билиши чегаралари кенгайиб, янги бозорлар (капитал, валюта бозори, суғурта бозори ва ҳоказо), янги воситалар пайдо бўлди (турли ахборот тизимлари, Интернет, уяли алоқа). Булар эса, ўз навбатида, янги назорат воситаларини яра-тишни талаб этади. Бугунги кунда иқтисодий-сиёсий ҳамкорлик, ин-теллектуал мулк, Интернетдан фойдаланиш соҳаларида янги ҳалқ-аро меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, мамлакатларнинг ички қонунлари ҳам уларга мослаштириб борилмоқда.

Глобаллашувнинг электрон коммуникация инқилоби натижа-сида ижтимоий муносабатларда содир бўлган чуқур ўзгаришлар, трансмиллий корпорациялар фаолияти ҳалқаро савдонинг кен-гайиши ва эркинлашиши, жаҳон миқёсида капитал айланмаси ва унинг йўлидаги тўсикларнинг бартараф этилиши, ҳалқаро моли-явий ва иқтисодий институтларнинг ташкил топиши билан боғ-лиқ асосий белгилари яққол намоён бўлмоқда.

Жаҳон миқёсидаги бундай умумий глобал тараққиёт одамлар дунёкарашининг ўзгариши, коммуникациялар юксалиши, ҳалқа-ро муносабатларнинг ривожланиши ва унинг одамзод ҳаётига таъ-сирининг кучайиши билан тавсифланади. Бу эса давлатлар ва ҳалқ-лар ўртасида алокаларни кучайтирган ҳолда, айни вақтда мил-лий хусусиятлар, анъаналар ва маънавий меросни сақлаб қолиш орқали мустақил сиёсий тараққиёт тамойиллари таъсирини мут-тасил ошириб бориш зарурлигини ҳам кўрсатиб турибди.

Давлатлараро ва хукуматга даҳли бўлмаган турли ҳалқаро ташкилотларнинг аҳамияти ошиб, дунё янги тизимга ўтиши дав-рида уларнинг фаолиятини қайта куриш ва ислоҳ этиш эҳтиёжи туғилди. Дастлаб ҳалқаро ташкилотларнинг фаолияти, асосан, давлатларнинг ўзаро муросасини таъминлашга каратилган эди, холос. Бугунги ҳолат ҳалқаро ташкилотлардан энг йирик муаммо-ларга аҳамият беришни, жараёнлар ичига кириб боришни, таъ-сир доирасини кенгайтиришни талаб этмокда. Бирок чуқуррок фикр юритганда, «глобаллашув» жаҳон таракқиётiga кўрсатадиган ижо-бий таъсир билан бир қаторда, жиддий тафовутларни ҳам келти-риб чиқараётгани, бу ҳол башарият тараққиётiga салбий таъсир кўрсатаётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Биринчидан, бу баъзи мамлакатларнинг технологик ютуқлар соҳасида мутлақ илғорликни қўлга киритганлиги аноссида сайё-рамиз захираларига ҳам, инсоният ҳаёти ва фаолиятига ҳам жа-ҳон миқёсида фаолият юритаётган трансмиллий корпорациялар таъсирининг тобора кучайиб бораётганидан далолат беради.

Иккинчидан, ҳозирги даврда аксарият мутахассисларнинг наза-рида, глобаллашув дунёда ижтимоий тенглик гоясининг тантанасига эмас, ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги иқти-садий, ижтимоий ва маданий тафовутларнинг янада чигаллашувига олиб келмокда. Уларнинг фикрича, ривожланган мамлакатлар аҳоли-си даромадларининг даромади паст ва ўрта даражали мамлакатлар аҳолиси турмуш даражасига нисбатан илгарилаб ўсиш тенденцияси сакланиб қолмоқда. Агар аср бошида (1913 йил) дунё ахолисининг энг бой мамлакатларда истиқомат қиласидиган бешдан бир қисми билан энг қашшоқ мамлакатларда яшовчи бешдан бир қисмига тегишли бойлик орасидаги нисбат 11:1ни ташкил қиласан бўлса, 1960 йилда ушбу фарқ 30:1га, 1990 йилга келиб эса 60:1гача ўсиш ва ҳамон жа-дал ортиб бормоқца. 1997 йилда у 74:1, 2008 йилда эса 78:1 нисбатни ташкил қилди. Ушбу тамойилнинг асосий сабабларидан бири аҳоли даромади паст мамлакатларда, аввало, ҳом ашё товарларига асос-ланган ишлаб чиқариш ва экспорт шаклланганидир.

Учинчидан, глобал иқтисодий жараёнларнинг тазийига бардош бера олмай. узок вакт мобайнида жаҳон силсиласининг «қуий қаватлари»дан чиқиб кета олмаётган мамлакатлар жиддий ижтимоий ва фуқаровий низолар ҳавфи остида қолмоқда. Баъзи Африка мамлакатларида доимий равишда кечеётган маҳаллий фуқаролараро уруш-лар, давлат тўнтиришлари, қатор Осиё ва Лотин Америкаси дав-латларида ҳукм суроётган бекарорлик бунинг ёрқин мисолидир.

Тўртинчидан жаҳондаги иқтисодий ва ижтимоий нотекислик энг қашшоқ мамлакатлардан бадавлат мамлакатларга миграция оқимини кучайтироқда. Бунда «тафакурнинг оқиб кетиши» ту-файли малакали кадрлар тайёрлаш бўйича харажатлар ривож-ланнаётган мамлакатлар зиммасига тушади, фойдани эса ривож-ланган мамлакатлар олади.

Бешинчидан, замонавий ахборот ва мулоқот воситалари ёрда-мида улкан майдонга айланган жаҳон молия бозори инсоният ҳаёти-да алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу, айниқса, бутун жаҳонни қамраб олган молиявий инқирози шароитида яққол намоён бўлди.

Олтинчидан, жиноий муомалага ҳар қандай, мисли кўрилма-ган даромад келтирувчи «мол»ларни, яъни қурол-яроқ ва гиёҳ-ванд моддалардан тортиб, инсон тана органларигача бўлган то-варларни жалб қилаётган транснационал жиноий, шу жумладан, мафия тузилмаларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ салбий жа-раёнлар глобал миқёсда рўй бермоқда.

Буларнинг барчаси нафақат ривожланаётган, балки бошқа давлатлардаги кўпгина одамлар глобаллашув жараёнига эҳтиёткор-лик билан ёндашаётганининг сабабини изоҳлайди. Глобаллашувни четлаб ўтиш мумкин эмас, у жамият тараққиётидаги тарихий жараёндир. Лекин жамиятдаги муайян унсурлар ҳамда тузилма-ларга салбий таъсир кўрсатишга йўл қўймаслик XXI аср халқла-ри ва давлатлари олдида турган муҳим вазифага айланди. Афсус-ки, янги асрда ҳам дунёда барқарорлик, ижтимоий тенглик та-мойиллари тўлиқ қарор топаётир, дейишига асос йўқ. Шу ҳолни англашнинг ўзи инсоният тараққиётининг самарали технология-ларини излашни давом эттиришга унрайди.

Глобал муаммоларнинг келиб чиқиши, мавжудлиги ва уларни ҳал этиш зарурати янги цивилизациявий сифат ўзгаришини та-қозо этмоқда. Бу жараён моҳиятини англаш учун унинг жадалли-гига, чуқурлиги ва миқёсига эътибор бериш лозим. Зоро, ўнлаб ва ҳатто юзлаб йиллар давомида ўзгармас бўлиб кўринган ижти-моий муносабатлар ғоят қисқа вақтда тубдан ўзгармоқда. Бу ҳол кишилар ҳаётининг барча жабҳаларида намоён бўлмоқца. Кўла-мига кўра, бу жараён бирон минтақани четлаб ўтаётгани йўқ

Хўш, глобал дунёning шакл-шамойили қандай бўлади? Ҳозирги дунёда қадриятларнинг барча соҳаларда аҳамияти тан олинган ва қабул қилаётганини ўрганган футуролог-мутахассислар ахборот-техникавий ёки ахборот-компьютер цивилизацияси ҳақида ба-шорат қилмоқдалар. Бошқа мутахассислар эса «Информацион жамият» атамасини кўллашмоқца.

Ахборотлашган жамият ва мафкуравий технологиялар. Маъ-лумки, «Информация» тушунчаси дунёкарашни ифодалайдиган би-лимларнинг ифодаси сифатида кадимдан мавжуд бўлган. Киберне-тиканинг келиб чиқиши ва ривожланиши бу тушунчани «алоқа» ва «бошқарув» тушунчалари билан бирга кенг қўлланишига олиб келди. Ҳозирги вактда ахборотлар ҳосил қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, қўпайтириш ва тарқатиш алоҳида илмий соҳа — информатика (лот. таништириш, тушунтириш, шарқ тилларида «ҳабар», «ахборот») соҳасини ташкил этади. Ана шу соҳа билан боғлиқ шаклланган «Информациология» (лот. таништириш, тушунтириш ва юонча: сўз, таълимот) тирик ҳамда нотирик табиатдаги ва умуман, оламдаги барча жараёнларни ахборотлар асосида умумлаштириб ўрганувчи фан ҳисобланади.

Жамиятнинг компьютерлашуви ва Интернет туфайли вужуд-га келаётган муаммоларнинг муҳим спектри ижтимоий тараққи-ёт, унинг манбалари, босқич ва ривожланиш мезонлари билан боғлиқ. Ахборотлар соҳасининг тез суръатлар билан ўсиши, уни автоматлаштириш усулларининг ривожлантирилиши компьютер-ларнинг яратилиши ва кишилар ҳаётининг турли соҳаларини ком-пьютерлаштиришга олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, "Информа-цион жамият" назариясини майдонга келтириди.

Бу назария ҳозирги замон индустрiali жамият тўғрисидаги таълимотлар (Дж. Белл, У.Ростоу, З.Бжезинский ва бошқалар) доирасида илгари сурилган. Унинг муаллифлари О.Тоффлер, Е.Ма-суда, Дж. Пелон, Дж. Мартин ва бошқалар ҳисобланади. Бу муаллифлар инсоният ҳаёт тарзи моделини анъанавий-индустрiali (са-ноатлашган) ва постиндустриал кўринишда қараб, сўнгги босқич келажагини ахборотли-техникавий ёки ахборотли-экологиявий тарзда юз беришини башорат қилганлар. Компьютерлашувни умум-социологик позициядан туриб англаш жамият тараққиёти-нинг янги «триада» шаклидаги концепциясини илгари суришни тақозо қилди. Бу концепциялардан кенг тарқалгани американлик социолог Д.Белга тааллукли бўлиб, у асосий ижтимоий ривожла-ниш босқичи сифатида аграр, индустрiali ва постиндустриал жа-миятларни ажратиб кўрсатади (постиндустриал жамиятни ке-йинчалик у информацион жамият деб атаган). XXI асрнинг боши-га келиб постиндустриал жамият фазасига Д.Белл ҳисоблашича, АКД1, Япония, Фарбий Европа давлатлари қадам қўяди .

Be11 Б. Тъе Сотт§ оИ РозИпийиз^па! Soae1у. A.УепШге о! 8оиа1 Forсоз1лп§. Г>Г.¥.
Вазш Bookz, 1pc, 1993. Р.Х.

Агар индустрىал жамият, Д.Белл фикрига кўра, маҳсулот иш-лаб чиқариш учун машиналар ва инсонларни уюштиришдан ибо-рат бўлса, постиндустрىал жамиятда эса марказий ўринни билим, хусусан, назарий билим эгаллади. «Постиндустрىал жамият рам-зи» ва «XX аср иккинчи ярми жамиятини трансформация қилиш омили» компьютер ҳисобланади. У «оммавий жамият бошқарув ап-парати бўлиб, ижтимоий ахборотни қайта ишлаш механизмидир. Унинг катта хажми социал алоқаларнинг кенгайиб бориши билан деярли биргаликда ўсиб боради». Кўриниб турибдики, ҳозирги за-монда жамиятнинг глобаллашгани ва ахборотлашгани (интернет-лашгани ҳам) — аник далил. Хўш, бу далил жамиятнинг соҳалари-да қандай намоён бўлмоқда? Иқтисодиёт соҳасида ишлаб чиқариш билан хизмат кўрсатиш нисбатида биринчисининг ҳисобига иккин-чисининг кенгайиши рўй бермокца. Маънавий-маданий соҳадаги туб ўзгаришлар оммавий рухиятда. Таълим тизимида, ҳар бир инсон савиёсида ўз ифодасини топмоқда. Одатда, бу соҳадаги ўзгаришлар бошқа соҳалар ўзгаришларига замин тайёрлайди. Маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар даставвал фаннинг янги рационал кўриниш-ларида ҳаёт ва инсон ҳақидаги билим тармоги бўлган биологияда вужудга келмоқда. Дастреб микроорганизмларга татбиқан шакл-ланган ген инженериясида ҳозирги вақтда инсон геноми, ирсийлик-нинг генетик коди масалалари жиддий ўрганилмоқда. Илмий тадқи-қотлар доирасига алоҳида кишиларнинг ўта сезгирилик қобилияти-ни, биомайдонини ўрганиш киритилмоқда. Инсоннинг имкониятла-ри, қобилияtlари ва қатор сифатлари тўғрисида янги қарашлар пайдо бўлмоқда. Шунингдек, оламнинг келиб чиқиши ва ривожла-ниши қонуниятларига, коинотдаги жараёнларнинг кишилар ҳаётига таъсирига оид масалалар бўйича ҳам янгича нуқтаи назарлар шакл-ланмоқда. Компьютерлаштириш кишилик жамияти динамикасининг навбатдаги йўналиши сифатида, ҳаётнинг қатор соҳаларида бўлгани каби, санъатда ҳам жадал татбиқ этилмоқда. Маориф соҳасида жиддий ўзгаришлар бўлмоқца. Жумладан, кечаётган фан инқилоби ва ахборотлашув туфайли ўқиши, ўқитишишларининг самарадор-лигини янада ошириш имконияти яратилмоқца. Бунинг натижасида ривожланган мамлакатлар бўлмиш АҚШ ва Японияда XXI асрда ялпи электрон олий таълимга ўтиш вазифаси кун тартибига қўйилмоқда. Сиёсий соҳада ҳам ахборотлашув инқилоби туфайли жиддий ўзгаришлар кутилмоқда. Чунончи, давлат ҳокимияти марказ-

Be11 Б. Тье Согшп\$ оғ РозИпийкMa! Socge1y. A.УепШге оғ 8oc1a1 Foreo81t\$. КУ.
Ваз1с Bookb, Лпс, 1993. Р.Х.

лашганлиги ўрнига шахс эркинлиги салмоги ошиб бормоқца. Нати-жада ҳар бир фуқаронинг демократик қарорлар қабул қилишда бевосита иштирок этиши таъминланади. Бошқа томондан қараган-да, давлат марказлашганлигининг кучсизланиши ахборотларга эга-лик қилиш натижалари билан ҳам боғлиқ бўлмоқда.

Информацион жамият белгилари ташки сиёsat соҳасида, ай-никса, яққол намоён бўлмоқда. АҚШдан ташқари қатор мамла-катлар, жумладан, Хитой, Япония, Германия, Россия жаҳон миқёсида етакчи ўринга даъвогарлик қилмоқда. Айни вақтда мин-такалараро иттифоқларнинг (масалан, Фарбий Европа, Шимолий Америка) ўрни кучаймоқда. Шунингдек, ҳалқаро ташкилотлар-нинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Жамиятнинг ахборотла-шуви ижтимоий, технологик, иқтисодий, сиёсий ва маданий ме-ханизмларнинг оддийгина боғлиқлиги эмас, балки уйғунлашган, умумий ривожланиш жараёнидир. Ахборотлашув анъаналари ва жараёнлари таҳлили ривожланган информацион жамиятларда бар-ча ёки деярли барча интеллектуал индустрия марказлашуви, улар асосий интеллектуал ресурслар манбаи, сақловчиси, технологи-ялар ишлаб чиқарувчиси, асосий маданий ва ижтимоий-гумани-тар захиралар эгаси бўлишини кўрсатмоқда. Дунёning бошқа дав-латлари эса информацион технологиялар ва информацион маълумотлар харидори бўлиб, улар нисбатан оддийроқ маҳсулот ишлаб чиқарувчига айланиб боради. Мазкур масалалар билан шуғуланаётган баъзи мутахассислар бу ҳол ресурсларнинг им-порти ва тикланмайдиган хом ашё ресурслари экспорти жараён-лари билан боғлиқ бўлган масалалар долзарблигини оширади, деб ҳисобламоқда. Бу, айнича, ўзига хос "информацион колония"-ларга айланиб бораётган давлатлар учун ниҳоятда муҳим. Ана шу нуқтаи назардан, инсоният билимининг умумий захираси, инфор-мацион алоқадорлик, интеллектуал дахлсизлик муаммолари ҳам эътиборни талаб қиласди. Бу масалалар мазкур мавзуга сифмайди, бироқ уларни англаш ва ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Интернет. Бугунги дунё мислсиз кўламдаги ахборотлар оқими-нинг босими остида яшамоқда. Инсоният хаётининг барча соҳалари унинг асосий структуравий элементи бўлган Интернет тизими би-лан қамраб олинган. Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб кўпгина мамлакатлар ахборот ривожланиши йўлига - Интернет, мультимедиа, космонавтика, ОАВ, уяли, радио ва сунъий йўлдош алоқасига асосланган ахборот тизимига ўтди. Шуни таъкидлаш ке-ракки, бугунги дунёда ахборот технологияси соҳасида сифат жи-

хатидан ҳам жуда мухим ўзгаришлар юз бермоқда. Агар биринчи компьютерлардан 30-йилларда электромеханик реле асосида ҳисоб-лаш мақсадида фойдаланилган бўлса, 60-йиллардаги иккинчи ав-лоддан бошлаб компьютерлар ярим ўтказичли транзисторлар асо-сида тайёрланмоқда. Илгари бу компьютерлар бир-бири билан жуда яқин масофада боғланган бўлса, эндиликда дунёнинг хоҳлаган нуқ-тасидаги компьютер бошқа жойдагиси билан бемалол боғланиши мумкин. Компьютерлараро узатилаётган хабар эса оддий ёзишма, шахсий мактуб ёки инсоният ва ҳалқлар тақдирига хавф солаётган террористик харакатлар дастури бўлиши ҳам мумкин. Компьютерларнинг бешинчи авлоди ҳатто интеллектуал вазифаларни ҳам ечишга қодир. Компьютерларнинг олтинчи ва еттинчи авлодлари ҳар бирининг процессорида 80-100 миллион транзистор бўлиб. ҳар сонияда 2 миллиардгача вазифани бажара олади. Улар бугунги кунда бутун дунё бўйлаб рўй бераётган воқеалар оқимига мос ҳолда ах-боротларни Интернет тармоғи орқали таркатмоқда.

Техник мўъжизалар дунёни забт этаётир, сўзлашув ҳажми ҳам сезиларли ошиб бормоқда, дунёда мобиль телефон абонентлари сони оддий телефон абонентлари сонидан анча ошиб кетди. Бир қарашда, ахборотлар дунёсидаги алоқа тизими — уяли телефонлар ва Интернетнинг ғоялар фалсафасига алокадор эмасдек туулади. Аммо айнан ана шу тизим инсоният ҳаёти ва алоқалари тузилмасида катта инқилобий ўзгаришга олиб келдики, ҳозирча мутахассислар асосан унинг ахборот алмашув функциясига кўпроқ эътибор бермоқдалар. Факат кейинги йиллардагина ушбу тармоқлар ниҳоятда тезлик билан тарқалаётган ғоялар оқими эканлиги аёнлашиб, унинг таъсири билан боғлиқ масалаларга эътибор каратилмоқца.

Бу янги технологиядан инсоният жамияти тараққиётини жадаллаштириш эмас, балки унинг тараққиётига тўсқинлик килиш мақсадида фойдаланиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Бунга кибертер-роризм яққол мисол бўла олади. Кибертерроризм (кибер — уруш) — компьютер ва Интернет тизимларига хужум маъносини англа-тади. Бу ҳодиса 1990 йилларда биринчи марта содир этилди. Унинг мақсади муайян хужжатлар бирон-бир компьютерда саклангани-ни ҳисобга олиб. унинг фаолиятида узилиш ҳосил қилиш, мухим ахборотларни йўқотиш, пул ишлаб олиш ҳисобланади. Масалан,

2005 йил августида кибергурухлар Шри-Ланка давлатининг «Қора тигрли Интернет» номли электрон почтасига хужум қилганлар,

2006 йилда хаккерлар ҳиндларнинг ядро қуролини синаб кўриши-га қаршилик қилиб, Бадха шахридаги Хинд атом тадқиқотлари

марказининг компьютердаги қайд дафтарчасини ҳамда электрон почтасини йўқ қилишган. 2008 йилда биргина Канада давлатида турли маҳкама ва ташкилотларнинг компьютер захирасига 862 та ана шундай хуружлар содир этилган. Кўпгина ҳолларда бундай хатти-ҳаракатлар банкларга қаратилган бўлиб, баъзида хаккер-лар мўмайгина пул ишлаб олган ҳоллар ҳам кузатилмоқда.

Шунингдек, кибертеррористлар ўзларининг баъзи бузгунчи ғоя, мақсад ва вазифаларини тарқатишда уяли телефон ҳамда Интер-нетдан ҳам фойдаланишмоқда. Муайян мафкуравий полигонлар-нинг муттасил тарқатилган ахборотларида ёвуз ва зарарли ғоялар оқими, телевизорлар орқали доимий намойиш этиладиган жангари фильмлар, болаларга мўлжалланган бузгунчи ғоялар асосида иш-ланган ўйинлар, компьютер тармоқлари дастурларини ишдан чи-қарадиган «вирус»ларни тарқатиш бунга мисол бўлади.

Юкоридаги мулоҳазалар глобаллашув жараёнининг мазмун-моҳияти, ижобий ва салбий жиҳатларини теран англаш, унинг жамиятимиз ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иктисодий, айниқса, маънавий соҳасига таъсирини чукур идрок этишни, ғоялар фалса-фаси нуқтаи назаридан жиддий ўрганишни тақозо этади. Глобалла-шувнинг миллий давлатчилик, ҳалқларнинг азалдан мавжуд бўлган қадриятлари, урф-одат ва анъаналарига нисбатан таҳди迪, мил-лий тараққиёт тамоилларини сақлаб қолиш ва мустақилликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар ҳам ушбу феномен (ҳоди-са)нинг турли жиҳатларига муттасил эътиборни талаб қиласи.

Ана шу сабабдан ҳам бугунги кунда мамлакатимизнинг мил-лий хавфсизлигини таъминлаш, ҳалқимизнинг барча қатламла-ри, айниқса, ёшлар қалби ва онгида бунёдкор ғояларга ишонч ва эътиқод туйгусини шакллантириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ватан равнақи, Ўорт тинчлиги, аҳолининг маънавий камолоти учун масъул бўлган барча давлат ва жамоат ташкилотлари, оила, маҳалла ва оммавий ахборот воситалари-нинг фаолияти самарасини, маънавий-маърифий ишларнинг таъ-сирчанлигини янада ошириш ҳозирги даврнинг энг долзарб вази-фаларидан бирига айланиб бормоқда.

9-мавзу. "Вайронкор ғоялар" тушунчаси, унинг намоён бўлиш хусусиятлари

Одамзод яратилибдики, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш муттасил давом этиб келмоқда. Гарчанд инсоният ибтиносидан бошланган бу доимий курашда эзгуликнинг ғалаба қилиши, соглом тафқур устувор бўлиши тарғиб этилса-да, бундай муваффакият-

ни қўлга киритиш ҳамма вақт ҳам осон кечмаган. Худди шунинг-дек, инсоният тарихидаги хилма-хил ғоя ва мафкуралар, фалса-фий оқимлар ва таълимотларнинг ҳаммаси ҳам эзгу максадлар ва бунёдкорлик ишларига қаратилмаган. Негаки, бирон-бир киши ёки аҳоли қатламига ижобий бўлиб кўринган ёндашув ёки таълимот бошқалари учун ҳам шундай аҳамиятга эга бўлавермаган. Турли ғояларга хилма-хил мақсадни кўзлаган кишилар нуктаи назари билан қарашиб ва баҳо бериш — масаланинг бир жиҳати, холос. Айниқса, ушбу масалада ҳаётга нохолис, бир томонлама ёндашилса, бу кўпинча вайронкорликка, бузғунчи ғоя ва мақсадларга хизмат қила-ди. Бундан эса, айрим сиёсий кучлар ўз манфаатлари йўлида маф-куравий восита сифатида фойдаланиши шубҳасиз.

Айниқса, ўтган асрдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижа-сида дунёнинг икки қутбга бўлиниши ва бу қутблар ўртасидаги тўхтовсиз ғоявий-сиёсий курашлар муайян мақсадга йўналтирил-ган заарли оқимларни ҳам вужудга келтириб, рағбатлантириб турди. Айнан шу асрда инсоният тафаккур тараққиётида ижобий аҳамият касб этувчи қараашлар ташвиқи билан бирга, умуминсо-ний тараққиётга зид бўлган бузғунчи ғоялар ҳам тарғиб этилди. Улар башарият вакиллари орасидаги ўзаро умумийликка раҳна солиб, миллий, минтақавий хусусиятлар ва турфа сиёсий қарааш-лар асосида кишиларни ҳар хил гурухларга ажратиб ташлашга интилди. Бундай ғоявий-сиёсий айрмачилик, ажратиш ҳамда буз-ғунчиликка асосланган тарғибот натиჯасида инсоният катта зарар кўрди. Баъзи ғоявий-сиёсий мақсадларни байроқ қилиб, бирон-бир худуд ёки ҳокимиятни эгаллашга интилиш, заарли ғоялар асоси-да кишиларнинг қалби ва онгини забт этиб, уларни ушбу ғоялар-нинг курбонига айлантиришга уриниш ҳамда ижтимоий-сиёсий бошбошдоқликни келтириб чиқаришга ҳаракат қилиш ана нгундай идаолар натиҗасидир. Турли инқилоблар, хилма-хил урушлар, қуролли тўқнашувлар, кўп сонли талафотлар ўтган асрдаги вай-ронкор ғоялар амалиётининг оқибатлари, уларнинг ортидан эргашган инсониятнинг самарасиз ва сароб йўллардаги йўқтишларидир.

Мамлакатимиз янги жамият кураётган, бунда инсониятга хос умумий жиҳатлар ва миллий хусусиятларни уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этаётган бугунги шароитда тинчлик ва то-түвлилкка, барқарорлик ва бағрикенгликка раҳна солувчи бузғун-чи ғояларга қарши курашиш, уларнинг мазмун-моҳияти, мақсад-муддаоларини ўз вақтида англаш бу жабҳадаги долзарб вазифа-лардан бири бўлиб қолмоқда.

"Вайронкор ғоялар" тушунчаси бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиласиган, инсон ва жамиятни ту-банлика бошлайдиган, одамларни ғаразли ният ва қабих мақ-садларга ундейдиган, ҳалқлар ва давлатларни таназзул ҳамда ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялар мажмуини ифодалайди. Ўзи-нинг шахсий ёки тор ижтимоий манфаатини бошқалар хисобига қондириш, босқинчилик ва талончилик, тажовузкорлик ва ман-фаатпарамастлик ғоялари шулар жумласидан. Улар инсонпарвар-лик тамойилига зид бўлган, жамиятни тарафкашларга ажратиб, бўлиб ташлайдиган, бир миллатни бошқасидан устун кўядиган, олий ирқ даъвосида бошқа ҳалқларни қирғин қилишга чақиради-ган бузгунчи ғоялардир. Диний ақидапарамастлик ва жангари ирқ-чилик (расизм), буюк давлатчилик шовинизми ва ашаддий (агресив) миллатчилик, фашизм ва большевизм мафкуралари ана шун-дай вайронкор ғоялар тизимини ташкил этади.

Президент Ислом Каримовнинг қуидаги фикрлари бу маса-ланинг таҳлилида алоҳида эътиборга молик: "Аслида, менинг на-заримда, одамнинг қалбида иккита куч — бунёдкорлик ва вайрон-корлик ҳамиша ўзаро курашади. Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиа-тидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-харакатларини қўзғатиб юбориш осонрок". Бу хуло-са бузгунчи ғоялар ва вайронкор мафкуралар билан боғлиқ ту-шунчаларнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ англаш, уларнинг та-рихий шаклланиши ва амалиётига доир масалаларни илмий-на-зарий таҳлил қилиш ҳамда оқибатларини тушунишда методоло-гик аҳамиятга эга. Ушбу тушунчаларнинг индивидуал, хусусий ва ижтимоий даражаларда намоён бўлиш хусусиятлари ва турли-туман шакллари маълум.

"Бузгунчи ғоялар" тушунчаси **индивидуал даражада** маънавий ҳаёт ва шахслараро муносабатда умумэтироф этилган яшаш меъёрларининг бузилиши ҳамда уларни инкор этиш, тартиб-қоидалар ва фаолият мезонларига эътиборсизлик, уларга енгил-елпи муносабатда бўлишни англатади. Бу даражада у алоҳида бир шахснинг маънавий етук эмаслиги ёки жамиятдаги муайян кишиларни тубанлика етакловчи ижтимоий ҳолатлар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Якка шахсга мансуб бузгунчи ғоялар бир

Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir // -Т.: "Ўзбекистон", 2000. 493-бет.

кишининг маънавии-ахлоқий бузилиши, унинг хулк-атвори, хатти-ҳаракати ва фаолиятидаги жиддий камчиликлар мажмуи тар-зиданамоён бўлади. Кўп ҳолларда бу даражадаги бузгунчи ғоялар амалиёти муайян шахснинг маънавий бузилиш оқибатида шакл-ланадиган, расман тан олинган ёки амалда мавжуд бўлган меъёр-лар, баҳолар, анъаналар. хулк-атвор намуналари тизимиға мос келмайдиган хатти-ҳаракати, хулқида намоён бўлади.

Хусусий даражадаги бузгунчи ғоялар жамиятнинг бирон-бир қатлами, ижтимоий ҳаракат аъзоларининг бузгунчи фаолияти орқали намоён бўлади. Масалан, ўзларининг хусусий мақсад ва манфаатларини мутлақлаштириш, бошқаларни ўз измига солиш ҳамда шу йўлдан юришга мажбурлаш ва ҳоказолар. Бузгунчи ғоялар гоҳида мазкур ижтимоий субъектлар орасида кенг тар-қалган иллат (аморализм, бойликка ружу қўйиш, жамоавий буз-ғунчилик, наркомания, алькоголизм ва бошқалар) тарзида кўзга ташланиши ҳам мумкин.

Ижтимоий даражадаги бузгунчи ғоялар у ёки бу тарздаги маънавий бузилишнинг бутун жамиятни қамраб олиши ёки бу жараёнга хос тамоилларнинг зўрлик билан амалга оширилиши (атеизм, фашизм, экстремизм, терроризм ғояларининг зўрлик билан ёилиши, одамларни шу йўлларга ўтишга оммавий маж-бурлаш ёки қадимий Помпейдаги оммавий маънавий бузилиш ҳолати) тарзида содир бўлади. Бузгунчи ғояларнинг сиёсий, икти-садий, маданий, маънавий шакллари ҳам мавжуд. Бу ғояларнинг мазмун-моҳияти эзгулик ва бунёдкорликка асосланган маънавий тамоилларнинг бузилиши ҳамда уларга зид хатти-ҳаракатлар-нинг амалга оширилиши орқали намоён бўлади.

Инсоният ягона оила эканини англаб, тинч-тотув ва фаровон яаш тамоилига амал қила бошлагач, вайронкор ғоялар танқид ва тазиикқа учрамоқда. Хозирги пайтда жаҳон жамоатчилиги то-монидан кескин кораланаётган ҳалқаро террорчилик ва мафкура-вий хуружлар, диний экстремизм ва жаҳолатпарастлик ҳам вай-ронкор ғояларга асосланган. Аммо айнан биз яшаётган ҳозирги даврга келиб, бунёдкорлик ғоясига бузгунчилик ва вайронкор-лик, бағрикенгликка эса ўзгача фикр, эътиқод ҳамда турмуш тар-зига тоқат қила олмаслик, жоҳиллик иллатлари тобора кўпроқ қарама-қарши бўлиб қолмоқда. Айрим ҳолларда ўзгача қараш-ларга тоқат қила олмаслик ҳалқаро сиёsat даражасига қўтарилимоқца. Масалан, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан ривожланган ай-рим мамлакатлар ўзларининг яаш тамоиллари ва ғояларини

энг түғри йўл ҳисоблаб, уларни турли миңтакаларга, жумладан, XX аср охирида ташкил топган мустақил давлатларга ҳам ти-қиширишга уринмоқца.

Шу билан бирга, ўша "илғор" деб аталадиган мамлакатларнинг ўзида ҳам кўплаб ички муаммолар мавжуд. Шулардан бири — маънавий таназзул, яъни жамиятнинг ахлоқий тубанлашуви муаммо-си. Аслида мазкур мамлакатлардаги моддий фаровонлик уларнинг маънавий тараққиёти учун мустахкам асос вазифасини ўташи ҳамда ахлоқан баркамол шахснинг шаклланишига олиб келиши лозим эди. Аммо замонавий сиёсатшунослар таъкидлаётганидек, бунинг акси бўлмоқда — шахсий тубанлик, ижтимоий худбинлик ҳамда мод-дий манфаатдорлик тамойилига асосланган тамойилларнинг усту-ворлиги инсоннинг маънавий қашшоқлашувига, ўзини бошқаларга нисбатан олий тоифали шахс дея ҳисоблайдиган ёки жамиятдан бегоналашган кишилар шаклланишига олиб келди.

Вайронкор ғояларнинг тарихий илдизлари узоқ ўтмишдан бошланган. Бунёдкорлик ва эзгулик инсониятга хос азалий туйгу бўлгани каби, унга қарама-қарши бузгунчилик, вайронкорлик ва ёвузлик, маънавий тубанлик ва жаҳолат ҳам кишилик тарихининг вужудга келиши ҳамда ривожланиши билан бевосита боғлиқ тарзда шакл-ланган. Турли даврларда инсоният бундай ғояларнинг амалиётига доир, хилмачил тарзда намоён бўлган салбий тажрибалар орт-тирган. Шу маънода, айтиш мумкинки, ахлоқизлиқ, беандиша-лик, манфаат йўлидаги худбинлик, жисмоний қудрат ва зўравон-ликка сажда қилиш иллатлари фақат XX ёки XXI асрда шаклланган эмас, балки улар жаҳон тарихида узоқ ўтмишга эга.

Маълумки, жамиятнинг илғор вакиллари, мутафаккирлар инсониятни ҳамиша эзгулик ва оқилликка даъват қилиб келган. Жумладан, қадимги Юнонистоннинг машҳур донишмандлари ўзлари-нинг одоб-ахлоқ меъёрларини ишлаб чиққанлар. Булар кўйидаги-лардан иборат: "Кексаларни хурмат қил", "Жаҳлингни ют" (Хи-лон), "Отанонангни рози қилишга шошил" (Фалес), "Худолар ҳакида сўзла: улар мавжуд" (Биас), "Қонунларнинг эскисини, овқатнинг эса янгисини афзал бил" (Периандр), "Ҳар нарсага муккантдан кет-ма" (Солон), "Ўзингни англа", "Ўзгаларни ўзгартириш учун аввал ўзингни ўзгартирир" (Суқрот) ва бошқалар. Аммо инсоният дониш-мандларнинг ўғитларига ҳамиша амал қиласермаган, ҳамма ҳам эзгу ғояларига эргашиб, бунёдкорлик йўлидан боравермаган.

Масалан, мил. авв. VIII асрдан бошлаб (бундан 2800 йил му-қаддам) эрамизнинг V асри (476 йил) — Фарбий Рим империяси

қулагунга қадар бўлган даврда яшаган юонон-рим муаллифлари ўз асарларида маънавий инқирознинг жамият учун оғир оқибатлар-га олиб келиши тўғрисида огохлантиришга ҳаракат қилган. Жум-ладан, мил. авв. VIII-VII асрларда яшаган юонон муаллифи Гесиод ўз даври билимлари доирасида фикр юритиб, бутун жаҳон тари-хини бешта: "олтин", "кумуш", "мис", "қаҳрамонлик" ва "темир" даврларга бўлади. Гесиод ўзи яшаган "темир" даврида юз берган тубанлашув ва аморализмни тасвирлашда салбий бўёқларни сира аямаган Унинг ёзишича, бу асрга келиб, ҳамма бир-бирига: бола ота-онага, aka укага, мезбон меҳмонга, дўст дўстга бегона. Бу асрда барча нарса бойлик ва зўравонлик асосига қурилгани боис Гесиод "Ўзимга қолса, мазкур асрда яшашни сирайм истамаган бўлардим", деб таъкидлаган.

Маълумки, Қадимги Спарта давлати кўплаб ижобий мисоллар билан тарихда ўз изини қолдирган. Аммо ушбу давлатдаги болалар тарбияси Гесиоднинг фикрларини тасдиқлайди. Спартада болалар-ни етти ёшидан бошлаб ота-онасидан тортиб олишган ва агелалар-да ("тўдалар") қариялар назорати остида тарбиялашган. Уларга жуда кам овқат беришар, бу эса болаларни ўzlари учун овқат топишга мажбур қиласди. Улар озиқ-овқатни дуч келган жойдан, ўзгалар омборидан, полизлардан ва ҳатто ибодатхоналардан ҳам ўтираш-га мажбур бўлган. Аммо кўлга тушиб қолсалар, қаттиқ жазога тор-тилган. Ота-она меҳридан мосуво бўлиб ўsgан болаларнинг аксари-яти жоҳил ва бемеҳр бўлиб қолган, улар ўз ҳаётларининг катта қисмини урушлар ва талончиликда ўтказган.

Маънавий бузилиш, ахлоқий тубанлашув ва худбинлик ил-латлари жамиятни қай аҳволга солиб кўйганлиги хусусида мил. авв. I асрда яшаган римлик тарихчи Гай Саллюстий Крисп бундай деб ёзади: "...дастлаб пулга ўчлик авж олди, сўнгра эса ҳокимият-га ўчлик ва уларнинг иккаласи гўё барча ҳалокатларнинг умумий ўзагига айланди. Худпастлик ишончни, ҳалолликни ва бошқа барча эзгу сифатларни барбод қилди; уларнинг ўrniga у калонди-моғлик ва шафқатсизликка, илоҳларни таҳқирлаш ва ҳамма нар-са' сотилади, дея ўйлашга ўргатди. Шуҳратпастлик кўпларни ёлғончига айлантириди, дилда бошқа нарсани ўйлаб, тилда эса бош-қани сўзлашга мажбур қилди. Дўстлик ва душманликни ўз моҳи-ятига кўра эмас, балки фойда нуқтаи назаридан баҳолашга ўргат-ди, ботиний комилликдан кўра, зоҳирий кўркамлик хусусида кўпроқ бош қотиришга ундали... Бойлик ҳурмат туйғусини ўйго-тиб, шон-шуҳрат, ҳокимият ва қудрат унинг йўлдошига айлан-

ган пайтдан бошлаб, — дея давом этади муаллиф, — жасорат сўна бошлади, камбағаллик айб саналадиган, самимият эса лақ-малик ҳисобланадиган бўлиб қолди. Шу тариқа, бойлик туфайли инсонлар ёшликтан ҳашамга, очкўзлик ва беандишиаликка ўрган-ди. Уят ва камтарлик ҳисси уларга мутлақо бегона, уларни... фаҳш, очофатлик ва бошқа ярамас иллатлар янада кўпроқ даражада чулгаб олди... Бу эса ёшларни мулклари камайганда жиноятга ун-дади. Зеро, қингирликлар билан заҳарланган рухнинг бузгунчи-лиқдан қутулиши мушкул, аксинча, у бор қучи билан имкон қадар кўпроқ бойлик орттиришга ва уни пала-партиш сарфлашга инти-лаверади". Агар Гай Саллюстий Крисп қадимги Farb ахлоқи ху-сусида мулоҳаза юритган ягона муаллиф бўлганида эди, у кел-тирган далилларга шубҳа билан қараш мумкин эди. Афсуски, унинг айтганларини бошқа замондош муаллифлар ҳам тасдиқлайди. Жум-ладан, Римда Нерон ҳукмронлиги даври ахлоқини тарихчи Тацит (милодий I аср) қуидагича тасвирлайди: "Рим Ер юзида мавжуд бўлган ва бўлмаган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган барча энг разил бузуқликларни бошдан кечирди, ёш римликлар вақтини кўнгил-хушлик ва жирканч ишқий ишратларда ўтказиб, тубанлашиб кет-ди ва ахлоқий қадриятлардан маҳрум бўлди". Нероннинг ўзи эса император бўла туриб, тарихда ном қолдириш иддаосида, ўз дав-латининг пойтахти Рим шахрини ёқиб юборишга буйруқ бергани-ни қандай тушуниш мумкин? Эрамизнинг 116 йили Траян импе-раторлиги даврида римликлар Парфия подшолигининг пойтахти Ктесифон шахрини ишғол қиласди. Траян қўшинлари Форс кўрфази қадар етиб боради. Рим империясида турли мамлакатлардан та-лаб олиб келинган катта миқдордаги моддий бойликлар тўплана-ди. Аммо ажабланарли томони шундаки, буларнинг бари империя фуқароларининг аллақачонлар бошланган маънавий қашшоқла-шув жараёнини янада кучайтиради. Империя шаҳарларида, би-ринчи галда, унинг пойтахти Римда аҳолининг текинхўр, боки-манда қатламини ташкил этувчи кўплаб кишилар мавжуд эдики, улар ҳеч қаерда ишламасдан, давлат, шаҳар ҳокимияти ва хусу-сий шахслар томонидан бериладиган инъом-эҳсонлар ҳисобига яшарди. Текин озиқ-овқат билан таъминлаш иши, айниқса, Рим шаҳрида яхши йўлга кўйилган эди. 200 мингга яқин киши (яни озод, оиласи эркаклар) ҳар ойда турли озиқ-овқатлар — галла, гўшт, ёғ ва бошқа маҳсулотлар олиб турарди. Янги император-нинг таҳтга ўтириши маросими пайтида ана шу сон-саноқсиз ишёқ-маслар оммасига пул улашиларди. Уларнинг кўнглини овлаш мақ-

садида кўплаб гладиаторлар жанглари, гладиаторлар ва йиртқич ҳайвонлар олишувлари, жанг аравалари пойгаси ва денгиз жанг-лари уюштириб туриларди. Айшу ишратга берилган мазкур қат-лам ҳамиша озиқ-овқат ва кўнгилочар томошалар талаб қиласади. Агар бирор сабаб билан озиқ-овқат таъминоти муддатидан кечик-са, бу оммавий чиқишилар ва тартибсизликларга олиб келарди. Шаҳар ахли — текинтомоққа айланган ишёқмаслар савдо раста-ларини ағдар-тўнтар қиласади, майдонларда улкан издиҳомга тўпла-ниб, ўз норозиликларини изҳор этар ҳамда давлатга қарши шиорларни илгари суриб, халқни кўзголонга даъват этарди. Шу боис императорлар аҳолининг мазкур қатлами имтиёзларини ҳимоя қиласади, уларни озиқ-овқат билан таъминлаш ва томошалар таш-кил қилиш йўлида барча чора-тадбирларни кўрарди.

Ягона давлатчилик ғоясининг инқирози, сиёсий ҳушёрликнинг йўқотилиши, маънавий бузилигп ва ахлоқсизликнинг кундалик ҳодисага айланиб қолиши, тинимсиз томошалар ва боқиманда-ларни таъминлаш Римнинг кулашига олиб келган асосий сабаб-лар бўлди. 410 йилда Рим германларнинг Аларих бошчилигидаги гот қабиласи томонидан босиб олинди. 455 йилда германларнинг вандал қабиласи Римга яна хужум қилиб, шаҳарни хонавайрон қиласади. Бу қабила бошликлари бутун Италияга ҳукмронлик ўрна-тиб, 476 йили Фарбий Римнинг сўнти императорини ҳокимиятдан маҳрум қиласади. Ўқиш ва ёзишни билмаган, адабиёт ва санъат нималиги ҳакида мутлақо тасаввурга эга бўлмаган босқинчилар Римни талади. Ибодатхона ва қасрлар шип-шийдам қилинди, ҳай-каллар бузиб ташланди, бебаҳо кутубхоналарга ўт кўйилди, кўплаб шаҳар ахли қириб ташланди ёки асирга олинди. Римнинг истило қилиниши бу шаҳарни "мангу, олтин шаҳар" деб атаб келган империя аҳолисида даҳшатли таассурот қолдиради. "Ер юзини бўйсундирган шаҳар бўйсундирилди", дея ёзган эди ўша воқеа-лар гувоҳи. Ўша замонларда Римнинг ҳалокати туфайли бутун дунё ҳам ҳалокатга учраши муқаррарлигига ҳеч ким шубҳа қил-маган. Асл маъноси вайронкорликни англатувчи "вандализм" ту-шунчаси ҳам ўша даврда шаклланган.

Афсуски, инсоният тарих сабоқларидан камдан-кам холларда тўгри хулоса чиқарган. Худди қадимги Римда бўлгани сингари бу-гунги кунда дунёнинг кўпгина нукталаридағи қатор шаҳарлар аҳолиси шу даражада танбаллашиб кетганки, улар ҳаётнинг маз-мунини фақат айшу ишратда деб билади. Худбинлик, фақат ўзини ўйлаб, ўзи учун яшаш шу даражада авжига чиққанки, ҳатто ин-

соннинг авлод давомийлигини таъминлашга қаратилган табиий, туғма инстинкти ҳам йўқолиб бормоқда. Оила мажбурияти, фар-занд тарбиясидан кўра айшу ишрат, моддий фаровонлик, маж-буриятсиз эркин муҳаббат ва тана кўркини асрарни афзал бил-ган жамият чуқур маънавий таназзулни бошидан кечирмоқца.

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларида кўпгина хориж мамлакатларида маънавий бузгунчилик гоялари (пала-партиш жинсий муносабатлар, гиёхвандлик, никоҳсиз оила, ом-мавий беҳаё клиплар, ахлоқизлик, зулм ва зўравонликни тарғиб этувчи фильмлар ва бошқалар орқали) жамият ҳаётининг барча жабҳаларида яққол намоён бўла бошлади. Таниқли олим Ф.Фу-куяма «Буюк узилиш» (2003) асарида ўзи яшаётган жамиятни оғир касалликка йўлиқкан, унинг илк аломатлари 1960 йилларда пай-до бўлган, деган хulosага келади. Ф.Фукуяманинг назарида, унинг асосий аломатлари қуидагиларда намоён бўлади:

1. Жиноятчи-ликнинг ўсиши. «Жиноятчиликнинг урушдан кейинги тўлқинининг кўтарилиши тахминан 1963 йилларга тўғри келади, ўша вактдан бери у янада шиддат билан тезлашди».
2. Оила инқирози. «Никоҳ ва болалар туғилиши камайиб кетди; ажралишлар сони кўпайди; АҚШдаги ҳар учта боладан биттаси никоҳсиз туғилмоқда, бутун Скандинавияда эса туғилаётган болаларнинг ярмидан кўпини ни-коҳсиз туғилганлар ташкил этади».
3. Аҳоли сонининг камайиши (депопуляция). Демографик портлаш муаммоси фақат «Учинчи дунё» мамлакатларига хос, айни пайтда барча ривожланган мам-лакатлarda умуман қарама-қарши муаммо — улар ахолисининг қисқариши масаласи кун тартибида турибди», узоқ умр кўриш жамиятнинг нафақаҳўрлардан иборат бўлиб қолиши ва уларни таъминлаш масаласини келтириб чиқаради.
4. Ижтимоий тарқоқ-лик — шахснинг ҳаётдан ажралиб қолгани, муносабатларнинг кес-кинлашуви, кишилар ўртасида ёлғиз яшашга мойиллик кучайи-ши. Ф.Фукуяма ўз жамияти дуч келган касалликнинг сабаблари ҳақида тўхталиб, улар оиласининг инқирозга учрагани билан боғ-лик, деган хulosага келади. Шунингдек, Д.Вилкерсоннинг «Хис этиш», Ж.П.Бьюкененнинг "Ғарбнинг ўлеми" китобларида ахло-кий бузукликнинг кучайиши, кабель ТВси орқали беҳаё фильм-ларнинг намойиш этилиши, гомосексуализм, садизм ва мазохизм-нинг тарғиб қилиниши тобора кенг ўрин олаётгани азалий маъна-вий қадриятларнинг емирилишига сабаб бўлаётгани таъкидлана-ди. Буларнинг барчаси, аввало, ёшларнинг дунёкараши, ахлок-одоби, маънавиятига салбий таъсир этиши шубҳасиз.

Албатта, бундай иллатлар дунёкараш ва онг даражасидагина эмас. балки хулқ-атвор, хатти-харакат, умуман, одамларнинг ҳаёт тарзида ҳам ўз аксини топмоқда. Шу боис кўпгина олимлар ўртасида жамиятда тажовузкорлик кайфиятининг кучайиб бора-ётгани жиддий хавотир уйғотмоқда. Хусусан, омманинг исёнга, тажовузга ва ўч олишга мойиллигида доир тадқиқотлар кўпайиб бормоқца. Мазкур тадқиқотларда ўнг экстремистик ва сўл ради-кал харакатлар, хусусан, 2005 йилдаги Париж воқеаларига ўхшаш ҳолатларнинг таҳлили асосида тажовузкорлик майлининг кучая-ётгани таъкидланмоқда. Масалан, 2005 йил кузидан бошлаб Фран-цияда бошланган норозилик харакатлари оломоннинг нечоғлик бузгунчи кучга айланини кўрсатмоқца. "Дастлабки ишга ёллаш шартномаси"га карши чиқищдан бошланган ёшлар харакати 2006 йил мартаға келиб бутун Францияни ларзага келтирди. Хусусан, 28 марта маддакатнинг 250 шахри бўйлаб ўз миқёсига кўра мис-ли кўрилмаган намойишлар ҳамма нарсани издан чиқариб юборди. Тўполончи ёшларнинг ёнини олишга ўтиб кетган касаба уюшма-лари эса шу куни иш ташлаш эълон қилди. Натижа шу бўлдики, иш ташлашларда уч миллион киши иштирок этди. Бу ҳолат, ку-затувчиларнинг фикрига кўра, Францияда 1968 йилдаги машҳур чиқишлардан кейин ilk бор содир бўлди. Чиқишларда Марсел шаҳрида 250 минг, Бордода 100 минг, Парижда эса 700 минг киши иштирок этди.

Франция ва Италияда худди шундай ғалаёнлар 2010 йилнинг кузига келиб, янада кучайди. Францияда нафака ёшининг ошири-лиши тўғрисидаги масала бўйича 2010 йилнинг 12 октяброда Па-рижда 1 млн.дан кўпроқ, 24 октябрда эса 1,5 млн.дан кўпроқ киши умумий намойишда иштирок этди. Шу йилнинг декабрида олий таълимга тўлов миқдорининг оширилиши баҳонасида Англияда, айниқса, унинг пойтахти Лондонда тўполонлар бошланди. Айни шу ойга келиб, бир футбол ишқибозининг ўлими Россия пойтах-ти Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида кўп минг кишилик оломоннинг ғалаёнига баҳона бўлди. Ўйлаб кўрайлил: кўчага бит-та безори чиқса, қанча ташвиш келтиради. Бир йўла миллиондан кўпроқ кишидан иборат оломон бир шаҳарда аюҳаннос солса, холат қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Табиийки, поли-ция ва турли тўдалар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди, кўплаб дўконлар, автомашиналар ёкиб юборилди.

Лекин гап аслида бу тўқнашувларда ҳам эмас, балки минглаб кишиларни кўчага қувган ғазаб туйғуси, бузгунчилик ҳисси, то-

қатсизлик ва юрт тинчлиги, осоиишталиги учун масъулиятнинг йўқолаётгани ҳакида кетмоқда. Моддий бойликлар сояси остида инсонларни бирлаштирувчи маънавий қадриятлар йўқолиб бор-моқда. Хориждаги баъзи шаҳарлар миллионлаб муҳожирлар би-лан тўлиб-тошган. Баъзи етакчи мамлакатлар дастлаб ўзлари-нинг асосан собиқ мустамлакаларидан арzon ишчи кучининг оқиб келишидан манфаатдор эди. Чунки уларнинг меҳнатига кам ҳақ тўланар ҳамда муҳожирларни назорат остида ушлаш ва аёвсиз ишлатиш осон эди. Бундай ишчилар деярли ҳеч қандай ҳукуқлар-га эга эмасди. Аммо секин-аста йирик шаҳарларда муҳожирлар-нинг улкан туар жой мавзелари вужудга келдики, бунинг оқиба-тида муҳожирлар ҳамда маҳаллий аҳоли орасида ишсизлик ва жиноятчилик авж олди. Натижада ишсизларни пул нафақалари ва озиқ-овқат билан таъминлаб туриш тизими шакллантирилди. Аммо бу тизим ҳамиша ҳам самара бераётганий йўқ.

XXI аср бошларида рўй бераётган бузғунчи харакатлар ва уларга кўшилган одамларга диққат билан назар солсангиз, улар нимаси биландир юқорида тилга олинган қадимги Рим, ундаги жамият ҳаёти ва юз минглаб томошаталаб оломонни эслатгандек бўлиб туюлади. Шунда Сиз тарихнинг такрорланиб туришига, инсониятни не-не балоларга гирифтор қилган вайронкор гоялар-нинг оқибати, бузғунчилиги нималарга олиб келиши мумкинлиги-га яна бир бор гувоҳ бўласиз.

Бузғунчи гоялар ва вайронкор мафкураларнинг шакллари кўп ва улар бугунги кунда инсониятга хилма-хил ташвиш ва салбий оқибатлар келтирмоқда. Одамлар учинчи минг йиллик бошига ке-либ, баъзан ўзи эришган бой интеллектуал мезонларга эмас, бал-ки турли сохта оқимлар, зарарли ғояларга алданиб, маънавий жиҳатдан номабқул йўлларга кириб кетмоқда. Тажриба инсоният учун катта хавф бўлиб турган кўплаб этник ва диний зиддият-лар, гиёҳванд моддалар ва одам савдоси, глобал муаммолар, эк-стремизм ва терроризм каби бало-қазолар аслида ўз мафкуравий манбаига эга эканлигини кўрсатмоқда. Яъни, улар ҳам, аввалам-бор, файриинсоний бузғунчи ғоялардан озиқланади, шу асосда шаклланади, бирон-бир вайронкор мафкурага хизмат қиласи.

Қадимданоқ ижтимоий-маънавий соҳаларда вужудга келган, ҳозирги кунга қадар турли шаклларда намоён бўлиб келаётган ана шундай оқимлар бор. Улардан бири фатализмдир. У азалий тақдирнинг олдиндан мутлак тарзда белгилаб қўйилганига ишо-ниб, ҳаёт измагига тўла-тўкис бўйсунишга асосланган дунёқараш

бўлиб, инсоннинг ижодкорлиги ва эркинлигини инкор этади. Хо-рижда кенг тарқалган индивидуализм асосида шахснинг индиви-дуал хусусиятларини мутлақлаштириш ётади. **Индивидуализм** шахсни жамоага қарама-қарши кўядиган, шахсий манфаатларни жамият манбаатларидан устун деб биладиган тамойил сифатида анъанавий жамоавийлик тамойилига зиддир. Индивидуализм эго-измни (лот. "ефо" — мен) вужудга келтирувчи хусусиятлардан биридир. **Эгоизм** ўз-ўзини ҳаддан ортиқ севиш ва худобинликка, шахсий манбаат, хар қандай ҳолатдан ҳам ўз манбаати йўлида фойдаланиб қолиш хусусиятига асосланади. Бундай интилиш охир-оқибатда эгоцентризмни вужудга келтиради. Эгоцентризм (лот. "ефо" — мен, "сешгипз" — марказ) ҳамма нарсани ўзи ва ўз ман-фаати билан боғлаб яшашни англатади, ўзгаларнинг хоҳиш-ис-таклари билан ҳисоблашмаслик, ўз фикрининг нотўгрилигини билса ҳам, ўзгалар фикрини инобатга олмаслик ғоясига асослана-ди. Жамият тараққиётининг турли даврларида айrim кишиларда ҳаётга умидсизлик ва ишончсизлик билан қараш кайфияти **пес-симизм** (лот. "рэззитшз" — энг ёмон ҳолат деган маънени англатади) шаклида намоён бўлиб туради. Бу одамнинг онги ва тафакку-рида бугунги ва эртанги ҳаётга, ўзига нисбатан ишончсизлик би-лан қараш туйғуларига асосланадиган тушунчадир. Айниқса, ҳаёт-га умидсиз ва ишончсиз қараш кайфиятини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишга уриниш салбий ҳолатларга сабаб бўлади. Шунга ўхшаш сабаблар оқибатида шаклланадиган **нигилизм** (лот. "п1Ь11" — ҳеч нарсани тан олмаслик, эътироф этмаслик, инкор этиш) ҳамма нарсани инкор этишни тарғиб этади, яхши ёки ёмоннинг фарқини тан олмайди. Бу таълимот замирида янгиликни ҳис эт-маслик, унга ёвузлик кўзи билан қараш, ривожланишдаги тадри-жийлик, ворисийлик қонуниятларини тан олмаслик ётади. Кон-крет тарихий шароитни ҳисобга олмай, факат ақидаларга асос-ланадиган фикрлаш услубига таянадиган вайронкор мафкуралар доктринизм ва фундаментализм тарзида ҳам намоён бўлади. Улар фалсафий, ахлоқий, умуман, ҳар қандай ижтимоий назарияни ва бирон-бир диний эътиқодни тарихий шароитдан'ажратиб, унга қотиб қолган, ривожланмайдиган назария, деб қараш оқибатида шаклланади. Бундай қараш, кўпинча, янгиликка, илгор ғояларга қарши бўлиб, ғояни ҳаётдан ажратиб кўяди ва субъективизмга олиб келади. Унинг кенг тарқалган кўриниши диний ақидапараст-лик кишилар қалби ва онгига мафкуравий тазийклар орқали синг-дирилиб, зўравонлик асосида эътиқод қилиш талаб этиладиган

дунёкараш шаклидир. Ақидапаастлар диний таълимотни тари-хий давр ва ижтимоий воқеликдан ажратиб олиб, унинг ғояла-рини мутлақ ҳақиқат, дин хукмронлигини эса олий ҳокимият деб ҳисоблайди. Бу ўзига хос консерватизм сифатида хурфиксрилик-ни жиловлаб, замон талабларини ҳисобга олмаслик ва тараққи-ётга тўсиқ бўлишга сабаб бўлади. Охирги пайтларда жаҳон мат-буотида мутаассиб ислом жангариларини фундаменталистлар деб аташ одат тусига кирди. Аммо диний фундаментализм ҳамма дин-ларда мавжуд бўлиб, улар ягона умумий хусусиятни ўзида му-жассам этади. Протестант фундаментализми, проваслав фунда-ментализми, иудаизм фундаментализми каби атамалар бугунги кунда кенг ишлатилмоқда. "**Фундаментализм**" тушунчасини кенг шарҳлаганд, жамият ҳаётининг нафакат диний, балки сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётида рўй берәётган шундай хусусиятга эга бўлган ҳодисаларга ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Баъзи тадқиқотчилар бундай ҳодисаларни "сиёсий фундаментализм", "иқтисодий фундаментализм", "маданий фундаментализм" тушун-чалари тарзида изоҳлашга уринмоқда. Хуллас, муайян сиёсий таъ-лимотнинг жамият ҳаётига тўла татбиқ қилинишига уриниш ёки бундай таълимотнинг мутлақлаштирилиши сиёсий фундамента-лизмни келтириб чиқаришини назардан қочирмаслик лозим.

Сиёсий соҳада ҳам вайронкор ғоялар асосида шаклланган мафкуралар учраб туради. Улардан бири **тоталитаризм** (лот. "Чогайз" — куч, барча деган маънони англатади) давлат бошқарувининг маҳсус шакли (тоталитар давлат) сифатида жамият ҳаёти, инсон ҳуқуки ва эркинликларини мутлақ назорат остида бўлишини анг-латади. Тоталитаризмда факат битта сиёсий куч ёки партия мам-лакат аҳолисининг хоҳиш-иродасини ҳимоя қилиши таъкидлана-ди, аслида эса ҳокимиятни эгаллаб олган бир гурух маслакдош кишилар диктатураси ўрнатилади ва улар чексиз ваколатга эга бўлади. Тоталитаризмнинг ёрқин кўринишини Италия ва Герма-ния фашизми, собиқ иттифоқнинг мафкуравий тартиботида кўриш мумкин. Бу ғоя сиёсий нуқтаи назардан этатизм (давлатнинг мам-лакат иқтисодий ва сиёсий ҳаётига фаол аралашуви), авторита-ризм (бир кишининг мамлакатни мутлақ тарзда ўзи бошқариши) каби тушунчалар орқали ифодаланади. Алоҳида шахс ва ижти-моий гурух томонидан ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини ўзи мансуб бўлган этник бирлик нуқтаи назаридан баҳолаш **этноцентризм** (юнон. "егппоз" — гурух, қабила, халқ; лот. "сештит" — марказ) ғояси ва унинг асосидаги дунёкарашни шакллантирган.

Этноцентризм асосида фикрлайдиганлар учун барча одамларни "биз" ва "улар"га бўлиш хос. У миллатчилик, қабилачилик, уруғ-чилик кўринишларида намоён бўлади. Этноцентризмнинг бир шакли бўлган миллатчилик мафкурасининг моҳиятини ўз миллатини бошқа миллатлардан мутлақ устунлигини эътироф этиш ва тар-ғиб қилиш ғояси ташкил этади. Ана шу омил заминида миллатчи-лик назарияси, мафкураси ва амалиёти вужудга келади. Миллат-чилик мафкура сифатида давлат ёки бирор ижтимоий гурухнинг сиёсатига айланishi ҳам мумкин. Бундай ҳолда у бир мамлакат доирасида турли қарама-каршиликни келтириб чиқаради, ҳалқа-ро миқёсда эса, мамлакатлар ўртасига нифоқ солади. Ҳалқаро қонунчиликка кўра, миллатчилик инсон хукуқларини чеклаш ва сиёсий жиноят сифатида баҳоланади. У экспансzionizm, изоляцио-низм, шовинизм, нацизм кўринишларида намоён бўлиши мумкин. Миллатчиликнинг энг ашаддий кўринишларидан бири шовинизм бўлиб, муайян миллатнинг мислсизлиги ва бекиёслигини тарғиб қилишда намоён бўлади. Шовинизмнинг моҳияти бир этнос ман-фаатларини бошқа ҳалқлар манфаатларидан устун қўйишида, бо-шқа миллатларга нисбатан паст назар билан қарава ва нафратни тарғиб қилишда кўринади. **"Шовинизм"** атамаси асосан миллатчи экстремистларга нисбатан қўлланади. Яқин тарихдаги мустамла-качилик юришлари пайтида шовинизм қатор давлатларнинг рас-мий мафкурасига айланган. Буюк давлатчилик шовинизми унинг кўринишларидан бири бўлиб, миллатдаги хукмон гурухларнинг мафкураси ва сиёсатини ифода этади. Бундай ҳолда давлат тепа-сида хукмонлик мавқеларини эгаллаган шовинистик гурухлар миллатни олий миллат деб эълон қиласди ва ўз фаолиятини мил-латларни эзиш, уларни иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатдан камситишга йўналтиради. Ўтган асрда буюк давлатчилик шови-низмининг ашаддий кўриниши нацизм ва фашизм қиёфасида на-моён бўлди. **Фашизм** — (итальян. "газазто" сўзидан олинган, глэсю — боғлам, алоқа, боғлиқлик, деган маъноларни билдиради) мус-табидлик руҳидаги сиёсий ҳаракатлар, партия ва режимларни англатади. Мазкур таълимот мистик этатизм ва давлат патерна-лизми, миллатчилик ва ирқчилик шаклларининг йигиндисидир. У жамиятни мажбурий тарзда «бизникилар» ва «бегоналар»га ажра-тиб, ирқчилик, милитаризм ғоялари асосида «бегоналар»ни йўқ қилишни тарғиб этади. Фашизмнинг XX асрдаги кўринишларидан бири Адольф Гитлер томонидан тузилган Германиядаги нацио-нал-социал партия ғояси ва фаолиятига асосланган эди. Бундан

ташқари, фашизм сиёсий ҳаракат ва режим сифатида ўтган аср-да турли кўринишларда — миллий фашизм (Италияда Муссоли-ни бошчилигига), монархистик фашизм (Испанияда Франко бошчилигига), ҳарбий-фашистик (Чилида Пиночет бошчилигига) режимлар шаклида намоён бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Унинг янги тарихий шароитдаги кўриниши неофашизмдир. Афсуски, XXI асрда нацизм ва фашизм жабр-ситамларини тортган бир қанча мамлакатларда неофашизм ёшлар ўртасида яна қайта бош кўта-ра бошлади. Европанинг қатор давлатларида ва собиқ совет ҳуду-дининг баъзи жойларида содир бўлаётган воқеалар бунга мисол бўла олади. Масалан, Россия Федерациясида Э. Лимонов бошчи-лик қилаётган национал-большевиклар ўз фаолиятида мана шун-дай кучлардан биридир.

Иккинчи минг йиллик охирига келиб, фалсафада эркинликни ўрганиш ва уни шарҳлаш асосида кўплаб йўналишлар пайдо бўлди. Ж.П.Сартрнинг инсон эркинликка маҳкум этилгани, А.Камюнинг ғалаён кўтариш хуқуки ва имконияти, Маркузенинг инсон «бир ўлчовлилик» чегарасидан чиқиши концепциялари шулар жумла-сидан. Кейинги вақтда Фарб мамлакатларида эркинлик ғоясининг фалсафий мазмун-моҳиятидан йироклашув, ғоявий-мафкуравий ёндашувлар устуворлиги кўзга ташланмоқца. Бу, айниқса, «Чега-раланмаган эркинлик ғояси» концепциясида яқол намоён бўлмоқ-да. Унинг хатарли жиҳати шундаки, муайян кучлар мазкур кон-цепцияяга таянган ҳолда ўзга миллат ва ҳалклар турмуш тарзи, айниқса, ёшлар онгига нигилистик қадриятлар, сохта демокра-тия мезонлари ва "оммавий маданият" фалсафасини кенг тарғиб этиш ҳамда жорий қилишга интилмоқда. Бундай интилишлар баъзи доиралар, кучлар, марказлар томонидан бегона ва ёт ғояларни одамларнинг турмуши, ахлоқи, маънавиятига сингдиришда, бу борада ҳатто террористик, экстремистик кучлардан фойдаланган ҳолда тинч-осуда ҳаётни издан чиқариш. инқирозли вазиятни ву-жудга келтириш, турли «сохта демократик» инқилобларни амал-га ошириш кабиларда намоён бўлмоқда. Улар орасида шарқона қадрият, урф-одат ва анъана ҳамда ахлоққа тамоман зид бўлган қарашлар ҳам бор. Маркиз де Сад номи билан боғлиқ бўлган «са-дизм» ёки ёвузликни оқлаш ғояси ана шундай бузгунчи таълимот-лардан биридир. Маълумки. Сад ахлоқий бузукчиликни тарғиб этадиган бир қанча асар ёзган. Кейинчалик бу асарлар маълум даражада фан оламида янги назарияларнинг шаклланишига туртки беради. Саднинг асарларини ўқиб, жиддий таҳлил этган Э.Фромм

садизмга қуйидагича баҳо беради: «Садист — кишиларга жисмо-ний ёки руҳий азоб бериш, ҳатто жинсий майлларни қондириш орқали роҳатланувчи шахс». Садист фикрича, киши бошқаларни шу йўл билан бошқариш орқали ўз майлларини қондиради ва бу унинг учун эркинлик элементи ҳисобланади». Психоанализда са-дизм майлларнинг ўта фаоллиги сифатида эътироф этилади, жо-ҳиллик ва ёвузлик тимсоли сифатида намоён бўлади.

Қадрли ўкувчи, нафақат садизм тўғрисида, балки бошқа кўплаб бузғунчи гоя ва мағкуралар хақида ҳам янада кенгроқ маълумот-лар бериш мумкин эди. Аммо бу масаланинг моҳиятини ўзгартир-майди. Яъни, уларга нисбатан ҳушёр ва огоҳ бўлмоқ, аҳоли, айникса, ёш авлодни улар таъсирига тушишига йўл қўймаслик, ёшларимизнинг қалби ва онгига миллий истиқлол гоясини муттасил сингдириб бориш бу йўналишдаги ишларимизнинг асосий ме-зонини белгилайди. Президентимиз Ислом Каримов "Оммавий ма-даният" ниқоби остида юртимизга кириб келаётган бундай хавф-хатарлардан доимо огоҳлантириб келади. "Хрэирги вақтда ахлоқ-сизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадрият-ларни менсимасдан, эскилик саркити деб қараш билан боғлиқ ҳолат-лар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда ба-мисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш накадар муҳим эканини англаб олмоқда", - дей-ди Юртбошимиз, - "Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуғ аж-додларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. Отабоболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар да-вомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шар-му ҳаё, ибо ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз"⁴.

Вайронкор гоя ва мағкураларнинг асосий функцияси — жа-мият аъзоларини воқелик ҳодисаларини мустақил ва холисона ту-шуниш қобилиятидан маҳрум қилиш, бу борада уларга фақат бузғ-унчиликка йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш учун зарур ва етарли бўлган даражада имконият бериш. Бундай фаолият на-тижасида жамиятда бир қолипга солинган кўп сонли кишилар, яъни оломон пайдо бўлади. Оломон бир андозага мувофиқ фикрлайдиган,

⁴Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмаскуч. -Т.: "Маънавият", 2008.117-118-бет.

хаёт ходисаларига бир хил баҳо берадиган ва муайян вазиятларда шу асосда иш кўрадиган одамлардан иборат. Бундай кишилар му-айян жамият менталитетининг умумий холатини белгилайди. Улар бузғунчи мафкура томонидан ташкил этиладиган тадбирларга жалб қилинади, унинг жамият аъзолари қалбларини эгаллаш механиз-мининг таркибий қисмига айланади. Бинобарин, ана шундай тарзда вужудга келтирилган мафкуравий майдон одамлар оммасининг буз-гунчи гоя асосида яратиладиган ва муттасил равишда қўллаб-қувватлаб туриладиган турли тузилма ва ташкилотлардан иборат ти-зимни ташкил этади. Одамлар онгига таъсир кўрсатиш воситала-ри, давлат ҳамда бошқа соҳалар билан боғлиқ фаолият ҳам ушбу тизим манфаатларига хизмат қиласди. Тарихда бунга мисоллар кўп. Ўтган асрнинг бошларида большевиклар Россияда, 30-йилларда фашистлар Германияда ҳокимиятни қўлга олганидан сўнг худди шундай холат содир бўлган эди.

Тарих далолат берадики, илмий билишга маълум даражада ва маълум вақт ён беришга, одамлар қалби устидан ҳукмонликни у билан баҳам кўришга мажбур бўлган вайронкор мафкура охир-оқибат ўзининг яккаҳокимлик даъвосига қайтади ва пировард-натижада объективлик, илмийлик, холислик эмас, балки бузғунчилик, жаҳо-лат ва разолат йўлига киради. Яккаҳокимлик даъвоси ва унинг "классик" андозалари сифатида ўтмишда инквизиция гулханлари, XX асрда эса — фашистик ва коммунистик мамлакатлардаги маф-куравий қатагонлар ҳамда "совуқ уруш" оқибатларини мисол кел-тириш мумкин. Бунда бузғунчи мафкура энг олий ҳақиқат мақомига даъвогарлик қиласди ва ойдек равшан ҳақиқатлардан борлиқ ҳоди-саларини билишга доир барча нарсаларни ялпи сохталаштиришгача бўлган доирада амалга оширилади. Бунга асосланган мафкура уй-дирмани ҳақиқат қилиб кўрсатишга хизмат қиласди, унда асосан одам-ларни ҳақиқий вокеликдан чалғитувчи, хаёлий дунё манзарасини яратувчи омиллар етакчилик қиласди. Бу манзарага "ҳақиқат" ва "ёлғон" тушунчаларини татбиқ этиш қийин. Чунки бу сифат жиҳа-тидан бутунлай ўзгача ҳодиса бўлиб, аксарият ҳолларда баъзи одам-лар ўzlари бузғунчи мафкура таъсирига (мафкуравий қафасга) тушиб қолганларини ҳатто англамайдилар ҳам.

Вайронкор гояларга хизмат қиласиган мафкурачилар хаёлий дунё манзарасини яратар эканлар, у ҳақиқий дунёга ўхшашига, вокелик унсурларини ўз ичига олиши ва одамлар ўз ҳаётий функ-цияларини бажаришларига монелик қилмаслигига эришишга ҳара-кат қиласидилар. Боз устига, бундай мафкуралар одамларни мулоҳа-

за юритиш, иккиланиш, мушкул қарорлар қабул қилиш, ортиқча ташвиш чекиши заруратидан халос этиб, гүёки уларнинг ҳаётини маълум даражада енгиллаштирадиган қилиб яратилади. Бунда улар-нинг вайронкорлик моҳияти ва бузгунчилик хусусияти одамлардан маккорона яширилади. Уларга хос тамойиллар ўз моҳиятига кўра, реал вазиятдаги ўзгаришлардан қатъи назар, ўзгармас ва шак-шубҳасиз бўлиши учун аниқ белгилаб қўйилади. Бундай мафкура-лар муайян вазиятларда одамлар фаолияти ва хулқ-атвор қоида-ларини белгилайди, уларга мазкур вазиятлар ҳақидаги илмий та-саввурсиз, таъбир жоиз бўлса, бу қоидаларга кўр-кўрона (хеч қан-дай мулоҳаза юритмасдан) амал қилишини мажбуриятга айланти-ради. Айни шу сабабли бузғунчи мафкура ўз шаънига айтилган танқидий сўз ва ислоҳотларга тоқат қилолмайди. Гүёки у вужудга келганидан сўнг, вақтга бўйсунмайдиган, шак-шубҳасиз ҳақиқат сифатида, ўзгармас кўринишда амал қилишини талаб этади. Бу йўлга юрганларга душман сифатида қаралади, улар қатагон қилинади ёки тоталитар мафкурага бўйсунишга мажбур этилади. Бунга юқори-да қайд этилган якка ҳукмрон мафкуралар мисол бўлиши мумкин. Вайронкор ғоя асосида шаклланган бузғунчи мафкурани бунёдкор ғоя ва мафкурадан фарқини кўрсатувчи яна бир салбий жиҳат унинг бегараз эмаслигида. Бузғунчи ғоя ва мафкуранинг бегараз эмаслиги шунда кўринадики, бундай мафкура мазмуни ўзи таянадиган ғоя асосидаги ижтимоий тузумни шарафлаш, шу ғояга қарши кучларни ёвузлик манбалари сифатидаги салбий об-разларини яратиш, одамларда воқеа-ҳодисаларга нисбатан асос-сиз субъектив муносабатни шакллантириш, уларнинг жамият аъзолари сифатидаги хулқ-атворига таъсир кўрсатишга қаратил-ган муайян жозибадор ғоялар тизимини вужудга келтириш билан боғлиқ фаолиятдан иборат. Бундай мафкураларнинг барчаси те-гишли діражадаги истеъмолчилар ниманидир ҳазм қила олишла-ри учун яратилади. Куйи, демак, кенг даражада сингдирилаётган ғоялар хотирага осонгина ўрнашиши, образли ва ҳаммага тушу-нарли бўлиши, туйғуларга таъсир кўрсата олиши, одамларнинг муайян майлларига мувофиқ келиши, барча орзуларни рўёбга чиқаришни ваъда қилиши, гүёки энг олий идеалларни тушуниш ва унга дахлдорлик иллюзиясини яратиши, кизикши уйготиши ва авраб, алдаши лозим. Ҳатто, бу таълимотларни муайян соҳа-да чуқур билимга эга бўлган кишилар тўкиган ва бирон-бир гу-рухга мансуб кишиларга мўлжалланган ҳолда ҳам улар ўз маф-куравий функциясини бажаради. Бу йўналишдаги айрим сўзлар,

гаплар ва эслаб колиш нисбатан осон бўлган матнлар ажратиб олинади ва мафкуравий муомалага киритилади. Бу борада сон-саноқсиз шархловчи-маддоҳлар иш олиб боради. Уларнинг махсу-лоти ҳам кенг оммага тушунарли бўлиб туюлади. Бунга эришиш учун мафкуравий таълимотлар оддий одамнинг фикрлаш дара-жасига мувофиқ келиши ёки оддий одамнинг фикрлаш услубини мафкуравий тафаккурнинг хаёлий дарајасига кўтаришга қара-тилиши лозим (бу ҳолни собиқ иттифоқдаги устувор мафкурага нисбатан кузатиш мумкин эди). Аммо бу ҳолатда ҳам мафкуравий феноменларнинг аниқлиги ва тушунарлилиги аслида ясама бўла-ди бу ҳам бузгунчи мафкурунинг ўзига хос жихатлари каторига киради. Аниқлик ва тушунарлилик иллюзияси пайдо бўлиши учун ушбу мафкурага асос бўлган гояларнинг барчаси алоҳида талқин-га (шархга) муҳтож бўлади. Мазкур функцияни вайронкор гояларга хизмат қиласидиган барча турдаги профессионал мафкурачилар, яъни содда сўзлар ва жумлалар билан иш кўрувчи "анойи" рухо-нийлардан тортиб, одамларнинг миясини гўёки донишмандона ва одатда мутлақо мантиқсиз иборалар билан тўлдириб ташлайди-ган назариётчиларгача бажаради.

Бузгунчи гояларга асосланган мафкуравий фикрлаш илмий фикрлаш услубидан ҳам, бунёдкор гоялар асосидаги дунёқараш-дан ҳам кескин фарқ қиласиди. Унда ҳақикатга интилиш, бегаразлик бўлмайди. Шу нуқтаи назардан бундай фикрлаш услуби илмий ва мантиқий фикрлаш услубининг зидди хисобланади. Вайронкор гоя ва бузгунчи мафкура одамларга ўзини қуршаган дунёни ва ўз-ўзини улар (борлик конунларига мувофиқ) амалда қандай бўлса, шундай эмас, балки ўз мақсадига мувофиқ қандай талаб этилаётган бўлса, шундай тасаввур килиш ва тушунишни ўргатиш, кишиларни бун-га кўнитиришдан иборат. Уларнинг амалиёти одамларга ижтимо-ий воқеликни мустақил англаб етишни эмас, балки борликни қан-дай тасаввур қилиш, ўзи ҳаётда дуч келадиган нарсалар ва воқеа-лардан қайсиларини ва қай кўринишида ўз онгига ўтказишни усту-вор гоя манфаатларига мувофиқ тарзда ўргатишга қаратилади. Бош-қача айтганда, вайронкор гояларнинг соҳиблари ва уларнинг саф-дошлари муйян тасаввур (тушунча)ни "кашф" этади ва у жамият аъзоларининг шакллантирилаётган онгига нисбатан шак-шубҳасиз тан олиниши лозим бўлган тамойилга айланади.

Бундай фаолият натижасида вайронкор гоя оломоннинг онгига сингдирилади. бу соҳада ўзига хос мафкура ва унга мос фикрлаш тарзи шакллантирилади. Бу мафкура ўз функцияларини вайрон-

кор ғояни сингдириш мақсадида, баъзи жозибадор шиорларни яратиш ва мазкур ғоя ҳақидаги маълумотларни айни шу руҳда қайта ишлаш жараёнида, турли-туман шаклларда амалга оши-ради. Шу йўналишда муайян турдаги интеллектуал схемалар, ёрликлар, образлар, умумлаштирувчи намуналар, андозалар, баландпарвоз иборалар, шиорлар ва ҳоказолар яратилади, улар мутлақ ҳақиқат сифатида одамлар онгига сингдирилади. Одам-лардан эса бу фаолият маҳсулларини ўзлаштиришлари ва шу нуқтаи назардан борлик ҳодисаларига ёндашиш талаб этилади. Вайронкор ғояларнинг бундай мафкуравий маҳсуллари ғоявий озиқнинг турли хил истеъмолчилари учун яратилади, одамлар-нинг онги ва тафаккурига сингдирилади. Уларнинг ижтимоий функ-цияси одамларга ўзини куршаган дунёни вайронкор ғоя асосида идрок этиш ва мўлжал олиш, жамиятдаги ҳодисаларга нисбатан муайян позицияни шакллантиришдан иборат. Имконият бор бўлса бундай тизим вакт ўтиши билан аста-секин кенгайиб боради ва одамлар онги учун мезон сифатида намоён бўла бошлади.

Вайронкор ғоя асосидаги мафкуравий фикрлаш мантиқсиз, мантиқка зид ва сохта мантиқли бўлиши ҳам мумкин. Маълумки, мантикий фикрлаш мантиқ ва фан методологияси қоидаларига мувофиқ фикр юритиш демакдир. Мантикий "техника" (мантикий аппарат) объектларни илмий ўрганиш воситалари ва қоидалари мажмуи, яъни илмий ҳақиқатга эришиш, уни қайд этиш ва ундан фойдаланиш техникасидир. Бу эса мафкуравий фикрлаш техни-каси (аппарати) мафкурунинг жамиятдаги функциялари билан белгиланишини англатади. Бунёдкор мафкура ушбу тамойилга амал қиласи, ҳақиқий мантикийликка асосланади, эзгулик ва ҳақиқатга хизмат қиласи. Унга асосланган мафкуравий фикрлаш ва ёндашув ҳам шу тамойилларга таянади. Аммо вайронкор маф-курага асосланган фикрлаш ва ёндашув бундан фарқ қиласи, унда воқеликни бузиб кўрсатиш ва нохолислик устувор бўлади. Бун-дай мафкуравий фикрлаш техникасининг тизимли илмий тавси-фини бериш учун аввал мантикий фикрлаш техникасининг ти-зимли тавсифини, яъни мантиқ ва фан методологиясига тизимли тавсиф бериш зарур. Сўнгра, мантикий фикрлаш назариясини баён этишнинг ҳар бир босқичида мантиқ қоидалари бузилиши мумкин бўлган ҳолатлар ва техник жихатдан бу қандай амалга оширили-шини кўрсатиш лозим. Шу тариқа ўзига хос аксилмантиқ ҳолати намоён бўлади. Айни шу ҳолат амалда бузғунчи мафкуравий фикр-лаш аппаратининг тавсифи бўлади. Бу борада бузғунчи мафкура-

вий фикрлаш техникасини илмий ўрганиш ва тизимли тавсиф-лашдан вайронкор гояларнинг тарафдорлари манфаатдор эмас-лигининг сабаби аён бўлади. Яъни бундай йўл бузгунчилар, бос-қинчилар, террорчилар, экстремистлар ва шу кабилар учун қўлланмалар яратишдан бошқа нарса бўлмас эди. Демак, бузгун-чи гояга асосланган мафкуравий фикрлаш техникаси, аслида во-келикни ўрганиш ва уни билиш натижаларидан ижтимоий бор-лиқни бузиб кўрсатиш, омма онгига ўз мақсадига мос ишлов бе-риш ва уни манипуляция қилиш учун фойдаланиш техникасидир.

Бузгунчи мафкура асосидаги фикрлашнинг яна бир усули шу билан белгиланадики, мураккаб, серқирра ва ўзгарувчан ижти-моий ҳодисалар орасидан тарғибот нуқтаи назаридан қулай бўлган айрим жиҳатлар ажратилади. Бу жиҳатлар мисли кўрилмаган даражада "пуфлаб шиширилади". Ҳодисанинг моҳияти айни шу жиҳатлар билан боғланади. Бунда шундай "далил"лардан фойда-ланиладики, уларга ишора қилиш ҳодиса тавсифига ҳаққонийлик тусини беришга кўмаклашади. Натижада унинг бузиб кўрсатил-ган ва ишончли бўлмаган манзараси хосил бўлади. Бу усулдан собиқ иттифоқ мафкурачилари тарғиботда кенг фойдаланган эди.

Бундай мафкурага хизмат қиласиган нуқтлар ва асарларнинг муаллифлари ўз фикрларини мантикий фикрлаш принципларига мувофиқ асослангандек қилиб кўрсатишга ҳаракат қиласи. Бунда конкрет "мисол"ларга ҳаволалар кенг қўлланилади. Мантиқ қоидаларига мувофиқ, айрим конкрет мисоллар умумий фикрларнинг исботи бўлиб хизмат кила олмайди. Нари борса, улар мазкур фикр-ларни рад этишда далиллар сифатида хизмат қилиши мумкин. Худди шунингдек, амалда мантикий боғланмаган сўзлар оқимига мантикий изчилиллик тусини беришга интилиш ҳам бузгунчи маф-куралар учун одатдаги бир ҳол хисобланади.

Айни пайтда ҳақиқий мантикий фикрлашнинг зидди бўлган ва вайронкор гояга хизмат қиласиган, аслида бузгунчиликка асос-ланган мафкуралар асосидаги фикрлаш ўзига мантикий тус бе-ришга ҳаракат қиласи. У мантиқ қоидаларидан фойдаланган ҳолда, мазкур қоидаларни бузади, ҳақиқатдан фойдаланган ҳолда ёлғон уруғини сочади. Бундай бузгунчи мафкуралар турли мутахассис-лар ва оммавий ахборот воситалари, инсон тафаккурига таъсир кўрсатадиган ўта ривожланган техника ёрдамида амалга оширил-моқда. Бунда аҳолининг баъзи қатламлари, айниқса, онги ва та-факкури ҳали тўла шаклланмаган ёшларга таъсир кўрсатиш усул-лари ва воситаларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Афсуски, бугунги кунда ҳам Ер юзининг турли минтақалари халқларининг онги ва қалби турли гояларни синаш майдонига, бошқача айтганда, мафкуравий полигонга айлантирилмоқда. Бун-да илм-фан ютуқлари, илғор технологиялардан фойдаланилмоқ-да. Кўпчилик илм-фан, билим, илғор технологиялар ижтимоий тараққиётга, халқ фаровонлигига хизмат қиласи, деган фикрга ўрганиб қолган. Аммо ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Тўгри, билимлар кўп, лекин уларнинг барчаси ҳам эзгуликка хизмат қилиш учун ишлатилади, дейиш қийин. Масалан, буюк давлатчи-лик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси ва амалиё-ти тарафдорлари ҳам муайян "билим"ларга таянади, уни бошқа-ларга сингдиришга ҳаракат қиласи.

Шундай экан, бир томондан, мафкуравий соҳадаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, ин-сон маънавиятининг бойишига, жамият тараққиётига хизмат қили-ши лозим. Иккинчи томондан, бу билимлар ўз моҳиятига кўра, Ватан ва халқ манфаатлари, умумисоний қадриятлар устувор-лиги билан узвий боғлиқ бўлган замонавий тафаккурни шакллан-тириш омили бўлмоғи керак.

Мазкур фаолият хилма-хил шаклларда, турли ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган фоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмунини, бир сўз билан айтганда, ушбу соҳада ташкил этилган таълим-тарбия тизимини қамраб олади. Бу жараёнда вояга етаётган фарзандла-римизни маънан баркамол, иродаси бақувват, комил инсонлар этиб тарбиялаш бу йўналишдаги масъулиятли вазифаларни амалга оширишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

4-боб. Фоялар фалсафасининг назарий ва амалий масалалари

10-мавзу. Мафкура соҳаси ва "идеосфера" тушунчаси

Ҳар қандай жамият мураккаб тузилишга, турли соҳа ва йўналишлардан, хилма-хил ижтимоий субъектлар, синфлар ва қат-ламлар, идора ва ташкилотлардан иборат серқирра тизимга эга. Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий, маданий, мафкуравий ва маърифий соҳалар жамият ҳаётининг муҳим таркибий қисмла-ридир. Улар қандай ривожлангани ёки тараққий этмаганидан қатъи назар, бу таркибий қисмлар ва соҳаларсиз бирон-бир жамият ҳаёти-ни тўла-тўқис тасаввур этиб бўлмайди.

Шу маънода, гоя ва мафкура соҳаси ҳар қандай жамият ҳаёти учун муҳим ўрин тутади. Чунки ҳар бир мамлакат учун ўз худу-дида, унда яшайдиган аҳоли орасида қандай гоялар мавжудлиги, қайси гоя ва мафкуралар таъсир ўтказаётгани, муайян мафкура ёки шу соҳадаги тамойиллар амалиётида нималар рўй берадиган аҳамиятсиз эмас. Бу борада ҳам Юртбошимизнинг гоя ва маф-курасиз ҳар қандай жамият ўз йўлини йўқотиши муқаррарлйги тўғрисидаги хulosаси ҳаёт ҳақиқатини ифодалайди.

Собиқ иттифоқ даврида гоя ва мафкура масаласига холис ва илмий жиҳатдан ёндашишга йўл қўйилмас эди. Ўша даврда якка тоталитар мафкура ҳукмронлиги сабабли бу соҳани умуминсоний ҳодиса сифатида тасаввур ҳосил қилиш имкони йўқ эди. Муста-килликка эришганимиздан сўнг мазкур масалага муносабат тубдан ўзгарди, миллий мафкурани шакллантириш устувор вазифага ай-ланди. Айниқса, Президент Ислом Каримов томонидан Миллий ис-тиқлол гояси назариясининг яратилгани, Юртбошимиз асарларида гоя ва мафкура соҳасига доир муаммоларни ўрганишнинг илмий-методологик асослари атрофлича кўрсатиб берилгани бу борадаги долзарб вазифаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлгани шубҳасиз. Айнан шу туфайли гоя ва мафкуранинг асл мазмун-моҳиятини теран англаш, бу соҳанинг ўзига хос хусусиятларини ян-гича концептуал ёндашувлар асосида ўрганиш имкони пайдо бўлди.

Бу борада кенг кўламли ҳам амалий, ҳам назарий ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда ғоя ва мафкура соҳасида собиқ ит-тифок давридаги ўта мафкуралашган фанлар ўрнига халқаро ан-дозалар, умуминсоний қадриятлар ва миллий манфаатларимизга мос янги тизим шаклланди. "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Маънавият асослари", "Миллий истиклол ғояси", "Фоялар фалсафа-си" каби фанлар бу тизимнинг таркибий қисмига айланди.

"**Мафкура соҳаси**" тушунчаси инсон ва миллат, жамият ва унинг турли қатламлари ҳамда хилма-хил субъектларнинг ғоя ва мафкура йўналишидаги фаолияти, улар билан боғлиқ жараён-лар, ўзаро муносабатлар, алоқа ва мулоқотлар мажмуи, ижти-моий ҳаётнинг муҳим кўринишини' ифодалайди. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашла-ри, ғоя ва мафкураси ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмай-ди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий ва ижтимоий омиллар асос бўлиб, ушбу соҳанинг мезонлари ва қоидалари инсонларга куч-куват бағишлайди. Аникроғи, бу со-ҳадаги ишлар орқали ҳар бир инсон ва халқ қилинаётган ишлар-нинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб етади, ўз меҳнатини фа-ровонлик ҳамда тараққиёт омилига айлантиришга ҳаракат қила-ди. Ижтимоий тараққиётга хос бўлган умумий қонуниятлардан бири — инсоннинг доимий равишда маънавий ва ғоявий таъсир-лар жараёнида шаклланиб ва камолга етиб бориши билан белги-ланади. Мафкура соҳаси жамиятда амал қилувчи ижтимоий меъ-ёрларга асосланади. Лекин бу меъёрлар ўз-ўзидан вужудга кел-майди ва ривожланмайди, балки шу жамият фуқаролари, фаол шахслар иштирокида амалга ошади. Демак, мафкурунинг шакл-ланиб бориши ва яшовчанлиги, авваламбор, шу жамият фуқаро-лари зиммасига юкландиган асосий масъулиятдир. Шахснинг ғоявий юксалиши ва жамиятнинг бу соҳадаги барқарорлигини сақ-лаш ниҳоятда катта аҳамиятга молик ва бир-бири билан узвий алоқадор ҳолатdir. Мазкур соҳадаги юксалиш инсон ҳаёти маз-мунининг бойишига, унинг шахс сифатида янада комилликка эри-шишига асос бўлади. Шахснинг ғоявий дунёси, унинг эътиқоди ва дунёқарashi шаклланиш даражаси мазкур жамиятда амал қилув-чи қадриятлар ва анъаналарга қанчалик мос келиши билан белги-ланади. Бундаги ўзаро мутаносиблик мафкура соҳасининг янада мукаммаллашиб бориши учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Хозирги илм-фанда "Мафкура соҳаси" тушунчаси "Фояшунос-лик", "Фоялар тарихи" ва "Фоялар фалсафаси" каби фанларнинг асосий категорияси ҳисобланади. Бу тушунчанинг илмий, фалса-

фий тафаккурда ёки оддий халқ тилида қўлланиб келаётган қўплаб таърифларини келтириш мумкин. Улар мазмун-моҳияти жиҳа-тидан бир-биридан фарқ қиласди. Ушбу ҳол бу тушунчанинг ўзига хос ривожланиш эволюциясини акс эттиради ва унинг серкирра маънога эга эканидан далолат беради. Шу билан бирга, кенг маъ-но-мазмунни ўзида мужассам этган бу тушунчага ҳар қайси инсон ўз ҳаётий қарашлари, тафаккури ва дунёқарашидан келиб чик-қан ҳолда турлича таъриф бериши ҳам мумкин. Шунинг учун бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотда бир-би-ридан фарқ қиладиган фикр-мулоҳазаларни учратганда, уларни ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос дунёқарashi, мушоҳада тарзи ифодаси сифатида қабул қилиш ўринлидир.

"Мафкура соҳаси" тушунчасига турли нуқтаи назарлардан ёндашиш мумкин. Лекин шу нарса аниқки, у гоя ва мафкура соҳа-сининг қонун ва талаблари, тушунча ва тамойиллари, унинг ўзига хос хусусиятларининг мазмун-моҳиятини ифодалайдиган кенг маъноли атама сифатидаги аҳамиятини сақлайди. Биз шу ҳақда фикр юритар эканмиз, бу масалани атрофлича ва чукур тахлил этишимиз, унинг факат ўзимизга маъқул, ижобий томонлари би-лан чекланиб қолмасдан, мураккаб жиҳатларини ҳам назардан четда қолдирмаслигимиз лозим. Бу борада мазкур соҳанинг қуий-даги жиҳатларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

- муайян ғоялар, уларнинг намоён бўлиш шакллари, хусу-сиятлари ва мафкура йўналишидаги фаолият тизими;
- жамиятнинг шу соҳасига хос ижтимоий муносабатлар ва инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни тартибга солувчи баъзи талаб ва қоидалар мажмуи;
- гоя ва мафкура соҳасидаги таълим-тарбия, тарғибот ва таш-виқот тизимидан иборат яхлит ҳодисалар ва жараёнлар мажмуи;
- инсоннинг ғоявий-мафкуравий жараёнлар доирасида амал-га оширадиган, ўзини ва ўзи яшаётган муҳитни такомиллашти-рувчи ижодий фаолияти ва унинг натижалари;
- инсоннинг эзгу ғоялар ва идеалларга интилиши, камолоти, унинг маънавий қиёфасининг такомиллашув даражаси;
- жамиятнинг барча соҳалари билан ўзаро алоқадор бўлган, муайян гоя ва мафкура асосида шаклланадиган талаблар ва та-мойиллар ҳамда инсон ҳаёти ва фаолиятини белгиловчи мезон-лар тизими.

Жамият ҳаётини бунёдкор ғояларга мос тарзда куриш ва одам-ларда шу асосда яшашга интилиш туйгусини шакллантириш аср-лар давомида, узлуксиз тараққиёт натижасида камол топган, хал-

қимизнинг онгу тафаккурида озодлик, мустақиллик, она-Ватан, меҳр-оқибат, ор-номус каби эзгу тушунчалар асосида шакллан-ган. Эзгулик ва бунёдкорликка сафарбар қиласиган ғояларга садо-қат асосидаги турмуш тарзи тамойиллари инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади. Айни пайтда, бу тамойиллар одамзоднинг ота-онадан табиий тарзда, тўла-тўқис ва тўғридан-тўғри ўтмайдиган, балки унинг етук шахс сифатида шаклланиши билан боғлиқ ҳолда, таълимтарбия жараёнида юзага келадиган ижтимоий фазилатларининг таркибий қисми сифатида амал қиласи. Улар инсоннинг моддий ва маънавий ҳаётида ҳам, бошқалар билан мулоқотида ҳам, жамият ва ўзгаларга муносаба-ти ва амалий фаолиятида ҳам намоён бўлади. Яна бир жиҳат — мазкур тамойиллар инсоннинг яшаш ва фаолият усули, моддий ва маданий эҳтиёжлари, унинг тафаккури, дунёқараши, маънавий қиёфаси, ижодининг ранг-баранглигини қамраб оладиган ўзига хос ижтимоий мезонлар ролини бажаради.

Фоя ва мафкура соҳасига тааллуқли ҳодиса ва жараёнлар бар-карор табиат ҳамдачуқур тарихий илдизларга эга. Кундалик воқеа ва ҳодисалар эса ўзгарувчандир. Шу сабабли ғоялар бу ҳодиса-ларга нисбатан муайян асос сифатида намоён бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини, йўналиш ва хусусиятларини белгилайди. Улар кенг маънода турли ижтимоий ўзгаришларни боғловчи бўғин, ин-сон ва жамият ҳаётидаги янгиланишларнинг мақбул ёки мақсадга мувофиқ эмаслигини аниқлайдиган умумий мезон вазифасини ҳам бажаради. Бу эса муайян давр ва жамиятдаги ҳолатни, воқеа-ҳодисалар моҳиятини тўла-тўқис аниқлаш учун ушбу соҳадаги ўзгаришларни дикқат билан ўрганиш зарурлигини англатади.

Аммо мафкуравий соҳа билан боғлиқ, унинг жамиятдаги ўрнини белгилайдиган муайян бир ҳолат ҳам дунё мамлакатлари ҳаётида учраб туради. Бу баъзи ҳолларда ушбу соҳанинг жамият ҳаётини бошқа жабхалари билан қоришиб, уларнинг ҳар бирига сингиб ва уйғунлашиб кетгани билан изоҳланади. Бундай жамиятларда мафку-ра соҳаси гўёки йўқдек бўлиб туюлади, ушбу йўналишда ишлар олиб борилмаётгандек тасаввур уйюнади. Аслида эса бундай "мафкурасиз-лик" ёки ғоя ва мафкура соҳасини йўқдек қилиб кўрсатиш, уни се-зилмайдиган ҳодисага айлантиришнинг ўзи ҳам бир мафкура, ғоявий тамойилларни амалга оширишнинг муайян йўли ва усулидир.

"Мафкура соҳаси" тушунчасини таснифлашда умумий мезон бўладиган асосларга қараб, унга хос сифатлар мажмуини янада кенгайтириш мумкин. Бу борадаги ёндашувлар орасида илмий-назарий, фалсафий, аксиологик, этнологик, психологик, куль-

турологик, социологик, теологик, плюралистик қарашлар ало-хида ўрин эгаллайди.

Кейинги йилларда хориждаги ғоя ва мафкура соҳаси мутахассислари орасида "**Идеосфера**" атамаси кенг қўллана бошлади. Бу-гунги кунга келиб, бу тушунча хилма-хил маъно касб этмоқда. Баъзи мутахассислар уни мафкура соҳасини, унда амалга ошаётган фао-лият ва жараёнларни ифодалаш учун кўлламоқда. Бошқалари эса, инсонни ўраб турадиган ғоя ва мафкуралар сфераси мавжуд, унда ғоялар ва мафкуралар вужудга келади, амал килади, ўтмишга ай-ланади ёки сақланиб қолади, одамлар доимо уларнинг таъсири ос-тида яшайди, деб ҳисоблайди. Улар инсониятни доимо ўраб тура-диган ғоялар дунёсини "идеосфера" деб атайди. Бундай қарашга асосланадиган мутахассислар фикрича, идеосферада ҳеч бир ғоя изсиз йўқолмайди. Ҳар қандай киши томонидан бирон-бир замонда баён қилинган ғоя унда муайян ўрин эгаллайди, зарур ҳолларда намоён бўлади, одамларга таъсир кўрсатади.

Биринчи ёндашувга кўра, жамиятнинг мафкура соҳасини (қискартириб айтганда — идеосферани) жамулжам ҳолда кишилар онгига таъсир кўрсатиш йўли билан уларни бошқариш функция-ларини бажарувчи, бу ишни профессионал даражада амалга оши-рувчи ва айни шу касб ҳисобига ўз эҳтиёжларини қондирувчи одамлар ва уларнинг бирлашмалари мажмуи ташкил этади. Улар-нинг бу мақоми муайян жамиятнинг қонунлари доирасида амал қилади. Агар менталитет даражасидаги бирон-бир ғоя ёки ҳодиса жамият қонунлари чегарасидан четга чиқса ёки ҳатто қонун би-лан тақиқланганига қарамай, норасмий мавжуд бўлса, у мазкур жамият ижтимоий тизимининг таркибий элементи ҳисобланмайди. Бундай ҳодисалар қаторига баъзи мамлакатлардаги мавжуд ижтимоий тизимни ўзгартиришга ҳаракат қилаётган, фаолияти тақиқланган сиёсий кучлар, диний секталар ва бузғунчи ташки-лотларнинг ғоялари ва фаолияти киради.

Ҳозирги замон жамиятларида диний ва дунёвий идеосфера фарқланади, бунда дунёвий идеосфера кенгроқ аҳамият касб этади. Жамиятнинг мафкура соҳаси ҳакида гапирилганда, айнан дунёвий идеосфера назарда тутилади. Бу сферанинг мутахассислари, хо-димлари ва хизматчилари бир сўз билан "идеолог" атамаси орқали ифодаланади. Идеологлар фаолиятининг обьекти одамлар бўлиб, уларнинг онги ва тафаккурини ўзгартириш бу соҳадаги кишилар-нинг дикқат марказидан ўрин олган. Идеологларнинг вазифаси — онг ва дунёқарашни турлича ҳолатда ўрганиш эмас, балки уни жамиятнинг ўз-ўзини асрар ва тараққий этиш манфаатларига му-

вофик шакллантириш. Идеологлар кишилар дунёкарашинй шакллантирап экан, муайян андозага мувофик иш кўради. Албатта, улар онгни ўз ишининг обьекти сифатида маълум даражада ўрганади, одамлар онгида стихияли равишда, уларнинг ҳаёт тажрибаси ва ўзини куршаган одамлар билан мулокоти асосида шаклланувчи омилларга муайян даражада таянади. Аммо идеологлар кишилар онгида ўз-ўзича содир бўлмайдиган баъзи хусусиятларни шакл-лантириш учун зарур бўлган муайян амалларни ҳам бажаради. Улар жамият талаблари ва эҳтиёжларига мувофик келувчи инсон қиёфаси ҳамдатафаккурини шакллантиришда кўплаб омиллар ва восита-ларга таяниб, фаолият юритади. Кишилик жамияти ривожининг илк босқичларида идеологларнинг вазифаларини табиблар, шаман-лар, кейинчалик коҳинлар, сўнгра руҳонийлар бажарган. Хрзирги вактда уларнинг ишини шу соҳа мутахассислари, сиёсатшунос-лар, социологлар, ёзувчилар, журналистлар ва кўп миллиардли инсоният учун "маънавий озик" яратиш билан шуғулланувчи бо-шқа касб соҳиблари давом эттирмокда.

Албатта, ўтган минг йиллар мобайнида бу соҳада ҳам улкан тараққиёт ва ўзгаришлар юз берган. Бутунги дунёда мафкура соҳасининг асосини ташкил этувчи одамлар мажмуи бир ерга гуж бўлиб йигилган кишилар тўдаси эмас. Уларни бу соҳага бирлаштирадиган омиллар орасида шу одамларнинг барчаси шуғулланадиган уму-мий иш, касбий тайёргарлик, улар ишлатадиган воситалар, бу ишга жалб этилиш муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг қайсиdir қисми гурухларга ва ҳатто мураккаб иерархиявий ташкилотлар, муас-сасалар, корхоналарга уюшган, айримлари эса жамиятнинг бошқа бўғинлари бўйлаб тарқалиб кетган бўлиб, хилма-хил вазифалар-ни бажаради. Умумий яхлитликка жамият эҳтиёжлари асосидаги касбий тайёргарлик ҳамда бажариш лозим бўлган фаолият манфа-атлари нуқтаи назаридан эришилади. Шу билан бирга, бу соҳа давлат ва жамоат ташкилотларига таянади, улар томонидан қўллаб-кув-ватланади, жамият манфаатларига хизмат қиласди. Ташкилий тузилиш нуқтаи назаридан жамиятнинг мафкура соҳаси кенг қам-ровли битта ташкилот эмас, балки кўп сонли ташкилотлар ва индивидлар доирасида, яъни монизм ва плюрализм оралиғида амал қиласди. Монистик жамиятга ягона давлат дини ёки бирон-бир яго-на мафкура амал қилувчи жамиятлар (масалан, диний давлатлар, собиқ иттифоқ, унинг шериклари) мисол бўлади. Плюралистик жамиятни замонавий мамлакатларда кузатиш мумкин. Идеосфера-даги плюрализм бир мамлакатда бир нечта идеосфералар мавжуд-

лигини англатмайди (худди иқтисодиётдаги плюрализм бир нечта иқтисодий соҳалар мавжудлигини англатмаганидек), бу бир идео-сфера доирасидаги плюрализмдир. Ҳар бир тизим доирасида ало-ҳида кичик тизимлар ташкил топади. Кичик тизимлар битта ягона тизимнинг яхлитлигини ташкил қиласи. Давлатлар, корхоналар, умуман инсон ҳаёти ҳам шундай тузилишга эга. Бундан ташқари, табиат, умуман, бизни қуршаб турган мухит ва ҳатто бизнинг ўзи-миз ҳам айни шундай тузилишга эгамиз. Бизнинг тафаккуримиз бош мияда юз берувчи, такрорланиб ва янгиланиб турувчи турли жараёнлар тўпламидан иборат.

Инсонга хос фикрлар ва ғоялар вужудга келади, бир-бiri би-лан бирикади, мослашади, тўқнашади, ўтмишга айланади, пин-хон қолади, намоён бўлади ва ҳоказо. Бу одамзод онги ва тафак-курига хос умумий қонуниятдир. Ҳдр бир инсон миясига ҳар куни бООдан ортиқ фикр келади, лекин уларнинг икки-уч фоизигина ўзининг ноёблиги, кераклилиги ва намоён бўлиши билан ажralиб туради. Фикр ва ғоялар одамзодни йўлга солиши рад этиб бўлмай-диган ҳақиқатдир. Бизнинг барча ишларимиз замирида фикрлар ва ғоялар, уларга асосланган хатти-ҳаракатлар ётади.

Идеосфера амалиёти натижасида ўзига хос мафкуравий май-дон яратилади ва у муттасил равишда мустаҳкамланиб, такомил-лашиб боради. Жамият аъзолари ижтимоий иерархиянинг барча босқичлари ва бутун умри мобайнида айни шу майдоннинг таъсир доирасида яшайди. Мазкур майдонда иштирокчи одамларгина эмас, балки шу соҳа мутахассислари ҳам фаолият олиб боради. Бу фао-лият одамлар онгини муайян ғоявий мазмун билан тўлдириш, та-факкур тарзини шакллантириш ва бошқаришнинг муайян йўлини ўйлаш, "миян ишлатиш" усулини ўргатиш орқали амалга оши-рилади. Бу бир марталик амал сифатида эмас, балки тинимсиз амалга ошуви ва янгиланувчи мафкуравий майдондаги ҳаёт жараёни си-фатида, кишилар онгига сингдириладиган сўзлар, образлар, матн-лар ва ҳоказоларнинг узлуксиз оқимида юз беради. Идеосферанинг фундаментал функцияси — жамият аъзоларининг асосий оммаси-да (иложи бўлса, уларнинг барчасида) воқелик ҳодисаларини му-айян ғоя асосида мустақил тушуниш қобилиятини вужудга келти-риш, бу борада уларга ўз ижтимоий функцияларини бажаришла-ри учун зарур бўлган дунёқарашни шакллантириш.

Идеосферада кишилар онги учун керак бўладиган тамойиллар оммани жамиятнинг онгли аъзоларига айлантириш зарурлиги ту-файли яратилади. Гап шундаки, одамлар дунёқарashi биологик

туғма феномен эмас, балки у инсоният тарихи натижасидир. Одам-лар онги, унинг биологик асосларини ҳисобга олмаганда, тарихан очик майдонда вужудга келади ва унинг индивидуал шаклланиш жараёни маҳсули ҳисобланади. Онгнинг шаклланиш жараёни ўз-ўзича қандайdir идеосфера яратиш жараёни эмас, чунки инсон онги эмпирик даражада бундай идеосферасиз мавжуд бўла олмай-ди. Онгни идеосферага мосламасдан, уни мафкуравий тайёрлаш ва гоявий тарбиялаш мумкин эмас. Ваҳоланки, бу ерда сўз одамлар-нинг улкан оммаси, бир неча авлод вакилларининг онги ҳақида бор-мокда. Одамлар эса ҳар хил бўлиб, уларнинг барчаси ҳам фаол ва юксак онгли эмас. Улар уюшишлари ва муайян меъёрларга риоя килишлари лозим. Шундагина улар мансуб бўлган жамият яхлит бир бутун тузилма сифатида сақланиб қолиши мумкин. Онгнинг ўзида бу хусусда бирон-бир кўрсатма ва чеклашлар зохир эмас. Улар яратилиши ва ҳар бир инсон онгига тарбия йўли билан олиб кирилиши, аниқроқ айтганда, унга сингдирилиши лозим. Одамлар онги инсоннинг абстракт фикрлаш салоҳиятига мувофиқ ва унга хос ақл-заковатнинг тараққиётига эришишини кўзлаб эмас, балки уларнинг ўз-ўзини асраш манфаатлари талаб этган даражадагина шаклланган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Одамларнинг мутлақ кўпчилиги идеосфера доирасида яшайди, айrim кишилар-гина ундан чиқишига ҳаракат қилиши мумкин. Аммо кўп ҳолларда уларнинг фаолияти, одатда, меъёрдан огиш сифатида қаралади ва бу аслида ҳам шундай салбий ҳолатdir.

Идеосфера таъсири натижасида жамиятда муайян тамойиллар ва талабларни ўзлаштирган кўп сонли кишилар пайдо бўлади. Бу кишилар бир ғоя ёки андозага мувофиқ фикрлайдиган, ҳаёт ҳоди-саларига асосан бир хилда баҳо берадиган ва муайян вазиятларда бир-бирига ўхшаш иш кўрадиган ижтимоий муҳитни ташкил эта-ди. Улар жамият менталитетининг умумий ҳолатини белгилайди ва идеосфера вакиллари томонидан ташкил этиладиган муайян тад-бирларга жалб қилинади, унинг фаол таркибий қисмига айланади.

Бинобарин, юқорида зикр этилган мафкуравий майдон жисмсиз нарса эмас. Бу одамлар оммаси томонидан яратиладиган ва муттасил равиша қўллаб-қувватлаб туриладиган ҳолатdir. Идеосферанинг кучи унинг ихтиёрида бўлган одамлар онгига таъсир кўрсатиш воси-талари, давлат ҳамда жамиятнинг бошқа соҳалари томонидан унга кўрсатиладиган мададдагина эмас, балки юқорида зикр этилган жа-мият аъзолари оммаси билан узвий bogлиқligida ҳамdir.

Фоялар оммани ўзига жалб қилгандагина моддий кучга айланади. Аммо ғоялар оммани доимо ҳам ўз-ўзича, фақатгина ўз маз-

муни билан эмас, балки мазкур гояларни яратувчи ва уларни одамлар онгига сингдирувчи механизм мавжудлиги туфайли ҳам ўзига жалб қиласи. Айни шу механизм идеосферанинг мазмун-моҳиятини ташкил этади ва жамиятда яшайдиган одамларга мут-тасил таъсир кўрсатиб туради.

Идеосферанинг функциялари ва уларни бажариш воситала-ри тарихан соғ амалий йўллар (тасодифий амаллар ва хатолар методи) ёрдамида шаклланган. Онг ҳакида ҳамма томонидан тан олинган мутлак илмий хулоса идеологларда ҳеч қачон бўлмаган ва ҳанузгача мавжуд эмас. Бу амалда талаб қилинмайди ҳам. Кун тартибида фақат битта вазифа турган, турибди ва бундан буён ҳам туради: жамиятнинг барча аъзолари онгини эзгу гояларга йўналтириш, шу асосдаги андозага солиш, одамларда жамиятда мақбул тарзда яшаш, ўзини қуршаган мухитда тўғри мўлжал олиш кўникмаларини шакллантириш, уларда жамиятни ўз-ўзини асраш имкониятини берувчи фикр ва тасаввурларни шаклланишга эришиш. Тафаккур белгилар билан иш кўриш қобилиятидан ибо-рат бўлгани боис, маҳсус ихтиро қилинган белгилар ва уларни одамларга нисбатан ишлатиш қоидалари — алоҳида сўзлар, жум-лалар, матнлар ва таълимотлар мажмуи онгга таъсир кўрсатишнинг асосий воситасига айланган. Хдтто, бошқа тасвирий восита-лар (суратлар, ҳайкаллар, томошалар, мусика) ишлатилган ҳолда ҳам, уларнинг тил белгилари билан алоқаси ва айни шу белгилар воситасида иш юритилиши ҳамиша назарда тутилади.

Идеосферанинг таркибий қисми бўлган мафкура тизимлашти-рилган битта, ягона таълимот сифатида очик-ойдин қайд этили-ши (масалан, жаҳон динлари, конфуцийчилик, платонизм ва ҳ.к.) ёки тизимлаштирилмаган, кўп сонли ва турли-туман матнлар бўйлаб сочилиб кетган, ягона тизимли таълимот сифатида баён этиш анча мушкул иш саналган ҳолатда бўлиши (бу ҳол, маса-лан, ҳозирги Фарб мамлакатларида кузатилади) мумкин. Айни пай-тда, тизимлаштирилган ва тизимлаштирилмаган мафкура шакл-ларига ҳам дуч келиш мумкин.

Идеосфера маънавият ва маданият соҳасидаги илмий билиш ҳамда ижод маълумотларида, китобларда, газета-журналларда, театр, кино, телевидениеда ва умуман, одамлар кўрадиган, эши-тадиган ва ўқийдиган барча нарсалар тарзида ҳам намоён бўлади. Бу жиҳатдан мафкурани алоҳида ижтимоий ҳодиса сифатида мав-хумлаштиришнинг икки йўли бор. Биринчи йўл — ахборот ва ижод уммонида мафкуранинг муайян умумий жиҳатларини аниқлаш ва

уларни тизимлаштирилган таълимот сифатида қайд этишга хара-кат қилиш. Аммо бунда мафкуравий ҳодисаларни ажратишнинг қайси мезонларига амал қилиш лозим? Бунинг учун иккинчи йўл бор — юқорида зикр этилган ахборот ва ижод уммонининг ҳар бир қисмида мафкурага тегишли бўлган нарсаларни ажратиш имкони-ятини берувчи методни (мезонлар тўпламини), мафкура ҳодисала-рини бошқа хил ҳодисалардан ажратиш мезонини кўрсатиш. Бу йўлларнинг биринчиси иккинчисига бевосита bogлиq.

Хар қандай мафкура муайян қоидаларга мувофиқ бирон-бир гоя асосида яратилади. Айни шу қоидалар жамулжам ҳолда маф-куравий фикрлаш услубини ёки гоя асосидаги тафаккур тарзини ташкил этади. Бу услугуб мафкуравий йўл билан таъсир кўрсати-лаётган барча одамларнинг онгига (у ёки бу даражада, албатта) сингдирилади. Мазкур услугуб воситасида одамлар идеологларсиз ҳам улар бажараётган ёки бажаришлари лозим бўлган харакат-ларни ўzlари кузатаётган, бевосита иштирок этаётган, бошқа одамлардан эшитган ва ахборот воситалари орқали хабар топган ҳодисаларга нисбатан амалга оширади. Улар ўз онги учун муайян тарзда олувчи "маънавий озиқ"ни мафкуравий жиҳатдан "ҳазм қилиш"ни, лўнда қилиб айтганда, ўз онги учун ғоявий тамойил-ларни ўзлаштиришни ўрганади. Одамлар муттасил идеологлар таъсири остида бўлишлари шарт эмас. Шу туфайли ҳам мафку-равий ишнинг анча қисми одамларнинг ўzlарига топширилади. Омма томонидан муайян ғояларни керакли йўсундаги ҳазм қилиш одатдаги ишга айлангандагина, бу ғоялар уларнинг онгидан чукур ва мустаҳкам ўрин олади.

Мафкуравий фикрлаш услубини тавсифлаш учун уни илмий фикрлаш услубидан фарқлаш лозим. Маълумки, илмий фикр-лаш услуби холислик, объективлик, профессионаллик, манти-қийлик ва диалектиклик каби белгилар билан тавсифланади. Маф-куравий фикрлаш услуби шу нуқтаи назардан илмий фикрлаш услубининг муайян натижаси ва давоми хисобланади. Масаланинг бу жиҳатларини билиш мазкур феномен ҳакида анча аниқ тасав-вур ҳосил қилиш имкониятини беради. Идеологларнинг вазифаси одамларга ўзини куршаган дунёни ва ўз-ўзини муайян ғоялар асо-сида шаклланган ўз таълимотларига мувофиқ қандай талаб эти-лаётган бўлса, шундай тасаввур қилиш ва тушунишни ўргатиш, уларни бунга кўниктаришдан иборат. Лўнда қилиб айтганда, улар-нинг фаолияти одамларга борлиқни қандай тасаввур қилиш, ўзи хаётда дуч келадиган нарса ҳамда воқеалардан қайсиларини ва

қай кўринишда ўз онгига ўтказишни ўргатишга қаратилади. Бош-қача айтганда, идеологлар воқелик ҳақида муайян тасаввур (ту-шунча)ни кашф этади ва у жамият аъзоларининг шакллантири-лаётган онгига нисбатан шак-шубҳасиз мезон тусини олади. Идео-логлар бу тасаввурни жамият аъзолари, шу жумладан, ўзлари-нинг онгига ҳам сингдиради, чунки уларнинг соҳасида ҳам идео-сфера функцияларини бажарувчи инсон тафаккурини такрор яра-тиш амалга оширилади. Қолаверса, уларнинг ўзлари ҳам айни шу идеосферадан сабоқ олади, ундан таъсиранади.

Мафкура соҳасини ўрганишда унинг тарихан қандай шаклла-ниши ва асосий жиҳатлари шакллангач, қандай фаолият кўрса-тишига эътибор бериш лозим. Биринчи йўлда у билишнинг муайян натижаларидан келиб чиқади ва улардан муттасил баҳра ола-ди, билишнинг муайян воситаларидан фойдаланади. Аммо у буни билиш мақсадида эмас, балки жамиятда ўз функцияларини ба-жариш воситаларини яратиш мақсадида, яъни дунё ҳақида шак-шубҳасиз тасаввур тарзини яратиш ва мазкур дунё ҳақидаги маъ-лумотларни айни шу руҳда такомиллаштириш мақсадида амалга оширади. Идеологлар муайян турдаги интеллектуал образлар, ёрликлар, умумлаштирувчи намуналар, андозалар, ривоятлар, турли иборалар, шиорлар ва ҳоказоларни борлиқни объектив билиш йўлида ёрдамчи воситалар тарзида эмас, балки билиш-нинг пировард натижаси сифатида яратади. Одамлар мафкуравий фаолиятнинг бу маҳсулларини ўзлаштиришлари ҳамда улар асо-сида воқеа ва ҳодисаларга ёндашишлари талаб этилади. Бу маф-куравий маҳсуллар ғоявий озиқнинг турли хил истеъмолчилари учун яратилади, уларнинг айримлари (масалан, диний таълимот-лар) ҳаммага, айримлари эса (масалан, фалсафий концепциялар) айрим тоифа, кишилар гурухига мўлжалланган бўлади. Аммо си-фат жиҳатидан улар бир хил ҳодисалар ҳисобланади. Уларнинг ижтимоий функцияси одамларга ўзини куршаган дунёни идрок этиш ва унда мўлжал олишнинг шак-шубҳасиз идеалини бериш-дан иборат. Кишилар ва жамоаларни шакллантириш жараёни-нинг дастлабки босқичларида зарурий ва фойдали бўлган бу функ-ция вақт ўтиши билан аста-секин кенгайиб борган ва одамлар тафаккури учун мезон сифатидаги аҳамиятини намоён қилган.

Мафкуравий фикрлаш услубини илмий фикрлаш услубидан ажратиш имкониятини очиб берувчи бошқа бир жиҳат — унинг фақат ўзи таянган гояга хизмат қилиши билан боғлиқ. Бундай фикрлаш услубининг вазифаси жамиятнинг ўз-ўзини асрashi,

янада ривожланиши учун замин яратиш, унинг ижтимоий тузи-лиши ва ахолининг шаклланган турмуш тарзини ҳимоя қилиш, шунингдек, уни бегона ва ёт ғоялардан химоялашдир. Ўз-ўзидан равшанки, мафкура ўзи хизмат қиласиган мавжуд ижтимоий ту-зумни мустаҳкамлаш, ёт ва бегона ғояларнинг манбалари ҳамда образларини кўрсатиб бериш, уларни баҳолашнинг муайян тизи-мини яратиб, кишилар ҳаётига мазмун баҳш этиши ва уларнинг жамият аъзолари сифатида хулқ-атворига таъсир кўрсатишига қаратилган муайян қадриятлар тизимини шакллантириши лозим. Баъзи ривожланган мамлакатлар ахолисининг ғоявий ҳолатига назар ташласак, уларнинг онгидан мафкуравий борликнинг барча муҳим ҳодисаларига доир шак-шубҳасиз андозаларгина эмас, бал-ки мазкур ҳодисаларга берилган баҳолар ҳам мустаҳкам ўрин ол-ганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Мафкуравий таълимотлар, одатда, профессионал тадқикотчилардан кўра кўпроқ ахолининг кенг қатламлари учун яратила-ди. Улар серкира мохияти ва мазмунининг мураккаб даражасига кўра ҳам бир-биридан фарқ қиласи. Кенг даражада улар хотира-га осонгина ўрнашиши, образли ва ҳаммага тушунарли бўлиши, туйгуларга осон таъсир кўрсатиши, одамларнинг муайян майл-ларига мувофиқ келиши, уларнинг орзуларини рўёбга чиқариш йўлларини кўрсатиши, унга дахлдорлик ҳиссини яратиши, қизи-қиши уйғотиши лозим. Ҳатто бу таълимотларни мутафаккирлар яратган ва улар муайян гурухга мансуб кишиларга (масалан, кант-чиларга, гегелчиларга, XIX-XX асрларнинг фалсафий концеп-циялари тарафдорларига) мўлжалланган бўлса ҳам, улар бари-бир муайян мафкуравий функцияни бажаради. Чунки улардан айрим сўзлар, гаплар ва эслаб қолиш нисбатан осон бўлган матн-лар ажратиб олинади, мафкуравий муомалага киритилади. Бу-нинг устида кўплаб шарҳловчилар иш олиб боради. Уларнинг маҳ-сулоти ҳам кенг оммага тушунарли бўлиши лозим. Бунга эришиш учун мафкуравий таълимотлар оддий одамнинг фикрлаш дара-жасига мувофиқ келиши ёки уларнинг тафаккур услубини маф-куравий дунёкарош даражасига кўтаришга қаратилиши лозим.

Мафкуравий таълимотларнинг аниқдиги ва тушунарлилиги ҳам муайян мақсадга қаратилган бўлади, бу ҳам шу соҳанинг ўзига хос жиҳатлари қаторига киради. Мафкура орқали муайян мента-литетнинг нисбатан юксак даражаси вужудга келади. Буни маф-кура соҳасида ишлатиладиган сўзлар ва иборалар ҳам тасдик-лайди: "олам", "абадият", "ақл-идрок", "худо", "ҳаракат", "руҳ",

"инсон", "яхшилик", "ёмонлик", "такдир" ва х.к. Бу сўзлар ва ибораларни аниқ тушуниш учун уларнинг барчаси алоҳида тал-қинга (шарҳга) муҳтоҷ. Мазкур функцияни барча турдаги про-фессионал идеологлар (содда сўз ва жумлалар билан иш кўрувчи руҳонийлардан тортиб, мураккаб тафаккур тарзига эга бўлган илоҳиётчилар ва файласуфларгача) бажаради.

Мафкура қадим замонларда энг олий ҳақиқат мақомига даъво-гарлик килган. Одамлар ўзларининг ҳозирги тараққиёт даврига етмаган, ҳали фан ҳам мавжуд бўлмаган ва идеологлар айнан воқеликни билиш ва ақл-заковатнинг ривожланганлиги жиҳати-дан ўз қабиладошларидан устун турган даврда мафкура бундай даъвогарлик учун асосга эга бўлган. Аммо у замонлар ўтиб кетди. Амалда мафкура ойдек равshan харакатлардан жамият ҳодисала-рини билишга доир барча жиҳатларни ялпи ўзлаштиришгача бўлган доирада амал қиласди.

Мафкурада асосан, муайян воқелик манзарасини яратувчи омиллар етакчилик қиласди. Бу манзара ёлғон эмас, унга "ҳақиқат" ҳамда "ёлғон" тушунчаларини татбиқ этиш қийин ва мураккаб масала. Бу — сифат жиҳатидан бутунлай ўзгача ҳодиса. Мафку-равий манзара одамларга уларнинг кундалик ҳаёт фаолиятида халақит бермайди. Аксарият ҳолларда кўпчилик одамлар ўзлари муайян таъсир остида эканига эътибор бермайди. Мафкуравий тафаккур ҳар бир сўз ва жумлада ўзидан нишона кўрсатмайди, балки муайян фаолият ёки хатти-харакат жараёнида ўзлигини намоён қиласди. Аммо мафкуравий майдон айнан бир ҳаракатда ва фаолият жараёнида ўзини намоён этиши мумкин — ҳаммаси бу қандай ҳаракат ва қандай фаолият эканига ҳамда улар қандай вазиятда амалга оширилганига боғлиқ бўлади.

Идеологлар ўз таълимотлари ва интилиш лозим бўлган идеал манзарасини яратар экан, у ҳақиқий воқелик унсурларини ўз ичига олишига, одамлар ўз ҳаёт функцияларини бажаришига ёрдам беришига эришишга ҳаракат қиласди. Бундай таълимотлар одам-ларни мулоҳаза юритиш, қарорлар қабул қилиш заруриятини бажариш даврида уларнинг ҳаётини маълум даражада енгиллаш-тирадиган қилиб яратилади. Одамлар учун бундай ҳолат ижобий омил ҳисобланади ва бусиз улар ёмонроқ яшаган жамият узоқ мавжуд бўла олмади.

Мафкуравий таълимотлар воқелик ҳақидаги назариягина эмас, балки одамлар хулқ-атворининг ўзига хос мезони, улар фаолияти-нинг дастуриламали ҳамдир. Бу нуқтаи назардан, мафкура тамо-

йиллари ўз моҳиятига кўра, реал вазиятдаги ўзгаришлардан қатъи назар, ўзгармас ва шак-шубҳасиз бўлиши, аниқ белгилаб қўйили-ши лозим. У муайян вазиятларда одамлар хулқ-атвори қоидаларини мазкур вазиятлар ҳақидаги илмий тасавурлар асосида белгилаб беради. Айнан шу сабабли мафкура ўз шаънига айтилган танқидий сўз ва ислоҳотларга бардош бериши лозим. У муайян дунёкарош ва ҳаёт тажрибаси негизида вужудга келганидан сўнг, маънавий ҳақиқат, ҳаётий дастуриламал сифатида амал қиласи. Бунга жаҳон динлари мисол бўлиши мумкин. Ва айниқса, одамлар кўнинкан мафкурадан воз кечилиши уларни саросимага солиб қўйиши ва ғоявий бўшлиқ юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда одамлар вазиятга холисона баҳо бериш ва тегишли ғоявий тамойилларни ўзлаштириши учун вақт ҳамда тажриба талаб қилинади.

Мафкуравий тафаккур бу соҳадаги жараёнларнинг муҳим қис-мидир. Унинг даражаси мафкуранинг жамиятдаги функциялари билан белгиланади. **"Мафкуравий тафаккур"** тушунчаси муайян ғоя ва мафкура асосида шаклланган фикрлар, мулоҳазалар ва қарашлар, тушунча ва тамойиллар мажмуини англатади, шу со-ҳадаги инъикос шаклини, таъсир ва акс таъсир натижаларини ифо-далайди. Мафкура ўз-ўзича фикрламайди, балки қайсиdir идео-логлар тадқиқотлар билан шуғулланадиган бўлса, бу ишга идеолог сифатида эмас, балки кўпроқ тадқиқотчи сифатида кўл уради. Маф-кура соҳасида тадқиқотлар натижаларидан фойдаланилади, муайян вазифаларни бажариш мақсадида бу натижалар умумлашти-рилади ва таҳлил этилади. Мазкур воситаларнинг (мафкура техни-каси) тизимлаштирилган илмий тавсифи ҳозиргача мавжуд эмас. Айни ҳол бундай тавсифни яратиш осон иш эмаслиги, ҳозиргача бунга илмий жамоатчиликнинг қизиқиши камлиги билан изоҳлана-ди. Мафкуравий тафаккур техникасининг тизимли илмий тавси-фини бериш учун, аввало, мантикий тафаккур техникасининг тав-сифини яратиш, яъни мантиқ ва фан методологиясига тизимли тавсиф бериш зарур. Сўнгра, мантикий фикрлаш назариясини баён этишнинг ҳар бир боскичида мантиқ қоидалари амал қилиши мум-кин бўлган ҳолларни ва техник жиҳатдан бу қандай амалга ошири-лишини кўрсатиш лозим. Шу тарика ўзига хос мантикий тавсиф-лаш амалга оширилади. Айни шу тавсиф амалда мафкуравий та-факкур аппаратининг тавсифи бўлади. Бу ерда мафкуравий та-факкур техникасини илмий ўрганиш ва тизимли тавсифлашдан жамоатчилик манфаатдор эканлигининг сабаби намоён бўлади: бу амалда сиёsatшунослар, жамиятшунослар учун дарсликлар яра-

тишдан бошқа нарса бўлмас эди. "Соф" ҳолатда олинган бундай фаолият омма онгида бу хақда холис тасаввур уйғотиш ва муайян тафаккурни шакллантириш техникасидир.

Юқорида баён этилганларни тушунтириш учун бир нечта ми-соллар келтирамиз. Мантикий тафаккур аниқ бир йўналишларда ишлатилишидан қатъи назар, бирон-бир маънога эга бўлган муай-ян тушунчалар билан иш кўради. У тушунчаларга аниқ ва узил-кесил таърифлар беришга ҳаракат қиласи. Зеро, бундай таъриф-ларсиз бирон-бир илмий тадқиқотни тасаввур қилиш мумкин эмас. Мафкуравий ёндашув тили бундан мураккаброқ. У ишлатадиган иборалар маъно жиҳатдан кўп маънолилиги, қўшимча шарҳлашга муҳтоҷлиги, беришган шарҳга қараб ўз маъносини ўзгартириши билан ажралиб туради. Мафкуравий фикрловчи одамлар сўзлар-дан оддий тушунчалар сифатида эмас, балки алоҳида мазмунга эга бўлган атамалар ва обьектлар сифатида фойдаланишга одатлана-ди. Масалан, сиёсатшунослик ёки сОциология асосий атамалари, яъни "жамият", "давлат", "сиёsat", "демократия", "партия", "бо-зор", "маданият" ва ҳ.к. ниҳоятда сермаъно ва хилма-хил тарзда намоён бўлади. Бу сўзларни ишлатувчи мутахассислар уларни қандай вазиятда ва қай тарзда қўллаш лозимлигини яхши билади.

Мафкуравий фикрлаш бу борада шаклланган тафаккур усу-лининг таркибий қисмидир. Унинг даражаси шу билан белгилана-дики, мураккаб, серқирра ва ўзгарувчан ҳодисаларда тарғибот нуқтаи назаридан қулай бўлган айrim жиҳатлар унда акс этади. Бу жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратилади. Ҳодисанинг моҳия-ти кўпроқ айни шу жиҳатлар билан белгиланади. Бунда шундай бир далиллардан фойдаланиладики, уларга ишора қилиш ҳодиса тавсифини тез тушунишга кўмаклашади. Натижада унинг мафку-равий манзараси хосил бўлади. Бу усулдан мафкурачилар тарғи-ботда кенг фойдаланади.

Мафкуравий нутқлар ва асарларнинг муаллифлари ўз фикр-ларини мантикий фикрлаш принципларига мувофиқ асослашга ҳаракат қиласи. Бунда конкрет мисолларга ҳаволалар кенг қўлла-нилади. Мантиқ қоидаларига мувофиқ, конкрет мисоллар умумий фикрларнинг исботи бўлиб хизмат қиласи. Худди шунингдек, амал-да гоя ва мафкурани ифодалайдиган сўзлар оқимиға мантикий изчил ёндашишга интилиш ҳам одатдаги ҳол хисобланади. Маф-куравий ва мантикий фикрлаш тарихан яхлит бир бутун, турли сўзлар ва белгилар асосида фикрлаш сифатида пайдо бўлган. Вақт ўтиши билан улар белгилар асосида фикрлаш умумий муҳитидан

ажралиб чиқа бошлаган. Айни пайтда, мафкуравий фикрлаш мантиқий фикрлаш билан генетик алоқани сақлаб қолган. Мантиқий фикрлашдан фарқ қиласа-да, мафкуравий фикрлаш мантиқий асос-га таянишга ҳаракат қиласи. У мантиқ қоидаларидан фойдаланган ҳолда, мазкур қоидаларни ўзига мослаб қўллайди ва мантиқий ҳақиқатдан фойдаланган ҳолда амалга оширади.

Бугунги кунда мантиқий фикрлаш мафкуравий фикрлашнинг асл моҳиятини англашнинг асосий воситасига айланган. Ҳозирги вактда кўплаб мамлакатларда дунёдаги бугунги вазиятни мафку-равий тавсифлаш кенг миёсда амалга оширилмоқда. Бу ишга му-таксислар, ижодкорлар ва оммавий ахборот воситалари жалб қилинган. Мазкур фаолият мафкуравий фикрлашнинг ўта ривож-ланган техникаси ёрдамида амалга оширилиб, унинг натижалари-дан хилма-хил мақсадларда фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Хуллас, мафкура соҳаси ҳар қандай жамият ҳаётининг тарки-бий қисми сифатида инсон фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳанинг ўзига хослиги шундаки, ушбу йўналишда яратилган "маҳ-сулотлар" моддий эмас, балки маънавий мазмунга эгалиги билан тавсифланади. Ушбу йўналишда олиб борилаётган фаолият нати-жалари одамлар онги ва тафаккури, уларнинг жамиятдаги фуқа-ролик позицияси ва фикрлаш тарзининг ўзгариши сифатида намоён бўлади. Бу борадаги назария ва таълимотлар, дастурлар ва чора-тадбирлар ҳам ана шу натижага хизмат қиласи. Шунинг учун ҳам бугунги кунда, бир томондан, мафкура соҳасидаги ўзгаришлар ва жарабёнларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, ўрганиш ва хулоса-лар чиқариш, иккинчидан, тадқиқотларнинг натижаларидан ижо-дий фойдаланиш, учинчидан, одамлар онгидага эзгуғояларга садо-кат, уларни амалга оширишда омилкор ва фаол бўлиш туйғусини шакллантириш ушбу йўналишдаги муҳим вазифага айланмоқда. Бу эса ҳар биримизга улкан масъулият юклайди.

11-мавзу. Мафкуравий онг, ғоя ва мақсад, идея ва идеал

Ҳозирги замон фалсафасида «Мафкуравий онг» тушунчаси бир неча маъноларда қўлланилади. Моҳиятига кўра, мафкуравий онг тарихий, ижтимоий-фалсафий, иқтисодий, социологик ғоя ва қарашлар билан боғлик тарзда намоён бўлади. Уни муайян ғоявий мақсадлар, мафкуравий мўлжаллар, шу соҳадаги турли қадри-ятлар, далил, мақсад ва мазмунни акс эттиришига кўра онгнинг бошқа шаклларидан фарқлайдилар. Мафкуравий онгнинг предмети инсоннинг ғоя ва мафкура соҳасидаги турли шаклларда намоён

бўладиган, муайян мақсадга қаратилган ижтимоий фаолиятидир. Шу маънода, «**Мафкуравий онг**» тушунчаси ижтимоий жараён-ларнинг таркибий қисми бўлган, гоявий, мафкуравий ҳодисалар ривожланиши, тараққиёти қонунлари, сабаб ва манбаларини аниқ-лашга қаратилган онг шаклини ифодалайди.

Мафкуравий онг ҳақида сўз борар экан, энг аввало, масала-нинг икки жиҳатига эътибор қаратиш керак. Биринчидан, ҳар қандай мафкуравий онг жамиятда пайдо бўлади, шаклланади ва маънавий-маданий асосларга таянади. Бу ҳар қандай мафкуравий онг ижтимоийдир, яъни у инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғ-лик, деган маънони англатади. Иккинчидан, мафкуравий онг ин-сон онги шаклларидан биридир, яъни у жамиятни, ижтимоий жараён ва ҳодисаларни гоявий нуқтаи назардан англаш натижка-сидир. У онгнинг бошқа шакллари — табиатни англаш (табиатшу-нослик) ва тафаккурдан (гносеология, мантиқ) фарқ қиласди. Ас-лида, улар орасида чегара йўқ, балки шу асосларда иш кўради-ган, фаолияти мазкур йўналишлар билан боғлиқ бўлган кишилар ҳамда мутахассисларнинг онги ва дунёқарашида фарқ бор.

Шу маънода, мафкуравий онг асос бўлган гуманитар тафак-кур соҳибларининг дунёқараши, фикри, фаолиятида ўзига хос-лик борлигини инкор этиб бўлмайди. Худди шундай технократик ва гуманитар дунёқарашга эга бўлган кишиларда ҳам шу тарзда-ги ўзига хослик кўзга ташланади. Баъзан онгидаги технократик фикр-лаш устувор бўлган одамлар эрмшилаётган ютуқ, кашфиёт инсон учун, унинг камолоти учун хизмат қилиши лозимлигини унтиб кўяди. Иккинчи томондан эса, аксарият гуманитар соҳа вакилла-ри учун техник ва табиий йўналишдаги қонун-қоидаларнинг маз-муни тушунарсиз, уларнинг моҳияти қоронғудек бўлиб туюлади ва шундайлигича қолиши ҳам мумкин.

Аслида бундай қарашларнинг илдизи узоққа бориб тақалади. Масалан, ўрта асрлардаги механизм оқимида бу яққол кўрина-ди. Хусусан, ХУП-ХУШ асрларда, яъни механика энг ривожлан-ган фан ҳисобланган даврларда гуманитар фанлар методологиясида механик қарашларнинг таъсири кучли бўлган. Бирок, бу таъсири қанчалик кучли бўлмасин, фақат ўз даврида, аниқ фанларга хос назарий-методологик асосларнинг ривожланганини ҳисобга олган ҳолда, тарихий характерга эга бўлган эди, дейиш мумкин. У давр-Да ижтимоий ҳодисаларни гоявий-мафкуравий англашнинг ўзига хос хусусиятга эгалиги ҳали тўла англаб етилмаган эди. Масала-нинг бу жиҳатини таҳлил қиласди, бу борада Шарқ, айниқ-

са, Марказий Осиё илмий тараққиётида гуманитар ёки табиий-тех-ник хусусият устуворлик қилган дунёқараш соҳибларининг бир-бир-ларига қарама-карши турмаганининг гувоҳи бўламиз. Маънавийлик ва маърифатпарварликка асосланган, гуманизм ғоялари устувор бўлган Марказий Осиё цивилизациясида бу икки жиҳат уйғунлаш-ган ҳолда умумий яхлитлиқда намоён бўлади. Айнан шу жиҳат, бир томондан, ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний каби ило-ҳиёт илми алломаларининг, иккинчи томондан эса, Хоразмий, Фо-робий, Беруний, Ибн Сино, Улугбек ва уларнинг издошлари мансуб бўлган илмий йўналиш вакилларининг бир диёрда замондош бўлиб яшаб, ижод қилишлари учун имкон яратган. Ҳам диний, ҳам дунё-вий, ҳам ижтимоий-гуманитар ва табиий-илмий ғоялардан боҳабар бўлган Қозизода Румий ва Алишер Навоий, Али Қушчи ва Бобур Мирзолар фаолияти ҳам бунга яққол мисолдир.

Яна бир йўналиш тарафдорлари айнан мафкуравий онг шакл-ларига мос ўзига хосликни топишга ҳаракат қилганликларидан гу-воҳлик беради. Бу интилиш Баден мактаби вакиллари (Виндель-банд, Риккерт) ижодида намоён бўлди. Мафкуравий онгнинг рик-кертча концепцияси XX асрнинг биринчи ярмида ижтимоий фан-лар мантиқи ва методологияси билан шуғулланувчиларгагина эмас, балки файласуфлар, мантиқшунослар, тарихчилар, сиёсатшунос-лар учун ҳам бу соҳада муаммолар борлигини англашга ёрдам берди. Яъни, мафкуравий жараёнларга оид тамойиллар ҳақиқийми, улар воқелик қонунларига мосми, деган масалалар устида бош қоти-риш зарурати пайдо бўлди. Бу масалалар умуминсониятга тегиши-ли экани, уларнинг ечими мафкуравий онг ва гуманитар дунёқа-раш учун умумий бўлгани учун ҳам катта аҳамиятга моликдир.

Мафкуравий онгнинг моҳиятини тушунишда ижтимоий онгга тегишли бўлган барча жараёнлар унга ҳам хос эканини эътироф этиш жоиз албатта. Даилларни изоҳлаш ва умумлаштириш (эм-пирик босқич), тадқиқ қилинадиган ҳодисаларни тушунтириш, уларнинг қонун ва сабабларини аниқлаш, назарий ва мантиқий таҳ-лил, башорат қилиш ва бошқалар мафкуравий онг учун ҳам уму-мий жиҳатлардир. Бу, бир томондан, мафкуравий онгнинг барча онг шакллари билан ўзаро алоқадорлигини, иккинчи томондан эса, унда ўзига хос алоҳида хусусиятлар, турлича намоён бўлувчи ички фарқлар мавжудлигини ифодалайди. Бундай хусусиятлар ижти-моий ҳодисаларни мафкуравий англашда яққол кўринади.

Хаётда яратилаётган нарсалардан кимлар фойда кўрмоқда, улар қайси ғоялар ва қандай мақсадларга хизмат қиласди, деган саволлар ҳам бор. Масаланинг ушбу жиҳатини ҳисобга олмаслик методологик хато бўлгани сингари, мафкуравий онгнинг моҳияти ва унинг методларини мутлақлаштириш ҳам идеологизмга сабаб бўлади, бу борада нотўғри хуносаларга олиб келади. Бу масалага аниқлик киритиш учун мафкуравий онг тарихига, тўғрироғи, унинг ўтмишда шаклланган фалсафасига мурожаат қилиш зарур.

Мафкуравий онг соҳасидаги методологиянинг шаклланиши икки асосий йўналишга эга: 1) ғоя ва мафкуралар тарихи соҳасида; 2) ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида. Мазкур йўналишларнинг мазмуни, характеристири ва муаммолари инсоният тараққиёти жараё-нида мазмунан бойиб, такомиллашиб борган. Ҳозирги кунда "ғоялар тарихи" атамаси қўйидаги мазмунларга эга:

- а) ғоялар тарихи, унинг бир бутунлиги ва такомил босқичлари ҳақидаги илмлар мажмуи;
- б) ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакнинг узвий бирлигини умумий гоявий-мафкуравий жараён сифатида талқин этадиган назария;
- в) ғоялар билан боғлиқ жараёнларни рационал восита ва методлар билан тадқиқ қилувчи фаннинг таркибий қисми, яъни мафкуравий эпистемология;
- г) мафкуравий онг ва дунёқараш, шу соҳадаги таълимот ва назариялар ҳақидаги концепциялар мажмуи.

Фоя ва мафкуралар тарихини бир бутун ҳолда тасаввур қилиш бу соҳадаги ёндашувнинг мезони ҳамда мақсади ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу соҳани фалсафий жиҳатдан ўрганишда унинг яхлитлиги масаласи энг асосий муаммо сифатида каралади.

Маълумки, барча фанлар (улар классификациясининг мезон-ларидан фарқли ўларок) умумийлик хусусиятига эга. Улар маълум даражада далилларга таянади ва муайян қонунларни анг-лашга интилади, уларни мантиқ асосида назарияга айлантириш ёки инкор қилишга ҳаракат қилиб, турли гипотезаларни илгари суради. Яъни, барча фанлар мавжуд илмий далиллар асосида тур-ли метод ва воситалардан фойдаланади. Билиш шакллари ва тур-ларининг узвий бирлиги уларнинг ҳар бирида акс этадиган ўзига хос хусусиятлар ва фарқлар мавжудлигига ҳалал бермайди. Ана шу жиҳатдан мафкуравий жараёнлар ва ходисаларни пайдо бўлувчи, ривожланувчи ва ўзгарувчи жараён сифатида таҳлил қилишга асосланган тарихийлик тамоили алоҳида аҳамиятга эга. Бунда жамият стандарт ҳолатда эмас, балки унда содир бўла-

диган ходисалар чексиз тақрорланиш, оаъзида қайтарилима, тур-литуман ҳолатда талқин қилинади.

Гоя ва мафкуралар, уларнинг шакллари билан боғлиқ амали-ёт ва унинг хусусиятларини ўрганар экан, баъзи муаллифлар бу соҳага хос жараёнларни англаш қийин ва мураккаб, деб хисоб-лайди. Бу соҳада мафкуравий онгга тегишли ва қуидагича намо-ён бўладиган қонунийлик, умумийлик, яккалиқ, индивидуаллик муносабатлари ниҳоятда муҳим:

а) гоя ва мафкура соҳасида ўзига хос тамойиллар ва қонунлар мавжуд бўлиб, уларни аниқлаш ва фойдаланиш мафкуравий онгнинг асосий мақсадларидан биридир. Бу қонунларни билмасдан туриб, мафкуравий онгнинг предметини ажратиб олиш мураккаб вазифага айланади, шу соҳада ишлашни қийинлаштиради ва кўп ҳолларда масаланинг моҳиятини англашга халақит беради;

б) мафкуравий жараёнлар ва ходисаларнинг тез ўзгарувчанлиги, уникаллиги, тақрорланувчанлиги бу соҳадаги умумий қонуниятларга дахлдор эканлигини аниқлаш учун зарурат қолдирмайди. Чунки, биринчидан, ҳар қандай яккалиқ маълум даражадаги умумийлик бўлиб, ҳар қандай уникаллик ўзида универсаллик элементларини мужассамлаштиради. Иккинчидан, жамиятда соф яккалиқ, уникаллик мавжуд бўлмайди. Улар доимо бошқа яккаликлар билан ўзаро таъсир тизимида бўлади;

в) гоя ва мафкуралар билан боғлиқ амалиёт маълум маънода индивидуаллашгани учун уни структуралаштириш ҳамда типлаштириш қийин, бу унинг аниқ ифодаси ва моделини яратишни муракблаштиради. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, бу соҳага доир фикрлаш, унинг асосидаги мулоқот ва тил икки хил тарзда намоён бўлади. Биринчиси — ҳаётда ишлатиладиган сўзлар кўп учрайдиган жамоа тили бўлиб, масалалар моҳиятини содда тушунтиришга мўлжалланган. Иккинчиси эса ғоялар фалсафаси соҳасига оид тадқиқотларнинг мураккаб терминологик тили бўлиб, илмий-назарий фаолиятга мўлжалланган.

Илмий фалсафий нуқтаи назардан мафкуравий онг предмети ҳар қандай ҳолатда ҳам нафақат «субъект — объект» муносаба-ти, балки «субъект — субъект» муносабати ҳамдир. Қадимги за-мон мутафаккири Софокл мажозий маънода ифодалаганидек, одам-лар ҳаётда ўзлари яратадиган драманинг ҳам муаллифи. ҳам актёрларидир. Оламда ўзининг фойдаси учун ҳам, заволи учун ҳам кўп ва мураккаб нарсаларни, бир томондан, энг бунёдкор, иккинчидан эса, энг бузғунчи мафкураларни моҳирона яратишида

инсонга тенг жонзот йўқ. Биринчи камон ўқидан атом бомбасига-ча, биринчи сиртмоқдан компьютергача, биринчи тузоқдан кос-мик кемаларгача бўлган йўлни фақат инсон босиб ўтган.

Хуллас, ҳар қандай мафкуравий онг предметида субъект мавжудлигини инкор қилиш мумкин эмас. Шунинг учун мафкуравий онгнинг асосий вазифаси — ўзига ўхшаган бошқа «мен»ни, яъни, одамни обьект сифатида эмас, балки бошқа субъектни, унинг субъектив фаолиятини, ўзга одамлар, ижтимоий бирликлар (субъект-лар) фаолиятини реаллик сифатида тушунмоқдан иборат. Субъект-нинг ижтимоий мафкуравий онг предметига киритилиши бу пред-метнинг ниҳоятда мураккаблигининг ифодасидир. Бунда маънавий-лик ва эмоционаллик, стихиялийк ва онглийк, рационаллик ва иррационаллик ўзаро алоқадорликда намоён бўлади. Бу соҳада турли манфаат ва эҳтиёжлар, хилма-хил мақсад ва идеаллар шаклана-ди, амалга ошади ёки бир-бирига зид келиб қолади.

Демак, бир вақтнинг ўзида ҳам обьект, ҳам субъектни мужас-самлаштириши, улар орасидаги фарқ, баъзида зиддият реаллик эканлигини унутмаслик керак. Бунда мафкуравий онг субъекти фаолиятининг ижтимоий характерга эга бўлган обьектларга нисбатан татбиқ этилиши синергетикада кўп учрайдиган вазиятлар билан ифодаланиши мумкин. Ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги ёки бекарорлигига ҳар бир кишининг ҳаракати ўз ўрнига эга, у қай тарз-да бўлмасин, барибир макроижтимоий жараёнларга таъсир этади. Бу, ўз навбатида, ҳар бир кишининг ягона ижтимоий тизим, яъни умумий фаолиятда ўз ўрни борлигини англашиб, унинг жамият так-дирига масъул эканлигини билдиради. Бу аниқ бир шахснинг фао-лияти макроижтимоий жараёнлар ва тараққиётга таъсир қилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги тасаввурларнинг унчалик илмий эмас-лигини кўрсатади. Энг кичик заррачалар, атомлар умумий табиий мувозанатга унчалик таъсир кўрсатмайди, деб ўйловчилар ҳам хато қиласиди. Зоро, энг кичик заррачанинг ҳам, оддий бир шахснинг ҳам жамиятда, айниқса, мафкуравий жараёнларда ўз ўрни, аҳамияти бор, албатта. Илм-фаннинг вазифаси буни тўғри англаш, холисона талқин қилишдан иборат. Гоҳида бир киши тараққиётга туртки бер-гани ёки тўсиқ бўлиб қолгани сингари, бир мосламанинг арзимас-дай бўлиб кўринган кичик элементини ишлатиш улкан курилиш-лар учун зарур техникани юритиб юбориши ёки минглаб одамлар-нинг ёстигини қуритадиган бомбаларни портлатиш учун сабаб бўла-диган қайтмас жараёнларни бошлаб юбориши ҳам мумкин. Архи-мед чўмилмоқ ниятида тушган ваннадан унинг сувга ботган танаси-

нинг ҳажмига тенг оўлган миқдордаги сувни сиқиб чиқариши билан боғлиқ қонуниятни кашф қилганда, ушбу кашфиёт кейинчалик осмонўпар биноларни қуриш мураккаб механизмларни харакатга келтириш учун замин бўла олишини ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Мафкуравий онг инсон яратадиган гоя ва мафкуралар соҳаси-нинг мазмунини, унинг хилма-хил жиҳатлари ҳамда қадриятли моҳиятини англашга қаратилган. Агар инсон учун бирор нарса-нинг қадри ва аҳамияти бўлмаганида эди, одамзод ҳеч қачон уни ўрганмаган бўлар эди.

Шу жиҳатдан олганда, мафкуравий онгда аниқ далил ва рақамлардан қўра ғоявий жиҳат, яъни шу соҳанинг талаблари ва тамойиллари асосида баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Бошқа соҳа ва фанларда эса далил ва рақамлар асосидаги натижавий кўрсат-кичлар асосий бўлиб, масаланинг мафкуравий жиҳати, яъни ғоявий баҳолаш билан боғлиқ жиҳатларини иккинчи даражали ёки фойдасиз, деб тушуниш ҳоллари ҳам учрайди.

Мафкуравий онгнинг намоён бўлишида бу соҳани, унга мансуб воқеа ва жараёнларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тушунишнинг оддийлиги, тўхтовсиз жараёнлиги ҳақидаги тасаввурлар узоқ вақт мобайнида унинг мураккаб ва сер-қирра ҳодиса эканлигини тан олишга халақит берган. Одатда, бу тушунчага таъриф берилмайди, аксарият ҳолларда унинг гарме-невтика учун асосий манба эканлиги таъкидланади, холос. Бироқ, унинг аҳамиятига эътибор бермаслик, герменевтик мулоҳаза ва хуласалардаги иштирокини мутлақо инкор этиш мумкин эмас. Ту-шунишни англаш, интуиция ва идрок билан ҳам аралаштириб бўлмайди. Зоро, уларнинг ҳаммаси тушуниш жараёнида иштирок этади. Изоҳлаш, тушунтириш, талқин билан бир қаторда тушу-ниш гоя ва мафкура соҳасини чукур англаш, ундаги воқеа ва ҳоди-саларнинг асл моҳиятини ҳар томонлама билиб олиш ва амалиётда бундан фойдаланиш жараёнининг асосий омилларидан биридир.

Кўп ҳолларда тушуниш англаш билан, яъни инсоннинг муайян мазмунни аниқлаши билан боғлиқ Шунинг учун тушуниш муайян мазмунни эгаллаш бўлиб, ҳар қандай мафкуравий онг фао-лияти учун ғоявий мақсад тарзида намоён бўлади, дейиш мумкин. Бу соҳадаги тушунишнинг зарурий жиҳати икки аснода намоён бўлиши мумкин. Биринчиси, тушуниш жамият ҳаёти ва конкрет инсон фаолияти учун зарур "бўлган ғоя ва мафкура, шунга мос тушунча ва тамойиллар мазмунини билиб олиш ҳамда ушбу маз-

муннинг ўзгаришини англаш сифатида рўй беради. Иккинчиси, бу ўзидан бошқа кишиларнинг ушбу мазмунлар дунёсига кириши, уларда ҳам ўзи ишонадиган, эътиқод қиласиган гоя ва мафкурага нисбатан ишонч хамда эътиқодини шакллантириш билан боғлик.

Афсуски, айрим кишилар мазкур соҳани, унинг қонунлари ва тамойилларини яхши тушунмаганлари, баъзида назарга илма-ганлари оқибатида кўплаб хатоларга йўл қўяди. Улар атрофла-рида содир бўлаётган ғоявий ва мафкуравий воқеа-ходисалар та-содифан, ўз ўзидан рўй бераяпти, деб ўйлади. Ўзлари эса уларнинг гирдобига, яъни баъзи ёт ва бегона ғоялар таъсирига беихтиёр тушганикларини билмай қолади. Аслида, бузгунчи маф-куралар айнан ана шундай кишиларни тузокларига илинтириш ва ўз мақсадлари йўлида улардан фойдаланишга харакат қиласи. Бундай ҳолларда одамларга асл мақсадни тушунтириш эмас, балки уни хаспўшлаш, риёкорлик қилиш, чалғитиш учун кўпроқ ҳара-кат қилинади. Инсоният тарихи бундай ҳаракатларга кўп бор гувоҳ бўлганидек, унинг энг янги тарихи хам бундан иетисно эмас.

Демак, ғоя ва мафкура соҳасидаги тушуниш муайян ҳодиса-нинг мазмуни, унинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни, мафкура-вий воқеликка хос ягона тизимдаги функциясини англашдир. Бу борада ҳам тушуниш тушунтиришдан фарқ қиласи, чунки маф-куравий онгда аниқ шахслар, улар фаолияти, фикри, хиссиёти, мақсад ва истаклари хилмачил тарзда акс этади. Айни пайтда тушунишни тушунтиришга қарама-қарши кўйиш, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Зеро, улар умумий мафкуравий жараён ва тадқиқотнинг икки йўналиши бўлиб, бир-бирини тўлди-ради, тақозо қиласи.

Мафкуравий онгда объект ва субъектнинг серқирра хамда му-раккаб алоқаси мавжуд бўлади, яъни доимий акс эттиришни акс эттириш юз беради. Шу маънода таъкидлаш лозимки, ҳар қандай мафкуравий жараёнда фикрлар ҳақида фикр, сўз ҳақида сўз юри-тилади, тушунча ва тамойилларнинг мазмун-моҳияти тавсифла-нади ва изоҳланади. Мафкуравий онг бундан бошқача амал қили-ши мумкин эмас, зеро, инсон доимо бошқаларнинг ўзига ўхша-шини ёки ўзининг бошқага ўхшашини хоҳлади. Яъни мафкура-вий онг шу йўналишдаги тафаккур асосида шаклланадиган фикр, мулоҳазанинг асоси бўлган мақсад ёки идеални яратади, ўз сохи-бини унга интилишга ундейди.

Фоя ва мафкура асосида шаклланадиган онг ва тафаккур учун семиотика (юонон. — белги) имкониятлари алоҳида ўрин тутади.

Бу соҳада белги ва белгилар тизимидан унумли фойдаланиш мақ-садга мувоғиқ. Белги инсон онгидан тимсол, қадрият сифатида акс этади. Инсон олами фақат ижтимоий эмас, балки, белгилар, тим-соллар, шакллар дунёси ҳамdir.

Мафкуравий дунёқараш шаклланишида диалог ҳам мухим аҳамиятга эга. Диалог — икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг сұхба-ти ёхуд улар орасидаги оғзаки мұлоқотнинг ёзма тарзда мустаҳ-камланиши бўлиб, уларнинг ўзаро тушуниш ва тушунтиришга табиий интилиши тарзида намоён бўлади. Бу интилиш гоя ва мағ-кураларнинг амалиёти жараённида янада ёрқин тарзда ифодасини топган. Айнан диалог орқали субъектларнинг ўзаро тушуниши шакл-ланиб, такомиллашиб боради. Гоҳо бу жараёнда икки хил қараш намоён бўлиб, уларнинг бирортаси ҳам мутлақ ҳақиқат бўлолмай-ди. Зеро, ҳар бир инсон олам, ижтимоий жараён, сиёsat ҳакида ўз фикр ва позициясига эга. Бу мафкура соҳасида риторикага қизи-қишининг ортиши, оғзаки диалог маданияти шаклланиши зарурли-гини исботламоқда. Мафкуравий риторика муайян гояни амалга ошириш бўйича мұлоқот тили ва модели сифатида қаерда, қачон ва нимани гапириш (нотиқлик санъати) кераклигини ифодаловчи тизимдир. У ҳозирги замоннинг мафкуравий қиёфасини изоҳлашда самарали фаолият воситаларидан бири сифатида шахсий позици-яни ҳимоя қилишда ижодий потенциални юксак даражада оши-ришни талаб қиласди. Бошқа қарашларни эътироф этиш ёки тан олмаган ҳолда, хилмаларни позицияларни идрок қилиш ва уларга эътиборни қаратиш зарурлигини ҳам ўзида акс эттиради.

Мафкуравий онгда фалсафа ва унинг методлари алоҳида ўрин эгаллайди. Унда, нафақат онтологик, балки мантикий гносеологик жиҳатлар ҳам мухим аҳамиятга эга. Бунда фалсафий тафаккур ва методларнинг ўрни шундаки, мафкуравий муносабатлар таҳ-лил қилинганда микроскоп ва кимёвий реакциялардан фойдала-нилмайди, улар ўрнини тафаккур кучи эгаллайди. Ушбу тафак-кур табиий фанларда асосий ҳисобланган тажрибанинг ўрнини эгалласа-да, ижтимоий фанларда унинг қўлланилишига монелик қилмайди. Шунинг учун, табиий фанларнинг тараққиёти кузатиш ва тажрибанинг мукаммаллашувига боғлиқ бўлгани сингари, мағ-кура соҳасида олиб бориладиган тадқиқотлардаги ютуқлар та-факкур мантифининг мукаммаллашуви, мафкуравий онг тамо-йилларининг онгли ва моҳирона қўлланиши билан боғлиқ.

Мафкуравий онгда диалектиканинг мухим аҳамиятини нафақат Гегель, балки XX аср файласуфлари ТАдорно, ГТадамер ва бош-

қалар ҳам таъкидлаган. Масалан, Т.Адорно «Ижтимоий фанлар мантиғига доир» асарида жамият ҳақидаги фанлар диалектик ёнда-шув асосида шаклланади, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, жами-ят бир вақтнинг ўзида зиддиятли ва ноаниқ, рационал ва иррацио-нал, тизимли ва хаос ҳолатида бўлиб, онг билан бошқариладиган ёки бошқарилмайдиган мураккаб табиатини намоён қиласди. Тадқи-қот методлари бу диалектик ҳолатни тўғри акс эттириши лозим. Бошқача айтганда, улар жамият тараққиётининг реал диалекти-касига бўйсунади ва назарияда уни адекват тарзда ифодалайди.

Мафкуравий онг ўрганилаётган воқеликнинг сифатига бевосита эътибор қаратади. Бунда ҳодиса ва жараёнлар, энг аввало, сон ва рақам, аниқ натижалар нуқтаи назаридан эмас, балки шу соҳадаги мақсад ва муддао нуқтаи назаридан ўрганилади. Шунинг учун иж-тимоий назарияларда сон ва ракамлар табиий математик фанларга нисбатан кам. Бироқ, бу ерда ҳам моделлаштириш, формаллашти-риш ҳар бир жараённи кенгрок ёритишга ёрдам беради. Аммо, ўзига хос хусусиятига кўра, инсон реаллиги, мафкуравий онг предмети сифатида, математик методлар, кибернетик аппаратлардан фой-даланишни мураккаблаштиради. Бу борада математик методларни татбиқ қилишда, айниқса, ижтимоий объектларнинг индивидуал-лашганлиги, субъектив (иррационал) моментнинг доимий иштиро-ки, назорат қилинмайдиган тасодифий муносабатларнинг кўплиги, уларни бошқаришнинг қийинлиги, тушунишнинг тугалланмаган-лиги, уларнинг ўзгарувчанлиги, муттасил тарзда янги мазмун касб этиши ва бошқалар халақит беради. Бироқ бу мазкур соҳани мут-лақо моделлаштириб бўлмайди, дегани эмас. Аммо, тажриба таби-ий фанларнинг методларидан мафкура соҳасида қанчалик кенг фой-даланилмасин, барибир улар асосий эмаслигини, балки ёрдамчи методлар бўлиб қолишини кўрсатмоқда.

Мафкуравий онгда эмпирик ва назарий компонентларнинг ўзига хос бирлиги мавжуд. Эмпирик методларнинг мафкуравий онгдаги чекланганлиги аниқ бўлса-да, улардан кенг фойдаланилади. Бу-лар сўровномалар, тестлар, моделли эксперимент ва бошқалар-дан иборат бўлиб, ўрганилаётган ғоявий ҳодисаларнинг табиий-объектив хоссаларига эмас, балки инсонийлик тавсифи ва аҳами-ятини аниқлашда қўлланилади. Улардан фойдаланишда воеа ва жараёнларда иштирок этишнинг аҳамияти катта.

Адорно Т. Логика социальних наук. //Вопросы философии. 1992, № 10. с. 76-77.

Шу билан бирга, гуманитар мафкуравий онг ва назариянинг ботинийлиги, кенг қамровлилиги, унинг функциялари маълум да-ражада пассивлигини таъкидлаш лозим. Гуманитар мафкуравий онгнинг назарий базасида ижтимоий гоя ва назариялар монопол устуворликка эга. Жамиятшунослик, бир томондан, назарийлаш-гани, иккинчи томондан, факт сон, ракам ва далиллардан иборат бўлмаслиги ҳам табиий. Учинчидан, бу мафкуравий онг ва ижти-моий фанларда аниқлик мутлақо йўқ, дегани эмас. Гуманистикада-ги назарийлашув феномени унга профессионал вазифани бажаришга имкон беради. Шу билан бирга, у аниқ жараён сифатида, воқелик-да ҳам намоён бўлиши мумкин. Шунинг учун ижтимоий фанлар-нинг предметида жамият ва алоҳида шахс (ёки умуман давр, замон ва якка тарихий ҳодиса) ўртасида ҳеч қандай формал мантикий зиддият йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, бунда тадқиқот обьектини, мавхум тушунишни биринчи, аниқ тадқиқот ва далил-ларни иккинчи ўринга кўйиш керак эмас. Чунки, уларнинг иккиси ҳам маълум маънода ўз ўрнига эга.

Мафкуравий онгда тан олинган умумий парадигмаларнинг кам-лиги ёки ўзгарувчанлиги қийинчилик туғдиради. Мафкуравий онг-нинг бу хусусиятини ҳозирги замон файласуфи Г.Х. Фон Вригт алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, тараққиётнинг маълум бир босқичида муайян назарияларнинг хукмон парадигмага айланишини ҳам тан олиш керак. Бу эса, мафкура соҳасида парадигма-ларнинг турдош типлари мавжуд бўлиши мумкинлигидан дало-лат беради. Улар нафақат далил, зиддиятли тушунилиши, балки муайян ғояларни изоҳлашда намоён бўладиган мақсад ва манфа-атлар мавжудлиги билан ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Бу соҳада аниқ ва умумэътироф этилган парадигмаларнинг йўқлиги муайян даражада, жаҳон миқёсида назарий хилма-хил-ликнинг мукаррарлиги демакдир. Бошқача айтганда, жаҳон миқё-сида ва инсоният дунёсида ягона, ҳақиқий деб ҳамма тан олган таълимот, назариянинг ўзи йўқ. Шунинг учун ижтимоий воқе-ликнинг концептуал назарий схемаси, эмпирик тизими ва унинг элементларини эркин танлаш имконияти ўртасидаги рақобатнинг ниҳоятда кўплиги оддий ҳол бўлиб, бу қандайдир чекланганлик аломати эмас. Илм-фанда фикр ва қарашлар хилма-хиллиги ода-тий ҳол. Мафкуравий онг, гуманитар фанлар ва инсоният ҳаёти-да эса бу хилма-хиллик янада яқкол кўзга ташланади. Бир жойда ўз умрини яшаб бўлди дейилган, ўтмишга айланган, реакцион, қолоқ деб аталаётган назария ёхуд таълимот дунёнинг бошқа жо-

йида муайян ижтимоий синф, қатlam, партиянинг асосий наза-рий куролига айланган бўлиши мумкин. Инсоният тарихида бир мамлакат ёки минтақада ўз кучини йўқотган таълимотнинг бошқа бир жойда миллионлаб кишилар онги ва турмуш тарзини белги-лаб турган ҳоллар ҳам учраб туради-

Мафкуравий нуқтаи назардан "фоя" ва "мақсад", "идея" ва "идеал" бир-бири билан муайян даражада алоқадор тушунчалар-дир. Бунёдкорлик ва эзгуликка хизмат қиладиган гоялар, уларни амалга оширишга хизмат қиладиган орзу ва мақсадларнинг энг олий шакллари идеал-категориялар сифатида намоён бўлади. Жамият тарихининг ҳамма даврларида одамлар эзгу идеалларга интилиб, уларга эришишини орзу қилиб яшайди. Идеаллар муайян гоялар ва мафкуралар учун кўп ҳолларда мақсад ва шиор, бу йўналишдаги амалий фаолият учун эса маънавий мезон вазифа-сини ўтайди. **"Идеал" тушунчаси** франц. "МеаГ, лот. "Шеашз" сўзларидан келиб чиқиб, "киёфа", "мезон", "мукаммаллик" маъ-ноларини англатади. У инсон, ҳалқ ва миллат тасаввурнида барча эзгуликлар тимсолига айланган, улар доимо интилиб яшайдиган орзу ва мақсадларни ифодалайди. Кенг маънода, муайян нарса ёки ҳодисанинг энг яхши, ғоят қадрли ва мукаммал ҳолатини англатади. Масалан, "идеал инсон", "идеал жамият" ва ҳ.к., тор маъ-нода, шахс (инсон) қобилиятларини ифода этадиган мезон. Ҳаётда айрим гурух ва инсонлар учун муайян адабий қаҳрамонлар, кино, санъат ёки спорт юлдузлари, бирон буюк шахс, аниқ киши (ота, она, устоз) ҳам идеал бўлиши мумкин.

Идеал алоҳида шахс ёки ижтимоий гурухнинг мукаммалликка доир сифати, хусусияти, хатти-харакати ва фаолиятини ҳам ифода этади. Идеал ахлоқий (шахсга хос ахлоқий сифатлар), ижтимоий-сиёсий (ижтимоий тузум, жамият), эстетик (гўзал инсон) ва ҳ.к. шаклларда намоён бўлади. Ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти ижтимоий-сиёсий соҳадаги идеал бўлиб қолмоқда. Эстетик идеал инсоннинг гўзларини интилишини ифода этадиган тасаввурлар асосида шаклланади ва табиий гўзларлик, инсонга хос хулқ-атвор, одоб меъёрлари ҳамда намуналарини акс эттиради. Идеал инсон ёки ижтимоий гурух хатти-харакатини белгилаб берадиган намуна ва меъёрdir. Идеал — киёслашга асосланган маънавий тушунча.

Идеал муаммоси фалсафий фанлар тарихида мухим ўрин ту-тади. Ахлоқ, таълим-тарбия, маънавий баркамоллик, нафосатшу-нослик, адабиёт, санъат ва шу каби соҳалар билан шуғулланган

олим ҳамда мутахассисларнинг кўпчилиги бу масалани четлаб ўтма-ган. Идеалга интилиш шахснинг ўз замонасидағи одатий шарт-шароитлардан қониқмаслиги, уни тезроқ ўзгартириш учун қилинган хатти-ҳаракати сифатида талқин этилади. Идеал шахс муайян та-рихий прототиплар асосида шаклланиб, замонлар ўтиши билан афсонавий сифатлар касб этиши, яъни идеаллаштирилиши мум-кин. Масалан, одил подшо Нўширавон — одиллик, саховатли; жўмард инсон Хотам Той эса саховатпешалик тимсолига айланган. Инсон идеал сари интилади, унинг асосий мезон ва талабларидан келиб чиқкан ҳолда ўзи ва ўзгаларнинг хатти-ҳаракатларига, жа-миятдаги хукмон қараш ва мезонларга баҳо беради.

Идеал инсон ҳаётидаги энг олий маънавий-ахлоқий талаб бўлиб, унга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар шахсни камолот-га етказади. Албатта, тўлиқ баркамол бўлиш — имкондан ташқа-ри ҳолат. Лекин идеалга эришиш йўлидаги интилишнинг ўзи ҳеч нарсага қизиқмай, интилмай яшашдан кўра аълороқ Зеро, иде-алга интилиш учун ҳаётнинг моҳиятини англаш, яшашга қизи-қиши ҳаётнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қиласди. Яъни, шу-нинг ўзи нисбий комилликдир.

Муайян тузум талаблари ёки ҳаёт тақозоси билан ижтимоий-ахлоқий идеаллар ўзгариши ҳам мумкин. Лекин башарият учун ҳеч қачон ўзгармайдиган идеаллар ҳам мавжуд. Булар — адолат-ли жамият, тенглик ва дўстлик, дунё миқёсида тинчлик-тотув-ликнинг ҳукмон бўлиши, барча ҳалқларнинг ўзаро ҳамкорлик, ахиллик ва ҳамжиҳатлиқда яшаши ва ҳ.к. Бундай идеаллар инсо-ният учун асрлар давомида ёргу маёқ вазифасини ўтаб, унинг ҳаётига маъно-мазмун бағишилаб келмоқца. Ислом Каримов "Юқ-сак маънавият, — енгилмас куч" китобида эзгу идеалларнинг бар-ҳаётлиги ҳакида тўхталиб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлага-ни бежиз эмас: «Авесто»нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб бе-радиган «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилни олади-ган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини қўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлик, нечоғлик мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани, айниқса, эътиборлидир".

Идеалнинг намоён бўлиш шакллари кўп. Улар орасида ижти-

Каримов И.А. Юқсак маънавият — енгашас куч. -Т.: "Маънавият". 2008. 32-бет.

моий, маънавий ва ахлоқий идеаллар алоҳида ўрин эгаллади. **Ижтимоий идеал** — жамият, миллат ва халқ, Ватан ёки айрим ижтимоий гурухлар ҳаётини энг юксак мезонлар асосида ўзгар-тириш ҳақидаги орзу-умидлар ва шундай даражага етишиш йўлларини кўрсатиб берадиган фикр, таълимотларни акс этти-радиган тушунча. Давлат ва жамоат арбоблари, мутафаккирлар, файласуфлар, илм-фан ёки санъат аҳли ижтимоий идеални ифо-да этадиган куч бўлиши мумкин. Ижтимоий идеал қайси ижтимоий гуруҳ ёки тоифа манфаатларини кўзлаши, ҳаётийлиги ва ин-сониятга накадар фойдали эканига қараб, ижобий, тараққийпар-вар, миллий ёки умумбашарий аҳамиятга молик бўлиши мумкин. «Авесто»да эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал устувор бўлган жа-мият, қадимги юонон фалсафасида халқнинг доно вакиллари, до-нишмандлар бошқарадиган маърифатли давлат, ахлоқий баркамоллик, юонон санъатида эса — жисмоний гўзаллик ва ҳарбий қудрат, кулларни итоатда сақлаш, Шарқ фалсафаси ва диний-ижтимоий таълимотларда адолат, комиллик, тасаввуф таъли-мотида барча иллатлардан покланиб, факр ва фано мақомига эри-шиш ижтимоий идеал ҳисобланади.

Инсоният тарихида умумбашарий ижтимоюг идеалдан ташқа-ри ҳар бир мутафаккир ёки санъаткорнинг ўзига хос қарашлари бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Шарқ ва Farb Уйғониш даврлари-да ижод қилган мутафаккирлар Р1мом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Ибн Рушд, Ибн Туфайл, Рафа-эл, Леонардо да Винчи, Сервантес, Лопе де Вега, Микеланжело ва бошқаларнинг илмий, бадиий асарларидан ўрин олган инсони-ят баҳт-саодати ҳақидаги ижтимоий идеаллар бутун инсоният учун ҳозирги кунларга қадар долзарб бўлиб келмокда.

Алишер Навоийнинг адолатли жамият ва комил инсон тўғриси-даги қарашлари ҳам ижтимоий идеалдир. Бугунги Ўзбекистонда дунёдаги энг ривожланган давлатлардаги каби тараққиёт ва ҳаёт даражасига эришиш, хукуқий демократик давлат, эркин фуқаро-лик жамияти барпо этиш ижтимоий идеал бўлиб, халқимиз бу эзгу мақсад сари изчиллик ва қатъият билан илгарилаб бормоқда.

Мафкура соҳасидаги идеал шахс ва жамият маънавиятини шакллантирувчи, йўналтирувчи ва ҳаракатлантирувчи, уни савоб иш-лар, бунёдкорликка сафарбар қилувчи эзгу ғоя, орзу-мақсад ва ижобий намуналар мажмуини ифодалайди. У атама сифатида шу соҳадаги орзу-интилишларнинг олий мақсадини акс эттиради. У ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим категория ҳисобланади.

Инсон ёшликтан азалий анъаналар, урф-одатлар оғушида камол-га етади. Бу борада оила, маҳалла ҳамда таълим-тарбия даргоҳлари-даги маънавий мухитдаги уйғунлик ва баркарорлик мұхим ўрин ту-тади. Ҳеч шубҳа йўқки, миллатимизга хос гоявий идеаллар аждодла-римиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган мұқаддас түйгулардир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафакку-рига назар солсак, улар ақлий етуклиқ, руҳий поклик, жисмоний бақувватлик ва албатта, маънавий камолотта жуда катта эътибор қаратиб, бундай шахсларни идеал инсонлар тимсолида кўрганлар.

Инсоният ўз ахлоқий тараққиёти давомида эркинлик, тенглик ва қардошлик каби идеалларга доимо интилиб келган. Ҳақиқатан ҳам, инсоният тараққиётида бу қадриятлар билан боғлиқ прин-циплар мұхим ўрин тутади, улар идеалнинг категориал тушунча-лари бўла олади. Чунки, фикрда, ахлоқ ва фаолиятда эркин бўлган инсонгина ўзлигини англаб етади. Ўзлигини англаган инсон барча кишиларнинг ўзаро тенглигини хис эта олади. Бу тенглик принци-пининг қарор топишидир. Одамларнинг бир-бирларини ўзаро тенг деб билишлари уларнинг ягона мақсад сари бирлашиб, фаол ҳара-катга ундайди, бу қардошлик тамойилининг намоён бўлишидир. Бошқача айтганда, ўзлигини англаган киши бошқалар ҳам унга тенг, қардош эканини идрок этади ва ўзгалар ҳаётига дахл қилиш ўзига ҳам катта зарап келтиришини тушунади.

Демак, бунёдкорликка асосланган мағкуравий идеал эзгулик гоясидан озиқланади. Бу ғоя эса инсоннинг ўзлигини англаб ети-шига туртки берувчи асос сифатида мағкуравий идеалнинг неги-зини ташкил этади. Ўзликни англаш билан эса инсоннинг моҳияти кашф қилинади. Ҳозирги кунда мағкуравий идеал қаторига "эз-гулик", "эътиқодлилик", "эркинлик" тушунчаларини киритиш мумкин. Уларнинг зидди ёвузлик, эътиқодсизлик ва мутеликдир. Мағкуравий идеал жамиятда соғлом мухитни вужудга келти-риш ва кишилар дунёқарашини бойитиши тафаккурни ривожлан-тиришда мұхим аҳамият касб этади.

Идея, яъни ғоя ва маънавий тамойилларни мутлақлаштириш инсоният тафаккур тарихидаги энг қадимий, ўзига хос фалсафий йўналишлардан бири идеализм (юнон. 1ο!εα — ғоя, фикр) оқими-нинг шаклланишига сабаб бўлган. Идеализм қадим замонларда ву-жудга келган. У онг ва руҳни борлиқнинг ягона асоси деб эътироф этади. Идеализм, ўз моҳиятига кўра, икки йўналиш — субъектив ва объектив идеализмга бўлинади. Субъектив идеализм борлик-нинг асоси сифатида алоҳида индивидиум, субъектнинг онги ва

сезгисини тан олади. Объектив идеализм эса — борлиқнинг асосий сифатида мутлақлаштирилган Рух, Илох, демиургни эътироф этади. Афлотун қадимги юонон объектив идеализмининг ёрқин на-мояндасидир. Идеализм фалсафий тафаккур тарихида материализм билан мунтазам баҳсга киришиб, турли дунёқарашлар ри-вожига асос бўлиб келди. Дунёнинг каттагина худудида марксизм фалсафаси хукмрон бўлган XX асрда идеалистик таълимотлар ва уларнинг вакиллари эришган илмий ютуқлар кўп ҳолларда камситидиб, сохталаштирилди. Идеализм реакцион оқим сифа-тида баҳоланди ва уни тўлақонли ўрганиш, тарғиб этиш такиқ-ланди. Идеализм фалсафий тафаккур тарихида платонизм, пи-фагоризм, реализм, спиритуализм, томизм ва неотомизм, кант-чилик, тасаввуф, эмпириомонизм, экзистенциализм, иррационализм каби таълимотларда ўз ифодасини топди.

Ҳар қандай ғоя муайян мақсад ва муддаоларда акс этади. Уларни бир бутун алоқадорликда тасаввур қилиш лозим. **Мақсад** инсон амалий фаолиятининг аввалдан ўйлаб тайёрланган режаси ва на-тижасидир. У инсонлар маънавиятида энг муҳим ўрин тутувчи ақлий-тафаккурий ҳодиса бўлиб, уни келажакнинг лойиҳаси, деб таърифлаш мумкин. Эҳтиёж, манфаат, мотив индивид ёки ижти-моий гурух хулқ-атвори, фаолиятининг муҳим таркибий қисмла-ри бўлса, мақсад фаолият йўналишини белгиловчи омилдир. Мақсаднинг шаклланишига субъектнинг эҳтиёж ва манфаатлари куч-ли таъсир кўрсатади. Мақсаднинг реал ва нореал, қисқа муддатли ва узок муддатга мўлжалланган, асосий ва иккинчи даражали ҳамда бошқа турлари бор. Реал мақсадлар субъектнинг имкони-ятлари, атроф муҳитнинг ҳолати, маданияти, маънавияти ва объектив қонуниятларини ҳисобга олса, нореал мақсадлар фа-қатгина субъектнинг орзу-истакларини ифодалайди, атрофдаги вазиятни ҳисобга олмайди. **Мақсадсизлик** — мўлжалсиз, шунча-ки бесамар хатти-ҳаракат. Мақсадсиз яшаш — маъносиз, моҳи-ятсиз мавжудлик. Мақсадсизлик инсоннинг орзу-ҳаваси, қаерга кетаётгани, истиқболда нималар кутаётганига бефарқлигидир. Мақсадсиз одам билан мўлжалланган манзилга бориб бўлмагани-дек, ундей кишининг хатти-ҳаракатлари "бўйсунувчанлик, тобе-ликдан", лоқайдликдан ёки маъносиз «саркашлик»дан иборат бўлади. Мақсадсиз, ғоясиз ҳар қандай одам турли-туман ғоявий-маф-куравий тажовузларга чалинувчан бўлади. Бундай кишилар маъ-навий қиёфасининг чеклангани билан ажralиб туради. Жамият ҳаётида жуда кўп жиноятлар ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлмас-

лик оқибатида содир этилади. Мақсадсизлик кўп холларда ўсмир-лик ва балоғат ёшидаги ёшлар орасида кўзга ташланади.

Жамиятда иқтисодий, сиёсий, гоявий, мафкуравий ва бошқа мақсадлар ҳам мавжуд бўлиши табиий ҳол. Улар орасида мафку-равий мақсад мухим аҳамият касб этади. **Мафкуравий мақсад** иж-тимоий қатлам, сиёсий гурух, миллат, жамият манфаатлари, орзу-интилишлари ва хоҳиш-иродасини ифода этувчи тушунчадир. Маз-мун-моҳиятига кўра, эзгу ниятларни ўзида акс эттирадиган, ҳалқ томонидан эътироф этиладиган, қўллаб-кувватланадиган ижобий ва ғаразли ниятларни ифодалайдиган салбий, шаклига кўра, ички ҳамда ташқи ёки геосиёсий мафкуравий мақсадларни фарқлаш лозим. Ўзбекистон ҳалқи миллий мафкурасининг асосий мақсади озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Ҳалқ оммасини миллий ғоя атрофида бирлаштириш, кишиларни маъна-вий-рухий жиҳатдан улуғвор ишларга тайёрлаш ва сафарбар этиш-дан иборат. Пировард натижага эришишнинг йўллари, воситалари ва усуслари ҳам ушбу мақсаддан келиб чикади. Ташқи ёки геосиё-сий мафкуравий мақсадлар ўз мазмун-моҳиятига кўра, давлат-нинг ҳалқаро майдондаги мавқенини мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, улар ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган бўлса — ижобий, бошқа ҳалқлар ва давлатларга мафкуравий тазийик ўтка-зишга қаратилган бўлса — салбий характер касб этади.

Мустақилликнинг ilk кунлариданоқ Президент Ислом Кари-мов янги жамият барпо этишда идеал мақсадларнинг жамият та-ракқиёти, унинг маънавий такомилидаги аҳамияти ҳақида тўхта-либ ана шундай идеални шакллантиришда миллий турмуш тар-зимиз, ҳалқимиз урфодатлари ва кишиларнинг фикрлаш тарзи-ни ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам ана шу омилларда мафкуравий идеалнинг мухим илдизлари ифо-даланганди. Истиқлол йилларида юртимизда маънавий тарбияни ку-чайтириш, тарихий илдизларимизга, миллий ўзлигимизга қай-тиш, улуг аждодларимиз яратган меросни асраб-авайлаш, уни замонавий илм-фан, маданият ютуқлари асосида бойитган ҳолда келгуси авлодларга етказиб бериш аҳолининг сиёсий онги ва хуқуқий маданиятини оширишга, озод ва обод Ватан ҳамда фаровон ҳаёт барпо этиш каби эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқа-ришга хизмат қилиб келмоқда.

12-мавзу. Мафкуравий фаолият ва гояларнинг амалга ошиш жараёни

Гоялар фалсафасида "Мафкуравий фаолият" тушунчаси **ва** унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш мухим аҳамият касб этади. Чунки, ҳар қандай гоя ҳам ўз-ўзидан тарқалиб, кишилар онгига автоматик тарзда сингиб боравермайди. Муайян ғоявий та-мойиллар ва таълимотлар ишлаб чиқилишининг ўзи уларнинг кишилар фаолиятини белгилаб берувчи, унга таъсир кўрсатувчи ижтимоий ҳодисага айланиши учун етарли эмас. Бунинг учун улар кишилар орасида тарқалиши, одамлар ана шу ғоялар руҳида тар-бияланиши лозим. Акс ҳолда, ҳар қандай гоя ва мафкура қанча-лик тўғри, жозибадор бўлмасин, муайян ҳодиса сифатида тарих саҳифасида қолиб кетаверади. Айни пайтда, ҳар қандай гоя ва қарашлар тарқалиши учун, энг аввало, улар ишлаб чиқилиши билан бирга, тарғиб ва ташвиқ этилиши зарур. Мафкуравий фао-лият эса ҳамиша шаклланган ғоявий қарашлар, баҳолар ва мақ-садлар тизимини одамларга етказиш, уларнинг онгига сингдириш борасидаги ишларни амалга ошириш жараёнини англатади.

Шу маънода, "Мафкуравий фаолият" тушунчаси бирон-бир гояни амалга ошириш, уни аҳоли онги ва қалбига сингдириш, муайян ғоявий қарашлар тизимини шакллантириш, унинг амали-ётини таъминлаш, ёт ва бегона мафкураларга қарши кураш би-лан боғлиқ чора-тадбирлар мажмуини ифодалайди. Айни пайтда, у ғоявий қарашлар — билимлар, баҳолар, мақсадларни шакл-лантириш ҳамда уларни тарқатиш, ғоявий тарбияни амалга оши-риш, мафкуравий профилактика ва иммунитетни шакллантириш жараёнини ҳам англатади. Ҳар қандай ижтимоий фаолият шакли каби мафкуравий ишларнинг мазмуни ва мақсад-муддаолари ҳам ҳар бир даврнинг ғоявий, сиёсий, иктисолий, маданий-маърифий хусусиятларига чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланади.

Мафкуравий фаолият жараёнида кенг оммани эзгу ғоялар асо-сида тарбиялаш, уларнинг умумий сиёсий ва маънавий савияси-ни юксалтириш, ижодий қобилияtlарини ривожлантириш, бўш вактларини самарали ўтказишга кўмак берувчи тадбирларни амал-га ошириш ниҳоятда мухим. "Мафкуравий фаолият" тушунчаси кенг маънода ўкув муассасалари, таълим-тарбия масканлари, клублар, ахборот-ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлари фаолиятини ҳам муайян даражада қамраб олади. Бунда музей, кинотеатр, театр ва бошқа маданий-маърифий муассасас-лар, шунингдек, ОАВ (газета-журналлар, Интернет, радио, ТВ)

мухим ўрин тутади. Мафкуравий ишлар муассасаларининг кенг тармогининг ташкил этилиши, уларнинг ўсиши ва такомиллашуви билан унга раҳбарлик қилиш жараёни ҳам мукаммаллашиб борган. Инсон дунёқарашини шакллантириш, маънавий-ахлоқий тарбия, ғоялар тарғиботи, иқтисодий билимларнинг илмий-тех-никавий тарғибот-ташвиқоти, эстетик ва жисмоний тарбия, ба-диий ҳаваскорлик, маданий дам олишни ташкил этиш, ёш истеъ-додларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш мафкуравий ишлар-нинг турли йўналишларидир. Эзгулик ва меҳр-оқибат, улуғвор-лик ва гўзаллик, вижданойлик ва меҳр-шафқат, бошқаларга хур-мат ҳамда табиат билан уйғунликни сақлаш каби хислатлар ҳар бир кишига аста-секин, тадрижий равишда сингдириб борилади.

Мафкуравий фаолият жараёнида клуб ва ўқув муассасаларида анъянавий шакллар (сухбат, мулокот, маъруза, спектакль, кон-цертлар, шеърхонлик) билан бирга мавзули кечалар, китобхонлар конференциялари ва бошқа тадбирлар уюштирилади. Бу соҳадаги мутахассислар университет ва институтларда тайёрланади.

Истиқлол йилларида замон, ҳаёт талабига биноан маънавий-маърифий ишларни янги, давр талаби ва манфаатларига мос та-комиллашган тизими шакллантирилди. Бунда таълим тизими, музейлар, маданият уйлари ва саройлари, ахборот ресурс мар-казлари, маданият ва истироҳат боғлари оммавий муассасалар сифатида миллионлаб аҳолига маънавий-маърифий хизмат кўрсатмоқда. Республика «Маънавият ва маърифат маркази» (1994) ташкил этилди ва унинг вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги бўлимлари ишга туширилди. Марказга Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раҳбарлик қила бошлади. Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тар-ғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорига биноан Республика Маънавият ва маъри-фат кенгаши фаолияти ҳамда таркибий тузилиши қайта кўриб чиқилди. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ил-мий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган ва давлат бюд-жети хисобидан молиялаштириладиган "Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази" ташкил этилди. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавият тарғибот маркази шакл-лантирилди. Барча вилоятларда ҳокимларнинг маънавий-маъри-фий ишлар бўйича ёрдамчилари фаолиятий йўлга қўйилди. Рес-публикамиздаги маҳалла оқсоколлари ва фуқаролар йигинлари

раисларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчила-ритизими шакллантирилди.

Бу соҳадаги ишлар самарадорлигини кучайтириш борасида бир қатор ижобий чора-тадбирлар амалга оширилди. Республиkaning барча вилоятлари, йирик шаҳар ва туманларида фаолият юри-таётган маънавий-маърифий муассасалар иштирокида катта халқ сайиллари, ҳосил байрамлари, «Мустақиллик», «Наврӯз», «Мехр-жон» байрамлари, «Шарқ тароналари» халқаро фестивали, хо-нандалар, рақкосалар, энг яхши касб усталарининг, «Ўзбекистон - Ватаним маним», «Энг улуг, энг азиз», «Келажак овози» ва бош-қа кўрик-танловлари ўтказилмоқда. Юртимизда маънавий-маъ-рифий мухитни янада яхшилаш, минг йиллар мобайнида унинг бағрида сайқалланиб келаётган ибратли анъана ва қадриятларни тарғиб-ташвиқ этиш борасида кўплаб тадбирлар ташкил этил-моқда. Шу мавзуда илмий-оммабоп, публицистик асарлар, хужжатли фильмлар ва телекўрсатувлар яратилиб, турли кўргаз-малар ташкил килинмоқда. Бу соҳадаги мафкуравий фаолият йўна-лиши ҳар бир киши онги ва қалбига миллий гояни сингдириш, баркамол авлодни вояга етказиш, маънавиятнинг миллий-этник асослари ва замонавийликни уйғунлаштиришга қаратилган.

Мафкуравий фаолиятнинг ижтимоий характери. Мафкура-вий фаолият ҳамиша конкрет тарихий мазмунга, мақсад-муддао-га эга бўлади. Бу, энг аввало, инсон билимлари, шу жумладан, мафкуранинг мазмун-моҳияти ҳақидаги билимларнинг ривожлан-ганлик даражаси билан белгиланади. Мафкура тизимидағи билим-лар тўғри ёки нотўғри, прогрессив ёки реакцион мазмунга эга бўлиши мумкин. Мазкур билимлар ўз навбатида улар асосида шаклланадиган баҳоларнинг тўғри ёки нотўғрилигига замин яра-тади. Шаклланадиган баҳоларда эса реал ёки кутилаётган ҳодиса, жараёнларга мавжуд эҳтиёжлар, манфаатлардан келиб чиқиб, ўзига хос муносабат ифодаланади. Билимлар қанчалик чукур бўлса, ҳосил қилинган баҳоларга ишонч шунчалик юқори бўлади. Шу маънода, баҳолар — қадриятлар кишиларда ишонч, эътиқоднинг шаклланишига хизмат қиласи. Баъзида эришилган билимлар, уларга асосланган баҳоларнинг мутлақ тўғрилигига ишонч додма-тизмга айланиб кетишини, бу мафкуравий турғунликни юзага кел-тиришини ҳам унутмаслик зарур.

Мафкуравий фаолият ва гоявий қарашлар доирасида белгилаб олинган мақсадларни баён этишда истиқболга, эртанги кунга ишонч туйғусини шакллантириш ҳам кўзланади. Албатта, бундай ишонч ўз

моҳиятига кўра, сароб бўлиши ҳам мумкин. Аммо у чуқур илмий асос ва гуманистик моҳиятга эга бўлганда ҳамда жамият тараққиёти қонуниятлари билан ҳамоҳанглик касб этганда кишилар хулқи ва фаолиятининг муҳим регулятори бўлиб хизмат қилади. Зеро, бундай пайтда ишонч кишилар қарашларидаги барқарорликни белги-ловчи халқа сифатида намоён бўлади. Айни пайтда, мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлардан чўчимасликка, улар-га қарши туроилиш ва бартараф этишнинг оқилона йўлларини излашга хизмат қилади, шу туфайли хулқдаги событлик, изчиллик ва амалиётдаги фаолликни таъминлашга йўл очади.

Мафкуравий фаолият ғоявий қарашларни тарқатиш ва унга мос тарбияни амалга оширишни ҳам ифодалайди. Унга кўра, мафкуравий қарашларни тарқатиш тизими, механизмлари, усул ва воситалари доимо такомиллашиб боради, ҳар бир даврда конкретик характер касб этади. "Одамзод баҳти учун ҳамма нарсадан воз кечишга ўргатадиган эзгу ғояларни кишиларга сингдириш буюк санъатdir", деб ёзган эди француз ёзувчиси Стендаль. Шу нуқтаи назардан қараганда, мафкуравий фаолият ғоявий тарбияни ўзга-рувчан воқелик ва ижтимоий гурухларга хос ҳусусиятларни ҳисобга олган ҳолда доимий такомиллаштириб боришни англатади.

Шу билан бирга, мафкуравий фаолиятни ташкил этишда тех-нига ва технологиялар, тарғибот ва ташвиқот олиб бориш усул-ларининг ривожланганлик даражаси ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Ҳусусан, бугунги қундаги ва XX аср бошидаги мафкуравий фаолият ўртасида кескин фарқ борлиги шубҳасиз. Ҳозирги давр-да ОАВ мафкуравий фаолиятни амалга оширишнинг муҳим бўғи-ни ҳисобланади. Яқин истиқболда техника ва технология ривожи одамлар онгига таъсир ўтказиш, яъни мафкуравий фаолиятни ташкил этишнинг янгидан-янги механизмларини топишига ҳам шубҳа қилмаса бўлади. Айни пайтда, фанлар ривожи мафкура-вий фаолиятни илмий асосда ташкил этиш учун замин яратгани-ни ҳам унутмаслик лозим.

Юқорида қайд этилган муроҳазалар, мафкуравий фаолиятнинг ижтимоий-тарихий белгиланганини кўрсатиш баробарида унинг ўзгарувчан характерга эга эканини ҳам билдиради. Ижтимоий жараёнларда мавжуд воқеа, ҳодиса, жараёнлар моҳияти, ривожла-ниш қонуниятларини англаб етмаслик, уларнинг назоратдан таш-қарида бўлиши ва охир оқибатда кутилмаган натижаларни келти-риб чиқариши билан характерланувчи ва стихиялийк деб атали-ши мумкин бўлган ҳолатлар кўплаб кузатилади. Мафкуравий фао-

лият ҳам ўз моҳиятига кўра ижтимоий ходиса бўлса-да, унга нис-батан "стихиялилк" тушунчасини ишлатиш бирмунча қийин. Зеро, мафкуравий фаолият аниқ онгли характерга эга бўлади. Гоявий қарашларни тарқатиш, мафкуравий тарбияни амалга ошириш эса аксарият ҳолларда тизимли ва тадрижий тарзда амалга оширила-ди. Онглилик деганда, кишиларнинг ижтимоий қонуниятларни ту-шунган, англаган ва унга асосланган ҳолда ўз фаолиятини ташкил этиши тушунилишини инобатта оладиган бўлсак, бугунги кунда мафкуравий фаолият тобора онгли ва аниқ мақсадларга қаратил-ган ҳолда амалга оширилаётганини қайд қилиш зарур.

Мафкуравий фаолиятда тарғибот ва ташвиқот мухим ўрин эгаллайди. "**Мафкуравий тарғибот ва ташвиқот**" бирон-бир шахс, гурух, миллат, жамият, худуд ҳалқарининг онги ва қалбига му-айян гоя ва мафкуранинг мазмун-моҳияти, мақсад-муддаолари, амалиёти тўғрисидаги билимларни, уларга доир тушунча ва та-мойилларни сингдиришга қаратилган тизимли фаолият ҳамда у билан боғлиқ чоратадбирларни амалга ошириш жараёнини ифо-далайдиган тушунчадир. Шу билан бирга, бугунги кунда бу ту-шунча юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа, касбу кор-га мансуб бўлган кишиларни маънавий тажовузлардан огоҳликка чорлаш, мавжуд ҳавф ва таҳдидларнинг моҳиятини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш, энг мухими, миллий гоя асосида ҳалқни бирлаштириш, жипслаштириш, ёш авлод онги ва қалбида эзгу гояларга садоқат туйғуларини тарбия-лашга қаратилган усул ва амалий ҳаракатлар мажмуини ҳам анг-латади. Одамлар қалби ва онгидага ана шундай инсоний туйғулар қарор топиши, жамиятда олижаноб фазилатлар устувор бўли-шида мафкуравий тарғибот ва ташвиқот мухим аҳамиятга эга.

Мафкуравий тарғибот ва ташвиқот аслида таълим-тарбиянинг мухим кўринишидир. "**Тарғибот**" атамасининг ўзагини "raigbat" сўзи ташкил этгани боис, у инсонни бирор ҳаракатга рағбатлантиришни назарда тутади. "**Ташвиқот**" тушунчасининг ўзаги эса "шавқ" сўзидан олинган бўлиб, у кишида бирор нарсага шавқ, ишонч туйғуларини уйғотишга йўналтирилган. Демак, тарғибот-ташвиқотдан кўзлан-ган асосий мақсад нафақат билим орттириш, балки кишийни бирор-бир хатти-ҳаракатга ундашдан иборат.

Мафкуравий тарғибот ва ташвиқотнинг икки анъанавий йўли мавжуд. Биринчиси — инсоний фазилатларни улуғлаш, юксак маънавиятли кишилар ҳаёти ва фаолиятини таърифлаш, улар-ни ибрат, намуна қилиб кўрсатиш орқали кечади. Иккинчи йўл

эса иллатларни қоралаш, улардан халос бўлишга даъват, тар-гиб-ташвиқ орқали амалга ошади. Бу восита биринчисига нисба-тан самаралироқ. Шу сабабдан ҳам эришилган ютуқларни холисо-на ётироф этиб, йўл қўйилган камчиликлар танқидий нуқтаи назардан баҳоланиши лозим.

Мафкуравий тарғибот ва ташвиқотда улуғ аждодларимизнинг ҳаёт йўли, қолдирган меросини бир ёқламаликка берилмай, тўғри ва ҳакқоний акс эттиргомиз даркор. Лекин, бунда фақат ўтмиш-даги сиймолар билан чекланиб қолмай, бугунги кун қаҳрамонлари, илгор замондошларимиздан ўrnак олиш ҳам мухим аҳамиятга эга. Токи, улар ёшлар учун том маънода ибрат намунаси бўлсин. Чун-ки, тарғибот-ташвиқотда фақат ўтмишдан мисол келтириш билан чекланиб қолинса, бу — кечаги кун билан яшаш бўлади. Тарғибот-ташвиқот борасида эски даврдан қолган қуруқ, сийқаси чиққан ваъз-хонлиқдан воз кечиб, юрт бугун бошидан кечираётган мураккаб ва машакқатли ҳаёт ҳақиқатига таяниб, жамоатчилик фикрини шакл-лантиришнинг энг замонавий, таъсирчан усул-услубларидан фой-далангандан ҳолда иш олиб боришни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқца.

Шу сабабдан ҳам тарғиботчилар, ижтимоий соҳа мутахассис-лари, илгор фикрли зиёлилар миллий гоянинг асосий мақсадла-рини ҳалққа содда, ҳакқоний, тушунарли тарзда ифодалаб бе-ришлари мухим аҳамиятга эга. Бунинг учун нима, қандай тарғиб қилишни аниқ ва пухта тасаввур этмоқ, маънавий озиқ нимадан иборат бўлишини, уни одамлар онгига қай тариқа етказиш усул-ларини ишлаб чиқмоқ даркор. Маънавий озиқнинг мезони ҳақиқат ва фақат ҳақиқат бўлиши зарур. Яъни, ҳалққа бор ҳақиқатни очиқ айтиб, шунга кўндириш, ишончини қозониш ва шу асосда уни янги мэрраларга интилишга рағбатлантирилади.

Ҳар қандай тарбияда, ҳатто юксак ривожланган демократик тарбия тизимида ҳам озми-кўпми бажарилиши шарт бўлган бел-гилар мавжуд. Масалан, бола гўдаклигидан бирор эзгу фазилатга ўргатилмаса, мажбур қилинмаса, юз-қўлини ювмаслик, катта-лар гапини бўлиш сингари қусурлар унга одат бўлиб қолади. Хал-қимизга азалдан хос бўлиб келган андиша, ота-онага хурмат, илм-маърифатга интилиш каби олижаноб фазилатлар ҳам ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Мафкуравий тарғибот ва ташвиқот ишла-рида ҳар бир ихтисос, ҳар бир йўналиш бўйича мутахассислар-дан фойдаланиш керак. Шундагина ҳар бир кўрсатув, эшитти-риш, маъруза, маърифий тадбирлар мазмун-моҳияти билан одам-лар қалби ва онгига етиб боради.

Мафкуравий тарғибот ўткинчи, мавсумий ҳолга айланиб қол-маслиги лозим. Бугунги мураккаб маънавий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, улар-нинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратил-ганлигини аниқлаш, ахоли турли қатламларига таъсирини ўрга-ниш, маънавий тажовузлар моҳиятини очиб бериш алоҳида аҳамият касб этмоқца. Фақат ана шундай асосда ахоли, айниқса, ёшларни ўз фикрига эга, маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир, иродали, фидойи, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин. Тарғибот ишларининг таъсиричан-лигини таъминлайдиган замонавий информацион ва компььютер технологияларини кенг жорий этиш, жамият маънавий иммуни-тетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни иш-лаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда тарғиботчи-ташвиқотчилар учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёр-лаш бу борадаги муҳим вазифалар таркибига киради. Мафкуравий тарғибот ва ташвиқотда кенг қамровлилик, узлуксизлик, бос-қичмабосқичлик, меъёрийлик, шахсий ибрат сингари ташкилий тамойилларга амал қилинган тақдирдагина кўзланган самарага эришиш мумкин.

"Мафкуравий фаолият самарадорлиги" тушунчаси жойларда амалга оширилаётган таълим ва тарбиявий ишлардан қандай на-тижаларга эришилганини ва шу соҳа ходимларининг фаолияти ҳамда тарбиявий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ифода-лайди. Бу мақсадга эришиш учун тадбирларни таълим жараёни билан уйғунлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Таълим-тарбия жараёнида аҳолига таъсир ўтка-зувчи омилларнинг харакат қилиш механизmlари ва хусусиятла-рини аниқлаш, улардан унумли фойдаланиш, маънавий-маъри-фий тадбирлар орқали ёшларни миллий ва умумбашарий қадри-ятларга садоқат руҳида тарбиялаш ғоят муҳим аҳамият касб эта-ди. Мафкуравий фаолият самарадорлиги юқори бўлиши учун улар-ни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида ёшларда тарбия ва ўзини ўзи тарбиялаш ҳиссини шакллантириш ҳамда ривожлантириш ташкилотчининг дикқат марказида бўлиши лозим. Таълим тизи-мидаги маъруза, амалий машғулотни маънавий-маърифий тад-бирлар билан уйғунлаштириш, бир томондан, таълим самара-дорлигини оширса, иккинчи томондан, таълим ва тарбиянинг уз-вийлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Мафкуравий тадбирларни тайёрлаш ҳамда ўтказишга ёшлар-

ни кенг жалб қилиш уларда туйғудошлиқ ва дахлдошлиқ хиссини үйготади, бу ҳолат ўтказилган тадбирнинг тарбиявий самарадорли-гини янада оширади. Бундай тадбирлардан маънавий-ахлоқий тар-бияда самараали фойдаланишнинг муҳим шарти шуки, бунда ҳар бир кишининг хусусиятлари, муайян воқеа-ҳодисага нисбатан фикри қай даражада шаклланганини ҳисобга олиш лозим. Таълим муассасаларида тадбирларни режалаштириш, ташкил қилиш, тайёрлаш ва ўтказишга талаба-ёшларни кенг жалб қилиш, ай-никса, мавзу танлаш, режа тузиш, сценарий тайёрлаш, тадбир ўтказиладиган хоналарни жиҳозлаш каби юмушларни уларнинг ўзларига топшириш лозим.

Мафкуравий фаолият самарадорлигининг ошиши ўқув юрт-ларида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг режа ва сценарийлари профессор-ўқитувчилар ёки ўқув юрти ходим-лари томонидан тузилган тақдирда уларни талabalар мухокама-сидан ўтказиш ва мухокама жараёнида билдирилган фикрлар-нинг инобатга олинишига ҳам боғлиқ. Мафкуравий тарғибот ва ташвиқот самарадорлигини ошириш мақсадида ўқув юртларининг маънавий-маърифий муассасалар билан ҳамкорлигини мустаҳ-камлашнинг аҳамияти катта. Бундай ҳамкорлик, бир томондан, маданий-маърифий муассасаларни аудитория, томошабин билан таъминлашга, иккинчи томондан, маънавий-маърифий тадбир-ларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга кўмакла-шади. Қолаверса, мафкуравий тарғибот ва ташвиқот самарадор-лиги тадбирларнинг мазмунан миллий маънавий-ахлоқий қадри-ятларимиз, миллий ғоя ва маданиятимиз, маънавий меросимиз билан уйғун ҳолда ҳамда замонавий шакллар ва интерактив ус-лублар асосида ташкил этилишига боғлиқ

Мафкуравий тарғибот ва ташвиқот самарадорлигини шу со-ҳанинг фаоллари, тарғиботчи ва ташвиқотчиларисиз тасаввур этиб бўлмайди. **"Мафкура тарғиботчиси"** шу соҳадаги янгиликлар ва ахборотларни тарқатувчи, кишиларни муайян ғоя ва ғоялар ти-зимиға хос мақсад-муддаоларга этишиш, идеалларга эришишга давват этувчи, хаётнинг барча соҳаларидағи илғор жараён ва во-қеаларни мунтазам равища таҳлил этиб, бу борадаги долзарб муаммолар ечимини топиш бўйича хабар, маълумот, таклиф-ларни оммага тарқатувчи шахсни ифодалайдиган тушунчадир. Мафкура тарғиботчиси, кенг маънода, ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури, яъни ғоя ва мафкура масалалари билан шуғулла-нади, ижтимоий-сиёсий, ғоявий, ахлоқий қадриятларни тарғиб

қилади. Тор маънода эса, у фаолияти маънавият, мафкура ва сиёсатни тарғиб этишга қаратилган шахсни англатади.

Мафкура тарғиботчиси илмийлик, конкретлик, объективлик, ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлик тамойилларига асосланиши, илмий, назарий, амалий-ташкилий жиҳатдан етук киши бўлиши лозим. У шахс, жамият ва давлат эҳтиёжларидан келиб чиқиб, улар манфаатларини ифода этиб, адолатли жамият куриш хақидаги бунёдкор ғояларни омма орасида ёйиш, кишиларга маъ-навий, ғоявий-сиёсий таъсир кўрсатиш субъектидир. Мафкура тарғиботчиси ўзи англаган, ўрганган, юрагидан ўтказган, тўғри-лигига ишонган маълумотларнинг серқирралиги, янгилиги билан аҳолини маънавий, ғоявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жара-ёнларда фаолликка чорлади.

Хозирги даврда ҳам бир маърифатли, виждонли инсон бузғунчи ғоялар таъсирига қарши курашиши, аҳолига бор ҳакиқатни тушунтириб бериши, одамлар руҳини, онгу тафакку-рини, умуман, маънавиятини ҳимоя қилиши зарур. Элга эзгу ғояларга асосланган тушунчаларни тарғиб қиласиган, аҳолига тар-бия берадиган, тинчлик-осойишталикни сақлаш, маърифатни тар-қатиш каби савобли ва хайрли ишларни амалга оширишга даъват этадиган мўътабар жой — мактаблар ва уларда ишлайдиганлар ҳам мафкура тарғиботчилариридир. Юксак маънавият ёшлар онги ва қалбига сингиши, давлат ва жамият мақсад-муддаоларини жа-моатчилик қўллаб-қувватлашига эришмоқ учун тарғибот-ташви-қот узлуксиз бўлмоғи лозим.

Шу маънода, мафкура тарғиботчиси янгиликларни англашга қодир, ҳақиқат ва ҳалқ манфаати йўлида курашларга ҳамиша тайёр, мард, фидойи бўлиши лозим. Бундай хусусиятлар эса, тарихдан, аждодлар тажрибасидан маълумки, жамоа, жумладан, маҳалла шароитида шаклланади. Маҳалла — жамиятимизда алоҳида маъ-навий тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос демократия мактаби. Бу ноёб тажриба — аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тар-зи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, унинг маъ-навиятини тарбиялайдиган бирламчи макон маҳалладир.

Миллий урф-одатлар, маросимлар тарғиботи чоғида ҳам бутун инсоният, Ватан ва миллат манфаатларини, шахс эркинлиги, мил-лий қадриятлар мажмуининг яхлит уйғунлигини ёдда тутмоқ ло-зим. Фоя ва мафкура тамойиллари шу соҳадаги ҳар бир инсон,

жумладан, тарғиботчининг ҳар бир хатти-ҳаракатида ўз ифодаси-ни топади. Унинг яшаш тарзи, қилган ишлари, яратган асарлари, меҳнатининг натижалари, атроф вокеликка муносабати — барча-барчаси гояларга садоқатнинг кўзгусидир. Олимнинг кашфиёти, мусаввирнинг картинаси, ёзувчининг романи, шоирнинг шеъри, ўқитувчининг, воизнинг маърузаси, бастакорнинг мусиқаси ўзига хос тарғиботdir. Бундай тарғиботда кўп китоб ўқидиган, маълу-мотли зиёлиларга мўлжалланган бир оз мураккаброқ ахборотлар билан тадбиркорлар кайфиятига таъсир этиб бўлмайди. Шунинг-дек, гояларга садоқат туйгуларини сингдиришда талабаларга ҳам, фермерларга ҳам бир хил муносабатда бўлиш, бир хил усууллар-дан фойдаланиш кутилган самарани бермайди. Чунки, турли иж-тимоий гурух вакилларининг дунёқараши, манфаатлари ва қадри-ятлари бир-биридан фарқ қиласди. Мафкура тарғиботчиси томони-дан ҳар бир гурух, табака, тоифа хусусиятларини ҳисобга олиш кўпроқ самара бериши мумкин. Мафкура тарғиботчиларининг ўzlари ҳам эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган, юксак савияли, кўпни кўрган, жонкуяр, оташин, энг муҳими, одамларнинг юрагига ҳаққоний сўзи, ёрқин фикри билан йўл топадиган ҳалол инсонлар, яъни бунга маънавий ҳуқуқи бор киши бўлиши лозим.

Демак, мафкура тарғиботчиси "Авесто"даги "эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал" тамойилига мос шахс бўлмоғи зарур. Мафкуравий тарғиботда ҳиссиётларга қучли таъсир қилиш, жозибалик, но-анъанавий усуулларни кўллаш, ошкоралик, миллий қадриятлар доирасидан чиқмаслик, оммабоп ва тушунарли ифодалаш кўпроқ самара беради. Бугунги ғоят мураккаб, таҳликали дунёда ёшлар маънавиятини янада юксалтириш, уларни миллий анъана ва қад-риятларга ёт бўлган бузғунчи гоялар, заарли оқимлар таъсири-дан асраш вазифаси мафкуравий тарғибот фаоллари билан бир-га, бу соҳада фаолият юритадиган турли ташкилот ва муассаса-лар зиммасига улкан масъулият юклайди.

13-мавзу. Мафкуравий кураш ва гоявий зиддиятлар

Жамият тараққиётининг ҳозирги даврида рўй берадиган маф-куравий жараёнлар инсон онги, қалби хилма-хил усуулларда олиб бориладиган гоявий тарғибот ва ташвиқотнинг асосий обьекти ҳамда мақсадига айланганини кўрсатмокда. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Бугунги кунда инсоният кўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар Ер куррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта

хавф — инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдон-ларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нар-сани ҳал қиласи. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик ло-зим". Масаланинг моҳиятини тушуниш учун ғоя ва онг муносаба-тига дахлдор бўлган куйидаги ҳолатларга эътибор бериш зарур. Муайян ғоя инсон томонидан қабул килинмаслиги ёки у шахс он-года фақат муайян ахборот сифатида сақланиб қолиши мумкин. Биринчи ҳолатда ғоя инсон онгидан ҳеч қандай из қолдирмаса, ик-кинчисида ғоя шахс учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлмайди. Ин-срл онги ва қалби учун кураш, деган фикрда ғоя ва онг муносабати шарқона фалсафий тафаккур асосида ифодалаб берилган. Ғоя фақатгина инсон онги орқали унинг қалбини эгаллаган, инсон маъ-навий-рухий ҳолатининг узвий қисмига айлангандагина ҳаракат-га даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучга, фаолият учун кўллан-мага айланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ушбу тамойил мафкуравий курашнинг ўзагини ташкил этмоқда.

"**Мафкуравий кураш**" тушунчаси турли ғоявий қарашлар, ёндашувлар, хилма-хил маслак ва мақсадларга эга ижтимоий субъектлар ўртасида юзага келадиган, қарама-каршиликка асос-ланган муносабатни ифодалайди. У янги, шакланаётган ғоялар билан ўз «вазифасини» бажариб бўлган мафкура ёки унинг қол-диқлари ўртасидаги муносабат шаклида ҳам содир бўлиши мум-кин. Шу билан бирга, мафкуравий кураш муайян ғояларни синг-дириш ёки химоя қилиш жараёнини ҳам англатади. Мафкуравий курашни мухолиф мафкуравий қарашларнинг ҳар қандай кўри-нишини йўқ қилишга, ғоявий плюрализмни бартараф қилишга қаратилган ҳаракатлар — мафкуравий конфронтациядан (фран. — қарама-карши қўйиш) фарқлаш керак.

Мафкуравий конфронтация аксарият ҳолларда ғоявий соҳада мутлақ устувор бўлиб келган қарашлар тизими барбод бўлган, кишилар кўп йиллар давомида шаклланиб келган ҳаётий мўлжал-ларини йўқотиб қўйган, содда қилиб айтганда, мафкуравий бека-рорлик вазиятининг хосиласи хисобланади. Бундай бекарорлик ҳолати кескин ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар, хусусан, бир тузумдан бошқасига ўтиш даври, муайян ҳолларда ташқи тарь-сир, масалан, халқаро майдонда яккаланиб қолиш ёки ҳарбий ҳаракатлар, ўзаро урушларда енгилиш натижасида юзага келган ижтимоий-сиёсий вазият натижаси ҳам бўлиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, мафкуравий бекарорлик жамиятдаги мавжуд

мафкуравий мувозанат бузилган, аммо янгиси қарор топмаган вазиятдаги ғоявий ўзгарувчан ҳолат ҳисобланади.

Жамият тараққиёти бундай ҳолларда ғоявий антагонизмга асосланадиган мафкуравий конфронтация юзага келиши учун реал шартшароит пайдо бўлишини кўрсатади. Бундай антагонизм му-айян жамият (давлат) доирасидаги ҳамда мамлакатлараро дара-жадаги зиддиятларнинг кескин характер касб этишининг инъико-си ҳисобланади. Мафкуравий конфронтация вайронкор ҳарак-терга эга бўлади, унда душман деб ҳисобланган мафкура(лар)ни йўқотишга алоҳида эътибор берилади. Бундай пайтда ўз даврига нисбатан яшовчан, кишилар руҳияти, орзу - умидлари билан боғ-лик майлларни тўғри ва аниқ ифодалаган мафкура ғолиб бўлади. Бундай мафкура моҳиятан ҳамма вақт ҳам прогрессив характер-га эга бўлмаслиги мумкин. Фашистлар Германиясида национал социализм, шўролар даврида большевизмнинг мухолиф ғоявий қарашлар, ■ уларнинг соҳиблари ва тарафдорларини йўқ қилиш йўлида олиб борган гайриинсоний ҳаракатлари бунинг исботи бўла олади. Ўзгача ғоявий қарашлар ва ёндашувларга ашаддий душ-манлик кўзи билан қараладиган, жамият тараққиётининг ягона ва энг окил йўлини кўрсатишга даъво киладиган ҳамда кишиларда ғоявий индифферентлик руҳиятининг қарор топишига хизмат қиласиган мафкура яккаҳокимлиги шароитида мафкуравий кураш ҳақида гапириш мумкин эмас.

Мафкуравий курашнинг манбаини ўз мазмун-моҳиятига кўра, бир-биридан фарқланувчи турли ғоявий қарашлар соҳиблари-нинг манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар ташкил этади. Демак, мафкуравий кураш содир бўлиши учун турли ижтимоий субъект-лар мавжудлигининг ўзи етарли эмас. Бундай кураш уларнинг манфаатлари бир-биридан фарқланувчи ғоявий шакл касб этган, содда қилиб айтганда, мафкуравий зиддият мавжуд бўлгандагина реал характер касб этади. Шундагина мафкуравий жараёнлар жамият ривожланишини таъминлашнинг зарурий шарти сифа-тида ўзлигини намоён қиласи. Кишилар, ижтимоий гурухларнинг бир-биридан фарқланувчи эҳтиёж ва манфаатларини рўёбга чи-қариш имконияти пайдо бўлади. Бу, ўз навбатида социал струк-турадаги ўрнидан қатъи назар, жамият аъзолари учун ижтимоий тараққиётнинг оптималь йўлларини ойдинлаштиришга хизмат қила-ди. Айни пайтда, бу жараён янгидан-янги ғояларнинг пайдо бўлишига, мафкуравий қарашлардаги ижобий ва салбий жиҳатлар-нинг ошкор бўлишига замин яратади, муайян мафкуравий қоида,

тамойилларнинг қайта кўриб чиқилиши, кун тартиоидан олиб ташланиши ҳамда мавжуд ижтимоий қатламлар эҳтиёж ва манфаат-лари, орзу-умидлари ва интилишларига ҳамоҳанг бўлган қарап-ларнинг янада ривожланишига йўл очади. Мазкур ҳолатлар би-рон-бир жамият ёки давлат янгиланаётганида, бир босқичдан бош-қасига ўтаётганида яққол намоён бўлади. Бундай ҳолда мафкура-вий кураш қуидагича йўналишларга эга бўлиши мумкин:

- 1) ўз умрини ўтаб бўлган, янги замон талабларига жавоб берса олмай қолган мафкура, гоялар тизими ёки гоявий-мафкуравий тамойилларга қарши фаолият;
- 2) муайян миллат, жамият ва давлат учун бегона ҳамда ёт бўлган, четдан туриб, турли мақсадларда, хилма-хил воситалар орқали жорий этишга ҳаракат қилинаётган гоя ва мафкураларга нисбатан амалга ошириладиган ҳаракат, чора-тадбирлар мажмуи;
- 3) асл мақсадлари халқ ва жамиятнинг умумий манфаатлари-га зид бўлиб қолган ички кучлар, консерватив субъектларга хос гоя ва мафкуравий қарап-ларга қарши кураш;
- 4) янги жамият ва янги давлат барпо этиш, ҳаётда туб ўзга-риш ва ислоҳотларни амалга оширишга хизмат қиладиган гоялар ҳамда мафкуравий тизим шаклланиши учун олиб бориладиган фаолият ва бошқалар.

Замон ва давр нуқтаи назаридан узоқ муддатни қамраб олиши, истиқболни англаш билан боғлиқлиги ҳамда диалектик характеристики билан ажralиб турадиган мафкуравий кураш муайян мамлакат ёки жамиятнинг манфаатлари ва имкониятлари билан белгилана-диган эҳтиёжлар ва интилишлар инъикоси сифатида намоён бўлади.

Қандай ҳолда бўлмасин, гоявий кураш ҳамиша амалга ошириладиган ҳаракат натижалари, унга эришиш йўлларининг бел-гилаб олинишини билдирадиган фаолият сифатида муайян мақсадларда амалга оширилади. Уларни рўёбга чиқаришда хил-хил усул ва воситалардан фойдаланилади. Жумладан, бунда ташки-лий омил — тарғибот ва ташвиқот инфраструктурасининг ри-вожланганлик даражаси у ёки бу тарзда гоявий таъсирни рўёбга чиқаришда ўзига хос ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, техника ва технологиялар ҳам бугунги кунда гоявий мақсадларни амалга оширишда тобора муҳим аҳамият касб этиб бормокда. Интегра-ция жараёнлари чукурлашиб бораётган, мамлакатлар ва минта-қалар бир-бири билан тобора мустаҳкам боғланиб бораётган бу-гунги кунда миллий, диний ва демографик омиллар мафкуравий мақсадларни амалга оширишнинг манбаи сифатида намоён бўлмоқ-

да. Ҳозирги даврда гаразли мағкуравий максадларни амалга оши-ришда кишилар онгини белгиланган мұлжал-муддаолардан келиб чиқиб, маъкул йұналишга ўзgartариш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, этник, конфессионал ва шу каби асосларда бекарорликни юзага келтириш, жамиятдаги бирлик ва ҳамкорликка путур ет-казишиңға интилишда турли ғоявий тажовуз шаклларидан фойда-ланилаётгани ҳам бу фикрнинг үринли эканини тасдиқлады.

Ғоявий кураш усууллари қанчалик қадимий бўлса, бу йўлда фойдаланиладиган тамойиллар ҳам шунчалик қадимийдир. Фақат уларни амалга ошириш механизмлари, усууллари ва йўллари мураккаблашиб, ўта нозик тус олмоқда, холос. Жумладан, ғаразли максадларга эришиш учун мағкуравий курашда бугунги кунда ҳам, энг аввало, "Бўлиб ташла ва хукмронлик қил" деган қади-мий тамойилга амал қилинмоқда. Бу тамойилни рўёбга чиқариш-нинг биринчи йўли ғоявий тажовуз обьекти бўлган мамлакат ичida ижтимоий парокандаликни келтириб чиқаришга уринишdir. У жамият ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий со-халарида ўзига хос кўринишида намоён бўлади. Масалан, эндиғина мустақилликка эришган мамлакатга нисбатан бу усулнинг қўлла-нилиши ўтиш давридаги ижтимоий-иқтисодий кийинчиликларни бўрттириб кўрсатиш орқали ахолининг мавжуд ҳолатдан норози-лигини уйғотиш йўли билан сиёсий бекарорликни келтириб чиқа-ришга бўлган интилишларда намоён бўлади. Бу йўлда диний омил-дан, гўёки эътиқод эркинлиги бузилаётганидан фойдаланишга уринишлар ҳам кузатилаётir. Ана шу холат ҳам "Мақсад воси-тани оқлайди" деган ақида ғаразли манфаатларни рўёбга чиқа-ришнинг асосий қоидасига айлананаётганини кўрсатади.

Юқоридаги тамойилни амалга оширишнинг иккинчи йўли би-рон-бир минтақа давлатлари ўртасида турли зиддиятларни юза-га келтиришdir. Сиёсий кучлар бу борада ўта "нозик" ва "ноёб" йўллардан фойдаланишга уринимоқда. Хусусан, минтақа давлат-лари коммуникациялари узвий боғлиқлигини инобатга олиб, атай-лаб номақбул, иқтисодий жиҳатдан заарарли бўлган ҳолатларни келтириб чиқариш ва шу йўл билан уларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларини чегаралаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу билан бирга, минтақада гегемонликка даъвогар бўлган мамлакат борлигини асослаш, таъбир жоиз бўлса, шундай давлат образини яратиш йўлида ҳам жиддий ҳаракатлар қилинмоқда. Бундай образларнинг яратилиши Ер юзининг турли нуқталарида низоли вазиятларни, миллатлараро ва давлатлараро муносабат-ларда тангликларни юзага келтирган. Ҳозирда ҳам бундай "образ-

ларнинг" яратилиши мамлакатларнинг иқтисодий, маънавий-интеллектуал салоҳияти жамият тараққиётини таъминлаш ўрнига ана шу "образ" таъсирининг олдини олишга йўналтирилмоқда. Натижада асосий мақсадга — муайян давлатни заифлаштириш орқали ўз "иттифоқчисига" айлантиришга эришилмоқда.

"Имтиёзли ҳамкорни белгилаш" муайян мінтақада ғоявий ман-фаатларни амалга оширишга хизмат қиласидиган яна бир тамойил. Диний, лисоний бирлик, маданий яқинлик, тарихан қарор топган ижтимоий-иқтисодий алоқалар ёки бошқа сабабларга кўра ҳар бир давлат ким бидандир имтиёзли ҳамкорлик қиласиди. Бу табиий ҳолат. Аммо сўз "имтиёзли ҳамкор"дан давлатлар ўртасида ай-ирмачиликни шакллантириш, "номақбул" мамлакатлар имкони-ятларини чеклаш йўлида фойдаланиш, шу билан бирга, "ҳам-кор" давлатнинг қайеидир жиҳатдан устунлигини таъминлашга қаратилган интилишлар ҳақида бормокда. Аслида у ёки бу кўри-нишдаги устунликни таъминлаш ҳам асосий мақсад эмас. Бош мақсад — муайян таъсир ўтказиш плацдармига эга бўлиш. Бу эса, ўз навбатида, ушбу йўналишдаги ғоялар кураши ва мафкуравий таҳдиднинг устувор йўналишларини белгилайди. Амалиёт имтиёзли ҳамкорни белгилашда ана шундай узокни кўзловчи гаразли геосиёсий ва геостратегик мақсадлар асос қилиб олинаётганини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, "Имтиёзли ҳамкор" тамойили "Бўлиб ташла ва хукмонлик қил" принципининг тўлдирувчиси сифатида юзага чиқади. Бунга бугунги кунда айрим кўшни давлатларнинг мінтақага таъсир ўтказиш йўлида ўзига хос плацдарм вазифасини ўтаётгани мисол бўла олади.

Муайян гурух, халқ, жамиятни мафкуравий таъсир доираси-га тортишни асосий мақсад қилиб олган ғоявий кураш тамойил-лари ҳамда уларни турли йўллар ва усууллар билан амалга оши-ришга уринишлар ҳамма вақт бўлган. Тарихга назар ташласак, бу жараён жамият ривожлана бориши билан бирга чуқурлашиб, кенг қамровлилик касб этиб борганини кўрамиз. Масалан, хозирги даврда мафкуравий кураш ўзининг қатор хусусиятлари билан ажралиб туришини кўриш мумкин.

Энг аввало, мафкуравий кураш ва ўзгаларга ғоявий таъсир ўтказиш жараёни тезкор ва катта шиддат билан кечётганини қайд этиш зарур. Бу шиддатлилик муайян мафкуравий қадрият-ларни яшин тезлигига оммалаштириш, тарқата олиш имкония-тини яратган, Ер юзининг турли бурчакларида дунёга келаётган ғояларни миллионлар дунёқарашининг узвий қисмига айлантира-

ётган матбуот, радио, телевидение, Интернет кабиларнинг та-раккиёти туфайли содир бўлмоқда.

Шу билан бирга, мафкуравий кураш жараёни олдингидан ҳам кенг қамров касб этиб бормоқда. Бу жараёнга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари, аҳолининг турли қатламлари тортилганида яққол кўринади. Бу жараён шунчалик кучлики, бугунги кунда дунё худу-дининг бирор-бир жойини мафкуравий таъсирдан ташқарида та-саввур қилиш қийин.

Гоявий кураш аниқ белгиланган мақсадларга эришиш йўлида ҳар томонлама ва пухта ишланган режа асосида амалга оширил-моқда. Бу жараёнда хилма-хил институтларнинг изчил тарздаги иштироки ҳам таъминланмоқда. Ана шундай шароитда давлатлар мафкуравий тарбияни тўғри йўлга қўйиш ва хилма-хил гоявий таъсирларнинг олдини олишни ўз сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгилашга мажбур бўлмоқда.

Айни пайтда, мазкур жараёнда нодавлат, ноҳукумат ташкилотларининг роли ҳам кескин даражада ошгани кузатилмоқда. Бунга катта иқтисодий ресурсларга эга бўлган турли халқаро но-давлат ташкилотлар ёки диний экстремистик ҳаракатларнинг бу-тун бир минтақада ўз таъсир доираларини кучайтириш йўлидаги уринишлари ҳам мисол бўла олади.

Мафкуравий курашнинг йўналишлари ичida гоявий тажовуз ўзига хос хусусиятга эга. **"Мафкуравий тажовуз"** тушунчаси му-айян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумни заифлаш-тиришга ва барбод қилишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи гоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиётни ифодалайди. Мафкуравий тажовуз ёвуз куч-лар ва ҳар хил марказлар томонидан бирон-бир мамлакатга нисба-тан ичкаридан ёки ташқаридан туриб бевосита амалга оширилади-ган гоявий бузгунчиликнинг бир шаклидир. Улар ўз жирканч мақ-садларига эришиш учун ҳар қандай усууллардан, одамларнинг ди-ний, миллий ҳиссиётлари, мавжуд ижтимоий-иқтисодий қийин-чиликлардан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қиласди.

Бугунги кунда мамлакатимизга татбиқан мафкуравий тажовуз аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёшларнинг қараш-ларини ўзларига маъқул бўлган йўналишда ўзгартириш, диний экстремизм, ахлоқсизлик каби бузгунчи гояларни сингдиришдек кўринишларда содир бўлмоқда. Бундай тажовуз демократия бай-

роғи остида фуқароларни қонуний ҳокимият органлари фаолия-тини издан чиқариш, зўравонлик хатти-харакатларини амалга оширишга ундаш, уларни Конституциямизда кўзда тутилмаган бошқа тузилмалар билан алмаштиришга чакиришдек уринишларда ҳам намоён бўлмоқда.

Юқоридаги каби хусусиятлари туфайли мафкуравий тажовуз мафкуравий гегемонизм (юнон. "ξεψητοσ" — раҳнамолик, хукмонлик, раҳбарлик) билан ҳамоҳанглик касб этади. Зоро, мафку-равий гегемонизм муайян ижтимоий гурух, қатлам, миллат, дав-латнинг бошқалар устидан хукмонлик қилишини асослашга қара-тилган назария ва амалиётдир. XX асрда Германияда фашизм, Россияда пролетар мафкураси хукмон мавқени эгаллаб, милли-онлаб кишиларнинг бошига чексиз кулфатлар келтиргани мафку-равий гегемонизмга интилишнинг фожиавий оқибатларини тасав-вур қилиш имконини беради.

Мазкур йўналишда мафкуравий ҳимоя гоят муҳим аҳамият касб этади. "**Мафкуравий ҳимоя**" серкирра тушунча бўлиб, унинг шахсий ва ижтимоий даражалари мавжудлигини алоҳида қайд этиш лозим. Мафкуравий ҳимоя ижтимоий институтлар томони-дан амалга ошириладиган турли шакллардаги гоявий-тарбиявий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун гоявий тар-бия тизимини қамраб олади. У гоявий бўшлиқни тугатиш, мафку-равий парокандаликнинг олдини олиш ёки бирор-бир худуд, қат-лам, гурухни ёт ва зарарли гоялар таъсиридан ҳалос қилиш мақ-садида амалга оширилади. Бунда гоявий таъсирининг хилма-хил усул ва йўлларидан фойдаланилади, турли воситалар қўллани-лади. Мафкуравий ҳимоя тезкор ва кисқа суръатларда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик билан чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, ик-кинчи ҳолда доимий ва событқадамлик билан иш олиб бориш кўпроқ натижка беради. Мафкуравий иммунитет тизимини шакл-лантиришда мафкуравий ҳимоянинг ўрни катта. Зоро, у моҳия-тан, ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирларга таянади.

Мафкуравий ҳимоя таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ти-зими орқали амалга оширилади. Соғлом мафкурани ҳалқ онги ва қалбига сингдиришга хизмат қиласидиган ижтимоий тузилмалар, оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам бу жараёнда ўз ўрнига эга. Шунингдек, Ватан, ҳалқ манфаатлари-ни, дўстлик ва биродарликни, ўзаро хурмат ва бағрикенгликни

тарғиб-ташвиқ этувчи эртаклару достонлар, қўшиқлару ракслар, турли кўриниш ва мазмундаги маънавий-маърифий тадбирлар мафкуравий химояни амалга ошириш шаклларири.

Бугунги дунёда муайян гурухлар ва давлатлар ўзларининг ғараз-ли манфаатларини ифода этаётган турли тажовузкор гояларни си-новдан ўтказмокда. Уларнинг ортида кишиларни маънавий-мафку-равий жиҳатдан тобе қилиш, пировард натижада эса буткул қарам қилиб олиш мақсади ётади. Бу катта-катта худудларни, айниқса, бой табиий ресурсларга эга бўлган минтақаларни эгаллаб олиш-нинг энг қулай ва камхарж усулидир. Зеро, турли мафкуравий таъсирлар оқибатида онги ва шуури забт этилган, қараш ва кай-фиятлари "маъқул" йўналишга ўзgartирилган аҳоли қўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин.

Бундай шароитда миллий хавфсизликни таъминлаш, унинг тур-ли йўллари, воситалари ва усуллари имкониятларидан фойдала-ниш мухим аҳамиятга эга. Мафкуравий жараёнлар глобаллашуви шароитида шахс, миллат, жамият, давлатни хилма-хил шакллар-да намоён бўладиган гоявий кураш ва тажовузлар таъсиридан ҳимо-ялаш, содда қилиб айтганда, мафкуравий хавфсизликни таъмин-лаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, эзгу мақсадларга хизмат қиласиган гоялар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий им-мунитетни шакллантириш нуқтаи назаридан ҳам мухимдир.

Бугунги кунда турли хил мафкура марказларининг ғаразли ниятлари ва интилишларининг олдини олиш, гоявий таҳдидлар-ни бартараф қилиш, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш мафкуравий хавфсизлик тизимини шакллантиришда ўзига хос ўринга эга. Шу ўринда республикамизда мафкуравий хавф-сизлик халқимизнинг асрий анъаналари, тили, дини, маънавияти ва миллий ривожланишига хизмат қилувчи умуминсоний қадри-яtlарга асосланишини таъкидлаш зарур. Шунингдек, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари, маданий-маъ-рифий муассасалар томонидан амалга оширилаётган тарбиявий ишлар, маънавий-маърифий тадбирлар тизими мафкуравий хавф-сизликни таъминлашнинг таркибий қисми ҳисобланади. Мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлиги жамиятнинг маънавий етукли-гига мос равища амалга ошириладиган гоявий тарбияга таянади ҳамда жамият, давлат ва шахс мафкуравий хавфсизлигини таъ-

минлашни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эъти-роф этишга асосланади.

Гоя ва мафкура соҳасидаги ҳимояда **мафкуравий ихоталаш** муҳим аҳамиятга эга. Бунда муайян мамлакатга бегона ва ёт гоялар кириб келадиган томон аниқланади ва унинг чегаралари бўйлаб мафкуравий ихоталаш тизими шакллантирилади. Тўғри бу тизим бир қарашда кўзга ташланмаслиги мумкин, аммо у умумий ҳимоя тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Бутунги дунёда кўплаб мамлакатлар ва халқлар бир-бири билан иноқ, дўст, яхши қўни-кўшни бўлиб, ёнма-ён яшайдилар. Аммо бошқалар учун хавф-хатар ўчоғи бўлиб қолган, турли бузғунчи гоялар ин қуриб олган ҳудудлар ҳам йўқ эмас. Ана шундай шароитда мафкуравий ихо-талаш бундай ҳудуд билан ёнма-ён бўлган мамлакат учун асосий воситалардан бирига айланади. Бунда шу ҳудудга яқин бўлган жойлардаги ахолига алоҳида аҳамият қаратилади, унинг турли қатламлари орасида мафкуравий профилактика ишлари кучай-тирилади, уларда кучли мафкуравий иммунитетни шаклланти-ришга ҳаракат қилинади. Бу борада баъзи мамлакатларда кўп йилларга мўлжалланган фаолият дастурлари, чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилади, давлат ва нодавлат ташкилотлари, шу соҳадаги мутахассислар ҳамкорлигига амалга оширилади.

Турли мафкуравий таъсирлардан ҳимояланишнинг бундай замонавий усуллари ва воситалари муайян жамиятга мос гояларга содиклик туйғуларини шакллантиришга ёрдам беради. Бунда ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари манфаат ва мақсадла-рини ҳисобга олиш лозим. Мафкуравий ҳимоя тамойилларига амал қилинмаган ҳолларда бегона ва заарли гоялар таъсирига тушиш, мафкуравий курашда мағлуб бўлиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса соғлом мафкура тамойилларини аҳоли онги ва қалбига мутта-сил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради.

Бугунги кунда турли мафкуравий таъсир ва тазиқлардан ҳимояланишнинг устувор вазифаси мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш билан боғлиқ тамойиллар моҳиятини кенг жамоатчи-ликка тушунтириш, айникса, ёшлар онгига сингдиришдан ибо-рат. Бу, ўз навбатида, аҳоли орасида мафкуравий тарбияни ку-чайтириш, унинг турли қатламларида мафкуравий иммунитетни шакллантиришга ёрдам беради.

14-мавзу. Гоявий таҳдид ва мафқуравий бузғунчилик

Ҳозирги давр ўтган аср ўрталари ва унинг 80-йилларидан туб-дан фарқ қиласи. Бу давр сабиқ иттилоқ ва у бошчилигидаги ла-гернинг емирилиши, унинг ўрнидаги кўплаб мамлакатларнинг мус-тақил тараққиёт йўлига ўтиши, икки қутбли дунёнинг барҳам то-пиши билан яқунланди ва кўп қутбли дунёнинг шаклланиши учун шарт-шароит туғилди. Бироқ у тез орада янги, ўта мураккаб ва қарама-қаршиликларга ниҳоятда бой вазият билан алмашди.

Халқаро глобаллашув жараёнларининг мураккаб ва зиддиятли тус олганлиги бугунги кундаги гоявий таҳдид ҳамда мафқуравий тажовузларнинг ўзига хослиги ва хусусиятларини белгилаб ту-рибди. Афсуски, жаҳоннинг сиёсий, иқтисодий жараёнларида етак-чилик килаётган айрим мамлакатлар ўтмишдан мерос бўлиб қол-ган, асосан, империяларга хос баязи бузгунчи гоялар таъсиридан ҳанузгача қутула олмаётганликларини яққол кузатиш мумкин. Уларнинг бу тарздаги фаолияти туфайли XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб, гоявий тажовуз ҳамда мафқуравий таҳдидлар билан боғлиқ ҳодисаларнинг салбий жиҳатлари кескин равишда намоён бўла бошлади. Жумладан, айрим йирик давлатларнинг ўз маданияти ва сиёсий-ижтимоий тараққиёт моделини универсал усул сифатида ёйишга қаратилган хатти-харакатлари фикримизнинг далилидир. Унинг асосий жиҳатларидан бири шундаки, бун-дай шароитда суверен миллий давлатларнинг мустақил ривожла-ниш ҳақ-хукукларига тазиик ўtkазиш холатлари амалиётга айланмоқда. Бунинг натижасида кўп қутбли ва адолатли дунёнинг шаклланиши қийинлашибгина қолмасдан, балки турли зиддиятли жараёнлар халқаро барқарорликка ҳам салбий таъсир этмоқда. Оқибатда глобал дунё структураси ўта мураккаблашиб бормоқда, бу, ўз навбатида, Ер юзида ҳамкорликка асосланган мустаҳкам алоқаларни барпо этишга жиддий тўсик бўлмоқда. Шу боис ҳам мустақил демократик тараққиёт учун имкониятлар, шарт-шароитлар жиддий равишда қийинлашиб, инсоният олдида ечилиши, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар кўлами кенгайиб бормоқда.

Бундай вазиятда жамиятимизнинг мустақил демократик та-раққиёти ва хавфсизлигини таъминлаш масалалари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон танлаган йўлдан событқадамлик билан бориши учун ҳозирги давр вужудга келтирган таҳдидларни ҳар томонлама англаш ва уларга қарши турishnинг самарали йўлларини излаб топиш ҳамда амалиётда қўллаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу, ўз навбатида, гоявий

тажовузларга қарши туришнинг самарадорлигини ошириш учун кўплаб назарий ва амалий масалаларни кун тартибига қўйиб, «мафкуравий таҳдид» тушунчасини ҳозирги давр талаблари асо-сида янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини англатади.

"Мафкуравий таҳдид" муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституци-он тузумни заифлаштириш ҳамда бузишга йўналтирилган, шахс ва жамият хавфсизлиги, маънавий, мафкуравий, руҳий дунёсига тажовуз қиласиган гоявий-назарий қарашлар ва уларга асосланган амалиёт мажмуини ифодалайдиган тушунчадир. Унинг мазмун-моҳияти, зарарли оқибатлари ва унга қарши курашиш зарурлиги Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида ҳар томонлама ва ишончли далиллар асосида кўрсатиб берилган. Ушбу асарда таъкидланганидек, тили, дини, эътиқоди-дан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, гоявий ва ин-формацион хуружлар бу борадаги таҳдид ва тажовуз ҳисобланади.

Мафкуравий таҳдид ва тажовуз вайронкор кучларнинг ўз мод-дий, сиёсий манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳар хил марказлар томонидан бирон-бир мамлакатга нисбатан ичкаридан ёки ташқа-ридан туриб, бевосита амалга ошириладиган бузгунчиликнинг муайян шаклидир. Улар ўз мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усувлардан, одамларнинг руҳий ҳиссиётлари, миллий туй-гулари, ҳар қандай жамиятда мавжуд ижтимоий-иқтисодий му-аммолардан, шунингдек, замонавий технология, телекоммуника-ция, ОАВ, Интернетдан нохолислик билан фойдаланишга хара-кат киласиди.

Ҳозирги даврда мафкуравий таҳдид деганда, аҳолининг айрим қатламлари, айникса, ёшлар онги ва қалбига таъсир қилиб, улар-нинг қарашларини ўзларига маъқул йўналишда ўзгартириш, ди-ний экстремизм, вайронкорлик, бузгунчилик, ахлоқсизлик гояла-рини зидан тарғиб-ташвиқ этиб, сингдириш каби ғаразли мақ-садлар ҳам англашади. Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз, таҳдид ўз-ўзидан мамлакатнинг миллий манфаатлари, жисмонан ва маънан соғлом авлод келажагини таъминлаш йўли-даги жиддий хатарлардан биридир.

Мафкуравий таҳдид шакллари хилма-хил. Зеро, таҳдидчи-лар кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва гоялар ниқоби ортида иш кўради, турли-туман усувлардан фойдаланади. Бун-

даи кучлар ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, улар пухта ўйланган ҳамда да-вомли мақсадларга хизмат қилмоқда. Ҳозирги даврда дунёning айrim худудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта йўқотишлар юз бермоқда, миллатларнинг маънавий қадриятла-ри, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқмоқда, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолмоқда. Энг ёмони, бундай мафкуравий хуружларнинг пировард мақсади одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишига, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга, ҳамма нарсага локайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилган.

Худбинлик ва лоқайдлик, маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик, ҳасад, сотқинлик синга-ри иллатлар ҳам маънавий таҳдид ва тажовузлар таркибиға киради. Президентимиз огоҳлантиргани каби, ҳозирги даврда турли эски ва янги гоялар кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқца. Рангбаранг, баъзан бир-бирига мутлако зид дунёқарашлар сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр тала-шувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб, қонли тўқнашув-лар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқца, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда. Бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад — инсон, авваламбор, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мам-лакат ёки минтақадаги бирор халқнинг онгига, унинг сезги-туйғула-рига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, мафку-равий жиҳатдан заиф ва тобе қилишдан иборат.

Уч минг йилликдан зиёд ўзбек давлатчилиги тарихи шундан да-лолат берадики, ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун, ав-вало, миллий манфаатларимизга тажовуз қилиб, маданият ва анъ-аналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни мафкуравий жиҳат-дан заифлаширишга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қил-ганлар. Бутун дунёда глобаллашув жараёни ҳаддан зиёд кучайган ҳозирги даврда бундай марказлар ва кучлар ўз ғаразли мақсадлари-ни амалга ошириш учун ҳар қандай усувларни ишга солмоқда. Улар бу борада катта куч ва маблағ сарфлаб, одамларнинг миллий, диний ҳиссиётларидан, бизнинг моддий хаётимизда мавжуд бўлган ўткин-чи қийинчиликлардан фойдаланишга уринмоқца.

Мафкуравий таҳдидларга қарши ўз вақтида қатъият ва из-чиллик билан кураш олиб борилмаса, турли зарарли оқимлар

Ўзбекистонга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларни ўз гирдобига тортиб кетиши, оқибатда улар ота-она, эл-юрт олди-даги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, факат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган эгоист-худбинларга айланиб қолиши мум-кин. Бизга мафкуравий таҳдид солиши мумкин бўлган айрим таш-килотлар ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклаш йўлида фаолият кўрсатмоқда. Албатта, бундан ўн тўрт аср бурунги воқеликни бугун амалда қайта тиклаб бўлмаслиги аён. Лекин уларнинг нияти — ягона мафкуравий макон барпо этиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу асосда ҳокимиятни қўлга киритиб, ҳукмронлик килишдан иборат.

Ҳозирги даврдаги "**эркин демократия**" ва турли "**очик жами-яят моделлари**"ни экспорт қилиш, жамият ва давлат қурилиши-нинг "универсал лойиха"ларини ташқаридан тиқишириш йўли-даги уринишлар ҳам мафкуравий таҳдид ва тажовуз сифатида баҳоланмоғи лозим. Аслида, инсоният тарихида барчага бирдек маъқул бўладиган бошқарув модели ҳеч қачон бўлмаган. Мафку-равий таҳдиднинг "**оммавий маданият**" никоби остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқлар-нинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзи-нинг мафкуравий негизларига беписандлик, уларни қўпоришига қаратилган шакллари ҳам мавжуд. Ҳозирги вактда ахлоқизлик-ни маданият деб билиш ва аксинча, асл мафкуравий қадриятлар-ни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолат-лар тараққиёт ва ёшлар тарбиясига тажовуз қилмоқда.

Мафкуравий таҳдид шаклларининг аксарияти информацион ху-руж ва уйдирмаларни тарқатиш орқали юз бермоқда. Бугунги кунда тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшшимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этил-ган, мунтазам ва узлуксиз равища олиб бориладиган мафкуравий тарбия билан жавоб бериш мумкин. Ҳар биримиз мафкуравий тах-дидларга нисбатан лоқайдлик, бепарволик ва бегамлик иллатидан халос бўлишимиз, ҳар бир фуқаро юртимизда, жаҳонда содир бўла-ётган ҳар қандай воқеа, ҳодиса, жараёнлар менга, менинг тақди-римга бевосита дахлдор деб ҳисобламоги даркор. Президентимиз таъ-кидлаганидек, "Ҳозирги ўта мураккаб бир замонда ҳалқаро майдон-да содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига этиб бориш, улар

ҳақида холис ва мустакил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди".

Мафкуравий таҳдид ўз моҳиятидан келиб чиқиб, энг аввало, инсон онгига, тафаккури ва хулқ-авторига хавф-хатар солмоқда. Инсон онги ва қалбини вайронкор ҳамда бузғунчи ғоялар билан издан чиқаришга ҳаракат қилиш мафкуравий таҳдиднинг энг асо-сий мазмун-моҳиятини белгилайди. Мафкуравий таҳдид муайян жамият аъзоларини ягона мақсад ва муддаолардан чалғитиб, мил-лий менталитетга мос келмайдиган бегона ғоялар, фикрлар, мақ-садлар ва қарашларни четдан туриб экспорт қилиш жараёнида ўзини янада аниқроқ намоён қиласди.

Ҳозирги вақтда мафкуравий таҳдидлар қуидагиларда намоён бўлмоқда:

- юртимиздаги демократия қадриятлари ва демократик та-раққиёт имкониятларига нисбатан шубҳа билан қараш ҳолатини вужудга келтириш;
- одамларни эзгу ғоялардан чалғитиши, хаёлий фаровон тур-муш тарзини ваъда қилиш;
- жамият аъзолари, айниқса, ёшлар тафаккурида миллий қадриятларга содиқлик туйғуларини заифлаштириш;
- халқимиз урф-одатлари, миллий менталитетига бегона одатларни киритишга интилиш;
- экстремистик руҳдаги диний ғояларни тиқиширишга ин-тилиш;
- аҳоли ўртасида миллий тараққиёт моделига ишончсизлик уйғотиши;
- жамоапарварлик, ижтимоий ҳамкорлик руҳини инкор этиб, индивидуализм ғояларини сунъий равишда тиқишириш.

Мафкуравий таҳдидларнинг ниҳоятда кенг қамровли эканли-гидан келиб чиқиб, уларни қуидагича тоифалаш мумкин:

Биринчидан, жамиятимиз аъзоларининг онги ва тафаккурига таъсир қилишга қаратилган хуружлар. Маълумки, халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келаётган миллий онги ва дунёқара-шида ҳамда хулқ-автор нормаларида ота-онага, ўзи яшаётган маҳалла жамоасига, катта ёшдаги кишиларга чукур хурмат би-лан қараш, муайян воқеа ва ҳодисаларга босиқлик, мулоҳаза ва андиша билан муносабатда бўлиш, жамоа фикрига нисбатан ало-хида эҳтиром кўрсатиш каби хислатлар устувс >лик қиласди. Қола-

Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: "Маънавият", 2008. 116-117-6.

верса, айнан мана шу қадриятлар жамиятимиз маънавиятигининг тамал тошини ташкил қилади.

•Бундай вазиятни яхши ўрганган ғанимларимиз бизга қарши маънавий хуружларни амалга оширишда ҳалқимизнинг мана шун-дай улуғвор қадриятларига мутлако тескари ва бегона бўлган, асосан «индивидуализм», «эгоизм», «космополитизм», «зўравон-лик», "диний мутаассиблик" ғояларини иложи борича чиройли никобларга ўраб, жамиятимизга олиб киришга уринмоқда. Ғаним-ларимизнинг ҳалқимиз миллий онгига таъсир кўрсатишдан кўзлан-ган асосий мақсади Президентимиз И.А. Каримов хулоса килгани-дек: «Ўзбекистонда ҳукм сурاء́тган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаёт-ган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга кираётган дав-латимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан қайтаришдир. Одамла-римизнинг юрагига ваҳима ва кўркув солиши хисобидан уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, бирбирига қарши кўйиш, юртимизда, минтақамизда ўз манфаати, ўз сиёсатини ўтка-зишдан иборат».

Иккинчидан, миллий урф-одатларимизга бўлаётган хуружлар. Маълумки, ҳалқимизда ўзига хос миллий одатлар, анъаналар шаклланган. Жамоа бўлиб яшаш, қариндош-уругларга меҳрибон-лик, тўй ва маъракалар, байрамлар, тарбия масалаларида, ҳашарларда ижтимоий ҳамкорликнинг бошқаларда учрамайдиган ўзига хос юқори даражасининг намоён бўлиши шулар жумласи-дан. Ҳалқимизнинг бу урф-одатлари асрлар давомида жамият мустаҳкамлигининг асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Давла-тимиз раҳбари таъкидлаганидек: «Ҳалқимизнинг донологи, бағ-рикенглиги, сабр-бардоши бизни ҳар қандай бало-қазолардан ас-раб, идрокимизни, ақл-заковатимизни чархлаб, юртимизда осо-иишталик ва миллатлараро, фуқаролараро тинчликни сақлаб қолишга хизмат қилди»¹.

Миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизнинг мамлакатимиз тараққиёти учун нақадар улкан аҳамиятини сезган таҳдидчилар бу борада ҳам муайян хуружларни амалга ошироқда. Шу мақсадга эришиш учун улар глобал алоқа тизимлари ва бошқа воситалар орқали маънавий қашшоқликка, таркидунёчиликка, одамларга нис-батан оқибатсизлик ва шафқатсизликка олиб келувчи ғояларни ҳамда

Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-кудратимизга ҳамжихатлигимиз ва катъий иродамизга боғлиқ 12-жилд. - Т.: "Ўзбекистон", 2004. 250-бет.

урф-одат нормаларини зўр бериб тарғиб қилмоқца. Булар орасида, айниқса, одамовилик, ота-онага нисбатан беписанд қараш, шахсий ҳаётни улуғлаш каби ғоя ва қарашлар устуворлик қилмоқца.

Учинчидан, миллий маданиятимизга бўлаётган хуружлар. Сир эмаски, халқимизнинг миллий маданияти ўзининг қадимийлиги, бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Марказий Осиё тарихи-да ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш би-лан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган алломалар кўп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақш-банд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захириддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номи, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссаси ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.

Маънавий хуруж уюштираётган кучлар жамиятимиз аъзола-рини миллий маданий бойликлар ва имкониятлардан бегоналашти-ришга харакат қилмоқда. Шу мақсадда улар Интернет тармоғидан, кинофильмлар ва санъат турларидан фойдаланган ҳолда ниҳоятда оҳанрабо, лекин енгил-елпи, инсон тафаккурини ривожлантиришга эмас, аксинча унинг саёзлашувига хизмат қилувчи намуналарни жамиятимизга олиб киришга интилмоқда. Бундай санъат ва мада-ният намуналарида беҳаёлик, мантиқсизлик ғояларининг тарғибо-ти етакчилик қилмоқда. Ваҳоланки, бу мамлакатларнинг ўzlари миллатларни парокандаликка олиб борадиган, инсоният учун шармандали вазиятларни демократия, инсон ҳуқуқлари каби олий қадриятлар шиори остида тарғиб қилмоқца.

Мана шундай ҳолатлардан келиб чиқиб хулоса қилиш мум-кинки, бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросида са-марали ва мустаҳкам маънавий иммунитетни шакллантириш ке-чикириб бўлмайдиган вазифага айланди. Маълумки, Президен-тимиз И.А.Каримовнинг 2000 йилда «Фидокор» газетаси мухбири-га берган интервьюсида мафкуравий иммунитетнинг моҳияти ва зарурлиги асослаб берилган эди. И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар, аввало, уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. ...Шунга ўхшаш зарарли таъсирлар давом этаверса, миллат ўзли-гини йўқотиши, минг йиллик анъаналарини бой бериб, оломонга айланиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Табиий савол туғилади: бундай мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак? Бунинг йўли — одамларимиз, аввалимбор,

ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини ба-куват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унут-маслик, отабоболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг, мен ўзбек фарзандиман деб, ғурур ва ифтихор билан яшашига эри-шишдир. Бугун кучли давлатларнинг тарғибот ва ташвиқотлари натижасида учинчи дунё мамлакатлари ўзларининг юқори мала-кали мутахассисларидан ажралмокдалар. Оддийгина ракамларга мурожаат қилганимизда бунинг тасдигини кўрамиз. Фарб оммавий ахборот воситаларининг доимий тарзда олиб борадиган тарғибот ва ташвиқотлари натижасида камбагал Африка мамлакатлари учун юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж юқори бўлиб турган бир пайтда, олий ва юқори малакали ходимларнинг ҳар учтасидан биттаси ривожланган давлатларга кетиб қолмоқда. Ҳар йили Африкадан ўртacha 23 000 илмий ходим ва ўқитувчи чиқиб кетмоқда. Кейинги беш йил мобайнида қитъя давлатлари 60 минг-дан ортиқ ўрта ва юқори бўғиндаги бошқарув ходимларидан маҳрум бўлди. Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет хосил қилина-ди. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она - Ватанга, бой тарихи-мизга, отабоболаримизнинг муқаддас динига sogлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафқуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур».

Фуқаррлар сиёсий онги ҳамда миллий қадриятларга нисбатан хуружлар ва уларни асраш зарурлиги буғунги муҳим масалалар-дан биридир. Албатта, бу масала барча замонларда буюк мутафак-кир, маърифатпарвар боболаримизни ўйлантириб келган, ҳалқи-миз эътиборидан ҳеч қачон четда қолмаган. Лекин буғун биз мут-лақо бошқа даврда яшамоқдамиз, энди ҳаёт талаблари ўзгача. Би-нобарин, ўзини асрашни ўйлаган ҳар бир ҳалқ қўпроқ келажаги ҳақида қайғурмоғи керак. Ҳалқимизнинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссаси ўтмишда қанчалик улкан бўлмасин, шунинг ўзи билангина ҳозирги даврда тараққий этган давлатлар орасида муносаби ўрин эгаллаш қийин. Факдт миллий истиқлол ғоясигина миллатнинг куч-кудратини, салоҳиятини рўёбга чиқариши, ҳалқимизни бунёдкор-ликка сафарбар этиши, юртимизда истиқомат қилаётган барча фуқароларни жипслаштириши, дунёга ҳукмронлик қилишга ин-

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мак-садимиз. 8-жилд. - Т.: "Ўзбекистон", 2000. 494-бет.

тилаётган, ғаразли мақсадларни кўзлаётган кучлар, бузгунчи ғоялар-га қарши ишончли тўсиқ бўлиши мумкин. Шу боис ҳам жамияти-миз аъзолари сиёсий онгини ошириш масаласига сифат жихатидан бутунлай янгича асосларда ёндашиш давримизнинг энг асосий муд-даосини ташкил этади. Чунки юқорида таъкидланганидек, ўз мил-лий манфаатларини таъминлай олган жамиятнинггина умри бокий бўлади. Бу ҳар биримизнинг бурчимиз ва уни таъминлашда куйи-дагиларга эътибор бериш мақсадга мувофик: 1) миллий маънавий қадриятларни авайлаб-асраш; 2) ёшларни миллий рухда тарбия-лаш; 3) миллий манфаатларни ҳимоя қилиш; 4) тарғибот ишлари-ни янада кучайтириш.

Зеро, бугунги давр воқелиги ҳар бир масалада янгича тамо-йиллар асосида ёндашишни тақозо этмоқда. Муайян тушунчалар, ғоялар ёки тамоийларни англаб олиш ишнинг бир қисми, холос. Шу маънода, миллий маънавий таҳдидларга қарши курашда ама-лий ишларга эътибор бериш асосий масаладир.

Ахборот технологиялари орқали хуружлар авж олаётган бу-гунги кунда улардан сақланиш зарурати мафкуравий таҳдидлар-ни бартараф этиш борасидаги муҳим масалалардан биридир. Бу-гун дунё ахборот асрига кириб улгурди. Энг тараққий этган дав-латларнинг мавқеи, салоҳияти кўплаб омиллар билан бирга ОАВ-нинг нечоғлик ривожлангани билан ҳам белгиланмокда. Тараққи-ётнинг бош белгиси эса жамиятнинг ахборотлашганлигига ўз ифо-дасини топмоқда. Яқин-яқинларгача ахборотлашув жараёнлари факат оммавий ахборот воситаларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган эди, холос. Ҳозир эса манзара тамоман ўзгача. Эндиликда ахборот технологиялари шу қадар ранг-баранг тус олдики, кечаки ўлчамлар, мезонлар, тушунчалар, имконият ва воситаларни тубдан янгилаш зарурати кўндаланг бўлмокда. Компьютер техни-каси, Интернет тизими, телекоммуникация имкониятлари тасав-вуримиздаги "оммавий ахборот воситаси" деган тушўнчани тамо-ман ўзгартириб юбормоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, **«замона-вий интеграция» тушунчаси** дунё ахборот маконидан мустаҳкам ўрин эгаллашни тақозо этмоқда. Мустақиллик йилларида омма-вий ахборот воситалари сони мисли кўрилмаган даражада ошди. 1991 йилда Ўзбекистонда 351 та оммавий ахборот воситаси фоо-лият юритган бўлса, ҳозирги вактда уларнинг сони 1100 тадан ошиб кетди. Жумладан, газеталар 389 тадан 697 тага, журналлар 235 тага етди. 1991 йилда факат битта телерадиогсомпания таш-кил этилган бўлса, ҳозир мамлакатимизда 75 дан зиёд телерадио

студия фаолият юритмоқда. Уларнинг аксарияти нодавлат ва ху-сусий, реклама йўналишида фаолият олиб бормоқда. Бундан таш-кари, бир қанча нашриёт ва матбуот уйлари ҳам ташкил этилди. Қатор ахборот агентликлари, Интернет тармоқлари фаолияти мамлакатимиз аҳолиси учун ахборот манбаи сифатида катта аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиз ахборот майдонида муста-қиллик шарофати билан фикрлар хилма-хиллиги қарор топиб бормоқда. Масалан, юртимизда фаолият юритаётган ҳар бир сиё-сий партия ўз нашрига эга бўлди. Бундан ташқари, иқтисодиёт, банк тизимидағи ўзгаришларни ёритиб бораётган нашрлар сони ортиб бормоқда. Шунингдек, диний-маърифий йўналишдаги ҳамда кенг оммага йўналтирилган тижорат нашрлари ҳам пайдо бўлди. Бу масалани ўрганиш мустақиллик даврида ОАВ соҳасидаги асосий ўзгаришлар қуидагиларда намоён бўлаётганидан далолат беради:

- оммавий ахборот воситалари миллий истиқлол мафкура-си асосида шаклланиб, ривожланиб бормоқда;
- халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одат ва анъана-лари, буюк аждодларимиз қолдирган илмий-маънавий меросни ўрганиш ва тарғиб этиш тобора кучайиб, кўлами кенгаймоқда;
- миллий маънавият, таълим-тарбия тизимиға оид макола, хабар, кўрсатув ва эшиттиришлар кўпаймоқда;
- нодавлат теле ва радио студиялар, хусусий ва тижорат-реклама нашрлари ривожланмоқца;
- жаҳон тилларида эшиттиришлар тайёрлаш ва эфирга уза-тиш имконияти кенгаймоқда;
- ахборот майдонида шакли, адади, йўналишидан қатъи на-зар, рақобат муҳити шаклланмоқда.

Шу билан бирга, ОАВ фаолиятида учрайдиган асосий муам-молар - оммавий ахборот воситаларидағи бир хиллик, яъни газе-та ва журнallарнинг бир-биридан фарқ қиласиган аниқ ғояси, йўналиши ва ўзига хос киёфасига эга бўлиши билан боғлиқ. Шу-нингдек, нашрларнинг муайян соҳага ихтисослашувини эътибор-га олиб, ўша соҳа муаммоларини чукур ўрганиш, таҳлил этиш ва ечимини излаб топишга асосий эътибор бериш ҳам долзарб вази-фага айланди. Бундан ташқари, ҳаётий муаммоларни танлай олиш, мавзуларни ёритишидаги изчиллик, масалага ёндашув ва услуг-даги ўзига хослик, яъни услубий ихтисослашишга эътибор қара-тиш лозим. Демак, оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш - давр талаби. Узбекистон матбуотининг жа-

хон ОАВ тизимиға үйғунлашуви, Интернетнинг глобал ахборот майдонига интеграциялашуви буни яққол кўрсатиб турибди. Кел-гусида ушбу жараённинг янада кенгайиши, янгича маъно-мазмун касб этиши, нафакат ОАВ, балки барча маънавий-маърифий соҳа ходимлари масъулиятининг янада ошишини тақозо этади.

Ешлар дунёқарашини бузишга қаратилган таҳдидлар мафку-равий хуружнинг энг салбий оқибатларга олиб келадиган шакл-ларидан биридир. Маълумки, халқимизнинг нисбатан кўпчилиги-ни ёшлар ташкил қиласди. Шу сабабли улар бизнинг олтин фонди-миз хисобланади. Афсуски, баъзида ёшларимиз дунёқарашини бузишга қаратилган хатти-ҳаракатлар кўзга ташланмоқда. Яъни Ватанини ёмон кўрсатиш, ўтмишга нисбатан беписандлик рухини қарор топтириш, давлат ва жамиятга нисбатан ишончсизлик уй-готиш кабилар. Ёшларда бундай таҳдидларга қарши замонавий тафаккур ва сиёсий фаолликни шакллантириш лозим. Бунда ёшларда сиёсий онг, сиёсий қараш ва сиёсий маданиятни шакл-лантириш муҳим ўрин тутади. Бунинг учун оила, таълим тизими, маҳалла ва ташкилотлар орасида шундай механизм шаклланиши керакки, ҳар бир ёш сиёсий воқеликни ва ижтимоий ҳаёт жараёнларини тўлароқ идрок этсин. Бу жараёнда ёшларни миллӣй ва умуминсоний маданият үйғунлиги асосида тарбиялаш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун уларни эркин ва муста-қил фикрлашга, мушоҳада юритишга, оила ва қавм-қариндош-ларни хурмат қилишга, дунёда бўлаётган ҳар бир воқеликка ўз муносабатини билдиришга ўргатишимиз керак. Бунда, аввало, халқ рухиятини кўтарадиган, унинг ички, ботиний қудратини намоён этадиган тадбирларни кўпроқ ташкил этиш, шу руҳдаги адабий-бадиий асарлар, илмий-публицистик тадқиқотларни кўпайтириш-ни рағбатлантириш, уларни омма онгига сингдиришга эришишга эътибор қаратиш лозим. Мустақиллик даврида эришилган мил-лий-маънавий ютуқларимизнинг аҳамияти, салоҳияти ва жози-басини кўрсатиш, истиқлол, халқ эрки, миллӣй давлатчилиги-миз энг шарафли, энг муқаддас қадрият эканини ёшлар онгига мунтазам сингдириб бориш бу борада муҳим аҳамият касб этади. Ёшларни қадимий Бухоро, Хива, Самарқанд, Кўқон, Шахрисабз каби шаҳарларга саёҳатлар уюштириш, улуғ инсонлар ҳокини зиёрат қилиш, музейларга олиб бориб, ўлмас тарихий обидала-римиз, аждодлар маданияти билан таништириш ҳам катта аҳами-ятга эга.

Хуллас, бугунги кунда жамиятимиз барқарорлиги ва мамлакатимиздаги тинчликни. мустаҳкамлаш масаласи тобора муҳим, ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Ушбу масаланинг самарали ҳал қилиниши мустақил тараққиётимизнинг асосий шартларидан бирига айланди. Шу боис ҳам ҳалқимиз танлаб олган йўл ва юр-тимизга нисбатан бўлаётган ғоявий хуружлар моҳиятини анг-лаш, уларга қарши курашнинг самарали воситаларини излаш, бу борада хушёр ва огоҳ бўлиш барчамизнинг зиммамиздаги энг муҳим вазифалардан биридир.

15-мавзу. Мафкуравий инқироз ва ғоявий бўшлиқ

Бугунги замонда ранг-баранг дунёкарапашлар, турли миллӣ, диний, сиёсий оқимларнинг ўзига хос ғоялари мавжуд. Уларнинг баъзилари ўзаро уйғун ҳолда бир-бирларини тақозо этса, айрим-лари бир-бирига мутлақо зид. Ғоялар, мафкуралар таъсири нати-жасида дунёнинг айрим минтақаларида оммавий қирғинлар, фо-жиалар юз берадиган бўлса, бошқа ҳудудларда баъзи давлатлар-нинг юксак даражада ривожланаётганини кузатиш мумкин. Демак, ҳар қандай давлат ёки мамлакатнинг тақдири кўп жиҳатдан маф-куравий муаммоларнинг қандай ҳал қилинишига, ушбу соҳада ин-қироз ва таназзулга йўл қўйилмаслигига кўп жиҳатдан боғлиқ

Ғоялар фалсафасида ўрганиладиган мавзулар доирасида жа-мият хаётидаги бундай жараёнларни, одамларнинг фаолияти ва турмуш тарзида бузгунчилик майлларини устувор қиласиган маф-куравий инқироз ва ғоявий таназзул ҳолатларини ифодалайдиган баъзи тушунчалар ҳам қўлланилади. "**Мафкуравий инқироз**" ту-шунчаси кишилик жамиятига хос муайян салбий ҳолатни изоҳ-лаш учун қўлланиладиган ана шундай тушунчалардан бири бўлиб, маънавий соҳадаги тамойилларнинг қадрсизлангани, ғоявий па-рокандалик ва мафкуравий бекарорлик ҳолати, мавжуд ғоялар тизимининг ўз қадри ва аҳамиятини йўқотгани, бузгунчи ва бего-на ғоялар таъсирининг кучайгани каби маъноларни англаради.

Маълумки, ҳар қандай мафкура муайян ижтимоий қатlam, миллат, давлат, жамиятнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақ-сад-муддаолари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга оши-риш тамойилларини ўзида мужассам этадиган тизимдир.- Жамият тараққий этар экан, бу тизим ҳам такомиллашиб, янгиланиб бо-риши лозим. Шундагина у ҳаёт талаблари, ижтимоий тараққиёт қонунларига жавоб бера олади. Акс ҳолда, у янги замон талабла-

рига мос келмаи қолади ва тарих сахнасидан тушиб кетади. Собиқ коммунистик мафкуранинг тақдири бунга мисол бўла олади.

Тарих далолат берадики, жамиятнинг янгиланиши арафаси-да, одатда, эски тизим, эски турмуш тарзи билан биргаликда ўша тизим мафкураси ҳам таназзулга учрайди, бундай ҳол маъ-лум даражада мафкуравий инқирозни юзага келтиради. Ана шун-дай шароитда мафкуравий бўшлиқ ва мафкуравий бекарорлик ҳамоҳанг аҳамият касб этади. Чунки бундай пайтда вазиятдан фойдаланиш илинжида турли ғаразли мақсадларни кўзлаган маф-куралар ҳам бош кўтаради. Агар ана шундай ҳолатда эҳтиётсиз-ликка йўл қўйилса, жамият ҳалокат ёқасига келиб қолиши мум-кин. Том маънодаги мафкуравий инқироз ана шундай пайдо бўла-ди. Юзага чиқкан турли бегона, ёт мафкуралар билан янгидан шаклланаётган ғоялар ўртасида муросасиз кураш боради. Бу ку-раш томонларнинг ўзаро вақтинчалик муваффакиятлари тарзида кечиши мумкин. Бундай ҳолат сиёсий ва ижтимоий ҳаётга жуда катта таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда маънавий ва мафкуравий муаммоларни ҳал қилиш йўлида самарали ишлар олиб борилмоқда. Бу, аввало, мустабид мафкура асоратларини бутунлай бартараф этиш, миллий тараққиётга хизмат қиласиган, ҳалқнинг дунёқара-шига мос бўлган соғлом мафкурани, яъни миллий истиқлол гояси-ни аҳолининг турли қатламлари қалби ва онгига сингдириш, уни тараққиётимизнинг асосий омилларидан бирига айлантиришга ҳара-кат қилиш билан боғлиқ. Зеро, Президентимиз уқтиргани каби: "...мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши мүкаррар. Иккинчи-дан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ бўлса, ўша ерда бегона мафку-ра ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарих-дан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш кийин эмас".

Мафкуравий инқироз намоён бўлишининг ўзига хос даража-лари бор. Бу даражалар орасида бутун жамиятни қамраб олади-ган умумий ғоявий инқироз энг кўп салбий оқибатларга олиб ке-лиши ва кенг кўламга эга бўлиши билан характерланади. Бундай ҳолатда мафкуравий инқироз умумижтимоий таназзулнинг тар-кибий қисми сифатида намоён бўлади ва жамиятнинг барча соҳа-лари ҳамда қатламларини қамраб олади, унинг тараққиётига тўсик

Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилтд. -Т.: «Ўзбекистон», 2001. 221-бет.

бўлиб қолади. **Мафкуравий инқирознинг ижтимоий даражаси** кўп холларда муайян жамиятнинг умумий таназзулини, унинг ҳаёти, шу жамият аъзоларининг фаолият мезонлари замон талабларига мос келмай қолганини англатади. Бу эса, ўз навбатида, мавжуд ғоялар тизими, мафкуравий воситалар ва усуллар мажмуининг қадрсизлангани, ўз аҳамиятини йўқотганини кўрсатади.

Мафкуравий инқирознинг индивидуал даражаси алоҳида шахсларнинг маънавий дунёси ва ижтимоий қиёфасининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Бундай ҳолатда муайян шахс учун у яша-ётган даврдаги баъзи ғоялар ва мафкура тамойилларининг аҳами-яти йўқолиши, қадрсизланиши рўй беради. Мавжуд ғоялар ва мафкура тизими шу киши учун ҳаёт кечириш ва амалий фаолият ме-зони сифатидаги аҳамияти ҳамда таъсирини йўқотади.

Мафкуравий инқироз кўп холларда муайян бир давлат ва жа-мият тизими замон талабларига жавоб бермай қолган, унинг ўзга-риши, умуман, бирон-бир ижтимоий-иктисодий тузумдан бош-қасига ўтиш арафасида ҳам юзага келади. Шу нуқтаи назардан олганда, мафкуравий инқирозни муайян тарихий шароитда юзага келадиган ғоявий турғунлик ҳолати ва ғоялар тизимининг ўзга-риши арафасидаги жараён деб аташ мумкин.

Хдр қандай мафкуравий инқироз **ғоявий парокандалик** ҳолатининг натижаси ва ифодасидир. Муайян жамият, ҳалқ, ижтимо-ий қатламларнинг ўз мақсадларини аниқ-равshan белгилаб олма-гани, орзу-интилишлари ва манфаатларини ифода этадиган мафкура яратмагани сабабли ижтимоий онгда ҳамда маънавий ҳаётда юзага келадиган ғоявий бошбошдоқлик ва бекарорлик ҳолати ғоявий парокандалик деб аталади.

Ғоявий парокандалик, одатда, муайян сиёсий тизим ўз ҳаётини тутатган, бир тузумдан бошқасига ўтилаётган, ижтимоий сиёсий кутблашув ва зиддиятлар кучайган, жамият турли табакаларга бўлиниб, ҳар бир ижтимоий-сиёсий куч ўзининг тор манфаатлари доирасида ўралашиб қолган вазиятларда рўй беради. Бу ҳолат жа-миятни янада тарқоқ қилишга, бир-бирига душман тарафларга ажратиб юборишга олиб келади. Мамлакатда ички зиддиятлар ку-чайган, қатлам, тоифа, миллий-этник бирликлар ўртасидаги қара-ма-қаршилик зўрайган ҳолларда ҳам ана шундай ҳол рўй беради.

Тарихдан маълумки, ғоявий парокандалик туфайли давлат-лар ва ҳалқлар қарамликка, иқтисодий ва мафкуравий исканъжа-га тушиб қолади, таназзул ва тушкунликка йўлиқади. Жамиятда-ги барча қатлам ва гурухларни умумий мақсадлар ҳамда туб ман-

фаатлар йўлида бирлаштирадиган ягона, умумхалқ мафкурагина ғоявий парокандаликка барҳам беради.

Демак, мафкуранинг ижтимоий ҳаётдан узилиб қолиши жа-мият тараққиётига тўсик бўлади ҳамда ғоявий турғунлик, шу жабҳадаги инқироз ҳолатини келтириб чиқаради. Бу жараён кўп ҳолларда давлат ва жамиятда мафкура яккаҳокимлиги ўрнатил-ган, мазкур жабҳада мафкуравий ранг-баранглик ва ғоявий плю-рализмга йўл қўйилмаганинг оқибатидир. Муайян бир давлат, жамият ёки ижтимоий гуруҳ давлатларда ягона мафкуранинг тўла хукмронлигини унга хос тамойилларнинг ўзгармас ақидалар тар-зида жамият ҳаётида қатъий ва мутлақ тартибда ўрнатилиши "**Мафкура яккаҳокимлиги**" тушунчаси орқали ифодаланади.

Мафкура яккаҳокимлигининг моҳияти шундаки, бунда бирон-бир ғояга асосланган мафкуравий тизим жамиятдаги барча қат-ламлар манфаатларини ифода этувчи ягона илмий, энг адолатли мафкура деб эълон қилинади. Ўз моҳияти ёки бирон-бир жиҳати билан ундан фарқ қилувчи ғоя ва қарашларга эса ёт ва душман мафкуралар сифатида қдралади. Уларнинг тарафдорлари тазийкка учрайди ёки йўқотилади, бошқалар эса яккаҳукмронлик қилаёт-ган мафкурага бўйсундирилади. Оқибатда миллионлаб кишиларда мутелик, лоқайдлик, боқимандалик, маҳдудлик, ўзга ғояларга ҳадиксираб қараш руҳияти шакллантирилади, жамиятнинг маънавий ривожига, илм-фан равнақига жиддий зарар етказилади.

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, яккаҳокимлика интилган, мутлақ ҳақиқатни даъво қиладиган мафкуранинг ис-тиқболи йўқ Чунки у яккаҳукмронлик ўрнатиш баробарида, ўзини бойитиб борадиган манба — фикрлар ранг-баранглиги ва қараш-лар хилмажиллигидан узилиб қолади. Собиқ иттифоқ даврида етмиш йилдан зиёд яккаҳукмронлик қилган коммунистик мафку-ранинг таназзули бунинг яққол исботидир.

Франциялик таникли сиёsatшунос Жак Баранинг фикрича, баъзи мамлакатларда иқтисодий фойда кетидан қувиш ғояси маънавий қадриятларни йўқ қилиб юборилишига олиб келмоқда. Уларда "оила", "жамоа", "миллат" тушунчалари ниҳоятда қадрсизланиб кетган, одамларнинг аксарияти фақат бугунги кун ва фойда олиш учун яшайди, эгоизм ва эгоцентризм майллари кучайиб кетган. "Биз яшайдиган минтақада, - дейди у, - маънавий-ахлоқий танazzул нафақат оддий одамлар, балки ҳалқлар ва давлатлар бошига кўпдан-кўп фалокатларни солди, сиёсий инқироз эса миллионлаб кишиларнинг ёстигини қуритган иккита жаҳон урушини келтириб

чиқарди." Таназзул масалалари олимлар ва мутахассисларнинг ҳам диққат марказида турибди, уларнинг баъзилари бу борадаги муаммоларнинг ечимини топиш мушкўллигидан тушкунликка ҳам тушмоксалар. Кейинги юз йилликда шу йўналишда чоп этилган таниқ-ли олимлар қаламига мансуб баъзи китобларнинг номланиши ҳам бу фикрнинг ҳақиқат эканини яққол кўрсатади: "Европанинг сўни-ши" (О.Шпенглер, 1918), "Эркинликдан қочиш" (Э.Фромм, 1941), "Куллик сари йўл" (Ф.Хайек, 1944), "Онгнинг емирилиши" (М.Хор-хаймер, 1947), "Цивилизация тарих хукми олдида" (А.Тойнби, 1952), "Мафкуранинг емирилиши" (Дж. Белл, 1960), "Лигитимлик инқизози" (Ю. Хабермас, 1973), "Эркин жамият сукунати" (П.Фей-ерабанд, 1978), "Тарих интиҳоси" (Ф.Фукуяма, 1985), "Ёруғлик-дан зулмат сари" (2000), "Фарбнинг ўлеми" (ПЖБьюкенен, 2001).

Ушбу китобларнинг номларига эътибор берсангиз, мафкуравий таназзул маънавий бузилишнинг оқибати бўлиши ҳам мумкинлиги-га ишонч хосил қиласиз. "Маънавий бузилиш" умуминсоний ва мил-лий ахлоқ, қадрият, маданият, дин ва тарбия асосларига зид бўлган, инсон шахсининг тубланлашуви, ижтимоий, маънавий-ахлоқий меъ-ёрларга риоя этмаслик, инкор этиш ёхуд уларнинг илдизларини емиришга қаратилган ёвуз хатти-ҳаракатларни англатувчи тушун-чадир. У муайян кучлар, марказлар, шахслар томонидан ўз манфа-атларини ғоявий-мафкуравий жиҳатдан таъминлаш, гаразли мақ-садларни кўзлаб, мамлакати ва ўзга давлат ҳалқи, айниқса, ёшла-рини чалғитиши, уларнинг онгига ғайриинсоний ва ғайриахлоқий ғоя ҳамда қарашларни сингдиришга хизмат қиласи.

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларида кўпгина Фарб мамлакатларида маънавий бузилиш (пала-партиш жинсий муносабатлар, гиёхвандлик, никоҳсиз оила, оммавий беҳаё клиплар, ахлоқсизлик, куч ва зўравонликни тарғиб этувчи фильм-лар ва б.) жамият ҳаётининг барча жабҳаларида яққол нимоён бўлди. Бу жараённинг чукурлашуви, даҳшатли тус олаётгани Фарб олимлари, маҳсус марказ ҳамда ОАВ томонидан амалга оширилган кўплаб тадқиқот натижаларида акс эттирилган. Масалан, бир гуруҳ америкалик олимлар амалга оширган тадқиқот натижасига ^{КЎР#>} тартибсиз жинсий ҳаёт кечираётган ўсмирларнинг 30 фои-зи баҳтсизлиги, умидсизлиги, ҳаётдан қоникмаслигини тан олган. Уларнинг маълум қисми жинсий хасталикка учраган, бошқалари эса чуқур руҳий тушкунлик ҳолатига тушиб қолган. Шунингдек, тадқиқотда ўсмирлар ўртасида жинсий-ахлоқий бузғунчилик, ав-томашиналарни олиб қочиш, ўғирлик, зўравонлик, вандализм каби

холатлар кўпайиб бораётгани аникланган. Ўша ҳудудда яшаётган социолог Ф.Фукуяма ўзи мансуб жамият дуч келаётган жиддий муаммоларнинг сабаблари ҳакида тўхталиб, улар, аввало, оила институтининг инқирозга учрагани билан боғлик, деган хulosага келади. Ф.Фукуяма назарида, «Оила — ижтимоий капиталнинг муҳим манбаи», яъни айнан оилада фуқаролик ахлоқининг асос-лари яратилади, унинг ўрнини хеч қандай қонунчилик актлари билан тўлдириб бўлмайди". Д.Вилкерсон эса ўша жамиятда ахло-кий бузуклик авж олиб бораётганига сабаб телевидение орқали намойиш этилаётган бехаёс саҳналар, гомосексуализм, садизм ва мазохизм каби ғайриинсоний иллатлар кенг тарғиб этилаётгани-дир деб таъкидлайди. Энг хатарлиси шундаки, баъзи мамлакат-лар ўз дунёкараши, андозалари ва ҳаёт тарзини турли-туман во-ситалар, хусусан, ғоявий-мафкуравий таъсир этиш билан ўзга миллат ва ҳалқлар турмушига тикиштиришга уринмоқда.

Мафкуравий инқироз ва ғоявий таназзул даврини характер-ловчи хусусиятлар орасида бевосита аҳолининг маънавий қиёфа-си, одамларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий жараёнларга муносабати орқали намоён бўладиган белги ва хусусиятлар ҳам мавжуд. Улар орасида бундай таназзул рўй берадиган жойдаги одам-лар орасида меҳр-оқибат, меҳр-шафқат, бағрикенглик, ижтимо-ий фаоллик каби хислатлар камайиб боради, аксинча, лоқайдлик, бебурдлик, безорилик, бераҳмлик, бепарволик каби иллатлар кўпа-яди. Мафкуравий инқироз даврида маънавий бузилиш ва амора-лизм (грек. "a" — йўқ, инкор этиш, лот. "тогаНз" — ахлоқий) та-мойилларининг салбий таъсири ҳам кучаяди. **Аморализм** жамият-даги хулқ-автор нормаларини инкор этади. Масалан, инсон, жами-ят, миллат ишига бепарво ва совуққонлик билан ёндашиш, салбий доуносабатда бўлишни ифодаловчи маънавий иллатлардан бири бўлган лоқайдлик ғоявий таназзулнинг доимий ҳамрохи, десак хато бўлмайди. Муайян кишининг гоҳида ўз ҳаёти, ўзгалар фаолияти, атрофда рўй берадиган воқеа-ходисаларга бефарқлигини англатувчи тушунча бўлган лоқайдлик ҳаётый позициянинг аниқ эмаслиги, долзарб вазифалардан ўзини олиб қочиши, эл-юрт, жамият ва мил-лат ташвишларидан четда туриш кабиларда намоён бўлади. **Бе-парвоник** эса кишидаги ўзгалар ҳаётига, воқеликка бефарқлик, эътиборсизлик, лоқайдликни англатувчи тушунчадир. Айниқса, давлат ва жамият ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётган, Ватан тақдири ҳал бўлаётган паллаларда кишилардан юксак фа-

оллик, масъулият талаб қилинган шароитдаги бефарклик ва ло-қайдлик, нафақат иллат, балки жиноят ҳамдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон келажагини ғайрат-шижоатли, иро-даси бақувват, иймон-эътиқоди бут, Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган инсонларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун И.А.Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида ҳақли равишда таъкидлаганидек, "Бироннинг ҳаётига, ён-атрофда со-дир бўлаётган воқеа-ходисаларга бетараф ва бепарво қараб, шун-чаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан қўрқиш керак. Улардан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Чунки уларда на иймон, на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз ҳалқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди. Азалдан маълумки, бепарво одам душ-мандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душманнинг кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одам-нинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичин-гизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имко-ният яратиб беради. Машхур файласуфлардан бири ана шу ҳаётий ҳақиқатни чукур таҳлил этиб, қуйидаги ҳаққоний фикрларни баён қилган: "Душманлардан қўрқма — нари борса, улар сени ўлдири-ши мумкин. Дўстлардан қўрқма — нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ — улар сени ўлдир-майди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли Ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаве-ради". Демак, бепарволик иродаси заиф, қатъиятсиз одамларга хос бўлиб, инсонни маънавиятдан, эзгу гоялардан, умуман, ин-сонлик мартабасидан маҳрум этадиган иллатдир.

Гоявий таназзул даврида намоён бўладиган иллатлардан бири бебурдлик бўлиб, у кишининг салбий психологик хусусияти сифа-тида, лафзизлик, субутсизлик, қатъиятсизлик билан уйғунлаша-ди. У ижтимоий ҳодиса сифатида нафақат инсонни, балки бутун бошли жамиятни таназзулга етакловчи иллат сифатида ифодала-нади. Бебурдликнинг аломатлари сўзда турмаслик, ваъдага вафо қилмаслик, қатъиятсизлик ва мунофилик кабиларда намоён бўлади. Бебурдлик инсон учун оғир дард бўлиб, бошқаларда салбий таас-сурот уйғотади. Атрофдагиларнинг ишончни йўқотган субутсиз ва мунофиқ кимсалар ўзлигидан ҳам маҳрум бўлади. Инсоннинг ички дунёси, ҳаётий тамойиллари, хулқ-атвори, юриш-туришига қараб, у мансуб бўлган миллат ва жамият ҳакида хулоса чиқарилади. Масалан, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, умуминсоний фази-латларни ўзида мужассам этган, ўз сўзида событ, мард ва жасур

инсонлар халқ обрў-эътиборига сазовор бўлса, жамият қонун-қоидаларига риоя қилмайдиган ахлоқсиз, худбин, мунофиқ ва бе-бурд кимсалар эл нафратига дучор бўлади.

Кишининг хулқ-атвори унинг дунёкарашига бевосита боғлиқ. Отонасини эъзозлайдиган, қатъиятли, ахдига вафодор, жасур ва мард инсонлар буюк ишларга қодир бўлади. Улар ҳеч қачон Ватанга хиёнат қилмайди, миллат равнақи ва юрт фаровонлиги йўлида жонини ҳам аямайди, бор истеъоди ва салоҳиятини мам-лакат тараққиётiga сафарбар этади. Сўзининг устидан чикмайди-ган, атрофдагиларга бефарқ, қатъиятсиз, бебурд ва мунофиқ ким-салар ўзи туғилиб ўсган Ватанига хиёнат қилишгacha бориши мум-кин. Мустабид тузум давридаги баъзи бебурд амалдорларнинг қатъ-иятсизлиги ва иродасизлиги, ўз манфаатини халқ манфаатидан, ўз тинчини юрт тақдиридан афзал билгани мамлакатимиз ҳакида турли хил ноҳуш тасаввурлар уйғонишига сабаб бўлган эди. Юр-тбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида XVII аср-дан XX асрнинг бошларигача бўлган даврда Туркистон замини сиёсий парокандалик, жаҳолат ва қолоқликка юз тутгани ҳакида тўхталиб, ўша замон "юрг ҳукмдорлари ва амалдорлари халқ-нинг тақдири ва келажаги ҳакида қайғуриш ўрнига, ўз шахсий манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиб, жаҳолат ва ғаф-латга берилиши оқибатида биз бугун яшаётган минтақа умумба-шарий тараққиёт жараёнларидан узилиб, ривожланишдан кес-кин ортда қолиб кетди", дея таъкидлагани бежиз эмас.

Мафкуравий инқироз даврида намоён бўладиган иллатлардан бири **безорилик** бўлиб, у маънавият талаблари ва ахлоқ қоидала-рини бузиш каби хатти-ҳаракатларда ифодаланади. У менсимас-лик, ўзга кишиларга ҳақоратомуз муомала ва шилкимлик қилиш, сўқиниш, яланғоч ҳолда юриш, жониворларга шафқатсиз муноса-батда бўлиш, ўсимликларга зарар етказиш кабиларда намоён бўла-ди. Хулқ-атвор қоидаларига ҳурматсизлик, ўзганинг мулкига жид-дий зарар етказиш ёки уни нобуд қилиш, уриш-дўппослаш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар ҳам безорилик хисобланади.

Демак, мафкуравий инқироз муайян мафкура тизимидағи такомиллашиб ва янгиланиш жараённинг тўхтаб, мафкуравий ақидаларнинг реал ҳаёт, амалиётдан узилиб қолиши натижасида рўй бе-ради. Бундан фарқли тарзда мамлакатимиз раҳбари томонидан асос-лаб берилган миллий истиқлол гояси юртимизда бирон-бир мафку-ранинг мутлаклашуви, яккаҳоким ақидага айланишига йўл қўймайди.

Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмае куч. -Т.: "Маънавият". 2008- 51-бет.

У фикрлар ранг-баранглигига асосланади, ижтимоий ҳаёт, сиёсий ташкилот, мафкураларнинг хилма-хиллигига таянган ҳолда, жамиятнинг самарали ривожланишини таъминлашга хизмат қиласи.

Бундан фарқли равища мафкуравий инқироз сиёсий ҳаётда анархия (грек. «апагша» — бебошлиқ, ҳокимиятсизлик) тарзида ҳам рўй бериши мумкин. «Анархизм» ҳар қандай ҳокимият ва дав-латнинг тартибларини инкор этувчи, ҳар ким ўзига ўзи хўжайин, деган қарашни асос қилиб оловчи гоялар асосида шаклланган иж-тимоий-сиёсий оқимдир. У жамият тараққиёти умумий манфаат-ларини фуқароларнинг индивидуал, яъни ўзига хос манфаатла-рига қарама-қарши қўйиш, умумий манфаатларни ҳисобга олиб, жамиятни бошқарувчи, бирлаштирувчи, тартибга соловчи дав-лат ҳокимиятини тан олмаслик гоясига таянади. Мафкуравий ин-қироз баъзида волюнтаризм (лот. "уолшинаге" — ирода) тамойил-ларига ортиқча аҳамият берилиб, уларнинг устуворлиги мутлақ-лаштириб юборилганда ҳам рўй бериши мумкин. Бунда сиёсий ва гоявий соҳаларда жамиятда инсон онгидан мустақил бўлган объек-тив қонуниятларни инкор этиш ва асосан, муайян шахснинг субъек-тив иродаси тараққиётни белгилайди, деб билиш устувор тамойилга айланади. Мафкуравий инқироз жамиятда учрайдиган бошқа салбий ижтимоий қусурлардан холи, алоҳида ҳолда содир бўлмайди. Балки ақидапарастлик, тоталитаризм, фашизм, шовинизм каби салбий жараёнлар билан узвий алоқадорликда намоён бўлади. Ма-салан, тоталитаризм халкаро талаб ва тамойиллар билан мутлақо ҳисоблашмасдан, давлатни мафкуравий бошқариш учун шароит яратади. Бундай шароитда халкни оломонга айлантириш, бунга рози бўлмаганларни жисмонан йўқотиш, террорчилик, қўрқитиш, зўрлаш ёки банди қилиш йўлидан борилади. Собиқ иттифокда Сталин, Германияда Гитлер, Италияда Муссолини, Испанияда Франко диктаторлик қилган даврлар бунга мисол бўла олади.

Собиқ иттифок даврида мафкуравий инқироз билан боғлиқ на-зарий ҳамда методологик масалалар гайрииilmий ва бир томонла-ма ёритилган эди. Натижада, унинг ҳақиқий назарий таҳлилига асосланган ва давлатни бошқаришда раҳбарнинг иродаси, тажрибаси ҳамда истиқболни кўра билиш қобилияти тўғрисида халқ-чил китоблар яратилмаган, чукур илмий тадқиқотлар олиб бо-рилмаган. Ўша давр тажрибаси бундай ҳолнинг қандай мудхиш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яққол намоён қилди. Асос-сиз қабул қилинган қарорлар, бажарилмайдиган режалар, қўриқ ва бўз ерларнинг ҳисобсиз ўзлаштирилиши, бесамар хўжалик

юритиш усули, пахта яккаҳокимлиги, Орол дengизининг куриши кабилар мафкуравий инқирознинг аянчли оқибатлариридир.

Мафкуравий инқирознинг энг салбий оқибатларидан бири ай-рим кишиларда Ватанга нисбатан хоинлик ҳамда сотқинлик тар-зидаги хусусият ва хатти-харакатларни, яъни ватанфурӯшлик-ни келтириб чиқариши билан тавсифланади. Бундай харакатлар сирасига қуидагиларни киритиш мумкин: мамлакат манфаатла-рига хиёнат қилиш, ўз шахсий манфаатларини кўзлаб иқтисо-дий, сиёсий ва бошқа жосуслик фаолияти билан шуғулланиш, душман томонига ўтиб ўз ҳалқи, мамлакатига қарши кураш олиб бориш, қўпорувчилик ишлари билан машғул бўлиш ва ҳоказо. Ватандан бегоналашишнинг салбий хусусияти туғилиб ўсан юрт тақдирига лоқайдлик кайфиятининг пайдо бўлишидир. Мафкура-вий инқироз жамиятда маҳаллийчилик тамойилларини мутлак-лаштиришда ҳам намоён бўлади. Маҳаллийчилик кишиларда ўзла-ри туғилиб ўсан жой билан боғлиқ ҳолда шаклланадиган ҳуду-дий яқинлик туйғусининг салбий шаклда намоён бўлишидир.

Мафкуравий инқироз фикр қарамлиги ва тафаккур қуллигини ҳам вужудга келтиради. Муайян давлат ёки жамиятда кишилар фикри, тафаккури устидан муайян гояларнинг ҳукмрон мавқега эгалигини, инсоннинг содир бўлаётган воқеаларни мустакил баҳо-лаш имкониятидан маҳрум бўлгани "**Фикр қарамлиги**" тушунча-си орқали ифодаланади. Аслида инсоният доимо мустакиллик, озод-лик ва эркинликка интилиб яшаган. Ижтимоий муносабатлар шакл-ларига мос равишда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий эр-кинликлар, энг аввало, фикр эркинлиги тарзида намоён бўлган. Шунинг учун ҳам бошқа миллатлар, давлатлар устидан ҳукмрон-лик қилган мамлакатлар сиёсати ҳамиша босиб олинган ҳалқлар-ни тафаккур қуллигига маҳкум этишга қаратилган.

Инсоннинг муайян мафкурага, сиёсатга фикрий қарамлиги мустамлакачилик сиёсати ва унинг оқибатида вужудга келадиган мафкуравий инқирознинг энг машъум кўринишидир. Чунки фикр қарамлиги инсонни ўз-ўзини англашдан маҳрум қилиб, ундаги ижтимоий масъулият хиссини сўндиришга, сиёсий воқеликка нис-батан лоқайдлик кайфиятининг кучайишига олиб келади. Айни пайтда, бошқача қарашлар билан ҳисоблашмайдиган мутаассиб-лар пайдо бўлишига замин яратади. Тафаккур қуллигидан озод бўлиб, фикрлар хилма-хиллигига, плюрализмга эришиш эса та-раққиётнинг оқилона йўлини танлаш имкониятини беради.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ислохотларнинг дастлабки бос-кичиданоқ кишиларнинг тафаккурини уйғотиш, ташаббускорли-ги, сиёсий фаоллигини ошириш маънавий ўзгаришларнинг мар-казига қўйилди. Чунки собиқ мустабид тузум, бир томондан, та-факкур қарамлигини рағбатлантирувчи, иккинчи томондан, эр-кин фикрловчи кишиларни жазолаш, жисмонан йўқ қилишнинг мукаммал мафкуравий механизмини яратган эди. Шунинг оқиба-тида кишилар онгидаги сақланиб қолган юқоридан кўрсатма, буй-рук ва қарорлар кутиш каби фикр қарамлиги кўринишлари, ай-тиш мумкинки, ислохотларни амалга оширишдаги қийинчилик-ларга сабаб бўлди.

Демократик тамойилларга кўра ривожланаётган мамлакатларда фикрлар эркинлиги жамият таракқиётининг омили бўлғанлигини тарихий тажриба кўрсатиб турибди. Шу билан бирга, тарих са-боклари шундан далолат берадики, ўз эркин фикрини ифода эта-диган шахс, гурух ёки ижтимоий қатлам, аввало, ўзининг аниқ-равшан, асосли карашларига эга бўлиши, ўз нуқтаи назарининг оқибати учун масъулиятни ўз зиммасига олиши, баҳс-мунозара маданияти талабларига амал қилиши лозим. Яъни фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллиги муайян жамиятнинг мил-лий манфаатларига, умумбашарий қадрияларига, қонун норма-ларига, ахлоқий мезонларига зид бўлмаслиги зарур.

Мафкуравий инкиrozнинг энг асосий белгиларидан бири гоявий бўшлиқдир. **"Гоявий бўшлиқ"** тушунчаси муайян шароитда жами-ят, ундан тоифа ва катламларнинг онгидаги содир бўладиган гоясиз-лик, мафкуравий бўшлиқ ҳолатини ифодалайди. Муайян ақида-лар, фикр ва гоялар замон танқидига учраганида ёки янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан инкор этилганда, давр талабига жавоб берадиган гоя ва мафкура тўла шакланиб улгур-маган ҳолларда жамиятда гоявий бўшлиқ вужудга келади. Унинг юзага келиши чукур ижтимоий-сиёсий, маънавий психологик му-аммо ва жараёнлар билан боғлиқ Одатда, янги гоялар турлича таъсир кучига эга бўлади. Айрим гурухлар уларни жуда тез қабул қиласи, баъзи тоифаларнинг аввалги мафкуравий ақидалардан юз ўғириши ва янги гояларни қабул қилиши эса қийин кечади.

Гоявий бўшлиқ пайдо бўлишининг яна бир манбаи — жамиятда бу соҳадаги тарбиянинг етарли эмаслиги, мафкуравий жараён-ларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги бўлиши ҳам мумкин. Агар давлат ёки миллат, ижтимоий гурух ёхуд катлам ўз манфаатлари Ҳамда мақсад-муддаоларини аниқ-равшан ифода этадиган ўз тояла-

рини кишилар, аиникса, ёш авлод онгига мунтазам сингдирмаса, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлади, ишонч-эътиқод сусаяди, мафкура-вий таҳдидлар кучаяди. Ғояси йўқ, эътиқоди бўш одамлар эса, таъсирга тез берилувчан бўлади, ўз йўлини йўқотиб қўяди.

Ғоявий бўшлиқ жамият учун жиддий хавф солади. Агар ғоявий бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини шу халқнинг табиатига бегона турли хил мафкуравий тазийклар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар. Шунинг учун ўз келажагини ўйла-ган ҳар бир давлат, жамият ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, эскирган ақидалар ва бегона қарашларни инкор этиш билан бирга, илфор фикрлар, улуғвор мақсад ҳамда эзгу орзу-ларни одамлар онги ва қалбига сингдиршига ҳаракат қиласди.

Жамият, давлат ёки халқнинг мафкуравий масалаларда уюш-магани, маънавиятга етарли дараҷада эътибор бермагани, тар-бия соҳасида ўзибўларчиликка йўл қўйилгани натижасида содир бўладиган ғоявий ожизлик ҳолати ҳам мафкуравий инқирознинг асосий белгиларидан биридир. Бундай ҳолат мафкура соҳасидаги фанларда "**ғоявий заифлик**" тушунчаси орқали ифодаланади. Ғоявий заифлик халқ оммасининг туб манфаатлари ва кўнглидаги орзу-интилишларини ифода этадиган, уни тараққиёт сари, улкан мақсадлар йўлида жипслаштирадиган ҳаққоний ва жозибали ғоянинг, мафкуранйнг йўқлиги, ишлаб чиқилмаганлиги натижаки-сида ҳосил бўлади. У кўп ҳолларда маънавий бекарорлик ва ғоявий парокандаликка олиб келади. Ғоявий заифлик ва мафкуравий бе-қарорлик миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказади, унинг тараққиётини орқага суреб юборади. Масалан, Чингизхон босқини, чор истилоси даврларида айrim хукмдорлар-нинг халқни бирлаштириб, курашга сафарбар этмагани ўлкамиз-нинг қарамлик чангалига тушиб қолишига сабаб бўлди.

Мафкуравий инқироз ғоявий мутаассиблиқда ҳам яққол намо-ён бўлади. "**Ғоявий мутаассиблік**" тушунчаси тўгри деб ҳисоб-ланган муайян фикр, ғоя, ақида ва йўлдан бошқа ҳамма нарсани нотўғри, ёлғон деб билишга, кўр-кўронা инкор этишга асосланган қарашлар ва амалиётни англатади. Турли йўналиш ва эътиқодда-ги кишиларга хос бўлса-да, ғоявий соҳадаги мутаассиблардаги умунийлик ўзга ғоя ва эътиқодни ёлғон ҳисоблашда, ўз қарашла-рини мутлақлаштиришда, унга кўшилмайдиганларга қарши фао-лият олиб бориш, уларни йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларда яққол кўринади. Ўрта асрлардаги инквизиция, баъзи Farb мам-

лакатларидаги неофашизм ғоялари тарафдорлари ҳаракатлари ғоявий мутаассиблікка мисол бўла олади.

Собиқ иттифоқдаги ҳукмрон мафкура ҳам ана шундай жиҳат-ларга эга эди. Унинг фатвоси билан ўзгача фикрлаган кишилар, масалан, жадидлар, маданият ва адабиёт намояндлари қатағон қилинган, ҳатто фаннинг бутун бир соҳалари ривожлана олмаган эди. Генетика, кибернетика, социология, политология, идеология ва шу каби соҳаларга, бу фанлар билан боғлиқ мавзуларни тад-қиқ этишга изн берилмагани фикримизга далил бўла олади.

Ғоявий мутаассиблик мусулмонлар орасида ҳам бор. Айрим мутаассиблар динни худди Пайғамбар алайҳиссалом даврларидаги каби ҳолатга келтириш керак, десалар, бошқалари ўрта асрлардаги халифаликни барпо қилиш керак, деган ғайримантиқий қарашда маҳкам туради. Натижада, ўз ғояларини амалга оширишга қарши чикқанларни йўқ қилишга уринади. Ғоявий мутаассиблікка қарши курашнинг энг асосий йўли — маърифат, хурфикрлилик бўлиб, унинг асосида одамлар қалбига "эзгулик", "ҳамжиҳатлик", "бағри-кенглик", "тотувлик" тушунчаларини сингдириш ётади.

Мафкуравий бўшлиқ бошқа кўплаб омиллар билан бирга, ғоявий саводсизликнинг оқибати бўлиши ҳам мумкин. Мафкура-вий жиҳатдан етарли билим, малака, кўниммага эга бўлмаган инсонларга хос бўлган хусусиятлар мажмуи "**ғоявий саводсизлик**" тушунчасининг мазмун-моҳиятини белгилайди. Ғоявий саводсизликнинг асосини мустақил фикрга, событ эътиқодга, мустаҳкам иродага ва дунёқарашга эга бўлмаслик ташкил этади. Бундай киши жамиятда ўз ўрнига, ўзининг аниқ ҳаётй позициясига эга бўлмай-ди. Натижада у турли зарарли ғоялар, ёт, бегона мафкуралар таъсирига жуда осон тушиб қолади.

Мафкуравий инкиroz, ўз навбатида, ғоявий қарамликни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Тарихда ғоявий қарамлик асорати, мустамлакага айлантирилган ҳалкларни ўз маданияти, тили ва динидан узоқлашишига, уларни унтишга олиб келган. Вақт ўтиши билан шу ҳалқнинг илтор вакиллари, фидойи фарзандлари, ҳатто ўз жо-нини қурбон қилиб бўлса-да, озодлик ва мустақиллик учун кураш-ган, қарамликнинг ҳар қандай кўринишига қарши оммани қўзгатган.

"Ғоявий қарамлик" тушунчаси миллат, жамиятнинг ўз манфаатлари ва мақсадларига мос келмайдиган, унга зид бўлган ғоявий оқимларга боғлиқлиги, ёт ва бегона ғояларга бўйсунишини характерловчи ҳолатни ифодалайди. У ғоясизлик, ғоявий бўшлиқ ёхуд парокандалик оқибатида келиб чиқади. Ғоявий қарамлик-

нинг юзага келишига ташқаридан ўтказиладиган ғоявий таъсир-лар хам сабаб бўлади. У мафкуравий қарамлик ҳолати билан чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

"**Мафкуравий қарамлик**" тушунчаси инсон ва жамият онгу тафакурининг бўйсундирилиши, қарам этилиши, мафкуравий тамойилларнинг заифлашуви, мустақил ривожланиш имкониятларининг чеклангани, тараққиётдан ортда қолиш, ўзгаларнинг ғоявий-мафкуравий тазикки оқибатида содир бўладиган салбий ҳолат ва жараёнларни ифодаловчи тушунчадир. Ушбу тушунча-ни инсон, шахс, фуқаро, оила, миллат, ҳалқ ва мамлакатга нис-батан қўллаш мумкин. Ундан қўзланган асосий мақсад ғоявий ус-тунликка эришиш, ўзгалардан ўз манфаатлари йўлида фойдала-нишдир. Ана шундай хатарли жараённинг юзага келиши оқибати-да шахс ўзлигидан, фуқаро мустақил фикр юритиш, ўз тақдирни-ни ўзи ҳал қилиши, ҳақ-хукукларини талааб қилиш имконияти-дан маҳрум бўлиши натижасида, оила, миллат, ҳалқ ва мамла-кат барбод бўлиши мумкин.

Мафкуравий қарамликнинг энг «нозик» жихати шундаки, у дунёкараш ва рухият билан боғлиқ жараёндир. Ўзга давлатлар-га мафкуравий қарамлик ҳолатига тушиб қолган миллат сиёсий мустақилликни қўлга киритганидан кейин ҳам узоқ вақт давоми-да бу қарамлик асоратларидан қутулиши мураккаб кечади. Бу вазифани амалга ошириш эса жуда машаққатли бўлиб, вақт ва катта фидоийликни талааб этади. Зоро, қарамлик — ўзгалар хо-хиши-иродасига бўйсуниш, уларнинг қўрсатмалари билан ҳаёт кечириш.

Шу маънода, мафкуравий қарамлик ўзгаларга маънан бўйсу-ниш, итоат қилиш, фикран ва қалбан мутеликка мубтало бўлиш-дир. Шахснинг мафкуравий қарамлиги ботиний салоҳият ва ий-мон-эътиқоднинг заифлиги, ироданинг мажруҳлигига намоён бўла-ди. Миллатнинг мафкуравий қарамлиги эса унинг ўзлигини намоён этиш туйгусидан маҳрум бўлишига, охир-оқибатда ўзга мил-латларга тобе бўлишига олиб келади.

Мафкуравий қарамлик миллатни ҳалокатга маҳкум этадиган даҳшатли омил ҳисобланади. Мустабид тузум даврида ҳалқимиз-**нинг** қадр-киммати, шаъни ва номуси поймол этилгани, кўхна та-рихимиз ва муқаддас қадриятларимиз топталгани, тақдиримиз жар ёқасида турганини асло унтиш мумкин эмас. Юртбошимиз таъ-кидлаганидек: "Қарийб 150 йил давом этган, тарихимизнинг том маънода кора кунлари бўлмиш ўша замонда бир пайтлар ўзининг

кудратли давлатчилиги, буюк фарзанддари, юксак илму маданияти, обод шаҳар ва қишлоқлари билан дунёни ҳайратда қолдирган эл-юртимиз қандай оғир мاشақкатларга дучор бўлганлигини яхши биламиз". Босқинчилар ўзга мамлакатлар халқларини ўзига синг-дириб юбориш учун ўз мафкураси ва ғояларини мажбуран жорий этиш, улар маданиятига путур етказиш, миллый тили, урф-одат-лари ва қадриятларини оёқости қилишни ўз сиёсатининг асосий максади деб билган. Бу қадриятларга зарба бериш халқларни жи-ловда ушлаб туришнинг энг самарали воситаси эканини истилочи ва босқинчилар яхши билган. Ғоялар тизими емирилган халқлар иймон-эътиқодидан маҳрум бўлиб, оломонлашув, сиёсий манқур-тлик, бепарволик, лоқайдлик каби иллатлар авж ола бошлайди ва охир-оқибатда миллый ғурур, миллый ифтихор, миллый қадрият-лар аста-секин заифлашади. Ана шу омиллар туфайли муайян мамлакат ва унинг халқини мустамлакачилик қишанларида ушлаб ту-риш, итоаткор қулга айлантириш осон кечади. Масалан, Чингиз-хон ўлкамизга бостириб келганида ўз саркардаларига "Шаҳарлар-га нодон, иродасиз, аҳмок қишиларни бошлиқ этиб тайинланглар, уларни қўллаб-қувватланглар ва кўкларга кўтариб мақтанглар, маҳаллий халқларнинг ақлли, билимли, обрў-эътиборли қишила-рини йўқ қилинглар", деб фармон берган экан.

Тарих шундан гувоҳлик берадики, ҳамма давр, ҳамма ерлар-да истилочилар босиб олинган мамлакатлар худудларида ана шун-дай сиёsat юритилган. Масалан, юртимизни тобе этишга уринган босқинчилар, хусусан, чор босқинчилари сиёсати ҳам халқимиз-ни бир неча минг йиллик тарихи, маданияти, урф-одатларидан маҳрум қилиш, руҳан, маънан майиб-мажруҳ қилиш кўзланган эди. Бу чуқур ўйланган, узокни кўзлаб ва режалаштириб қўйил-ган машъум сиёсат эди. Бу сиёсатнинг замирида чор ҳукуматининг манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, мустамлака халқлар-ни, жумладан, ўзбек халқини миллий ўзлигини англашдан бут-кул маҳрум қилиб, ўтмишини унутган, ватанпарварлик туйғуси-дан жудо бўлган, истиқболини кўролмайдиган авомга айланти-риш муддаоси турган. Инсон учун тарихидан жудо бўлиш ҳаёти-дан жудо бўлиш демакдир. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги ку-нини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат қишилик та-рихида кўп бора ўз исботини топган. Тарих, маънавият ва маъри-фат халқнинг ўз ўтмишини билиши ва истиқболини тушуниб ети-шига ёрдам беради, Ватанни севиш ва у билан фахрланишга дарь-ват этади, душманларга, босқинчи ва мустамлакачиларга қарши

муросасиз кураш олиб боришга, эрк ваadolat учун жасорат кўрсатишга ундаиди. Тарихидан маҳрум халқ миллий жиҳатдан ўзини англаб ололмайди, тақдирга тан бериб яшашни ўзига эп кўради. Мустамлакачилар буни яхши англаган.

Халқимиз ўтмишда сиёсий, иқтисодий жиҳатдан ўзгаларга қарам бўлди, аммо, қанчалик зўравонлик кўшинмасин, мафкуравий жиҳатдан қарам бўлмади. Худци мана шу омил миллатимизнинг мустақил-ликни кўлга киритишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзининг чуқур гоявий, маънавий заминларига эга бўлган миллат руҳан, қалбан сергак бўлиши ва албатта, мафкуравий қарамлиқдан ўзини ҳимоя қилиш-га қодир экани тарихий тажрибада яна бир бор исботланди.

Мафкуравий инқироз муайян жамиятда бирор шахс ёки ижти-моий гурухнинг онги ва қалбида эзгу гоялар ва юксак мақсадлар сари етакловчи фикрнинг йўқлигини ҳам англатади. Бундай ҳол одатда ҳали ўзлигини англаб етмаган, ўз манфаат ва имкониятла-рини ифода эта олмайдиган, мақсад-муддаолари ва хаётий қадри-ятларини англаб етмаган кишилар ҳамда тоифаларда учрайди. Ҳаёт-да юксак гояси, эзгу орзу-интилишлари бўлмаган одам фақат та-биий эҳтиёжлар доираси билан чегараланиб қолади. Мафкуравий инқироз маънавияти тубан, иймон-эътиқоди суст, маслаги бузук кимсаларни юзага келтиради. Ўз ўтмиши ва насл-насабини билмас-лик, тарихий хотирани унудиши ҳам унинг бир кўринишидир. Бун-дай кимсалар ўз ота-онасига қўл кўтариши ҳам, ўз Ватанини соти-ши ҳам мумкин. Мафкуравий инқироз ижтимоий хатарли ҳодиса бўлиб, шу жамият ва ҳалқка ёт бўлган бегона кучлар бундай одам-лардан мафкуравий таъсир ва руҳий тазиик орқали ўз гаразли ниятларига етишиш мақсадида фойдаланади.

Демак, гоявий бекарорликка чек қўйиш, бу соҳадаги бўшлиқ-ни тўлдириш, турли таҳдидларнинг олдини олиш, мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш билан боғлиқ масалалар мажмуидан ибо-рат муаммолар жамият ҳаётининг бир тарихий босқичидан ик-кинчисига ўтиш даврида жиддий аҳамият касб этади. Бу борада мафкуравий хавф ва таҳдидлар тарихини ўрганиш шундан дало-лат берадики, неча минг йиллар давомида эзгу ва тараққийпар-вар гояларга қарши курол, куч, макр-хийла ишлатиб келинди, қарам халқларга куллик психологяси сингдирилди. Босқинчилар-нинг динлари, қадриятлари зўрлаб ўtkазилди, мустақиллик, адo-лат ва ҳаққоният гоялари шафқатсиз равища бўғиб қўйилди.

Инсон ўзлигини англай бошлаган ҳозирги мустақиллик замонидагина мафкуравий масалаларни демократия ва плюрализм та-

мойили асосида ҳал қилиш имкониятлари очила бошлади. Шу-нинг учун ҳам Президент Ислом Каримов томонидан "Юксак маънавият — енгилмас куч" тамойили майдонга ташланди. Ушбу та-мойилга кўра, инсон ва жамият бор экан, эзгу ғояларга қарама-қарши бўлган зулм ва зўравонлик, қабоҳат ва жаҳолат янги-янги шаклларда намоён бўлишга уринади. Лекин улар одамзоднинг адo-лат, тинчлик ва биродарлик, тараққиёт ва фаровонлик ғояларига таяниб, олий мақсадлар сари интилишини асло тўхтата олмайди.

Сўнгги йилларда айрим ғоявий саводсиз кишиларнинг турли хил мафкуравий тазииклар туфайли ёт, бегона ғоялар таъсирига тушиб қолганлиги ҳам кузатилди. Жумладан, дин никоби остида омма онгини заҳарлашга, жамиятга моддий ва маънавий зарар етказишга ҳаракат қилинаётган бир найтда, ҳалқни турли маф-куравий хавф, таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳоли, айниқса, ёшларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш, ғоявий саводхон-ликни ошириш долзарб вазифага айланди. Президент И.А.Кари-мов масаланинг ана шу жиҳатига эътибор қаратиб, "жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган "оммавий маданият" ёпирилиб келиши мумкинли-гини унутмаслик керак" , дея огоҳлантиради. Ушбу йўналишда ғоявий-мафкуравий таҳдидларга нисбатан сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш мамлакатимиз манфаатлари, миллий анъана ва қад-риятларимизга ёт гоя ва қарашларнинг мақсад-муддаоларини те-ран англаш, айниқса, ёшларимизни бу каби хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу борада, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойи-ли давр талаби ва ҳаёт ҳақиқати бўлиб қолди.

Шу боис бугунги кунда жамиятимиз мафкурасида Ватан, ҳалқ манфаатлари устувор ғоя бўлмоғи, аҳоли, айниқса, ёшларимиз-ни юксак билимга эга бўлган, ўз сўзида собит турадиган, мард, жасур ва қатъиятли инсонлар этиб тарбиялаш муҳим вазифадир. Эзгу ғояларни устувор биладиган ва уларни барқарор этишга ин-тиладиган бундай авлоднинг вояга этиши давлатимизнинг ҳалқа-ро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш, мамлакати-мизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгалла-шининг мустаҳкам пойдеворидир.

Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: «Маънавият», 2008. 117-бет.

16-мавзу. Мафқуравий профилактика ва ғоявий иммунитет

Инсоният тарихидан маълумки, жамиятдаги ҳар бир ижтимо-ий куч ёки аҳоли қатламлари ўз мақсад ва интилишларини ифода этувчи ғоялар тизимини яратгач, бошқаларни ҳам шу ғоялар таъ-сирига тортишга, ўз тарафдорлари сафини кенгайтиришга ҳара-кат қиласди. Бунда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий фаоли-ят ва таълим-тарбия жараёни муҳим аҳамият касб этади.

Ғоялар адолатли ва ҳаққоний бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия воситалари таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидойи бўлса, ғоявий тарбиядан кўзлан-ган мақсадга эришилади. Жамият, ҳалқ ҳали ўз манфаатларини англаб етмаган, ўз мафқурасини шакллантириб, мақсадлари сари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва зарарли ғоялар таъсирига тушиб эҳтимоли ортиб боради. Бу эса ғоявий тарбияни йўлга қўйиш, соғлом мафқура тамойилларини аҳоли қалби ва онгига муттасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради.

Шу маънода, ғоявий профилактиканинг асосий вазифалари-дан бири комил инсонни шакллантириш ва уни амалга оширишга бўлган интилишлар инсоният цивилизациясининг маъно-мазму-нини ташкил қиласди. Тарихга назар ташласак, ҳар қандай жамиятда комилликнинг энг асосий қўрсаткичи инсоннинг эзгуликка, ижтимоий баҳт-саодатга, гуманистик ғояларга муносабатида ҳамда уларга асосланган амалий фаолиятида намоён бўлади. Яъни жа-миятнинг умумий ривожига, инсоният цивилизациясига ижобий таъсир қўрсатувчи комиллик мезони инсонни, шахсни баркамол қилиш орқали жамиятни баҳтли, саодатли қилишдан иборат бўлиб келган. **"Мафқуравий профилактика" тушунчаси** инсон, ижти-моий гурух, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян ғоя ва мақсадларни ифода этадиган мафқуравий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараённи анг-латади. Узбекистон шароитида бундай фаолиятнинг асосий вазифаси — ҳалқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини, мил-лий истиқбол ғоясининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушун-тириш, айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборат.

Бугунги кунда мафқуравий профилактика жамиятда, аввалам-бор, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар, олий ўкув юргулари, оммавий ахборот воси-

талари, жамоат ташкилотларининг биргалиқдаги фаолиятини тақозо қилади. Узлуксиз таълим тизими мафкуравий тарбияни олиб борувчи асосий бўгиндир. Зеро, мафкуравий мақсадларни кишилар, айникса, ёшлар онгига сингдириш вазифаси, асосан, таълим тизими орқали амалга оширилади.

Маълумки, "профилактика" атамаси табиий фанларда, ай-никса, тиббиётда кўпроқ қўлланишига ўрганиб қолганмиз. У маз-кур соҳада касалликнинг олдини олиш ва даволаш жараённинг таркибий қисми сифатида тушунилади. Гоялар фалсафаси нуқ-таи назаридан "мафкуравий профилактика" ижтимоий институт-лар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги гоявий-тарбиявий, маънавий-маърифий ишлар мажмуи бўлиб, бутун гоявий тарбия тизимини қамраб оладиган фаолиятни ифодалаш учун қўлланадиган тушунчадир. Мафкуравий профилактика гоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий парокандаликнинг олди-ни олиш ёки бирор-бир худуд, қатлам, гурухни ёт ва заарли гоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда гоявий таъсирининг хилма-хил усул ва йўлларидан фойда-ланиб, турли воситалар қўлланади. Мафкуравий профилактика тезкор ва қисқа суръатларда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик билан чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, иккинчи ҳолда доимий ва собит-қадамлик билан иш олиб бориш кўпроқ натижা беради. Жамият-нинг хилма-хил соҳалари ва аҳолининг турли қатламлари ораси-да мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ҳам маф-куравий профилактиканинг ўрни катта. Зеро, у моҳиятан, ёт гоялар кириб келишининг олдини олиш ва улар таъсирини йўқо-тишга қаратилган чора-тадбирларга таянади.

Таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот тизими мафкуравий профилактикани амалга оширишга ёрдам беради. Бунёдкор гояларни халқ қалби ва онгига сингдиришга хизмат қиласидиган ижтимоий ту-зилмалар, оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотла-ри ҳам унда ўз ўрнига эга. Шунингдек, Ватан, халқ манфаатлари-ни, дўстлик ва биродарликни, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни тарғиб-ташвиқ этувчи эртаклару достонлар, қўшиқлару ракслар, турли кўриниш ва мазмундаги маънавий-маърифий тадбирлар маф-куравий профилактикани амалга ошириш шакллариdir.

Мафкуравий тарбия натижасида мафкуравий иммунитет шаклланади. **Мафкуравий иммунитет** (лот. "[^]тип[^]айз" — бирор нар-садан озод этиш) шахс, ижтимоий гурух, миллат, жамиятни тур-

ли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоялашга хизмат қилувчи¹ тизимдир. "Иммунитет" сўзи тиббий тушунча бўлиб, у организм-нинг доимий ички муайянлигини саклашга, турли ташқи таъсир-лардан, инфекциялардан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакция-лар мажмууни ифодалайди. Соддароқ қилиб айтганда, иммунитет — организмнинг ўз-ўзини турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилияти. Мафкуравий иммунитетнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуидагиларни айтиш мумкин. Биринчидан, инсоннинг умумий иммунитет тизими туғма ва биологик хусусият бўлса, мафкуравий иммунитет ижтимоий жараёнларнинг маҳсули бўлиб, муайян маънавий-маърифий тадбирлар асосида шакллантириб борилади. Иккинчидан, у ҳар бир даврнинг хусусиятларига, му-айян авлод яшаётган замон ва жамиятнинг тараққиёт қонунлари-га боғлиқ бўлади. Учинчидан, жамиятда мустаҳкам ғоявий имму-нитет тизими шакллангандагина, шу жамиятнинг мафкуравий дахлсизлиги ва барқарорлиги таъминланади.

Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи эле-менти билимдир. Аммо билимнинг ҳам турлари кўп. Масалан, буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафку-раси тарафдорлари ҳам муайян «билим»ларга таянади. Шундай экан, мафкуравий иммунитет тизимидағи билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маъна-виятининг бойиши, ҳалқ ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Улар ўз моҳият-эътиборига кўра, Ватан ва миллат ман-фаатлари билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий элементи ана шундай илгор билимлар замирида шаклланадиган баҳолар, қад-риятлар тизимиdir. Зоро, билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган баҳолар, қадриятлар ҳам шун-чалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, қадриятлар ти-зими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб бера-ди ва зарарли ғоялар йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қиласди. Аммо билимлар ва қадриятлар тизимининг ўзи мафкуравий имму-нитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зоро, бу икки элемент мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим элементи, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий соҳалардаги мақсадлар тизими билан боғлиқ Бундай аниқ мақсадлар тизими бўлмас экан, инсон, миллат ёки жамият, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазиикларга бардош бериши амрима-ҳол. Инсон қалби ва онгини эгаллашга бўлган ҳаракатлар тўхтамас

экан, жамият муайян соғлом мафкурага эхтиёж сезиб яшайды. Жамият тараққиётіга салбий таъсир күрсатадиган, одатда, унинг таназзули, ҳалокатига сабаб бўладиган фашизм, коммунизм, ди-ний-экстремизм каби носоғлом мафкура шаклларидан фарқли ўларок, соғлом мафкура инсоният тараққиётини тезлаштиради, ҳалқ фаровонлиги, Ватан равнақига имкон яратади.

Жамиятимиз ва аҳолимизга хос мафкуравий иммунитетни из-дан чиқаришга уринишлар асосан қуидаги кўринишларда намоён бўлмоқда:

— бизга бегона ва ёт ғояларни тарғиб қилиш (космополитизм, нигилизм, экстремизм, тероризм, оммавий маданият ва шаф-қатсиз индивидуализм каби ҳалқимизга ёт ғоялар турли восита-лар билан тарғиб-ташвиқ қилинмоқда);

— миллий менталитетимизга хос бўлмаган одатларни тарғиб қилиш (телевидение, радио ва Интернет орқали ҳалқимиз тур-муш тарзига ёт бўлган турли одатлар тарғиб-ташвиқ этилмоқда. Мисол учун, оила қуриш одатини олайлик. Эмишки, оила қуриш-да ёшлар обдон бир-бирини синашлари, иложи бўлса, маълум муддат бирга яшашлари лозим эмиш. Бу миллатимиз менталите-тига хос бўлмаган ҳолатдан бошқа нарса эмас);

— ёшлар дунёқарашини бузиш, уларнинг тафаккур ва тур-муш тарзини ўзгартиришга интилиш (ўз Ватанини ёмон кўрса-тиш, ўтмишга нисбатан беписандлик рухини қарор топтириш, давлат ва жамиятга нисбатан ишонсизлик уйғотиш. Бунинг акси ўлароқ, ўзга ҳаётни худди жаннатдек кўкларга кўтариб мақташ).

Ёш авлодда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда улар ўзлаштираётган билимлар ва миллий мафкурамизнинг асосий ғоялари яхлит тизимни ташкил қиласиди. Бунда нафақат ижтимо-ий-гуманитар фанлар, балки табиий-фундаментал фанларнинг ҳам ўзига хос услублари ишлаб чиқилмоқда. Замонавий педагогик тех-нологиялар воситасида мафкуравий профилактика таъсирчанли-гини ошириб бориш мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва уни мустаҳкамлашнинг асосий вазифалардан биридир. Замонавий педагогик технологиялар ёш авлодни нафақат замонавий илм-фан ютуқлари асосида тарбиялаш имконини яратади, шу билан бир-га, глобаллашув жараёнида турли кўринишдаги мафкуравий та-жовузлар ҳақида тасаввурларни ҳам ошириб боришга ёрдам бе-Ради. Ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбия-лаш, мустақил фикрлашни шакллантиришда мафкуравий проф-

лактика мохиятида миллий қадриятлар, шарқона демократия элементларини узлуксиз ва узвий тарзда сингдириб бориш керак.

Маълумки, тафаккур қуллиги хар қандай қарамлиқдан ҳам даҳшатли эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳозирги даврда маф-кура полигонлари ядро полигонларига нисбатан кўпроқ кучга эга бўлиб бораётган бир пайтда, инсонлар, айниқса, ёшлар хар хил ёт мафкуралар таъсирига берилмаслик учун мафкуравий жиҳат-дан қуролланган бўлмоги зарур. Бунда ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкинлиги мафкуравий курашнинг янгича концепциясидир.

Оила, маҳалла ва ўкув муассасаларининг мафкуравий профи-лактика жараёнидаги ўрни катта бўлиб, баркамол авлод тарбия-си, жамиятнинг истиқболини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бундай профилактика мураккаб, доимий, тизимли ёндашув-ларни ўз ичига олиб, унда жамиятнинг хар бир аъзоси фаол қат-нашади, жамиятнинг муҳим бўғинлари хисобланган оила, маҳалла ва ўкув муассасаларининг доимий ҳамкорликдаги, муштарак мақсад йўлидаги интилишлари уйғунлашишини талаб қиласди. Бу жа-раён умумий манфаат ва мақсадлар сари жамиятда тарбиянинг ворисийлигини таъминловчи маконни вужудга келтиради. Бу макон ёш авлод, комил инсон тарбиясининг ажралмас қисмидир.

Шунингдек, ғоявий профилактикада фан, таълим, адабиёт ва санъатнинг роли алоҳида бўлиб, соҳада уларнинг имкониятлари-дан фойдаланиш асосий вазифаларидан биридир. Ёш авлод фанни ўрганиш билан табиат ва жамият, тафаккурдаги ўзгаришлар, тараққиёт асослари ва тамойилларини ўрганади. Айни пайтда шу жараённи миллий ғоянинг мазмун-мохияти билан боғлаш ва уни ҳар бир шахснинг ўз ҳаётида акс этиши олдимизга қўйган мақсад-ларга эришишда муҳим аҳамиятга эга. Мустақилликни мустаҳ-камлашда ва истикол имкониятларидан самарали фойдаланиш-да, шубҳасиз мафкуравий тарғибот воситаларидан бўлган китоб-лар, дарсликларда ифодаланган билимларнинг ўрни катта. Чунки ёш авлод онги ва қалбига миллий мафкуранинг эзгу қадриятлари-ни жо қилишда айнан шу тарғибот воситаларидан оқилона фойдаланиш энг самарали йўл хисобланади.

Миллий ғоянинг шахс, баркамол авлод тарбиясидаги ҳамда бугунги мафкуравий тарбияни такомиллаштиришда ўзига хос турфаликни мужассам этган санъат асарларидан ҳам ўринли фойдаланиш лозим. Санъатнинг қайси бир турини олиб кўрмайлик,

уларда бугунги воқелик, тарихимиз, ижтимоий муносабатлар-нинг турли кўринишлари ўз аксини топган. Шунингдек, ушбу санъ-ат асарларини тарғиб қилишнинг самарали усули сифатида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда ёшлар тарбиясида учраб турадиган айрим иллатлар менталитетимизга салбий таъсир қўрсатаётган хориж маданиятининг «санъат асарлари» орқали кириб келмоқца. Унинг салбий оқибатлари ёшларимизнинг айрим ҳолатларда ножӯя хатти-харакатлари, ахлоқида учраётган кусурлар мафкуравий профилактикани кучайтириш масаласига янада чуқурроқ эъти-бор қаратишни тақозо қилади.

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш жамият ва мамла-катнинг мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш омилларидан бири хисобланади. **"Мафкуравий хавфсизлик"** шахс, миллат, жами-ят, давлатнинг хилмаларда намоён бўладиган мафку-равий тажовузлар, турли мафкуравий марказларнинг бузгунчи-лик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча эканлиги маълум. Мазкур соҳадаги профилактиканинг асосий ва-зифаси деганда, жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўли-шининг олдини олиш, ўзининг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қиласидиган ғоялар тизимиши шакллантириш, уни мутта-сил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитет-ни мустаҳкамлашдек жараёнлар назарда тутилади.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг мафкуравий хавфсиз-лигига ташқи ва ички омиллар ўз таъсирини ўтказиб туради. Бу-гунги кунда турли хил мафкура марказлари ва полигонларининг Ўзбекистонда янги жамият қуришга тўсқинлик қилиш учун ғаразли ниятларига эришишда баъзи фуқаролардан "қурол" сифатида фойдаланишга интилишларида мафкуравий хавфсизлик учун реал ташқи таҳдидлар мавжудлигини кўрамиз. Шунингдек, қўшни дав-латлардаги терроризм, диний экстремизм ва мавжуд сиёсий бе-қарорлик ҳам мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлигига ўз таъсирини ўтказиши мумкинлигини доимо назарда тутиш лозим.

Мафкуравий хавфсизликни таъминловчи ички омил жамият-нинг сиёсий-ижтимоий, ахлоқий ва маънавий салоҳияти ҳамда фуқароларда мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлик дара-жасидир. Бундан ташқари, мафкуравий хавфсизлик ҳалкнинг ас-рий анъаналари, тили, дини, маънавиятрг ва миллий ривожланишига хизмат қилувчи умуминсоний қадриятларга асосланиши ло-зим. Шунингдек, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари, маданий-маърифий муассасалар томонидан амалга

оширилаётган тарбиявий ишлар, маънавий-маърифий тадбир-лар тизими мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг зарурий шартидир. Мафкуравий хавфсизлик илмий асосланган ижтимоий сиёсат, ҳуқуқий маданият, жамиятнинг маънавий етуклиги ва демократиялашуви билан узвий равиша амалга ошириладиган ғоявий тарбияга таянади. Жамият, давлат ва шахс мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг таркибий қисми, мамлакатимиз ҳаётининг барқарорлигини мустаҳкамлаш омили ҳисобланади.

Мафкуравий иммунитетни фуқаролар онгига сингдириш, авваламбор, оиласдан бошланади. "Она-Ватан", "Ватанга муҳаббат", "Ватан туйғуси" каби илк тушунчалар ҳам, аввало, оила муҳи-тида шаклланади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳ-ри орқали амалга ошади. Бу тушунчаларни ёшлар қалби ҳамда онгига сингдиришда таълим ва тарбиянинг турли шакллари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мафкуравий иммунитети мустаҳкам инсонгина ҳозирги кунда ўз гаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш мақсадида юртимизга ҳар хил йўллар билан кириб келаётган, мустақил дунё-қараши шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг қалби ва онгини қандайдир заарали ва бузғунчи ғоялар билан эгаллашга ҳаракат қилаётган ёвузларга қарши кураша олади ва ўз юртини химоя қиласиди. Мазкур вазифа билан боғлиқ мафкуравий иммунитетни камол топтириш кўпгина ижтимоий-иктисодий, маданий, маф-куравий, тарбиявий омиллар билан боғлиқ Бу катта меҳнат та-лаб қилувчи мураккаб вазифадир. Барча касбдаги зиёлилар, тарбиячиларнинг ҳозирги муҳим вазифаларидан бири кишиларда, хусусан, ёшларда Ватанга садоқат, Ўрт тинчлиги ва Халқ фаро-вонлиги ғояларини амалга ошириш йўлидаги фидойилик каби фазилатларни камол топтиришдир.

Мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган ғоявий тарбиянинг асосий мақсадларидан бири ахолининг турли қатлам-лари учун умумий тамойилларга эга бўлган фуқаролик масъулия-ти ва инсонийлик бурчи билан боғлиқ тушунчаларни шаклланти-ришдан иборат. Бу тушунчалар қадим замонлардан буён. маълум. Аммо улар деярли ҳамма вақт кишининг миллий, синфий, ирқий, диний, худудий холатларига қараб, турли чекланишлар ёки им-тиёзлар билан боғлиқ бўлган. Ер юзидағи барча инсон зоти, ирқи, дини, миллати, жинси, яшаб турган худудидан қатъи назар, teng ва teng бўлиб яшашга ҳақли эканлигини, уларнинг ҳуқуқлари ва

эркинликларини таъминлаш жамиятнинг асосий вазифаси бўлиши лозимлигини мутафаккирлар аллақачон асослаб берганлар. Шу би-лан бирга, дунёдаги ҳар бир инсоннинг ота-онаси, эл-юрти, халқи, фарзандлари, ўтмиш ва келажак олдида бурчи ва масъулияти мавжудлиги ҳам азалдан эътироф этиб келинади.

Фуқаролик масъулияти — жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг давоми ва узвий қисми. Чунки жамият ўз демократик ривожланишида фуқароларга тенглик, озодлик, биродарликни ҳаётй воқеликка айлантирувчи турли ҳуқуқларни бериш билан чеклан-майди, балки шу ҳуқуқларга риоя қилишни, ўз ҳуқуқларидан ижо-дий, жамият манфаатларини кўзлаб фойдаланишни талаб қиласди. Шу сабабли, жамият қанчалик юксак даражада демократик бўлса, ундаги фуқароларнинг масъулияти ҳам шу даражада жиддий ва кенг қамровли бўлади. Ҳақиқий демократик жамиятда фуқаро мав-жуд ҳуқуқлардан фойдаланувчи боқиманда эмас, балки бу ҳуқуқлар-га суюниб, жамиятнинг муаммоларини ҳал этишда фаол шахс бўли-ши лозимлиги табиий ҳолдир. Бугунги кундаги мустақиллигимизни мустаҳкамлаш жараёни самарасини янада оширишни секинлаш-тириши мумкин бўлган салбий омиллардан бири ҳам баъзи фуқа-роларда бурч ва масъулият туйгуларининг тўла-тўқис шакллан-магани ёки айрим кишиларнинг бу масалага жиддий эътибор бер-маслиги, бефарқлик ва боқимандалик кабилар билан боғлиқ Бар-камол инсонни вояга етказиш ва мафкуравий иммунитетни мус-таҳкамлаш масалалари бир кунда ёки бир фаслда ўз ечимини тўла топадиган оддий муаммолар тизимиға кирмайди, балки узоқ йил-лар давомида ҳал қилинади. Бу йўналишда ҳам пировард мақсад-ларга эришиш учун тадрижийлик асосида иш кўриш, ўзгаришларни босқичма-босқич амалга ошириш давр талабидир. Бу борада фуқароларнинг маънавий баркамоллиги даражасини янада оши-риш, ўтмишдан қолган нуқсонларни бартараф этиш, ахоли, ай-^иқса, ёшларда, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Юорт тинчлиги, Халқ фаровонлиги ғояларига садоқат туигуларини тако-миллаштириб бориш мафкуравий иммунитетни шакллантириш-нинг энг муҳим ва устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жамиятимизда мустаҳкам маънавий иммунитетни шакллантиришда Президен-тимиз И.А.Каримов томонидан илгари сурилган: "Куч — билим ва тафаккурда" ғоясини жамиятимиз ҳаётига ҳар томонлама чуқур татбиқ этиш асосий мезон бўлиб хизмат қилиши керак. Чунки, айнан ана шу ғояда инсон онги, тафаккури ва хулқ-атворига таъ-

сир килишга қаратилган ҳар қандай хуружлардан кафолатли химояланиш ва қарши зарба беришнинг манбалари мужассамлашган. Бунинг учун маънавий ва маърифий ҳамда таълим-тарбия ва ма-даний соҳадаги барча чора-тадбирларни сифат жиҳатдан янги, замонавий даражаларга тезроқ олиб чикиш зарур.

Ёш авлод тарбияси, унда юксак маънавият тамойиллари ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳамма вақт жамият олдиғаги мухим вазифадир. Зеро, жамият келажаги, ҳалқ, мил-латнинг давомийлиги, Ватан тараққиёти ана шу тарбиянинг түғри йўлга қўйилиши ва самарадорлигига боғлиқ Бу яна шунинг учун ҳам зарурки, кейинги пайтларда баъзи хориж оммавий ахборот воситаларида ёшлиари олиб борилаётганлиги маълум бўлиб қолмоқда. Айрим мухолифларимиз, хориждаги бир қанча матбу-от органлари, Интернетдан устакорона фойдаланувчилар ноҳо-лис хулосалар, бузгунчи ғояларни тарқатишни давом эттироқлоқда.

Аҳоли маънавиятини бузишга интилаётган кимсалар чет эл-даги ҳомийларидан мадад олади. Илгари улар ашаддий ақидапа-раст ҳомийлардан моддий ва маънавий мадад олган бўлса, энди эса "рангли инқилоб" ижодкорлари, "демократия транзити" ғояла-рини тарқатувчи мафкуравий полигонлар билан ҳам алоқа боғла-ган. Бундай қора ниятли кучларнинг ўз вақтида маҳв этилиши Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, муста-киллик ва миллий хавфсизликни кўриқлаш учун кучли давлат-нинг бўлиши зарурлигини исботлади. Кучли давлат бўлмаса, де-мократия ва тараққиётни сақлаш, ислоҳотларни муваффақият[^]-ли давом эттириш мумкин эмас. Биз истиқлонни кўз қорачигидай асраш учун жонажон давлатимиз атрофида янада жисплашиши-миз лозим. Бу борада ҳалқимизга хос бўлган эл-юрт, маҳалла-кўй назаридан қолмаслик, дину диёнатдан ташқари чиқмаслик, ор-номус, ҳамият, мардлик, виждан амрига итоат этиш, адолат-парварлик, ҳақгўйлик сифатлари йўқолмаслиги керак. Хаёв, ан-диша, лафз, омонатга хиёнат қиласлик, ростгўйлик ҳалқимиз тафаккуридан мустаҳкам ўрин олиб келган. Шундай қилиб, мил-лий гоя, маънавий тарбия, одоб-ахлок, маърифат ёт ғоялар, за-рарли таҳдидларни бартараф этишда асосий кучдир.

Мафкуравий профилактикада замонавий усуулларга асосланиш мухим аҳамиятга эга. Бу борадаги тарбияни амалга оширишнинг воситалари кўп. Ҳозирги кунда фуқароларни ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан тарбиялаб бориш заруриятдир. Бунда уларда сиёсий

онг, сиёсий қараш ва сиёсий маданиятни шакллантириш мухим ўрин тутади. Бунинг учун оила, таълим тизими, маҳалла ва иш жойлари орасида шундай механизм шаклланиши керакки, ҳар бир инсон болалигидан то умрининг охирига қадар сиёсий воқе-ликни ва ижтимоий ҳаёт жараёнларини тўғри идрок қилсин. Ахолида замонавий маданиятни шакллантириш, бунда одамлар-ни миллий ва умуминсоний маданият уйғунынги асосида эркин ва мустақил фикрлашга, мушоҳада юритишга, оила ва қавм-карин-дошларни ҳурмат қилишга, дунёда бўлаётган ҳар бир воқеликка ўз муносабатини билдиришга ўргатиш, ниҳоятда, мухим. Маф-куравий профилактика жараёнида ҳалқ руҳиятини кўтарадиган, унинг ички, ботиний қудратини намоён этадиган тадбирларни кўпроқ ташкил этиш, шу руҳдаги адабий-бадиий асарлар, ил-мий-публицистик тадқиқотларни кўпайтиришни рагбатлантириш, уларни омма онгига сингдиришга эришиш лозим. Мустақиллик даврида эришилган ютуқларнинг аҳамияти, салоҳияти ва жози-басини кўрсатиш, истиклол, ҳалқ эрки, миллий давлатчилиги-миз энг шарафли, энг муқаддас қадрият эканини одамлар онгига мунтазам сингдириб бориш ҳам бунда катта аҳамият касб этади. Шу билан бирга, турли тадбирлар ўтказиш асосида таълим ва тарбияни ҳар доим қўшиб олиб бориш, оила, маҳалла ва ўқув юртларида маънавий тарбияга алоҳида зътибор бериш каби чора-тадбирларнинг ҳам мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва мустаҳкамлашда ўз ўрни бор.

Хуллас, бугунги кунда жамият ҳаётида кечеётган жараёнлар-ни чукур таҳлил қилиш, турли гоявий-мафкуравий таҳдидлардан огоҳ бўлиш, хориждан кириб келаётган мамлакатимиз манфаатла-ри, миллий анъана ва қадриятларимизга ёт ғоя ва қарашлар қан-дай мақсадни кўзлаётганини англаб этиш ҳам мафкуравий профи-лактикага ёрдам беради. Бу борада оммавий ахборот воситалари, радио, телевидение орқали ахоли, айникса, ёшлар ўртасида из-чил тарғибот ва ташвиқот ишларини йўлга қўйиш, уларнинг таъ-сирчанлигини оширишга эришиш ҳам мухим аҳамият касб этади.

17-мавзу. Мафкуравий таъсир ва гояга ишончни шакллантириш

Ҳар қандай инсон одамлар орасида яшар экан, доимо оила, турли катлам, гуруҳ ва жамоаларнинг вакили сифатида улар-нинг таъсири остида бўлади. Яъни ҳар бир шахснинг феъл-атво-рида, хатти-харакатларида у мансуб бўлган миллат, ҳалқ, про-

фессионал тоифа, жамоа ва оиланинг ижобий ёки салбий таъси-рини кўриш мумкин. Тарихий шарт-шароит, давр, давлат тузи-ми ва жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва ғоявий-мафкуравий таъсирлар унинг дунёқараши, фикрлаш тар-зи, тафаккурида ўз аксини топади. Бундай таъсирнинг икки хили мавжуд: макродаражадаги таъсир ёки кенг маънодаги ижтимоий-маънавий, сиёсий ҳамда иқтисодий муҳит таъсири; микродара-жадаги таъсир, яъни бевосита инсон боласи туғилиб ўсадиган оила, таълим ва тарбия масканлари, меҳнат жамоаси, маҳалла ва дўстлар муҳити таъсири.

Агар инсон боласининг туғилиш онларидан бошлаб унинг илк ривожланиш даврлари хусусиятларига эътибор берадиган бўлсак, дастлаб у табиатан фақат ўз ички хиссиятлари, туйгулари домида — муайян ҳудбинлик доирасида ривожланади. Яъни унинг учун ўз хошиш-истаклари, эҳтиёжлари ва уларни кондиришдан ортиқ таш-виш йўқцай. Лекин ўша эҳтиёжлар орасида ота-онасига, энг яқин-ларига нисбатан хиссий интилиш, улар билан эмоционал мулоқот-га киришиш истаги кучли бўлгани сабаб у инсонлар жамияти ва ундаги муносабатлар меъёрларини секин-аста ўзлаштириб боради. З ёшдан сўнг оиладаги мулоқотга тенгқурлар жамиядаги мулоқот кўшилиши муносабати билан бола ҳудбинлик кайфиятидан янада тезроқ воз кечада бошлади. Акс ҳолда жамият, кўпчилик унинг ин-жикликларини кўтармайди. Шу тарзда соғлом мулоқот муҳити бо-лани кўпчиликнинг фикрига эргашиш, кўпчилик ҳақ деб эътироф этган ахлоқ меъёрларини эгаллаш, инсонгарчилик тамойилларига амал қилишга ўргатади. Шундай қилиб, бола учун кенг ижтимоий муҳитдаги соғлом ғоялардан, халқ руҳининг қадриятларидан тўла баҳраманд бўлиш имконияти туғилади.

Бир қарашда инсон феъл-авторини иккинчи даражадаги таъсирларгина белгилайдигандай туюлади. Чунки, «Қуш уясида кўрга-нини қиласи», деганларидек, айниқса, бизнинг халқимизда одам-нинг оиласи, насли-насаби, маҳалласи, таълим олган билим дар-гоҳига катта эътибор берилади ва бундай муносабат ҳаётда ўзини оклади ҳам. Лекин макробосқичдаги таъсирларнинг аҳамиятини ҳам камситиш тўғри бўлмайди. Масалан, собиқ совет тузуми дав-ридаги мафкура жамият аъзоларининг муте, тобе, ихлоссиз, баъзи бир жиҳатдан эътиқодсиз бўлиб ўсишига замин яратган эдики, бунга асосан ўша муҳитдаги носоғлом, инсон қадрини поймол эта-диган сиёсат ва коммунистик ғоя сабаб бўлган. Умуман, тарихдан ҳам маълумки, қайси давлат ва мамлакатни олмайлик, зўравон-

лик, мустамлакачилик, босқинчилик сиёсати юритилган жамият одамларининг онги ва тафаккури мустақил юрт фуқаролари ру-хияти ва дунёқарашидан кескин фарқ қиласди.

Инсоннинг бутун умри давомида унга нисбатан таъсирлар ора-сида мафкуравий таъсир муҳим ўрин эгаллади. «**Мафкуравий таъсир**» **тушунчаси** муайян ғояга ишонч ва эътиқодни шакллан-тириш, уни амалга ошириш, ҳимоя қилиш, сақлаб қолиш, ахоли-нинг онги ва қалбига сингдириси ёки бу тамоилларга тескари фао-лият ва хатти-харакатни ифодалайди. У ўз-ўзидан, автоматик тарзда эмас, балки муайян мақсад-муддаони кўзлаб, режа асоси-да амалга оширилади. Унинг муттасил, мавсумий, бирон-бир вокеа ёки ҳодиса муносабати билан тез суръатда амалга ошириладиган турлари ҳам бор. Мафкуравий таъсир жараённида аҳолининг қат-ламлари, партиялар, синфлар ёки бошқа ижтимоий жихатларни хисобга олиш зарур. Шу билан бирга, шу йўналишдаги таъсир-нинг индивидуал ва ижтимоий шакллари ҳам мавжуд. Аниқ бир кишига нисбатан унинг шахсий ишонч, эътиқод ва иммунитетини шакллантириш ёки мустаҳкамлаш учун ўтказиладиган таъсир индивидуал даражани ифодалайди. Бутун жамият, давлат фуқаролари орасида олиб бориладиган мафкуравий таъсир эса ижти-моий даражага мисол бўлади.

Масалан, бизнинг мамлакатимизда бугунги кунда мафкуравий таъсир ижтимоий даражада мустақиллик тафаккурини шакллан-тириши учун муҳим аҳамиятга эга. Мустақиллик тафаккури тўлиқ шаклланса, унда ҳар бир фуқаро ўзининг эркин меҳнати билан ўзи ва ўзгалар манфаати ҳакида бирдай қайғуради, чунки амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ҳам айнан шу юрт, шу заминда туғилиб, яшаб, меҳнат қилаётганлар манфаатини кўзлашини тўла англайди. Бундай таъсир натижасида ҳар бир алоҳида шахс онги ва шуурида вужудга келган туйғулар, фикрлар ва муносабат ях-лит жамият, ҳалқнинг фикри ва ғурурига айланганда шундай қуд-рат касб этадики, оқибатда кўпчиликнинг маслак ва тилаклари, фикрлаши ҳамда муносабатига айланган ғоя, тасаввур ва билим-лар тизими жамият дунёқарашини шакллантиради.

Мафкуравий соҳада фикрнинг таъсирчанлиги муҳим аҳами-ятга эга. «Фикр — қиличдан ҳам кучли» деган гап бор. Дарҳаки-қат, ўрнида ишлатилган сўз, ёрқин ва дилдан баён этилган нутқ, маъноли фикр ҳар доим одамларнинг хулқ-авторига таъсир кўрса-тади. Бу жараёнда эзгу фазилатлар соҳиби сифатида тарбиялан-ган кишини одатда «бамаъни одам» деб таърифлашади. Бундан

фарқли тарзда вайронкор гоялар таъсирига тушганларга нисба-тан "бузгунчи одам" ибораси қўлланади.

Мулокот жараёнида фикрга, бирон-бир ғояга эга бўлиш маса-ланинг бир жиҳати бўлиб, унинг бошқа муҳим жиҳати ана шу гоя ва фикрларни баён эта олиш қобилиятидир. Инсоний муносабат-лар соҳасида етук мутахассис деб эътироф этилган Дейл Карне-гининг кучи ва машхурлиги, аввало, унинг гапириш, фикр юри-тиш ва ўзгаларни тинглаш қобилиятида намоён бўлган. У бир вақт-нинг ўзида юзлаб одамларга мурожаат қила олар ва тингловчилар вақтнинг қандай ўтганини ҳам сезмас экан. Демак, нима ҳақида гапириш эмас, у тўғрида қандай гапириш ҳам ўта муҳим. Ана шундай таъсирчан гапириш маҳорати ва санъати — риторика фани бўлиб, у одамдаги нотиқлик ва ўзгаларни ўз қарашларига эргаш-тира олиш маҳоратини назарда тутади. Мафкуравий тарбия ва таъсир жараёнида ҳам гапга чечанлик, сўз бойлиги ва уни бош-қаларга етказа олиш муҳим аҳамиятга эга.

Сўз — ғоявий таъсир воситаси. Гояларни халқ онгига етка-зишда сўз асосий таъсир воситаси бўлган ва бўлиб қолади. Шу сабабли қадимги Грекияда риторика мактаблари ташкил этилган ва нотиқлар махсус қоидалар ҳамда қонунлар асосида омма олди-га чиқиб сўзлашга ўргатилган. Одамлар онгига муайян гоя, асо-сан, шу йўл билан сингдирилган. XX асрга келиб, риторикага оид классик ёндашув ҳам қайта кўриб чиқилди. Американинг Йел шах-ридаги риториканинг тажриба мактаби 60-йилларда кўплаб тад-қиқотлар ўтказиб, мафкуравий тарғибот ва таъсир учун факат сўз ҳамда нутқни энг самарали восита дейиш етарли эмаслигини исбот килди. Чунки омманинг сиёсий қарашлари ва онгига таъсир кўрсатишнинг бошқа механизмлари ҳам бор. Олимларнинг эъти-роф этишларича, мафкуравий фикрлар маълум бир қарашлар тизими бўлиб, унда мантиқ етакчи ўрин тутади. Лекин инсон онги ҳар доим ҳам мантиқа бўйсунавермайди. Бу йўл ёки восита аниқ фанлар соҳасига, умуман, илм-фанга тааллуқли деб ҳисоблана-ди. Маълум бўлишича, одамни ўзи ишонишни хоҳламаган нарсага ишонтириш ўта мушкул иш экан. Чунки у ўзининг шахсий қараш-лари, манфаатларига мос келадиган нарсаларгагина ишонади. Яъни оммага чиройли илмий иборалардан кўра, табиий, одатий, кун-далик ҳаётда ишлатиладиган иборалар, сўзлар тизими тезроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатади. Тажриба ўткир сиёсатдонларнинг ҳеч қачон ўз нутқларида мураккаб, илмий иборалардан фойдалан-маслигини кўрсатади.

Шундай қилиб, тингловчига таъсир этувчи ва унинг ишончини уйғотувчи нутқ шундай бўлиши лозимки, уни тинглаганлар ҳар бир ифода этилган сўз устида камроқ ўйланиши, аксинча, та-ниш, ўзига ёқимли нарсалар хусусида гап бораётганини қалбан ҳис қилиб туриши керак. Демак, нотик нутқида ишлатиладиган, жамият ва халқ манфаатини ифодаловчи ижтимоий рамзлар — сўзлар, иборалар, шиорлар, нарса ёки ҳодисалар ўша тингловчи талаб-эҳтиёжи, орзуумидлари ва манфаатларига бевосита ало-қадор бўлгандагина таъсирчан ҳамда ишончли бўлади.

Мафкуравий таъсирнинг яна бир муҳим хусусияти борки, у ҳам бўлса, муайян қараашлар тизимини бирдан, бир вактнинг ўзида ифода этишга интилмаслик. Чунки оддий тингловчи алоҳида фикрлар орқа-ли ўша мафкуравий тизимнинг, туб моҳиятини англаб олиши мумкин. Масалан, миллий қадриятларимизнинг аҳамиятини уқтириш учун уларнинг барчасини бир бошдан санаб ўтиш шарт эмас. Яъни она меҳр-муҳаббатининг нақадар улкан куч экани, бунга алоқадор ноёб удумларимиз борлигини англаш учун оддий она алласининг таъсирчанлигини англаш ҳам кучли кечинмаларни уйғотиши мумкин

Ишонч ва эътиқод — ғоявий таъсир обьекти. Инсон ишончсиз, эътиқодсиз, ғоясиз, фикрлашсиз яшай олмайди. Шахс эътиқоди шаклланиши моҳиятан ижтимоий омилларга бевосита боғлиқ деб қаралади. Бу масалага эътибор ортиб бораётганининг боиси шунда-ки, шахсдаги бирон-бир гоя ва мафкурага мойиллик ҳамда мафку-равий иммунитетнинг шаклланишида ундаги ишонч ва эътиқод муҳим аҳамиятга эга. "Ишонч" ва "эътиқод" одамнинг муайян қарааш, таълимот, назария, хаётий ақида, қадрият ёки фаолият тамойил-ларини эмоционал-хиссий кабул қилиш жараённида шаклланган со-бит фикр ва тасаввурлар мажмунини ифодалайдиган тушунчалар. Бошқача айтганда, ишонч ва эътиқод муайян қадриятлар, диний ёки дунёвий маслаклар, ижтимоий муносабатларнинг инсон қалби-даги яшаш фалсафаси, фаолият дастури сифатида қабул қилини-шидир. Агар шу жараённинг оқибати ўлароқ одамда диний ёки дунёвий маслак, ишонч каби турғун муносабатлар шаклланган бўлса, биз уни эътиқодли одам деб атаймиз.

Шу сабабдан ҳам муайян гояга ишонч ва эътиқодни шаклланти-риш мафкуравий таъсирнинг энг асосий мақсадидир. Негаки, бун-дай ишонч-эътиқодсиз ғояни одамлар онгига сингдириш, уни химоя-лаш, сақлаш ва келажакка етказиш борасидаги ишларнинг сама-раси тўғрисида гапириш қийин. Тўғри, баъзида бу эзгу ғоя ва маф-курага нисбатан ишончсизликни ҳосил қилиш, эътиқодни ўзгарти-

ришга тарғиб этиш шаклида рўй бериши ҳам мумкин. Бундай холда бирон-бир гоя ва мафкурага нисбатан ишонч-эътиқоднинг кучайиб бориши, бошқасига нисбатан сусайиб боришини англатади.

Бу эса, ўз навбатида, ҳар қандай жамият ўз ҳаёти учун му-ҳим бўлган гояларга ишонч-эътиқодни муттасил мустаҳкамлаб туриши, ўзига хос мафкуравий таъсирни ана шу вазифани бажа-ришга қаратиш лозимлигини англатади. Жамият учун зарур бўлган гоялардан кўзланган мақсадларни амалга ошириш, ахолининг ёт ва бегона мафкуралар таъсиридан ҳимояланиши, унда мафкура-вий иммунитетни шакллантиришга хизмат қиласди. Агар биз ёшла-римизда болаликдан бошлаб соғлом эътиқод ва юксак дунёқараш-ни шакллантира олсак, улар маънавияти бой, мустақил фикрли ва олижаноб шахслар бўлиб камолга етади. Шу маънода, шахс эътиқоди ундаги барқарор фикр, тасаввурлар, билимлар мажмуи-ки, мафкуравий дунёқараш ҳамда бу соҳадаги иммунитет аслида ана шундай эътиқодлар асосида шаклланади.

Шахснинг маънавиятини белгиловчи бошқа кўплаб ижтимо-ий-руҳий асослардан фарқли ўлароқ, эътиқод ва ишонч нисбатан барқарор ҳамда уйғун бўлиб, уни осонликча, тез фурсатда ўзгар-тириб бўлмайди. Шунинг учун уларнинг табиатини ўрганиш эътиқод ўзгаришига таъсир кўрсатиш омилларини аниқлаш масаласи би-лан бевосита боғлиқ. Инсоннинг турли заарли эътиқодларга бе-рилиш ҳолати ҳам учраб туради. Масалан, баъзи мутахассислар этник зиддиятлар ҳамда диний эътиқодлар шаклланиши ва ўзга-ришига эътибор бериб, ушбу жараёнга хос умумий конуниятлар-ни ўрганган. Машхур америкалик психолог Гордон Оллпортнинг фикрича, эътиқод ва этник зиддиятлар ўзига хос умумлашган кўнилмалар бўлиб, агар шахсда муайян бирор миллат вакилла-рига нисбатан салбий муносабат ёки зиддият мавжуд бўлса, демак, унда бошқа бир миллат вакилларига нисбатан ҳам- худди шундай муносабат-такроран намоён бўлиши мумкин.

Инсоннинг инсонлиги, унинг ҳаётдаги ўрни ва нуфузи ҳам маъ-лум маънода унинг шу жамият қонун-қоидалари, қадриятларига нисбатан ишончи ва эътиқоди билан белгиланади. Айрим инсон-лар бутун умри мобайнида фактат битта нарсага эътиқод киласди. Масалан, франциялик машхур сайёҳ Кусто ва унинг командаси ҳақидаги фильмни ҳамма кўрган. Бир қарашда, у бутун умрини денгиз ҳаёти ва ундаги сирли воқеалар, ҳайвонот дунёсини кашф этишга бағишлилагандек туюлади. Денгиздан жуда узокда яшайди-ган, ундан манфаат кўрмайдиган одамлар учун бу тадкиқотчининг

хаёти ва ишлари кераксиз бир нарсадек туюлади. Лекин бу олимнинг ўз ишига садоқати, эътиқоди шу даражада кучлики, уни бутун дунё, соғлом фикрловчи ҳар бир инсон жуда юксак қадрлайди. Бу каби одамларнинг бошқа соҳалардаги хизмати кам бўлиши мумкин, аммо башарият уни юксак эътиқоди учун ҳурмат килади. Демак, эътиқодсизликдан қўрқиши керак, агар ҳеч нарса-га ишонмайдиган, мақсад-маслаги номаълум кишини кўрсангиз, унга ёрдам бериш лозим, чунки бу одамдаги эътиқодсизлик нафа-қат унинг ўзига, балки атрофдагиларга ҳам зиён келтиради.

Эътиқодли одам, аввало, фойдали иш билан шуғулланади, ўзгаларга зиён келтирувчи амаллар қилмайди, ёлғон гапирмайди. У ҳар доимо лафзига амал қилади, яъни бир нарсани қиласман, деб аҳд этса, бутун кучи ва иқтидорини сафарбар қилиб, уни албатта бажаради, бошлаган ишини охирига етказади. Эътиқод-ли инсон нима қилаётганини, нима учун айнан шу ишни қилаётга-нини жуда яхши билади. Шу боис ҳақиқий эътиқод эгаси илмга интилади, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшайди, ҳар томонлама баркамол бўлишга тиришади, яхшиларга ошно бўлиш, буюкликка ҳавас унинг ҳаётий шиорига айланади. Ҳақиқий эътиқод соҳиби ўзидан оиласига, фарзандларига, инсониятга нимадир қолдириш-ни истаб яшайди. Шунинг учун ҳам эътиқод шахсдаги журъат, мардлик, фидоийлик, ирода, виждон, қатъият, ҳалоллик, инсон-парварлик, ватанпарварлик каби фазилатлар билан боғлиқ

Ишонч ва эътиқод инсоннинг жамиятдаги хулқини белгиловчи омил бўлгани учун ҳам уларни шакллантиришга, энг аввало, жамоатчилик, оила ва барча турдаги таълим муассасалари жалб этилади. Бу жараёндаги ҳар бир омилнинг таъсир кучи ишонч ва эътиқоднинг шаклланганлик даражасида яққол намоён бўлади. Бунда таъсир кўрсатувчи манба — шахс ёки гурӯҳ, таъсир мазмуни, ахборот ёки маълумот, таъсир воситаси ёки маълумот етказувчи тармоқ ҳамда таъсирни қабул қилувчи ўртасидаги боғлиқлик муҳим аҳамият касб этади.

Мафкурачи бу соҳадаги асосий таъсир кўрсатувчи шахс бўлиб, у аввало, тажриба, билим, ишонтира олиш қобилияти, равон нутққа эга ва ўзига ишончи бор киши бўлмоғи лозим. Мафкурачиларнинг асосий иш услуби ўзида мавжуд билим, тушунча, ғояларни асос қилиб олган ҳолда, биринчи навбатда, ёшларда, қолаверса, кенг ҳалқ оммаси онгида мустаҳкам ишончни шакллантириш, уларга таъсир кўрсатиш ва ўзига тақдид этишга чорлашдир. Бунда у мулоқотнинг барча самарали ва таъсирчан воситаларидан — монолог,

диалог, баҳс-мунозара кабилардан фойдаланади. Айнан ана шу фаолият ҳар бир таъсир кўрсатувчининг риторика асосларидан хабардор бўлишини, нутқ маҳоратини эгаллашини талаб қиласи. Мафкурачи ўз нутқида нутқий ва нутқий бўлмаган воситалардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдалана олиши шарт. Агар у ўзига берилган минбарда факат сўз ва иборалар тизимидан фойдаланиш билан чекланса ёки қоғозга туширилган матндан четга чиқолмаса, уни аудитория тингламайди, унга ишонмайди. Шунинг учун хиссий таъсир усуслари — ўринли ишлатилган қарашлар, имо-ишора, мимика ва патомимика кабилар ҳам таъсирни кучайтирувчи пси-хологик механизмлар эканини унутмаслик керак.

Мафкура тарғиботчисидан талаб қилинадиган яна бир муҳим хислат гапираётган кишининг ёқимтойлигидир. Бу ҳам нотиққа нисбатан ишонч ва эътиқодни оширади. Ёшлар аудиториясида во-изнинг мурожаатига эътибор жиддийроқ бўлади. Зиёли, олимлар аудиториясида мантиқий, илмий таҳлилларга асосланган фикр ва мулоҳазалар катта таъсир кучига эга бўлади.

Ахборотнинг мазмуни, яъни мафкурачининг нима ҳакида гапираётгани ҳам мафкуравий таъсирда муҳим ўрин тутади. Тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, одамларга ҳам ақлан асосланган (рационал), ҳам эмоционал (хиссиёт уйғотувчи) маълу-мотлар тез таъсир қиласи. Бунда аудитория хусусияти назарда тутилиши керак. Масалан, ўқимишли, тушунган одамлар ауди-торияси далилларга таянган, асосли маълумотни тез қабул қилиб, унга ишонса, кичик ёшлилар, маълумот даражаси пастроқ шахс-лар кўпроқ юракка якин, эмоционал маълумотга ўч булади. Бун-дайлар улардаги айрим негатив ҳис-туйгуларни кўзгатувчи маълумотларга нисбатан ҳам фаолроқ бўлади. Шунинг учун ҳам ка-салликка қарши ёки заарли одатларга қарши қаратилган рекла-мада кўпинча даҳшат уйғотувчи расмлар берилади. Ёки фикрни ўзгартириш учун берилаётган маълумот тингловчida мавжуд бўлган билимлардан кескин фарқ қилса ҳам унда янги маълумот-га нисбатан ишонч ва уни қабул қилишга мойиллик кучли бўлади.

Мафкуравий ахборот ёзма ёки оғзаки тарзда етказилиши мум-кин. Агар биринчисига газета, журналлар, китоб ва дарсликлар, ёзма манбаларда мужассамлашган маълумотлар кирса, иккинчи-сига маъруза ўқиш, дарсни баён этиш, мунозара ва сухбатлар ўтказиш киради. Бундан ташқари, мафкуравий гоялар турли ба-диий ва хужжатли фильмлар, болалар ёки катталар учун яра-

тилган мультфильмлар орқали ҳам етказилиши мумкин. Мухи-ми, улар амалга оширилаётган ғояга хизмат қилиши, мафкура-вий таъсирнинг самарадорлигини таъминлаши лозим.

Бу жараёнда маълумотларнинг мазмундорлиги ва таъсирчан-лигини уларнинг оммаболлиги, билдирилган ёки ифода етилган ғояларнинг содда, ихчам ва равон баён қилинишига кўп нарса боғлиқ Тингловчи ҳар бир сўзни тушунсагина, унда теран муно-сабат шаклланади.

Ҳар бир ижтимоий таъсирда бўлгани каби бирламчилик ва иккиламчилик самараси қонунияти ҳам бор. Унинг моҳияти шун-дан иборатки, дастлаб қабул қилинган маълумотнинг мазмуни одамга кучлироқ таъсир қиласи. Лекин, иккинчидан, тингловчи томонидан охирида эслаб қолинган маълумот ҳам хотирада мус-таҳкам ўрнашади. Буни ҳам мафкуравий таъсир жараёнида, ал-батта, инобатга олиш зарур. Масалан, ёшлар ва болалар билан миллий ғояларимиз хусусида олиб бориладиган сухбатларда тар-биячи ёки мураббий аввалдан саволлар тартибини ишлаб чиқиши лозим, бунда ишлатиладиган таянч иборалар катта аҳамият касб этади. Табиийки, ҳар бир жумла ёки иборанинг конкретлиги, ҳаётлилиги ва образлилиги муҳим роль ўйнайди.

Мафкуравий таъсир жараёнида таъсир воситаси (алоқа тар-моғи), яъни гоя ҳақидаги маълумотнинг нима воситасида узати-лиши масаласи ҳам муҳим. Одамларга юзма-юз туриб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиш энг таъсирчан усул, албатта. Таъсир воситаси бевосита ёки бавосита бўлади. Юзма-юз учрашувларда-ги мулоқот ёки таълим-тарбия жараёнидаги таълим берувчи би-лан ўқувчи ўртасидаги алоқа ёки отаона билан фарзандлар ўрта-сидаги муносабатлар бевосита алоқага мисол бўлса, оммавий ах-борот воситалари, биринчи навбатда, телевидение, радио, газе-та ва журналлар, китоб ёки рисолалар воситасидаги мулоқот ба-восита алоқани билдиради.

Мафкуравий таъсир ва ғояга ишончни шакллантиришда иж-тимоий реклама инсон онги ҳамда идрокига таъсир кўрсатувчи кучли восита сифатида муҳим ўрин тутади. Масалан, таниқли, баобрӯ шахсларнинг маданий ва маънавий меросимиз, обидала-римиз олдида туриб интервью беришлари жуда самарали бўлади. Мисол учун, Самарқанддаги Регистон майдонида интервью бера-ётган шахс шаҳардаги ободончилик ишлари ҳақида гапираётган бўлса ҳам, асрий обидалар томошабинда миллий маданиятимизга

хурмат, ундан ғуурланиш түйғуларини, ўша мұқаддас қадам-жоларни бориб зиёрат қилиш истагини уйготади.

Мафкуравий таъсир қаратылған кишилар хусусида гап кетган-да, қандай инсонлар ишонувчан бўлади, қандай одамлар соғлом ғояларни ёт, бузғунчи гоялардан фарқлай олади, деган савол ўта муҳим. Одамлар ҳар хил, масалан, ўзи, ўз қобилият ва фазилат-лари хусусида камтарона фикр юритадиган одамларнинг янги маълумотларга, нотаниш манбаларга ишониши, эътиқод ҳосил қили-ши жуда секин содир бўлади. Улар ўзларига қанчалик ишонмаса, бошқаларга ҳам шунчалик ишонмайди. Ўзи ҳақида анча юқори фикр-да юрадиганлар эса маълумотларни тез қабул қиласди. Лекин ўзла-ридаги мавжуд фикрларга нисбатан ҳам кибор, ғуури бўлгани сабабли, бошқаларнинг фикрига тез эргашмайди. Ўзини ҳали хо-лис баҳолай олмайдиган инсонларга содда, тушунарли маълумот-лар ёқади. Мафкуравий мавзудаги ахборотлар ҳам ҳаётӣ, лўнда фикрларда баён этилса, уларда ижобий муносабат шаклланади. Фаол, ижтимоий жиҳатдан баркамол, маълумотли, зиёли, янги-ликка ўч инсонларга таъсир кўрсатувчи хар қандай ахборот муам-моли, долзарб, баҳсталаб бўлгани маъқул. Талабалар, магистрант ва аспирантлар, олимлар ва бошқалар шулар жумласидан. Маълум сабабларга кўра тарбияси оғир кимсалар тоифасига кириб крл-ган, ҳаётда аниқ мақсади ва маслаги йўқ, ўз устида ишламайдиган инсонлар янгиликларга, уларнинг тафсилотларига бой бўлган ах-боротга ўч бўлади. Шунинг учун бундай тоифадаги кимсаларга ба-обрӯ шахслар орқали таъсир кўрсатиш маъқул. Асосан уй бекала-ри, қариялар, маълум сабаблар билан ногирон бўлиб, асосий вақ-тини уйда ўтказадиганларни ҳаётӣ видеофильмлар, қизиқарли кўрсатув ва лавҳалар ўзига жалб ^илади. Шундан келиб чиқиб, бундай инсонлар учун мафкуравий ахборот тайёрланганда, улар-нинг самимиятга ўчлиги ва инсоний эътиборга муҳтоjлигини ино-батга олиб иш кўрилса, самарали бўлади. Кўпроқ уй ишлари би-лан банд бўлгани учун мулоқот ва учрашувлар уларнинг дам олиш вақтларига мўлжалланиши, миллий удумлар, расм-руsumларимизнинг ноёб жиҳатларидан фойдаланиш, таъсир вақти ва жойи масаласини маҳалла фаоллари ва хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда белгилаш мумкин.

Мафкуравий ишларни ташкил этишда аудиториянинг катта ёки кичиклиги ҳам инобатга олиниши керак. 100-200 кишидан зиёд одам бўлса, бу катта, 15-100 тагача одам бўлса ўртача, 15 тагача бўлса,

кичик аудитория хисобланади. Мафкуравий таъсир сифати катта аудиторияда воизлик маҳоратининг ўта юқори бўлиши, кўргазма-ли воситалардан фойдаланишда аниқликка эришиш, саволларнинг минимал даражада кам бўлишига боғлиқ. Кичик аудиторияда эса савол ва жавобларнинг максимал миқдорда бўлиши, расмиятчи-лиқдан холи бўлишига эришиш, нотикнинг мавзута оид билимлар-ни мукаммал билиши, мавзуни ёритишда ижодий ёндашув бўли-ши лозим. Бундан ташқари, аудиториянинг ёш хусусиятларини, уларнинг билимлари даражасини ҳам хисобга олиш зарур.

Мафкуравий тарбия ишлари самарадорлигини баҳолаш ме-зонлари ўта нозик ва масъулиятли иш. Агар бу 15 кишигача бўлган кичик аудиторияларда амалга оширилган бўлса, унда тингловчи-ёшлар, тарбияланувчилар ёки талаба-ўқувчиларнинг дунёқараш-ларини бевосита сухбатлар, ёзма ишлар ва уларнинг ишга, воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабатлари орқали аниқлаб, машғулот-ларни қайта-қайта ўтказиш мумкин. Агар аудитория 15 кишидан 100 кишигача бўлган ўртacha катталиқда бўлса, унда тадбир ёки турли мавзулардаги йиғилишларда жам бўладиган одамлар гу-руҳи назарда тутилади, унинг самарасини бир мартада аниқлаш мушкул бўлади. Чунки, бу борада шундай қонуният борки, ауди-торияни ташкил этувчи одамлар сони ортиб боргани сари, уни ташкил этувчилар бир-бирига жуда ўхшаб боради. Шунинг учун 100 ва ундан ортиқ, 200, 300 кишилик аудиторияни тўплаб ўтка-зилган маънавий ва мафкуравий тадбирлар самарадорлигини оши-ришда жуда кўп омиллар хисобга олиниши керак. Бундай шаро-итда баҳс юритиш, фикр алмашиш ёки одамларнинг етказилаёт-ган маълумотни қай даражада ўзлаштираётгани бўйича монито-ринг олиб бориш анча мураккаб бўлади. Чунки бу ерда ғояларга айрим алоҳида шахслар эмас, гурухлар эргашади. Агар муайян гурух ахборотни қабул қилишга умуман мойил бўлса, унда тинг-лаш қобилияти бўлади, аксинча, ҳеч ким ҳеч нарсани тушунма-гандай ўтираверади. Мабодо, тингловчилар орасида' савол берув-чилар пайдо бўлса, бу савол кўпчиликка маъкул бўлмаслиги ёки айримларга ёқиши мумкин, бундай вазиятда топқирлик ва зукко-лик қилиб, барчага маъкул келадиган гапларни топа олиш лозим. Шунинг учун Ватан ва юрт тақдирига алоқадор муҳим мавзулар-даги учрашув ва маърузалар ймкон қадар торроқ давраларда, думалок столлар атрофида амалга оширилиши, самарали бўли-ши мафкуравий таъсир амалиётида исботланган. Ғояга ишонч-нинг шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонлари аҳолининг

тоявий тарбиялангани, ижтимоий фаоллиги, жамиятнинг маънавий соғломлиги, одамларнинг ўзини руҳан тетик ва бардам тутиши, кундалик турмушда муайян ғояга эътиқоднинг тобора кўпроқ намоён бўлиб бораётгани билан узвий боғлиқ

Шу билан бирга, аҳолида маълумотлилиқдан манфаатдорлик кайфиятининг мавжудлиги, барчада билим савиясини оширишга интилишнинг кучайиши, газета-журнал, вақтли матбуот, нашрий ишларга талаб ва такліфнинг ортиб бориши ҳам ғояга ишонч даражасини кўрсатади. Жамиятда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг йил сайин камайиб бориши, аёллар ва ўсмирлар ўртасида содир этиладиган жиноятчиликнинг бартараф этилиши, гиёҳвандлик ва турли заарли одатларнинг камайиши, бу жараёнда кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки ҳам бу борадаги муҳим кўрсаткичdir. Оиласарнинг мустаҳкамлиги, ажримларнинг камайиб бориши, фуқароларда қонунларга нисбатан итоаткорликнинг кучайиши ва бутун жамият миқёсида соғлом маънавий муҳитнинг шаклланиши ушбу йўналишдаги ишларнинг самарасини намоён қилувчи мезонлардир.

Ижтимоий фикрни ўрганиш маънавий-мафкуравий табдирлар таъсирчанлигини эзгу ғояларнинг кенг халқ оммаси ва ёшлиар онгига нечоғлик чуқур сингиб бораётганини билиб олишнинг ишончли йўлларидан биридир. Ижтимоий фикр гурӯҳ ёки жамият томонидан яқдил тарзда изҳор қилинадиган умумий нуқтаи назар хисобланади. У кўпинча социология фани томонидан ўрганилади. Ўзбекистон шароитида ижтимоий фикрнинг асосий барометри, ўлчови маҳалладир. Маҳалла аҳли ҳар бир оиласда рўй бераётган ҳодисаларни билади, инсонлар тақцирига бефарқ бўла олмайди, фаоллар орқали ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир ўзгариш, одамлар онги ва қалbidаги ҳис-кечинмалар ўрганилади Шу маънода, Ўзбекистон шароитида маҳалланинг ҳақиқий демократия дарсхонаси эканлиги унинг ижтимоий фикрни бошқариш имкониятларида ҳам ўз тасдигини топган.

Ғоявий таъсирни амалга оширишда ва мафкуравий таъсир жараёнида жамиятдаги маънавий барқарорликни таъминлаш учун ижтимоий фикрни муттасил ўрганиб бориш, бунга жамоатчиликнинг энг илғор вакилларини жалб этиш мақсадга мувофиқ Ижтимоий фикрни ўрганишнинг маҳсус усусларини қўллаган ҳолда, мутахассислар иштирокида амалга ошириладиган тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Бунда, асосан, сўров усуслари — анкета ёки интервью йўли билан жамоатчилик фикри ўрганилади. Анкета

ёзма сўров шакли бўлиб, унга киритилган саволлар ёрдамида ғоя ва мафкурунинг мазмунига алоқадор масалаларнинг аҳоли томо-нидан қай даражада ўзлаштирилганини аниқлаш мумкин. Анкета саволлари тингловчилар онгидаги билимлар қай даражада мус-таҳкам экани ҳақида маълумот олиш имконини беради.

Бу борада жойларда, маҳалла қўмиталари, ўқув масканлари-да «Ишонч телефонлари» ташкил этиш ҳам мумкин. Бунда аҳоли-нинг хабарлари орқали рўй берадиган жараёнларга, мафкуравий ўзгаришларга, маҳалла-кўй, туарар-жойлар ва меҳнат жамоала-ридаги айrim салбий ходисаларга муносабати аниқланади, халқ-нинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий жараёнлардан манфаатдор-лиги ўрганилади. Шу билан бирга, хужжатлар, ёзма манбалар ва хатларнинг мазмуни, телевидение, радио ва вақтли матбуот са-хифаларида меҳнаткашларнинг фикр-ўйлари баёнини тахлил қилиш орқали уларнинг ғоя ва мафкура моҳиятини қай даражада тушунаётгани, уларга муносабати, бу жараёндаги иштирокини ўрганиш мумкин.

Хуллас, муайян ғоя ва мафкуруни кишилар қалби ва онгига сингдириш жараёни мураккаб, кўп босқичли, ўта масъулиятли бўлиб, улар самарадорлигини муттасил ўрганиб бориш зарур. Бу, ўз навбатида, янада маҳсулдор ва таъсирчан усусларни амалиёт-да қўллаш, ғояга ишончни мустаҳкамлаб бориш, ушбу йўналиш-даги ишларнинг самарасини оширишга ёрдам беради.

5-боб. Ижтимоий тараққиёт ва ҳозирги давр, мустақиллик ва ғоялар тизимининг ўзгариши

Тарих ва тараққиётни турлича тушуниш, уларга хилма-хил ёнда-шиш мумкин. Бу борада ижтимоий тараққиётта ғоялар асосидаги ёндашув ўзига хос аҳамият касб этади. Унга кўра, инсоният тарихи-да рўй берган кўплаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар турли-туман тоялар ва мафкуралар таъсирида содир бўлган. Тараққиёт жараёни-да эса хилма-хил ғоялар ва мафкуралар шаклланган. Улар давлат-лар ва халқлар тақдирига гоҳ ижобий, гоҳ салбий таъсир қўрсат-ган, миллатлар ва жамиятларни тараққиёт ёки таназзулга бошла-ган. Шу маънода, "Инсоният тарихи - ғоялар тарихидир". Турли халқлар ва ижтимоий кучларнинг ғоявий раҳнамолари, мутафак-кир ва арбоблари, ўзларининг манфаат ва мақсадларидан келиб чи-қиб, мафкуравий таълимот ва дастурлар ишлаб чиқканлар. Бу таъ-лимот ва дастурлар жамият талаблари ҳамда эҳтиёжларига жавоб тарзида шаклланган. Шу тариқа ҳар бир жамият, давлат ва тари-хий даврга хос ғоялар тизими вужудга келган. Бу эса мустақилликка эришган мамлакатимизда ўзига хос ғоялар тизими шаклланиши ва такомиллашуви тарихий зарурат эканини англаади.

18-мавзу. Ижтимоий тараққиёт ва ғоялар тизими

Ижтимоий тараққиётни "Ғоялар фалсафаси" фани нуқтаи назаридан ўрганиш инсоният тарихининг ҳар қандай даври ғоя ва мафкураларнинг умумий тизимиға эга бўлишидан далолат бера-ди. Муайян жамият кишилари у ёки бу ғоялар таъсирида шакл-ланади, тарбияланади, камолга етади ёки заволга учрайди. Ғояларнинг намоён бўлиш шакллари ва мафкуравий тизимлар эса ҳаёт-нинг муҳим қисмини ташкил қиласи ҳамда инсон фаолиятининг мезонларидан бири хисобланади. Жамиятда рўй бераётган ҳоди-салар, ўзгаришлар, зиддиятлар ундаги ғояларнинг умумий тузи-лишига таъсир қиласи. Бу жараён эса, ўз навбатида, кишилар-нинг ғоялар мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисидаги қарашлари шаклланиши ёки ўзгариб боришига сабаб бўлади. Тараққиёт жа-

раёнида баъзи гоялар эскиради, янгилари вужудга келади, ай-римлари унутиди ёки сақланиб қолади. Аммо ҳамма гоялар ҳам ўзини вужудга келтирган даврда қолиб, йўқолиб кетмайди, улар-нинг айримлари ўз аҳамиятини узоқ вақтгача сақлаб қолади. Ма-салан, қадимги юононларга хос гояларнинг Европа маданиятига, Бобил даври гояларининг Шарқ ҳалқлари ривожига кўрсатган таъсири ҳозиргача сезилиб туради.

Ижтимоий тараққиёт ва гоялар тизимининг ўзаро нисбати тўғрисидаги мулоҳазалар ижтимоий билимлар тарихида мухим ўрин эгаллади. Ҳамма замонларнинг мутафаккирлари, улуг кишилари, оли-му фузалолари бу масалага алоҳида эътибор берганлар, ўзларининг фаолиятларида эзгу гояларни бош мезон қилиб олганлар. Шу билан бирга, тарихда муайян давр ўтиши билан тоя ва мафкуралар тизи-ми ўзгариши, такомиллашиб, мазмунан ва шаклан бойиб бориши ёки ўтмишга айланиши тўғрисида турлича қарашлар мавжуд бўлган. Бугунги кунда ҳам бу муаммо турли баҳсларга сабаб бўлмоқда. Унинг қандай изоҳланиши инсониятнинг ҳозирги ҳаёти ва келажаги, дунё-нинг бундан кейинги ривожланиши билан боғлиқ

Тараққиёт жараёнида гоя ва мафкура тизимларининг намоён бўлиш мезонлари ва асосий ўйналишлари нималарга қараб аниқла-нади? Уларнинг инкор этилиши, ўзгариши, янгиланиши нимага боғ-лик? Бу саволларга жавоб беришда кўпчилик мутахассислар ижти-моий тараққиёт мезонига асосланади. Ижтимоий тараққиёт тўғриси-даги баъзи қарашларга хос энг мухим камчиликлардан бири ҳаётий жараён бир текис, сакрашлар ва чекинишларсиз кечади деб тушу-нишdir. Аслида инсоният тарихи турли жараёнлар, ўзгаришлар, қарама-қаршиликлар силсиласи орқали ўтмишдан келажак, эски-ликдан янгилик сари харакатланади. Жамият шу тариқа ривожла-ниб, янада қудратлироқ ва самаралироқ ишлаб чиқарувчи кучлар-ни, моддий ва маънавий бойликларнинг мукаммал шаклларини яра-тиб, уларнинг турли жиҳатларини яққол намоён этиб боради.

Тараққиёт жараёнида гоялар такомилининг асосий мезонла-ри одамлар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг амалий фаолия-ти, жамият ҳаёти моддий, маънавий ва бошқа соҳалардаги ўзга-ришлар билан ҳам узвий боғлиқ. Умрини яшаб бўлган ижтимоий кучлар, гурухлар, тартиблар, уларнинг гоялари ва мафкуравий тизимлари ўз ўрнини янги гояларга бўшатиб бериши ҳаёт қону-нидир. Зеро, инсон ўз фикрини имо-ишоралар орқали ифодалаш-дан сўзлашга ўтгани, тош куроллардан ҳозирги замоннинг мурак-каб механизмларини яратганига қадар нечача гоялар унтилиб кетди. Бу жараён факат жамият ривожланишининг туб бури-

лиш нуқталарида, бир сифатий ҳолатдан иккинчисига ўтгандаги-на намоён бўлади, деб ҳисоблаш нотўғри. Чунки тадрижий ўзга-ришлар рўй берәётган шароитда ҳам унинг баъзи жиҳатларини кузатиш мумкин. Масалан, юртимиз тарихида араблар, ислом дини кириб келган давр ҳам бундан мустасно эмас. Бу даврда ерли аҳоли ислом динини қабул қилиб, араб ҳарфларида ёза бошлаган эди. Шу даврда Ўрта Осиёга Қадимги Юнон, Рим, Миср ва Бобил маданиятининг кириб келиши эса ғоялар тизими такомиллашуви-да катта аҳамият касб этган. Бу, ўз навбатида, Хоразмий, Форо-бий, Ибн Сино, Беруний, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Али-шер Навоийлар таълимотида илгари сурилган ғояларнинг вужудга келиши учун маънавий асос бўлиб хизмат қилган.

Ўрта Осиёда мўғуллар ҳукмронлик қилган давр юқоридагидан фарқ қиласди. Ўтронинг босиб олинишидан (1218 йил) Шахри Кеш-да Темур ҳокимиятни эгаллаб олган давр орасида айтарли ўзга-ришлар бўлмагандек туюлади. Негаки, 142 йилни қамраб олган бу даврда мўғуллар Ўрта Осиёда ҳукмронликни қўлдан бермади, ерли аҳолига мансуб бўлган ҳур фикрли кишиларнинг кўпларини йўқ қилиб ташлайверди. Улардан вайрон бўлган шаҳарлар ва қабрис-тонлар қолди, холос. Ўша даврнинг айрим кишилари учун мўғул-лар ҳукмронлиги абадий давом этадигандек туюлган бўлса ажаб эмас. Кимлардир босқинчилар ишонган ғоялар таъсирига тушган бўлиши ҳам мумкин. Аммо ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди, мўғуллар узок ҳукмронлик қилганига қарамасдан, уларга қарши озодлик харакати сўнмади. Маҳаллий аҳоли босқинчиларнинг ҳалқимизга хос кўплаб ғояларни оёқости қилганларини асло унут-мади. Уларнинг ҳукмронлигини тугатиши учун жуда кўп ҳаракат-лар бўлди. Амир Темур раҳбарлигига ҳалқимиз озодликка эриш-ди, миллий давлатчилигини тиклади. Бу, ўз навбатида, ҳар қан-дай даврда ҳам ғоялар тараққиёти тарих суронлари, одамлар ва авлодлар тақдири орқали ўзига йўл очиб борганини кўрсатади.

Биз Марказий Осиё бир вақтлар македониялик Александр то- монидан забт этилгани ва кейинроқ Грек-Бактрия давлати ҳукм сурганлигини биламиз. Бу давр ҳам юқорида таҳлил этилган жара- ёнлардан холи бўлмаган, албатта. Босқинчилар ўлкамизга қандай ғояларни олиб келган ва кайси ғояларни барқарор қилмоқчи эди? Уларнинг ҳукмронлиги қайси умуминсоний ғоя талаблари мезо ига мос келар эди? Бугун бу саволларга жавоб учун тарихдан ташбех-лар излаш мумкин. Лекин нима бўлганда ҳам, не-не умидо .. : б лг н ўрнатилган ўша ҳокимиятлар тарих саҳифаларида босқи чилик-нинг яққол намунаси сифатида қолди. Уларнинг ғоялари эса ўзлари

билан бирга тирих сахифаларида қолиб кетди! Шу маңнода, маш-хур аллома Сүкрот: "Замонлар алмашади, аммо ғоялар қолавера-ди", деган экан. Тарих бу фикрнинг ҳақиқат эканлигини ҳар бир ибратли воқеа мисолида исботлаб турибди. Баъзилар Маҳмуд Ғаз-навий салтанати билан Берунийнинг «Ҳиндистон» асари ўртасида қандай алоқа бор, деб ўйлади. Гап шундаки, Ғазнавий Хиндистон-ни забт этаётганида Берунийни бирга олиб кетган эди. Ғазнавий Хинд диёрини босиб олган бўлса, Беруний бу ўлкани ўрганди ва маълумотлар тўплаб қайтди. Ғазнавий салтанати емирилди, унинг бойликларидан асар ҳам қолмади. Бошига кулфат тушган ҳиндлар-нинг кўз ёшларини тарих ўзининг пардаси билан беркитди. Не-не жаҳонгирлар забт этган бу диёр бугун мустакил мамлакатга айлан-ди. Аммо Берунийнинг «Ҳиндистон»и, Бобурнинг «Бобурнома»си, Бедил ва Зебуннисоларнинг ўлмас асарлари ушбу юрт нафасини кўз-кўз қилганича, авлодларга мерос бўлиб қолди.

Хуллас, жамият ривожи жараёнида хаёт талабига жавоб бе-риш имкониятини йўқотган тузумлар, даврлар ва уларнинг ғоялари ҳамда мафкура тизимлари ўз ўрнини бошкасига бўшатиб бориши тарихий конуниятдир. Лекин у ёки бу кучлар ва гурухлар тарақ-қиётга тўсик бўлиб қолиши, уларнинг бу борадаги фаолияти турли-туман ғояларни ўрнатиш шиорлари остида амалга оширилиши ҳам мумкин. Аммо улар, пировард натижада, жамиятнинг ўтмиш-дан келажакка томон қонуний боришини, умуминсоний ғоялар-нинг тантана қилиш жараёнини тўхтата олмайди. Шу маңнода, ривожланиш ва тараққиётни содда ва жўн тушуниш, муайян ғоялар тизими изсиз йўқолиб кетади, янгилари эса осон ва ўз-ўзидан вужудга келади, дея талқин қилиш хато. Чунки баъзида "эскилик" деб аталадиган гоя ва мафкуралар, воқеа-ҳодиса, муносабат ёки фаолият тараққиёт давомида изсиз йўқолиб кет-майди. Гўё тасодифан пайдо бўлиб қолгандек туюладиган янги-ликда эскиликнинг қандайдир хусусият ва жиҳатлари сақланиб қолиши мумкин. Бу жараён **«Ворислик» тушунчасида** ўз аксини топади. Бундай ворислик ғоя ва мафкуранинг намоён бўлиш шак-ли, муайян тизими ўрнига янгисининг келишини билдирадиган диалектик инкор жараёнини ифодалайди. Ижтимоий тараққиёт натижасида гоя ва мафкура тизимларининг ўрнини бир-бирига бўшатиб бериш жараёни жуда мураккаб ва зиддиятлидир. Бу би-лан боғлиқ хусусиятларни воқеалар занжири орасидан ажратиб олиш мураккаб масала. Бу борада муайян жамиятнинг турмуш тарзини, ундаги ижтимоий муносабатларни ва рўй бераётган ўзга-

ришларни таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ғоялар тизими ўзгаришларида тараққиётнинг асосий йўналишла-рини ҳисобга олиш, жамиятдаги кучларнинг қандай мақсадларга хизмат қилаётганини назардан қочирмаслик лозим.

Жамият ривожининг ҳар бир янги босқичга хос ғоялар тизи-ми, умуман олганда, илгаригисидан мазмунан бойроқdir. Аммо айрим ўзгаришлар жамиятнинг пировард мақсадларига хизмат қилмаслиги, умуминсоний ғояларни барқарор қилиш талаблари-га жавоб бермаслиги ҳам мумкин. Тарихда илғор кучлар ва гурухларнинг муайян умуминсоний ғоя ва идеаллар учун кураши муваффакиятсизликка учраган, мақсадига эриша олмаган давр-лар кўп бўлган. Бундай даврларда «тарихнинг янгилик билан боғ-лиқ мевалари кечикиброк пишган», этилган вазифаларни ҳал қилиш имконияти жуда секин амалга ошган. Баъзида озодлик йўли-даги ҳалқ ҳаракатлари, муайян миллатнинг босқинчилар хукм-ронлигига қарши кураши мағлубиятга учраган бўлиши мумкин. Аммо уларнинг ҳар бири ўз даври учун жуда муҳим ғояларга интилиши, эзгу идеалларни барқарор қилиш туйғуси асосида ву-жудга келган.

Бундай мисолларни илм-фан тарихидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Фаннинг энг буюк намояндалари таъқиб остида яшаган, табиат қонунларини англаб етган Ж.Бруно каби олимлар ўлимга маҳкум этилган, Мансур Халлож, Имодиддин Насимий, Бобора-ҳим Машраб ва Мирзо Улугбекнинг жонлари хурфиксик йўлида қурбон бўлган. Аммо булар ғоялар такомилининг тўхтаб қолгани ёки бутунлай ортга кетганидан далолат бермайди. Балки бу — ин-соният тараққиётининг янги босқичга кўтарилишига туртки бўлиб, ғоялар тизими амалиётининг пировард натижада илгариланма ҳара-кат қилишини исботлайди, холос.

Шундай қилиб, тарихий тараққиётда муайян ғоялар тизими-нинг вужудга келиши, такомиллашуви ёки ўтмишга айланишини оддий ва жуда содда жараён деб тушуниш нотўғри. Бу соҳада ҳам янгилик ўз-ўзидан, стихияли тарзда пайдо бўлмайди. У қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, орқага кетиш ва илгариланма ҳара-катлар, одамлар ўртасидаги ,мураккаб муносабатлар, моддий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги ўзгаришларнинг ҳосиласи сифа-тида вужудга келади. У ёки бу ғоя ва тизимнинг ҳаёт талаблари-га, ривожланишига мос келиши ёки мос келмаслигини давр ва амалиёт кўрсатади. Вужудга келган янгилик тарихий тараққиёт-нинг ўзига хос оқимига мос бўлса амалдаги ғоялар қаторида яшаб

колади. Агар у давр ўтиши билан жамиятнинг ризожланиши та-лабига жавоб беролмай қолса, аста-секин тарих саҳнасидан ту-шиб кетади. Ўтмишга айланиб қолган, ўзининг ўрнини бошқа ижо-бий ва прогрессивроқ янгиликка бўшатиб берган ғоялар тизими-нинг барча жиҳатлари изсиз йўқолиб кетмасдан, айрим сифат ва хусусиятлари мерос қолади. Шу маънода, бутун инсоният тарихи бир ғоялар тизимининг янги тизимга ўз ўрнини бўшатиб бериши, гоя ва мафкураларнинг тарихий давомийликка мос келадиган жи-ҳатларини мерос қилиб қолдириши билан борадиган узлуксиз жараёндан иборат.

Ғоялар тизими ўзининг тузилиши, амал қилиш ва ривожла-ниш конунларига эга, яхлит ижтимоий организм бўлган жамият тараққиётининг зарурый қисмидир. Бу тизим ўзгаришининг уму-мий мезонини белгилаб олишда ана шу яхлит организмни ташкил этувчи қисмларнинг диалектик бирлиги ва боғликлигини назардан қочирмаслик, ушбу қисмларни бир-бирига тақкослаш, уларнинг ривожланиш жараёнида ўрин алмашиниши, ўзаро боғлиқлиги, тараққиёти ва таназзулини ҳисобга олиш лозим.

Ижтимоий тараққиёт ниҳоятда қўп қиррали ва ранг-баранг жараён, унинг қай тарзда амалга ошиши бутун жаҳоннинг бугун-ги куни ва келажаги билан узвий боғлиқдир. Ҳозирги замоннинг айрим олимлари келажақдан умидларини узиб қўймокда. Фран-цуз олимни Р. Арон «Тараққиётдан хафсаланинг пир бўлиши» ки-тобида, «мислсиз вайронагарчилик келтириши мумкин бўлган урушлар инсониятни юксаклика қараб эмас, балки ҳалокат то-мон боришини тезлаштиради», деб таъкидлаган. Бошқа олимлар эса Ер юзида аҳолининг кўпайиб бориши, озиқ-овқатнинг камай-иши, илмий-техника тараққиёти шароитида, инсоннинг маъна-вий таназзулга юз тутиши тўғрисидаги хуносалар асосида, олам ва одамзодни ҳалокат кутаётганини башорат қилмоқда. Айрим жамиятшунослар эса «ижтимоий ҳаётда олға интилиш ҳам, ор-қага қараб кетувчи жараён ҳам рўй бераётгани йўқ, демак, тарихий жараённинг юксаклика қараб бориши тўғрисида гапириш мумкин эмас», дея фикр юритмоқда. У. Ростоунинг "Иқтисодий ўсиш босқичлари" китобида «жамиятнинг ривожи иқтисодий ўсиш босқичларининг ўрин алмашиниши ва кетма-кетлигидан иборат», деган гоя илгари сурилган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги дунёда ижтимоий илм-лар борасида бундай «доҳийликка даъвогарлар» жуда қўп. Аммо тараққиёт бирор кишининг орзу-умиди, истаклари асосида оқади-

ган ирмоқ эмас. Унинг ўзига хос конунлари, талаблари, ривожла-ниш мезонлари ва йўналишлари бор. Бир замонлар Гегель фалса-фаси Прусс монархиясининг асосий идеологияси даражасига кўта-рилган, унинг асосий гояси деб хаёл қилинган эди. Аммо бугун биз Гегель ҳам, унинг фалсафаси ҳам, Прусс монархияси ҳам тарих-нинг саҳифалари билан қўшилиб, тараққиёт китобининг саргайган вараклари орасида қолиб кетганинги яхши биламиз. Кўхна ва навқирон тарих ҳали не-не таълимотлар, фалсафа ва файласуф-лар, гоя ва мафкураларнинг номларини мангулук пардаси билан ёпиб юборади. Келажак авлодлар уларни ўтмиш саҳифаларидан кидириб юрсалар ажаб эмас. Ўшанда илмий қарашлар, олимлар-нинг фаолияти ва уларнинг кимматини тарих баҳолаб улгурган, одамлар ўзларига керакли хulosани чикариб олган бўлади. Бу баҳо ва хulosанинг қандай бўлиши келажакнинг ҳукмига ҳавола, келажакни баҳолашга эса, яхшиямки, бугунги авлоднинг кучи етмайди.

Бугунги дунёning ҳаёти хилма-хил, гоя ва мафкуралар олами ранг-баранг. Ҳамманинг эҳтиёж ва манфаатлари, муаммолари, ўзига хос хусусиятлари бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, фа-қат энг катта мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олиш асосида қурилган дунёни ва унинг келажагини тасаввур қилиш мумкин-ми? Бирор гурух мамлакатлари ёки бирон-бир қитъа давлатла-рининг манфаатларини ҳисобга олмасдан туриб, дунёning эртанги кунини тасаввур қилиб бўладими? Албатта, йўқ Бундан ташқа-ри, бутун дунё жамоатчилигининг олдида кўндаланг бўлиб турган оламшумул вазифалар ҳам бор. Бугунги кунда Ер шаридаги ҳаётни бир неча марта йўқотиб юборишга етадиган қурол-яроғлар тўплан-ган. Табиий муҳит бузилиб, сув, ҳаво, тупрок ифлосланиб бор-моқда, бошқа соҳаларда ҳам умумий муаммолар мавжуд. Ана шуларнинг ҳаммаси бутун дунё мамлакатларининг teng ҳуқуқли-лигига асосланган, хеч кимни камситмайдиган муносабатларнинг вужудга келиши зарурлигини тақозо қилмоқда. Бу муносабатлар-ни бошқаларнинг манфаатларини ҳурмат қилиш ва ички ишлари-га аралашмаслик асосида ташкил зтиш лозимлигини кўпчилик тан олмоқда. Дунёни турли қутбларга бўлиш, улар ўртасидаги тафовутларни бўрттириш, зиддиятларнинг олдини олмасдан, уни урушлар даражасига етказиш нодонлик ва ҳалокатли экани маълум бўлиб қолди.

Бугун инсоният ҳаётида рўй берадиган ижтимоий жараёнлар таъсирида кўпгина гоя ҳамда мафкураларнинг мазмуни ва аҳами-

яти ўзгариб бормоқда. Кишиларнинг ғояларга муносабатида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Одамлар тинчлик, осо-иишталик, фаровонлик кабилар энг асосий бойлик эканини тобо-ра кўпроқ англаб етмоқца. Дунё ахли ўзаро ҳамкорлик, дўстлик, демократик эркинликка эҳтиёжни кўпроқ ҳис этмоқда.

Ҳамма замонларда ҳам у ёки бу ғоянинг аҳамиятини тушунишларига, уларга етишиш йўллари ва усулларидаги муайян тафовутларига кўра кишилар бир-биридан фарқ қиласиган гу-рухларга, синф ва партияларга бўлинган. Муайян ғояни барқарор қилиш учун катта-катта давлатлар, ҳалқлар ва қавмлар бир-би-рига душман бўлиб қолган замонлар кўп бўлган. Зеро, турли ғала-ёнлар ва урушларга ҳам айнан ана шу нарсалар сабаб бўлган. Бугун ҳам оламда турли давлатлар, ҳалқлар, миллатлар, гуруҳ-лар, ижтимоий қарашлар ва идеологиялар сақланиб турибди. Жаҳондаги минтақаларнинг ривожланиш даражаси, кишиларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ва анъаналари ранг-баранг. Шу ту-файли уларга боғлиқ ғоя ва мафкураларнинг намоён бўлиш шакллари ҳам, мазмуни ва аҳамияти ҳам хилма-хил. Бундай шароит-да у ёки бу ғояларни улуғлаш шиори остида олиб борилаётган ҳаракатлар одамларни бир-биридан ажратмаслиги, улар ўртаси-га нифоқ солмаслигига эришиш ниҳоятда муҳим. Бу борада бу-гунги дунёга хос ранг-барангликни сақлаб қолиш, эзгуликка хиз-мат қиласиган ғоялар асосидаги ҳаракатларни кучайтириш орқа-лигина кутилган натижага эришиш мумкин.

Мафкуралар ва ғоялар тизими муайян диний, фалсафий, сиё-сий ва бошқа таълимотлар асосида яратилади, маълум илмий қараш ва ахлоқий тамойилларга таянади, уларнинг ҳаётдаги инъи-косига караб моҳияти аниқланади. Улар ўз моҳияти ва таъсир кучига кўра, жамиятни бирлаштириши ёки уни бир-бирига қара-ма-қарши тарафларга бўлиб юбориши, давлатнинг жаҳондаги обрў ва мавқеини ошириши ёки тушириши, ҳалқларни юксакликка кўтариши ёки таназзулга дучор этиши мумкин.

Юксак мақсадлар, бунёдкор ғояларга асосланган мафкура ти-зими ижтимоий-иктисодий тараққиётга туртки бўлади, маънави-ятни юксалтиради, инсонларни улуғвор ишларга сафарбар этади. Озодлик, эркинлик, мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик ғоялари асосида шаклланган, эзгу мақсадларга хизмат қиласиган ғоялар тизими бунёдкорлик хусусиятига эга бўлади.

Вайронкор ғоялар асосида шаклланган мафкуралар тизими эса жамият тараққиётига ғов бўлади, миллат ва ҳалқларни асоратга

солади. Бундай тизимлар, ўз мазмун-моҳиятига кўра, хукмрон, мустабид, тажовузкор, босқинчилик, экстремистик, ақидапарастлик ғоялари мажмуи тарзида намоён бўлади.

Ғоялар тизимининг ижтимоий тараққиётга боғликлиги бу соҳанинг умумий қонуниятидир. Ушбу қонуниятга кўра, маълум ижтимоий воқеликка (давр, жамият, давлат ва ҳз.) муайян ғоялар тизими мос бўлгани сингари, бошқа, ўзгарган ижтимоий воқеликка ўзгача ва бошқачароқ ғоялар тизими мос бўлади. Шу тариқа ҳар бир давр ёки ижтимоий субъект ўз ғоялар тизимига эга бўлади, унинг ўзгариши унга хос бўлган ғоялар тизимининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлади. Масалан, илк мифологик ғоялар инсоннинг табиат олдида ожизлиги ва у билан тил топишишга бўлган ҳолатларни ифода этса, илм-фан техника тараққиёти тобора табиат, коинотнинг сирларини очишга интилиш, уни бўйсундириши ўзида акс эттирган. Мана шу тариқа ғоялар тизими узлуксиз ўзгаришлар гирдобида бўлган. Аммо инсоннинг табиатидан келиб чиқиб баҳолаганда, мафкуралардаги вайронкорлик, бунёдкорлик руҳияти замон ёки маконга боғлиқ бўлмаган жиҳатдир.

Турли диний ақидалар, фалсафий таълимотлар, илмий қарашлар, бадиий асарлар негизида ҳам муайян ғоялар тизими ётади. Ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг мақсадлари ҳам ғояларда акс этади. Ғоя комил инсонларнинг иймон-эътиқоди, дунёқараши ўзагини, ҳаёт мазмунини ташкил этади. Улар эзгу ғоя деб яшайди, бу йўлда ҳатто жон фидо қиласди. Тарихда ўз жасорати, мардлиги ва қаҳрамонлиги билан из қолдирган буюк инсонлар, юксак гоя соҳиблари бўлган, улар ғоявийликни ўз фаолиятларида акс эттирган.

Хдр қандай мафкура жамиятда пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучларнинг талаб-эҳтиёжлари ва мақсад-муддаоларини ифода этувчи ғоялар асосида шаклланадиган тизим сифатида вужудга келади. Муайян миллат ёки ҳаракатнинг етакчи кучлари, сиёсий арбоблари, идеологлари ижтимоий онгдаги орзу-интилиш ва руҳиятдаги ҳис-туйғуларни бир тизимга солиш учун ана шундай тизимларга таянади. Ғоявий тарбия воситалари ва фаоллари орқали бу ғоялар онг ҳамда руҳиятга сингдирилади. Бу ғоялар кўпчилик онгини эгаллагач, уларни ҳаракатга келтириб, мақсад сари етаклайдиган кучга айланади. Шу тариқа ғоявийлик муайян мафкура ва ғоялар тизимининг инъикоси сифатида шаклланади, намоён бўлади.

Баъзи мафкуралар вакти келиб, ўз соҳиблари тарих майдонидан тушса-да, лекин мафкуравий мерос сифатида янги даврда ҳам таъсирини сақлаб қолиши мумкин. Бу нафақат эзгуликка хиз-

мат қиладиган, балки ўз моҳиятига кўра, ғайриинсоний бўлган мафкура шаклларига ҳам тегишилдири. Утопик ғоялар тизими ва_ мафкуравий иллюзиялар сифатида инсоният тарихида ўчмас доғ-лар қолдирган, ҳозирда ҳам хавф-хатар манбаи бўлиб турган баъзи мафкуралар ҳақида сўз борганда, фашизм, коммунизм, фунда-ментализм кабиларни мисол келтириш мумкин. Чунки бу мафку-раларни амалга ошириш учун бўлган уринишлар ўзини оқлама-ди, бу жараёнда инсоният кўплаб моддий ва маънавий талофат-лар кўрди. Мисол учун бугунги кунда ўтра асрга қайтиш тўғриси-даги иddaолар йўлидаги курашлар на мантиққа, на тарихий ҳақиқатга тўғри келади.

Муайян мафкура ва ғояларнинг бир замон, макондаги алоқаси ва боғлиқлиги асосида шаклланадиган ҳамда давр, жамият, мил-лат ёки давлатнинг (бошқа ижтимоий субъектларнинг ҳам) ижти-моий-сиёсий, моддий-иктисодий, маънавий-маданий тузилишига таянадиган ғоялар ва мафкуралар мажмуаси **"Ғоялар ва мафку-ралар тизими"** тушунчасининг мазмун-моҳиятини акс эттиради.

Хар қандай жамиятдаги умумий ғоялар тизими ўзига хос сер-кирра тузилишга эга. Бу тизимда алоҳида ғоялар, яъни тизимнинг таркибий қисмлари ўзаро алоқада ва диалектик боғлиқликда мав-жуд бўлади. Ана шундай боғлиқлик жамият ижтимоий тузилиши-га мос келадиган энг умумий ғоялар тизимини ташкил қиласи. Бу тизимнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Барқарор жамиятдаги умумий ижтимоий-сиёсий тизимнинг турли жиҳатлари, хусусиятлари ва таркибий қисмлари бир бу-тун яхлитликни ташкил этгани сингари, ғоялар тизими ҳам ана шунга мос равища намоён бўлади. Бу алоқадорлик ва боғлиқлик-да бўлган таркибий қисмлар амалиётидаги мутаносиблиқ, уйғун-лик, бир-бирига мослик умумий ғоялар тизимининг барқарор ҳола-тини ифодалайди.

2. Ғоялар тизими барқарор бўлган ҳолатда ҳам унда ўзгариш-лар жараёни тўхтаб қолмайди: ички муносабатлар сақланиб қола-ди, таъсир ва акс таъсир амалга ошади. Бу ўзгаришлар тизимни муайян вақт давомидаги ҳолатига хос умумий манзарани ўзгар-тирмайди ёки асосий таркибий қисмлар орасидаги бояганишларни бутунлай узуб юбормайди. Балки ана шу жараён ғоялар тизи-мидаги ички ўзгаришларни, унинг барқарор сифат доирасидаги турли ҳолатларини ифодалайди.

3. Бир жамиятдан бошқасига ўтилаётган даврда ғоялар тизи-ми, унинг амалиётига доир жараёнлар пировард натижада уму-

мий тизимдаги асосий боғланишларга бўйсунмай қолади, уни бошқа сифатга ўтишини заруратга айлантиради. Бу сифат ўзгариши янги ғоялар тизимининг шакланишига олиб келиши мумкин. Ушбу жараён эса диалектик инкорни инкор, ворислик ва янгиланиш сифатида амалга ошади.

4. Ғоялар тизими нихоятда мураккаб ва қўп қиррали ижтимо-ий муносабатлар, алоқалар, жараёнларни ўзида умумлаштирган яхлит табиий тарихий организм - жамият билан узвий боғланган. Жамият тараққиётининг барқарор даврида унинг ижтимоий ту-зилиши мутаносибликка эга бўлади ва ғояларнинг ҳам нисбатан ўзаро мутаносиб умумий тизими унга мос келади. Бу барқарорлик ва мутаносиблик мафкура тизимидағи муносабатларга ҳам хос бўлганидан, бир даврда мавжуд бўлган ғоялар тизимидан бошқа даврда мавжуд бўлган тизимини ажратиш, улар ўртасидаги фарқ ва тафовутларни ўрганиш мумкин.

5. Ҳар қандай ғоялар тизими вужудга келиши, шаклланиши ҳамда таркибий қисмлари уйғунлиги ва ўзаро мутаносиблигига асосланадиган нисбий тинчлик ёки барқарор ҳолатлари, амал қилиши, такомиллашуви, ўзгаришлари билан тавсифланади. Айнан ана шу барқарор ҳолат мазкур тизимни нисбий бетакрор ҳолати, яъни бошқа тизимларга ўхшамайдиган ўзига хослигини ифодалайди. Ғоялар тизимини барқарор ҳолатдаги манзараси, ундаги таркибий қисмлар уйғунлиги асосида ўрганилаётганда замондаги ўзгаришлар, тўғрироғи, тизимда муайян вақт давомида рўй бераётган жараёнлар хиралашиб қолгандай бўлиб туюлади. Яъни бунда тарихийлик эмас, балки тизимлилик принципи, тизим ўзгаришлари эмас, балки уни ташкил этган таркибий қисмлар ҳолати, ўрни, аҳамияти, хусусиятларини ўрганиш асосий мақсадга айланади.

6. Ғоялар тизимида барқарорликнинг йўқолиши жамиятга таъсир қиласи, ўз навбатида, жамиятдаги салбий ўзгариш ғоялар тизимида худди шундай ўзгаришларга олиб келади. Шу тариқа таъсир ва акс таъсир ҳосил бўлади. Яъни жамият бекарор бўлиб қолса, унга хос ғоялар тизимида ҳам шундай ҳолат содир бўлади. Бундай тизим жамиятдаги барқарорликни, турли ижтимоий субъектлар орасидаги ҳамжиҳатликни таъминлаш мезони сифатидаги аҳамиятини йўқотиши ҳам мумкин.

Бундан кўриниб турибдик, жамият барқарорлигига эришишда мафкуравий тизимнинг аҳамияти катта. Барқарор мафкуравий тизим қуидагиларда ўз ифодасини топади: жамият ҳаётининг осойишталиги; ижтимоий тузум элементларининг уйғунлиги;

жамиятдаги ижтимоий бирликлар (миллат, дин, кдтлам ва бошқ) вакилларининг ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги. Бунёдкор ғоялар асосида вужудга келган барқарор тизим инсоният тарихида яра-тувчанлик, бунёдкорлик фаолияти учун асос бўлган. Конфуций "Фаровонлик — мақсад, ислоҳотлар — унга эришиш йўли, барқарорлик эса шартшароитдир", деб бежиз айтмаган. Ана шу са-бабдан ҳам жамият ҳаётида барқарорликка интилиб келинган, бекарорлик, бошбошдоқлик вужудга келишига йўл қўймасликка ҳаракат қилинган.

Халқ оммасининг туб манфаатлари ва орзу-интилишларини ифода этадиган, уни тараққиёт сари, улкан мақсадлар йўлида жисплашибирадиган бунёдкор мафкуравий тизимнинг шаклланмаганини кўп ҳолларда ижтимоий бекарорлик ва парокандаликка олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг кудратига путур етказади, тарихда турли тажовузлар оқибатида бундай ҳол-ларнинг рўй бериб туришини кўрсатади. Ғоявий тизимнинг қадрсиз-ланиши унинг жамият, давлат, халқ, партия ва бошка тузилмалар-ни бирлаштириб турувчи мезон сифатидаги аҳамиятини йўқотгани-ни кўрсатади. Ўтмишда жамият, давлат ёки халқнинг мафкуравий масалаларда уюшмагани, мъянавиятга етарли эътибор бермагани, бу соҳада ўзибўларчиликка йўл қўйилгани натижасида мафкуравий тизимлар мўрт бўлиб колганига мисоллар кўп.

Ғоялар тизими амалиёти ва ўзгаришлари. Тарих шундан да-лолат берадики, хеч қандай ғоялар тизими мутлак ўзгармас ва абадий уйғун ҳолда пайдо бўлмайди, тўла-тўқис мутаносиблиги-ни ва доимий барқарорлигини сақлаб қола олмайди. Унинг амали-ёти жараёнида ҳам хилма-хил ўзгаришлар рўй беради, тизим-нинг таркибий қисмлари ўзгаради, янгилари вужудга келади ёки бошқа шаклга киради, ранг-баранг хусусият кашф этади. Ғоялар тизими шаклланишида унинг баъзи қисмлари ўтмишдан мерос қолади, ўз хусусиятини ўзгартириб, тизимнинг таркибий қисми-га айланади. Бошқалари мавжуд ғояларга хос бўлган ўзгариш на-тижасида ҳосил бўлади, тизим вужудга келиши билан шакллана бошлайди, яъни фақат ана шу тизим вужудга келишигина уни амал қилиши учун имконият яратади. Шундай қилиб, хар қандай ғоялар тизими, бир томондан, илгаридан мерос қолган, иккинчи-дан, ўз шакли, мазмуни ёки амал қилиш хусусиятини ўзгартирган, учинчидан эса, ўзи билан бирга вужудга келган янги ғоялар-ни умумлаштиради, улар ўртасидаги алоқа ва боғланишларни ифодалайди.

Фоялар тизими амалиётида уни ташкил этган таркибий қисмлар билан боғлиқ тўрт ҳолатни кузатиш мумкин. Бу ҳолатлар ғоя ва мафкура шаклларининг умумий тизимдаги ўрни, аҳамияти ва истиқболи билан боғлиқ, Яъни баъзи ғоялар мазкур тизимда ниҳоятда кичик ўринни эгаллайди ёки ўз аҳамиятини аста-секин йўқотади, тизимнинг истиқболдаги амалиётида унга ўрин бўлмайди; бошқалари ўз мавқенини оширади, тизимда асосий ўрин эгаллайди, истиқболда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолади; учинчила-ри эса, тизим шаклланишида эндиғина вужудга келаётган бўла-ди, умумий боғланишларда катта ўрин ва аҳамият касб этмайди, аммо тизим истиқболида энг муҳим таркибий қисмга айланади; тўртингилари тизим амал қилиши жараёнида шаклланиши, уни истиқболида ўз ўринларига эга бўлиши, ушбу тизим бошқасига айланганида ҳам аҳамиятини йўқотмаслиги, ўз мавқенини сақлаб қолиши ҳам мумкин.

Фоялар тизими амал қилиш даврида унинг тузилиши, таркибий қисмлари ўртасидаги боғланишларда ҳам турли хил жараёнлар юз беради. Бир хил алоқалар зарурлигини йўқотади, керак бўлмай қолади, бошқалари эса энг муҳим хусусият касб этади, тизимнинг бир неча қисмига алоқадор бўлган боғланишлар эса умумий тизим учун асосий боғланишга, энг умумий алоқадорлик шаклига айланади. Тизим вужудга келиши билан шаклланиш имконига эга бўлган янги ғоя ва қарашлар бир-бирлари билан алоҳида, янгича боғланишларни ҳосил қиласи, умумий тизимдаги боғланишларда муайян ўрин эгаллайди ва ўзига хос вазифани бажара бошлади. Умумий ғоялар тизими барқарор жамиятдаги амалиёт жараёнида такомиллашиб боради, мустахкамланади, унинг аҳамияти ортади.

Барқарор бўлмаган жамият ғоялар тизимида эса номутаносибликлар ва зиддиятлар кўпайиб боради. Бекарор ғоялар тизими ва унинг амалиётида бир неча хил номутаносибликларни кузатиш мумкин. Аввало, шу тизимни вужудга келиши билан боғлиқ номутаносиблик юзага келиши ва бу тизим амалиёти натижасида ҳал қилиниши, асосий мавқенини йўқотиши ёки муайян даражада сақланиб қолиши, яъни тизимдаги диалектик боғланишларда бирор томонни акс эттириши мумкин. Бундай ҳолларда ушбу номутаносиблик мазкур тизим мавжудлиги учун зарур ҳолатга айланади, унинг манзрасида бирор мавқега эга бўлади, шу тизим учун муайян аҳамият касб этади. Масалан, собиқ иттифоқ ғоялар тизимида ана шундай номутаносиб ҳолат яққол кўзга ташланар эди. Яъни бу тузумнинг

ғоялар системасида ягона партия ғоялари умумий тизимнинг энг асосий ва марказий бўғинини ташкил қилар, умуминсоний, мил-лий, шахсий ва бошқа ғоялар эса тизимда синфий-партиявий ғояларга нисбатан мақбуллик даражасида қаралар эди. Бундай но-мутаносиблик ўша тузумнинг вужудга келиши билан шаклланган, кейинроқ унинг асосий номутаносибликларидан бирини ташкил қил-ган, шу билан бирга, тизим амалиётдаги хусусиятлари учун асо-сий салбий мезонлардан бири бўлган эди.

Ғоялар тизимида илгаридан мерос қолган номутаносибликлар ҳам бўлиши, улар тизим амалиёти жараёнида барҳам топиши ёки сақ-ланиб колиши, ҳатто асосий ўринни эгаллаб олиши ҳам мумкин. • Бундай ҳолларда мазкур номутаносиблик умумий тизимда ўз ўрнига эга бўлади ва аҳамиятини саклаб қолади. Масалан, чор Россияси-нинг Туркистон ўлкасига хом ашё базаси сифатида қарагани маълум. Собиқ иттифоқ даврида ҳам бундай муносабат сақланди ва у 80-йилларнинг охирида янада яққол кўзга ташланадиган бўлиб қолди.

Ғоялар тизимида номутаносибликлар кучайиши уларнинг ян-гилари вужудга келишига ҳам сабаб бўлади. Тизимнинг асосий мазмунини ташкил этувчи номутаносибликлар ривожланиш жа-раёнида унинг амалиёти учун тўсик бўла бошлайди, тўғрироғи, бу амалиёт истиқболини йўққа чиқаради. Собиқ иттифоқда ишлаб чиқаришнинг "экстенсив" ривожи иқтисодий тараққиётни асосий йўли сифатида қабул килинган эди. Бу усул аста-секин жаҳонда-ги илғор мамлакатларда кўлланилаётган "интенсив" усул, яъни замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар, электрон машина-лар ва бошқаларнинг афзалликларини ишлаб чиқариш ва тур-мушда кенг ёйилмаслигига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, иқти-сад, ишлаб чиқариш ва турмушдаги қолоқликлар билан бирга "энг илғор мамлакат" тўғрисидаги ғояларнинг номутаносиблигига, фуқароларнинг "энг илғор" жиҳатларга бўлган ишончининг сўниб боришига, пировард натижада, собиқ иттифоққа хос иқти-садий тизим истиқболини йўққа чиқарадиган номутаносибликлар юзага келишига асосий сабаблардан бири бўлди.

Ғоялар тизими амалиётидаги фарқ ва тафовутларга асослан-ган номутаносибликлар ҳам доимий ҳаракатда, ўзгариш жараё-нидадир. Уларнинг амалиётидаги хусусиятларни ўрганишда, бир томондан, мазкур тизим моҳиятидан келиб чиқадиган асосий жи-ҳатларни, иккинчи томондан эса, унинг мавжудлиги учун асосий бўлмаган, муҳим аҳамият касб этмайдиганларини ажратмоқ ло-зим. Бунда номутаносибликларга хос хусусиятларни бир-биридан ажратиш ниҳоятда муҳим:

1. Биринчи ҳолатда, яъни асосан янги ғоялар тизими шаклланишининг илк даври билан боғлиқ номутаносиб жиҳатлар ва хусусиятлар бир бутуннинг икки томони сифатида намоён бўлади, бири иккинчисига зид бўлиб қолмайди, балки бирини борлиги иккинчисининг мавжудлигини заруратга айлантиради. Бундай ҳол ғоялар тизими манзарасининг серқирралиги, ғоя шакллари ва уларнинг намоён бўлиши сермаънолиги билан боғлиқ. Ушбу ҳолатда ҳам ўзгаришлар жараёни боради, аммо улар номутаносиб жиҳатлар зидлигини эмас, балки уларни муайян мутаносибликда такомиллашувини ифодалайди. Бундай мутаносиблик амалиётда янгиликни тадрижий шаклда вужудга келишига имкон яратади. Шу билан бирга, бу тахлит томонлар диалектикасига асослана-диган ўзгаришлар умумий тизимни бутунлай ўзгартириб юбор-майди, балки мазкур тизим доирасида амалга ошаётган жараён-ларни, тизимнинг такомиллашаётгани ёки замона реалликларига мослашиб бораётганлигини англатади.

2. Ғоялар тизимидағи номутаносибликлар иккинчи ҳолатда бўли-ши ҳам мумкин, бунда улар бир бутуннинг фарқ қиласидан икки томонининг ифодаси сифатидаги аҳамиятини йўқотади, тизим бирлигини таъминлайдиган боғланишлардан зидлик ҳолатига айла-нади. Бу босқичда илгари тизим ривожи билан бирга такомил-лаштан номутаносиблик жадал ўзгара бошлайди, номутаносиб жиҳат ёки томонлардан бирининг тез ўзгариши умумий тизим манзарасида янги ҳолатларни вужудга келтириши ёки уни бошқа шаклга айланишини муқаррар қилиб қўйиши ҳам мумкин. Маса-лан, собиқ иттифоқдаги миллий республикаларни марказдан ту-риб сиёсий бошқариш усули нақадар эскириб, жамиятни умумий бошқаришдаги ўрни сақланиб қолган сари, миллий ғоялар бўғи-нида тўхтовсиз ўзгаришлар жараёни яққол намоён бўла бошлади. Бу жараён дунё ҳалқлари XX аср ўрталаридан бошлаб мустақил тараққиёт йўлидан боришни танлаб олаётгани билан боғлиқ умум-инсоний талаблар билан уйғунлашиб кетди. Бундай шароитда мил-лий ғоялар билан боғлиқ ўзгаришларни сабаби иттифоқдаги сиёсий боғланишлар занжири тутиб тура олмай қолди. Бир томонда-ги ўзгаришлар аста-секин иккинчи томондаги ўзгаришларга олиб келди, бу эса умумий тизимдаги номутаносиб ҳолатнинг мутлак-лашувига сабаб бўлди.

3. Ғоялар тизимидағи номутаносиблик кучайиб кетиши, аҳамияти ва кўламининг кенгайиши умумий тизим амалиёти учун асосий ички тўсиқ бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бундай шароитда қарама-

қарши томонлар бир-бирига бутунлай зид бўлиб қолади, бу аста-секин турғун ҳолатга айланади. Агар ана шу ҳолатга етган номута-носиблик ўз вақтида ҳал қилинмаса, кескин зиддиятли ҳолат ву-жудга келади, бекарор бўлиб қолган умумий тизим қарама-қарши томонларни қониқтирумай қолади, у дарз кета бошлади. Бунга Кав-каздаги тоғли Қорабоғ ёки Абхазия, Жанубий Осетия билан боғлиқ можаролар мисол бўлиши мумкин. Бу можаролар ўша жойдаги халқлар ҳамжиҳатлигини таъминлайдиган минтақавий ғоялар ти-зими уларнинг ўзаро келишуви ва бирдамлиги учун маънавий ме-зон сифатидаги аҳамиятини йўқотиб қўйгани билан боғлиқдир. Си-расини айтганда, бу ҳудуддаги халқлар ўша жойда азал-азал-дан яшаб келмокца ва яшаб қоладилар ҳам. Аммо бу жойда илгари умумий бўлган тизим ўрнига янгисини вужудга келтиришдаги но-мутаносибликлар ва қарама-қаршиликларни ўз вақтида ечиш им-кониятидан фойдаланилмагани оқибатида улар зиддиятга айланиб кетди. Номутаносибликларни биринчи босқичдаёқ ечишга муваф-фак бўлган Чехия ва Словакиянинг мустақил давлатлар сифатида вужудга келишини (1993 йил) мисол тариқасида келтириш мумкин. Бунда қарама-қаршиликлар зиддият ҳолатига етмасдан ҳал қилин-ди, умумий келишув (консенсус) зиддиятли жараён юзага келиши-нинг олдини олишга ёрдам берди. Ягона мамлакат, яъни Чехосло-вакия давлати тарқалиб кетган бу жойда ҳам умумий ғоялар тизи-мида туб ўзгариш рўй бергани кўриниб турибди. Аммо бунда ному-таносиблик ҳолатига етган томонлар муносабати зиддиятга айланниб кетмасидан, умумий тизимни сақлаб қолиш ва номутаносиб-ликни кучайтириш ёки хаспўшлаш йўлидан эмас, балки уни хусу-сий қисми асосида янги ғоялар тизимини шакллантириш усулидан фойдаланилди. Албатта, бу жараён ҳам бир текис кечгани йўқ, аммо ўзгаришлар очик қарама-қаршилик ва зиддият орқали эмас, умумий келишув орқали зиддиятга айланиши мумкин бўлган боғ-ланиш узилди ва ҳар икки томонда мустақил тизим шаклланиш жараёни давом этиши учун имконият туғилди.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ижтимоий ривожланишда доимий мавжуд бўладиган қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқликда таҳжил қилиш мумкин:

1) ҳар қандай жамиятнинг барқарор тузилишга эга бўлган ижтимоий тизимида таркибий қисмлар ўзаро мутаносиб бўлиб, улар-нинг ҳар бири ушбу барқарорлик учун муайян аҳамиятга эга. Бу барқарорлик кишиларнинг муайян ғояларга асосланган ўзаро ҳам-корлиги ва ҳамжиҳатлигига қўп жиҳатдан боғлиқ;

2) ҳар қандай жамият доимий ва муттасил ўзгаришда, бу жараёнда унинг ижтимоий тузилишидага ҳар бир таркибий қисм ўзига хос вазифани бажаради. Бу ўзгаришлар жараёни турли та-фовутлар, номутаносибликларни бартараф қилиш ёки муайян тизимнинг ўзгариши орқали амалга ошади

Хўш, жамият ривожи ва ғоялар тизимиға хос баъзи номутаносибликлар мавжудлиги абадий ва мутлақ зиддиятни англатади-ми? Улар ижтимоий тараққиёт ва ғоялар амалиётида қандай ҳал қилинади? Маълумки, ҳар қандай жамиятда барқарорлик билан доимий ўзгариш, мутаносиблик билан номутаносиблик, уйғунлик билан унга зид ҳолатлар намоён бўлиб туради. Унда мавжуд бўлган турли камчиликлар ва уларнинг ҳал қилиниши, бир томондан, ғояларга таянган ҳолда келишув асосида, жамият аъзолари ва ижтимоий субъектлар ҳамжиҳатлигига таянган ҳолда ечилса, иккинчи томондан, жамиятнинг илгариланма ҳаракати натижаси-да, тарихий ривожланиш ва ижтимоий тараққиёт жараёнида ин-кор, ворислик ва янгиланиш диалектикаси тарзида амалга ошади.

Биз ижтимоий тараққиётда собиқ иттифоқ мисолида партия-вий ғоялар мавқеи мутлақлаштирилган, ижтимоий тенглик -синфсиз жамият сифатида талқин қилинган баъзи синф ва қат-ламлар йўқотилган жамиятни кўрдик. Бу борадаги бўрттириш ва мутлақлаштириш оқибати бугун ҳаммага аён бўлди. Аслида, жа-мият, бир томондан, барқарор, асосий таркибий қисмлари бир-бири билан боғланган, ўзаро алоқадорликда намоён бўладиган ижтимоий тузилишга эга. Иккинчи томондан, айнан шу жамият дои-мий ўзгаришда, замонда илгариланма ҳаракатда бўлади. Бу ўзга-риш, илгариланма ҳаракат ва ижтимоий тараққиёт бир текис кечмайди, балки турли фарқлар, тафовутлар, уларни ҳал қилиш жараёнлари орасидан келажакка томон йўл топиб боради.

Гоялар тизими амалиёти ва ўзгаришида инкор, ворислик ва янгиланиш диалектикаси ниҳоятда муҳим роль ўйнайди. Умумий ғоялар тизими ҳам доимий ўзгаришда бўлган жамият билан боғ-лик бўлганидан, ушбу диалектик жараён уларга ҳам тегишли: улар ҳам, бир томондан, нисбатан барқарор, асосий таркибий қисмлари ўзаро алоқадорликда ва боғлиқликда намоён бўлади, иккинчи томондан эса, улардаги барқарорлик абадий ва мутлақ эмас, балки доимий ўзгаришдадир. Шу билан бирга, ғоялар тизи-мидаги номутаносибликларни доимо ҳам ечиш имкони бўлмасли-ги уларнинг зиддиятга айланиши, тизимни бекарор қилиб қўйиши, дарз кетишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бу жараён, ўз навбати-

да, янги ғоялар тизимлари шаклланиши, мафкура билан боғлиқ омилларда янгича маъно ва мазмун кашф этилишида катта аҳамият касб этади. Бундай шароитда ижтимоий тараққиётга хос ин-кор, ворислик ва янгиланиш диалектикасини ғоя ва мафкуралар, уларнинг асосий шакллари ва ғоялар тизимидағи ўзгаришларга ҳам татбиқ этиш мумкин. Диалектик инкор, ворислик ва янгиланишнинг ўзаро алоқаси сифатида амалга ошадиган жараён ғоялар тизими ўзгаришининг ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда намоён бўладиган умумидеологик қонуниятини ифодалайди.

Демак, юқоридаги умумижтимоий ва умумидеологик ҳолатларга диалектик нуқтаи назардан қараш, улар орасидаги номутаносибликни мутлақлаштирмаслик, балки ижтимоий тараққиётни инкор, ворислик ва янгиланиш орқали илгариланма ҳаракати натижасида ҳал қилинадиган жараён сифатида талқин қилиш ло-зим. Бу жараён тарихий ривожланиш жараёнида турли тамад-дунлар ривожи ва такомили мисолида яққол намоён бўлади. Ма-салан, Қадимги Миср тарихини ўрганган Ж.Уилсон қадимги мисрликларнинг ғоялар тизими ривожланиш жараёнида қай тариқа ўзгариб борганини кўрсатиб берган. Унинг аниқлашича, қадимги Миср подшолигидан империя давригача шахснинг индивидуал хусусиятларига катта аҳамият берилган, алоҳида кишиларнинг истеъоди, қобилияти, ижодий имкониятлари ва бошқа ижобий жиҳатлари юксак қадрланган. Ўша замонларда яхши ҳаёт кечириш деганда, ҳар бир шахснинг ижодий фаолиятига тўла-тўқис имконият очадиган ва бунинг натижасида бутун жамият гуллабяшнаши учун шароит яратадиган яшаш тарзи ва умр кечириш усули тушунилган. Империя даврида эса инсон эмас, балки давлат (империя) энг асосий омил сифатида талқин этила бошлаган. Бу даврда мисрликларнинг шахсий имкониятлари чекланган, аммо нариги дунёда яхши яшашлари тўғрисидаги ваъдалар кўпайиб борган. Булар мавжуд ғоялар тизими доирасида амалга ошган ва унда аста-секин сифатий ўзгаришлар юз беришига олиб келган.

Шу маънода, ижтимоий тараққиёт, жамият ҳаёти сакрашлар ва орқага чекинишларсиз, турли зиддият ва қарама-қаршилик-ларсиз, бир текис борадиган тарихий ўзгаришлардан иборат эмас. Инсоният тарихи турли зиддиятлар, қарама-қаршиликлар орқали ўтмишдан келажакка томон ҳаракатланади. Шу билан бирга, му-айян цивилизация ғоялари шу тариқа ривожланиб, умуминсоний, миллий-этник ва бошқа ғояларни, мукаммалроқ жиҳатларни, турли-туман қирраларни яққол намоён қилиб бораверади. Ватанимиз

цивилизацияси ҳам ана шундаи хусусиятга эга. У ҳам ўз ғояларини замонлар силсиласидан олиб ўтади, янгиланади, такомиллашади, ранг-баранг сифатий белгилар кашф этади, хилма-хил жиҳатла-рини намоён қилиб боради. Бу цивилизацияга хос умумий ғоялар тизими ҳар бир ўзгарган давр воқелигини ўзида акс эттиради, уму-мий манзарасида янги жиҳат ва кирраларни намоён қиласди, аммо ҳар гал аждодлар рухи, умуминсоний идеаллар, она-заминга му-ҳаббат, инсонпарварлик ва маърифатпарварлик анъаналарини сақ-лаб қолади, уларга таянган ҳолда янги тизимга айланади.

Хуллас, инсоният тарихи идеология (ғояшунослик) нуқтаи на-заридан ғоялар тизимининг муттасил ўзгариши, муайян ҳоллар-да бошқасига зарурый тарзда ўз ўрнини бўшатиб бериши, тари-хий давомийликка мос келадиган жиҳатларини мерос қилиб қол-дириши, янги тизимлар узлуксиз вужудга келиб туришидан ибо-рат инкорни инкор, ворислик ва янгиликнинг тадрижийлиги тар-зида рўй берадиган узлуксиз жараёндир.

Бир ғоялар тизимидан иккинчи ғоялар тизимига ўтиш даврида муайян мафкура ва баъзи ғоялар ўз ижтимоий аҳамиятини йўқотиб қўйиши шу соҳадаги жараёнларнинг мазмун-моҳиятини намоён қила-ди. Шу маънода, мутахассислар фикрича, XX аср охири XXI аср бошларида мустакилликка эришган мамлакатларнинг аксариятида ҳалқаро тажрибалар асосида ўз жамиятининг барча соҳаларини ўзгар-тиришнинг самарали йўлларини излаш, бу борада ўзига хос тарақ-қиёт дастурларини амалга ошириш даври сифатида тарихга кирди. Аммо, афсус билан қайд этиш керакки, айрим мамлакатларда хил-ма-хил ижтимоий тараққиёт тамойилларини жорий этишда хориж тажрибасига кўр-кўёна эргашиш ва миллий хусусиятларни эъти-борга олмаслик кўпдан-кўп хато ва йўқотишларга олиб келди.

Бунинг устига дунёнинг баъзи давлатларига хос ривожланиш тамойилларини ўзга мамлакатларга тури түрлар билан тикишти-ришга уринишлар ҳам бу соҳада кўплаб салбий оқибатларни кел-тириб чиқарди. Ушбу йўналишда жаҳоннинг қатор мамлакатлари ва минтақаларида "демократия экспорти" ва "рангли инқилоблар" зўрлик ёки алдов воситасида амалга оширилиши сиёсий вазият-нинг бекарорлашуви, жамият тарқоқлашуви, маҳаллий ҳокимият эса заиф ва мўрт бўлиб қолишига олиб келади. Дунёнинг баъзи худудлари ва давлатлари бу масалада танг ижтимоий-сиёсий ҳолат-да қолган бир пайтда Президентимиз томонидан яратилган тарақ-қиётнинг "**Ўзбек модели**" ва унинг асосида шаклланган жамият хаётини демократлаштириш, эркинлаштириш ва модернизация

қилиш концепцияси кенг кўламли ислоҳотларни босқичма-босқич, турли ижтимоий ларзалар ва инқилобий тўнтаришларсиз амалга оширишнинг изчил ва самарали йўли сифатида намоён бўлди.

Афсуски, баъзи мамлакатларда яратилган тараққиёт моделла-ри айрим камчиликлардан холи эмас. Бу, аввало, ўзлари учун ху-сусий бўлган моделларни экспорт қилишда бошқаларнинг давлат-чилик анъаналари хоҳиш-иродаси, тарихий шарт-шароит ва мил-лий менталитетини эътиборга олмаслик, яъни ўзларигагина хос бўлган мезон ва тамойилларни хаддан ташқари универсаллашти-риш, уларни зўрлаб тарқатишга уринишда яққол намоён бўлмоқ-да. Бундан ташқари, жамиятдаги бир қатор қатламларнинг манфа-ати ва эҳтиёжларини ҳисобга олмаслик, космополитизм, эгоизм, эгоцентризм ва шошмар-шошарликка асосланган авангардизм каби иллатлар бу моделлар туғилиши биланоқ уларнинг доимий ҳамро-хига айланган. Қолаверса, айрим тараққиёт моделлари баъзи олим-лар томонидан атайлаб ўйлаб топилган "цивилизациялар тўқна-шуви", "рангли инқилоблар", "стратегик ҳамкорликни рағбатлан-тириш", "икки хил стандартлар сиёсати", "бошқариладиган де-мократия" каби салбий оқибатларга олиб келаётган ижтимоий ҳоди-салар билан ҳам чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлмоқца.

Шу сабабдан ҳам мамлакатимиз ривожланиш стратегиясини амал-га оширишда "бошқариладиган иқтисод" еки "бошқариладиган демократия" ғоялари бизга тўғри келмаслиги ҳакида "давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қила-миз", дея таъкидлангани бежиз эмас. Узбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимизда бу соҳада рўй берган ўзгариш-лар ғоялар тизимининг ижтимоий тараққиётга bogliqlik konuniga яққол мисол бўла олади. Собиқ иттифоққа хос тоталитар гоя ва маф-кура тизимидан бунёдкор ғоялар ва демократик тамойиллар усту-вор бўлган тизимга ўтиш бу жараённинг мазмун-моҳиятини ифода-лайди, у жамиятимиз тараққиёти, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишнинг асосий шартларидан бирига айланди.

Мавзу борасидаги фикрлар ниҳоясида таъкидлаш лозимки, биз юкорида ғоя ва мафкура тизимларининг барқарор ҳолати, ундаги асосий бўйгин ва таркибий қисмлар орасидаги муносабат-лар, улар муайян ўринни эгаллайдиган тизимлардаги мутаносиб-лик ва номутаносиблик, фарқ, тафовут, қарама-қаршилик ва

Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. -Т.: "Ўзбекистон", 2006.

зиддиятлар, бу тизимлар ўзгариши билан боғлиқ ҳолатларни қиска таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Аммо янги ғоялар тизимлари қай тариқа вужудга келиши жараёни, унинг амалиёти каби маса-лалар очиқ қолди. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг миллий ис-тиқолиiga асосланадиган янги ғоялар тизими шаклланиш жараё-нидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий со-ҳалардаги ўзгаришлар, республикамизда ғоялар омили самара-дорлигини ошириш борасидаги фаолиятнинг асосий ўналишла-ри билан боғлиқ масалалар ҳам чукур ўрганишни талаб қиласди.

Ушбу масалага ойдинлик киритиш учун тарихга мурожаат қилиш, ундан ташбеҳлар излаш мумкин. Ҳолбуки, дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири, уч минг йилдан зиёд давлат-чилик анъаналари, бебаҳо илмий фалсафий, маънавий-маъри-фий меросни қамраб олган халқимиз тарихи мустақил Ўзбекис-тонда шаклланаётган янги ғоялар тизими ва унга муносабатимиз-нинг тамал тошларини кўядиган маънавий асосдир. Мамлакати-миз ривожи қанчалик юкори погоналарга кўтарилиб бораверар экан, тарих саҳифаларига мурожаат қилиш, ундан ташбеҳлар излаш эҳтиёжи шунчалик ортиб бораверади.

Аммо ҳаёт фақат тарихдан иборат эмас. Тарих қанчалик сер-қирра ва сермаъно бўлмасин, бугунги ва келажакдаги ўзгариш-ларни тўла-тўқис қамраб ололмайди, балки келажакда тарихга айланадиган жараёнларга асос бўлади, холос. Ижтимоий тарақ-қиёт эса тарих силсиласи, турли жараёнлар орасидан ўзига йўл очиб боради. Унинг замондаги бундай илгариланма ҳаракати жа-мият тараққиётининг умунижтимоий қонуниятидир. Бу қонун ғоялар тизими, унинг таркибий қисмларидаги ўзгаришлар учун ҳам умумийдир. Ғоя ва мафкура тизимларининг замона зайллари таъсирида ўзгариши ва давр реалликларига мос ҳолатга келиши ҳам ана шу жараёнга бўйсунади. Бу жараёнда ўзгаришлар воқеа ва ҳодисаларнинг замондаги кетма-кетлиги тарзида рўй беради. Диалектик тафаккур эса ана шу давомийликнинг инъикоси, уни англаб олиш воситаси сафатида намоён бўлади.

Хуллас, жаҳонда янги жамият асосларини барпо этишнинг тайёр андозаси, ҳаммабоп ғоялар тизими йўқ, Ҳатто энг ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт тажрибасини ҳам кўр-кўронга қабул қилиб бўлмайди. Шу сабабли тараққиётнинг туб бурилиш даврларида, ўзгариш ва ислоҳотларни амалга ошириш жараённида бунёдкор ғоялар тизимининг яратувчанлик, халқни бирлаштириш ва эзгу мақсадлар томон сафарбар этиш хусусиятларидан ижобий фой-даланиш масалалари бениҳоя катта аҳамият касб этади.

Шу боис бугуғи кунда бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида бунёдкор ғоялар тизими устувор-лик қилмоқца. Бу тизим умуминсоний тамойилларни акс эттиради, миллат тараққиётига, инсон камолотига, жамият ривожига, халқ-нинг ирода ва интилишларига хизмат қиласи, уни жипслаштириб, олий мақсадларга сафарбар этади. У инсоннинг ички яратувчанлик моҳияти, ижодкорлик табиатидан келиб чиқади, одамларни ко-миллик ва фозиллик сари ундайди, жамиятни мустаҳкамлайди.

Ватанинни севиш, юрт тинчлигини асрар, халқ фаровонлиги йўлида курашиш ана шу соҳадаги фаолиятнинг маъно-мазмуни-ни белгилайди. Бу эса соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, жамиятда ғоявий тизимнинг мурт бўлишига йўл қўймаслик, ян-гича эътиқод ва дунёқараш эгаларини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнининг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қат-ламлари онги ва қалбига сингдириш ҳамда бундан кўзда тутила-ётган ўзгаришларни амалга ошириш учун барчамиз масъулмиз. Бу эса ушбу соҳадаги мақсадларга эришиш учун фаолигимизни янада ошириш, таълим-тарбия ва тарғиботнинг замонавий усул ҳамда имкониятларидан омилкорлик билан фойдаланиш лозим-лигини англатади

19-мавзу. Дунёнинг мағкуравий манзараси ва даврнинг тафаккур услуби

Ер юзининг ҳудудий жиҳатдан турли минтака ва қитъаларга бўунишини география дарсларидан яхши биламиз. Жаҳоннинг сиесий ҳаритасига караб, мавжуд давлатларнинг чегараларини ҳисобга олган ҳолда Ер юзининг ҳудудий бўунишини бемалол тасаввур қила оламиз. Инсоният XX аср охирига келиб, бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, тер-rorизм каби муаммолар шулар жумласидан.

Шу билан бирга, дунёда глобаллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва интенсивлашуви, универсал технологиялар билан боғ-лиқ умумбашарий жараёнлар ҳам жадал тус олиб бормоқда. Бутун Ер юзи одамзод учун ягона макон эканлиги аниқ, Бунга шак-шубҳа йўқ, албатта. Аммо тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, му-айян ҳудудларни босиб олиш учун сон-саноқсиз урушлар бўлгани ҳам маълум. Бу жараёнда эса уруш қуроллари мунтазам такомил-лашиб борганини биламиз. Мазкур урушлар то XX асргача, асо-

сан, бир давлат ичида, икки давлат ўртасида ёки муайян миңтақа доирасида бўлиши мумкин эди. Тўғри, айтайлик, Александр Македонский, Чингизхоннинг улкан давлат барпо этиш ёки ўрта асрлардан бошлаб европалик истилочиларнинг бошқа қитъаларни босиб олиш учун олиб борган урушлари қўлами жиҳатидан ажралиб ту-ради. Аммо бундай ҳолатлар истисно ҳодисалар сифатида баҳолан-моғи керакка ўхшайди. XX асрда рўй берган икки жаҳон урушида ўнлаб давлатлар, бир неча қитъа мамлакатлари иштирок этганини эсласак, бундай хулоса муайян даражада ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу жараёнда қирғин қуроллари мислсиз да-ражада такомиллашди ва бугунги кунга келиб улар бутун Ер сайё-расини бир неча марта йўқ қилиб юборишга қодир.

Шу билан бирга, дунёning мафкуравий манзарасига таъсир кўрсатиш, ҳалқлар ва давлатларни гоявий тажовуз ҳамда таъ-сиrlар исқанжасида сақлаш учун уринишлар ҳам кучайиб бор-моқда. Сиёсий амалиёт ва илмий адабиётларда "мафкуравий та-жовуз", "мафкуравий уруш", "мафкуралар кураши" каби тушун-чалар кенг қўлланадиган бўлиб қолди. Бугунги кунда кўплаб му-таксислар томонидан дунёning географик, сиёсий ва бошқа ха-риталари бўлганидек, унинг мафкуравий манзараси мавжудлиги тўғрисида ҳам турли фикрлар илгари сурilmоқда. Жумладан, бу борада "дунёning мафкуравий манзараси", "идеосфера" каби ата-малар қўлланмоқда.

Муайян давлат, миңтақага хос мафкуравий манзара ёки ҳар бир жамиятнинг идеосфераси мавжудлиги тўғрисида хилма-хил фикрлар бор.

"Дунёning мафкуравий манзараси" тушунчаси муайян даврда жаҳон давлатлари ва ҳалқлари, Ер юзининг турли миңтақалари ва ҳудудларида мавжуд бўлган хилма-хил гоя ва мафкуралар, таълимот ва назариялар, сиёсий доктриналар, шу соҳада рўй бераётган гоявий-мафкуравий жараёнлар, мазкур масалага ба-ғишлиланган қарашлар, маълумотлар ва далилларда акс этган би-лимлар мажмууни ифодалайди. Бутун дунё миқёсида таъсир ку-чига эга бўлган гоя ва мафкуралар ўз кучи ва қўламига кўра, ушбу манзарада кўп ҳолларда етакчи аҳамият касб этади. Муайян миңтақа ёки алоҳида давлатга хос гоявий-мафкуравий жараёнлар ҳам бунда ўз ўрнига эга. Бу борада, айниқса, иқтисодий салоҳияти ва сиёсий нуфузига кўра, дунёда етакчи ҳисобланган давлатларнинг ўзга мамлакатларга нисбатан қўллаётган сиёсий ва мафкуравий доктринасига алоҳида эътибор бериш лозим. Жа-

хоннинг кўплао минтака ва худудларида ана шу мамлакатларнинг таъсири сезилиб туради, бугунги дунёning мафкуравий манзара-сида яққол намоён бўлади.

Шу билан бирга, ҳозирги вактда турли воситалар орқали дунё идеосферасида ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Тажовузкор миллатчи-лик, шовинизм, неофашизм, терроризм ва экстремизм мафкура-лари шулар жумласидан. Натижада, дунёда инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора кучайиб бормоқда. Бу ҳол бугунги кун-да дунёning мафкуравий манзарасини белгилаб бермоқда.

Фоя ва мафкура соҳасига оид билимлар ривожи натижасида "Дунёning мафкуравий манзараси" тушунчасининг мазмуни бойиб, та-комиллашиб бормоқда. Бу борадаги турли моделлар, қараш ва фикр-лар ушбу тушунчанинг мазмун-моҳиятини аниглашга хизмат қиласди.

Бутун инсониятга хос идеосферани ифодалайдиган мазкур ту-шунча XX аср охириларига келиб муҳим аҳамият касб эта бошла-ди. Олим ва мутахассислар бу ҳақда кўплаб тахмин, гипотеза ва қарашларни илгари сурган. Уларнинг фикрлари турлича бўлса-да, аммо ҳар бир замонга хос мафкуравий манзара бўлиши тўғри-сидаги асосий ғоя ўзгармай қолмоқда. Яъни дунё мафкуравий ман-зарасининг турлича изоҳлари ва унга хилма-хил ёндашувлар ана шу доирада намоён бўлмоқда.

Бу "дунёning мафкуравий манзараси" тушунчаси узук-юлуқ тасаввурлар, бир-бири билан боғланмаган қарашлар йиғиндиси экан, дегани эмас. У яхлит, узвий боғлиқлиқдаги хулоса ва фикр-лар мажмуудан иборат фалсафий тушунчадир. Мазкур тушунча ифодалайдиган билимлар муайян тизимни ташкил қиласди ва ин-соният, унинг ғоялари тўғрисидаги турлича қарашлар, хилма-хил ёндашувлар синтези сифатида намоён бўлади. Шу маънода, ушбу тушунча ғоя ва мафкуралар, уларга хос воқеа-ходисалар-ни англаш жараёнида интегратив (умумлаштирувчи) функцияни бажаради. У инсон ҳаёти ва фаолияти турли соҳалари учун уму-мий асос, доим назарда тутиладиган хулоса ролини ҳам ўтайди. Масалан, бугунги кунда шу соҳада тадқиқот олиб бораётган изла-нувчилар инсоният ҳаётида ғоя ва мафкуранинг муайян аҳамият-га моликлиги масаласини маҳсус текшириб ўтиrmайди, балки ўз тадқиқотларида шу соҳадаги билимларга таянади, холос.

«Дунёning мафкуравий манзараси» тушунчаси парадигма хусусиятига эга бўлиб, инсоният ҳаёти ва Ер юзидағи ғоя ҳамда мафкуралар ҳақидаги умумий жиҳатларни, мақсад ва тамойил-

ларни ифодалайди. Мазкур тушунчанинг илмий тадқиқотлар олиб бориш жараёнига доир режалар ҳамда изланишларнинг мақсад ва вазифаларини белгилай оладиган назарий, методологик хусу-сиятлари тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Унга хос хусуси-ятлар борасида турли соҳа мутахассислари турлича фикр юри-тади. Масалан, тарихчилар масалага ўтмиш, ворисийлик нуқтаи назаридан ёндашиб, дунё мафкуравий манзарасининг хилма-хил моделлари, уларнинг тарихий асослари ҳакидаги қарашларга та-янади. Улар ўз тадқиқотларида инсоният тарихининг асосий давр-ларига алоҳида эътибор қаратади. Бу соҳада эътироф қилинади-ган ҳар қандай шаклдаги мафкуравий манзарада тарихийлик ва ворисийлик учун асос бўладиган устувор тамойиллар ўз ўрни, аҳамиятини сақлаб колади. Бундай ёндашув қанчалик теран ва илмий бўлмасин, дунё мафкуравий манзараси тўғрисида, асосан, тарих фани ютуқларини акс эттиради, холос.

Аслида дунёning мафкуравий манзараси кенг маъно, серкир-ра мазмунга эга бўлиб, муайян давр кишиларининг тафаккур услуги ва фикрлаш тарзини, давлатлар ва ҳалқларнинг ўзаро муносабатлари, тараққиёт моделлари ва тамойилларини белги-лайдиган аниқ билимларни ифодалайди. «Дунёning мафкуравий манзараси» жаҳондаги мавжуд гоя ва мафкуралар ўргасидаги тар-тиб, алокадорлик, уларнинг генезиси, амал қилиши, мафкура-вий полигон ва майдонлар, улар ўргасидаги ўзаро боғлиқлик му-носабатларини ифодалайдиган назарий хуросалар, илмий асос-ланган билимлар, турли ёндашувлар, қарашлар ва тасаввурлар мажмуини англатадиган тушунча.

"Дунё манзараси" тушунчаси ўзининг генезисига, ривожла-ниш босқичларига эга. Биринчи босқич «классик манзара», иккин-чи босқич «ноклассик манзара», учинчиси эса «постноклассик ман-зара» каби номлар билан ифодаланиши мумкин. Классик манзара-да, асосан, қадимги даврдан ўрта асрларнинг охиригача, яъни тараққиётнинг бир чизиқли, ўтмишдан келажакка томон узвий боғлиқликда амалга ошадиган ҳаракати тўғрисидаги тасаввурларга асосланган билимлар мажмуи тушунилади. Бунда кўпроқ ўтмиш ўзидан кейинги даврни, у эса, ўз навбатида, келажакни тўғри-дан-тўғри белгилаб беради, деган қараш устувор. Дунёning бу таҳлит тушуниладиган манзарасида гўёки ҳамма нарса аниқ, дунёдаги катта иперияларнинг гояси ва мафкураси хукмон, бу борадаги энг асосий жараёнлар шу доирада амал қиласди, деган қараш асосий тамойилга айланди. XIX - XX асрлардаги дунёни

бўлиб олиш учун кураш икки жаҳон уруши ва Иккинчи жаҳон урушидан кейинги икки қутбга асосланган дунёнинг мафкуравий манзараси масалага жиддий қараш лозимлигини кўрсатди. XX ас-ринг охирига келиб эса, кўп қутбли ҳолат шаклланиши билан бу йўналиш жаҳон давлатлари, айниқса, кучли мамлакатлар сиёса-тини кўп жиҳатдан белгилайдиган омил ва воситага айланди. Бун-дай талқин ўтган асрдаги кўплаб сиёsatшунослар ва мутахассис-лар диққатини тортган "Цивилизациялар тараққиёти", "Индустрнал жамият", "Постиндустриал жамият", "Идеалогиза-ция", "Деидеологизация", "Реидеологизация" ҳакидаги турли қарашлар ва мулоҳазаларга асосланади.

Дунёнинг мафкуравий манзарасини тушунишнинг яна бир жиҳати - Ер юзидағи мамлакатлар, қитъя ва материклар ўртасида-ги доимий ва узвий боғланишлар билан тавсифланиб, бу боғлиқ-лик шу йўналишдаги воқеалар сабабини тушунтириш учун кўлла-надиган мезон даражасига кўтаришган эди. Мазкур тамойилга асосланиш узоқ вақт ҳақиқий назарияни яратишнинг максадга муво-фик усули ва у дунёнинг мафкуравий манзарасини ташкил этади-ган хусусиятлар орасидаги умумийликни изоҳлашга ёрдам бера-ди, деб ҳисоблана бошлади. Ушбу модельнинг табиий-илмий не-гизлари Ер юзи одамзод учун умумий макон экани, турли мин-тақа, цивилизация, қитъя ва материкларда жойлашган давлат-лар ўртасидаги мустаҳкам алоқани таъминлайди, деган хуносага асосланган эди. Шу сабабдан бу тасаввур ва модельлар нисбатан узоқ вақт дунёнинг мафкуравий манзараси тўғрисидаги фикрлар орасида устувор аҳамиятга эга бўлди.

Лекин бундан фарқли равишда ҳар бир мамлакатнинг ўз мақ-сади ва манфаатлари ҳам бор. Дунёнинг мафкуравий манзараси-да, аввало, ана шу миллийлик жиҳати устувор аҳамият касб эта-ди, деган қарашлар ҳам мавжуд. Масалага бундай ёндашувнинг икки хил жиҳати бўлиб, бунда, бир томондан, ҳақиқатан ҳам миллий давлатчилик ва мустақил тараққиёт йўлидан бориш мақ-садлари, иккинчидан эса, айrim давлатларнинг буюк давлатчи-лик, дунёда ёки бирон-бир минтақада гегемонлик даъвоси ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бу ҳол дунё мафкуравий манзарасида-ги сабабий боғланишнинг унчалик кучли эмаслиги, умумий ти-зимдаги ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликнинг мустаҳкамлигига ҳалақит бериши кўзга ташланади. Дунёнинг бундай манзарасида миллийлик, яъни нарса ва воқеалар жараёнининг алоҳидалиги тамойили макон ва замоннинг уйғунлигини таъминлайди ҳамда

уларнинг яшаш усулини ифодалайди. Алоҳидалик бунда ўз ўрни-га эга бўлиб, унинг ҳаракати, фаолияти умумий жараёнга мос келиши ёки мос келмаслиги ҳам мумкин. Ана шундай ўзига хос-лик ва умумийликнинг диалектик асоси сифатида намоён бўлади-ган сабабият шакли статистик қонуният тарзида талқин қилина-ди, унинг динамик жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилади.

Дунёнинг манзарасини бундай тушунишга асосланган онг ва тафаккур билан қуролланган кишилар кўп ҳолларда гоя ва мафкура соҳасидаги баъзи умумий ҳодисаларни изоҳлаш ёки унга таъсир кўрсатишда ожизлик қиласи. Айнан ана шундай тафаккур тарзи XX асрнинг сўнггида, кўп қутбли дунё шаклланиши ва глобалла-шув жараёни таъсири кучайиши муносабати билан намоён бўла бошлади. Бунда, бир томондан, бугунги дунёда гоя ва мафкурага муносабатнинг ўзгаргани, бу соҳага эътибор кучайиб, у сиёсатнинг муҳим қисмига айлангани билан боғлиқ оқибатлар масаланинг ни-ҳоятда жиддийлигини кўрсатади. Иккинчи томондан, глобаллашув-нинг миллий давлатчилик тамойиллари, ҳалқларнинг минг йиллар давомида шаклланган менталитети ва қадриятларига ўтказаётган салбий таъсири ҳам кўплаб мамлакатларда ижтимоий жараёнлар-даги ўзгариш ёки ислоҳотларнинг тақцирини белгиловчи соҳалар-ни асраб қолиш ва ўзлигини ҳимоя қилиш зарурлигини англатади. Аммо, бу глобаллашув инсониятни орқага бошлади дегани эмас, зеро, унинг тараққиётга катта ижобий таъсир кўрсатаётганини ин-кор этиб бўлмайди. Ҳозирги даврга келиб, одамзод мисли кўрилма-ган ютуқларга эришди, жумладан, космонавтика, кибернетика, универсал технологиялар, ахборот ва интеллектуал билиш каби соҳаларда ўтган асрлар билан қиёслаб бўлмайдиган кашфиётлар кўлга киритилди. Аммо айнан шу даврда инсоният ядро уруши, экологик бўхронлар, маънавий бузилиш каби умумбашарий муам-молар қархисида қолди, уларни ҳал қилиш одамзоднинг асосий вазифаларидан бирига айланди.

XX асрни ҳалқаро ҳаёт ва давлатлараро муносабатларнинг энг **мафкуралашган** даврларидан бири дейиш мумкин. Якка мафкура хукмронлигига асосланган давлатларнинг мавжуд бўлгани, дунёнинг айнан мафкура асосида кутбларга бўлинниши, ана шунга таянган икки кутблилик ва "совуқ уруш" сиёсати бу асрнинг мафкуравий қиёфа-сида катта из қолдирди. Буларнинг барчаси мафкуралашув, яъни **идеологизациянинг амалиёти** ва оқибати қандай бўлишини кўрса-тиб турибди. Шу асрда вужудга келган фашистик давлатлар, собиқ иттифоқ ва унинг иттифоқчилари айнан мафкуралашувнинг, ягона

ғояни мутлаклаштириш, унга қарши ёки фарқ қилувчиларни аёвсиз йўқотишга асосланган тузумнинг яққол намунасиdir.

Худди шу асрда инсоният **деидеологизация**, яъни мафкура-сизлик назариясини ҳам кўллаб кўрди. Бундай қарашга кўра, жа-мият ўз-ўзича, мафкура ўз йўлида амал қилиши, давлат асосан ташқи сиёsat, стратегик йўналишлар ва мамлакат ҳимояси би-лан машғул бўлиши зарур; кимнинг ғояси қандай, у қайси маф-кура таъсирида экани ҳар бир одамнинг ўз ион-ихтиёрида; де-мократик жамиятда бу масалада давлат ва жамият бетараф бўлиши, унга индивиднинг эркинлиги нуқтаи назаридан қаралиши ло-зим. Ҳаёт бундай қарашнинг нафақат илмий-назарий жиҳатдан асослизигини, балки амалий жиҳатдан ўта заарли эканини кўрсатди. Лекин ўтган асрнинг ўрталарида шаклланган бундай ёндашув баъзи мамлакатларга ўз таъсирини ўtkазди. Бу айrim давлатлар худудида неофашистик, террорчилик оқимлари ва уларнинг ғоялари ўрнашиб олиши, баъзи мамлакатлардаги маъ-навий бузулиш тарзида намоён бўла бошлади.

Ана шундай шароитда, ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб дунёning мафкуравий манзарасида **реидеологизация** жараёни кўзга ташланса бошлади. Жамиятнинг бошқа жабхалари қатори ғоя ва мафкура соҳасида ҳам давлатнинг ислоҳотчи бўлиши, фикрлар ранг-баранглиги доирасида бу масала эътибордан қочирилмасли-ги, муайян халқ ҳаёти ва мамлакат ҳудудида бу борада нималар содир бўлаётгани ҳамда воқеалар ривожининг қандай боришига бефарқ бўлмаслик лозимлиги реидеологизациянинг моҳиятини белгиловчи асосий йўналишлардир. Бунда ҳар қандай ҳолатда яқин ва узоқ келажакни белгилаш ҳамда тараққиётда турли йўллар-дан бориш, хилма-хил йўналишларга эга бўлиш мумкин. Реидео-логизациявий ёндашувда давр мутаносиблигини, тинчлик ва бар-қарорликни сақлаб қолиш мухим ўрин тутади. Чунки мазкур ёнда-шув нуқтаи назаридан гоҳида оддий ва арзимас таъсир ҳам ри-вожланишнинг йўналишини, жамиятдаги ҳамкорлик мухитини ўзгартириб юбориши мумкин.

Шу маънода, бугунги дунёning мафкуравий манзарасида рўй бергаётган жараёнларнинг таҳлилига тизимли ёндашиш талаб эта-ди. Ушбу манзара эса тез-тез ўзгарадиган турли омиллар ва жа-раёнларга боғлиқ. Бу борадаги энг асосий тамойил субъектлар-нинг бир йўналишдан бошқасига, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга тез сакраб ўта олиши ҳамда ҳамкорлар ва максад-муддаоларнинг тез ўзгариб туришидир.

XX асрнинг охирига келиб, табиий ва ижтимоий фанлардаги ютуқлар натижаси ўлароқ, дунёнинг мафкуравий манзарасига, у билан боғлиқ табиат ва жамият, маънавийлик ва моддийлик, инсон ва табакалар, турли қатламлар ва гурухлар ўртасидаги муносабатларга синергетик ёндашув шаклланди. Табиий - илмий соҳалардаги кўплаб кашфиётлар аввал ҳарбий соҳада кўллаб кўрилгани, кейин бошқа жабҳаларга татбиқ этилгани каби, фалсафанинг кўплаб услублари ҳам даставвал табиий фанлар доирасида шаклланган. Дунёнинг мафкуравий манзарасига синергетик ёндашув тўғрисида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Синергетика нафакат табиий соҳалар, балки ғоя ва мафкура билан боғлиқ жараёнларнинг ўз-ўзини ташкил этиши ва бошқариши каби ҳолатларнинг моҳияти ва қонуниятларини изоҳлашга ёрдам беради. Бироқ жамиятни, жумладан, ғоялар тизими ва мафкуравий жараёнларни таҳлил этишда синергетик тамойилларнинг аҳамиятини эътироф этган ҳолда, уларни жамият ҳаётига қўллашнинг мураккаб жиҳатлари борлигини ҳам унутмаслик лозим. Бунда жамият ҳаётининг серкірралиги бениҳоя мураккаблиги, ўзига хослиги, айниқса, инсон тафаккури, руҳий олами, ғоя ва мафкура билан боғлиқ ранг-баранг ҳодисаларга эътибор бериш зарурати муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги давр фанида шаклланган «информация» (ахборот), «кинформацион майдон», "мафкуравий майдон", "мафкуравий полигон" каби тушунчаларнинг фалсафада кенг кўллана бошлагани жамият қонуниятларини таҳлил ва талқин этишда илмий ёндашувларнинг гуманитар соҳага тобора чукурлашиб бораётганидан далолат беради.

XXI аср бўясасида пайдо бўлган янги синергетик қарашлар ғоя ва мафкура соҳасида мавжуд муаммоларни зиддиятлашув асосида эмас, балки ўзаро мулокот, ҳамкорлик негизида ҳал этишга интилиш лозимлигини кўрсатади. Бу жараён ўзининг ички хусусиятига кўра плюралистик, кўп имкониятли, демократик характерда бўлиб, бутун дунёда унинг амалга ошишини вақт жиҳатидан бир пайтда, замонда эса ягона модель билан ифодалаб бўлмайди. Шу боис демократия ва тараққиёт тамойилларига хос мураккаб тизимнинг синергетик талқини инсоният тараққиёти ҳар бир тизимнинг (яъни шахс, миллат, давлат, жамият, синф, қатлам ва бошқаларнинг) ички хусусияти ва ташқи алоқадорлиги негизида доимо янги ва бетакрор йўлдан боришини кўрсатади. Бу эса айнан мустақиллик йўлидан бораётган мамлакатлар учун, бир томондан, бутун инсониятга хос умумий андозаларни ўрганиш,

уларни ижодий қўллаш, иккинчи томондан эса, миллий таракки-ёт моделларини амалга оширишда ички имкониятларга таяниш, белгиланган мақсад сари сабитқадамлик билан бориш усулининг тўғри эканлигини исботлайди.

Дунёнинг мафкуравий манзарасини тасаввур қилиш шу йўналишдаги тафаккур услубининг қай даражада шаклланганига ҳам боғлиқ Бугунги кунда уни илмий тушунтиришда хилма-хил қараш-лар, ёндашувлар мавжуд. Улар масалани турли томондан ёритиш-га ёрдам беради, бир-бирини тўлдиради, ранг-баранг фикрларни умумлаштиришга имкон яратади. Бу эса дунёнинг мафкуравий манзарасини фалсафий изоҳлаш чегаралари кенгайиб, масаланинг мазмун-моҳиятини англаш даражаси ўсиб бораётганидан ҳамда ўзига хос тафаккур услуби шаклланаётганидан далолат беради.

Бундай шароитда янги эришилган билимларни аввалгилари билан таққослаш жараёнида, бир томондан, олдиндан мавжуд бўлган билимлар чуқурлашади, кенгаяди ва аниклашади, иккин-чи томондан, янги билимлар тўпланади ва такомиллашади. Янги эришилган билимларни англаб олишда мавжуд назариялар тизи-ми ҳамда тамойиллар билан бир қаторда, турли ғоялар ва маф-куралар хақида олдиндан тўпланган билиш тажрибаси ҳам му-ҳим аҳамиятга эга. Мавжуд илмий тамойиллар, назариялар ҳамда ўтмишда тўпланган тажриба ёрдамида бу борада янги эришилган билимларни акс эттириш ва англаб олиш - мафкуравий тафак-кур услубига хос асосий белги.

Мафкуравий тафаккур услуби муайян ҳалқ, миллат ва бошқаларнинг вакили сифатида бирон-бир ижтимоий мухитда яшаёт-ган инсондан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Инсон билан боғлиқ бўлган ҳодисалар каби тафаккур услуби ҳам ижтимоий шарт-ша-роитлар билан белгиланади. У жамият тузилиши, дунёдаги дав-латлар, ҳалқаро ташкилотлар ва бошқа ижтимоий омилларга бе-восита боғлиқ Зеро, ғоянинг моҳияти - айрим кишига хос бўлган алоҳида эмас, балки умунижтимоий муносабатларда намоён бўла-ди. Шунга кўра, мафкуравий тафаккур услуби турлича ғоявий-маънавий муносабатлар мажмуми билан белгиланади.

Даврнинг тафаккур услуби. Инсоният тарихи далолат беради-ки, хилма-хил, ижтимоий-тарихий даврларга турли тафаккур шакллари мос келади. Ҳар бир давр, демак, биз яшаётган даврнинг ҳам ўзига хос тафаккур услуби мавжуд бўлиб, у турфа шакллар-да намоён бўладиган тарихий ҳодисадир. Демак, ҳар қандай бошқа усувлар сингари, тафаккур усули ҳам ижтимоий-тарихий воҳе-

ликнинг инъикосидир. Бунда гоя ва мафкура омили катта аҳамият касб этади. Ушбу масалани ўрганишнинг муҳимлиги шундаки, у дунёning муайян давр манзараси билан узвий алоқадорликда намо-ён бўлади ва шу давр кишисининг онги ҳамда тафаккури шаклла-нишида муҳим ўрин тутади.

Уз даври тафаккури таъсирини сезмайдиган, ундан таъсирланмайдиган, бу алоқадорликни ҳис қилмайдиган инсон бўлмаса керак. "Давр қандай бўлса, одамлар ҳам шундай бўлади", деган иборада худди шу маъно мужассам. Ўз давридан бегона, унинг ғояларини билмайдиган, қонуниятларини англамайдиган, замонасининг хусу-сиятларини тушунмайдиган кишини ҳақиқий инсон дейиш қийин. Ҳар қандай даврнинг тафаккур услубида ўша замоннинг устувор гоялари асосий ўрин эгаллайди, муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Масалан, инсоният тарихида алоҳида босқич бўлган ибтидоий даврнинг оддий ишлаб чиқариш усули уччалик ривожланмаган жамоавий тасаввурни туғдирганки, у орқали ибтидоий одамни курсаб турган гоявий, маънавий ва ижтимоий муҳитдаги ҳодисаларни ид-рок этишга ҳаракат қилган. XIX аср бошларида француз олими Л.Леви-Брюль «Ибтидоий тафаккур» китобида ибтидоий одам тафаккур услубининг хусусиятларини асослаб берган эди. «Ибтидоий одамлар тафаккури ўз асосига кўра мифологикдир, - деган эди у, — чунки ибтидоий инсон идрокининг зарур элементини ташкил этувчи жамоавий тасаввурлар моҳият-эътибори билан мифологик тасаввурлар асосига қурилган. Бизнинг тафаккуrimiz ундей бўлмай қолди, ҳеч бўлмаганда бизни ўраб турган нарсаларга тааллуқли тафаккуrimiz ундей эмас». Бундан кўриниб турибдики, ибтидоий давр тафаккур услуби ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бизнинг давримиздаги тафаккурдан сифат эътибори билан фарқ қиласи эди.

Ўрта асрлар даври тафаккур услубида диний-илоҳий ғоялар устувор бўлиб, улар ўша замон кишисининг онги ва дунёқарashi-ни белгилар эди. Ижтимоий тараққиёт натижасида янги даврлар-га хос ҳаёт тарзининг вужудга келиши тафаккур услубида ҳам янги сифатий ўзгаришларга замин хозирлади. Инсониятнинг мод-дий ва маънавий ривожланиш тарихи кўрсатадики,- гарчи кейин-ги даврлар тафаккур услубида мифологик ва диний-илоҳий эле-ментлар сакланиб келаётган бўлса-да, у ибтидоий тафаккурдан қатор хусусиятлари билан фарқланади. Бунда, энг аввало, ат-рофдаги мавжуд нарса-ҳодисаларни акс эттириш ва фикрлаш ибтидоий жамиятдагидек оддий идрок эмас, балки муайян ғоявий асосда шаклланган мураккаб тасаввурлар орқали амалга ошири-

Леви-Брюль. Л.Первобмтное мешление. - М.: «Дефа», 1999, -с.26.

ла бошлайди. Модомики, ҳар бир халқ, миллат ва давлат ўзига мос келадиган алоҳида манфаатларни ёқлар экан, унинг тафак-кур услуби ҳам турли йўналишларга эга бўлиши табиий.

Дунёнинг мафкуравий манзараси ва унинг асосида ётган чукур қонуниятларни билиш зарурати фоя ва таълимотлари аниқ ифо-даланган турли фалсафий оқимлар, мактаблар вужудга келиши-га сабаб бўлди. Улар муайян манфаатларни ифода этиб, етакчи дунёқараш ва ҳаёт қоидалари сифатида инсоннинг атрофдаги олам-ни ҳамда унинг ривожланиш қонуниятларини назарий ва амалий ўзлаштиришига хизмат қилади. Шу билан бир вактда ҳозиргача бўлган тараққиёт даврларига хос мафкуравий тафаккур услуби-да янги билимларни, хулоса ва мулоҳазаларни илмий асослаб олиш мухим ўрин эгаллади. Бундай ҳолат, асосан, ўрта асрлар-дан кейин ва ҳозирги замон илмий-техника тараққиёти шароити-да ҳақиқатан ҳам умумбашарий аҳамият касб этди. Ҳар бир давр-нинг тафаккур услуби ривожланишида ибтидоий давр учун ха-рактерли бўлган оддий (прагматик) тафаккурдан формал мантиқ қоида ва қонунлари асосида амалга ошадиган, мантикий фикр-лашга, яъни тафаккур жараёнида муҳокаманинг аниқлигига, зид-диятсизлигига, изчиллигига асосланиши бу борада туб сифат ўзга-риши юз берганидан далолат.

Собиқ иттифоқ даврининг тафаккур услубида устувор бўлган якка мафкуранинг таъсири қучли эди. Аслида давлат ва жамият, ички ва ташки сиёсат, ҳатто одамларнинг майший ҳаёти ҳам шу мезон би-лан ўлчанар эди. Дунёнинг мафкуравий манзарасини тушуниш ва талқин қилишда хукмрон мафкуранинг устуворлиги ҳаддан ташқа-ри мутлақлаштирилган эди. Ер юзининг қайси жойида бўлишидан қатъи назар, мавжуд бўлган ёки янги шаклланган фоя ва мафкурада иттифоқ мафкурасидан кескин фарқ қиласиган тамойиллар бўлса, у аёвсиз танқид остига олинар, душман деб эълон қилинар эди. Бу эса, ўз навбатида, ўша давр кишисининг онги ва тафаккуридан ўрин ол-гани ва уларга жиддий таъсир этгани шубҳасиз.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда кишилар онги ва дунёқа-раши, тафаккур услуби ва янги сифат ўзгаришлари кўзга таш-ланмоқда, унда ижтимоий жиҳатдан илгаригидан тубдан фарқ қиласиган янги замонавий жиҳатлар вужудга келмоқда.

"Даврнинг тафаккур услуби" тушунчаси энг умумий маънода ундаги воқеа ва ҳодисаларни, уларнинг ривожланиш қонуният-ларини, ўша замоннинг ўзига хос хусусиятлари, эҳтиёjlари, манфаатлари, ижтимоий муносабатларига мувофиқ келадиган би-

лимлар, ғоялар, назариялар, дунёқарааш ва методологик тамо-'йилларга мувофиқ тарзда инъикос этилиши ва англаб олиш усулни ифодалайди. Бу таърифда барча даврларга хос тафаккур услубининг умумий белгилари ўз аксини топган. Ундан келиб чиқкан ҳолда, муайян давр тафаккур услубининг айрим ўзига хос белгилари ва аниқ турларини ажратиш қийин эмас. Лекин бу ёндашувнинг аҳамияти фақат шу билангина белгиланиб қолмасдан, балки илмий ва амалий фаолият учун ғоят мухим бўлган қатор методологик хуносалар чиқаришга имкон беради.

Биринчидан, даврнинг тафаккур услуби рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳамда уларнинг ривожланиш қонуниятларининг инсон онгида тўла ва чуқур инъикос этилиш даражасига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, тарихий ривожланишнинг турли даврларида тафаккур англаб олиши лозим бўлган тушунчалар, тамойиллар, қонунлар тизимиға боғлиқ Иккинчидан, ҳар қандай даврнинг тафаккур услуби жамиятнинг ижтимоий тузилиши, миллий анъа-на ва урф-одатлар, шахснинг индивидуал ҳаёти, мақсад-муддао-лари, шунингдек, маънавий ва бошқа ижтимоий муносабатлар мажмуи билан белгиланади.

Хозирги даврнинг мафкуравий фикрлаш шакли замонавий тафаккурнинг бутун бойликларини ўзида мужассамлаштириб, юя ва мафкура соҳасидаги асосий тушунчалар, қонунлар, категориялар тизимнинг мантикий билимлар тузилмасини ташкил этади. У ушбу соҳадаги воқеа-ҳодисаларнинг турли-туман муносабатларини, ҳарарати ва тараққиётини, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини тўғри акс эттириш ва тушунишга имкон беради. Бундай ўзгарувчан ва ҳараратчан тафаккур тоя ва мафкураларнинг диалектикасига тўла мос келиб, ўзининг аҳамиятини йўқотмайди. Балки у ҳозирги замон шароитида ҳам гоя ва мафкуруни, уларнинг хусусиятларини англашнинг энг мухим усули ҳамда мантиғи сифатида намоён бўлади.

Муайян илмий назария, методология ва дунёқарааш принципларига таянган мафкуравий тафаккурнинг аниқ ва равшанлиги воқелик кечётган воқеаларни бирон-бир нуқтаи назардан таҳлил қилишга, уларнинг келажақдаги ривожланиш тенденциялари ҳақида холисона хулоса чиқаришга, амалиётда тўғри фойдаланишга имкон туғдиради. Айнан ана шундай тафаккур услуби истиклол даврида устувор аҳамият касб этмоқда.

Тарихда турли даврларнинг тафаккур услублари мавжуд бўлган. Уларнинг ҳар бири ҳақиқатни очиб бера оладиган универсал услугуб ўрнини босишишга ҳаракат қилган. Лекин қўпчилиги та-

рихий тараккиёт жараёнида, янги давр талабига жавоб бера ол-магани учун муайян даражада инкор этилди. Масалага фалсафа тарихи нүктаи назаридан ёндашилса, софистик, экспликацый, мета-физик, механистик ва бошқа тафаккур усулларини мисол сифа-тида көлтириш мумкин. Гарчанд ular бугунги кунда ҳам стихия-ли тарзда, ахён-ахёнда қўлланса-да, аммо ҳозирги давр тафак-курининг устувор услуби бўла олмайди. Худди шунингдек, диа-лектик ва бугунги кунда кўпчиликнинг эътиборини тортаётган си-нергетик услублар ҳам мутлақ, яккаю ягона услуб бўлиб қолиши даргумон. Улар ҳам умуминсоний тафаккур «пиллапоя»ларида ўз ўрни ва аҳамиятига эга бошқа услублар каторидан ўзига хос жой эгаллади. Инсоният бу усулларнинг ҳар бирини керакли соҳада ва зарур бўлганида қўллашни ўрганиб олган ҳамда амалиётда бу тажрибага таяниб, фаолият юритаверади.

Масалан, софистик тафаккур Қадимги Юнонистонда вужудга келган ва ўша даврнинг тафаккур усулидир. Кўпгина дарслик ва қўлланмаларда бу ибора юонон тилидаги «зор18т» сўзи асосида, яъни атайлаб хилма-хил маънога эга бўлган тушунчаларни ишлатиш орқали керакли ва кўчма маъно-мазмунга эришиш усули, дея тал-қин этилади. Бу усул қўлланганда фикр мазмуни кўчма маънода баён қилинади, яъни «қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» деганга ўхшаш ҳолат назарда тутилади. У нафақат Қадимги Юно-нистон, балки ўрта асрларда Европада ҳам кенг тарқалган. Қадим-ги Гречияда нотиқлик ва донишмандликда ном чиқарган файла-суфлар софистлар деб аталган, кейинги даврларда эса сўз билан кишиларнинг бошини қотириш усулларини усталик билан қўллаб, уларни чалғитадиган одамларга нисбатан ҳам софист ибораси қўлланган. Ҳозиргача ҳам бу тушунча ана шу, энг охирги маънода қўлланиб ва тушунилиб келмоқда. Бугунги кунда агар бу усул ёлғон хуносаларга олиб келса, нега кўпгина доно кишилар ундан фойда-ланган, деган савол туғилиши мумкин. Маълумки, инсоният тари-хида хурфиклилик ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабат-ни тўғри ифодалашнинг иложи қолмаган замонлар кўп бўлган. Бун-дай ҳолни инквизиция ҳукмрон бўлган ўрта асрлар Европасига ҳам татбиқ этиш мумкин. Ўша даврда баъзи зиёлилар ўз фикрини қан-дайдир тарзда ифодалаш учун ана шу усулни қўллашга мажбур бўлган. Умуман олганда, «дўппи тор келиб қолган» замонларда фикрни Гулханийнинг машхур «Зарбулмасал» асари каби ифодалаш ҳол"-лари учраб туради. Буни ўрта асрлар Европасига нисбатан олсақ, унда Сервантеснинг «Дон Кихот» асари нима сабабдан шундай ёзил-

гани, унинг бош қаҳрамони эса нима учун шамол тегирмөнларига қарши жанг қилгани ва бу лавҳалар замирида қандай ботиний мазмун яширингани аниқ бўлади.

Ўрта асрларда вужудга келган метафизик тафаккур софистик тафаккурдан фарқ қиласди. Диалектика мутлақлаштирилган собиқ иттифоқ даврида метафизика "ўлик метод" сифатида талқин қили-нар эди. Бунда, асосан, механистик метафизика назарда тутилар эди. Кейинги асрларда фалсафий тафаккур услугига айланган метафизика бир оз кенг маънода, яъни диалектикага зид услуг сифатида ҳам кўлланила бошланди. Метафизиканинг ана шу янги талқинида диалектика сингари ниҳоятда кўп томонлари намоён бўла бошладики, уни тадқиқ этиш илмий билиш ва амалиётда муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, ҳалигача баъзи фалсафа мута-хассислари ҳамда бу фан бўйича дарс берувчи айрим ўқитувчи-лар диалектика ва метафизикага нисбатан бир томонлама ёнда-шув асосида чиқарилган, алмисоқдан қолган собиқ иттифоқ дав-ридаги хуносадан унчалик узоқлаша олмаяпти. Собиқ иттифоқ фалсафасида устувор бўлган бу хулоса метафизикани тафаккур услуги сифатида бутунлай асоссиз деб ҳисоблайди, уни "ўлик" ва "қуруқ" услуг, деб эълон қиласди.

Аслида муайян услубнинг ўрни ва аҳамияти қаҷон, қандай ша-роитда кўл келиши, фойда бериши, тадқиқотчини мақсадига етка-зиши билан белгиланади. П1у боис, ҳар бир услуг ҳаётбахш бўлиб, уларнинг барчасидан ўз ўрнида фойдаланган маъкул. Колаверса, олам гарчанд диалектик ўзгариш ва ҳаракатда бўлса-да, бу жараён доимо ҳам ниҳоятда тез содир бўлавермайди. Биз эса дунёдаги нар-са, ҳодиса ва одамларга шунчалик метафизик тарзда ўрганиб қол-ғанмизки, гўё кечадан бугуннинг фарки йўқдек, кеча кўрган киши-га бугун дуч келганимизда унда ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмаган-дай туюлади. Шу маънода, ҳаётда кўп ҳолларда метафизик усулда фикр юритамиз, нималаргadir ана шундай муносабатда бўламиз. Аслида эса улар ҳам азалий ўзгаришлар жараёнига тушган нарса ва кишилар эканлигини жуда камдан-кам ҳолларда ўйлаб қўрамиз. Худди шундай, бизнинг умримиз ҳам кечадан эртага қараб оқиб турадиган диалектик жараёндир. Биз ҳам ана шундай ўзгариб бо-рамиз, аммо кўп ҳолларда бунга унчалик кўп эътибор берилавер-майди. Шу тариқа мактабни тугатиб кўйганимизни, улғайганимиз-ни, болалик ортда қолганини гўёки билмай қоламиз.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, метафизик усулнинг ҳаётда, илмий изланишлар ва фалсафий тадқиқотларда ҳам ўз ўрни бор.

Бизда ҳалигача метафизиканинг тушунчалари, категориялари, тамойиллари ва илмий моҳияти изоҳланган ёхуд тадкиқ этилган асарлар, тадқиқотлар йўқ. Қолаверса, уни диалектика билан бу-тунлай қарши килиб қўйиш ва бу фарқни мутлак зиддият дара-жасига кўтариш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Айнан ана шундай ёндашув собиқ иттифоқда диалектикани мутлақлаштиришга, ме-тафизикага эса қуруқ ва ўлик таълимот сифатида қарашга, унинг имкониятларидан фойдаланилмасликка сабаб бўлди.

Синергетика таълимотини диалектика асосида шаклланган ва уни тўлдирадиган илмий қарашлар мажмуаси дейдиганлар ҳам бор. Уларга қарши ўларок, диалектика энди керак эмас, уни си-нергетика билан алмаштириш лозим деб ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас. Юқорида биз бу усул ҳақида муҳтасар фикр юритдик. Си-нергетиканинг XX асрдаги шаҳдам одимлари ўрта асрларда Ев-ропада аниқ фанлар соҳасида индукция ва дедукция усуллари-нинг муваффақиятли қўллангани, катта мавқега эга бўлгани ва пировард натижада, фалсафий методга айланганини эслатади. Бу методни XX асрда табиий фанларнинг фалсафа соҳасига кирит-ган энг катта услубий ютуқларидан бири сифатида баҳолаш мум-кин. Аммо бу унинг диалектикани буғунги давр тафаккур услублари орасидан бутунлай суриб чиқаради, дегани эмас. Зоро, ҳозир-ги давр тафаккурида ҳар бир таълимот, услугуб ва методнинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Диалектиканинг аҳамиятига келганда эса унинг ижтимоий билимлар соҳасидаги ўрни ва инсоният тафак-куридаги қадр-қиммати катта ва у буғунги тафаккур услублари-нинг асосийларидан бири бўлиб қолаверади. Худди шундай си-нергетика ҳам фанларнинг охирги ва мутлак услуги эмас, балки тараққиёт натижасида ўзгариб борадиган ва муттасил такомил-лашадиган ижодий тафаккур мевасидир.

Кишилик жамияти тарихи бунёдкор ғояларнинг шаклланиши ва ривожланишига ҳам, айни пайтда, бузғунчи мағкураларнинг хилма-хил кўринишлари илдиз отиб, мудҳиш қиёфасини намоён қилишига ҳам кўп бор гувоҳ бўлган. Афсуски, инсониятнинг бу-тун тарихи давомида хилма-хил иллатлар унга ҳамроҳлик қилиб келди, улар турли даврларда янги шакл-шамойил, хусусият касб этди. Буғунги кунда уларнинг энг ёвузлари Ер юзидағи тинчлик ва тотувлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка, охир-оқибатда инсони-ятнинг ягона бирлик сифатида эркин тараққий қилишига катта

хавф туғдирмоқца. Шунинг учун хам Ер юзи минтақалари халқларининг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдонига, мафкуравий полигонга айлантирилмоқда. Ана шундай шароитда халқнинг барча қатламларига берилаётган билимлар объектив, воқееликни түлиқ ва түғри акс эттириши, жамият тараққиётига, Ватан ва халқ манфаатларига, миллий ва умуминсоний қадрият-ларни сақлашга хизмат қилиши лозим.

XXI асрға келиб дунёning мафкуравий манзарасини белгилаб турған сиёсий манзара тубдан ўзгарди, икки қутбли дунё барҳам топди. Дунёдаги икки қутбнинг бири бўлган собиқ социалистик лагерь тарқалиб кетди. Унинг энг катта ва тоталитар тузум хукмрон бўлган асосий давлати — собиқ иттифоқ ўтмишга айланди. Бу давлатнинг ўрнида мустақил мамлакатлар юзага келди. Мустабид мафкура ғояларидан халос бўлган халқлар ўз миллий давлатчилик анъаналарини тиклади.

Бугун дунёning мафкуравий манзарасини ўз мақсадлари йўлида ўзgartирмоқчи бўлаётган ғоя ва мафкуралар жаҳондаги, майдян мамлакатлардаги тинчлик, барқарорлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда. Баъзи мамлакатлар хаётида турли ғоя ва мафкураларнинг салбий оқибатлари ва таъсирини кузатиш мумкин. Баъзиларида дунёвий ёки диний гоялар устунлиги сезилиб турса, аксарияти демократик тараққиёт йўлига ўтганини эълон қилган. Ана шундай шароитда дунёning мафкуравий манзарасида ўз ўрнига эга бўлган баъзи ғоя ва мафкураларни баҳолашда уларнинг мазмунмоҳиятига, бугунги кундаги амалиётига аҳамият бериш зарур.

Дунё эса демократия никобидаги ўзаро мафкуравий кураш майдонига айланмаслиги керак. Мафкуравий қарама-қаршилик эмас, ўзаро мулоқот, турли манфаатларнинг ўзаро кесишадиган нуқталарини топиш йўлида маданиятлароро мулоқот тамойили-ни танлаш йўли дунё ҳамжамиятининг тараққиёти манфаатлари-га мос. Зеро, демократик давлат ва жамият қурилишининг турли хил моделларини тан олиш ҳам демократиянинг холисона талаби. Унинг ҳаётбахшлиги ҳам шунда намоён бўлади. Мустақилликнинг ўтган йиллари давомида мамлакатимизда бу соҳада эришилаёт-ган ютуклар бунга яққол мисол бўла олади.

Кўриниб турибдики, маънавий-маърифий ишлар ва мафкуравий тарбия масаласи ўз мустақиллигини қўлга киритган, демократик ҳуқукий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг асосларини яратсаётган мамлакатимиз учун муҳим ҳаётий аҳамиятга

эга бўлиб қолмоқца. Зеро, кўзланган мақсадларга ушбу интилиш-ларни ўзида мужассамлаштирган ғоявий-назарий қарашлар маж-муи бўлмиш миллий истиқлол ғояси ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришиш мумкин эмаслиги аниқ "Мен, - деб ёзади Пре-зидентимиз, - Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт -ё мамот, ё најжот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласи-дир" деган фикрини кўп мушоҳада қиласман.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асrimiz бошида мил-латимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбdir". Шу маънода, мамлакатимиздаги мавжуд ижтимо-ий ҳамкорлик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни саклаб қолиш ва ривожлантириш йўли билангина кўлга киритилган истиқлолни ҳимоя қилиш мумкин. Халқаро ҳамжамият, шу жумладан, тарих тақозоси билан алоқалар кучли ривожланган давлатлар билан тенг ҳукукли, иззат-икромли муносабат, ўзаро манфаатли алоқалар эса мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хиз-мат қиласди. Ана шундагина, Юортбошимиз таъбири билан айтган-да, минтақамиз бундан буён ҳам цивилизациялар тўқнашмайди-ган, балки улар бир-бирига таъсир этиб, бир-бирини бойитиш-нинг ибратли намунасини берадиган макон бўлиб қолаверади.

Мазкур масалада инсоният ҳаётида кечеётган жараёнларни таҳ-лил қилиш, турли ғоявий-мафкуравий таҳдидлардан огоҳ бўлиш, мамлакатимиз манфаатлари, миллий анъана ва қадриятларимизга ёт ғоя ва қарашлар қандай мақсадни кўзлаётганини англаб етиш ҳамда бу борада аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида изчил ва таъсир-chan тарғибот ишларини йўлга кўйиш муҳим аҳамият касб этади.

20-мавзу. Минтақавий муносабатлар ва мафкуравий жараёнлар

Дунё ҳаритаси ва инсоният ҳаётида ҳар бир минтақанинг ўз ўрни, аҳамияти бор. Муайян минтақа давлатлари ва халқлари учун тарихий, маданий, инсоний яқинлик каби умумий омиллар мавжуд. Уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири, алоқаси, тарихи ва тақциридаги ўхшашлик қарийб барча минтақаларга хос хусуси-ятдир. Бир минтақада яшайдиган халқлар ва миллатлар орасида-

Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлнимиз билан қурамиз. 7-жилд. -Т.: "Ўзбекистон", 1999, 93-бет.

ги ўзаро муносабатлар шу жойдаги ғоявий таъсир ва акс таъсир-лар ҳамда маънавий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳия-ти, намоён бўлиш хусусиятлари ва асосий йўналишларини бел-гилайди. Яъни, муайян минтақанинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий қиёфаси қандай бўлса, мафкуравий манзараси ҳам худди шундай бўлиши табиий. Бу манзара, кўп жиҳатдан, тарихий давр, сиёсий жараёнлар, тегишли худуддаги воқеалар ривожи, ички ва ташки омилларнинг таъсири билан узвий bogliq тарзда намоён бўлади. **"Минтақанинг мафкуравий манзараси"** тушунчаси маз-кур жойдаги турли давлат ва халқларга хос ранг-баранг ғоялар ва мафкуралар, ташки ва ички сиёсий тамойилларида намоён бўла-диган ҳолатлар, икки ёки кўп томонлама муносабатларда акс эта-диган иктисодий, сиёсий, маданий, ҳарбий ва бошқа йўналишдаги доктриналар мажмуини ифодалайди.

Унинг амалиёти ва намоён бўлиши билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари, барқарор ва бекарор ҳолатлари, мазкур манзарада асосий аҳамият касб этадиган устувор тамойиллари мавжуд. Айнан ана шу хусусиятлар, ҳолатлар ва тамойиллар мажмуини ўрганиш мафкура-вий манзаранинг мазмун-моҳиятини англаб олиш имконини беради.

Ҳар қандай минтақанинг мафкуравий манзараси шу жойнинг умумий идеосфераси ҳамдир. У мазкур минтақада яшайдиган халқ-лар ва мавжуд давлатлар ўртасида ўзаро алоқа ва муносабатлар ҳамда ёнмаён жойлашган мамлакатларда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, сиёсий жараёнлар туфайли барқарорлашиши ёки бекарорлашиши ҳам мумкин.

Муайян минтақанинг мафкуравий манзарасида катор ҳолат-лардан бирини ёки бир нечасини кузатиш мумкин. Аввало, мин-тақада бир ёки бир неча бекарорлик ўчоғи бўлса, бу мазкур худуд, ундаги давлатлар ва халқларга таҳдид солиб турган холларда мафкуравий манзара барқарор, уни ташкил этувчи элементлар ўзаро уйғун бўлиши амримаҳол. Шунингдек, минтақа давлатлари ва халқлари орасида ўзаро ахиллик, келишув бўлмаган тақдирда ҳам бу жойда доимий мафкуравий бекарорлик ҳукм суради. Бун-дан ташқари, муайян давлат ёки халқ буюк давлатчилик ёки буюк миллатчилик шовинизми сиёсатини минтақага нисбатан ўтказа-ётган тақдирда ҳам мафкуравий манзарадаги барқарорлик бар-ҳам топади. Гоҳида барқарор бўлиб кўринган бундай ҳолат асли-да ички мафкуравий кураш аста-секин кучайиб борадиган сохта ва алдамчи барқарорлик, эртами-кечми албатта рўй берадиган бекарорликнинг арафаси сифатида намоён бўлади. Минтақада икки

ёки ундан ортиқ давлат, халқ орасидаги муттасил можаро рўй бериб турган ҳолларда мафкуравий манзарадаги кескин зиддият ва ғоявий кураш доимий характер касб этади, қарама-каршилик унинг асосий жиҳатига айланади.

Маълумки, XX асрнинг сўнггида жаҳон сиёсий харитасидаги ўзгаришлар Марказий Осиё минтақасида ҳам кескин ўзгаришларга олиб келди. Минтақамизда намоён бўлаётган ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар ана шу ўзгаришлар билан узвий боғ-лик Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсаға-сида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида бугунги дунёда, Ўртбошимизнинг БМТнинг Минг йиллик саммитидаги (2010 йил) маъruzасида Марказий Осиё минтақаси ва республикамизда қайси омиллар хавфсизликка қан-дай таҳдид солаётгани аниқ кўрсатиб берилган. Ҳозирги пайтда минтақада турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва экологияга оид муаммолар тўпланиб қолган. Бу жойдаги ялпи хавфсизликка мин-тақавий, миллий, маҳаллий можаролар, диний экстремизм таҳ-дид солмоқда. Бундай қарама-каршиликларда четдаги айрим ий-рик мамлакатларнинг ўз манфаатлари ва таъсир доираларини сак-лаб қолиш, кучлар мувозанатини ўз фойдаларига ўзгартиришга интилаётгани кўзга ташланмоқда.

Таҳдид туғдирувчи омиллардан яна бири минтақа ўзининг жўғрофий-сиёсий ҳолати жиҳатидан жамоавий хавфсизлик ти-зими изчил йўлга кўйилмаган худудда жойлашгани билан боғлиқ Бутун дунё, Европа ва Осиё келажаги учун ҳал қилувчи аҳами-ятга эга бўлган энергия, газ ва нефтга бой конлар Марказий Осиёда жойлашган. Қолаверса, биз Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг ман-фаатлари бир-бирига мос келмайдиган минтақанинг бир қис-мимиз. Бизнинг худудимиздан кўпгина қудратли мамлакатлар ҳам ўз манфаатларини излайди.

Яна бир таҳдид манбаи - Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган баъзи мамла-катлар куршаб тургани. Бунинг устига, юртимиз минтақадаги ди-ний экстремизм, этник муросасизлик, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучлар томонидан рағбатлантириб келинаётган, ички можаро авж олган Афғонистон каби бекарорлик ўчоги билан чегарадош.

Геополитик мақсадлар - муайян давлатнинг ўз мавқеи ва таъсирини ўзга ҳудуд ва минтақаларда кучайтиришга қаратилган сиё-сатни ифодалайди. Бугунги кунда халқаро майдонда турли шакл-ларда намоён бўлаётган бундай мақсадлар мафкуравий сиёсат

билин кўшилиб бормоқда. Инсон қалби ва онги учун кураш бу жараённинг асосий йўналишларидан биридир. Минтақавий низо-лар кўпинча терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва қурол-ярокнинг ноқонуний савдоси, инсон ҳуқуқларини оммавий суръ-атда поймол этиш каби хавфли таҳдидларнинг доимий манбаига айланиб бормоқда. Айрим давлатлар ядро қуролига эга бўлишга ошкора интилаётгани дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Узбекистоннинг бу борада амалга ошираётган сиёсати эса Марка-зий Осиё минтақасини яdroвий қуроллардан холи ҳудуд деб эълон қилинишига эришишга йўналтирилган.

Хуллас, хавфсизликка таҳдидлар сиёсий экстремизм, шу жум-ладан, диний руҳдаги экстремизмни, миллатчилик ва миллий маҳ-дудликни, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқ-чилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экология муаммоларини ўз ичига олади. Улар турли шакл ва кўри-нишларда намоён бўлиб, хатарли тус олаётгани ҳар биримизни хушёр ва огоҳ бўлишга ундейди.

Мазкур мавзу учун Президентимизнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва та-раққиёт кафолатлари" асари асосий манба бўлиб ҳисобланади. Ушбу асарда Ислом Каримов томонидан кўрсатиб берилган хавфсизлик-ка таҳдидлар, уларнинг умумбашарий ва минтақавий хусусиятла-ри орасида минтақавий жиҳат муҳим аҳамият касб этади.

Бу масала муайян минтақадаги давлатларнинг геосиёсати би-лан узвий боғлиқ. "Геосиёсат" тушунчаси ўзида "geo" - "er", "сиё-сат" - "давлат" ва "ижтимоий иш" маъноларини англатади. "Гео-сиёсат" атамасида геосиёсий муддаолар, уларнинг кўринишлари, турли давлат ва ҳалқларнинг манфаатлари тизими, унга бўлган ёндашув услублари, воситалари муайян давлатнинг ҳудудий жой-лашуви, салоҳиятига бўлган муносабатда ифодаланган мақсад-лар ҳамда улар асосида шаклланган мафкуравий тамойиллар ўз ифодасини топади. "Геосиёсат" узоқ тарихга эга бўлса-да, у ту-шунча сифатида XX асрнинг бошларида шаклланган. Бу атама Р. Челлен томонидан муомалага киритилган бўлиб, ҳозирги даврда давлатлар ва дунё мамлакатлари ҳалқаро сиёсатида, фалсафада, сиёсат фалсафасида кенг қўлланмоқда. "Геосиёсат" кўп киррали тушунча сифатида турли манфаатларни ўзида мужассам этади. Ҳозирги даврда геосиёсий мақсадлар кўпроқ мафкуравий сиёсат билан ҳамоҳанглигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бунда мафку-равий таъсир кўрсатиш геосиёсатнинг энг таъсирчан воситаси си-

фатида намоён бўлмоқда. Яъни қатор йирик давлатларнинг мақсадлари ўзга мамлакатлар аҳолиси турли гурӯҳ ва қатламлари, хусусан, ёшлар онги ва қалбига мағкуравий таъсир кўрсатиш орқали, уларнинг фаолиятини ўз таъсир доирасига киритишга, яъни геостратегик манбаатларига хизмат қиласидиган мағкуравий муҳитни яратишни кўзлаган ҳолда амалга оширилмоқда. Ушбу жараённи олдиндан пайқаш, унинг қандай услугуб ва воситалар би-лан амалга оширилишини аниқ билиш мураккаб масала. Ана шу сабабдан ҳам Президентимиз мағкуравий полигонлар ядро поли-гонларига қараганда хавфлироқ бўлиб қолганлигини алоҳида таъ-кидлагани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, ҳарбий полигонлар қаерда жойлашгани, имко-нийятлари, қандай мақсадга йўналтирилганини муайян даражада билиш мумкин. Аммо, ёвуз, ёт мағкуравий мақсадларни қаердан хуруж қилаётгани ва қандай ўйлар билан айrim одамлар қалби-ни эгаллаб олаётганини осонликча билиб бўлмайди. Бугун «икки қутбли мағкура» ўртасидаги зиддиятга барҳам берилган бўлса-да, аммо дунёда мағкуравий курашлар тўхтаб қолгани йўқ Ак-синча, жаҳон майдонларини мағкуравий бўлиб олишга уриниш-лар турли йўллар билан амалга оширилмоқда. Масалан, Ўзбекис-тон мустақилликни қўлга киритганидан кейин гоявий-мағкуравий хуружлардан четда қолиб кетгани йўқ. Миллий манбаатла-римизга зид бўлган ёт ва бегона гоялар кириб келиши, ёшлари-миз онгини эгаллаш, уларни мамлакатимизда белгиланган улуғ мақсадларни амалга оширишга қарама-қарши қўйишга уриниш-лар бўлганига гувохмиз. Бундай харакатларнинг тарафдорлари "дўст", "миллатдош", "ватандош", "диндош" ниқобларидан фой-даланиб, бузғунчи гояларини амалга оширишга уринди. Оқибат-да, азалий миллий қадриятларимизга зид бўлган турли хил оқим-лар аҳоли, айниқса, ёшлар онгини эгаллашга ҳаракат қилди.

Жаҳон геосиёсатида ҳалқларни маънавий-мағкуравий жиҳат-дан тобе этишга интилиш ва бугунги кунда дунёни шундай асосда бўлиб олишга уринишлар давом этмоқда. Бунинг учун улар ҳозирги замон оммавий ахборот воситалари, уларнинг ютуқларидан ҳамда турли марказлар, айни пайтда ўзаро ҳамкорликка йўналтирил-ган ижтимоий, маданий, иқтисодий воситалардан фойдаланиш орқали дунёning турли худудларида ўзларига мос мағкуравий муҳитни шакллантириш мақсадларини ҳам кўзламоқда.

Мағкуравий жараёнлар фикр ва гоялар намоён бўлишининг амалий тизими сифатида инсон онигига йўналтирилгани, ўзига хос

мақсадлари борлиги билан характерланади. Улар күплаб одамлар қалби ва онгини эгаллаб олиш орқали ўзига хос таъсир қўрсатиш майдонини яратади. Бу майдон ичида турли халқлар, инсонлар фаолияти мужассамлашади.

Маърифий тараққиёт ва дунё халқлари ривожи шуни тақозо этадики, геосиёsat ҳам маълум бир мақсадларни кўзлар экан, у фақат инсоният орзу қилиб келган тинчлик ва барқарорликка, мамлакатлар ва халқлар равнақига, эркин ва фаровон ҳаёт куриш ғоясига мос бўлиши керак. У Ватан равнақи, Ўрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро тотувлик ва Диний бағрикенглик ғояларини ўзида мужассам этиб, ҳозирги геосиёсий мақсадларнинг бош мезонига айланиб бориши лозим. У но-соғлом мафкура ва ғояларни бошқа халқлар онгига, қалбига сингдириб, мафкуравий жиҳатдан дунёни бўлиб олишга эмас, ўзаро манфаатли ҳамкорликка, дунёвий муаммоларни ўзаро ҳамжиҳатлик билан ҳал этишга хизмат қилиши керак. Шу маънода, XXI асрда геосиёsatга замонавий ёндашув янгича маъно ва аҳамият касб этиб, дунё тараққиётига хизмат қиласди.

XX асрнинг охирида собиқ иттифоқнинг парчаланиши, унинг ҳукмрон мафкурасининг барбод бўлиши ва республикаларнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши минтақамизда нафақат ижтимоий-сиёсий жиҳатдан, балки янги мафкуравий вазиятни ҳам вужудга келтирди. Ушбу вазиятнинг моҳияти қатор жиҳатларга боғлиқ

Биринчидан, собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида коммунистик мафкура, минтақа халқлари азалдан қон-қардош бўлиши-га қарамасдан, уларни зўрма-зўраки «бирлаштириб» турган эди. У минтақа халқлари онгига зўравонлик билан "СССР - ягона Ва-тан" ва "Совет халқи - янги тарихий бирлик" деган тушунча-ларни сингдиришга зўр бериб уринар эди. Минтақа халқлари бундан қанчалик норози бўлмасин, ўз тарихий ва маънавий якинли-гига интилмасин, аммо бу интилишларга нисбатан мафкуравий тазийқ бениҳоя кучли эди.

Минтақадаги собиқ иттифоқдош республикалар мустақилликни қўлга киритиши билан бу мафкура барбод бўлди. Уларнинг ҳар бири олдида ўз ички ҳаёти ва истиқлонини мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш ва ўзлари учун мақбул бўлган тараққиёт йўлини белгилаб олишдек жуда мураккаб вазифалар юзага келди. Бу жараённинг минтақа мамлакатларининг ўзаро муноса-

батларини уйғунлаштириб тuriшга хизмат қиладиган маънавий-мафкуравий омиллар шаклланишига таъсир ўтказиши табиий.

Иккинчидан, минтақадаги мамлакатлар ўз мустақиллигини қўлга киритган бўлишига қарамасдан, 1991 йил ўрталаригача собиқ марказ ҳали ўз хукмонлигини қайтадан тиклашга мойил эди. Шунинг учун ҳам у минтақа мамлакатларини бир-бирига қара-ма-қарши қўйиш, миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқа-риш каби сиёsatни давом эттириди. Бу, ўз навбатида, ўша даврда, маълум даражада, минтақа ҳалқларининг ўзаро муносабатларига ҳам муайян таъсир кўrsатди.

Учинчидан, мустақилликни қўлга киритган минтақамиз мамлакатларини ўз таъсир доирасига ўтказиш учун яна бошқа қатор давлатлар ҳам ҳаракатни бошлаб юборди. Уларнинг кўпчилиги ташқаридан бегараз ёрдам кўрсатаётгандай бўлиб кўринсалар-да, аслида ҳар бир кўрсатаётган "ёрдамлари" эвазига минтақада ўз мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилгани сир эмас. Ана шу интилишлар ҳам минтақа мамлакатларининг мустақиллик шароитида юзага келган муаммоларни ўзаро яқдиллик билан ҳал қилишга хизмат қиладиган умумий омилнинг юзага келишига ўз таъсирини ўтказди.

Тўртинчидан, минтақада юзага келган муаммоларни ҳал этишга хизмат қилувчи янги маънавий-мафкуравий муҳитни шакллан-тириш эҳтиёжи ҳам ошиб борди. Бу борада узок вақт мустамлака сифатида яшаган республикалар зўравонлик билан ўтказиб ке-линган умумий тамойиллардан воз кечиб, ўзига хос тараққиёт йўлига ўтиб олишди. Аммо Афғонистонда уруш алангаси ўчмага-ни нафақат мамлакатимиз, балки минтақадаги барча мамлакат- " лар учун ҳам жиддий хавф-хатар манбанини вужудга келтирди.

Бешинчидан, Ўзбекистон ўзининг иқтисодий салоҳияти, хом ашё ресурсларга бойлиги, ишчи кучи ва демографик имконият-лари, геосиёсий жойлашувига кўра минтақада етакчи ўрин тута-ди. Бинобарин, Ўзбекистонга нисбатан бўладиган ҳар қандай хавф-хатар, албатта, бутун минтақага таъсир қиласи. Шу маънода, турли сиёсий кучлар ва ҳаракатлар минтақадаги вазиятни кес-кинлаштириш ҳамда минтақа давлатларини унга жалб қилиш-нинг турли йўл ва услубларини ишга solaётir. Аслида бу ури-нишларга минтақа мамлакатлари ва ҳалқлари ўртасида мавжӯд бўлган азалий дўстликка путур етказишига қаратилган мафкура-вий ҳаракатлар, деб баҳо бериш мумкин.

Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи, айниқса, глобаллашган дунё воқелиги шундан далолат бериб турибдики, алоҳида олинган бир давлатдаги можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кетмайди. Бир қанча сабабларга кўра, бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйлиб кетиши муқаррар. Бу эса эртами-кечми, қўшни давлатлар учун талай салбий оқибатлар келтириб чиқариши, жиддий муаммоларни кўндаланг қилиб қўйиши, ҳатто, минтақадаги вазиятни бутунлай издан чиқариши мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, можаронинг яширин ва ошкора тарзда байналмиллашувини тангликни чуқурлаштиради. Чунки турли мақсадларни кўзлайдиган ва танглик мавжуд бўлган ҳудудда ўз манфаатларини таъминлашга интиладиган ташқи кучлар ҳамма вақт шай туради.

Марказий Осиёning баъзи мамлакатлари ўз мустақиллигини қўлга киритиб, тараққиёт сари қадам ташлаётган ҳозирги шароитда ҳам жаҳондаги маълум бир сиёсий кучлар, мафкуравий полигонлар улкан иқтисодий салоҳият ва қулай геосиёсий мавқега эга бўлган бу минтақани ўз манфаатлари доирасига тортиш харакатларидан тўхтагани йўқ. Улар ўз мақсадларига эришиш учун таъсир ва босим ўтказишнинг барча шаклларини қўлламоқда. Жумладан, Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро муносабатлари жараёнинга тўскинлик қилиш, уларда турли сабабларга кўра (масалан, трансчегаравий дарёлар туфайли) бир-бирига нисбатан норозилик кайфиятини уйғотиш каби мафкуравий таъсир ўтказиш ҳолатлари содир бўлаётганини таъкидлаш мумкин. Шу мақсадда минтақада тарихан шаклланган ижтимоий-иктисодий, маданий, маърифий алоқаларни издан чиқариш, дўст ва қардош давлатлар, халқлар ва миллатлар ўртасига низо солиш, кескин-лик ўчоқларини келтириб чиқариш учун турли ғоявий, диний ва мафкуравий воситалар ишга солинмоқда. Айниқса, халқларимиз дунёкараши ва маънавиятида ислом динининг мустаҳкам ўрин эгаллаганидан фойдаланиб, уларга исломий "сабоқ" бериш, исломни қайта тиклаш байроғи остида минтақада диний экстремизм ва фундаментализмни кенг тарқатиш борасида олиб борилаётган кўпорувчилик харакатлари содир этилмоқда.

Аслида "фундаментализм" ва "экстремизм" ғояларининг Марказий Осиёга кириб келишидан кўзланган мақсад - диний қадриятларни қайтадан тиклаш эмас, балки ана шу ғоялардан восита сифатида фойдаланиш орқали минтақада бекарорликни, диний ва миллатлараро низоларни вужудга келтириш, охир-оқибат эса ҳоки-

миятни қўлга киритишидир. Бу уринишларда тузатиб бўлмас фожиаларга олиб келиши мумкин бўлган, тарих саҳифасида қолиб кетган халифаликни тиклаш ғоясига ҳам зўр берилмоқда. Ана шу йўлда ислом фундаментализми вакиллари, ҳатто диний эътиқод даражасида, инсон қалби маънавий бойлигининг ажралмас қисми бўлган миллий ўзига хосликни "курбон" қилиш ғоясидан ҳам той-маяпти. Айнан ана шу ҳатти-харакатлар бугунги кунда ўз мавқеи-дан бутунлай маҳрум бўлган марксизм-ленинизм таълимотини эс-латиб туради. Масалан, Россияда марксистларнинг энг жангари оқими - большевиклар миллати ва ирқидан қатъи назар, дунёда яшаётган барча ҳалқларни бирлаштириш ғояларини илгари су-риб, террор йўли билан ҳокимиятни қўлга киритган эди. Уларнинг асосий фожиаларидан бири ҳам миллий ва диний омиллар ҳамда тадрижий тараққиёт тамойиллари аҳамиятини тан олмаганларида эди. Шунинг учун ҳам улар тарихда зўравон экстремистик ғоялар тарғиботчи ва амалиётчилари сифатида ном қолдириди.

Бугун диний экстремизм ҳамда фундаментализм тарафдорла-ри томонидан Марказий Осиёда олиб борилаётган қўпорувчилик ҳамда террористик харакатлар ҳам ана шундай мақсад, йўл ва услубларга таянмоқда. Диний экстремизм ва фундаментализмнинг минтақамиз, хусусан, мамлакатимиз тараққиётига хавф түғди-раётганини Президентимиз теран англаб, бу қандай даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан ҳаммамизни огоҳ қил-ган эди. Тошкентда 1999 йил февраль фожиалари содир этилмас-дан икки йил олдин Президент И.А. Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли фундаментал асарида шундай деб ёзган эди: "Кўплаб сиёsatчилар, олимлар, журналистлар XX аср охирида юз берган "ислом уйғониши", "қайта ислом-ланиш", "ислом феномени" ва бошқа турли-туман номлар билан аталган ҳодисанинг сабабларини тушунтириб беришга ҳаракат қилдилар. Бу тушунчалар ҳақида мунозара га киришмаган ҳолда, эътиборни жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ислом қадриятларини тик-лаш байроғи остида рўй беряётган ҳодисалар ғоят хилма-хил, кўп қиррали, баъзан зиддиятли ва ҳатто қарама-қарши қутбли эканлигига қаратмоқчиман. Шу билан бирга, аниқ-равшанки, жа-ҳон жамоатчилиги бу жараёнларга жуда катта қизикиш билан карабгина қолмаяпти. Унинг диний экстремизм ва фундаментализм каби кескин ҳодисалар муносабати билан безовталанаётган-лиги баъзан эса, ҳатто хавфсираётгани ҳам кўзга ташланмоқда.

Афсуски, ҳозирги замон шароитида ана шу ўта кескин кўриниш-лар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлиги инсо-нийатни чўчитяпти. Шундан дарак берувчи фикрлар анча-мунча тўпланиб қолган. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назаридан қараганда, бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқ-да". Бу фикр ҳақиқат бўлиб чиқди. Экстремистлар 1999 йилнинг 16 февраляда ўзларининг қора ниятларига эришиш мақсадида Тошкентда қўпорувчиликни амалга оширди. Бу қўпорувчилик харакатлари орқасида катта кучлар борлиги аён бўлиб, уларнинг мақсади, Президентимиз таъкидлаганидек, ҳалқимизнинг тинч-лигини бузиш, қўрқитиш, юрагига вахима солиш, юритаётган сиёсатимизга ишончини сўндириш, амалга ошираётган улкан иш-ларга зарба беришдан иборат эди.

Хўш, нима учун бу фожиалар Ўзбекистонда содир этилди, унинг Марказий Осиёдаги бошқа давлатларга таъсири бўлиши мумкинми-ди? Бунинг асосий сабаби шуки, юртимизда олиб борилаётган сиё-сатнинг ютуқлари жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқ-да. Нисбатан қисқа давр ичida Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий жиҳат-дан барқарор, умуминсоний қадриятлар устувор бўлган, маънавий мерос ва диний қадриятларни тиклаб, инсон хукуқларини устувор соҳа даражасига қўтара олган мамлакатга айланди. Ҳалқининг Прези-дешта, давлатга ишончи ниҳоятда мустаҳкам бўлган Ўзбекистон Мар-казий Осиёда барқарорликни таъминлаш ва минтақа давлатларининг ўзаро интеграциялашуви жараённида етакчилик қилмоқда. Худди мана шу гоят муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллар ҳалқимиз ва мамлака-тимиз таракқиётининг душманларини вахимага солмоқда.

Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликнинг на-қадар зарурлиги, умуминтақавий мафкуравий тамойилларга эҳтиёж Ўзбекистоннинг бу жараёндаги ўрни ва роли нақадар кат-та эканлиги Қирғизистонда, унинг жанубида, Ўш ва Жалолобод худудларида рўй берган можаролар мисолида янада яққол намо-ён бўлди. Турли муаммолар ва можаролар исканжасига тушган бу жойлардан ҳаёти хавф остида қолган 150 мингдан ортиқ қочоқ-лар мамлакатимиздан ўз юртларига қайтиб кетганларига қадар бошпана топдилар. Марказий Осиёни "ёқиб" юбориш мумкин бўлган уруш хавфининг олди олинди, мамлакатимиз аҳолиси ҳаётида

Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараккиёт йўлида. 6-жилд. -Т.: "Ўзбекистон", 51-52-бет.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва Халқ фаровонлиги ғоялари ус-тувор бўлган миллий истиқлол ғоясининг қадри ва аҳамияти на-моён бўлди. Агар минтақада душманларимиз мўлжаллаган мақ-садлар амалга ошса, бу нафақат бизда, балки бутун минтақа дав-латларида ҳам кўплаб салбий жараёнлар содир бўлишига сабаб бўлиши, минтақавий муносабатларга ўзининг улкан салбий таъ-сирини ўтказиши мумкин эди. Фанимларнинг амалга оширган ҳара-катлари билан кўзлаган мақсадига етмади ва етолмайди ҳам.

Умуман, Марказий Осиё халқлари ўзаро ҳамкорлиги ва дўстлигининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, минтақа туб халқларининг маънавий илдизлари бир, руҳи, турмуш тарзи яқин, улар ана шу бой манбадан бирдек баҳра олади. Шу маънода, улар бирлигини мустаҳкамлаш умумминтақавий маънавий юксалишга ижобий таъсир этиши шубҳасиз. Бу жараёнга қарши қаратилган ҳар қандай мафкуравий таъсир ёки террористик ҳаракатлар умум-минтақавий қаршиликка учрамоги ва барбод бўлмоги лозим.

Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар тизимида Афғонистонда давом этаётган уруш ҳам алоҳида ўрин эгаллаб туриб-ди. Ўттиз йилдан буён давом этиб келаётган ҳарбий можаролар оқиба-тида умуминсоний цивилизациядан узилиб қолган Афғонистон худу-ди халқаро террорчилик ва диний экстремизм, қурол-яроғ ва гиёх-ванд моддаларнинг ноконуний савдоси ўчоги бўлиб қолди. Бу эса турли зарарли ғояларнинг террорчилик, таҳдид ва таҳлика йўли билан бу-тун минтақага ёйилиш хавфини тугдирмоқца. Мустақил тараққиёт, эркин ва фаровон ҳаётга бўлган ишонч - эътиқодни мустаҳкамлаш йўлида хавф-хатарларнинг олдини олиш учун муттасил огоҳ бўлиб яшаш, биргаликда кураш олиб бориш минтақа халқлари учун ҳаётий заруратга айланниб қолди. Шу маънода, Узбекистоннинг "6+3" тамо-йилини қўллаш тўғрисидаги ташаббуси мухим аҳамиятга эга.

Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг Шанхай Ҳам-корлик Ташкилоти доирасидаги учрашувлари умумий хавфсиз-ликни таъминлаш, минтақа халқларининг ўзаро дўстлигини мус-таҳкамлаш ва мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкони-ятини беради. Шу маънода, Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлигига, мазкур минтақада яшовчи халқлар-нинг хавфсизлигига дахл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари, имкониятлари, салохи-ятларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш, айниқса, мухим.

Хуллас, бугунги қунда минтақанинг мағкуравий манзарасини соғломлаштириш, умумий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш минтақадаги барча мамлакатларнинг истиқболини ҳам бир қадар белгилаб беради. Шу билан бирга, бу минтақада яшаётган халқларнинг азалий ҳамкорлиги ва яқинлигини мустаҳкамлаш ҳам ўта муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолаверади. Худди шунингдек, минтақдга қарши қаратилган мағкуравий таъсирларга қарши курашни кучайтиришда умумминтақавий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашнинг аҳамияти ҳам ошиб бораверади.

21-мавзу. Мустақиллик ва янги ғоялар тизимининг шаклланиш жараёни

Дунёда янги жамиятни барпо этиш ва унга мос ғоялар тизими ни шакллантиришнинг тайёр андозаси йўқ. Бу борада ҳатто жаҳондаги энг юксак ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳам тўла-тўқис қўллаш қийин. Чунки ҳар бир мамлакат ҳаётининг таркибий тузилиши, халқининг менталитети, аҳоли таркиби ва тараққиёт тамойиллари бошқа давлатникига айнан ўхшамайди. Баъзи мамлакатларда яхшигина самара берадиган ғоявий тамоийиллар ўзга давлатларда ҳеч қандай натижа бермаслиги ёки аксинча, муаммоларни янада чуқурлаштириши ҳам мумкин.

Шу боис юртимиз истиқлолга эришганидан кейин тараққиёт тамойиллари танлаб олинаётганида ривожланган мамлакатлар тажрибаси билан бирга, халқимизнинг тарихий қадриятлари, менталитети, турмуш ва тафаккур тарзи, миллий давлатчилик анъаналари, халқимиз бошидан кечирган тарихий синовлар ва уларнинг сабоқларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ватанимиз мустақилликни қўлга киритгач, ҳаётимизда туб ўзгаришлар юз берди, халқимиз табиати ва дунёқарашига ёт бўлган мустабид тузум ва унинг мағкураси барҳам топди. Ўз умрини ўтаб бўлган эски мағкура ўрнида янги ижтимоий муносабатлар, халқнинг асл мақсад-муддаоларини ифода этувчи илғор ва бунёдкор таълимот - миллий истиқлол ғояси шаклланди.

Юртимизда шаклланаётган янги ғоялар тизимининг асослари қандай яратилди? Ушбу йўналишдаги устувор вазифалар нималардан иборат? Президент Ислом Каримовнинг асарларида, айниқса, «Юксак маънавият - енгилмас куч» китоби ва "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да ушбу саволларга тўлиқ жавоб берилган. Бундай мақсад жамият ҳаётининг барча

соҳаларига дахлдор кўпдан-кўп сиесий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий вазифаларни амалга оширишни такрзо этмоқда.

Инсоният тарихида рўй берган турли воқеалар, ислоҳотлар ва туб бурилиш жараёнларининг таҳлили шундан далолат бера-дики, ҳеч бир мамлакатда янги жамият барпо этиш ва унга мос foялар тизимини шакллантириш, бирданига, бир кунда амалга ошиб қоладиган оддий ҳодисалар эмас. Балки бу ҳар бир давлат ва жамият ҳаётида, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда кечадиган мураккаб ва серқирра жараён-ларнинг ҳосиласи, муайян муддатда рўй берадиган ўзгаришлар-нинг натижасидир.

Маълумки, собиқ тоталитар foя ва якка мафкура тизими янги жамият қуриш талабларига мос келмаслиги табиий эди. Шу са-бабдан ҳам ўтган йилларда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳала-рида бўлгани каби, foя ва мафкура соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Мазкур жараённинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган асосий жиҳатлар мамлакатимизда амалга оширилган туб исло-ҳотлар ва ўзгаришлар билан узвий боғлиқ.

Бу, аввало, собиқ иттифоқнинг парчаланиши ва мамлакати-миз мустақиллигининг қўлга киритилиши тасодиф ёки "фожиа" эмас, балки тоталитар тузум ва коммунистик мафкурага хос кўплаб ижтимоий, иқтисодий, сиёсий зиддиятлар асосида содир бўлган қонуният эканидан далолат беради. Шу маънода, мустақиллик осон ва ўз-ўзидан қўлга киритилмаган, яъни Ўзбекистоннинг истиқло-ли кимнингдир инъоми эмас, балки муттасил курашлар натижа-сида қўлга киритилган улкан тарихий ютуқдир.

Мамлакатимиз истиқлолага эришган дастлабки кунлардан бош-лаб ўзи учун бозор муносабатларига асосланган хукукий демок-ратик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган мустақил тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олди. Бу ҳалқимиз ва жамиятимиз тарихи ҳамда бугунги ҳаётини белгилайдиган тад-рижий хусусиятларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳозирги замонда бутун дунё ва Ўзбекистонда рўй бераётган жараёнлар-нинг келажагини олдиндан кўра билиш асосида танлаб олинган тараққиёт йўлидир. Мазкур тараққиёт йўли, ўз навбатида, исло-ҳотларнинг дастлабки йилларидан бошлаб, бошқа мамлакатлар-да турли соҳаларда рўй берган шошма-шошарлик ва бузилиш-ларнинг олдини олиш имконини берди, демократиянинг ҳалқарб андозалари ҳамда миллий анъаналарга содикликнинг асосий оми-ли бўлди.

Шу маънода, Ўзбекистондаги бугунги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти барпо этишда ҳам ана шундай омиллар таъсирини, мазкур жараённинг самарали кечишини таминлаётган бунёдкор ғоялар аҳамиятини англаб олиш ниҳоятда муҳим. Зеро, янги ғоялар тизимининг шаклланиши рес-публикамиз миллий мустақилликка эришганидан бўён узлуксиз рўй бераётган барча ижтимоий-иктисодий, сиёсий-хуқуқий ва маънавий-маърифий ислоҳотларнинг асосий бўгини, уларнинг мазмун-моҳиятини белгиловчи мезонлардан биридир. Бу жараён дастлабки йилларда собиқ иттифоққа хос бўлган тоталитар ту-зум, якка мафкурага асосланган сиёсатнинг таназзули, фикр қул-лиги ва қарамлигига таянадиган ижтимоий тафаккур тамойилла-ридан воз кечиши сифатида рўй берди. Ўша даврда жамиятда ана шу тузум ўрнида шаклланаётган янги давлат ва жамиятнинг тар-кибий қисмларини яратиш, бунда янги ғоялар тизимига хос бўлган умуминсоний андозалар ва миллий хусусиятлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этган эди.

Мустақилликни мустаҳкамлаш жараёни бу вазифаларни мут-тасил ҳал қилиш, ғоявий тарбия ишларини доимий олиб бориш, ўсиб-униб келаётган ёш авлод мафкуравий иммунитетини узлук-сиз шакллантириб туришни заруратга айлантириди. Мамлакатимиз ривожланишига хос ғоявий тамойилларнинг ҳаётбахшлиги тарақ-қиётнинг ўзбек моделини амалга оширишда яққол намоён бўлди. Жаҳонда тан олинган бу модельнинг рационал мағзи жамиятни ин-қиlobий тарзда эмас, балки эволюцион - тадрижий равища ислоҳ этиш ғоясини босқичма-босқич амалга оширишни назарда тутади. Унинг кўпчилик бошқа миллий моделлардан фарқ қиласидан хусу-сияти шундаки, у фақат иктисодий ривожланиш эмас, балки кенг маънодаги янги жамиятни барпо этиш моделидир. Бу борада жаҳон тажрибасида мавжуд бўлган Германия, Швеция, Япония, Жану-бий Корея, Франция, Хитой каби мамлакатларнинг тараққиёт мө-деллари кўпроқ иктисодий моделлар эди. Улар сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётни тубдан янгилашни назарда тутган эмас. Ушбу мамлакатларнинг бирортасида, иктисодий ислоҳотлар даврида, миллий давлатчиликни, маданий мерос ва она тилини қайта тик-лаш сингари масалалар ҳам долзарб бўлмаган (фақат Жанубий Кореяда давлат курилиши муҳим аҳамият касб этган). Улардан фарқли равища, ўзбек модели иктисодий муносабатларни ислоҳ қилиш билан бирга, давлат қурилиши, жамиятни демократиялаш-тириш, мулкдорлар синфини, хусусан, ўрта синфи шаклланти-

риш, кадрлар тайёрлаш, маданий мерос ва маънавият билан боғ-лик бошқа кўплаб соҳаларни қамраб олади. Бу унинг ўзига хос устувор хусусиятларидан бири бўлиб, уни амалга оширишда жа-миятни ислоҳ этишнинг чуқур илмий асосланган машхур беш та-мойили муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тараққиётнинг ўзбек модели мамлакатимиз ривожининг гоявий тамойиллари билан узвий боғлиқ. Мустақилликни мустаҳкамлаш, янги ҳаёт барпо этиш жараёнида бу тамойиллар халқимизни пи-ровард мақсадлар йўлида уюштирувчи омил, ижтимоий фаоли-ятнинг маънавий мезони сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолаве-ради. Бу йўлда халқимизнинг асрий анъаналарига, миллий қад-риясларимизга таяниб, ривожланган мамлакатларнинг илгор таж-рибаларидан ижодий фойдаланиб, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Бугунги кунда юр-тимиизда яшайдиган барча инсонлар учун миллати, тили ва дини-дан қатъи назар, муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривож-ланган демократик мамлакатлардаги каби кафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш — давлатимиз сиёсати-нинг мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Демократик ҳуқуқий давлат куриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда янги гоялар тизимини шаклланти-риш - узок давом этадиган, узлуксиз жараён. Президент Ислом Каримов асарларида бу жараённинг қонуниятлари, асосий тамой-иллари ва ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилган. Ушбу асар-лар асосида мазкур жараённи таҳлил қилиш, уни ўз моҳияти, мазмуни ва аҳамиятига кўра икки босқичга бўлиш мумкинлиги-дан далолат беради:

Биринчи босқич, 1991 йилдан 2000 йилгача - биринчи навбатдаги ислоҳотлар ва ўтиш давридаги ўзгаришлар ҳамда миллий давлатчи-лик асосларини шакллантириш босқичи. Бу босқичда янги мустақил демократик давлат пойdevori яратилди, давлат бошқаруви тизими, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд бўғинлари ташкил қилинди, миллий давлатчилик тикланишининг ишончли ҳуқуқий асо-си барпо этилди, ижтимоий ва фуқаролик институтлари шаклланишига асос солинди, эркин бозор иктисади йўлига ўтилди.

Биринчидан, ушбу тамойилларни ҳисобга олган ҳолда давлат ва иктисадиётнинг тоталитар, марказлашган тизимини ўзгарти-риш, мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий ва давлат курилишининг-янгича асосларини шакллантириш, марказ ва жойларда ҳокими-ятнинг конституциявий, вакиллик органларининг яхлит тизими-

ни барпо этиш бўйича ишлар мақсадга йўналтирилган ҳолда бос-қичма-босқич амалга оширилди.

Иккинчидан, мاشаққатли ўтиш даврида қабул қилинаётган қонунларни амалга жорий этиш, фуқаролар хуқуқ ва эркинликла-рини ҳимоя қилиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга қодир бўлган ижроия ҳокимиятининг самарали тизими ва тузил-маларини яратиш муҳим аҳамият касб этди. Туб маъмурий исло-хот ўтказилди: марказлашган-режалаштирувчи, тақсимловчи ти-зим таянчи - Давлат режалаштириш, Давлат таъминот, Давлат нарх, Давлат агросаноат қўмиталари тарқатиб юборилди, кўп сон-ли соҳаларга тегишли вазирликлар бекор қилинди, маҳаллий хуку-мат органлари қайта ташкил этилди - вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар институти таъсис этилди. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизими - "маҳалла" институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилди.

Учинчидан, жазоловчи ҳамда фақат давлатнинг манфаатлари-ни ҳимоя қилувчи орган бўлган судни қонуннинг устуворлиги ва инсон хукуқларини таъминловчи органга айлантиришга йўналти-рилган суд ҳокимиятининг яхлит тизимини шакллантириш вази-фаси қўйилди ва муваффақиятли уддаланди. Конституциявий суд, Умумий юрисдикция судлари, Хўжалик судлари шакллантирилди. Суд-хуқуқ тизимининг қонунчилик асосини яратувчи, жино-ий, жиноий-процессуал ва бошқа тизим ташкил этувчи қонунлар тасдиқланди.

Тўргинчидан, қисқа мuddатда мустақилик, конституциявий тизим, ҳудудий яхлитлик, жамоатчилик тартибининг ишончли ҳимоясини, ҳалқаро террорчилик, экстремизм ва гиёҳвандлик та-жовузининг ўсиб бораётган таҳдидига қарши туришни таъминлов-чи миллий хавфсизлик органлари тизими шакллантирилди. Ҳудуд-даги сиёсий вазият, мамлакат хавфсизлигига нисбатан замонавий таҳдидларнинг чукур таҳлили асосида "Ўзбекистон Республикаси-нинг ҳарбий доктринаси тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси-нинг миллий хавфсизлик Концепцияси тўғрисида"ги қонун хуж-жатлари ҳамда мамлакатда тинчлик, осойишталик ва барқарор-ликни таъминлашга имкон яратувчи хавфсизликни таъминлашнинг яхлит тизими амал қилиши учун мустаҳкам хукукий асос яратган бошқа хужжатларнинг бутун бир туркуми қабул қилинди.

Парламент омбудсмани, Инсон хукуqlари бўйича миллий мар-каз сингари қатор фуқаролик ҳамда ижтимоий институтларни шакллантириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор кара-

тилди. Шахс, оила хуқук ва манфаатларини химоялаш, аҳоли-нинг хуқуқий маданияти ва хуқуқий онгини ўстириш ҳақиқий де-мократик хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг на-фақат мақсади, балки энг муҳим шарти қилиб белгиланди.

Шундай қилиб, бу даврда фуқаролар хуқуқ ва эркинликлари-нинг зарурий кафолатларини таъминловчи демократик тамойил-ларни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ қилиш бўйича дастлабки ва-зифалар ҳал қилинди. Жамият қурилишининг ушбу даври давлат-нинг фаол ислоҳотчилик ролини, асосий ваколотларни унинг кўлида жамлашни тақозо этди. Фуқаролик жамияти асосларининг шакл-лантириш жараёни бораётган ўтиш даврида аҳолининг турли қат-ламлари манфаатларини ифодаловчиси бўлган ривожланган кўппар-тиявийлик тизими ва бошқа жамоат ташкилотлари сингари демократик институтларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этди.

Жамиятдаги ижтимоий гурухларнинг манфаатларини ифода-лаш ва химоя қилишга қодир бўлган партиялар учун мақбул сиёсий макон яратиб берилиб, ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги белгилаб кўйилди.

Сиёсий партиялар фаолиятининг конституциявий-хуқуқий асослари яратилди, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992), «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги (1991), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га сайлов тўғрисида»ги (1993), «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги (1994), «Фуқаролар сайлов хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (1994), Ўзбе-қистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995-1996), «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги (1996), «Нодавлат нотижорат таш-килотлари тўғрисида»ги (1999) қонунлар қабул қилинди.

Шундай қилиб, бу даврда фуқаролар хукуқларининг зарурий кафолатларини таъминловчи демократик тамойилларни амалга ошириш, эркин сайлов тизимини шакллантириш бўйича асосий вазифа-лар ҳал қилинди. Фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни бораётган ўтиш даврида аҳолининг турли қатламлари ман-фаатларини ифодачиси бўлган кўппартиявийлик тизими ва бошқа жамоат ташкилотларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси (1991), Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (1995), Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси (1995), Ўзбекистон «Фидокорлар»

миллий демократик партияси (1998) ташкил топди. Олий Мажлис ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар кўп партиявийлик асосида ўтиши мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг таркибий қисмига айланди.

Ислоҳотлар ушбу босқичининг асосий вазифаси мамлакат ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштиришни янада чукурлаштириш, республикамиз тараққиёти учун объектив зарурат бўлган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтиш-дан иборат. Бу жараёнда эркин сайловлар тизимини такомиллашти-риш, давлат бошқарувини янгилаш ва жамиятни янада демократ-лаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар-нинг ролини кучайтиришга алоҳида аҳамият берилди.

Иккинчи босқич, 2001 йилдан кейинги йиллар - мамлакатни фаол демократик янгилаш ва модернизациялаш давридир. Ислоҳотлар ушбу босқичининг асосий вазифаси ўтиш даври ва мил-лий давлатчиликнинг тикланишида объектив зарурат бўлган куч-ли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига изчил ҳамда босқич-ма-босқич ўтишдир.

Мазкур босқичда амалга оширилган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари ва вазифалари қўйидагилардан иборат бўлди:

- мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият курилишини эркинлаштириш;
- фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва инсоннинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариши учун тегиш-ли шартшароит яратиш;
- жамиятимизда мавжуд бўлган турли қатламлар, манфаат-лар, кучлар ва харакатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлай-диган самарали механизмни янада такомиллаштириш;
- фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлган нодавлат ва жамоат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамиятини кескин кучайтириш, бошқача қилиб айт-ганда, «Кучли давлатдан - кучли жамият сари» деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш;
- қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилин-ган ва амалда бўлган меъёрий хужжатларни ҳаётга жорий қилиш-да давлат ҳокимиёт органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш;
- фуқаролик жамияти институтлари ва ўзини-ўзи бошқа-риш органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-хуқуқий механизмларни вужудга келтириш;

— сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорлар қабул қилишдаги роли ҳамда таъсирини тубдан кучайтириш ва бошқалар.

Ўсиб бораётган ижтимоий фаоллик, кишиларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгида юз бераётган чуқур ҳамда сифатли ўзгариш-лар ҳозирги босқичда мамлакатимиз эришган ютуқларнинг энг муҳим ва белгиловчи омилидир. Жамиятнинг сиёсий тизимини такомиллаштириш - босқичмабосқич амалга ошадиган доимий жараён. Шуниси ҳам ҳақиқатки, Ўзбекистонда сайлов тизими де-мократик асосларининг ривожланиш ва тикланиш тажрибаси ил-гор мамлакатлардаги кўп асрлик тажрибага қиёслаганда ўзига хос жиҳатларга эга. Бироқ, қисқа муддат ичида мамлакатда кўппар-тиявийликнинг ҳуқуқий асоси яратилди, вакиллик ҳокимияти за-монавий тизимининг жадал ривожланиш жараёни бормоқда.

"Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" дасту-рий вазифасининг мазмун-моҳияти шундан иборатки, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий қудрати мустаҳкамланиб, жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий маданият савиаси юксалиб боргани сари мамлакатни ислоҳ қилишининг танлаб олинган шакли мантифи-нинг ўзи мамлакатни келгусидаги демократик янгиланиш бораси-даги вазифалар ва энг аввало, бошқаришда фуқароларнинг ролини кучайтириш борасидаги вазифаларни илгари сура бошлайди.

Бу, биринчи навбатда, давлатнинг ролини босқичмабосқич ва изчил камайтириб бориш ҳамда бир вақтнинг ўзини фуқаролар-нинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалланинг вазифалари ва ваколатларини кенгайтириш, аҳолининг турли қатлам ҳамда гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи ва химояловчи сиёсий, ижтимоий институтларнинг ролини оширишга доир масалаларга тегишли. Шуниси ҳам ўта муҳимки, улар марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантиришда, уларнинг фаолияти ус-тидан назоратни амалга оширишда фуқаролар иштирокини кен-гайтириш масалаларига ҳам тегишли.

Аҳолининг кенг қатламлари қўллаб-куватлайдиган, халқ ора-сида чуқур илдизга эга бўлган мустақил, мустаҳкам, барқарор, ихчам турли туман фуқаролик жамияти институтларини ривож-лантириш ҳам Ўзбекистонда ривожланган бозор иқтисодиёти би-лан демократик жамият куришининг энг муҳим таркибий қисмига айланмоқца. Халқнинг анъаналари ва маданиятини акс эттирувчи,-асрлар давомида шаклланган ўзини ўзи бошқариш тажрибаси за-монавий демократик жараёнларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Парламентаризмни ривожлантириш демократиялаштириш жараёнининг яна бир таркибий қисми бўлди. 2005 йилдан вакиллик ҳокимиятининг икки палатали тизимга ўтиши Ўзбекистон парламенти ривожланиши натижасидир. Ҳозирги вақтда мамлакатда қўйи Қонунчилик палатасида ўз фракциялари, жойларда эса депутатлик гурухлари орқали фаолият кўрсатадиган тўртта сиёсий партия ҳаракат қилмоқда. Маҳаллий сайлов тузилмалари (ҳаммаси бўлиб 14 субъект) вакиллик органи бўлган мамлакат парламентининг юқори палатаси - Сенатнинг шакллантирилиши қонунчилик ҳужжатлари ва меъёрларини тайёрлаш ҳамда қабул қилишда аҳолининг иштирок этиш имкониятларини тубдан кенгайтириб юборди. Шу аснода яна бир муҳим ҳолат, сайлов натижаларига кўра, мамлакат тарихида илк бор Олий Мажлис қўйи палатасида парламент мувозанати - парламент кўпчилиги ва муҳолиф парламент озчилиги ташкилий расмийлаштирилди. 2005 йилнинг январидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида парламент фаолияти, қонун ишлаб чиқариш жараёнида сиёсий рақобатни таъминлаш тажрибасини амалда ўрганаётган иккита йирик партия блоклари фаолият кўрсатди. Жамиятнинг сиёсий ҳаётида аёлларнинг ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"ги (янги таҳrir) Қонуннинг 22-моддаси: "Аёлларнинг микдори сиёсий партиялардан депутатликка номзодлар умумий сонининг ўттиз фоизидан кам бўлмаслиги лозим", деган тўртинчи қисм билан тўлдирилди.

Айнан ана шу даврда ЎзЛиДепнинг ташкил топганлиги ҳам мамлакатимизда тадрижийлик тамойилига мос тарзда олиб борилган ислоҳотларнинг натижасидир. Иқтисодий йўналишдаги босқичма-bosқич ислоҳотлар, мулк соҳасида рўй берган ўзгариш-лар, мулкдорлар қатламини шакллантириш эҳтиёжи 2003 йилда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партиясини вужудга келтирди.

Мазкур жараёнлар билан боғлиқ ислоҳотларнинг мазмун-моҳијати Президентимизнинг 2000 йил 22 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз», 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидағи «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» номли маърузаларида асослаб берилган. Шу билан бирга, бу бора-

да Президент Ислом Каримовнинг 2000 йил 2 июндаги «Жамият-нинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъ-минлаш бўйича дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тад-бирлар тўғрисида»ги Фармони, 2005 йил 10 мартағи «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дасту-ри тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Эркин сайловлар тизимини такомиллаштириш ва жамиятни янада демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ролини кучай-тириш жараёнининг ушбу босқичида амалга оширилган ислоҳот-ларнинг ҳукуқий негизи ниҳоятда мустаҳкам эканини алоҳида таъ-кидлаш лозим. Бу борада «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти "ташкил этилишининг асосий принципларини тўғрисида»ги (2002), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида»ги (2002), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси тўғрисида»ги (2002), «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модер-низация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги (2007), Конституциявий қонунлар, «Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрир) (2003), "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги (2004), "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги (2007), "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари та-комиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республика-сининг айrim қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги (2008) қонунлар муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, 2004 йил декабрдаги сайловлар кескин ракобат мухитида ўтди, Олий Мажлис Конунчилик палатасининг 120 де-путати сайланди. Бунда Ўзбекистон Либерал-демократик партия-сидан 34,2%, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 23,3 % депутатлар сайланган бўлса, "Фидокорлар" партиясидан 18, "Миллий тикланиш" партиясидан 11, "Адолат" партиясидан эса 10 депутат сайланди. 2008 йилнинг 20 июнида "Миллий тикла-ниш" демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партиясининг бирлашув курултойи қарорига кўра, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси тузилди.

2008 йилнинг январидан кучга кирган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модер-низация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш

тўғрисида"ги Конституциявий қонун бу борадаги имкониятларни янада кенгайтирди. Мазкур қонун мамлакатимизнинг хуқуқий де-мократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил ва олға қараб боришида яна бир мухим қадамдир.

Бугунги кунда Қонунчилик палатасида тўртта сиёсий партия ўз фракциялари, жойларда эса депутатлик гурӯхлари оркали фа-олият кўрсатмоқца. Мамлакат парламентининг юқори палатаси -Сенатнинг шакллантирилиши қонунчилик хужжатларини қабул қилишда аҳолининг иштирок этиш имкониятларини янада кенгай-тириб, худудларнинг манфаатларини устувор таъминланиши учун имконият яратди. Бунда Ўзбекистон Либерал-демократик партия-сидан 51, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 32 депутат сайланган бўлса, "Миллӣй тикланиш" партиясидан 31, «Адолат» партиясидан 19, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан 15 нафар депу-тат сайланди.

Умуман олганда, Ўзбекистонда ўзининг янгиланиш ва тарақ-қиёт модели асосидаги давлат ва жамият қурилиши тизимини ривожлантириш кўйидагиларга имкон яратди:

- биринчидан, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ти-зимни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларининг бос-қичма-босқичлиги ва изчиллигини таъминлаш;
- иккинчидан, миллӣй анъаналар ва қадриятларни авайлаб-асрашни кўзда тутувчи миллӣй давлатчиликни тиклаш;
- учинчидан, хуқуқий давлат қурилишининг устувор йўна-лишлари, вазифалари ва тамойилларини белгилаш ҳамда давлат ва жамият институтлари тизимининг янада шаклланиши, мус-таҳкамланишига кўмаклашиш;
- тўртинчидан, таъсирчан кўп partiyaийлик тизими ва бошка жамоат ташкилотларини вужудга келтириш, давлат марказий органларининг айрим ваколатлари ва вазифаларини маҳаллий ҳокимият органлари, ижтимоий тузилмалар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ва изчил ўтка-зишни кўзда тутувчи "Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жа-мияти сари" концепциясини хаётга жорий қилиш.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда сиёсий соҳадаги ис-лоҳот ва модернизация стратегиясини амалга ошириш эркин сай-ловлар ва сиёсий партияларнинг жаҳон андозалари ва жамияти-миз тараққиёти тамойилларига мос янги тизими шаклланишига олиб келди. Бу ўтказилаётган ислохотларнинг тизимлилиги, из-чиллиги ва узвий боғлиқлигини кўрсатиб турибди.

Жамият хаётида янги гоялар тизимини шакллантиришнинг асосий тамойиллари орасида умуминсоний жиҳатлар ва миллий хусусиятларга таяниш зарурати алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур жараён ана шу иккита омил асосида амалга ошаётганли-ги ва уларнинг ҳар бирига хос ривожланиш қонуниятларини ўзида уйғунлаштиргани билан тавсифланади. Бу нуқтаи назардан мам-лакатимизга хос янги гоялар тизими шаклланишининг қўйидаги тамойиллари алоҳида ажралиб туради:

1) тарихийлик, яъни шу соҳада инсоният тараққиётининг ҳозирги давргача бўлган ютуқларига асосланиш билан бирга, ҳалқимизнинг шу кунгача эришган барча ютуқлари, амалий фаолияти натижаларидан, миллий қадриятлари, маънавий бойликлари ва анъаналаридан унумли фойдаланиш;

2) тизимлилик - жамият хаётининг ижтимоий-сиёсий, иқти-садий, маънавий-маърифий соҳаларида амалга оширилаётган ўзгаришларни бир бутун ва яхлит жараён сифатида қараш;

3) ижтимоий ўзгаришларнинг ортга қайтмаслиги, доимо ўтмиш-дан бугун орқали келажак томон узлуксиз жараён сифатида амалга ошишини ҳисобга олиш. Шу асосда янгиликлар орасидан ижобий жиҳатлар ва хусусиятларга эга бўлганларини ажратиб олиш, тан-лаш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш;

4) умуминсонийлик ва миллийлик тамойиллари ҳам янги гоялар тизими шаклланишида муҳим ўрин тутади. Жамиятимизни янги-лашда, бир томондан, юртимиз тарихи, миллий анъаналар ва ҳалқимизнинг ўтмишда тўплаган тажрибаси, иккинчи томондан эса, бугунги дунёда рўй берәётган ўзгаришлар ва янгиланишлар, умумбашарий андозалар муҳим аҳамият касб этади. Бу, аввало, Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисми ва ҳалқа-ро муносабатларнинг teng хукуқли аъзоси сифатидағи ўрни, мав-кеини белгилашнинг асосий омилларидан бири бўлмоқда;

5) янги гоялар тизими шаклланиши кўпмиллатлилик ва кўп конфессиялик шароитида жамиятнинг барча аъзолари, аҳоли қатламларининг ҳамжиҳатлиги ва ижтимоий бағрикенглик тамойили-га ҳам асосланади. Бу тамойил истиқлоннинг дастлабки кунларида-ноқ мамлакат ҳаётини демократлаштириш ва либераллаштириш-нинг асосий омилларидан бири сифатида қаралгани бежиз эмас;

6) анъанавийликка таяниш ва янгиланишга интилиш тамойили ҳам Ўзбекистонда янги гоялар тизими шаклланиши жараёнининг таркибий қисмидир. Яъни, Ўзбекистон мисолида янги гоялар тизи-ми шаклланиши жараёнини илмий-фалсафий нуқтаи назардан ўрга-

ниш, унинг бир-бiri билан узвий алоқадор тушунчалар, чунончи, "анъана ва янгиланиш", "инкор ва ворислик" боғланишлари орқа-ли амалга ошаётганини кўрсатади. Худди шу маънода, истиклол-, нинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимиз ҳаётига хос ўзгариш ва янгиланишлар жараёнининг асосий тамойиллари сифатида "Янги-сини курмасдан, эскини бузмаслик", "Ўтмишни ёзгиришдан кўра эзгулик, яратувчанлик ва бунёдкорлик йўлидан оғишмасдан бо-риш» тўғрисидаги хulosалар асос килиб олингани бекиз эмас.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демокра-тик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамия-тини ривожлантириш Концепцияси" ҳақидаги маъruzasi бу бо-рада янги босқичнинг бошланганини англатади. Ушбу Концепция ҳозирги даврда жамиятимизни босқичма-босқич янгилаш, мамла-катни ислоҳ этиш ва унинг тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин олишига хизмат қиладиган жараённинг умумий тамойилла-ри ва хусусиятларига асосланган яхлит тарихий ҳужжатдир. У истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган туб ис-лоҳотларнинг мантиқий натижаси, жамият ҳаётини янгилаш йўли-даги муҳим қадамдир.

Концепцияда ўтган давр мобайнида ҳаётимиш сифати, мамла-катимиз қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, қандай ютуқ ва на-тижаларга эришилгани, юртимизнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётiga асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада ҳалқимиз олдига қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш бора-сидаги саъй-харакатларга бугунги кун нуқтаи назаридан холисо-на баҳо берилди.

Мазкур Концепциянинг таҳлили бугунги кунда мамлакати-мизда янги ғоялар тизимининг шаклланиши яна қуйидагиларда намоён бўлаётганидан далолат беради:

- қонунчилик ҳокимияти бўлмиш парламентнинг роли ва таъ-сирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тар-моқлари ўртасида янада мутаносиб, барқарор мувозанатга эри-шиш;

- ҳокимиятнинг барча тармоқлари қатори суд-хукук тизими-ни янада либераллаштириш;
- демократик янгиланиш жараёнини чукурлаштириш ва фука-роларнинг эркинликларини таъминлаш, сиёсий партиялар ва жа-моат ташкилотларининг ўрни ҳамда аҳамиятини янада ошириш;
- бу жараённинг мухим шарти - оммавий ахборот воситала-рини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аник ва изчил чораларни амалга ошириш;
- бозор ислохотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни эр-кинлаштириш жараённида кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини яна-да самаралироқ амалга оширишга эришиш.

Ушбу Концепцияни амалиётга тадбиқ этишда қуйидагиларга эътиборни ошириш зарур.

Биринчидан, бу борада мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият курилишини янада эркинлашти-риш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларимизда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган сиёсий мадани-ятни шакллантириш мухим аҳамиятга молик. Бу эса юртимизда барпо этилаётган жамиятда ҳокимиятнинг барча тармоқлари, но-давлат ташкилотлар ва фуқаролик институтлари фаолиятининг самарасини оширишга жиддий эътибор қаратилаётганини англата-ди. Бу, ўз навбатида, юксак сиёсий маданиятга эга бўлишни, ҳаёт-ни эркинлаштириш орқали фуқаролардан ўз манфаатларини дав-лат ва жамият манфаати билан уйғуллаштиришни талаб қиласи.

Иккинчидан, жамиятимиздаги турли манфаатлар, хилма-хил кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизми такомиллаштириш, сиёсий ҳаётда ҳақиқий маънодаги ижтимоий шерикчилик тамойилини қарор топтириш ҳам долзарб масалалар қаторига киради.

Учинчидан, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун янада кенгроқ шарт-шароит яратиш, ҳокимият-нинг конституциявий бўлиниш тамойилига қатъий амал қилиш, жамият аъзоларининг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини, та-шаббус эркинлигини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятларни ишга солиш ислохотларжараёнининг таркибий қисмига айланди. Бу - мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган, қонун устуворлиги тамойили асосида ишни фаол ташкил қиласиган, ўз моҳиятига кўра, жамиятнинг олга силжишига хизмат қиласиган самарали тизимни янада такомиллаштириш демак.

Тўртинчидан, маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият доирасини кенгайтириш, нодав-

лат ва жамоат тузилмаларининг хукуки ва нуфузини оширишни кўзда тутадиган "Кучли давлатдан - кучли жамият сари" концеп-циясини амалга ошириш заруратини янада чукурроқ англаш, бу борада мамлакатни янада демократлаштириш ҳамда модернизация қилишининг устувор вазифаларини амалга ошириш лозим. Бу ҳеч қайси замонда осонликча ҳал бўлмайдиган, одамларнинг тафаккури ва дунёқарashi ўзгаришини такозо этадиган, жамиятни тубдан ян-гилашни талаб қиласидиган серкирра ва мураккаб жараён.

Мамлакатимизда **янги ғоялар тизимини шакллантиришнинг стратегик мақсадлари** жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахл-дор бўлган бир қатор тамойилларни амалга ошириш билан боғлиқ Жамият ҳаётини янгилаш жараёни изчиллиги ва самарадорли-гини таъминлаш бу борадаги энг асосий йўналишдир. Мазкур йўна-лишда ҳаётнинг барча соҳаларини, давлат ва жамият курилишини янада эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган сиёсий ма-даниятни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу тараққиётимиз ғоявий тамойилларининг сиёсий соҳадаги намоён бўлиш хусусият-ларини белгилайди. Бинобарин, сиёсий ҳаётни янгилашнинг асосий шартларидан бири халқнинг сиёсий онгини ўстириш, унга демок-ратик эркинликларнинг маъно-моҳиятини тўғри тушуниб олиш ва ўзлаштиришга имкон яратишдан иборат. Бу, бир томондан, фуқа-роларнинг, иккинчи томондан, давлат идоралари ва жамоат таш-килотлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг қонунга сўзсиз бўйсунишини такозо қиласиди. Демак, бунда нафакдт аҳоли хукукий билимларининг ошиши, унинг онги юксалишига, балки ҳокимиёт-нинг барча мустақил тармоқлари, нодавлат ташкилотлари ва фу-каролик жамияти институтлари фаолият самарадорлиги ортиши ҳам жиддий эътиборни талаб қиласиди.

Маълумки, тараққиётга интилаётган, сиёсий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш йўлидан бораётган ҳар қандай жамият хукукий маданияти юксак, озод ва эркин шахсни тарбиялашга интилади. Зоро, шундагина, фикр ва виждан эркинлиги, плюра-лизм ва инсон хукуқларини таъминлаш, гуманизм ва умуминсо-ний қадриятларга амал қилиб яшаш тамоили жамият ҳаётининг асосий мезонига айланади.

Мамлакатимизда мулкчиликнинг ранг-баранг шакллари такомиллашиб боргани, улар teng хукуқлилигининг давлат томонидан кафолатлангани иқтисодий ғоялар амалиётини тубдан ўзгарти-риб юборди. Янги ижтимоий қатлам ва гурухлар - сармоядор-

лар, тадбиркорлар, ишбилиармонлар ва ўрта синф вужудга кела бошлади. Мулк шакллари хилма-хилиги ва ижтимоий табақала-ниш жараёнига мос ҳолда турли манфаатлар, ғоявий платфор-малар, хилма-хил сиёсий кучлар ҳамда ҳаракатлар пайдо бўлди. Бугунги кунга келиб мулкчиликнинг нодавлат шакллари ва сиёсий партиялар мустаҳкам оёқка туриб олди, улар кундан-кунга кучга тўлиб, ўз мавқеларини ошириб бормоқда.

Ҳозирги даврда жамиятимиздаги турли манфаатлар, турли кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминловчи ғоявий-мафкуравий механизм иқтисодий, сиёсий, ижтимоий омил-ларга таянади. Бу борада мулкчиликнинг турли шаклларини ри-вожлантириш, кўппартиявиликни янада такомиллаштириш, мулқдорлар ва ўрта синф шаклланишини жадаллаштириш, иж-тимоий гурӯҳлар ўртасидаги ҳамкорлик ва шерикчиликни янада кучайтириш, миллий истиқлол ғоясини мунтазам ва босқичма-босқич жамият онгига сингдириб бориш муҳим аҳамият касб эта-ди. Бу эса давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтларининг фаолият кўрсатиши учун янада кенгроқ шарт-шароит яратиш, ҳокимиятнинг конституциявий бўлиниши тамойилига қатъий амал - қилиш, жамият аъзоларининг барча сиёсий, ижтимоий салоҳия-тини, ташаббус эркинлигини рўёбга чиқариш орқали янги тафак-кур ва дунёқарашни шакллантириш учун зарур имкониятларни ишга солишни тақозо этади.

Мамлакатимиз тараққиётининг ғоявий тамойиллари иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида эркинлаштириш жараёни-ни изчиллик билан амалга ошириш ва олиб борилаётган ислоҳот-ларни янада чукурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллиги ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўли-даги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, яъни бу соҳадаги ўзга-ришларнинг энг асосий йўналишлари билан узвий боғлиқ Мазкур ўзгариш ва йўналишлар халқимиз тараққиётининг иқтисодий со-ҳадаги хусусият ва тамойилларини белгилайди. Иқтисодий та-раққиётимизга хос ғоявий тамойилларнинг амалиёти хусусийлаш-тириш жараёнини янада чукурлаштириш ва бу жараёнга тар-моқларнинг асосини ташкил қилувчи йирик корхоналарни жалб этиш, хусусий мулкнинг миқёси ва улуши узлуксиз ортиб бора-диган кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш, жамиятда мулқдорларнинг кўпчиликни ташкил этишига эришиш орқали иж-тимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликни кафолатлаш ва-зифаларини бажариш билан узвий боғлиқ.

Алохидат таъкидлаш керакки, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, унинг халқаро меҳнат тақсимотида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шартлар асосида иштирок этиши, иқтисодиётимиз-нинг жаҳон иқтисодий тизимиға кенг кўламда интеграциялашу-вини янада кучайтириш муҳим жараёнлардан бири. У Ватанимиз-нинг дунё бозоридаги ўрни ва нуфузини, фуқароларимизнинг ўз юрти иқтисодий салоҳияти ва қудрати билан фаҳрланиш туйғу-сини юксалтириш билан боғлик фаолиятда намоён бўлади. Ушбу йўналишда истиқлол йилларида иқтисодиётдаги таркибий ўзга-ришларни изчил давом эттириш, бой табиий захираларимиз, ин-теллектуал ҳамда илмий - техникавий салоҳиятимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланишга алохидат эътибор қаратилди. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётда мукаммал технологик жараённи ўз ичи-га оладиган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, минерал ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини сифатли қайта ишлайдиган қув-ватлар етакчи ўрин тутишини таъминлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини кучайтириш, қишлоқца янги иш ўринларини яратиш билан боғлик.

Маълумки, Ўзбекистоннинг географик ўрни, геополитик хусусиятлари транспорт ва коммуникация масалаларига жиддий эътибор қаратишни талаб этмоқда. Мазкур масала иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларнинг муҳим ва нисба-тан мустақил қисмидир. Бу борада мамлакатимизнинг жаҳон мам-лакатлари билан кафолатли алоқа, савдо-сотиқ, иқтисодий му-носабатларни ривожлантириш учун бир неча йўналишларда транс-порт, алоқа тизими барпо этишга алохидат эътибор берилди.

Истиқлол йилларида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилаётган, бозор муносабатлари ус-тuvор бўлиб бораётган ҳозирги шароитда кучли ижтимоий сиёсат юритиш юртимиз тараққиётининг асосий тамойилларидан бирига айланди. Бу эса шу соҳадаги ғоявий-мафкуравий ишларнинг ус-тuvор тамойилларини белгилайди, уларни амалга ошириш учун имкон яратади. Жамиятимизда амалга оширилаётган кучли иж-тимоий сиёсат ҳар бир ижтимоий гурух, қатлам, табака, ҳар бир фуқаро, ёшу кекса, эркагу аёл, умуман, барча юртдошларимиз тўғрисида ғамхўрлик қилишни англатади. Бунда, айниқса, исло-ҳотларни, иқтисодий тадбирларни халқ манфаатларини кўзлаган ҳолда ўтказиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан соҳаларига эътиборни сусайтирмасликка алохидат аҳамият берилмоқца. Президент Ислом Каримовнинг ислоҳотлар ислоҳот-

лар учун эмас, инсон учун, халқнинг турмуш фаровонлиги ўсиши, муносиб ҳаёт кечириши учун, деган ғояси кучли ижтимоий сиё-сат ўтказишнинг маъно-мазмунини англатади, бу давлатимиз сиёсатининг инсонпарварлик моҳиятини яққол намоён қиласи.

Бу борада халқимиз учун муқаддас қўргон ва маънавият беши-ги бўлган оила, оналар ва аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи-ни ошириш соҳасида олиб борилаётган ишлар изчил давом этти-рилмоқда. Бунда оила ҳар қандай жамиятнинг асосини ташкил эта-ди, у қанча мустаҳкам, фаровон ва илғор бўлса, жамият шунчалик барқарор ва тараққийпарвар бўлади, деган тамойилга асосан иш олиб борилмоқда. Шу билан бирга, келажаги буюк давлатни соғлом мафкурали, маънавий баркамол авлод барпо эта олишини назарда тутиб, комил инсонни тарбиялаш борасидаги ишларни ис-тиқболда ҳам давлат сиёсати даражасида олиб бориш масалала-рига эътибор кучайиб бормоқда. Зеро, жамиятимиз ўз олдига қўйган олий мақсад - келажаги буюк Ўзбекистонни, озод, обод Ватанини барпо этиш ва умуман, ислоҳотларнинг тақдири охир-оқибатда бугун шаклланаётган авлоднинг дунёқарашига, ижтимоий мўлжал-ларига, замонавий илм-фан ва касбларни эгаллашибига, амалий таш-килотчилигига бевосита боғлиқ эканлиги шубҳасиз.

Шу боис ақлан етук, руҳан тетик ва соғлом, эркин таҳлилий ва танқидий фикрловчи, айни пайтда ижтимоий масъулиятни тўғри ҳис этадиган, муайян хунар-касбни эгаллаган баркамол авлодни тарбиялаш Узбекистонда янги жамият барпо этишнинг таркибий қисмига, асосий шарт-шароити ва мақсадига айланди. Мана шун-дай мураккаб вазифани уddyалаш учун таълим соҳаси тубдан ислоҳ қилинди. Бу ислоҳотлар "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилди. Бундай дас-турнинг андозаси жаҳонда бирор мамлакатда йўқ Унинг асосида юртимиизда амалда таълимнинг янги модели жорий этилмоқда. Шунинг учун ҳам унга бутун жаҳонда қизиқиши катта, унинг амалга оширилиши йигит - қизларнинг касбий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан тезроқ мустақил бўлиб олишибига, аниқ мақсадни кўзлаб, ҳаётдан ўз ўрнини топиб олишибига имкон яратмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг маънавий соҳадаги ғоявий тамойиллари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада маънавий қадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бо-риш, ўзлигимизни чуқурроқ англаш, миллий ғоя ва истикрол маф-кураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига мунтазам сингдериш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш,

улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишларга йўл қўймаслик энг асосий вазифаларимиздан бири. Ушбу вазифанинг бажарилиши миллий истиқлол гоясининг маънавий соҳада намоён бўлиши ва амал қилишининг асосий тамойилларини белгилайди.

Бу эса, жумладан, ота-боболаримиз динининг гуманистик мөхиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш борасидаги ишларни давом эттириш, токи, бу дин халқимизнинг минг йиллик тарихи, бугунги маънавий ҳаётимизнинг асоси, муҳтасар айтганда, Аллоҳ доимо қалбимиизда, юрагимиизда эканини юртдошларимиз онгига мунтазам сингиб боришини тақозо қиласди. Шу маънода, буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг "Дилинг - Аллоҳда, қўлинг - меҳнатда бўлсин" деган ҳикмати биз учун бу соҳадаги энг муҳим ҳаётий тамойилдир.

Маънавий тараққиётимизда Ўзбекистонда яшаётган барча мил-лат ва элатларнинг қадриятлари, тили, маданияти, диний эъти-қоди, урф-одат ва анъаналарини хурмат қилиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш муҳим ўрин тутади. Ҳудудида 130дан зиёд миллат вакиллари яшаётган мамлакатимиз фуқаролари орасида, уларнинг миллий ва диний мансублигидан қатъи назар, ҳамжиҳатлик ва биродарлик туйғуларини кучайти-риш, "Шу азиз Ватан - барчамизники" гоясининг амалга ошиши-ни таъминлаш устувор вазифалардан биридир.

Умуман олганда, "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожланти-риш Концепцияси" юртимизда ислоҳотлар стратегиясини сама-рали амалга ошириш, Ўзбекистонда янги ҳаёт тамойилларига мос янги маънавий ва гоявий мезонлар шаклланишига олиб келиши шубҳасиз. Ушбу Концепциянинг яратилиши айнан ҳозирги кун-ларга тўғри келгани асло тасодиф эмас, балки бу истиқлолнинг ўтган йилларида амалга оширилган туб ислоҳотларнинг қонуний натижаси, мамлакатни янгилаш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, бу борада янги босқич бошланганини англатади. Мазкур Концепция, авваламбор, тажрибада ўзини оқлаган демократик ислоҳотлар, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни чукурлаштириш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, тинчликсе-вар ташқи сиёсат юритиш ва жаҳон хўжалик тизимига интегра-циялашишга қаратилган йўлни бундан буён ҳам изчил давом эттиришга ёрдам бериши шубҳасиз. У халқимиз ўз олдига қўйган пировард мақсад-муддаолар - Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишига эришиш бораси-

да зарур маънавий омил, ғоявий асос ва мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қиласди.

Бу эса муқаддас Ватанимизни янада фаровон, тинч ва осойиш-та ҳамда ҳар томонлама юксалиши йўлида бир тан ва бир жон бўлиб фаолият кўрсатишига ундаиди. Шу билан бирга, мазкур Кон-цепциянинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламлари онги ва қалбига сингдириш, ислоҳотларнинг пировард мақсадларига етишиш учун фаоллигимизни янада ошириш, таълим-тарбия ва тарғиботнинг замонавий усуслари ҳамда имкониятларидан омил-корлик билан фойдаланиш барчамизнинг зиммамиздаги масъули-ят эканини англатади.

22-мавзу. Миллий истиқлол ғояси — мустақилликни мустаҳкамлаш омили

Инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси бунёдкор ғоялар ва соғлом мафкурадан маҳрум бирон-бир жамиятнинг узоққа бора олмаслигидан далолат беради. Шу боис мустақиллик туфайли ҳал-қимиз ўз олдига янги ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақ-садларни қўйди. Бу эса келажагимизни яққол тасаввур этиш, жа-миятимизнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёт мафкуралар тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш, ғоявий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик ва ниҳоят, юртнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий истиқлол ғоясини шакллантириш эҳтиёжини юзага кел-тирди. Ушбу эҳтиёж билан боғлиқ саволларга жавоблар Президен-тимиз Ислом Каримовнинг кўп йиллик изланишлари, асарларида-ги фикр-мулоҳазаларида ўз аксини топди. Шу асосда тайёрланиб, 2000 йилда чоп этилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоиллар» номли рисолада Юртбошимиз томонидан яратил-ган бу таълимотнинг мазмун-моҳияти қисқа ва муҳтасар тарзда баён қилинди. Президентимизнинг 2001 йил 18 январдаги «Миллий истиқлол ғояси» ўкув фанини таълим тизимига жорий этиш тўғри-сида»ги Фармойиши ушбу йўналишдаги муҳим хужжатдир. Бу борада, айниқса, Юртбошимизнинг "Юксак манавият - енгилмас куч" асари катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу асар мазкур соҳадаги ишларнинг янги босқичини асослаб берди.

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, миллий истиқлол ғояси тасодиф эмас, балки ўзига хос фалсафий асослари, илмий-наза-рий ва тарихий илдизларига эга бўлган яхлит назариядир. ТТТу

маънода, у мамлакатимиз тараққиётининг объектив зарурати, қонуний ҳосиласи, ҳалқимиз мақсад-муддаоларининг ифодасидир. Миллий истиқбол ғояси ҳалқимизнинг ўтмишдаги ва замонавий юксак маънавияти, анъана ва удумларига таянади, адолат, эр-кинлик, мустақиллик билан боғлик туйғуларини акс эттиради. Унинг асосчиси Президент Ислом Каримовнинг таърифига кўра, бу ғоя ҳалқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синов-ларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суюнч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳәётий ва маъна-вий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бой-ликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ақл-зако-ват, иймон-эътиқод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англатадиган, бу мураккаб ва таҳли-кали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритадиган маёқдир.

Миллий истиқбол ғояси ҳалқнинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлади, орзу-истакларини амалга оширишга хиз-мат қилади. Унинг мақсади асрлар мобайнida интилиб келинган ва ана шу узоқ йиллик кураш орқали эришилган мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Ҳалқ фаровонли-гини таъминлашга хизмат қилишдан иборатдир. Унинг сафарбар-лик кучи мамлакатнинг ҳар бир фуқароси қалбида Ватанга му-хаббат, мустақиллик ғоясига садоқат руҳида тинмай. меҳнат қилишда намоён бўлади.

Истиқбол мағкураси қуйидаги умумбашарий қадриятларни эътироф этади ва улардан озиқланади:

- қонун устуворлиги;
- инсон ҳақ-хуқуқлари ва ҳурфиксирлилик;
- дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик;
- турли миллат вакилларига ҳурмат, улар билан ҳамжиҳат яшаш;
- диний бағрикенглик;
- ўзга ҳалқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрга-ниш ва ҳоказо.

Миллий истиқбол ғояси ўз номи билан ҳалқ ва унинг мустақил-лиги ифодасидир. Шу маънода, у дини, эътиқоди, жамиятдаги қайси табақага мансублигидан қатъи назар, Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг умуммиллий мақсадини, туб манфаатларини, ҳалқимизнинг асрлар мобайнida интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади. У мамлакатимизнинг қўп миллатли ҳалқи онги ва қалбида «Ўзбекистон - ягона

Ватан» деган тушунчани шакллантириб, мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Фуқаролар тафаккури ва қалбидаги мустақилликка садоқдат, келажак ҳакида қайғуриш, ўзлигини, ҳалқ, Ватан қадр-қимматини тўғри англаш ва уни ҳимоя қилиш — миллий истиқбол ғояси тамо-йиллари моҳиятини кўп жиҳатдан белгилайди.

Халқимиз асрлар мобайнида эзгу ният қилиб келган мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, инсон қадр-қимматини ҳар томонлама юксалтириш, ҳалқ фаровонлигини оширишга эришиш учун юртимиз фуқароларининг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлигини янада мустаҳкамлаш талаб этилади. Бу вазифа миллий истиқбол мафкурасининг маъно-моҳиятини ташкил этади.

Миллий истиқбол ғояси - ҳар бир кишининг жамият хаёти-даги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдида бурчи ҳамда масъулиятини қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётга-нини белгилайдиган маънавий мезон ҳамдир. Бу ғоянинг моҳияти-да куйидаги умумисоний тамойиллар ётади, яъни у:

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умумисоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади. Бинобарин, у қонунийликка, умумэътироф этилган талабларга, умумисоний тамойилларга зид келмайди;

— халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маъна-вияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади. Бу миллий мафкурамизнинг тарихий ва маънавий асосга эга эканидан далолат беради;

— адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс этиради. Биламизки, бу улуғ ғоялар истиқбол сари интилган ҳар бир халқнинг эзгу мақса-ди, ишонч ва эътиқоди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади;

— Ватан равнақи, Юрт тинчлиги ва Халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиласи. Бу тамойил унинг жамият аъзоларини аниқ мақсад сари йўналтирувчи, уюштирувчи моҳиятга эга эканни ифодалайди;

— жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади. Бу оли-жаноб мақсадларга эришиш фуқароларнинг ҳамжиҳатлигига, ўзи-мизнинг бурчимишни қай даражада англашимизга, эртанги кунга бўлган ишончимизга кўп жиҳатдан боғлик;

— миллати ва динидан катъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбидаги она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояла-рига садоқат ва ўзаро хурмат туйғусини қарор топтиради. Бу коида

Ватаннинг мукаддаслигини ҳар бир фуқаро онгига сингдиришга хизмат килади;

— кишилар қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виж-дон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади. Бу миллий истиқлол ғоясининг фикрлар ранг-баранглиги, эътиқод эркинлиги каби демократик тамойилларига амал қилган ҳолда ҳаётга жорий этилишидан далолат беради.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари қуидагиларда намоён бўлади:

— мамлакатнинг мустакиллигини мустаҳкамлаш, унинг худудий яхлитлиги ва сарҳадлари даҳлсизлигини таъминлашда ёрдам бериш;

— қонуннинг устуворлиги, демократия ва ўз-ўзини бошқа-ришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаётганига асосланганлик;

— миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига таяниш;

— халқаро хуқуқ қоидаларига мос келиши;

— давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги ва мамлакатда ижти-моий барқарорликнинг таъминлангани;

— ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимоялангани;

— жамият ҳаёти барча соҳаларининг эркинлашуви;

—■ ислоҳотларнинг тадрижийлиги тамойилларига хизмат қилиши.

Эътибор берсак, кундалик ҳаётимизда ана шу тамойилларга амал қилиб келинаётганига амин бўламиз. Бу, ўз навбатида, тинч-лик-тотувлик ва барқарор тараққиётимиз асоси бўлиб хизмат килади. Истиқлол мафкураси халқимизнинг ўзига хос табиати, иродаси, орзу-интилишларини ифодалайдиган қуидаги миллий хусусият-ларни замон талаблари асосида янада бойитишни назарда тутади:

— халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устуворлиги. Бу маҳаллачилик, ҳашар, маросимлар ўтказиш, тўй-томушаларда яққол кўринади;

— жамоа тимсоли бўлган "оила", "маҳалла", "эл-юрт" тушунчаларининг мукаддаслиги;

— ота-она, маҳалла-кўй, умуман, жамоатга юксак ҳурмат-эътибор;

— миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;

— каттага - ҳурмат, кичикка - иззат;

— меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи - аёл зотига эҳтиром;

— сабр-бардош ва меҳнатсеварлик;

— ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳоказо.

Миллий истиқлол ғояси, ўз мазмун-моҳиятига кўра, барча

сиёсий партиялар, гурух ва қатламларнинг - бутун халқимиз-нинг умумий манфаатларини ифодалайди. Аслида умумий ман-фаатлар барча халқ ва ҳамма мамлакатлар миллий ғоялари учун бирдай хос бўлиб, уларнинг таъминланиши, энг аввало, ҳар қан-дай давлат мустақиллигининг асосий гаровидир. Бу манфаатлар муайян жамият фуқароларининг ҳамжиҳат меҳнати ва интилишлари туфайли таъминланади.

Миллий истиқбол 1'оясининг тарихий илдизлари - халқимиз-нинг мозий синовларидан ўтиб келаётган бой маданий ва маъна-вий мероси, миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, бай-рам ва маросимларидаги озодлик, эркинлик учун кураш руҳи, ота-боболаримизнинг мустақиллик йўлида кўрсатган жасорати, бунёдкорлик ишлари ҳамда уларни амалга оширишда маънавий рух берган тафаккур тарзида намоён бўлади. У асрлар мобайнida йиллар синовига дош бериб, сайқалланиб, такомиллашиб келган. Бу ғоянинг асосида Яратганинг энг улуғ мўъжизаси бўлмиш инсоннинг азизлиги ва мўътабарлиги тушунчasi ётади.

Шу туфайли ҳам инсоннинг азизлиги ғояси қадимдан буюк орзу бўлиб, донишмандларимиз хаёlinи банд этиб келган. Инсон ўз билими ёрдамида оламни гуллатиб, яшнатади. Аммо бу билимда нафақат яшнатувчи, балки вайрон этувчи куч ҳам мавжуд. Ҳаёт-да эзгулик ҳукмрон бўлиши учун билим яхшиликка, адолатга хизмат қилиши зарур. Бунинг учун эса у соғлом маънавият изми-да бўлиши лозим. Шунинг учун ота-боболаримиз билимни ёвуз-лик қўлига тутқазмасликка ҳаракат қилганлар, уни маънавият билан, иймон-эътиқод, инсоф ва диёнат билан бошқаришга ало-ҳида эътибор берганлар. Бу тамоил халқимиз руҳини, даҳосини акс эттирувчи ўлмас қадриятлар билан узвий боғлиқ. Хусусан, буюк аждодимиз, Соҳибқирон Амир Темурнинг соғлом маънавият маҳсули бўлган «Куч - адолатда» деган шиори миллий ғоянинг таркибий қисмига айланиб кетган, мамлакат бирлигини таъмин-лаш, марказлашган давлат барпо этишда, айникса, уни бошқа-ришда маънавий асос бўлиб хизмат қилган. Шу боис Амир Темур салтанатида илм-маърифат юксак қадрланган, инсоннинг шаъни, ор-номуси эъзозланган, унииг мол-мулки давлат муҳофазасига олинган. Соҳибқирон бобомизнинг: «Менинг салтанатимнинг у че-тидан бу четига бошида олтин тўлдирилган лаганни ёш бола кўта-риб ўтса ҳам, унинг мулкига ҳеч кимса дахл эта олмайди», деган' сўзлари ҳаётий ҳақиқат бўлиб, бу халқнинг менталитетига син-гиб кетган эди.

Тоталитар тузум шароитида эса инсон сунъий равищда мулк-дан бегоналаштирилди. Одамлар онгига мулк эгаларига нисбатан нафрат туйғуси мажбуран сингдирилди. Бу ўзгалар мулкига кўз олайтириш, ҳатто, тажовуз қилиш учун йўл очди. Одамлар би-ровнинг ҳакидан ҳазар қилмайдиган, ўғирлик ва талончиликдан жирканмайдиган ҳолатга келиб қолди, маънавий қашшоқлик му-ҳити пайдо бўлди. Шу сабабли ҳам тарихий хотирани уйғотиш ва ўзликни англаш бугунги кундаги муҳим вазифадир.

Демак, миллий истиқлол мафкурасининг маъно-мазмунини белгилайдиган энг муҳим омиллардан бири ҳалқимизнинг қади-мий ва бой тарихидир. Чунки тарих - буюк мураббий. У инсонга ибратли хуносалар берибгина қолмасдан, баъзан аччиқ сабоқлар-ни ҳам тан олишга ундейди. Тарихга берилган холис баҳо миллий ғоянинг хаётийлиги ва таъсирчанлигига асос бўлади.

Бундан неча асрлар аввал яратилиб, ҳозирга қадар юртимиз кўркига-кўрк бағишлиб келаётган қадимий обидалар, осори ати-қалар ҳалқимизнинг юксак салоҳияти, куч-кудрати, бунёдкорлик анъаналаридан далолат. Улар Ватанимизнинг шонли тарихи тўғри-сида яққол тасаввур ва тушунчалар беради, шу муқаддас диёрда яшайдиган ҳар бир инсон қалбida ғуур-ифтихор туйгуларини уйғотади. Миллатимизнинг ўзига хос шарқона турмуш тарзи, та-факкури ва дунёкараши, ҳаётга, воқеликка муносабатини ифода этувчи ҳалқ оғзаки ижоди намуналари, «Алпомиши», «Шашма-қом» каби дурдона асарлар, асрий идеалларни ўзида ифода этган миллий қаҳрамонларнинг ибратли ҳаёти ҳам миллий мафкура-миз озиқланадиган манбалардан. Ҳалқимизнинг эртак ва масалла-рида, ривоят ва афсоналарида эзгулик, адолат, тенглик, инсоний меҳр-муҳабbat тараннум этилган. Уларда Ватанинг муқаддасли-ги, инсоннинг азизлиги, илмнинг қадрлилиги тарғиб этилган. Ҳами-ша ёмонлик устидан яхшилик, ёвузлик устидан эзгулик ғолиб чиқиши ва ёвуз кучларга қарши курашда ҳалоллик, ҳақгўйлик, одамгарчилик, тантлилик, меҳр-оқибат каби олижаноб фазилат-лар маънавий-рухий таянч бўлиши асослаб берилган. «Алпомиши»да инсон шаъни, йигитлик орияти ҳимоя қилинса, «Шашмаком»да ҳалқнинг асрий орзу-умидлари юксак бадиий дид билан куйга со-линган. Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби миллий қаҳрамонларимизнинг Ватан тақдиди учун олиб борган қаҳрамонона курашлари, она-Ватан озодлиги йўлида кўрсатган жасоратлари ҳар биримизда чексиз фаҳр ва ғуур ҳиссини уйғо-тади. Инсон шаъни, аввало, ўзини ҳимоя қилиш, ўз қадрини би-

лишдан бошланади. Шу маънода, халқнинг ўзини қадрлай били-ши ғоят муҳим. Чунки ўзини қадрлайдиган халқ ҳеч қачон тақди-рини бирорвга боғлаб қўймайди. Ўз қадрини билган одам Ватанига хиёнат қилмайди. Унинг қалбida эл-юргита хиёнат қилувчи ори-ятсиз кимсаларга нисбатан чексиз нафрат яшайди.

Мухтасар қилиб айтганда, миллий истиқлол ғоясининг тари-хий илдизлари деганда, аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, тафаккур тарзи, амалий фаолияти, бунёдкорлик ишлари, энг яхши урф-одатлари, анъаналари, қадриялари, мустаҳкам ий-мон-эътиқоди фуқароларимиз учун намуна эканлиги, хато, кам-чилик-нуқсонлардан эса тўғри хулоса ва сабоқлар чиқариш учун асос бўлиши тушунилади.

Миллий истиқлол ғоясининг фалсафий негизларини, аввало, ижтимоий тафаккурнинг мумтоз намуналари бўлган дунёвий, ди-ний, афсонавий қараашлар, дунё фалсафаси дурдоналари белги-лайди. Қадимги юонон файласуфи Гераклит ўзининг Шарқца ўтган ғоявий устозларини, «Авесто»дек муқаддас китобда битилган фал-сафий фикрларни назарда тутиб, юртимизга «фалсафий тафак-кур бешиги» деб таъриф бергани бежиз эмас. «Авесто»да ифода-ланган фалсафий тамойиллар ва миллий ғоялар, эзгулик ва ёвуз-лик ўртасидаги кураш, олам ва одамнинг яралиши, инсон ва унинг камолоти ҳақидаги диний ва илмий қараашлар, поклик, ҳалол-лик, мардлик каби комил инсон сифатлари бугунги дунёқараш шаклланишига самарали таъсир ўтказди.

Бу ғоя халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, тафаккури ва дунёқарashi акс этган эртак ва афсоналардан, миллий қаҳрамонларининг ҳаёти ва фаолиятидаги ибратли мисоллардан озиқлана-ди. Унинг шаклланишида Қуръони Карим ва ҳадисларда зикр этил-ган хикматлар, дунёвий ва диний қараашлар, халқимизнинг эзгу ғоялари муҳим аҳамият касб этади. Бу борада донишманд аждод-ларимизнинг озодлик тўғрисидаги ғоялари ниҳоятда муҳим аҳами-ятга молик. Айниқса, ўнлик саноқ системасини бутун инсоният учун энг қулай бўлган ҳисоблаш тизимиға айлантирган, инсони-ятга «Алгебра» фанини ҳадя этган, алгоритмик кетма-кетлик ус-луби ҳақидаги илк ғояни кашф килган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг дунёвий кашфиётлари, табиатшуносликка оид қатор фанларни кашф этиб, том маънода Шарқ натурфалсафасининг отаси бўлган Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-ахлоқий қарааш-лари бугунги кун учун ҳам муҳим. Фалсафа тарихи, мантиқ, му-сиқашунослик, ахлоқ сингари соҳалардан ташқари, социологияга

оид илк фалсафий тизимни ишлаб чиқкан Абу Наср Форобийнинг адолатли жамият ҳақидаги қарашларининг ўз ўрни бор. Нафақат тиббиёт фанининг асосчиларидан, балки мантиқ илмида ҳам му-тафаккирлардан бири бўлган, рационализм ва иррационализмни синтез қилиш асосида инсон руҳиятини нигилистик инқироздан асрар қолган, XX аср Ғарб файласуфлари, экзистенциалистлари томонидан Ғарбий Европани маънавий тушкунликдан қутқарили-шида асос бўлган ана шу ғоя асосчиси - Абу Али ибн Синонинг дуализм таълимоти ҳам бунда ўз ўрнига эга. Мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳада-лари, Бобур ва Машраб, Бедил ва Аҳмад Дониш ҳамда асrimiz бошидаги маърифатпарвар зиёлиларнинг фаолияти ҳам миллий истиқлол ғоясининг теран томирларидир,

Бу ғоянинг фалсафаси, унинг маъно-мазмуни, асосий тушун-ча ва тамойиллари миллий давлатчилигимизни қайта тиклаб, жамиятимизнинг тараққиёт йўлини назарий ва амалий жиҳатдан белгилаб берган Президентимиз Ислом Каримов асарларида чу-кур ифода этилган. Бу асарларда мамлакатнинг ривожланиш йўли, унинг ўзига хос хусусиятлари, олдимизга қўйилган устувор вази-фаларни амалга ошириш имкониятлари кўрсатиб берилган.

Миллий истиқлол мафкурасининг фалсафий асоси умуминсониятнинг бой тарихий ўтмишига, шунингдек, қадимги Шарқ, Юнон, Рим ва бошқа фалсафа мактабларининг меросига ҳам тая-нади. Хусусан, Сукрот, Платон, Аристотель сингари мутафак-кирларнинг асрлар давомида ўз қадр-қимматини йўқотмай кела-ётган доно фикрлари, жаҳон фалсафасининг ўрта асрлар ва хозир-ги замон намояндаларининг қарашлари ҳам миллий истиқлол маф-кураси тамойилларини асослаш ва бойитиш, уларга ҳаётий рух бағишлиашда мухим аҳамият касб этади. Конфуцийнинг фалсафий ҳикматлари, Платоннинг «ғоялар дунёси ва соялар дунёси» тўғри-сидаги таълимоти, Гегель диалектикаси, гуманистик замонавий фалсафий оқимларда илгари сурилаётган ғоялар ҳам миллий ис-тиқлол мафкурасининг умуминсоний асосларидир.

Хуллас, ўтмиш фалсафаси, азалий эзгу ғоялар ва тарих са-боклари миллий ғоямизнинг маъно-мазмунини белгилашда мухим омил бўлиб хизмат қиласди. Одамларни эзгу идеалларга ишонти-риш, уларни шу идеалларга эришиш йўлида ўюштириш, олижа-ноб мақсадлар сари сафарбар этишда тарихий ва фалсафий асос-лар бу ғоя учун улкан аҳамият касб этади. Чунки ҳалқнинг ўз тарихини билиши, ўзлигини англаши, руҳи, кайфияти, хисеий

кечинмалари ва фаолият кўрсатишга шайлиги унинг ҳаракат дас-тури бўлган умуммиллий тояга ишончи билан белгиланади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни чукур идрок этиб, бугунги долзарб ва-зифалар ва келажакни англашга ёрдам беради. Эски иллатлар-нинг тобора барҳам топиб бориши, янгича фикрлаш ва замонавий тамойилларга интилиш истиқлол мафкурасидан келиб чиқадиган вазифаларни тўла адо этишда муҳим ўрин тутади.

Миллий истиқлол тоясининг асосий таянч нуқтаси ҳам ижти-моий даражадаги миллий ўзликни англата олишида. Яъни, мил-лат ўзини ҳалқ сифатида, эл сифатида англамагунча, у ўзининг обрўи, қадр-қиммати, ор-номуси ҳакида қайғура олмайди, мил-лий ғурур ва ифтихор туйғусини ҳис этмайди. Ўзбекистон диёри-да қадимдан турли цивилизация вакиллари, маданий қатламлар, хилма-хил эътиқод ва дунёқарашлар ёнма-ён яшаб келган. Бу замин ота-боболаримиз яшаб ўтган азалий ва мукаддас макондир. У Шарқ ва Фарб, Шимол ва Жануб, қадим ўтмиш ва Буюк кела-жакнинг туташган жойи, Марказий Осиёнинг юраги, инсоният тафаккури, фан ва маданиятининг энг кўҳна ўчоқларидан бири-дир. Бу тупрокда жаҳонни ҳайратга солган цивилизациянинг ил-дизлари вужудга келган, инсоният тарихининг энг қадимги давр-ларига мансуб диний ва фалсафий анъаналар шаклланган.

Миллий истиқлол мафкураси ҳалқимизнинг бунёдкорлик са-лоҳияти ва танлаган йўлининг тўғрилигини англаш омили ҳам-дир. У ўтмишни келажак билан боғлайдиган маънавий кўприк бўлиб хизмат қиласи. Яъни ҳалқимизнинг ўтмишда эришган маънавий бойликларига эгалик қилишига, онгимизга, шууримизга сингиб кетган ўзбекона тафаккур тарзи орқали бугунги воқелигимизни акс эттиришда, уни бошқаришда ва бой тарихий тажрибаларга таянган ҳолда келажагимизни бунёд этишда тоявиж таянч бўлади. Бу тоя турли сиёсий партия ва ижтимоий гурухлар мафкураси-дан устун турадиган социал феномен - ижтимоий ходиса. Унда бирон-бир дунёқараш мутлақлаштирилмайди ёки у мавжуд сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида сиёсий қуролга айлантирилмайди. Балки, у ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистон-нинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қиласи, барча сиёсий партиялар, миллат ва қавмлар, гурух ва қатламларнинг юкорида қайд этилган умумий манфаатларини ифодалайди.

Миллий истиқлол тояси тарихий хотирани уйғотиш, ўтмиш-дан сабоқ чиқариш ва ўзликни англаш мезони ҳамдир. Халқнинг

ижтимоий даражадаги ўзлигини англаши тарихий хотиранинг уйғониши билан узвий боғлиқ. Шу туфайли халқ ўзининг ўтми-шидан сабоқ чиқаради, қай максад сари, қандай йўлдан бориш лозимлигини аниқлайди ва шу асосда ўз истиқболини белгилайди.

Миллий истиқлол мафкураси юқорида қайд этилган сифатларга эга бўлган тақдирдагина жамият хаётида етакчи мухим мафкуравий вазифаларни бажара олади. Улардан бири - мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш. Бусиз жамиятни демократик тараккиёт йўлига олиб чиқиб бўлмайди. Мустақилликка эришганимиз-дан сўнг бир қолипга солинган тоталитар тузум тазиқидан қутул-дик. Президентимиз таъкидлаганидек: «Мустақилликка эришганимиз-дан сўнг биз сохта мафкурунинг яккаҳоқимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафкуруни зуғумлардан озод қилиб, эркин фикрга, мил-лий тафаккурга кенг йўл очдик. Эндиgi асосий вазифа кишилари-мизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончи ортиб бори-шидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазиқдан, кул-лиқдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди». Бу шунинг учун зарурки, мустақил фикр юритувчи инсонгина ижобий нарсаларни бунёд қилишга, зарур моддий ва маънавий бойликлар яратишга, ҳаётни яхши томонга ўзгартиришга қодир бўлади.

Бу борада ҳар қайси фуқаро, ҳар биримиз: «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?» деб эмас, балки: «Мен Ватанимга, элу юртимга нима бердим?» деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яша-шимиз лозимлиги асосий тамойилга айланиши керак. Халқимизга хос бўлган иймон-эътиқод, инсоф-диёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму ҳаё каби фазилатларни юксалтириш ҳам миллий истиқлол гоясининг таркибий қисмидир. Бундай олижа-ноб инсоний фазилатлар аслида халқимизнинг қонида бор. Факат тарихимизнинг муайян даврларида, ёт ҳукмрон мафкуралар тазиқи остида улар тўла-тўқис намоён бўла олмаган. Шунинг учун ҳам биз ушбу шарқона фазилатларни, улардаги инсон учун ибрат бўладиган жиҳатларни эъзозлашимиз, ривожлантириб, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтаришимиз, уларни тар-гиб этишимиз лозим. Халқимизга хос меҳмондўстлик, уй-рўзгор юритиш маданияти, оиласаги, қариндошлар, дўсту биродарлар ўртасидаги самимий муносабатлар каби одат-удумларнинг ибрат-ли жиҳатлари кўп. Лекин бу барча урф-одатлар ҳам бирдек иб-ратли дегани эмас. Айниқса, баъзан учраб турадиган миллий қад-

Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. З-жилд. -Т.: "Ўзбекистон", 1995, 34-35-бет.

риятларимизга зид бўлган манманлик, ўзини кўз-кўз қилиш, исрофгарчилик, ортиқча дабдабозлиқ, юзаки хушомадгўйлик каби кусурлар анъаналаримизга доғ туширади.

Ватанимизнинг ютуги ҳам, равнақи ҳам шу юртда яшовчи фукароларнинг барчасига бирдек таалуқли. Шу боис, ҳар бир фу-қаро қалбida мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар-га даҳлдорлик ҳиссини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Шунда-гина барча фуқаролар қалбida Ватан истиқболи учун фаол бўлиш, эл-юрт учун фидойилик туйғулари янада кучайиб боради. Мил-лий истиқдол гояси ватандошларимиз тафаккурида нафақат ўзли-гини англаш, тарихий хотирага садоқат, балки муқаддас қадри-ятларимизни асрар-авайлаш, уларни келажакка омон-эсон етка-зиш каби тушунчаларга ҳам таянади. Бу муҳим жиҳат унинг ҳалқ ўтмиши, мероси, тарихи билан узвий алоқадорлигини кўрсатади. Бунда ҳалқнинг ўчмас тарихий хотираси, асрлар мобайнида ас-раб-авайлаб, ривожлантириб келаётган қадриятлари мустаҳкам замин бўлиб хизмат қиласди.

Ҳар қандай миллий гоя ва мафкуранинг амал қилиш тамойил-лари мавжуд бўлади. Миллий истиқдол гояси ҳам худди шундай бўлиб, унинг амал қилиш тамойиллари ўзига хос тарзда намоён бўлмоқда. Бу тамойиллар амалий фаолият, жамиятимиз аъзола-рининг яшаш тарзи, хатти-харакати, фаолияти учун маънавий мезон сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, **миллий истиқдол гояси-нинг амал қилиш тамойиллари** бир бутунликда, чамбарчас ало-қадорликда намоён бўлади. Масалан, умуминсоний қадриятлар-нинг устуворлиги қонун устуворлигига, бу эса жамият ҳаётининг эркинлашуви, инсон ҳуқуқларининг таъминланишига кенг имко-ниятлар яратади. Ўз навбатида, миллий қадриятларга ҳурматни шакллантириш Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Ҳалқ фаровонли-ги каби эзгу гояларга содиклик туйғуларини тарбиялайди. Булар-нинг барчаси бугунги кунда мамлакатимизда демократик ислоҳот-ларни янада чукурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакл-лантиришга ёрдам беради.

Миллий истиқдол гояси **инсониарварлик тамойилига** амал қилишни тақозо этади. Мамлакатимизда ҳалқимизнинг муқаддас қадриятлари ҳамда улкан тарихий меросига таяниб, шунингдек, умумэътироф этилган демократик тамойил ва меъёрларга риоя қилган ҳолда, инсонпарвар жамият ва демократик давлат барпо этилмоқца. Ўзбекистон Конституцияси ва мамлакатимиз қонунла-

рида фуқароларимизнинг ҳуқуқлари тўла кафолатланган. Бу ҳуқукий асосга таянган ҳолда ғайриинсоний қарашларнинг ҳаёти-мизга таъсиридан мутлақо халос бўлиш, ҳалқнинг куч-қудратини заифлаштирувчи айрим маънавий нуқсонларга бархам бериш жараёни изчил амалга оширилиши керак. Бу эса демократия мо-ҳиятини том маънода англаб етишини, ҳокимият органлари ва фу-қаролар ўртасидаги муносабатлар маданиятини янада юқорига кўтаришни талаб этади.

Миллий истиқлол гояси виждом **эркинлиги тамойилига** ҳам таянади. Виждон эркинлиги одамзод азал-азалдан интилиб кел-ган, хилма-хил даража ва кўринишларда амалга оширган умум-инсоний тамойиллардан биридир. «Виждон эркинлиги» «эътиқод эркинлиги» тушунчасидан кўра кенг мазмунга эга. «Эътиқод эр-кинлиги» инсоннинг бирор-бир гояга, жумладан, динга эътиқод кўйишда ўз ихтиёри билан иш тутишини ифодалайди. «Виждон эркинлиги» эса муайян кишининг бирор динга, гояга эътиқод қили-ши ёки умуман эътиқод қиласлигини ҳам англатади. Инсон дин-дор, динсиз, даҳрий ёки художўй бўлиши, бут ва санамларга сифиниши, бутунлай худосиз бўлиши ҳам мумкин. У дунёвий ёки диний билимлар тарафдори сифатида намоён бўлиши мумкин. Аммо бу - ана шу кишини айблаш учун асос бўлмайди, балки кимнинг қандай эътиқодга эга бўлиши ёки бўлмаслиги унинг виждонига ҳавола этилади, демакдир. Аммо бу тамойил виждон ва бурч, жамиятдаги бошқа умуминсоний талабларни тан олмаслик, турли ақидаларни мутлақлаштириш, бошқалар учун қадрият бўлган нарсаларни менсимаслик дегани эмас. Балки, кишининг ишончи, эътиқоди соҳасидаги англаб олинган эркинлиги, жамият қонунларига мос ҳаёт кечириши демакдир.

Фикрлар ранг-баранглигини қарор топтириш - миллий гоямизнинг тамойилларидан бири, демократик жамият барпо этишнинг асосий шарти. Демократия давлат ва жамият курили-ши, уни идора этишнинг энг мақбул шакли сифатида ҳар бир фуқарога ўз қарашларини, фикрини эркин ифода этиш учун ша-роит яратади. Бу эса инсоннинг мамлакат сиёсий-ижтимоий, ма-даний, иқтисодий ҳаётидаги иштирокини, қонунларни ишлаб чи-қишда, уни ҳаётга жорий этишдаги фаоллигини таъминлайди. Миллий истиқлол гоясининг ушбу тамойили оламдаги турли-ту-манллик билан инсоният дунёсидаги хилма-хилликнинг, одамлар фикрлаши, орзу-умидлари, гоя ва мақсадлари соҳасидаги ранг-барангликнинг уйғунлигини ҳам ифодалайди. Фикрлар ранг-ба-

ранглиги миллий истиқлол мафкурасига жон бағишлиайды, унинг такомиллашиптага ёрдам беради. Ана шу асосда бу мафкура хил-ма-хил фикрлар билан бойиб боради, турли ғояларни ўзига дои-мий сингдириш имконига эга бўлади.

Умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги - миллий истиқ-лол гоясининг асосий тамойилларидан бири. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамият ҳаётининг, хусусан, мафкуравий жараёнларнинг ҳам ҳуқуқий меъёрлари аниқ белгилаб қўйилган. Конституциянинг 12-моддасида «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилмажиллиги асосида ривожланади. Хеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», деган коида мус-таҳкамланган. Бу, ўз навбатида, фуқаролар онгода истиқлол дунё-қарашини шакллантириш, уларнинг жаҳон тажрибасини, умумин-соний демократик қадриятлар моҳиятини ўрганишни талаб этади. Миллий истиқлол ғояси эркин фуқаролик жамиятига ўтиш жара-ёнида ҳалқ тасаввурини ўзгартириш ва янгича маъно-мазмун би-лан тўлдириш, ҳуқуқий давлатчиликка хос тамойилларни турмуш тарзига айлантиришда умуминсоний қадриятларга таянади. У ҳалқ-нинг орзу-умидларини умуммиллий даражада юксалтириб, одам-ларни умумбашарий интилишлар томон етаклайди.

Миллий қадриятларга содиқлик тамойили миллий ғоянинг таъничири. Мустақилликка садоқат хиссини барчада баробар шакллантириш, фуқаролик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу туйғуга Шарқ, айниқса, ўзбек оиласарида болалар тарбияси жараённада катта аҳамият берилади. Шу билан бирга, маҳалла ва мактаблар, ўқув муассасалари, меҳнат жамоалари ҳам бу борада ўз ўрнига эга. Бу тамойил Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ўз миллий қадрията-рини асрраб-авайлаши, келажак авлодларга етказиши учун тўла имкониятлар яратилишини ифодалайди. Аждодларимиз мероси, маданий бойликлар, мумтоз қадриятларни ҳурмат қилиш бу та-мойилнинг асосий жиҳатидир.

Жамият ҳаётини демократлаштириш миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойилларидан биридир. Мамлакатимизда демократик институтлар фарлиягини йўлга қўйиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш узок муддатли жараён. Президентимиз Ислом Каримов буни қуидагича таъкидлаган эди: «Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи

керак. Бу эса бир зумда бўладиган иш эмас. Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамоилла-рини ўзлаштиришдан иборат анча узок муддатли жараёндир». Аммо бу йўлни имкон қадар қисқа муддатда босиб ўтиш, демократияни жамиятнинг устувор қадриятига, унинг барқарор тараққиётини таъминловчи муҳим омилга айлантириш, бир томондан, жаҳон халқлари анъаналарини пухта ўрганиш ва ўзлаштиришни, иккин-чи томондан, аждодларимизнинг адолатли жамият барпо этиш бо-расидаги қарашларини бугунги кунга мослаштириб, миллий қад-риятларимиз заминида жорий этишни тақозо қиласди.

Маълумки, **шарқона демократиянинг** қатор жиҳатлари мавжуд. Бу гоявий-фалсафий асосда шаклланган инсонпарварликдир. Масалан, Форобий, Амир Темур, Низомулмулқ, Алишер Навоий каби аждодларимизнинг сиёсий қарашлари негизида турли давр-ларда ўзига хос сиёсий маданият шаклланган. Шарқ сиёсий фалса-фасининг муҳим жиҳатларидан бири «меъёр» тушунчасига катта аҳамият берилишидир. Аслида **демократия** - меъёрга асосланган сиёсий маданият. Бу меъёр ҳуқук ва бурч, эркинлик ва тенглик ўртасида бўлган мувозанатни ҳам англатади. Шарқда одамларнинг ҳокимият ва сиёсий муносабатларга бўлган муносабати азалдан ўзига хос хусусият касб этган ва бу сиёсий муносабатларнинг нозик жиҳатлари билан изоҳланади. Шарқ мутафаккирлари давлатни, ав-вало, жамият тараққиётидаги икки муҳим омил - ижтимоий бар-қарорликини таъминлаш ва ижтимоий адолат мезонларини амалга ошириш воситаси деб тушунган, қонунчилик ва меъёрий тизимлар ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилган. Бундай анъана Соҳибқирон Амир Темур давридаёқ бутун дунё меъёрий тизимиға ва конститу-циячилигига кучли таъсир кўрсатган. Амир Темур «Тузуклар»и бунинг яққол далили. Яна бир масалага алоҳида эътибор бериш зарур. Шарқ халқлари ҳаётида жамоатчилик фикри азалдан юқори мақом ва мартабага эга бўлиб келган. Кўпгина анъанавий ижтимо-ий институтлар, хусусан, маҳалла ва ўзини ўзи идора қилиш таш-килотлари, асосан, жамоатчилик фикрига таянган. Шу билан бир-га, жамоатчилик фикри ҳар доим давлат қарорлари қабул қилиш-нинг муҳим таркибий қисми бўлиб келган.

Хуллас, Шарқ халқлари, хусусан, мамлакатимиз аҳолисида азалдан ўзига хос демократик анъаналар мавжуд бўлган. Ўз мен-

Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.б-жилд. —Т.: «Ўзбекистон», 160-бет.

талитети. моҳиятига кўра, умуминсоний қадриятларга нисбатан ўта хайриҳоҳлиги туфайли, ҳалқимиз замонавий демократик қад-риятларни ҳам тез ўзлаштириб олиши шубҳасиз. Бу, албатта, ҳалқимизнинг тарихий-ижтимоий анъаналаридаги демократик ғоялар, тажрибалар, хусусан, жамоа демократияси намуналари билан ҳам боғлик. Бугунги шарқона демократияда қадр, оқибат, андиша, катталарга ҳурмат, она-заминни ардоқлаш борасида ўзига хослик яққол намоён бўлади. Булар эса миллий истиқлол ғояси амал қилишида мухим аҳамият касб этади.

Миллий истиқлол мағкураси ҳаётни эркинлаштириш ғоясига таянади. Ўз ҳақ-хуқукини танидиган, кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлайтган воеа-ҳодисаларга муста-қил муносабат билан ёндашадиган, айни пайтда, шахсий манфа-атларини мамлакат ва ҳалқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўра-диган инсонгина миллий ғоя тамойилларини тўғри баҳолай олади. Эркинлаштириш жараёнида инсон ҳақ-хуқукини таъминлаш, гу~ манизм ва умуминсоний қадриятларга риоя этиб яшаш жамияти-миз ҳаётининг асосий мезонига айланиб бормоқда. Жамиятда ло-қайдлик, бепарволик, бокимандалик, пораҳўрлик каби иллатлар-нинг пайини қирқиши, одамлар қалбида юксак ишонч ва эътиқодни қарор топтириш, ахлоқан пок, маънавий бой, ижтимоий фаол, жисмонан бакувват авлодни вояга етказиш, уларда ватанпарвар-лик, меҳнатсеварлик, одамийлик каби олижаноб фазилатларни тарбиялаш миллий ғоя таъсирчанлигини оширибгина қолмай, де-мократик жамият барпо этиш борасидаги интилишларимиз сама-радорлигини оширади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳокимият ва бошқарув идора-лари фаолиятида эркинлаштириш жараёни амалга оширилмоқ-да, жамоат ташкилотларининг янги қиёфаси шаклланмоқда, яъни, сиёсий тизим модернизацияси юз бермоқда. Бу жараёнга миллий истиқлол ғояси тамойилларини узвий тарзда сингдириб бориш ва уларни демократик институтлар фаолиятининг таркибий қисмига айлантириш мухим аҳамият касб этади. Фуқароларни эркинлик тамойили асосида яшаш ва фаолият юритишга ўргатишда турли жамоат, ижодий, илмий ташкилотлар, институтлар, сиёсий партия ва ҳаракатлар, жамғармаларнинг ўрни ҳамда аҳамияти катта. Бу борада давлат органлари, оммавий ахборот воситала-рининг ташаббускорлиги ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Бунда ушбу тамойилнинг ҳалқимиз хошиш-иродаси, миллий манфаатларига мувофиқлиги, ҳар бир кишида Ватанга содиклик ва миллий ғурур

туйғусини ўстиришга йўналтирилганлиги, ҳар бир сруқаронинг амалий фаолияти, турмуш тарзи, табиатидан келиб чиқиш катта аҳамият касб этади.

Миллий истиқлол ғоясининг тамойиллари шахс эркинлиги, жамият учун фойдали ишларда инсоннинг фаоллигини ошириш, умуминсоний меъёрларнинг бойитилиши, кишиларда янгича му-носабатлар қарор топиши учун кураш олиб боришини ҳам англа-тади. Бундан кўзланган асосий мақсад - демократик ўзгаришлар хаётимизнинг муҳим йўналишига айланган ҳозирги даврда мил-лий истиқлол руҳида фикрловчи, ўз фаолиятида бунга амал қилув-чи комил инсонларни вояга етказишдан иборат. Маданий бозорни ҳам, маънавий соғлом жамиятни ҳам ана шундай кишиларгина яратади, уни янги босқичга олиб чиқади. Бундай кишиларни вояга етказмай туриб, миллий истиқлол ғояси тамойилларининг амалга ошганлиги тўғрисида фикр юритиш қийин. Бу эса ана шундай ки-шиларни тарбиялаш борасида ҳар биримизнинг зиммамизга ул-кан масъулият юклайди.

23-мавзу. Ғоявий тарбия ва замонавий тарғиботнинг долзарб масалалари

Ҳар қандай даврда мустақилликка эришган ва уни мустаҳкам-лаш йўлидан бораётган мамлакатда шаклланётган янги ғоялар тизимининг мазмун-моҳиятини аҳоли, айникса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш зарурати сақланиб қолади. Мустақиллик йил-ларида шаклланётган янгича дунёқараш ёшларни ғоявий тарбия-лаш, уларда Ватанга садоқат, миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббат туйғуларини шакллантиришни назарда тутади. Шу асосда шаклланган замонавий фикрлаш ва янгича тафаккур айнан мус-тақииллик ғояси руҳида сайқал топган миллий онг, дунёқараш ва эътиқод маҳсули бўлиб хисобланади.

Хдр қандай ғояни аҳоли, айникса, ёшлар онгига сингдиришда шу соҳада олиб бориладиган тарғибот ва ташвиқот, таълим-тар-бия жараёни муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, энг ривож-ланган мамлакатларда ҳам аҳолининг 15%-20%га яқин қисми таълим тизими билан қамраб олинган. Ўз-ўзидан бу тизим доирасида ёшларга ғоя ва мафкура соҳасидаги билимлар ҳам сингдирилади. Тўғри, дунё мамлакатларида аҳолини таълим тизими билан қам-раб олиш даражаси бир хил эмас. Аммо, бу мазкур тизимнинг ғоя ва мафкура тарбиясида муҳим ўрин эгаллаши тўғрисидаги хуло-сани йўққа чиқармайди. Муайян мамлакатда таълим тизими аҳоли-

нинг канчасини қамраб олган бўймасин, қолган қисми орасида ҳам маърифий фаолият, тарғибот ва ташвиқот олиб бориш зарурати сақланиб қолаверади.

Шахс тарбиясининг муҳим йўналиши гоявий тарбиядир. "**Гоявий тарбия**" тушунчаси инсон онги ва тафаккури тизимида шу йўналишдаги дунёқарашни, фалсафий, сиёсий, ҳукукий, ди-ний, эстетик, ахлоқий, бадиий, касбий ва бошқа тамойилларни муайян мафкура асосида мақсадли шакллантириш жараёнидир. Хар қандай тарбия жараёни охир-оқибат, ўз мақсад ва моҳияти-га кўра, гоявий тарбиядир. Чунки оилани оламизми, болалар боғ-часиними, маҳалла, мактаб, лицей, коллеж, университет ёки академияни оламизми - ҳаммасида бериладиган таълим-тарбия жараёнлари талаба ва тингловчилар дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг онгини илмий асосланган билимлар билан бойитиш ҳамда жамият, унинг равнақи учун керак бўйлан сифатларни камол топ-тиришга йўналтирилган бўлади. Бу жараён боланинг дунё ҳакида-ги, оламнинг ривожланиш қонуниятлари, инсоний муносабатлар борасидаги ўзига хосликлар, ахлоқ тамойиллари, маънавият тўғрисидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қиласи.

Муайян ҳалқ, жамият, давлат, ижтимоий груп, сиёсий партия ёки ҳаракат мафкурасини бошқа бир ижтимоий субъект-га мажбуран сингдириш бу борадаги мақбул бўймаган усул ҳисобланади. Чунки мафкура - муайян ижтимоий субъект (ёки субъект-лар)га хос мавжуд эҳтиёжлар, тилақ, орзу-умидлар ҳамда ман-фаатлар асосида ўша субъектнинг қарашлари, тасавурлари дунёси ҳамда гояларининг маҳсули сифатида яратилади. Унда бош-қалар манфаатлари ифодаланмаслиги ҳам мумкин.

Шундай экан, ўзгалар манфаатини кўзловчи мафкурани бош-қа бир ҳалқ онгига зўрлаб сингдириш нотўғри. Муайян мамлакат ҳалқининг ўз гояси ва мафкуравий қарашлари бор, бу қарашлар тизими ўша мамлакат вакилини юрти билан фаҳраниш, унинг келажаги учун қайфуриш, бу йўлда тинимсиз изланиш ва меҳнат қилишга ундаши табиий. Лекин бу қарашларга суюнган ва уларни чукур таҳлил қилиб ўрганган' ҳолда биз ҳам факат шундай қилсанк бўлар экан, биз ҳам шу факат йўлдан борайлик, деб бўлмайд11. Чунки ҳар бир жамият ривожининг ўзига хос қонуниятлари мав-жудки, ўша жамият аъзолари ўзларининг туб мақсад ва манфаатларини улар асосида шакллантиради. Гоявий тарбия ана шу жараёнга хизмат қиласи, аслида унинг таркибий қисми ва узвий бўлаги ҳисобланади.

Хар қандай ғоявий тарбиянинг мақсади - жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва улар тимсолида ҳар бир ижтимоий қатлам, умуман, аҳолида пировард натижада жамият ривожига туртки берувчи ғояларнинг онгли равишда ўзлаштирилишини, унинг тафаккур ва фикрлаш тарзига айлантирилишини таъминлашдан иборат. Шу маънода, миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистонда яшаб, умр кечираётган ҳар бир фуқаро онги ва шуурига миллий қадриятла-римиз, халқимизнинг бугунги ҳамда келгусидаги манфаатларини ифодаловчи соглом ғоялар, фикрларни сингдириш ва бу халқ та-факкури тарзида ўз ифодасини топишига эришиш лозим. Бу жи-ҳат мамлакатимиздаги мафкуравий тарбиянинг бош хусусиятла-ридан бири, замонавий тафаккур ва мустакиллик дунёқарашини шакллантиришнинг асосидир.

Муайян ғоя асосида шаклланган дунёқарааш - у ҳақдаги тар-тибга солинган, яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, та-саввур ва идрок мажмуи бўлиб, у шахсни ҳаётда ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашга ундейди. Дунёқараашнинг шаклланиши, эътиқоднинг мустаҳкамланиши учун ёшлик ва ўспиринлик йил-лари ниҳоятда мухим аҳамиятга эга. Бу давр нафакат дунёқарааш шаклланиши учун, балки агар маълум бир қараашлар тизими мав-жуд бўлса, уларни ўзгартириш учун ҳам қулай. Шу боис кўплаб мафкуравий таъсирлар, асосан, ёшларга, уларнинг қалби ва он-тига қаратилган бўлиши табиий.

"Гоявий тарбия воситалари" тушунчаси инсон онгига таъсир кўрсатадиган, унинг дунёқараши, тафаккур тарзини муайян йўна-лишга соладиган, ўзгартирадиган, жамият, миллатга хос маъна-вий ва моддий асослар, анъаналар, қадриятлар, мерос, турмуш тарзи, мафкуравий омиллар, ғоялар ва қараашларга таянадиган таъсир объектлари мажмууни ифодалайди. Унинг мазмун-моҳия-ти Президентимиз И.А.Каримовнинг "Юксак маънавият - енгил-мас куч" китобида чуқур ва ҳар томонлама асослаб берилган. Маз-кур асарга таянган ҳолда ғоявий тарбия мезонларини шартли ра-вишда бир неча гурухга бўлиш мумкин: биринчи гурух — мил-лат, халқ, давлатчилик, маданият, меъморий ёдгорликлар ва бош-қаларни қамраб олувчи тарихни, минг йиллар давомида ривож-ланиб келаётган аграр маданий анъаналарни, географик шарт-шароитга алокадор тарихий муносабатларни ва бошқаларни ифодаловчи моддий мерос; иккинчи гурух — халқимизга хос бир неча минг йиллик диний эътиқод, таълим-тарбия, шунингдек, барча илм-фан соҳалари ва улар ривожида мухим ўрин тутган мута-

факкирлар ва уларнинг асарлари, халқ ижодини қамраб олувчи маданий мерос; учинчи гурух — халқимизга хос анъаналар, урф-одатлар, маросимлар, байрамлар, турмуш тарзи билан боғлиқ бошқа маданий омиллар; тўртингч гурух халқ қадриятлари, та-факкур тарзи, халққа хос мафкуравий хусиятлар, руҳият ва ўзаро ижтимоий муносабатлар; бешинчи гурух — ҳозирги жамияти-мизда бевосита амалий фаолият юритаётган, инсон тарбиясида катта таъсирга эга, умуман, мафкуравий дунёқарааш шаклланишида бош роль ўйнайдиган таълим-тарбия масканлари, ОАВ, қу-тубхона, театр, санъат саройлари ва шу каби бошқа мафкуравий таълим воситаларини ўз ичига олади.

Гоявий тарбия масаласи ҳар бир давр ва жамиятга хос бўлиб, бунда давлат ва жамият олдида маъсулиятни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳ-лил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши анг-лаб олиш мақсади ҳам ётади. Ҳар қайси халқ ёки миллатни унинг тарихи, ўзига хос урф-одатлари ва анъаналари, ҳаётий қадри-ятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, таби-ийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгор-ликлар энг муҳим омиллар сифатида хизмат қиласи. Масалан, шу заминдан етишиб чикқан буюк зотлар, олиму уламолар, сиё-сатчи ва саркардалар, умумбашарий цивилизация ва маданият-нинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан bogliq bilimlarning тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари катта. Бу кўхна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин курилган мураккаб иншоотлар, ҳали-ҳануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган осори атикала-римиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчи-лик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак дара-жада ривожланганидан далолат беради ва мамлакатимиз худуди-да мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-мафкуравий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйха-тига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Бундай ўлмас осо-ри атикалар бу кўхна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради ва табиийки, инсоннинг гоявий дунёсини шакллантиришда қандай кучли таъсирга эга бўлганига эътиборимизни жалб қиласи.

Гоявий тарбияда халқ оғзаки ижоди муҳим ўрин тутиб, у мил-латимизнинг ўзлигини намоён этадиган, уни авлодлардан авлод-

ларга ўтказиб, тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқариб, ўзлигини доимо сақлаб келаётган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатларини ўзида ифода этади. Шу ўринда гоявий тарбия мезонларидан бири бўлган муқаддас динимизнинг аҳамияти бекиёс-дир. Дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифати-да одамзоднинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адo-лат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, улар-ни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимиdir.

Ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт - бу янгича фикр ва дунёкарашга туртки беради, гоявий тарбия мезонлари шакл-ланишига ўзига хос таъсири ўтказади. Шу нуқтаи назардан қара-гандা, заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафак-кир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл ил-мий-ижодий кашфиётлари бугун хам жаҳон аҳлини ҳайратга со-лаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим. Жамият эса ўз заминининг мутафаккирлари, дини ва кашфиётлари, маърифат, илму фан, маданият каби соҳаларидан буларнинг барчасини ўзида уй-гунлаштирган ҳалқимизнинг гоявий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришда, уни намуна қилиб кўрсатишда фойдаланади. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чу-кур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини авлодларга етказиши маса-ласи барча, биринчи галда, зиёлилар, бутун жамоатчилик учун ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос мафкурасини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари, биринчи галда, оила бағрида шаклланади. Бола-нинг характеристи, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган мафкура-вий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, орномус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида карор топиши табиийдир. Шунинг учун ҳам айнан оила мухитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, улар-нинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чукур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оиласи муносабат-ларнинг негизини, оиланинг гоявий асосини ташкил этади.

Гоявий тарбия мезонлари ҳақида сўз кетганда, маҳалланинг ўрни ва таъсири хусусида тўхталиш зарур. Маълумки, ўзбек ма-ҳаллалари азалдан чинакам миллий қадрияtlар маскани бўлиб

келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эхтиёжманд, ёрдамга муҳтоҷ кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирлар-нинг бошини силаш, тўй-томуша, ҳашар ва маъракаларни кўпчи-лик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби ҳалқимизга хос урф-одат ва анъаналар, авва-ламбор, маҳалла мухитида шаклланган ва ривожланган. Ҳалқи-мизга хос ўзини ўзи бошқарув тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чукур жой эгаллагани бежиз эмас. «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли накл ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифода-си сифатида қабул қилинади. Ҳар қайси хонадон, бутун эл-юрт-даги мағкуравий иқлим ва вазиятни англамокчи бўлган киши, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини, аввало, маҳал-ла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имконига эга бўлади.

Гоявий тарбия мезонларидан яна бири илму маърифат, таъ-лим-тарбия бўлиб, уларга инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови сифатида қаралган. Келажак пойдево-ри билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, ҳалқнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиқкан ҳолда, фарзандларни муста-қил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш иши таълим-тарбия соҳаси-нинг асосий мақсади ва вазифаси бўлиб қолади. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олйб боришни талаб этади.

Таълим муассасалари Ўзбекистоннинг мустакил тараққиёт стратегияси, ўзбек ҳалқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаолари, миллий истиқлол ғояларини ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг устувор йўналишларига хизмат қиласи. Бу борада жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таъ-лим-тарбия, тарғибот-ташвиқотнинг самарали усул ва воситала-ридан оқилона фойдаланиш тақозо этилади. Бунда Кадрлар тай-ёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи-талабалар онгиде миллий ғоя ва миллий истиқлол мағкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш, таълим муассасаларида болалар ва талabalарнинг ёшига мос равишида миллий истиқлол мағкураси-ни сингдиришда дифференциал педагогик-психологик дастурлар яратиш, ўқув дастурлари, дарслик ва кўлланмаларда миллий истиқлол мағкураси ғояларини теран акс эттириш, мактаб, ли-

цеи, колледж, институт ва университетларда мафкуравий тарбия-ни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш, педагог кадрлар-нинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эга йўналишлардир.

Таълим-тарбиянинг ҳар бир босқичи, ўз навбатида, миллий гояларни ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг ўзига хос омил-ларини назарда тутади.

Мактабгача таълим муассасалари. Бу ўринда ҳар бир ота-она-нинг ўз фарзандининг мактабгача тарбияси унинг кейинги тараққиёт даврида қанчалик аҳамият касб этиши, бу давр узлуксиз таълим ва тарбиянинг муҳим босқичи эканини англаб этишига эришиш зарур. Бунда оиласининг мактабгача таълим муассасалари тизимиға изчил уйғунлашувига эришишни назарда тутиш керак. Бу даврдаги барча мактабгача таълим-тарбия муассасалари болалардаги умумий са-водхонлик ва мактабдаги таълим-тарбияга тайёрлаш жараёнининг муҳим ва зарурий босқичи сифатида қаралиши лозим.

Бевосита таълим берувчи муассасалар (мактаблар, лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўкув юртлари) мафкуравий тарбиянинг асосий ўчоқлари дидир. Уларнинг барчасида амалга ошириладиган мафкуравий таълим жараёнида, барча ўкув кўлланмалари ва дарс-ликлар, қўшимча адабиётларда қўйидаги омиллар устувор аҳамият касб этиши лозим. Шу билан бирга, Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш; она тилимизга муҳаббат уйғотиш, миллий қад-рияятларни хурмат қилиш ва эъзозлаш, эзгулик тимсоли бўлган аёлни улуғлаш, оиласининг ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашда-ги ролини кўрсатиш, маҳалланинг демократия дарсхонаси ва ўз-ўзини бошқариш мактаби эканини тушунтириш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, умуминсоний қадриятларнинг миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, дунёвий илмларга интилиш ва илгор маданиятни шакллантириш воситаси эканини уқтириш, дин ва дунёвий билимларнинг ўзаро қарама-қарши эмаслигини англашиб, маърифатнинг шахс интеллектуал салоҳиятини оширишдаги имкониятлари кенглигини исботловчи далиллар кел-тириш, сиёсий ва ҳуқуқий маданият соғлом дунёқарашнинг муҳим омили эканлиги тўғрисидаги маълумотларни кўпайтириш бу боардаги зарур билимларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмай-ди. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш ти-зимларини тубдан ислоҳ қилишга ниҳоятда катта эътибор қара-

тилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди. Уни амалга ошириш жараёнида мактаб таълими, айниқса, умумтаъ-лим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш кун тартибидаги энг муҳим ва жиддий масалага айланган эди. Ҳозирги кунда истиқлол даврида барпо этилган, барча шартшароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-хунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирда икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг-минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъоди ва сало-ҳиятини ёрқин намоён этаётган ёш кадрлар мисолида маънавият-нинг юксалишини кузатиш мумкин ва табиийки, бундай шароит-да гоявий тарбия мезонлари ҳам даврга мувофиқлашиб боради.

Гоявий тарбия мезонларидан бири **масъулият туйғуси** билан яшаш хиссиини шакллантиришdir. Масъулият одамнинг ҳар бир иши, фаолияти натижасини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда, унинг ўзи ва ўзгалар учун нима қила олишини, ўз бурчини англай олиш хусусиятидир. Масъулиятни ҳис қилган инсон ишни доимо пухта режалаштириб, унинг оқибатларини олдиндан тасаввур қиласи ва зарур натижага эришиш учун бутун кучи, салоҳиятини са-фарбар этишга қодир бўлади. Бу борада шахсий ва фуқаролик масъулиятининг уйгунлигини англаш лозим. Биринчиси - шахс-нинг кундалик фаолиятидан келадиган шахсий жиҳатни назарда тутса, иккинчиси — жамият манфаатларини назарда тутади, аммо улар бир-бирига мутлақо қарама-карши эмас. Фуқаролик масъу-лиягини ҳис этган инсон, энг аввало, ўзи меҳнат қилаётган жамоа ёки таълим олаётган ўқув даргохи, ўз маҳалласи ва юрти равна-қини ўйлади. Бугунги кунда мустақил Ватанимиз фуқаролари учун асосий мақсад Ватан равнақи, Ўрт тинчлиги ва Халқ фаро-вонлиги учун хизмат қилиш бўлса, демак, ҳар бир юртдошимиз фуқаролик масъулиятининг маъно-мазмунини ана шу гояларни амалга ошириш борасидаги фаолият белгилайди.

XX аср охирида Фарбда кенг тарқалган назариялардан бирига кўра, одамлар масъулият нуқтаи назаридан икки тоифага бўли-нади. Биринчи гурух ўз ҳаётида рўй беряётган воқеа ва ҳодиса-ларнинг сабабчиси, масъули деб факат ўзини тасаввур қиласи. Улар қўпроқ «Мен ўзим барча нарсаларга масъулман. Менинг ҳаётим ва ютуқларим факат ўзимга боғлиқ, шунинг учун ўзим учун ҳам, оилам учун ҳам ўзим жавоб бераман» деган фикрда бўлади. Иккинчи гурух эса барча воқеа, ҳодисаларнинг сабабчиси

ташқи омиллар, бошқа одамлар - ота-она, ўқитувчилар, хам-каслар, бошлиқлар, танишлар, кўни-кўшни, хуллас, масъули-ят менда эмас, бошқаларда деб хисоблайди.

Иккинчи хилдаги масъулият кўпроқ ўсминаларга хос бўлиб, уларнинг деярли 84 фоизи масъулиятни фақат бошқаларга юклашга мойил экан. Америкалик олим Дж. Роттер масъулиятни ўз зимма-сига олишга ўрганган болаларда хавотирлик, нейротизм, асабий-лашув, жаҳолат каби салбий сифатлар кам учрашини аниқлаган. Бундайлар хар кимнинг фикрига эргашиб кетавермасдан, кўп нар-сани ўзлари, ўз қарашлари асосида ҳал этади, масъулиятни ўзига олади. Кузатувчилар масъулиятни хис қилган болалар хаётга тай-ёр, фаол, эркин ва мустақил фикрловчи бўлиши ва уларда масъулият билан бирга, ўз-ўзини англаш, шахсий ғурур туйғулари ҳам юксак даражада шаклланишини кўрсатади. Шунинг учун ҳам мил-лий истиқлол ғояси руҳидаги масҷуравий тарбиянинг муҳим йўна-лиши сифатида ёшларда она-Ватан олдидағи бурч, ўз тақцири учун масъулият, маҳалла, меҳнат жамоаси, оила ва яқин кишилар ҳаёти учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялашдан иборат.

Замонавий дунёқараш, масъулият, иймон ва эътиқодни ёшлар онгига шакллантириш борасидаги ғоявий тарбиянинг бир қатор шартшароитлари ва омилларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ижтимоий муҳит ёшларда ээгу юяларга хизмат қиласиган соғ-лом эътиқод ва замонавий дунёқарашни шакллантириш учун му-хим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда бу борада улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ миллий қад-рияларимизни тиклаш, тарихимизни, бой маданий, илмий-ада-бий меросни холис ва чуқур ўрганиш, буюк аждодларимиз хоти-расини ёд этиш, ҳалқ маънавиятини юксалтиришга алоҳида эъти-бор берилмоқда. Бу борадаги ишлар мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди, ушбу йўналишдаги кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари, ёшларни қўллаб-қув-ватловчи жамғармаларнинг ташкил этилиши ўзига хос ижтимоий муҳитни шакллантириди. Бу эса, ўз навбатида, ёш авлоднинг буюк келажак бунёдкори бўлиб вояга етишишида муҳим ўрин тутмоқда.

Ёшлар тарбиясида Юртбошимиз томонидан илгари сурилган бунёдкор ғоялар тизими ва унинг асосида шаклланган миллий истиқлол ғояси муҳим аҳамиятга эга. Унинг энг асосий ғоялари бўлган — Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги, мил-

латлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик, комил инсон, диний бағрикенглиқ айнан келажагимиз бўлган ёшларнинг тарбияси учун хизмат қиласи. Ёшларни эзгу идеалларга ишонтириш, уларни шу мақсадларга эришиш йўлида уюштириш. сафарбар этишда бу гоялар улкан аҳамият касб этади. Чунки ёшларнинг халқимиз та-рихини билиши, ўзлигини англаши, рухи, қайфияти, ҳиссий ке-чинмалари ва омилкор фаолиятга шайлиги ана шу гояларга ишончи асосида шаклланади. Бу, ўз навбатида, бугунги авлоднинг хаётда рўй бераётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур идрок этиб, ўзини долзарб вазифаларни бажаришга сафарбар этишига ёрдам беради.

Сиёсий онг ва ҳуқукий маданиятнинг ўсиши бу борада мухим аҳамият касб этади. Айнан ана шу йўналиш мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш, фуқаролик жа-миятини ривожлантиришга хизмат қиласи. Бунда давлат ва жа-моат ташкилатлари, айниқса, сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда аҳамияти катта. Улар ўз фаолияти билан фикрлар хилма-хилли-ги ва қарашлар ранг-баранглигига асосланган демократик жамият барпо этиш гоясининг амалга ошишига хизмат қиласи. Ўзбекис-тондаги ҳар бир партия ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқа-риш учун ҳуқукий асос ва қонуний кафолатларга эга. Фуқаролар учун қайси сиёсий партиянинг қарашларига қўшилиш ёки қўшил-маслик ихтиёрий бўлиб, бундай эркинлик ёшларни фикрлашга, ўзича мустақил йўл танлашга хизмат қиласи. Ҳар бир партия-нинг ўз дастурий гояларини хаётга татбиқ этиш жараёнида мил-лий истиқлол мағкурасининг асосий тамойилларига амал қили-ши хаётнинг бош мезонидир. Чунки ҳалқ манфаатлари, истиқлол гоялари, қайси сиёсий ва мағкуравий кучга мансублигидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун муқаддасдир. Бу аслида том маънодаги сиёсий маданиятнинг белгисидир.

Ёшларнинг билим даражасини ошириш гоявий тарбиянинг илмий-назарий асосларини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун ёшларнинг билим ва малакасини оши-ришга қаратилган гарихий хужжатлардир. Улар ҳар бир ёшнинг билим даражасини оширишга, дунёқарашини кенгайтиришга хиз-мат қиласи. Агар ўсмир ёки ўспиринда ёшлиқдан китобга, билим-га меҳр шаклланмаган бўлса, унинг билими саёз, тушунчалари тор б'лса, у соглом гояни заарли гоядан, дунёвийликни дахрий-ликдан, зиёни жаҳолатдан фарқлай олмайди. Гоявий соғломлик

хар кандай ғайритабиий фикрларга муносиб жавоб беришни, ёт ва зарарли ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни, турли ақидапаастлар билан асосли ва танқидий мунозара олиб бориш-ни, ўз нуқтаи назарининг тўғрилигига ишонч-эътиқод туйгусини камол топтиришни тақозо этади.

Замонавий тафаккур шаклланиши мафкуравий тарбия ва ғоявий янгиланишлар жараёнининг муҳим хусусиятидир. Таъкид-лаш лозимки, инсон ўзи учун одатий бўлиб қолган фикрлаш тар-зидан осонликча воз кечолмайди, чунки эскича фикрлаш бир қарашда кулай бўлиб кўринади. Буни арифметикадаги мантиқ би-лан алгебрадаги мантиқ қоидасига қиёслаш мумкин. Арифметика-ни ўзлаштирган бола алгебрадаги айният, теоремаларни руҳан кийналиб қабул қилгани каби, инсон тафаккури ҳам ижтимоий ҳаёт ўзгаришларини бирдан қабул қиломайди. Лекин янги давр, янгича ислоҳотлар, демократия, бозор муносабатлари айнан тафаккур ва фикрдаги ўзгаришларни тақозо этади. Зеро, бу ривожланишнинг, тараққиётнинг асосий шартидир. Шунинг учун мил-лий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларининг кенг омма қалби ҳамда онгига сингиши бирданига, тез ва бир текисда рўй бермайди. Бу - мураккаб, босқичма-босқич амалга ошадиган жа-раён бўлиб, унда, бошқа ижтимоий қатлам вакилларидан фарқ-ли ўлароқ, ёшлар ташаббускорлик кўрсатиши, ўз дунёқарashi ва эътиқоди билан бошқаларга таъсир кўрсатиши керак.

Мулоқот маданиятини шакллантириш ҳам ғоявий тарбияда ўз ўрнига эга. Зеро, у инсонга хос маънавий эҳтиёж бўлиб, ҳар бир кишидаги умумий маданий савиянинг муҳим кўрсаткичидир. Инсон ўзининг ҳис-туйғулари, ички кечинмалари, ўй-фикрларини бево-сита мулоқот жараённида намоён қилади. Мафкуравий тарбиянинг энг таъсирчан воситаларидан бири ҳам мулоқот ҳисобланади. Чун-ки инсон қалбida, онгига шаклланган дунёқараш, эътиқод, иймон, виждон, масъулият каби фазилатлар тарбиясида радио-телевиде-ние, газета-журналлар, бадиий ҳамда илмий адабиётнинг ўрнини эътироф этган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, юзма-юз кечадиган фикр алмашув, инсоннинг юзи ва кўзига қараб туриб айтиладиган бамаъни сўз ва хиссиётларнинг ўрни бекиёс. Шу боис аудитория-ларда ўқитувчи ва ўқувчи, талаба ва домла ўртасидаги мулоқотга таълим-тарбия жараённида катта аҳамият берилади. Оилада ота-она, қайнона-келин, қариндош-уруғлар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри, уларнинг мақсадга мувофиқлиги, муносабатлардаги самимият даражаси ҳам ёшларда соғлом фикрнинг, шарм-ҳаё,

мехр-оқибат, иффат, ибо, назокат, лафз, масъулият каби ижо-бий фазилатлар ва интеллектуал сифатларнинг намоён бўлишига замин ҳозирлайди. Бу хол меҳнатга тўғри муносабат, ҳалоллик, катталарни хурмат қилиш, кичикларни эъзозлаш, аяш, урф-одат-ларни муқаддас билиш жараёнида амалга ошади. Бундай сифат-ларни ўзлаштира олган ҳар бир ўғил-қизда оиласпарварлик, юрт-парварлик сифатлари ривожланиши мукаррар.

Хозирги даврда бу борада ижтимоий фанларнинг маъно-маз-муни ва уларни ўқитиши технологияларини такомиллаштиришни, ёшларни мустақил фикрли бўлишига, ижобий ўзгаришларга бе-фарқ бўлмаган, чуқур билимларга интилиб яшашига ўргатишни тақозо этади. Таълим жараёнида ижтимоий тренинг машғулотла-рининг миллий менталитетга мос шаклларидан самарали фойда-ланиш тарихий ва маданий меросни чуқур ўрганиш билан бир каторда илгор, замонавий билимлар эгаси бўлишига интилишнинг ошишига туртки бўлади. Таълим муассасалари учун ўкув қўллан-маларидан тортиб, синфлар ва аудиторияларгача барчасини ғоявий таълим берувчи ижтимоий рекламалар билан куроллан-тириш мақсадгага мувофиқдир. Ёшлардаги соғлом дунёкараш ва илмга иштиёқни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш имкониятла-ридан тўла фойдаланиш ва жамиятнинг кенг қатламлари вакил-ларини таълимтарбияни такомиллаштириш ишига сафарбар этиш зарурати сақланиб қолмоқда.

Хуллас, ғоявий тарбия, бу йўналишдаги тарғибот ва ташви-қот жараёни мураккаб, кўп босқичли, ўта масъулиятли бўлиб, унинг таъсирчанлигини муттасил ошириб бориш зарур. Бу эса, ўз навбатида, таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқотнинг замонавий усусларини амалиётда қўллаш, миллий истиқлол ғоясига ишонч-ни мустаҳкамлаб бориш, ушбу йўналишдаги ишларнинг самара-сини оширишга ёрдам беради. Энг муҳими, ҳар биримиз мамлака-тимизда жисмонан соғлом ва маънан баркамол, билимли ва ма-лакали ёшларни вояга етказиш учун бутун кучимизни сафарбар этиш бугунги куннинг талаби эканини чуқур англамогимиз ва бу йўлда фаол ҳаракат қилмогимиз лозим.

Хулоса

Ғоялар фалсафаси мамлакатимизда эндигина ўз ўрнини топиб бораётган фанлардан биридир. Бугунги кунда унинг турли масалаларини хар томонлама ўрганиш, гоя ва мафкуралар амалиёти-нинг ўзига хос хусусиятларини янада чуқурроқ таҳлил қилишга эхтиёж сезилмоқда. Бу борада гоя ва мафкура соҳасининг тарақ-қиёт босқичлари, ўтмишдаги оқимлар ва мактаблар, уларнинг шу соҳадаги назариялари ва таълимотлари, Ғарб ва Шарқ циви-лизациясининг бу билан боғлиқ тушунча ва тамойилларини қиёсий ўрганиш каби масалалар муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги даврдаги глобал муаммолар, яъни ер юзида ялпи тинчликни сақлаш, термоядро уришининг олдини олиш ва адолатли хал-қаро иқтисодий тартибот ўрнатиш, атроф мухитни самарали мухо-фаза қилиш, аҳоли сони ва таркиби билан моддий ва маънавий неъматлар яратилиши мутаносиблигига эришиш жаҳон ахолисини зарур озиқовқат ва қувват манбалари билан ишончли таъминлаш, очлик, қашшоқлик ва қолоқликни тугатиш, маънавий мухит соф-лигини таъминлаш билан боғлиқ ғояларнинг ўрни ва аҳамиятини илмий нуқтаи назардан ўрганиш ҳам долзарб вазифага айланди.

Ижтимоий тараққиётга цивилизацияли ёндашув, Ўзбекистон-нинг турли цивилизациялар бешиги эканлиги, бошқа цивилиза-циялар билан ўзаро таъсири масаларини ўрганиш ниҳоятда муҳим. Инсоният ҳаётининг барча соҳаларидаги ахборот инқилоби-ни, ахборотлашган жамият белгиларини, Интернет тармогининг шаклланиши ва инсоният онги ва тафаккурига, ғоялар дунёсига таъсирини илмий изоҳлаш ҳам асосий вазифаларидир. Бугунги кунда фаннинг барча соҳалари каби, ғоялар фалсафасида ҳам бир томонламалиқдан холи бўлган цивилизацион ёндашув инсон оми-лини, унинг онги, тафаккури, ақл кучи билан боғлиқ масалалар-ни барча жараёнларнинг марказига айлантириди.

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида ўтмиш авлод-аждодлари-мизнинг ғояларини ўрганишга етарли эътибор берилмади. Ўша давр-да баъзи мутафаккирларнинг мероси ҳақидати асарларда мутафаккирларимизнинг дунёқарashi кўпроқ коммунистик мафкура ва синфийлик нуқтаи назаридан ёритилган эди. Алломаларимизнинг ғояла-ри ва маънавий меросини ҳозирги куннинг талаби асосида, тари-хийлик, илмий холислик тамойиллари асосида кенгроқ тарғиб этиш зарурати ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда..

Авлод-аждодларимизнинг миллий ва умуминсоний ғояларга бой мероси ҳозирги вақтда халқимиз маънавий камолотида му-

хим манба бўлиб хизмат қилиши аниқ. Ушбу манбанинг ғоялар фалсафаси нуқтаи назаридан чуқур тадқиқ қилиниши мамлака-тимизда ушбу соҳадаги қарашларнинг генезиси, қадимдан то ҳозиргача даврдаги ривожланиш диалектикаси ҳақида яхлит маълумот беради. Бу эса ҳозирги вақтда бутун дунёда катта оғат келтираётган бузгунчи ғоялар, улар асосида шаклланган турли гараз ниятли оқимлар ва харакатлар, мафкуравий таҳдидларга, терроризм, ақидапарастлик ва хурофотга қарши курашда ёрдам бериши шубҳасиз.

Миллий ғоянинг ривожи, тафаккуримиздаги ўзгаришлар ҳам кўп жиҳатдан мамлакатимиз тараққиёти билан узвий боғлиқ Ўзбек-қистон Республикасининг мустақилликка эришуви унинг умумсайё-равий ғоялар ва мафкуравий жараёнлар оқимиға қўшилишига им-коният туғдирди. Шу боис, жаҳон тараққиётида Ўзбекистоннинг ўрни, унинг ривожида «Ўзбек модели»нинг аҳамияти, мамлакати-мизда янги ғоялар тизимининг вужудга келишидаги ўзгаришлар, ҳаётни эркинлаштириш, мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалаларини ҳар томонлама ўрганиш зарур. Бу борадаги долзарб вазифалар орасида Ўзбекистоннинг мустақиллиги даврида юрти-мизда амалга оширилган туб ўзгаришлар, ислоҳотлар жараёнини таҳлил қилиш асосда амалиёт учун зарур хуласа ва таклифлар ишлаб чиқиш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида жамиятимиз аъзоларининг дунёқа-раши, фикрлаш тарзида ғоя ва мафкурага нисбатан муносабати-да теран ўзгаришлар рўй берди. Халқимизни бирлаштирадиган, бунёдкорлик фаолиятига сафарбар этадиган, унинг эзгу мақсад-лари ва ҳаётий манфаатларини ўзида ифодалайдиган миллий ис-тиқбол ғояси ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётимизнинг муҳим шарти бўлиб қолди. Бу ғоя жамиятимиз ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларга етишиш, бегона ва ёт ғояларнинг хуружи-дан химояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказишга ёрдам беради-ган маънавий омилга айланди. Бугунги кунда миллий истиқбол ғоясининг таъсирчанлигини янада ошириш, ушбу жараённинг са-марасини таъминлайдиган имкониятларни излаб топиш шу соҳа-даги устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятини ташкил қиласи.

Жамият ҳаётини янгилашда, энг аввало, маънавий қадрият-ларни тўғри баҳолай олишни, сохта "қадрият"лардан ёки тари-хан эскирган, ўзидаги бунёдкорлик ва ижобий салоҳиятни сарф-

лаб бўлган жиҳатлардан ҳақиқий ҳаётбахш қадриятларни ажра-та олишиň ўрганиш лозим. Бирор-бир қадриятга баҳо беришда унинг мамлакатимиз мустақил тараққиётининг сиёсий, иқтисо-дий, ижтимоий ва маънавий асосларини қай даражада мустаҳ-камлай олиши, халқимизнинг ривожланган мамлакатлар даража-сига эришиши билан боғлиқ талаблар бош мезонга айланганини унутмаслигимиз лозим. Бу йўналишда турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва харакатларнинг ўзига хос орзу-интилишларини уйғунлаштирувчи ғоялар — Ватан рав-нақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги — барча юртдошлари-миз учун муқаддас мақсадга айланишига эришиш ҳамда кўппар-тиявийлик ва плюрализм тамойилларига риоя қилган ҳолда мил-лий ҳамжиҳатлик ҳамда ижтимоий шерикчиликни янада мустаҳ-камлашга алоҳида аҳамият бериш давр талабига айланди.

Хуллас, ғоялар фалсафасининг бугунги долзарб масалалари жаҳон ва ватанимиз ҳаётига доир бой маънавий мерос, ҳозирги даврга хос мафкура соҳасидаги қарашлар, назариялар ва таъ-лимотларнинг тавсифи, турли ғоялар таъсири ва тажовузидан ҳимоя-ланиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзига хос тарақ-қиёт йўлининг объектив қонуниятлари, халқимиз ҳаёти ва та-факкурида рўй берадиган ўзгаришлар, аҳоли, айниқса, ёш ав-лод қалби ва онгида бунёдкорлик тамойилларига садоқат туйғу-ларини шакллантириш вазифаларига асосланади.

Юртбошимиз томонидан яратилган "Мамлакатимизда демокра-тик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти-ни ривожлантириш Концепцияси"нинг мазмун-моҳиятини аҳоли-нинг барча қатламлари онги ва қалбига сингдириш ушбу жараён-нинг таркибий қисмидир. Бу эса мазкур соҳадаги вазифаларни амалга ошириш борасида ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди. Мамлакатимиз ва халқимиз олдида турган мухим вазифаларни бажариш, эл-юртга фидойи ва садоқатли, ҳақиқий ва-танпарвар, чуқур билимли ва маънан баркамол шахсларни тарбия-лаш бу борада хизмат қиласиган маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари, зиёли ва хизматчилар, ўқитувчилар ва мутахассис-лар, умуман, барчамизнинг муқаддас бурчимизга айланди.

бс
ле
ни
эз
к1
ши
лп
ўј
лј
ю
Ф
н
(
зи
օ
л
и
н
ц
х
н
ц
т
;
к
т
л
н
м

д

Рх

Мундарижа

Кириш.....	3
1-боб. Гоялар фалсафаси фанининг мазмун-моҳияти, шаклланиши ва такомил босқичлари.....	6
1-мавзу. Гоялар фалсафаси фанинияг мавзулари, мақсади вавазифалари	6
2-мавзу. Гоялар фалсафасининг тарихий илдизлари, маънавий ва фалсафий асослари	16
2-боб. Гоялар фалсафаси фанининг тушунчалари, категориялари ва конунлар тизими	28
3-мавзу. Гоялар фалсафасининг тушунчалари, категориялари ва конунлари	28
4- мавзу. "Фой" категорияси, унинг намоён бўлиш шакллари ва хусусиятлари	39
5- мавзу. "Мафкура" категорияси яамоён бўлиш шаклларива тамойиллари	50
6-мавзу. Фоя ва мафкуранинг функциялари, мақсад ва вазифалари.....	59
3-боб. Бунёдкор ва вайронкор гоялар, уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари.....	73
7-мавзу. "Бунёдкор гоялар" тушунчаси, унинг амал килиш хусусиятлари	74
8-мавзу. Миллий тоя ва глобаллашув муаммолари	94
9-мавзу. "Вайронкор гоялар" тушунчаси, унинг намоён бўлиш хусусиятлари.....	111
4-боб. Гоялар фалсафасининг назарий ва амалий масалалари.....	133
10-мавзу. Мафкура соҳаси ва "идеосфера" тушунчаси	133
11-мавзу. Мафкуравий онг, фоя ва мақсад, идея ва идеал	148
12-мавзу. Мафкуравий фаолият ва тояларниг амалга ошишжараёни	165
13-мавзу. Мафкуравий кураш ва тоявий зиддиятлар	174
14-мавзу. Фоявий таҳдид ва мафкуравий бузгунчилик	184
15-мавзу. Мафкуравий инқироз ва юявий бўшлик	195
16-мавзу. Мафкуравий профилактика ва гоявий иммунитет	212
17-мавзу. Мафкуравий таъсир ва ғояга ишончни шакллантириш	221
5 - боб. Ижтимоий тараққиёт ва ҳозирги давр, мустақиллик ва гоялар тизимининг ўзгариши.....	234
18-мавзу. Ижтимоий тараққиёт ва гоялар тизими	234
19-мавзу. Дунёнинг мафкуравий маизараси ва давр янинг тафakkур услуги	255
20-мавзу. Минтақавий муносабатлар ва мафкуравий жараёнлар.....	271
21-мавзу. Мустақиллик ва янги ғоялар тизимининг шаклланиши	282
22-мавзу. Миллий истиқлол ғояси — мустақилликни ^густаҳкамлаш омили	301
23-мавзу. Фоявий тарбия ва замонавий тарғиботнинг долзарб масалалари	316
Хулоса	328

Қиёмиддин Назаров

ҒОЯЛАР ФАЛСАФАСИ
тажрибавий қўлланма

Акасгуша
Тошкент 2011

Мухаррир *Б. Умаров*
Мусаххих *М. Абдултемет*
Рассом *Д. Дўапмуҳамедов*
Техник мухаррирлар *Н. 1%урбопова, А. Абдасов*
Нашр учун масъул *Д. К^обулова*

Нашриёт лицензияси А1 № 117. 06.10.08.
Теришга берилди 12.11.10. Босишига руҳсат этилди 15.01.11.
Бичими 60x90У_{1в}. Офсет босма. Шартли босма табоғи 20.75. Нашриёт
хисоб табош 20.75. Адади 1000 Баҳоси шартнома асосида.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8,
Катортол кўчаси, 60.

